«KAMOLOT» KUTUBXONASI

Жейн Остин

Андиша ва ғурур

«KAMOLOT» KUTUBXONASI

Жейн Остин

Андиша ва ғурур

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2014

Kitobxon.Com

УЎК: 821.111-3
КБК: 84(4Инг л)
О-38

Остин, Жейн/Андиша ва ғурур. – Т.:Янги аср авлоди, 2014 йил. – 404 бет.

ISBN 978-9943-27-270-5

Жейн Остин «Андиша ва ғурур» («Гордость и предубеждение») асарида қишлоқ дворянининг қизи Элизабет Беннет билан ўзининг келиб чиқиши, бойлиги ила мағрур бой помешчикнинг ўғли Фицуильям Дарси ўртасидаги саргузаштларни ҳикоя қилади. Асар 1813 йилда нашр қилиниб, адабиёт дунёсида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ушбу асар ҳақида ўша пайтдаги «Британия танқидчиси» журнали шундай ёзган эди: «Асар шу пайтгача ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган бу турдаги ҳамма романлардан юқори туради». Умид қиламизки, мазкур асар ҳурматли ўзбек китобхонларига ҳам манзур бўлади.

УЎК: 821.111-3
КБК: 84(4Инг л)

Таржимон:
Муҳаббат ИСМОИЛОВА

Масъул муҳаррир:
Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

Мазкур таржима асар «Жаҳон адабиёти» журналининг 2014 йил 5-, 6-, 7-сонларида чоп этилган.

ISBN 978-9943-27-270-5
© Жейн Остин, «Андиша ва ғурур». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

Kitobxon.Com

МУАЛЛИФ ВА МУТАРЖИМ ҲАҚИДА СЎЗ

Жейн Остин инглиз адабиётининг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг ёзган асарлари, орадан икки аср ўтиб кетган бўлишига қарамай, ҳамон ўз ижтимоий-бадиий долзарблигини йўқотмаган. Ёзувчининг миллатдошлари ва мухлислари ҳанузгача уни «Бизнинг Жейн» дея фахру ифтихор билан тилга олишади. Ёзувчининг асарлари кенг китобхонлар оммаси томонидан эътироф этилган бўлиб, улар мазмун ва ифодаси ҳамда сюжетининг соддалиги, самимийлиги, қизиқарлилиги, бадиий тилининг латифлиги билан китобхонлар қалбини ўзига ром этган.

Режиссёрлар Жейн Остин асарлари асосида фильм суратга олишни ўзлари учун ифтихор деб билишади. Табиийки, бу асарлар асосида яратилган фильмлар кино санъатининг табиат манзараларига бой бўлиш, асар ёзилган даврдаги кийиниш маданиятини акс эттириш, миллий муомала маданияти (этикети)ни ифодалаш, ўша даврдаги Англия руҳини кўрсата олиш каби қатор талабларга тўла жавоб беради. Улар ёзувчи асарларининг ноодатий атмосферасини тўлиқ очиб бера олади.

Жейн Остин 1775 йил 16 декабрда Хэмпшир графлигидаги Стивентон шаҳарчасида туғилган. Оиладаги саккиз фарзанднинг еттинчиси бўлган. Ота-онаси ўқимишли ва кенг дунёқарашга эга инсонлар бўлиб,

Kitobxon.Com

ёш Жейн вақти-вақти билан мактабга қатнаган бўлсада, асосий таълимни уйида олган.

Ёзувчининг шахс сифатида шаклланиш жараёнлари оиласидаги маърифий муҳитда – китоблар орасида, китоблар ҳақидаги суҳбатлар мобайнида, ўқилган асарларнинг жўшқин ва таассуротларга бой муҳокамалари асносида ўтади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Жейннинг ота-онаси жуда китобсевар ва маърифатпарвар инсонлар эдилар. Шундай инсонлар эътибори ва алоҳида тарбияси сабаб ўлароқ, ёш Жейн жуда эрта ижод жараёнига киришади, 14 ёшлариданоқ бадиий асарлар ёзишни бошлайди. Унинг ижоди ҳақида тадқиқот олиб борган олимлар Жейн Остиннинг ёзувчилик фаолиятини икки даврга бўлиб ўрганишади:

1. Ёзувчи ижодининг илк даврида ёзилган асарлар: «Ҳиссиёт ва ҳиссиётга берилиш» («Чувство и чувствительность»), «Андиша ва ғурур» («Гордость и предубеждение») ва «Нортенгер аббатлиги» («Нортенгерское аббатство»).

2. Ёзувчининг етуклик даврида ёзган асарлари: «Менсфилд-парк», «Эмма» ва «Идрок асослари» («Доводы рассудка»).

Жейн Остин ўз асарларини ёзувчининг вазифалари тўғрисидаги тасаввурлари ва қатъий принципларидан келиб чиқиб, фақат ўзининг ҳаётий тажрибаларидан билганларигагина асосланиб ёзади.

Ёзувчи «Андиша ва ғурур» («Гордость и предубеждение») асарида қишлоқ дворянининг қизи Элизабет Беннет билан ўзининг келиб чиқиши, бойлиги ила мағрур бой помешчикнинг ўғли Фицуильям Дарси ўртасидаги саргузаштларни ҳикоя қилади. Асар 1813 йилда нашр қилиниб, адабиёт дунёсида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ушбу асар ҳақида ўша пайтдаги «Британия танқидчиси» журнали шундай ёзган эди: «Ушбу асар шу пайтгача ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган бу турдаги ҳамма романлардан юқори туради».

Умид қиламизки, мазкур асар ҳурматли ўзбек китобхонларига ҳам манзур бўлади.

Асарнинг таржимони ҳақида икки оғиз сўз. Таржимон Муҳаббат Исмоилова 1951 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У 1969–1974 йиллар давомида Тошкент Давлат Чет тиллар институтининг инглиз филологияси факультетида таҳсил олган. 1976 йилдан 1985 йилгача шу институтда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1987 йил йилдан 1997 йилгача Тошкентдаги 48-умумтаълим ўрта мактабининг рус синфларида ўзбек ва инглиз тилларидан дарс берган. 1997 йилдан шу кунгача ТТЕСИ қошидаги академик лицейда катта ўқувчи лавозимида ишлаб, ёшларга инглиз тилидан сабоқ бериб келмоқда.

Муҳаббат Исмоилованинг оиласида кўптиллилик, айниқса, инглиз тилида сўзлашиш муҳити муҳайё эди. Бунга унинг умр йўлдоши, ўз соҳасининг атоқли тилшунос алломаси, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ректори лавозимида фаолият юритган Абдулла Исмоиловнинг инглиз тили ва адабиётининг ноёб мутахассислиги ҳамда ижодга хайрихоҳ олижаноб инсон эканлиги шароит яратган эди. Бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига бадиий таржима билан шуғулланиш бу инсонларнинг орзулари эди.

Муҳаббат Исмоилова бадиий таржима билан кейинги йилларда жиддий шуғуллана бошлади. 2009 йили «Жаҳон адабиёти» журналининг май ойи сонида Агата Кристининг «Тикувчининг хатоси», «Устаси фаранг ўғрилар» ҳикоялари, 2010 йилда «Ўзбекистон матбуоти» журналининг 1- ва 2-сонларида юқоридаги ёзувчининг «Клапамлик ошпазнинг йўқолиши», 2010 йилда «Аъло кайфият» журналининг 10-сонида инглиз ёзувчиси Жером К. Жеромнинг «Миссис Корнернинг пушаймони» ҳикоялари таржималари босиб чиқарилгани таржимон ижодий тажрибасининг дастлабки натижаларидир. Жаҳонга машҳур инглиз адибаси Жейн Остиннинг «Андиша ва ғурур» асари таржимонимиз

қўл урган биринчи йирик асардир. Шунинг учун, таржимада учраши мумкин бўлган хато ва камчиликлар учун зийрак ўқувчиларимиздан олдиндан узр сўраймиз. Ўйлаймизки, таржимонимизнинг бадиий услуби ва маҳорати асардан-асарга тобора сайқал топиб боради ҳамда ўзбек китобхонларини ҳали дунё адабиётининг кўп нодир намуналаридан баҳраманд этади.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

Биринчи бўлим

Ушбу меҳнат маҳсулини бир аёл эришиши мумкин бўлганчалик ҳам бахт берган, ҳам тахт берган фарзандларим отасига бағишлайман.

Таржимон

I БОБ

Қўлида пули бор балоғатга етган ҳар бир йигит ўзига қаллиқ топиши кераклиги ҳаммага маълум. Агар шундай одам янги жойга кўчиб келадиган бўлса, ҳали ҳеч ким унинг режаларидан хабардор бўлмай турибоқ, юқоридаги ҳақиқат унинг яқин-атрофида яшайдиган қўшниларнинг эс-ҳушини шунчалик эгаллаб оладики, унга шу заҳотиёқ атрофдаги бирорта қўшнининг қизи учун қонуний ўлжа, деб қарай бошлашади.

– Азизим мистер Беннет, – деди бир куни миссис Беннет эрига. – Незерфилд парк энди ахири бўш турмаслигини эшитдингизми?

Мистер Беннет ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтди.

– Лекин шундаймиш, – давом этди аёл. – Бу янгиликни ҳозиргина миссис Лонг кириб айтди.

Мистер Беннет индамади.

– Янги қўшнимиз ким эканлигини билишни хоҳлайсизми? – сабрсизлик билан яна сўради хотини.

– Агар шуни менга жуда айтгингиз келаётган бўлса, унда эшитишга тайёрман.

– Унда эшитинг, азизим, – давом этди миссис Беннет. – Миссис Лонгнинг айтишича, Незерфилдни шимолий англиялик жуда ҳам бой бир йигит ижарага олганмиш. Душанба куни у тўртта отга қўшилган

каретада келиб поместьени кўрибди ва жой унга шунақа ёқиб кетибдики, ўша заҳотиёқ мистер Моррис билан ижара ҳақида келишиб олибди. Ўша йигит михайлово кунигача кўчиб келмоқчи эмиш, келаси ҳафтанинг охирларида эса хизматкорларидан кимдир келаркан.

– Ўша йигитнинг исми нима экан?

– Мистер Бингли.

– Уйланган эканми ёки бўйдоқми?

– Бўйдоқ, азизим, ҳамма гап шунда-да – бўйдоқ! Йилига тўрт ёки беш минг даромад топадиган бўйдоқ?! Бизнинг қизларимиз учун жуда ҳам қулай имконият-а?!

– Қанақасига? Бунинг бизга нима алоқаси бор?

– Азизим мистер Беннет, – деди миссис Беннет, – бугун сизни тушуниб бўлмаяпти. Мен у йигитнинг қизларимиздан бирига уйланиши мумкинлигини назарда тутаётганимни албатта тушунаётган бўлсангиз керак.

– Ҳм-м, унинг режалари шундай эканми?

– Режалари! Баъзан жуда гапириб қўясиз-да! Лекин ахир, у қизларимиздан бирини севиб қолиши мумкин-ку! Шунинг учун, у бу ерга кўчиб келиши билан сиз, албатта, уникига ташриф буюришингиз керак.

– Очиғини айтсам, мен бунинг учун етарли асос кўрмаяпман. Сиз ўзингиз қизлар билан бора қолинг. Ёки ундан ҳам яхшиси – уларнинг ўзини юбора қолинг. Бўлмаса у яна сизнинг ўзингизни ёқтириб қолиб ўтирмасин, ахир сиз ўзингиз ҳам чиройда қизларимиздан қолишмайсиз-ку!

– Азизим, мени мақтаб юбордингиз. Чиндан ҳам, қачонлардир мен ҳам келишгангина эдим. Афсуски, ҳозир ўзимни гўзаллар қаторига қўша олмайман. Бешта бўйи етган қизи бор аёл ўзининг чиройи тўғрисида ўйлашга ҳам вақти бўлмайди.

– Бу ёшда, одатда, аёлларда улар бош қотириши мумкин бўлганчалик гўзаллик қолмаса ҳам керак.

– Лекин, азизим, бари бир, мистер Бингли бу ерда пайдо бўлиши билан сиз уникига ташриф буюришингиз керак.

– Бундай қилмасам керак.

– Ахир қизларимиз ҳақида ўйласангиз-чи! Тасаввур қилинг-а, уларнинг биридан қутулган бўламиз! Мана кўрасиз, сэр Уильям билан леди Лукас Незерфилдга югуриб келишади. Нима учун деб ўйлайсиз? Албатта қизлари Шарлоттани деб! Биласиз-ку, одатда улар бегоналарникига бекорга бориб юришни кўп ҳам ёқтиришмайди. Нима бўлса ҳам сиз у ерга, албатта, бориб келишингиз керак бўлади – ахир биз ўзимизча бора олмаймизку!

– Жуда нозик табиатсиз-да. Менимча, мистер Бингли сизлар билан кўришганидан хурсанд бўлса керак. Хоҳлайсизми, мен энг ёқтирган қизимизни унга турмушга беришимизни ваъда қилиб хат ёзиб, сиздан бериб юбораман? Албатта, кичкинтойим Лиззи ҳақида икки оғиз яхши гап қўшиб қўйишим ҳам керак бўлади.

– Бундай қилмассиз деб умид қиламан. Лиззининг бошқа қизларингиздан ортиқ жойи йўқ. У Жейнчалик чиройли ҳам эмас ва Лидиячалик кўнгилчан ҳам эмас. Лекин сиз ҳар доим уни ортиқроқ деб ҳисоблайсиз!

– Менинг қизларимдан бирортаси ҳам бирор нарсада ажралиб турмайди, – жавоб берди мистер Беннет. – Уларнинг бари бу ёшдаги ҳамма қизлардек тентак ва оми. Шунчаки Лиззи ўзининг опа-сингилларидан кўра маънилироқ.

– Мистер Беннет, қандай қилиб сиз ўз қизларингизни шундай деб ҳақорат қиляпсиз? Менинг жаҳлимни чиқариш сизга ёқади-а? Албатта, менинг асабларим билан сиз бошингизни қотирармидингиз?

– Азизам, сиз янглишяпсиз. Мен асабларингиз билан ҳисоблашишга ўрганиб қолганман. Ахир улар менинг эски дўстларим-ку – сиз йигирма йилдан бери менга улар ҳақида гапириб келяпсиз.

– Оҳ, менинг қанчалик азоб чекишимни сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз.

– Умид қиламанки, сиз бу атрофда йилига тўрт минг даромад оладиган йигитчалар пайдо бўлгунча яшаб берасиз.

– Улар йигирмата бўлсин, аммо сиз уларникига боришдан бош тортар экансиз, бундан нима фойда?

– Агар уларнинг сони йигирматага етса, азизам, мен албатта битта боришда уларнинг ҳаммасини кўриб келаман.

Мистер Беннетнинг табиатида ақлининг ўткирлиги ва истеҳзога мойиллик, писмиқлик ва бир оз шошқалоқлик каби хислатлар шунчалик аралашиб кетгандики, у билан бирга яшаган йигирма уч йиллик ҳаёти давомида хотини унга мослаша олмаган эди. Аёлнинг табиатини тушуниш эса анча осон эди. У кайфияти тез-тез ўзгариб турадиган, жуда ҳам фаросатли бўлмаган саводсиз бир аёл эди. Агар у бирор нарсадан хафа бўлса буни ўзининг асаби чатоқлигидан деб билар, ҳаётдаги у энг асосий мақсади қизларини турмушга чиқариш бўлиб, ягона қизиқиши эса меҳмондорчиликларга юриш ва янгиликлар эди.

II БОБ

Нима бўлса-да, мистер Бинглини биринчилардан бўлиб, мистер Беннет кўргани борди. Очиғини айтганда, у хотинига ҳеч ҳам бормайман дегани билан, у ерга боришни ўзи аллақачон режалаштириб қўйган бўлиб, хотини эса охирги дақиқагача унинг режасидан бехабар қолганди. Воқеа мана бундай эди: мистер Беннет иккинчи қизининг шляпасини тасмалар билан безатаётганини кузатиб турар экан, тўсатдан деди:

– Лиззи, умид қиламанки, бу мистер Бинглига ёқади.

– Незерфилдга бормас эканмиз, мистер Бинглига нима ёқиш, нима ёқмаслигини ҳеч қачон билолмаймиз, – деди алам билан миссис Беннет.

– Онажон, биз уни балда учратишимизни ёдингиздан чиқарманг, – деди Элизабет, – миссис Лонг бизни таништириб қўйишга ваъда берган.

– Йўқ, миссис Лонг ўлиб қолса ҳам бундай қилмайди. Унинг ўзининг иккита жияни бор-ку. Ўша иккиюзламачи ва фақат ўзини ўйлайдиган аёлни кўргани кўзим йўқ.

– Мен ҳам, – деди мистер Беннет. – Шундай муҳим нарсада сиз унга боғлиқ эмаслигингиздан хурсандман.

Миссис Беннет эрига жавоб қайтаришни лозим топмади, лекин жаҳлини ҳам боса олмай, қизларидан бирига ёпиша кетди:

– Худо ҳақи, Китти, бунақа йўталмагин! Менинг асабларим ҳақида бир оз ўйласанг-чи!

– Бизнинг Киттимиз ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди, – деди мистер Беннет. – Қачон қарама бевақт йўталади.

– Маза қилганимдан йўталмаяпман-ку, – хафа бўлди Китти.

– Лиззи, кейинги бал қачон бўлади?

– Икки ҳафтадан кейин.

– Шунақами, – ҳайрон қолди миссис Беннет, – демак, миссис Лонг бал бўлишидан сал олдинроқ қайтар экан-да! Унинг ўзи мистер Бингли билан кўриша олмас экан, бизларни у билан қандай қилиб таништириб қўймоқчи экан?

– Унда, азизам, сиз дугонангизга ёрдам берасиз, яъни уни мистер Бингли билан сиз таништириб қўясиз.

– Мистер Беннет, сиз менинг устимдан куляпсиз! Ахир менинг ўзим у билан таниш эмасман-ку!

– Сизнинг эҳтиёткорлигингиз ҳурматга сазовор. Албатта, бунчалик қисқа вақтли танишув ҳеч нарса бермайди. Икки ҳафта ичида инсон ҳақида қандай қилиб бирорта хулоса чиқариш мумкин? Лекин, уни мистер Бингли билан биз таништирмасак, бу ишни бошқа биттаси қилади. Менга қолса, миссис Лонг ва унинг жиянлари ҳам омадини синаб кўришаверсин.

Агар бу иш сизга ёқмаётган бўлса, бу вазифани мен зиммамга олишим мумкин.

Қизлар ҳаммаси отасига тикилиб қолишди. Миссис Беннет минғирлаб қўйди:

– Қандай бўлмағур гап!

– Сизнинг бу чиройли иборангиз нимани англатади, хоним? – ҳайрат билан сўради мистер Беннет. – Ёки сизга танишишнинг бундай йўли ёқмайдими? Қўрқаманки, бу борада бизнинг фикрларимиз ҳар хил. Мэри, бу тўғрида сенинг фикринг қандай? Ахир сен жуда ақлли қизсан-ку, ақлли китоблар ўқийсан, улардан ёққан жойларини ҳатто кўчириб ҳам юрасан.

Мэри жўяли бир нарса айтмоқчи бўлди, лекин хаёлига ҳеч нарса келмади.

– Мэри бирор нарса ўйлаб топгунча биз мистер Бинглига қайтамиз, – давом этди мистер Беннет.

– Мистер Бингли ҳақида ортиқ ҳеч нарса эшитишни хоҳламайман, – гапни қисқа қилди хотини.

– Менга бу ҳақда сал олдинроқ айтсангиз бўларди. Буни эрталаб билганимда, ўлиб қолсам ҳам уникига бормаган бўлардим. Яхши иш бўлмади, эсиз! Уникига бориб бўлганимдан кейин эса у билан яқиндан танишишдан қочиб бўлмайди.

Мистер Биннет бу гаплари билан мўлжалга теккан эди: аёллар ҳайратда эдилар. Айниқса, миссис Беннет. Бироқ, ҳайратлари бир оз босилгач, ундан худди шу нарсани кутганлигига эрини ишонтира бошлади:

– Азизим, мистер Беннет, сиз ростдан ҳам жуда тўғри иш қилдингиз. Ўзим ҳам сиз худди шундай қиласиз, деб ишонгандим. Сиз ўз қизларингизни жуда севишингизни ва улар учун ҳеч нарсадан қайтмаслигингизни билардим. Қандай бахтлиман! Хўп ҳазил қилдингиз-да: Незерфилдга вақтлигина бориб келибсиз-ку, буни ҳеч ким билмайди!

– Китти, энди хоҳлаганингча йўталавер, – хотинининг сўзларини ортиқ эшитмаслик учун хонадан чиқар экан, деди мистер Беннет.

– Қизларим, оталарингиз қандай ажойиб-а! – эшик ёпилгач, фахр билан деди миссис Беннет. – Билмадим, унинг шундай қалби учун сиз уни қандай миннатдор қила оласиз. Ва мени ҳам. Гапимга ишонсанглар, бизнинг ёшимизда ҳар куни янги одамлар билан танишиш осон эмас. Лекин фарзандларимиз учун биз ҳамма нарсага тайёрмиз. Лидия, азизам, сен энг кичкинамиз бўлсанг ҳам, ишонаманки, мистер Бингли балда фақат сен билан рақсга тушади.

– Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ, – гердайиб деди Лидия. – Ёш бўлсам-да, менинг бўйим ҳаммадан баланд.

Куннинг қолган қисми мистер Бингли танишиш учун уларникига энди қачон келиши мумкинлиги ва шундан сўнг уни қачон меҳмонга таклиф қилиш қулай бўлишини муҳокама қилиш билан ўтди.

III БОБ

Миссис Беннет ва бешала қиз қанча ҳаракат қилишмасин, оталарини мистер Бингли ҳақида уларнинг қизиқишларини қондира оладиган яна бирор нарса дейишга мажбур қилиша олмади. Улар мистер Беннетга саволлар бериб кўришди, ўзларининг у йигит ҳақида нималар ўйлашаётганини айтиб кўришди, айёрлик ҳам қилиб кўришди – лекин ҳеч нарсага эриша олишмади. Ахири мистер Бингли ҳақида қўшнилари леди Лукасдан олган маълумотлари билангина чегараланиб қўя қолишларига тўғри келди.

Леди Лукас берган ахборотлар эса турли-туман эди: сэр Уильям мистер Бинглидан ҳайратда эмиш. У ҳали ёш, келишган, жуда мулойим бўлиб, энг муҳими, яқин кунлар ичида бир нечта дўстлари билан келиб, яқин орада Меритонда бўладиган балда қатнашмоқчи экан.

Бундан ортиқ нарсани хоҳлаш айб бўларди. Рақс тушишни яхши кўрадиган одамнинг бировни севиб қолиши оппа-осон. Ҳамма қизлар ўзларининг яқин кунларда мистер Бинглининг юрагини забт эта олишларига умид қилишарди.

– Эҳ, қизларимиздан бирортасининг Незерфилд бекаси бўлганини кўриш насиб қилса эди, – дерди миссис Беннет эрига, – ва қолганларини ҳам яхши жойларга эрга берсам, менга бошқа нарсанинг кераги йўқ эди.

Бир неча кундан сўнг мистер Бингли уларникига келиб, ўн дақиқача мистер Беннетнинг кутубхонасида ўтирди. Унинг бу ерга келишдан мақсади одамлардан эшитгани ушбу оиланинг гўзал қизларини кўришга умид килганди, лекин унга фақат мистер Беннетнигина кўриш насиб қилди. Қизлар эса йигитдан омадлироқ эдилар: улар юқоридаги деразадан унинг отда келганини ва эгнига кўк сюртук кийиб олганини кўришди.

Бу воқеадан сўнг орадан бир оз вақт ўтгач, улар мистер Бинглини тушликка таклиф қилиб, таклифнома юборишди. Миссис Беннет бека сифатида ўзининг бутун санъатини ишга солиб, овқатлар рўйхатини тузар экан, Незерфилддан унинг ҳамма режаларини бузиб юборадиган хабар келди: бахтга қарши мистер Бингли эртаси куни Лондонга жўнаб кетиши керак эмиш ва унга кўрсатилган эътибордан фойдалана олмасмиш ва ҳ.к. Миссис Беннетнинг кайфияти жуда тушиб кетди. У, йигит бу ерга келишга улгурмай, Лондонда қандай ишлари чиқиб қолиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмас ва у доим бир ердан бошқа ерга кўчиб юрадиган бўлса, Незерфилд ҳеч қачон унинг муқим турар жойи бўла олмайди, деб хавфсирай бошлаганди. Унинг бу хавотирини леди Лукаснинг бу ҳақдаги фикри тарқатиб юборди: мистер Бингли балки Лондонга балга бирга бормоқчи бўлган дўстларини олиб келиш учун кетган бўлиши мумкин.

Шундан сўнг бошқа гаплар оралай бошлади: гўё мистер Бингли билан ўн иккита аёл ва еттита эркак келаётган эмиш. Келаётган аёлларнинг сони бу ердаги бўйи етган қизларни бир оз саросимага солди, лекин у билан ўн иккита эмас, фақатгина олтита аёл – унинг бешта синглиси ва битта жияни – амакиваччаси келганлигидан хабар топишгач, кўнгиллари хотиржам бўлди. Незерфилдликлар бал уюштириладиган залга кирганларида эса келганлар ҳаммаси бўлиб фақат беш киши: мистер Бинглининг опа-синглиси, опасининг эри ва яна бир ёш йигитдан иборат эканлиги маълум бўлди.

Йиғилганлар мистер Бинглининг жуда келишган ва яхши тарбия кўрганлиги яққол сезилиб турган йигит эканлигига дарров амин бўлишди. Унинг опа-синглиси эса юқори доираларда юрган кибор аёллар экан. Уларнинг куёви мистер Хёрстни дворян деб аташ қийин эди. Лекин мистер Бинглининг дўсти мистер Дарси эса ўзининг келишган қадди-қомати, чиройли юзи ва оқсуяклардек кўриниши билан дарров ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Уларнинг келишига беш дақиқа бўлмасданоқ ҳамма мистер Дарсининг йилига ўн минг фунт даромад келтирадиган ер-мулки борлигидан ҳам хабардор бўлди. Бу ерлик эркаклар уни ҳақиқий эркак деб, аёллар эса уни мистер Бинглидан кўра ёқимтойроқ деб топишди ва зиёфатнинг бутун биринчи ярмида ҳамма ундан ҳайратга тушди. Лекин бир оз ўтиб ҳамма мистер Дарсининг ўзини қандай тутишини кўргач, унинг обрўси тушиб кетди: унинг бурни осмондалиги, ҳаддан ортиқ мағрурлиги ва унга бас келиш қийинлиги ҳақида гапира кетишди. Бир оз ўтгач эса ҳатто унинг Дербиширдаги каттакон ери ҳам у ҳақдаги салбий фикрларни ўзгартира олмай қолди.

Орадан кўп ўтмай, мистер Бингли балдаги ҳамма меҳмонлар билан танишиб олди. У жуда очиқ кўнгил, меҳмоннавоз бўлиб, зиёфатнинг бунчалик тез тугаб қолганидан афсусда эканлигини билдириб қўйди ва

ҳатто Незерфилдда ҳам бал ўтказилса, кўнгилдагидек иш бўлишини гап орасида қистириб кетди. У билан дўсти ўртасида ер билан осмончалик фарқ бор эди. Мистер Дарси бутун кеча давомида фақат миссис Хёрст билан бир марта ва мисс Бингли билан бир мартагина рақсга тушди. Ўзини бошқа аёллар билан таништиришларини истамади ва кечанинг қолган қисмини ўзи билан бирга келганлар билан гаплашиб ўтириб ўтказди. Унинг ўзини тутишини ҳамма гапирди. Уни бир овоздан дунёдаги энг гердайган ва ёқимсиз эркак деб топишди ва бу ерларда энди бошқа кўринмайди, деб умид билдиришди. Йигитни ёмонга чиқарганлардан бири миссис Беннет эди. Айниқса, мистер Дарсининг унинг қизларидан бирига эътиборсиз қараганлиги аёлга жуда алам қилиб кетганди.

Кавалерлар етишмаётганлиги сабабли Элизабет Беннет икки рақс давомида стол олдида ёлғиз ўзи ўтиришига тўғри келди. Ва шунинг орасида шу яқин орада турган мистер Дарси билан мистер Бинглиларнинг суҳбатини эшитиб қолди:

– Мен сизни рақс тушишга мажбур қилмоқчиман, – дерди мистер Бингли. – Бир ўзингиз бир чеккада ёлғиз туришингиз менга ёқмаяпти. Ахир бирортасини таклиф қилсангиз-чи.

– Ҳеч ҳам-да. Ўзингиз биласизку, агар мен аёл билан таниш бўлмасам, рақс тушишдан баҳра олмайман. Бу ердагилар тўғрисида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Сизнинг сингилларингиз рақсга таклиф қилиб бўлинган, бошқалар билан рақсга тушиш эса мен учун жазо билан тенг.

– Вой-бў, мен сизчалик талабчан эмасман! – эътироз билдирди мистер Бингли. – Очиғини айтсам, мен шу пайтгача бир кечанинг ўзида шунчалик чиройли аёлларни кўрмаганман, баъзиларига эса гап йўқ.

– Бу залдаги ёлғизгина келишган чиройли қиз билан сиз ўзингиз рақсга тушаяпсиз, – мисс Беннетларнинг энг каттасига қараб, деди мистер Дарси.

– Ҳа, у мен шу пайтгача учратган қизларнинг ичида энг чиройлиси. Лекин ана у ерда, шундай орқангизда, унинг сингилларидан бири ўтирибди. Менимча, у ҳам ёмон эмас. Хоҳлайсизми, мен шеригимдан сизни у билан таништириб қўйишни сўрайман.

– Кимни айтаяпсиз? – Дарси ўгирилиб Элизабетга қаради ва унинг ўзига қараётганини сезиб, кўзини олди ва совуққина қилиб деди: – Ҳа, ёмон эмас шекилли. Лекин менинг юрагимга йўл топа оладиган даражада эмас. Ва мен ҳозир бошқа йигитлар қайрилиб қарашни хоҳламаган қизларни овутиб ўтирадиган кайфиятда эмасман. Шеригингизнинг ёнига қайта қолинг. Унинг табассумларидан баҳра олиш ўрнига, мен билан бекорга вақт ўтказаяпсиз.

Мистер Бингли дўстининг маслаҳатига амал қилди, дўсти эса хонанинг бошқа томонига қараб кетди, Элизабетнинг кўнглида Дарсига нисбатан ғашлик пайдо бўлди. Кейинчалик эса, ўзи табиатан хушчақчақ бўлгани сабаб ушбу ҳодисани дўстларига маза қилиб, кулиб-кулиб гапириб берди.

Бутун оила кунни хурсандчилик билан ўтказишди. Миссис Беннет Незерфилд эгаларининг унинг катта қизига кўрсатган эътиборларидан жуда хурсанд бўлди: Мистер Бингли у билан икки марта рақс тушди ва унинг опа-сингиллари ҳам қизни жуда яхши қабул қилишди. Жейннинг ўзи ҳам жуда хурсандлигини кўрсатмаган бўлса-да, бундан жуда мамнун эди. Элизабет опаси учун жуда хурсанд бўлди. Мэри эса кимдир мисс Бингли билан гаплашаётганда уни ён-атрофдаги энг ўқимишли қиз деб айтаётганини эшитиб қолибди; Кэтрин ва Лидия ҳам рақс давомида шериксиз қолишмади – уларга бошқа нарса керак ҳам эмас эди. Шундай қилиб, улар Лонгборнга – ўз қишлоқларига кайфиятлари кўтарилган ҳолда қайтишди. Улар қайтиб келишганда мистер Беннет ҳали ухламаётган эди. Китоб ўқиб ўтириб, у вақтнинг қандай ўтганини сезмай ҳам қолди; у ҳам оила аъзолари ўзлари кўп

нарса умид қилаётганлари ушбу кечанинг қандай ўтганига қизиқиб кетаётган эди. У хотинининг янги қўшнилар борасида тузаётган режалари амалга ошмаслигига ишончи комил бўлса-да, лекин қизларининг ҳаяжонланиб туришларидан, ҳали янги гаплар эшитиши мумкинлигини тушунди.

– Азизим мистер Беннет, – хонага кира солиб, ҳаяжон билан гапира кетди миссис Беннет, – биз маза қилдик! Зиёфат зўр бўлди. Сизнинг бормаганингизга жуда афсусландим. Жейн у ерда катта муваффақият қозонди: ҳамма унинг гўзаллигини гапирди. Мистер Бингли эса уни мафтункор деб атади ва қизимиз билан икки марта рақс тушди. Азизим, эшитдингизми, икки марта-я! У фақат қизимизнигина икки марта таклиф қилди. У аввал мисс Лукас билан рақс тушди. Иккаласи рақс тушаётганини кўрганимда, тўғрисини айтсам, қўрқиб кетдим. Лекин мисс Лукас йигитга ҳеч ҳам ёқмади. Ўзингиз биласиз-ку, у кимга ҳам ёқарди! Жейн билан рақс тушаётганда эса кўзлари ёниб кетди. Унинг кимлиги билан қизиқди, у билан таништиришларини сўради ва ўша заҳотиёқ иккинчи рақсга таклиф қилди. Қизимиздан кейин у мисс Кинг билан, кейин яна Жейн билан, кейин Лиззи…. Азизим, мен унга қойил қоляпман! У шунақанги келишган йигитки, асти қўяверасиз. Сингиллари-чи – иккаласи ҳам бирам гўзал! Мен умримда уларникидек ясан-тусанни кўрмаганман. Менимча, миссис Хёрстнинг эгнидаги кўйлагининг тўри…

Унинг гапи шу ерга келганда, мистер Беннет хотинининг гапини бўлди, чунки аёлларнинг ясан-тусани тўғрисидаги гапларни эшитишга тоби йўқ эди. Миссис Беннет мавзуни ўзгартирар экан, мистер Дарсининг ўзини тутиши ҳақида кўпиртириб, алам билан гапириб берди:

– Ишонч билан айтишим мумкинки, у Лиззини ёқтирмагани билан қизимиз кўп нарса йўқотгани йўқ! Бундай одамга ҳатто ёқишга ҳаракат қилишнинг ҳам

ҳожати йўқ. Бирам бурни кўтарилган, бекорга уни дарров ёмон кўриб қолишмади. Бирам осмонда: у билан рақс тушиш учун етарли даражада чиройли эмасмиш! Сиз ўша ерда бўлиб, бир таъзирини бериб қўйсангиз бўларкан. Менга ҳеч ҳам ёқмади.

IV БОБ

Жейн ва Элизабет ёлғиз қолишгач, шу пайтгача мистер Бингли ҳақида ўз фикрини очиқ айтмаётган Жейн, йигит унга жуда ёққанини тан олиб, деди:

– У йигит киши қандай бўлиши керак бўлса, худди шундай: ақлли, кўнгилчан, хушчақчақ. Бундай йигитни олдин учратмагандим: яхши тарбия кўргани шундоқ кўриниб турибди.

– Бунинг устига кўриниши ҳам ёмон эмас, – қўшиб қўйди Элизабет. – Уни ҳамма томондан мукаммал, деб айтса ҳам бўлади.

– У мени иккинчи марта рақсга таклиф қилганида шундай хурсанд бўлиб кетдим! Тўғрисини айтсам, буни ҳеч кутмагандим.

– Кутмагандим? Мен эса кутгандим. Биров сенга сал эътибор берса, сен бирпасда ўзингни йўқотиб қўясан, мен эса ундай эмасман. Иккаламизнинг фарқимиз ҳам ана шунда. Ахир сени икки марта рақсга таклиф қилганининг нимасига ҳайрон қоласан? Қизлар орасида энг чиройлиси сен эканлигингни сезгандир, ахир. Очиғи, ҳақиқатан ҳам келишган йигит экан. Ишқилиб, сенга ёқсин-да. Илгари бундан баттарроқлари ҳам ёққанку, а?

– Лиззи!

– Ўзинг жуда яхши биласан: ҳеч кимни ёмон дегинг келмайди, ким дуч келса ўшани мақтаганинг мақтаган. Ҳамма сен учун чиройли ва юмшоқ кўнгил. Ўзинг эслаб кўргин-а, бирор марта бировни ёмон деганмисан?

– Бировни билмасдан туриб, у одам ҳақида ёмон гапиришни хоҳламайман. Лекин мен ҳар доим нима ўйласам, шуни гапираман.

– Биламан. Мени доим худди шу нарса ҳайрон қолдиради: сен, шундай ақлли қиз, қандай қилиб атрофдагиларнинг ҳеч қандай камчиликларини сезмайсан? Ёлғондакам кўнгилчанлик ҳар қадамда учрайди. Лекин ҳар бир одамда фақат яхши сифатларни кўриш, бировнинг ёмонлигини ҳатто сезмаслик эса фақат сенинг қўлингдан келади. Демак, унинг опа-сингиллари ҳам сенга ёқибди-да? Лекин уларнинг ўзларини тутишлари мистер Бинглиникидан фарқ қилади-а?

– Бошида шундай туйилади. Лекин бир оз гаплашганингдан кейин уларнинг қандай ажойиб эканликларига ўзинг ишонч ҳосил қиласан. Мисс Бингли акаси билан бирга яшаб унга хўжалик ишларида ёрдам бермоқчи экан. Менимча, у бизга жуда яхши қўшни бўлса керак.

Элизабет опасига индамай қулоқ солаётган бўлсада, ичида унинг гапига қўшилмади.

Чунки балда ўз кўзи билан кўрганларини ҳисобга оладиган бўлса, мистер Бинглининг опа-сингилларининг ўзларини тутишлари таҳсинга сазовор эмасди. Жейндан кўра кузатувчанроқ бўлган Элизабетга бу қизларнинг кўпчилик олдида ўзларини тутишлари ёқмаган эди. Мисс Бингли ва унинг опаси миссис Хёрстлар чиндан ҳам жуда нозиктаъб эдилар. Улар кайфиятлари яхши бўлганда, ҳатто ҳазилкаш ҳам бўлиб, ўзларига керак бўлса бировга ёқишни ҳам ўрнига қўйишар, лекин айни пайтда инжиқ ва кеккайган эдилар. Иккаласи ҳам чиройли, энг яхши пансионларда билим олишган, йигирма минг фунтга эга бўлиб, оқсуяклар орасида юриб, бор пулларидан ҳам кўпроқ сарф-харажат қилишга одатланишган эди. Шундан келиб чиқиб уларнинг ўзлари ҳақидаги фикрлари жуда юқори бўлиб, атрофидагиларга эса паст назар билан қарар эдилар. Улар келиб чиқиши шимо-

лий Англиядан бўлган обрўли оилада дунёга келган бўлиб, ҳамма бойликлари савдо орқасидан эди.

Мистер Бинглининг отаси унга юз минг фунтга яқин мерос қолдирган эди. У ўзининг кўзи очиқлигида ермулк сотиб олмоқчи бўлган, лекин орзусини амалга ошира олмаган эди. Мистер Бинглида ҳам шундай орзу бўлиб, у ҳатто шу мақсадда туғилган жойларига ҳам бориб келган эди. Лекин у ёнида ов қилиш майдони бўлган яхшигина уйни ижарага олганда, йигитнинг енгилтак табиатини яхши билган ён атрофдагилар мистер Бингли авлоддан-авлодга ўтадиган поместье қуришни кейинги авлодларга қолдириб, ўз ҳаётини Незерфилдда ўтказишига ишонч ҳосил қилдилар.

Бинглининг опа-сингиллари акаларининг ер эгаси бўлишини жуда хоҳлашар эди. Ва у ҳозирги пайтда фақат ижарачи бўлса-да, мисс Бингли акасиникида уй бекаси ролини ўйнашга бажонидил рози эди. Жуда ҳам бой бўлмаган, лекин тагли-тугли йигитга турмушга чиққан миссис Хёрст ҳам ўзига керакли пайтда уй бекаси ролини ижро этишга қарши эмасди.

Мистер Бингли Незерфилд парк ҳақида ўзи балоғат ёшига етгач, икки йил ўтиб тасодифан билиб қолди. У бутун уйни ярим соат ичида айланиб чиқди. Уйининг жойлашиши, қурилиши ва уй эгасининг баъзи бир нарсаларда унга имтиёз бераётгани ёқди ва ўша заҳотиёқ уйни ижарага олишга қарор қилди.

Табиатлари бир-бирига зидлигига қарамай, мистер Бингли Дарси билан жуда қалин дўст эди. Дарси – ўзи ҳам кўп ҳолларда норози бўладиган – ўзининг табиатига қарама-қарши бўлса-да, очиқ кўнгил, бир оз енгил табиат ва ўзгаларнинг таъсирига тез берилувчан Бинглини ҳурмат қиларди. Ўз ўрнида Бингли ҳам Дарсининг чуқур мулоҳазали йигит эканлигига тан берар ва унга ишонарди. Бингли ҳам жуда узоқни кўра олмайдиганлар тоифасидан бўлмаса-да, мистер Дарси чиндан ҳам жуда ақлли эди. Лекин айни пайтда мағрур, ичимдагини топлардан бўлиб, унинг кўнглини

олиш жуда қийин эди. Унинг хатти-ҳаракатлари яхши тарбия кўрганлигидан дарак берса-да, атрофдагиларга кўпда ёқавермас эди. Бу ўринда унинг дўсти юқорироқда турарди. Мистер Бингли қаерда бўлмасин, дарров ҳаммада ўзи ҳақида яхши таассурот қолдирар, Дарси бўлса, аксинча, ҳаммани ўзидан қочириб юборарди.

Меритонда бўлиб ўтган балга одамларнинг муносабати ҳар хил бўлди. Мистер Бингли шу пайтгача бунчалик ажойиб жамоа ва бунчалик ёқимтой аёлларни кўрмаганди: ҳамма унга ғамхўр ва эътиборли бўлиб, у ўзини жуда бемалол ҳис қилди ва тез орада залдаги ҳамма билан тил топишиб кетди. Мисс Беннет эса ундан-да яхшироқ йигитни тасаввур ҳам қилолмаётган эди. Дарси эса, тескариси, атрофида уни ҳеч ҳам қизиқтирмаётган, назарида жуда ҳам беўхшов, дидсиз, унинг ўзига ҳам ҳеч эътибор бермаётган бир тўп одамларни кўраётган эди. У Элизабетнинг ўзига яраша келишганлигини тан олган бўлса-да, лекин уни ҳаддан ташқари кўп жилмаяр экан, деб топди.

Миссис Хёрст ва унинг синглиси Дарсининг кичик мисс Беннет ҳақидаги фикрига қўшилишга тайёр бўлсалар-да, Жейн уларга ёқиб қолди. Улар қизни келишган деб топишди ва у билан дўстликни давом эттиришга қарши эмасликларини айтишди.

V БОБ

Лонгборн яқинида Беннетлар билан жуда яқинлиги бор оила яшарди. Сэр Уильям Лукас бирмунча вақт мобайнида Меритонда савдо-сотиқ билан шуғулланган ва ўша ерда анчагина бойлик ҳам орттириб, баронет титулига эга бўлганди. Бу нарса унга қаттиқ салбий таъсир кўрсатганди: у бу шаҳарчадаги олдинги ҳаётини ва савдо-сотиғини ҳам ёқтирмай қолди. Ҳаммасини ташлаб, оиласи билан Меритондан бир мил наридаги уйга кўчиб ўтиб, ўша ерда яшай бошлашди

ва уйини ўша кундан бошлаб «Лукас Лож» деб атай бошлади. Сэр Уильям энди бу ерда ҳамма ишлардан озод бўлиб, ўзининг қандай буюклиги ва ҳаммадан эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида бемалол хаёл суришга берилди. Лекин, аслида, олган унвони уни ўзининг кўзи олдида кўкларга кўтарган бўлса-да, бошқаларга нисбатан кеккайиб кетмаган эди. Сэр Уильям ҳар бир учраган одамга нисбатан ўта зийрак ва ниҳоятда хушмуомала эди, чунки уни Сент-Жеймсдаги сарой аҳлига таништиришгани бу юмшоқ одамни яна ҳам мулойим қилиб қўйган эди.

Леди Лукас эса кўнгилчан инсон бўлса-да, жуда ҳам узоқни кўра биладиганлар тоифасидан бўлмагани учун миссис Беннетларга яхши қўшни бўлиш учун тўғри келмас эди. Унинг бир нечта фарзанди бўлиб, ўқимишли ва ақлли бўлган катта қизи Шарлотта йигирма етти ёшда эди. У Элизабет билан яқин дугона эди.

Мистер Лукас ва мистер Беннет оиласининг аёллари бўлиб ўтган бал ҳақида ғийбатлашиш учун эртаси куни эрталаб Лонгборнда тўпланишди.

– Шарлотта, зиёфат сиз учун менимча ёмон бошланмади, – мисс Лукасга қарата деди миссис Беннет. – Ахир, мистер Бингли рақсга биринчи бўлиб сизни таклиф қилди.

– Тўғрику-я, лекин унга иккинчи рақсга бирга тушган қиз кўпроқ ёқди.

– Сиз у Жейнни яна иккинчи марта рақсга таклиф қилгани учун шундай деяпсизми? Лекин, чиндан ҳам у ўзини худди уни ёқтириб қолгандек тутди. Мен ҳатто уларнинг бу ҳақда, нималиги аниқ эсимда йўқ, мистер Робинсон билан гапларини ҳам эшитдим.

– Бўлиши мумкин. Сиз унинг мистер Робинсон билан гаплашаётганда мен тасодифан эшитиб қолган гапимни айтаяпсизми? Мен ўзим сизга айтиб бермовдимми? Мистер Робинсон ўртоғидан бизнинг ўша ерда бўлишимиз унга ёқяптими, у залда чирой-

ли аёллар кўплигига қандай қарайди, ва аёлларнинг ичида энг чиройлиси ким, деб сўраганига у ўша заҳотиёқ: «Албатта мисс Беннетларнинг энг тўнғичи! Бу ҳақда бошқа гап ҳам бўлиши мумкин эмас!» деб жавоб берди.

– Ўлай агар, жуда қатъий жавоб. Ўйлаш мумкинки... Лекин биласизми, ҳеч нарса бўлмаслиги ҳам мумкин.

– Элиза, нима деб ўйлайсан, мен сендан кўра омадлироқ изқувар бўлсам керак-а? – деди Шарлотта. – Мистер Дарси ёқимли гапларни ўртоғичалик кўп айтмас экан. Бечора Элиза! Сен атиги «ёқимтой шекилли» экансан!

– Умид қиламанки, сиз Лиззининг миясига мистер Дарсининг айтган гаплари унга нашъа қилиши керак, деган фикрни қуймассиз? Бундай ёқимсиз одамга ёқиш ҳақиқий бахтсизлик бўлган бўларди. Миссис Лонг кеча мистер Дарси унинг ёнида роппа-роса ярим соат ўтирганини ва шу пайт давомида ҳатто оғзини ҳам очмаганини айтди.

– Сиз шу гапга ишондингизми? – сўради Жейн. – Ростдан шунақамикин? Мен мистер Дарси у билан гаплашганини ўзим кўрдим.

– Бўлмаган гап! Миссис Лонг зиёфат охирида ундан Незерфилд унга ёққан-ёқмаганини сўради ва у жавоб беришга мажбур бўлди. Унинг айтишича, мистер Дарси зўрға жавоб берганмиш.

– Мисс Бингли менга унинг бегоналар билан кўп гаплашишни ёқтирмаслигини айтди. Лекин яқин танишлар билан эса жуда хушмуомала экан.

– Мана шу гапга эса ҳеч ҳам ишонмайман. Агар у хушмуомалалик нималигини билса, миссис Лонг билан гаплашган бўларди. Бу ерда гап нимадалигини мен жуда яхши биламан: ўзи шунчалик кеккайган экан, яна бунинг устига миссис Лонгнинг экипажи йўқлиги ва балга ижарага олинган каретада келганини эшитиб қолган.

– Мистер Дарсининг миссис Лонг билан гаплашган-гаплашмагани мен учун бари бир. Лекин унинг Элиза билан рақс тушишдан бош тортгани менга алам қиляпти.

Шу ерда миссис Беннет гапга қўшилди:

– Лиззи, сенинг ўрнингда келаси сафар мен ўзим у билан рақсга тушишдан бош тортган бўлардим.

– У билан ҳеч қачон рақсга тушмайман, деб сизга ваъда бераман.

– Очиғини айтсам, мистер Дарсининг мағрурлигининг мен учун борди-келдиси йўқ. Мағрур бўлиш учун унда ҳамма асос бор. Ахир, шундай таниқли ва бой, келишган йигит ўзи ҳақида юқори фикрда бўлса, бунинг нимаси ажабланарли? Айтиш мумкинки, ҳар қанча мағрур бўлишга унинг ҳаққи бор.

– Рост, агар у менинг шаънимга тегмаганида, мен ҳам унинг бу кеккайишини кечирган бўлардим.

Ҳар доим чуқур мулоҳазали бўлган Мэри шу ерда гапга қўшилди:

– Менимча, мағрурлик инсоннинг камчилиги ҳисобланади. Мен ўқиган китобларнинг барчасида ёзилишича, инсон табиати бу нарсага жуда берилувчан. Орамизда жуда озчилик одамларгина ўзларини бу нарсадан тутиб тура оладилар. Мағрурлик ва шуҳратпарастлик – ҳар хил нарсалардир, гарчи, одатда, бу сўзларни бир-бировининг ўрнида ишлатсаларда. Инсон шуҳратпараст бўлмай туриб мағрур бўлиши мумкин. Мағрурлик – бу бизнинг ўзимиз хақимиздаги фикримиз, шуҳратпарастлик эса бу бизнинг бошқалар биз ҳақимизда шундай ўйлашларини хоҳлашимиздир.

– Агар мен мистер Дарсидек бой бўлганимда эди, олифтагарчилик қилиб ўтирмасдан, бир тўда този ит боқиб, ҳар куни бир шишадан вино очиб, маза қилиб ичиб ўтирган бўлардим, – Лонгборнга опалари билан бирга келган ёш Лукас гапга қўшилди.

– Агар шунақа бўладиган бўлса, сен бир шиша эмас, кўпроқ ичган бўлардинг, – унга қарши чиқди миссис

Беннет. – Ва агар мен сени шунинг устида кўриб қолсам, шишангни тортиб олган бўлардим.

Ёш Лукас миссис Беннет бундай қилишга ҳадди сиғмаслигини айтиб, иккалалари баҳслашиб кетишди ва суҳбат меҳмонларнинг жўнаб кетишлари билан тугади.

VI БОБ

Орадан кўп вақт ўтмай лонгборнлик аёллар незерфилдлик хонимларни кўргани боришди. Катта мисс Беннетнинг хоним чиройли хатти-ҳаракатлари ва ўзини тутишлари миссис Хёрст ва мисс Бинглиларга жуда ёқди. Қизларнинг онаси уларга ҳеч ҳам ёқмаган, кичкина қизлар тўғрисида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас деб ҳисобласалар-да, икки катта қизи билан яқин бўлмоқчи эканликларини гап орасида қистириб ўтишди. Уларнинг бу эътибори Жейнни жуда хурсанд қилди. Лекин уларнинг бу ерлик қўшниларга, ҳаттоки, унинг опасига ҳам, осмондан келиб қарашларини ҳазм қила олмаётган Элизабет уларнинг фикрларини совуққина қабул қилди. Чунки у, бу аёлларнинг Жейнга муносабатлари акаларининг Жейнга бўлган интилишидан келиб чиқяпти, деб тушунаётган эди. Чиндан ҳам, мистер Бинглининг Жейнга бўлган муносабати уларни бирга кўрганларнинг ҳаммасининг кўзига яққол ташланаётган эди. Элизабетга яна шу нарса аниқ эдики, Жейннинг мистер Бинглига бўлган ҳозирги муносабати яқин орада улкан муҳаббатга айланиб кетиши турган гап эди. Лекин Элизабет яна бир нарсага ҳам амин эди: опасининг бу севгисидан атрофдагилар ҳали-бери хабар топишмайди, чунки, Жейн ҳар доим ҳам ўз ҳиссиётларини атрофдагиларга кўрсатавермас ва бу нарса ортиқча гап-сўзларнинг олдини оларди. Қиз ўзиниг бу фикрлари ҳақида мисс Лукас билан ўртоқлашди.

– Балки бу ёмон эмасдир, – деди Шарлотта, – ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳиссиётларингни яшира би-

лиш... Лекин, менимча, бунинг хавфли томони ҳам бор. Агар қиз бола ўз ҳисларини йигитидан яшираверса, уни йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Бу ҳолда уни овутадиган ягона нарса – унинг кўнглидаги гаплардан шу пайтгача ҳеч кимнинг хабари бўлмагани. Ҳар қандай боғланиб қолиш ҳам қайсидир бир даражада ё миннатдорчилик ёки шуҳратпарастликка суянган бўлади ва бунга эътибор бермаслик эса хавфлидир. Ҳаммамиз ҳам бир оз ўйнаб-кулиб олгимиз келади, бу нарса табиий. Ҳеч қандай жавоб кутмай севадиган бағри кенг инсонлар жуда кам. Ўнтадан тўққизта ҳолатда эса аёлга ўзини жуда севадигандек қилиб кўрсатиш фойдалироқдир (аслида бундай бўлмаса-да). Шубҳасиз, опанг Бинглига ёқади, лекин у йигитга қатъиятлироқ бўлишга ёрдам бермас экан, бундан ҳеч нарса чиқмайди.

– Лекин опам ўзининг табиатидан келиб чиқиб, қўлидан келганча ёрдам беряпти. Наҳотки у шунчалик сезгир эмаски, кўриниб турган нарсани сезмаяпти!

– Элиза, у Жейннинг характерини сен билганчалик билмаслигини ёдингдан чиқарма.

– Аёл эркакни ёқтирса ва буни беркитишга уринмаса... ахир у буни сезиши керак-ку!

– Балки, агар у кўп вақтини қиз билан ўтказса. Лекин Бингли ва Жейн тез-тез кўришиб туришса ҳам, кўпчиликнинг ичида ҳадеб фақат бир-бирлари билан гаплашиб тура олишмайди. Шунинг учун Жейн у билан ўтказадиган ҳар бир дақиқадан фойдаланиб қолиши керак. Йигитнинг юрагини забт қилиб олгандан сўнг ўзи севиб қолиши учун вақти бемалол бўлади.

– Ёмон фикр эмас. Фақат, бу эрга тегишга шошаётганлар учун. Агар мен ўзим бой одамга ва умуман эрга тегишни ўйлаётганимда эди, албатта бундан фойдаланган бўлардим. Лекин Жейннинг ҳиссиётлари бутунлай бошқача. У ҳеч нарсанинг ҳисоб-китобини қилаётгани йўқ. Шу пайтгача у ҳали ўзининг Бинглига қай

даражада боғланиб қолганини ҳам ва бу нарса қай даражада ақлдан эканлигини ҳам билмайди. Улар танишганларидан бери атиги икки ҳафтагина ўтди. У йигит билан Меритонда икки марта рақс тушди, кейин эса уни бир марта Незерфилдда кўрди. Шундан сўнг улар тўрт марта бошқа меҳмонлар билан бирга тушлик қилишди. Бу йигитнинг табиатини яхшилаб ўрганиб олиш учун жуда оз вақт.

– Албатта, ҳамма нарсага сен қарайдигандек қарайдиган бўлсак, жуда кам. Агар у йигит билан фақат овқатланган бўлса, фақат унинг иштаҳаси ҳақида бирор нарса билган бўлиши мумкин. Лекин сен уларнинг биргаликда тўрт марта кечқурун учрашганларини эсдан чиқараяпсан. Бу тўрт учрашув кўп нарсани англатиши мумкин.

– Ҳа, бу учрашув уларга иккаласи ҳам «йигирма бир» ўйинидан ҳам кўра покер ўйнашни афзал кўришларини билишгагина олиб келди. Лекин характерларидаги бошқа муҳим томонларни очишга эса имконият бўлмади.

– Нима ҳам дердим, Жейнга чин дилдан муваффақият тилайман. Агар у мистер Бинглига эртагаёқ турмушга чиққан тақдирда ҳам мен у ўзининг бўлажак турмуш ўртоғини бир йил давомида ўрганганчалик бахтли бўлиш имконияти бор деб ўйлайман. Никоҳда бахтли бўлиш тасодиф ўйинларига боғлиқ. Иккала томон бир-бирлари тўғрисида қанчалик кўп нарса билишмасин ва бир-бирларига қанчалик мос келишмасин – бу нарса уларнинг бахтли бўлишлари учун омил бўла олмайди. Вақт ўтиши билан улар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайди. Шунинг учун бир умр бирга яшамоқчи бўлган одамингнинг камчиликларини иложи борича камроқ билган яхшимасми?

– Шарлотта, менимча, сен мен билан баҳс бойлашмоқчисан шекилли. Лекин сенинг бу ҳақдаги фикрларинг ҳаммаси бўлмағур нарса. Буни ўзинг ҳам жуда

яхши биласан. Сен ўзинг ҳам ҳаётингда бу нарсаларга амал қилмаган бўлардинг.

Элизабет мистер Бингли билан Жейн ўрталаридаги алоқаларни кузатиб борар экан, ўзининг Бинглининг дўсти томонидан диққат билан кузатилаётганидан бехабар эди. Бошида мистер Дарси Элизабет ҳақида у келишган қиз, деган фикрдан жуда йироқ эди. Балда у қизга умуман эътибор ҳам бермаган эди. Келаси сафар учрашганларида у қизда фақат камчиликларни кўрди. Лекин дўстларига қизнинг бирорта ҳам ўзига тортадиган жойи йўқлигини исботлаб бўлиши билан, бирдан ўзи билмаган ҳолда қизнинг юзи унинг чиройли кўзларининг ифодаси билан мисли кўрилмаган даражада самимий ва ёқимтой кўринишини сеза бошлади. Бу янгиликдан кейин бошқа ва яна бошқа нарсаларни ҳам сеза бошлади. У ўзининг инжиқ назари билан қизнинг ташқи кўриниши жуда ҳам камчиликлардан холи эмаслигини кўриб турса-да, унинг одамни ўзига тортадиган бир сеҳри борлигини тан олди. Шу билан бирга Элизабетнинг ўзини тутиши олий табақаликларникидан фарқ қилади, деб таъкидласада, қизнинг ўзини эркин тута билиши уни ром қилаётган эди.

Элизабетнинг бу гаплардан хабари йўқ бўлиб, унинг учун Дарси аввалгидек ҳеч кимга ёқмаган ва ўзини у билан рақс учун етарли даражада гўзал эмас, деб ҳисоблаган одамлигича қолган эди.

Дарсида қиз билан яқиндан танишиш хоҳиши пайдо бўлди ва у билан суҳбатлашишга баҳона топиш учун қизнинг бошқалар билан гапларига қулоқ сола бошлади. Унинг бу қилиқлари қизнинг диққатини тортди. Баҳона эса сэр Уильям Лукасникига жуда кўпчилик меҳмонга келган куни топилди.

– Нима учун мистер Дарсига менинг полковник Форстер билан гапимни пойлаш керак бўлиб қолибди? – Шарлоттадан сўради Элизабет.

– Бу саволга фақат мистер Дарсининг ўзи жавоб бера олади.

– Агар у яна бир марта шунақа қиладиган бўлса, мен унинг нима қилаётганини сезаётганимни ўзига айтаман. Унинг кўзлари худди одамнинг устидан кулаётганга ўхшайди ва мен у билан қаттиқроқ гаплашиб олмасам, сал ўтиб ундан қўрқа бошлайман.

Худди шу дақиқада мистер Дарси суҳбатга қўшилиш истагини сира ҳам сездирмаган ҳолда уларга яқинлашар экан, мисс Лукас дугонасини ҳозиргина айтган гапини амалга оширишга ундай бошлади. Унинг бу қистови Элизабетга таъсир қилди ва йигитга ўгирилиб, сўради:

– Сиз нима деб ўйлайсиз, мистер Дарси, мен полковник Форстерни Меритонда бал ўтказишга ундаб тўғри қилдимми?

– Сиз жуда қизишиб гапирдингиз. Лекин бу мавзуда гапирганда ҳар қандай аёл ҳам қизишган бўларди.

– О, сиз биз аёлларга нисбатан жуда талабчан экансиз.

– Энди, Элиза, биз сени кўндиришга ҳаракат қиламиз, – деди мисс Лукас. – Мен фортепьянони очяпман, бундан сўнг нима қилиш кераклигини ўзинг яхши биласан.

– Сен жуда ажойиб дугонасан, Шарлотта, қачон қараса сен ким бўлса ўшанинг олдида фортепьяно чалиб, ашула айтишга мажбур қиласан. Мен донғи чиққан артист бўлишни хоҳлаганимда сен зўр ёрдамчи бўлган бўлардинг. Лекин мен бунга интилмайман-ку! Яхшиси, қулоқлари мендан яхшироқ ашула айтадиганларнинг овозига ўрганганларни қийнамай қўя қолай.

Лекин мисс Лукас ҳадеб қистайвергач, Элизабет рози бўлди:

– Бўпти, нима бўлса бўлар! – хўмрайганча мистер Дарси томонга қараб қўяр экан, у қўшиб қўйди: –

Биз томонда «Гапиргандан кўра яхшиси жим тургин», деган гап бор. Ашула айтмасам қутулмайман шекилли.

Жуда ҳам усталик билан айтмаса-да қизнинг ашуласи ёқимли эди. Бир-иккита ашула айтгач, у ҳали уни тинглаётганларнинг яна ашула айтиб беришини сўрашларига жавоб беришга улгурмай, Элизабетнинг ўрнига фортепьянонинг олдига синглиси Мэри ўтириб олди. Бу Беннетлар оиласидаги қизларнинг кўримсизроғи бўлиб, доимо ўз устида ишлар ва қаерда бўлса ҳам ўзини кўрсатишга ҳаракат қилар эди. Мэрининг на қобилияти ва на диди бор эди. Унинг шуҳратпарастлиги уни бир жойда ўтириб ишлай оладиган, айни пайтда эса ўз-ўзидан мағрурланадиган қилиб қўйган эдики, бу нарса унинг ижроси зўр бўлган тақдирда ҳам салбий из қолдирарди. Элизабетнинг жуда ҳам моҳирона ижро этилмаган эса-да, соддагина қўшиғи атрофдагиларга кўпроқ ёқди. Мэридан сўнг у яна шотландча ва ирландча қўшиқлар айтиб берди, сингиллари ва мисс Лукас эса зобитлар билан хонанинг бошқа томонида унинг қўшиқларига рақс тушишди.

Мистер Дарси улардан нарироқда турарди. У ёшларнинг ақлли суҳбатлар қуриш ўрнига вақтларини бундай ўтказаётганларига сира тушунмасди. Дарси ўз фикрлари билан шунчалик банд эдики, олдига келган сэр Уильям Лукас ўзига гап қотмагунча, унинг келганини сезмай ҳам қолди.

– Ёшлар учун энг кўнгилочар нарса рақс тушиш-а, мистер Дарси? Ҳақиқатан, бундан яхшироқ нарса бормикин? Менимча, рақс ривожланган жамиятнинг энг катта ютуқларидан биридир.

– Тўппа-тўғри, сэр. Лекин бу нарса цивилизация ҳали етиб бормаган жойларда ҳам кенг тарқалган. Ҳар бир ёввойи ҳам ўйин тушишни эплайди.

Сэр Уильям кулиб қўйди ва бир оз ўтгач, мистер Бингли ҳам ўйнаётганларга қўшилганини кўриб, давом этди:

– Дўстингиз рақсга жуда яхши тушар экан. Сиз ҳам, менимча, жуда уста бўлсангиз керак.

– Сиз Меритонда менинг ўйнаганимни кўргансиз шекилли?

– Топдингиз, маза қилгандим. Сиз Сент-Жеймсда тез-тез рақс тушиб турасизми?

– Ҳеч қачон, сэр.

– Сизнингча, бу қирол оиласига ҳурмат ифодасининг белгиси эмасми?

– Агар имконини топсам, бирорта оилага ҳам ҳурматимни бундай ифодаламайман.

– Пойтахтда сизнинг ўз уйингиз бўлса керак-а?

Мистер Дарси бош силкиб қўйди.

– Мен ҳам яхши инсонлар орасида бўлишни жуда яхши кўраман. Шунинг учун бир пайтлар Лондонга кўчиб ўтишни ўйлаб юргандим. Лекин Лондоннинг обҳавоси хотинимнинг соғлиғига тўғри келмайди деб қўрқдим.

Мистер Лукас жавоб кутиб бир оз жим турди. Лекин суҳбатдошининг суҳбатни давом эттириш хоҳиши йўқ эди. Шу пайт уларнинг олдига Элизабет яқинлашар экан, сэр Уильям ўзича бир ақлли иш қилмоқчи бўлди:

– Азизам мисс Элиза, сиз рақс тушмаяпсизми? Мистер Дарси, менинг маслаҳатим билан бу гўзал қизни рақсга таклиф қилсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардим. Ахир олдингизда гўзалликнинг шундай сиймоси турганда, таклиф қилмай бўладими? – сэр Лукас ушбу сўзларни айта туриб Элизабетнинг қўлини ушлаб мистер Дарсининг қўлига тутқазмоқчи бўлди ва йигит ҳам бу кутилмаган ҳаракатдан ўзини йўқотиб қўйиб ва айни пайтда бу таклифдан фойдаланиб қолмоқчи бўлганда, Элизабет бирдан ўзини орқага ташлади ва сэр Уильямга норозилик билан қаради:

– Сэр, сизни ишонтириб айтаманки, мен рақсга тушмоқчи эмасман. Мени сизнинг олдингизга ўзига

рақсга тушиш учун шерик топгани келган, деб ўйлаётган бўлсангиз, сиздан қаттиқ хафа бўламан.

Мистер Дарси жиддийлик ва ҳурмат билан Элизабетни бирга рақс тушишга таклиф қилди. Лекин унинг илтимоси бекор кетди: Элизабет ўз гапида туриб олди, ҳатто сэр Лукаснинг аралашиши ҳам иш бермади:

– Элизабет, сиз рақсга жуда чиройли тушасизки, шундай томошадан мени маҳрум қилишингиз жуда инсофсизлик бўлади. Ва бу йигитимиз рақсни жуда ёқтирмаса-да, бизга кичкинагина хизмат қилишга йўқ демас, деб умид қиламан.

– Мистер Дарсичалик мулозаматли одам бўлмаса керак! – кулимсираб деди Элизабет.

– Албатта шундай! Ахир шундай келишган қиз билан рақсга тушиш кимга ҳам ёқмайди?

Элизабет киноялы кулимсираганча уларнинг олдидан нари кетди. Қизнинг чиройли рад жавоби мистер Дарсини хафа қилмади, аксинча, у қиз ҳақида ширин хаёл сурар экан, олдига мисс Бингли яқинлашганини пайқамай қолди.

– Нима ҳақида ўйланиб қолганингизни топаймми?

– Тополмайсиз, деб умид қиламан.

– Сиз бундай одамлар орасида энди ҳар куни бир-бирига ўхшаш кунларни қандай қилиб ўтказаман, деб ўйлаяпсиз. Мен ҳам худди шу фикрдаман. Ҳеч қачон бунчалик зерикмаган эдим. Ҳаммаси ўзини кўрсатиш учун шундай ҳаракат қилиб ётишибдики! Ҳаммаси бирам пасткаш ва ўзига бино қўйган. Кейинчалик сиз улар ҳақида нималар дейишингизни жуда билгим келаяпти.

– Биласизми, шу сафар сиз тополмадингиз. Мен бундан яхшироқ нарсалар тўғрисида ўйлаётгандим, масалан, келишган аёлнинг чиройли кўзлари қанчалик мафтункор бўлиши мумкинлиги ҳақида.

Мисс Бингли уни шундай ўйлашга мажбур қилаётган ким бўлиши мумкинлигини тахмин қилганча, ҳамроҳига тикилиб қолди. Мистер Дарси ҳеч ҳам ҳаяжонланмай жавоб берди:

– Мисс Элизабет Беннет.

– Мисс Элизабет Беннет? – қайтарди мисс Бингли. – Очиғи, мен ҳайрон қолдим. У ҳақда шундай ўйлаётганингизга анча бўлдими? Сизга бахт тилайдиган кунимизга оз қолдими?

– Сиздан худди шу саволни кутаётгандим! Аёлларнинг тасаввури қанчалик тез-а! Сиз менга бахт тилашингизга амин эдим.

– Демак, жиддий айтаётган бўлсангиз, иш ҳал бўлди, деб ҳисоблаймиз. Сиз Пемберлига сизлар билан бирга кўчиб ўтадиган ажойиб қайнанага эга бўласиз.

Мистер Дарси мисс Бинглининг кесатиқларини бефарқлик билан эшитди. Унинг ўзини жуда бемалол тутиши қизни хавотир олишга ҳеч қандай асос йўқлигига ишонтирди ва у ўз кесатиқларини анчагача давом эттирди.

VII БОБ

Мистер Беннетнинг бутун бойлиги унга йилига икки минг фунт даромад келтирадиган ер-мулки эди. Қизларнинг бахтига қарши, бу ер-мулк эркаклар томонга мерос қолдирилиб, оилада ўғил фарзанд бўлмагани учун мистер Беннет вафотидан сўнг, ер-мулки унинг узоқ қариндошига қолар эди. Миссис Беннетнинг мол-мулки эса унинг ҳозирги шароитида етарли бўлса-да, ер-мулки бировга ўтиб кетган тақдирда унинг ўрнини босолмасди. Отаси ҳаётлигида Меритонда чиновник хизматида бўлиб, қизига тўрт минг фунт мерос қолдирган эди.

Миссис Беннетнинг синглиси отасининг хизматида ишлаб, унинг идорасини мерос қилиб олган мистер Филипсга турмушга чиққан эди. Акаси эса Лондонда яшар ва обрўли бир савдо тармоғида ишлар эди.

Лонгборн қишлоғи Меритондан фақат бир милгина нарида жойлашган бўлиб, бу ҳафтасига уч-тўрт марта холаларини кўришга бориб, йўл-йўлакай ўша

ердаги дўкончага кириб чиқадиган Беннетларнинг қизлари учун жуда қулай масофа эди. Айниқса, уларнинг кичкиналари, Кэтрин ва Лидия бунга жуда уста эдилар. Опа-сингиллар ичида енгилтакроқ бўлган бу икки қиз бошқа қизиқарли нарса бўлмагани учун нонуштадан кейин ўзларини хурсанд қилиш ва кечқурун уйқу олдидан ғийбатлашиб ётиш учун янгиликлардан хабардор бўлгани албатта Меритонга бориб келишлари керак эди. Ва бу атрофда янгиликлар жуда кам содир бўлишига қарамай, холаларининикида улар, албатта, бирор янги нарса эшитардилар. Айни пайтда эса Меритон атрофига қишни ўтказиш учун милиция полки ташланиб, улар шу атрофдаги уйларга жойлаштирилган ва қизлар учун энди янгиликлар сероб эди.

Қизлар холаларининикига ҳар боришганда зобитлар ва улар орасидаги муносабатлар ҳақида янги гаплар эшитишарди. Мистер Филипс ҳар бир зобитнинг олдига бориб, қизлар учун қизиқ бўладиган ахборотлар топиб келарди. Энди оналари жуда берилиб гапираётган мистер Бинглининг бойлиги ҳам уларни қизиқтирмай қўйган, прапорщик мундири олдида бу арзимаган гаплар эди.

Бир куни қизларининг ғийбатларига қулоқ солиб ўтирган мистер Беннет гап қотди:

– Гапларингиздан мен шундай хулоса қилдимки, сизларни қиролликдаги энг тентак қизлар деб аташ мумкин. Бу гап олдин ҳам хаёлимга келарди, лекин ҳозир мен бунга амин бўлдим.

Отасининг гапини эшитиб, Кэтрин жим бўлиб қолди, лекин Лидия бу гапларга эътибор ҳам бермай капитан Картер унга қандай ёқиши, у эртага Лондонга кетиши олдидан уни яна бир марта кўргиси келаётгани ҳақида гапираверди.

– Азизим, – эрига мурожаат қилди миссис Беннет, – сизнинг ўз фарзандларингиз ҳақида бунчалик киноя билан гапиришингиз мени ҳайрон қолдиряпти. Агар

мен бирортасининг болалари ҳақидаги камчиликларга ишонадиган бўлсам ҳам, ҳар ҳолда, бу ўзимнинг болаларим бўлмасди.

– Менинг болаларим шунчалик калтафаҳм экан, мен уларга жуда ҳам умид бойламоқчи эмасман.

– Бахтга кўра улар жуда ақлли!

– Умид қиламанки, бизнинг фикрларимиз фақат шундагина бир хил эмас. Агар иккаламизнинг фикрларимиз бир жойдан чиққанда яхшироқ бўларди. Лекин, афсуски, мен иккала кенжа қизимиз ўтакетган тентак эканлигини кўриб турибман.

– Азизим мистер Беннет, ахир ёш қизчалардан улар ўз ота-оналаридек ақлли бўлишларини талаб қилиб бўлмайди-ку. Бизнинг ёшимизга етганда балки улар зобитлар ҳақида ҳозир биз ўйлаганчалик ўйламаслар. Бир пайтлар менинг ўзимга ҳам қизил мундирлилар жуда ёққани шундоқ эсимда. Очиғини айтсам, улар менга ҳозир ҳам ёқади. Агар бирорта йилига олти минг оладиган келишган ёш полковник қизимнинг қўлини сўрайдиган бўлса, мен унга йўқ дея олмасдим. Ўтган куни сэр Уильямникида полковник Форстер ўзининг байрам формасида менга шундай ёқдики!

– Оҳ, ойижон! – ҳаяжонланиб деди Лидия. – Холам айтаяптики, полковник Форстер ва капитан Картер энди мисс Уотсонларникига жуда кам киришаётган экан. Уларни энди кўпроқ Кларкнинг кутубхонасида кўришаётганмиш.

Миссис Беннет қизининг гапига жавоб беришига катта қизига мактуб келтирган хат ташувчининг келиб қолиши халақит берди. Хат Незерфилддан бўлиб, уни олиб келган хизматкор жавоб кутиб турарди. Миссис Беннетнинг кўзлари чарақлаб кетди, Жейн хатга кўз югуртирар экан, қизини саволларга кўмиб ташлади:

– Жейн, хат кимдан экан? Нима ёзишибди? Нималар ёзибди? Жейн, тезроқ! Қизим, гапира қолсанг-чи.

– Хат мисс Бинглидан экан, – деб Жейн хатни овоз чиқариб ўқий бошлади:

«Азиз дугонажон,

Агар Сиз бизга шафқат юзасидан бугун мен ва Луиза билан бирга овқатланишга розилик бермас экансиз, биз бир-биримизни ёмон кўриб қолишимиз мумкин. Чунки икки аёлнинг кун бўйи бир-бири билан юзма-юз бўлиши жанжалсиз ўтмайди. Иложи борича тезроқ келинг. Акам ва унинг дўстлари зобитлар билан овқатланишади.

Ҳурмат билан Кэролайн Бингли».

– Зобитлар билан?! – ҳайратланди Лидия. – Ахир холам бу тўғрида ҳеч нарса демаганди-ку!

– Бошқа ерда овқатланишади? Эсизгина! – деди миссис Беннет.

– Аравадан фойдалансам бўладими? – сўради Жейн.

– Йўқ, жонгинам. Яхшиси отда кетақол. Ёмғир ёғай деяпти, сен у ерда тунаб қолишингга тўғри келиши мумкин!

– Хўп гапирдингиз-да! – деди Элизабет. – Агар улар ўзлари Жейнни ташлаб кетишмаса.

– Лекин мистер Бинглининг каретаси Меритонда бўлади-ку. Хёрстларнинг эса отлари йўқ.

– Нима бўлганда ҳам мен аравада кетгим келяпти.

– Қизгинам, аниқ биламанки, отанг ҳозир отларни бериб тура олмайди. Улар ҳозир фермага керак, тўғрими, мистер Беннет?

– Ҳа, отлар фермага кўпроқ керак.

– Агар сиз улардан бугун фойдалансангиз, онам жуда хурсанд бўларди, – деди Элизабет.

Ниҳоят, оталаридан «отлар ҳақиқатан ҳам бугун банд», деган жавобни олишиб тинчишди. Жейн от миниб кетадиган бўлди, онаси уни дарвоза олдигача кузатиб борар экан, об-ҳавонинг ёмонлашаётганидан

нолиб қўйди. Унинг умиди рўёбга чиқди: Жейн ҳали узоқлашмасдан туриб сингилларини безовта, оналарини эса роса хурсанд қилиб челаклаб қуйгандай ёмғир ёға бошлади. Ёмғир кун бўйи ёғди ва бундай об-ҳавода Жейннинг қайтиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

– Яхши ўйладим-а! – Об-ҳаво бузилишини худди ўзи чақиргандек, қайта-қайта дерди миссис Беннет. Фақат эртаси куни эрталабгина у ўйлаган нарсасининг даҳшатини ҳис қилди: нонушта тугай деганда Незерфилддан Элизабет номига ёзилган хат келди.

«Азизам Лиззи!

Бугун эрталабдан ўзимни жуда ёмон сезаяпман – кеча ёмғирда ивиб кетганимдан бўлса керак. Бу ердаги қадрдон дўстларимиз мен бир оз ўзимга келмагунча кетишим ҳақида эшитишни ҳам хоҳлашмаяпти. Улар мистер Жонс мени кўриб қўйишини талаб қилишаяпти, шунинг учун у мени кўргани келганини эшитиб қолсангиз, хавотир олиб ўтирманг. Бошим оғрияпти ва томоғимда ҳам бир оз шамоллаш бор.

Сизларнинг Жейн».

– Нима дердим, азизам, – Элизабет хатни ўқиб тугатгач хотинига мурожаат қилди мистер Беннет, – агар қизингиз жиддий касал бўлиб қолса ёки балки ўлиб қолса, бу сизнинг кўрсатмаларингиз билан мистер Бинглининг орқасидан қувиш натижасида бўлганини билиш сиз учун таскин бўлади.

– Мен хавотирланаётганим йўқ. Шамоллашдан ўлишмайди! Унга яхши қарашади ва у ўша ерда экан унга ҳеч нарса бўлмайди. Экипаж олишнинг иложи бўлганда мен уни кўргани бориб келардим.

Чиндан-да хавотирланаётган Элизабет опасини кўргани боришга қарор қилди. Экипаж топишнинг иложи йўқлиги, унинг отда юра олмаслиги сабаб Не-

зерфилдга яёв кетишга тўғри келарди. У уйидагиларга ўз режасини айтди.

– Сен эсингни ебсан, – деди онаси, – шунақа лойда яёв кетиш! Ахир у ерга етиб борганингда сенга қараб бўлмайди-ку.

– Мен эса Жейнга қараб туришим мумкин бўлади, аслида, муҳими ҳам шу.

– Лиззи, балки отларни олиб келамизми?

– Ҳеч ҳам керак эмас. Қайтага маза қилиб юриб кетаман. Олдингда аниқ мақсад бўлганда йўлнинг узоқлиги билинмайди. Атиги тахминан уч милгина-ку. Тушликкача уйда бўламан.

– Яқин одамингга ёрдам беришга тайёрлигингдан ҳайратдаман, – деди Мэри. – Лекин кўнгилнинг ҳар бир истагини ақл тарозусига солиб кўриш керак.

– Меритонгача сен билан бирга борайликми? – сўрашди Кэтрин ва Лидия.

Элизабет рози бўлди ва учала қиз уйдан бирга чиқиб кетишди.

– Агар шошилсак, балки капитан Картер кетгунча улгурармиз, – деди Лидия.

Меритонда улар хайрлашишди. Сингиллари зобитлардан бирининг хотини олдига кетишди, Элизабет эса бир даладан иккинчисига ўтиб, тез юриб кетди. Лой ва чуқурлардан сакраб ўтиб, Незерфилдга етиб келганда у жуда чарчаган, кийимлари лой бўлиб, юзлари тез юрганидан қип-қизариб кетган эди.

Уни Жейндан бошқа барча йиғилган нонушта қилинадиган хонага олиб киришди. Элизабетнинг келишидан ҳамма ҳайратга тушган эди: мистер Бинглининг сингиллари учун унинг шундай вақтли, шундай ҳавода ва яна уч милни ёлғиз босиб келиши ишониб бўлмайдиган воқеа эди. Улар қизни хурсанддек кутиб олишган бўлса-да, Элизабет уларга бу жуда ҳам ёқмаганини сезиб турарди. Мистер Бинглининг ўзини тутишида эса оддий илтифотдан кўра юқорироқ нимадир бор эди: миннатдорчилик ва ҳурмат сезилиб

тураrди. Мистер Дарси кўп гапирмади, мистер Хёрст эса умуман ҳеч нима демади. Мистер Дарси қиз тез юриб келганидан кўзлари чақнаб кетгани ҳақида ва шунча яёв йўл босиб келиб тўғри қилганми ёки йўқлиги тўғрисида ўйлаётган эди. Мистер Хёрстнинг эса фикри-зикри нонуштада эди.

Жейннинг соғлиғи яхши эмасди. У кечаси ўзини ёмон ҳис қилган ва ҳозир ўрнидан турган бўлса-да, хонасидан чиқа олмаётган эди. Элизабетнинг илтимосига кўра, уни беморнинг хонасига олиб киришди. Синглисининг келиши Жейнни хурсанд қилиб юборди. У уйидагиларни ортиқча хавотирга солмаслик учун хатида синглисини кўргиси келганини ёзмаган эди. У умуман гапира олмаётган эди. Мисс Бингли қизларни хонада қолдирар экан, Жейн зўрға бу ерда унга қилишаётган ғамхўрликлари учун миннатдорчилик билдирди. Элизабет индамай опасига қараша бошлади.

Нонуштадан сўнг уларнинг олдиларига яна мистер Бинглининг опа-сингиллари киришди ва Элизабет улар Жейнга кўрсатаётган эътиборларини кўриб жуда хурсанд бўлди. Чақиртирилган доктор беморнинг қаттиқ шамоллаганини айтиб, унга бир неча кун ўринда қимирламай ётишни буюрди ва дори бериб юборишини айтиб, жўнаб кетди. Унинг айтганларини қилишга дарҳол киришилди, чунки иситма ва бош оғриғи кучаяётган эди. Элизабет бир дақиқа бўлса-да опасини ёлғиз қолдирмади. Бошқа аёллар ҳам шу ерда бўлишди.

Соат учларда Элизабет энди кетиши кераклигини ҳис қилиб, хоҳламайгина Жейнга бу ҳақда айтди. Мисс Бингли унга экипаж таклиф қилди ва у кетишга ҳозирланар экан, Жейн унинг кетаётганидан хафа бўлиб қолганини кўрган мисс Бингли Элизабетни Незерфилдда яна бир оз қолишга таклиф қилишга мажбур бўлди. Таклиф қабул қилиниб, керакли кийимларни олиб келиш ва уйга хабар бериш учун Лонгборнга одам юборилди.

VIII БОБ

Соат бешда аёллар кийингани кетишди ва соат беш яримда Элизабетни овқатга чақиришди. Беморнинг соғлиғи тўғрисидаги саволларга жавоб берар экан, қиз мистер Бинглининг чин юракдан безовта бўлаётганидан хурсанд бўлди. Лекин, аслида, аҳвол яхши эмас, Жейннинг аҳволи ҳали ҳам оғир эди. Буни эшитиб Бинглининг сингиллари бир неча марта ўз ҳамдардликларини билдиришди ва ўзаро яна шамоллаш қандай ёмонлиги, улар ҳеч ҳам касал бўлишни хоҳламасликлари тўғрисида гапира кетишди, суҳбатга берилганларидан дугоналарини бошқа эслашмади ҳам. Буни кўрган Элизабет Жейн йўғида у ҳақда ўйламасликларини ҳам тушуниб, яна уларга нисбатан нафратни ҳис қилди.

Бутун йиғилганлардан қизнинг ҳурматига сазовор инсон ёлғиз мистер Бингли эди. Элизабет бошқалар унга худди кутилмаган меҳмон каби қарашаётганини сезиб турар, фақат мистер Бинглининг беморга нисбатан чиндан безовта бўлаётганигина бу ҳисни юмшатиб турарди. Бинглидан бошқа ҳеч ким унинг борлигини ҳам сезмаётгандек эди. Мисс Бингли мистер Дарси билан банд, миссис Хёрст эса синглисидан қолмасликка ҳаракат қилар, Элизабетнинг ёнида ўтирган мистер Хёрст эса, яшашни фақат ейишичиш ва қарта ўйнашдан иборат деб биладиган кимса бўлиб, унинг Элизабет билан гаплашадиган гапи ҳам йўқ эди.

Тушлик тугаши билан Элизабет Жейннинг ёнига қайтди. У хонадан чиқиши билан мисс Бингли унинг ғийбатини бошлади: гўёки Элизабет қўпол ва гердайган эмиш, ҳеч қандай диди, чиройи ва суҳбат олиб боришга қобилияти ҳам йўқ. Буларни айта туриб, у қўшиб қўйди:

– Қисқаси, бу қизнинг ягона фазилати унинг эрталаблари узоқ масофаларни яёв босиб ўтиш қобилия-

ти. Унинг бугун эрталаб бизникига кириб келган ҳолатини ҳеч ҳам эсимдан чиқармайман.

– Луиза, у худди ёввойилардек эди. Ўзимни кулгидан зўрға тўхтатиб қолдим. Келишининг ўзи кулгили. Опаси шамоллаган бўлса, унинг шундай узоққа югуриб келишининг нима кераги бор эди? Кўриниши-чи – юзларини шамол ялаган, сочлари тўзғиган!..

– Ҳа, унинг юбкаси-чи! Юбкасининг лойини кўрдингларми? Этагидаги доғларни беркитиш учун плашини туширмоқчи бўлди-ю, лекин бу ёрдам бермади...

– Айтганларингиз ҳаммаси балки ростдир, лекин мен ҳеч нарса сезмадим, – деди мистер Бингли. – Менга у кириб келганда кўриниши жуда яхши бўлиб туюлган эди. Этагидаги доғни эса сезмадим ҳам.

– Сиз-чи, мистер Дарси, сиз кўргандирсиз? – сўради мисс Бингли. – Менимча, сиз ҳам ўз синглингизни бу аҳволда кўришни истамаган бўлардингиз.

– Сиз бутунлай ҳақсиз.

– Уч, йўқ, тўрт, йўқ, бешми ёки қанчадир милни тиззагача лойга ботиб, яна ёлғиз яёв босиб ўтиш! Нимани ўйлаган! Мен бу нарса қишлоқиларга хос бўлган жинниликнинг бир тури деб ҳисоблайман.

– Бу опасига бўлган меҳрибончиликнинг мақтовга лойиқ кўриниши бўлиши ҳам мумкин, – деди мистер Бингли.

– Мистер Дарси, бугунги воқеа сизни унинг кўзлари ҳақидаги фикрингизни бузиб қўймаса, деб қўрқаман, – деди аста мисс Бингли.

– Ҳеч ҳам, – жавоб қилди йигит. – Унинг кўзлари олдингидан ҳам ёрқинроқ чарақлаётган эди.

Бир оз жим қолишгач, миссис Хёрст яна гап бошлади:

– Жейн Беннет менга жуда ёқади. У ҳақиқатан ҳам ажойиб қиз. Ва мен у ҳаётда бахтли бўлишини жуда хоҳлайман. Лекин бундай ота-она ва қариндошлар билан бундай бўлмасмикан деб жуда қўрқаман.

– Менимча, сен уларнинг амакиси Меритонда яшайди дегандинг шекилли?

– Ҳа. Яна биттаси Чипсайдда яшайди.

– Зўр! – хитоб қилди мисс Бингли ва иккаласи кулавериб қотиб қолишди.

– Бутун Чипсайд унинг амакилари билан тўлиб-тошганда ҳам у бу нарсадан ўз чиройини йўқотмасди, – шахт билан деди Бингли.

– Ҳа, лекин бу нарса унинг одамлар орасида обрўли бўлган инсонга турмушга чиқишига халақит берган бўларди, – жавоб қилди Дарси.

Бингли ҳеч нарса демади, лекин сингиллари Дарсини қўллаб-қувватлашди ва яна анчагача қадрли дугоналарининг қўпол қариндошларининг ғийбатини қилиб ўтиришди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, яна юмшаб, Жейннинг хонасига боришди ва уларни қаҳвага чақиришмагунча, ўша ерда ўтиришди. Жейн ҳали ҳам ўзини ёмон ҳис қилаётган бўлиб, Элизабет уни кечқурунгача ташлаб кетолмади. Беморнинг уйқуга кетганидан хотиржам бўлиб, бошқаларга қўшилишга хоҳиш сезди. У меҳмонхонага кирганда ҳамма қарта атрофида ўтирарди. Қизни ҳам ўйинга таклиф қилишди. Улар катта пулга ўйнаётган бўлишларини тахмин қилиб, Элизабет синглисининг касалини баҳона қилди-да, шу ердалигидан фойдаланиб китоб ўқимоқчилигини айтиб, таклифни рад этди. Мистер Хёрст унга ҳайрон бўлиб қаради:

– Сиз қартадан китобни афзал кўрасизми? Қизиқ?

– Мисс Элиза Беннет ўйинни ёмон кўради, – деди мисс Бингли. – У кўп китоб ўқийди ва бошқа кўнгилочар ўйинларни тан олмайди.

– Мен бу турдаги мақтов ёки танқидларга лойиқ эмасман, – жавоб берди Элизабет. – Менга кўп нарсалар ёқади ва мен унчалик ҳам кўп ўқимайман.

– Мен эса аминманки, сизга опангизга қараб ўтириш ёқади, – деди Бингли. – Ишонаманки, унинг тузалиши баробарида бу хоҳишингиз янада кучаяди.

Элизабет унга юракдан ташаккур айтиб, устида бир нечта китоб турган стол тарафга қараб кетди. Шунинг орасида Бингли унга кутубхонадаги бошқа китобларни ҳам кўриб чиқишни таклиф қилди.

– Агар бундан кўра кўпроқ китоблар билан мақтана олсам хурсанд бўлардим. Лекин мен дангасаман, ва бу ерда мен ўқиб чиқишим мумкин бўлганидан кўра кўпроқ китоб бор.

Элизабет унга шу ердаги китоблар ҳам етарли эканлигини айтиб, тинчлантирди.

– Отамизга шунчалик кам китоб кифоя қилгани мени ҳайрон қолдиряпти, – деди мисс Бингли. – Лекин мистер Дарси, сизнинг Пемберлидаги кутубхонангиз...

– У ерда бошқача бўлиши мумкин эмас, – деди Дарси гапни бўлиб. – Кутубхонага жуда кўп авлоднинг ҳиссаси сингган.

– Лекин сиз ўзингиз ҳам қанча қўшдингиз! Қачон қараса китоб сотиб оласиз.

– Агар мен авлоддан-авлодга ўтаётган кутубхонамизга эътиборсиз бўлсам, жуда хунук иш бўлган бўларди.

– Эътиборсиз бўлишмиш! Албатта, сиз бу чиройли гўшани янада безатиш учун нималар қилмаяпсиз. Чарльз, агар сенинг ўз уйинг бўладиган бўлса, мен ўша уй ҳам Пемберлига ҳеч бўлмаганда ярмичалик ўхшашини хоҳлардим.

– Мен ўзим ҳам хоҳлардим.

– Тўғрисини айтсам, сенга Пемберлининг яқин-атрофидан ўшанга ўхшаган жой сотиб олишни маслаҳат берардим. Бутун Англияда мен Дербеширдан яхшироқ графликни билмайман.

– Рост айтасан. Агар Дарси сотмоқчи бўлса мен Пемберлини олардим.

– Чарльз, мен бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида гапиряпман.

– Чин сўзим, Кэролайн, бундай жойни қуриб эмас, фақат сотиб олиб унга эга чиқиш мумкин.

Уларнинг суҳбати Элизабетни шунчалик қизиқтириб қўйдики, қиз ўқишини тўхтатди ва китобини қўйиб, қарта ўйнашаётган стол олдига яқинлашди. Мистер Бингли ва миссис Хёрстлар ўртасига туриб олиб, ўйинни кузата бошлади.

– Мисс Дарси менинг кўзимга ўтган баҳордагидан анча ўсиб қолганга ўхшаб кўриняпти, – деди мисс Бингли. – У менга ўхшаб баланд бўйли бўлса керак.

– Бўлиши мумкин. Ҳозир унинг бўйи, менимча, мисс Элизабет Беннетникидек ёки сал-пал баландроқ.

– Уни яна бир марта кўришни хоҳлардим! Мен ҳали шунчалик ёқимтой қизни ҳеч учратмаганман. Унинг кўриниши ва ўзини тутишлари бирам чиройли. Яна шу ёшида шундай ўқимишли, фортепьянони ҳам худди ҳақиқий мусиқачилардек чалади.

– Шу мени бу ёшларнинг билим олишга қаердан шунча сабр-тоқатлари етиши қизиқтиради-да, – деди Бингли.

– Ҳамма ёшлар билимлими? Чарльз, азизим, бу билан нима демоқчисан?

– Менимча, ҳамма. Уларнинг бари расм чизади, сумкачалар тўқишади, бўяшади. Мен бу ишларни қилолмайдиган бирорта қизни билмайман. Ва мен бирорта қиз ҳақида, у ўқимишли эмас, деган гапни эшитмаганман.

– Қизларнинг сиз санаб ўтган фазилатлари, афсуски, тўғри, – деди Дарси. – Сумкачалар тўқишни ёки бўяшни биладиган қизларнинг ҳаммасини ўқимишли дейишади. Лекин сизнинг аёлларнинг ўқимишлилиги тўғрисидаги фикрингизга қўшилмайман. Масалан, мен, таниган қизлар орасида беш-олтита ўқимишлиси бор, деб мақтана олмайман.

– Мен ҳам сизга қўшиламан, – деди мисс Бингли.

– У ҳолда сиз «ўқимишли аёл» дегани нималигини аниқ қилиб тушунтириб бера оласизми?

– Ҳа, бу шундай ҳам тушунарли-ку.

– Ростдан! – ҳаяжон билан деди унинг шериги. – Атрофдагилардан бир бош юқори турадиганларни ҳақиқий ўқимишли деб айтиш мумкин. Бу номга сазовор қиз мусиқани ўрганган бўлиши, ашула айтиши, расм чизиши, ўйнай олиши ва чет тилларни билиши керак. Бунинг устига яна, кўриниши, ўзини тутиши, юришлари, гап оҳанглари ва гапириши ҳам бошқача бўлиши керак. Акс ҳолда «ўқимишли» деган номнинг ярмигагина эга бўлади.

– Албатта, булар ҳаммаси бўлиши керак, лекин мен бунга яна катта бир нарсани – кўп китоб ўқиш билан эга бўлинган ақлни ҳам қўшган бўлардим, – деди Дарси.

– Унда сизнинг ростдан ҳам беш-олтитагина ўқимишли қизни билишингиз мени ҳайрон қолдирмайди. Тўғрироғи, уларни топа олганингиз менга қизиқ туюлаяпти.

– Наҳотки сиз ўз жинсингизга нисбатан шунчалик талабчансизки, бундай қизлар борлигига шубҳа қиляпсиз?

– Мен ундайларни учратмаганман. Мен сиз ҳозиргина санаб ўтган ҳамма сифатлар мужассамлашган инсонни учратмаганман.

Миссис Хёрст ва мисс Бингли уларнинг жинсига нисбатан бундай адолатсизликдан жаҳллари чиқиб кетди ва бараварига улар бу турдаги аёлларни жуда кўп учратганларини айтишар экан, мистер Хёрст улар ўйинга халақит беришаётганларини айтиб, тартибга чақирди. Суҳбат тугаб, Элизабет хонадан чиқиб кетди.

– Элиза Беннет, – эшик ёпилиши билан деди мисс Бингли, – ўз жинсини камситиб бошқа жинс вакилларига ёқишга ҳаракат қиладиган қизлар тоифасидан. Кўп эркакларга бу ёқади. Лекин, менимча, бу – пасткашлик.

– Сўзсиз, – деди бу гап ўзига тегишлилигини сезган мистер Дарси. – Аёлларнинг эркакларни ўзига қара-

тиш учун атай қилган барча ҳаракатлари пасткашлик. Айёрлик билан қилинадиган ҳамма нарса – худбинлик.

Мисс Бингли бу жавобдан қониқмагани учун суҳбатни давом эттирмай қўя қолди.

Элизабет қайтиб келиб, опасининг аҳволи ёмонлашганини билдириб, уни ташлаб кетолмаслигини айтди. Бингли мистер Жонсни чақиришни таклиф қилди. Сингиллари эса бу чекка жойда яхшироқ докторни топиш амримаҳол эканлигини айтиб, пойтахтдан бирорта таниқли докторга экипаж юбориш кераклигини айтишди. Элизабет мистер Бинглининг таклифини қабул қилди ва эртаси куни эрталаб агар Жейннинг аҳволи яхшиланмаса, мистер Жонсга одам юборишга келишилди. Мистер Бингли жуда хавотирда, сингиллари эса сиқилиб кетишган эди. Лекин улар кечки овқатдан сўнг дуэтлар куйлаб ўзларини овутишди, Бингли эса хизматкорга бемор ва унинг синглисига яхшилаб қарашни айтиб қўйиш билан ўзига таскин берди.

IX БОБ

Элизабет бутун тунни беморнинг олдида ўтказди. Эрталаб эса унинг аҳволи анча яхшиланганидан хурсанд бўлиб, хизматкор аёл орқали мистер Бинглига бу ҳақда хабар берди. Лекин шунга қарамай, ҳар эҳтимолга қарши, онасининг ўзи келиб кўришини сўраб ёзган хатини Лонгборнга етказишларини ҳам илтимос қилди. Хат ўша заҳотиёқ юборилди ва улар нонушта қилишаётганда миссис Беннет яна икки қизи ҳамроҳлигида Незерфилдга етиб келди.

Жейннинг аҳволи чиндан ҳам хавфли бўлганда, миссис Беннет хавотирланган бўларди. Лекин қизининг кўринишидан анча яхши бўлиб қолганини кўриб, унинг бунчалик тез тузалишини истамадики, акс ҳолда қизи бу ердан тезда жўнаб кетиши керак бўларди. Шунинг учун ҳам Жейннинг уйга кетиш ҳақидаги ил-

тимосини эшитишни ҳам хоҳламади. Бу пайтга келиб чақиртирилган доктор ҳам ўриндан туришни маслаҳат бермади. Миссис Беннет қизи билан бир оз ўтиргач, мисс Бингли кириб уни қизлари билан нонуштага таклиф қилди. Мистер Бингли уларни кутиб олар экан, Жейннинг аҳволи унчалик ёмон эмаслигига умид қилаётганини айтди.

– Лекин, сэр, айнан шундай. Аҳволи жуда ёмон, уни Лонгборнга олиб кетиб бўлмайди, – деди миссис Беннет. – Мистер Жоннинг айтишича, буни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасмиш. Яна бир оз вақт сизларнинг меҳмондўстлигингиздан фойдаланиб туришимизга тўғри келади.

– Лонгборнга кетиш! Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ишонаманки, синглим бу ҳақда эшитишни ҳам истамайди.

– Хоним, хавотир олманг, – совуққина деди мисс Бингли. – Агар мисс Беннет бизникида қолса, лозим бўлган ҳамма нарса қилинади.

Миссис Беннет миннатдорчилик билдирди.

– Унинг атрофида шундай яқин одамлари бўлмаса Худо билади, нима бўлган бўларди, – қўшиб қўйди у. – Аслида, қизим жуда сабрли, лекин шундай қийналяпти. Мен қизларимга доим сизлар Жейндек бўлишингизга анча бор, дейман. Мистер Бингли, хоналарингиз менга жуда ёқди! Боғ шундай кўриниб турибди. Графлигимизда бу Незерфилддек жой, бормикин яна? Бу ерда ижарада турсанглар ҳам, тез орада кетмасанглар керак-а?

– Мен доим шошаман, – деди йигит. – Агар бу ердан кетишга қарор қилсам, беш дақиқадан кейин мени бу ерда кўрмайсиз. Ҳозир эса, менимча, яхшилаб ўрнашиб олганман.

– Мен ҳам сиздан шуни кутаётгандим, – деди Элизабет.

– Сиз менинг табиатимни тушуна бошладингиз-а? – унга қараб сўради Бингли.

– Ҳа, ҳа, мен сизни жуда яхши тушуниб турибман.

– Бу гапингизни мақтов деб қабул қиламан. Лекин ичи қандайлиги шундоқ кўриниб турган одам лапашангга ўхшаб кўринса керак.

– Бу шароитга боғлиқ. Ичимдагини топ дейдиганларни сиздан юқорироқ ёки пастроқ деб ҳисоблашмайди.

– Лиззи, – миссис Беннет гапга аралашди. – Сен уйда гапирадиган гапларингни бу ерда гапираверма. Қаердалигингни унутмагин.

– Мен сиз инсон табиатини ўрганиш билан шуғулланасиз, деб ўйламагандим ҳам, – деди Бингли. – Жуда қизиқ бўлса керак-а?

– Айниқса, мураккаб характерлар қизиқ. Буни улардан олиб қўйиб бўлмайди.

– Қишлоқ ҳаёти бу нарсани ўрганиш учун кўп нарса бермайди, – деди Дарси. – Бу ерда алоқада бўлиш мумкин бўлган одамлар сони жуда кам ва чегараланган.

– Лекин одамлар шунчалик тез ўзгараяптики, уларнинг ҳар бирида бир янгиликни кузатиш мумкин.

– Ростдан ҳам, – хитоб қилди мистер Дарсининг қишлоқ одамлари ҳақидаги гапи тегиб кетган миссис Беннет. – Бу ерларда ҳам ундайлар шаҳардагидан кам эмас.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Дарси эса унга бир қараб қўйиб, индамай тескари ўгирилди. Ўзини зўр гапирдим деб ўйлаган меҳмон эса яна ҳаммани ҳайратга солмоқчи бўлди:

– Мен ўзим, масалан, Лондоннинг дўконлари ва кўнгилочар жойларини ҳисобламаса, бу ердан ҳеч қандай ортиқлиги йўқ, деб ҳисоблайман. Қишлоқда яшаш яхшироғ-а, мистер Бингли?

– Мен қишлоққа келганимда бу ердан кетгим келмайди, – жавоб берди йигит. – Лекин шаҳарга борганимда ҳам шундай. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўз гашти бор. Менга у ерда ҳам, бу ерда ҳам маза.

– Тўғри, бу сизнинг соғлом фикр юритишингиздан. Манави йигит эса, – Дарсига қараб деди миссис Беннет, – қишлоқ ҳаётига осмондан келиб қарар экан.

– Онажон, сиз нотўғри ўйлаяпсиз, – онасининг гапларидан уялган Элизабет гапга аралашди. – Сиз мистер Дарсини тушунмадингиз. У қишлоқда одамлар шаҳардагидан кўра бир хил демоқчи эди. Албатта, сиз ўзингиз ҳам шундай ўйлайсиз.

– Албатта, ҳеч ким катта фарқ ҳақида гапирмаяпти. Таниш-билишларга келсак, ишонаманки, бу ерда ҳам бошқа ердагилардан кам эмас. Бизнинг ўзимиз, масалан, йигирма тўртта оила билан борди-келди қиламиз.

Элизабет ҳиссиётларини ҳурмат қилган мистер Бинглига бу гапларни эшита туриб ўзини кулиб юборишдан тийиб қолиш жуда қийин бўлди. Унинг сингланиси эса акасичалик андишали бўлмагани учун Дарсига маъноли жилмайиб қўйди. Элизабет онасини чалғитиш учун ундан уйда ўзи йўқлигида мабодо Шарлотта Лукас кирган-кирмаганлигини сўради.

– Ҳа, у кеча отаси билан келганди. Мистер Бингли, сиз нима дейсиз, бу сэр Уильям жуда ажойиб инсон-а? Ҳақиқий оқсуяк: ақлли, хушмуомала. У ҳамманинг кўнглини бирдек ола олади. Уни ҳақиқий инсоннинг тимсоли деса бўлади. Бировга тишининг оқини кўрсатмайдиган ва ўзини осмонда тутадиган баъзи бировлар бекорга ўзларини яхши тарбияли деб ҳисоблайдилар.

– Шарлотта сизлар билан тушлик қилдими?

– Йўқ, у уйига кетишга шошаётганди. Менимча, уйида пирог пиширишга ёрдам бермоқчи эди. Бизнинг хизматкорларимиз эса, мистер Бингли, ўз вазифаларини бажаришни жуда яхши билишади. Ҳа, менинг қизларим бошқача тарбияланган. Ҳар бири ўзига хос. Лукасларнинг қизлари ҳам хунук бўлишса-да, ёқимтой. Лекин мен Шарлотта жуда хунук демоқчи эмасман – у оиламизнинг энг яқин дўсти.

– Шарлотта жуда ёқимли қиз шекилли, менимча, – деди мистер Бингли.

– Бўлмасам-чи! Лекин унинг қўполгина эканлигини тан олсангиз керак? Буни леди Лукаснинг ўзи ҳам тан олади. Менинг Жейнимга бирам ҳаваси келади. Албатта қизинг билан мақтаниш яхши эмас-ку, лекин Жейндек чиройли қизлар кам бўлади. Ҳар қадамда шуни гапиришади. У эндигина ўн беш ёшга тўлганида бизлар менинг Лондондаги акам Гардинерникида яшардик. Ўша ерда бир ёш йигит Жейнни юракдан севиб қолди. Биз Лондондан жўнаб кетишимиздан олдин қизимизнинг қўлини сўраса керак, деб ўйлагандик. Рост, бу нарса бўлмади. У Жейнни ҳали жуда ёш деб ўйлаган бўлса керак. Лекин у Жейнга атаб шунақанги ажойиб шеърлар ёзгандики...

– Ва бу саргузашт шу билан тугади, – шошилиб гапга қўшилди Элизабет. – Менимча, бу худди шундай тугаган ягона қизиқиш эмас. Қизиқ, шеърият муҳаббатни ўлдиради деб биринчи бўлиб ким айтганикин?

– Мен эса муҳаббат шеъриятдан баҳра олади, деб ҳисоблайман,– деди мистер Дарси.

– Ҳа, агар севги соғлом, мустаҳкам ва ҳақиқий бўлса. Аллақачон мустаҳкамланган севги ҳамма нарсадан баҳра олиши мумкин. Лекин агар у шунчаки ёқтириш бўлса, бир-икки қатор шеърдан кейин ундан из ҳам қолмайди.

Дарси жилмайди. Орага жимлик чўкди. Элизабет онаси шу пайтда яна бирорта бўлмағур гап гапириб қўяди деб хавотирда эди. Миссис Беннет ростдан ҳам гапиргиси келар, лекин миясига ҳеч нарса келмаётган эди. Бир оз давом этган жимликдан сўнг у яна мистер Бинглига Жейнга кўрсатган ғамхўрликлари учун миннатдорчилик билдира бошлади. Мистер Бингли ўз жавобларида ўта мулозаматли бўлиб, бу билан синглисини ҳам шундай бўлишга мажбур этган, у ҳам одатда шундай пайтларда қилинадиган ҳамма чиройли мулозаматни қилаётган эди. Миссис Беннет улар-

дан жуда хурсанд бўлган ҳолда уйга қайтиш учун экипаж тайёрлашларини сўради. Ва худди шу пайтда, биров туртгандек, кичик мисс Беннет гап бошлади. Бутун ташриф давомида Китти ва Лидия ўзаро пичирлашиб ўтиришган эди. Улар кетаётганларида мистер Бинглига у Хартфордширга келганда Незерфилдда бал ўтказишга берган ваъдасини эслатиб қўйишга келишишганди.

Онасининг эркатойи бўлган ўн беш ёшли Лидия истараси иссиқ, баланд бўйли қиз эди. Айнан шунинг учун ҳам у шунчалик ёш бўлишига қарамай, аллақачон меҳмондорчиликларга юра бошлаган ва амакисиникига унинг ширин овқатларини бирга баҳам кўришга келиб турадиган зобитларнинг унга эътибор қилишлари натижасида, ўзига бино қўйган бир енгилтак қизга айланишга улгурган эди. Шунинг учун у уялмасдан мистер Бинглига бемалол ўз ваъдасини эслатиб, агар у ваъдасига вафо қилмаса, унингдек йигит учун бу жуда уят бўлишини айтаётган эди. Мистер Бинглининг берган жавоби миссис Беннетга жуда ёқиб кетди:

– Гапимга ишонинг, мен ўз ваъдамни бажонидил бажараман. Мисс Беннет тузалиши билан зиёфат кунини белгилашингизни сиздан илтимос қиламан. Лекин опангиз ҳали касал экан. Менимча, рақсга тушиш ўзингизнинг ҳам юрагингизга сиғмаса керак.

Лидия унинг гапларини тасдиқлади:

– Ҳа, албатта, Жейн тузалгунча кутиб турсак яхши бўлади. Бунинг устига у пайтгача капитан Картер ҳам Меритонга қайтиб келса керак. Мен сиздан кейин уни зиёфат беришга мажбур қиламан. Полковник Форстерга эса у бундан қочадиган бўлса, уят бўлишини айтаман.

Шундан кейин миссис Беннет ва қизлари жўнаб кетишди. Элизабет эса мистер Дарси ва аёлларга ўзи ҳамда унинг қариндошларини бемалол ғийбат қилишларига шароит яратиб, Жейннинг ёнига кириб кетди.

Мисс Бинглининг унинг «чиройли кўзлари» тўғрисидаги қочириқларига қарамай, мистер Дарси Элизабет тўғрисида лом-лим демади.

X БОБ

Ўша кун бошқа ҳеч қандай янгиликларсиз ўтди. Миссис Хёрст ва мисс Бингли куннинг биринчи ярмини бир неча соат секин тузала бошлаган Жейннинг ёнида ўтказишди. Кечқурун Элизабет ҳамма йиғилган меҳмонхонага кириб келди. Бу сафар ҳеч ким қарта ўйнамаётган эди: мистер Дарси хат ёзар, мисс Бингли эса унинг ёнида ўтириб, ҳадеб синглисига салом айтиб қўйишни сўрар, унинг диққатини чалғитар эди. Мистер Хёрст ва мистер Бингли пикет ўйнашаётган, миссис Хёрст эса уларнинг ўйинини кузатиб ўтирар эди.

Элизабет тикишга ўтирар экан, мистер Дарси ва мисс Бингли ўртасидаги суҳбат қулоғига кириб кўнгли кўтарилди. Қизнинг мистер Дарси ҳуснихатининг чиройлилиги, фикрларини хатда чиройли ифода қилишига қойил қолиб айтаётган мақтовларига йигитнинг бутунлай бепарволиги Элизабетнинг бу иккала инсон тўғрисидаги қилган хулосаларига мос келар эди.

– Мисс Дарси хатни олиб жуда хурсанд бўлади!

Жимлик.

– Ҳаддан ташқари тез ёзар экансиз.

– Бўлмаган гап. Мен жуда секин ёзаман.

– Бир йилда қанча хат ёзишингизга тўғри келади! Бунинг устига, иш юзасидан яна қанча хат! Қанақа чарчатадиган иш эканлигини тасаввур қиляпман.

– Шундай оғир иш менга теккани сизнинг омадингиз.

– Илтимос, синглингизга мен уни жуда кўргим келаётганини ёзинг.

– Буни ёзиб бўлдим.

– Менимча, перонгиз жуда ёмон экан. Беринг, мен тузатиб бераман. Мен зўр тузатаман.

– Миннатдорман, лекин перомни ҳар доим мен ўзим тузатаман.

– Қандай қилиб бунақа текис ёзасиз?

Мистер Дарси жавоб бермади.

– Синглингизга унинг арфа чалишдаги муваффақиятларидан мен жуда хурсанд бўлганимни ёзиб юборинг. Ва яна айтингки, мен унинг дастурхонга тиккан кашталаридан ҳайратдаман ва унинг иши мисс Грантлиникидан анча яхши.

– Балки бу мақтовларингизни кейинги хатга қолдирарсиз? Бу ерда жой қолмади.

– Вой, безовта бўлманг. Мен у билан январда кўришаман. Мистер Дарси, сиз ҳар доим шунақа ажойиб узун хатлар ёзасизми?

– Ҳа, улар ростдан ҳам узун, лекин уларнинг қанақалигини мен ўзим айтолмайман.

– Менга эса бундай узун хатлар ёзадиган одам ўзўзидан зўр хат ёзадиганга ўхшайди.

– Кэролайн, мистер Дарси учун бу мақтов эмас, – гапга аралашди мистер Бингли. – Бу хатларни ёзиш унга осон эмас. У нуқул тўрт бўғинли сўзлар ишлатишга ҳаракат қилади, шундайми Дарси?

– Менинг хат ёзиш услубим, албатта, сизникидан фарқ қилади.

– Ҳа, ҳеч ким хатни Чарльзчалик ҳафсаласизлик билан ёзмаса керак. Сўзларининг ярмини ташлаб кетади, ярмини ўчириб ташлайди.

– Хаёлимга фикрлар шунақа тез келадики, мен уларни қоғозга туширишга улгурмайман. Шунинг учун менинг хатларим гоҳида аслида нима демоқчилигимни эгасига етказмайди, – деди мистер Бингли.

– Сизнинг камтарлигингиз хоҳлаган танқидчини қуролсизлантириб қўяди, – деди Элизабет.

– Бировларга кўрсатиб қилинган камтарликдан ёмон нарса йўқ. Баъзан камтарлик ниқоби остида

бошқаларнинг фикрига бепарволик ва манманлик яширинган бўлади.

– Унда менинг гапларимни қандай баҳолайсиз?

– Албатта, ниқобланган мақтанчоқлик деб. Ахир сиз ич-ичингиздан хатларингиздаги камчиликлар билан фахрланаяпсиз-ку! Чунки сиз бу камчиликларни фикрларингизнинг кўплигидан ва уларни ифодалашга улгура олмаётганимдан деб ҳисоблайсиз ва бу нарсалар мақтовга лойиқ бўлмаса-да, ўзига тортадиган жиҳатлари бор. Бирор нарсани тез бажариш сифат жиҳатидан мақташга арзимаса-да, одатда, бажарувчи томонидан юқори баҳоланади. Бугун эрталаб сиз миссис Беннетга агар кетишни хоҳлаб қолсангиз, сизни бу ерда беш дақиқа ҳам ушлаб туриб бўлмаслигини айтиб мақтандингиз. Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, муҳим ишларни тугатмасдан ва бу шошилишдан на сенга ва на бошқага бирор наф бўлмаса, бунинг нимаси мақтовга сазовор?

– Энди бу ҳаддан ташқари, – эътироз қилди мистер Бингли. – Эрталабки ёмон иш учун кечқурун гап эшитиш! Лекин, қасам ичиб айтаманки, ўша айтган гапларим рост ва бу гапимдан қайтмайман. Ҳар ҳолда, ўзимнинг шошилишим ҳақида аёлларнинг олдида мақтаниш учун гапирмаганман.

– Бунга асло шубҳа қилмайман. Лекин сизнинг бунчалик тез жўнаб кетишингизга мен ишонмайман. Чунки бундай пайтда ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракати шароит тақозосидан келиб чиқиб бўлади, жумладан, сизнинг ҳам. Сиз эндигина отга ўтирганингизда энг яқин дўстингиз «Бингли, яна бир ҳафтагина шу ерда бўлмайсизми?» деб қолса, балки унга қулоқ солиб яна бир ҳафта эмас, яна бир ой ушланиб қолган бўлардингиз.

– Сиз бу гапларингиз билан мистер Бинглининг ўзига нисбатан адолатсизлигини исботладингиз, – гап қўшди Элизабет.

– Сиз дўстимнинг сўзларини менинг табиатимнинг юмшоқлигини мақтаганга айлантириб юборганингиз-

дан жуда хурсандман, мисс Элизабет, – деди Бингли. – Лекин қўрқаманки, айни тескариси. У аслида бундай ҳолларда қатъий рад қилиб, ҳеч нарсага қарамай тезроқ жўнаб қолиш керак, деб ҳисоблайди.

– Наҳотки, мистер Дарси сизнинг биринчи шошқалоқлигингизни кейинги ўжарлигингиз ювиб кетади, деб ҳисоблаётган бўлса?

– Худо ҳақи, мен тушунтириб беролмайман. Дарсининг ўзи айтсин.

– Нима, сизлар мен гапирмаган, лекин сизлар менга тақаётган гапларни қайтаришимни сўраяпсизларми? Хўп, майли, сизлар айтгандек бўла қолсин. Мисс Беннет, ёдингиздами, ўша мен тахминан айтган дўсти яна бир оз қолишни илтимос қилиб, фақат ўз истагини билдирди, ҳатто нима учунлигини тушунтириб ҳам ўтирмади.

– Сиз дўстингиз бировнинг илтимосини дарров қондиришини яхши сифатлардан бири, деб ҳисобламайсизми?

– Ўйламасдан ён бериш иккала дўстнинг ҳам ақл даражасига путур етказган бўларди.

– Менимча эса, мистер Дарси, сиз дўстлик деган сўзнинг қадрига етарли баҳо бермаяпсиз. Баъзан илтимос қилаётган одамга ҳурмат юзасидан илтимоснинг мазмунига қарамасдан ҳам бажаришга ҳаракат қилинади. Мен, сиз мистер Бингли тўғрисида айтган шароитни кўзда тутмаяпман. Мистер Бингли билан шундай ҳодиса бўлишини кутиб турамиз ва ана ўшанда унга керакли баҳони берамиз. Наҳотки сиз, биров дўстидан маълум бир ишни қилмасликни сўраса-да, шериги нимагалигини сўрамай, унга қулоқ солса, уни бу иши учун гуноҳкор қилсангиз?

– Менимча, бу масалани муҳокама қилишни давом эттиришдан олдин, уларнинг дўстлиги қай даражада мустаҳкам эканлиги ва сўралаётган илтимоснинг қай даражада муҳимлигини аниқлаб олсак бўларди.

– Тўппа-тўғри! – қизишиб деди мистер Бингли. – Келинглар, ҳамма майда-чуйда нарсаларгача келишиб оламиз, ҳатто дўстларнинг бўйини ва кучини ҳам ҳисобга оламиз. Мисс Беннет, бу нарсалар жуда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ишонасизми, агар Дарси менга қараганда бунчалик полвон кўринмаганда, мен у билан ҳатто ҳисоблашмасдим ҳам. Маълум бир шароитларда, маълум бир жойларда, тан оламан, ўзини мендан қўрқадигандек қилиб кўрсатади, айниқса, ўзининг уйида дам олиш кунлари кечқурун нима қилишни билмай ўтирганида.

Дарси жилмайиб қўйди. Лекин Элизабет бўлган гаплар Дарсининг ҳамиятига текканини сезиб, жилмайишдан ўзини тийди. Мисс Бингли эса акасининг Дарсини бунчалик ҳақорат қилганидан жаҳли чиқиб, аҳмоқона гаплари учун уни уриша кетди.

– Мен сиз нима демоқчилигингизни тушундим, Бингли, – деди Дарси. – Сизга бизнинг баҳсимиз ёқмаяпти ва шу йўл билан унга нуқта қўймоқчи бўлдингиз.

– Балки. Одатда, баҳслар мунозарага ўхшаб кетади. Агар сиз ва мисс Беннет ўз жанжалларингизни мен хонадан чиқиб кетгунча тўхтатиб турсанглар, жуда сизлардан миннатдор бўлардим. Кетганимдан сўнг мен тўғримда нима десанглар ҳам розиман.

– Илтимосингизнинг мен учун ҳеч қандай оғирлиги йўқ. Мистер Дарси ҳам ёзаётган хатини тугатиб олса яхши бўларди.

Мистер Дарси унинг маслаҳатидан фойдаланиб хатини охиригача тугатиб қўйди. Бўшагач, мисс Бингли ва Элизабетдан бирорта куй чалиб беришларини сўради. Мисс Бингли Элизабетнинг ҳурмати учун биринчи бўлиб чалишга таклиф қилди, у ҳам ўз навбатида ҳамроҳига ҳурмат кўрсатгач, фортепьяно ёнига ўтирди.

Миссис Хёрст синглиси билан бирга ашулага қўшилди. Улар иккаласи қўшиқ билан банд бўлиб, Элизабет олдида турган ноталарни варақлар экан, Дарсининг ўзига тез-тез қараб қўяётганини сезди. Ўзига бино

қўйган бу йигитнинг уни ёқтириб қараётганини тасаввурига ҳам сиғдира олмаётган эди. Шу билан бирга, унинг Элизабетга масхаралаб қараётгани ҳам тўғридек эмасди. Ниҳоят, йигитнинг бу эътиборини хонадонда фақат унинг фикрларигина ўзиники билан мос келмаётгани учунлигига йўйиб қўя қолди. Бу фикрдан унинг кайфияти ўзгармади. Мистер Дарси унга шунчалик ёқмаётгандики, йигитнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Бир нечта италянча арияларни ижро этгач, мисс Бингли шотландча қувноқ куйни чала бошлади. Мистер Дарси ўрнидан туриб, Элизабетга яқинлашиб, деди:

– Мисс Беннет, вақтдан фойдаланиб шу куйга бир рақсга тушмаймизми?

Элизабет ҳеч нарса демай жилмайиб қўйди. Унинг сукутидан ҳайрон бўлган Дарси саволини қайтарди.

– Мен сизни жуда яхши эшитдим, фақат нима деб жавоб қайтаришга ҳайронман, – деди Элизабет. – Сиз, албатта, таклифингизни қабул қилиб, ўзимнинг дидим пастлигини исботлашим учун йўл очиб беришимни хоҳлаётгандингиз. Лекин мен доим шундай тузоқларни четлаб ўтиб, эгаларини улар олдиндан маза қилиб кутаётган хурсандчиликдан бебаҳра қилишни яхши кўраман. Шунинг учун ҳам мен бу куйга рақс тушишни ўлгудек ёмон кўраман, деб айтиш хаёлимга келганди. Мана энди, агар қўлингиздан келса хоҳлаганингизча устимдан кулаверинг.

– Сўзларимга ишонинг, мен сизни ҳеч нарсада айблай олмайман!

Ўзининг гаплари йигитнинг ҳамиятига тегади, деб ўйлаган Элизабет, унинг мулойимлигидан ҳайратга тушди. Қиздан уфуриб турган ширингина айёрлик бирорта йигитнинг ҳамиятига тегиши амримаҳол эди. Дарси илгари бирорта аёл ҳам уни шунчалик мафтун қилмаганини ҳис қилиб турарди. Ва унга яна шу нарса маълум эдики, агар Элизабетнинг қариндош-уруғ-

лари тузукроқ бўлишганда, қизнинг қалбига яна бир нарса хавф солган бўларди.

Мисс Бингли рашкка ўхшаш ниманидир ҳис қилди. Унда қадрдон дугонасининг соғайишини хоҳлаш билан бирга тезроқ унинг синглисидан қутулиш хоҳиши ҳам пайдо бўлди. У яқин орада бўлиши мумкин бўлган тўйлари ва бундай хотин билан унинг қандай бахтли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги гапларни гапириб, Дарсини Элизабетга қарши қилиб қўйишга ҳаракат қиларди.

– Умид қиламанки, бу бахтли воқеа бўлиб ўтгач, сиз қайнонангизга баъзан тилини тийиб юриш фойдали эканлигини шипшитиб қўясиз, – деди у эртаси куни Дарси билан уй олдидаги боғда сайр қилиб юришар экан. – Буни қилиб бўлганингиздан сўнг эса қайнисингилларингизни зобитлар кетидан югурмайдиган қиласиз. Менга бу мавзуда гапиришга рухсат берилган экан, яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Танлаган қизингизни манманликдан халос қилишга ҳаракат қилинг.

– Сиз менинг бахтли бўлишим учун балки яна бирор маслаҳат берарсиз?

– Албатта! Филипс амакининг портретини Пемберлидаги галереянгизга осиб қўйинг. Отангизнинг амакиси бўлган судьянинг расми ёнига. Ахир улар бир хил касб эгалари-ку, фақат икки хил томондан. Элизабетингизнинг суратини эса ҳатто чиздиришга ҳам ҳаракат қилманг. Ахир, бирорта рассом унинг чиройли кўзларини ифода этишга қурби етармикин?

– Ростдан ҳам бу кўзларнинг ифодасини чизиш осон бўлмаса керак. Лекин бу кўзларнинг шаклини, рангини, узун киприкларини яхши рассом чиза олса керак.

Шу пайт улар яқин орада сайр қилиб юрган миссис Хёрст билан Элизабетнинг ўзини кўриб қолишди.

– Мен сизлар ҳам сайрга чиқмоқчи эканликларингизни билмабман! – деди мисс Бингли, улар унинг айт-

ган гапларини эшитиб қолган бўлишларидан хавфсираб.

– Уят эмасми? Секингина чиқиб кетибсизлар, – жавоб берди миссис Хёрст ва мистер Дарсининг бўш томонидан қўлтиқлаганча Элизабетни у ёғига бир ўзи кетишга ундади – йўлкага фақат учта одам сиғар эди. Унинг фаросатсизлигини сезган мистер Дарси ўша заҳоти деди:

– Бу йўл уч киши учун торлик қилади. Келинглар, анави катта йўлга чиқамиз.

Лекин улардан алоҳида кетишни жуда ҳам хоҳлаётган Элизабет қаршилик кўрсатди:

– Йўқ, йўқ, шу ерда қолинглар. Учалангиз бир ажойиб кетяпсизлар. Агар сизларга яна бир одам қўшилса, мутаносиблик бузилади. Кўришгунча!

Ва у бир-икки кундан сўнг бу ердан кетишини ўйлаб, қувонганча югуриб кетди. Жейн ўша куни ўзини жуда яхши ҳис қилаётган бўлиб, шу куни кечқурун хонасидан чиқиб бир оз юрмоқчи бўлди.

XI БОБ

Тушликдан сўнг ҳамма қўзғалгач, Элизабет Жейннинг хонасига кўтарилди ва уни яхшилаб кийинтириб, меҳмонхонага тушди. Қизни ҳамма хурсандчилик билан кутиб олди. Мистер Бинглининг сингиллари бу пайтда ҳеч нарса бўлмагандек бирам мулойим, бирам меҳрибон эдилар. Иккаласи ҳам гапга чечан, латифаларга уста, бирор бир танишлари устидан маза қилиб кулишар эди.

Лекин эркаклар пайдо бўлиши билан Жейн иккинчи ўринга ўтиб қолди. Мисс Бингли эътиборини дарров мистер Дарсига қаратди: у ҳали хонага киришга улгурмай, қиз унга гапира кетди. Мистер Дарси индамай Жейннинг олдига келиб, уни соғайганлиги билан табриклади. Мистер Хёрст ҳам унга енгилгина таъзим қилиб, «хурсандман»га ўхшаш нимадир деб минғир-

лаб қўйди. Лекин мистер Бингли ҳаммадан ўтиб тушди. У ҳаддан ташқари хурсанд ва ҳаяжонда эди. Йигит Жейн совқотиб қолмаслиги учун каминга ўт ёқаман деб, ярим соат овора бўлди. Унинг қистови билан Жейн эшикдан нарироқда бўлиш учун камин олдидаги креслога ўтиб ўтирди.

Кейин Бинглининг ўзи қизнинг ёнига ўтириб, бутун кеча давомида фақат у билан гаплашиб ўтирди. Рўпарада иш тикиб ўтирган Элизабет уларнинг ўтиришини хурсандчилик билан кузатиб ўтирди.

Чойдан сўнг мистер Хёрст қарта столига ўтишни таклиф қилди. Лекин Кэролайн мистер Дарсининг ҳозир қарта ўйнашга ҳуши йўқлигини сезиб турарди. Мистер Хёрстнинг баланд овозда ҳаммага мурожаат қилиши бекор кетди. Мисс Бингли унга ҳеч кимнинг қарта ўйнагиси келмаётганини айтди. Бу гапга ҳамма қўшилгандек, ҳеч кимдан садо чиқмагач, мистер Хёрстнинг диванга чўзилиб уйқуга кетишдан бошқа иши қолмади. Дарси қўлига китоб олди, мисс Бингли ҳам шундай қилди, миссис Хёрст эса узук ва зиракларини тартибга сола бошлади, вақти-вақти билан Бингли ва Жейнларнинг гапларига қўшилиб турди.

Мисс Бингли ўз китобини ўқиш билан бирга мистер Дарси китобини қандай ўқиётганини ҳам сездирмай кузатиб ўтирар эди. У дам ўтмай йигитдан бирор нарса сўрар ва унинг олдида очиқ турган китобга қараб қўяр эди. Лекин Дарсини суҳбатга торта олмади: йигит унга қарамай, саволларига қисқагина жавоб бериб, ўқишда давом этарди. Ахири, қилган ҳаракатларидан ҳеч қандай натижа чиқара олмаган мисс Бингли оғзини катта очиб эснаб, деди:

– Кечани шундай ўтказиш қандай яхши-а?! Очиғини айтсам, китоб ўқишдан бошқа яхшироқ машғулотни билмайман. Бошқа ишдан одам бирпасда чарчайди. Ўзимнинг уйим бўлганда, ўз кутубхонам бўлмаса ўзимни энг бахтсиз деб ҳисоблайман.

Ҳеч ким жавоб қайтармади. У яна бир марта қаттиқ эснаб, китобни отиб юборди ва бирор бир қизиқ нарса қидириб хонани кўздан кечирди. Акасининг мисс Беннет билан бал ҳақида гапиришаётганини эшитиб, унга ўгирилди-да, сўради:

– Айтганча, Чарльз, сен ростдан ҳам Незерфилдда бал ўтказмоқчимисан? Бундай қарор қабул қилишдан олдин ҳозир шу ерда ўтирганларниг фикрини билсанг бўларди. Менимча, бу ерда ўтирганларнинг баъзи бирларига бал ўтказиш ёқмаслиги мумкин.

– Сен Дарсини кўзда тутаяпсан шекилли, – жавоб берди Бингли. – Агар унга ёқмаса, бориб ухлаши мумкин. Бални эса албатта ўтказамиз, бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Ҳамма нарса шай бўлиши билан мен меҳмонларга таклифнома юбораман.

– Баллар бошқачароқ бўлганда яхшироқ бўларди. Ҳозиргилари бирам зерикарлики... Рақслар ўрнига жиддий суҳбатлар уюштирилганда эди, – деди мисс Бингли.

– Албатта, азизам, – деди Бингли. – Лекин бу бал бўлмай қоларди-да.

Мисс Бингли жавоб қайтаришни ўзига лозим кўрмай, ўрнидан туриб, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Унинг қомати келишган ва юришлари чиройли эди. Бу ҳаракат Дарсига қаратилган бўлса-да, у ўқишдан бошини кўтармади. Ўз ниятига етмаган қиз бир шумликни ўйлаб, Элизабетга деди:

– Мисс Элиза Беннет, мендан ўрнак олиб бир оз туриб юрсангиз-чи. Ҳадеб бир жойда қадалиб ўтиришдан сўнг бу жуда фойдали.

Элизабет бир оз ҳайрон бўлса-да, бари бир ўрнидан турди. Мисс Бингли ниятига етди: мистер Дарси ўқишдан бошини кўтарди. Мисс Бинглининг Элизабетга меҳрибонлиги ундан ҳам кўра Дарси учун кутилмаган ҳодиса эди ва шунинг учун у беихтиёр китобини ёпди. Йигитга ҳам қаторга қўшилишни таклиф қилишди, лекин у рад қилди. Йигитнинг айти-

шича, хона бўйлаб бу сайрнинг иккита сабаби бўлиши мумкин ва иккала ҳолда ҳам у қизларга халақит беради.

«Бу билан у нима демоқчи? Элизабет у нима демоқчилигини билишга қизиқиб ўлаётган бўлса керак?» – Мисс Бингли Элизабетдан Дарсининг гапидан бирор нарса тушунган-тушунмаганини сўради

– Албатта йўқ, – жавоб берди Элизабет. – Лекин ишонаманки, у бизнинг нафсониятимизга тегмоқчи эди. Ва бу қилиғига жавобимиз – ундан ҳеч нарса сўрамаслик.

Лекин мисс Бингли мистер Дарсини ҳеч ҳам хафа қилмоқчи эмасди. Шунинг учун у мистер Дарсидан нима демоқчи бўлганини сўраб қистайверди.

– Хўп, яхши. Сизнинг вақтни бундай ўтказишингиздан мақсад ёки сизлар бир-бирингизга жуда ишонасизлар ва нимадир тўғрисида сирлашмоқчисизлар ёки шундай юрганда жуда чиройли кўринаяпман, деб ўйлаяпсизлар. Биринчи масалада мен сизларга халақит бераман, иккинчисида эса мен шу ерда, каминнинг олдида ўтириб сизлардан завқланишим мумкин.

– Қандай даҳшат! – ҳаяжон билан деди мисс Бингли. – Мен умримда бундай ҳақорат эшитмаганман. Бу гаплар учун сизни қандай жазолаш керак?

– Бундан осон нарса йўқ, фақат жуда хоҳлаш керак. Ҳаммамиз бир-биримизга бир оз қалтис ҳазил қилишимиз мумкин. Сиз унинг жаҳлини чиқазинг, устидан кулинг. Ахир сизлар яқин дўстсизлар-ку, унинг нозик томонларини билсангиз керак?

– Чин сўзим, билмайман. Сизни ишонтириб айтаманки, бизнинг танишувимиз мени бу нарсага ўргатмади. Ҳеч нарса чиқмайди, деб қўрқаман. Бекордан бекорга кулиб тентакка ўхшаб кўринмаймиз-ку! Мистер Дарси хотиржам бўлиши мумкин.

– Мистер Дарсининг устидан кулиб бўлмайдими? – ҳайрон бўлди Элизабет. – Қандай ортиқ жойи бор? Шунчалик ортиққи, менимча, истисно бўлса керак.

Агар танишларим орасида бундайлар кўп бўлса, менга жуда қийин бўлган бўларди, чунки мен кулгини жуда яхши кўраман.

– Мисс Бингли менга менда йўқ сифатларни ёпиштираяпти. Инсонларнинг энг ақлли ва самимийлари йўқ, аксинча, одамларнинг ақлли ва самимий хатти-ҳаракатлари бировнинг устидан кулиш мақсади бўлганлар томонидан кулгига олинади.

– Албатта, бундай инсонлар йўқ эмас, – деди Элизабет. – Умид қиламанки, мени ундайлар қаторига қўшмассиз. Мен ҳеч қачон донишмандлик ва инсонийлик устидан кулмаганман. Тентаклик ва ғалати-ғалати қилиқлар, инжиқлик ва бетартиблик ҳар доим менга кулгили туюлади ва доим уларнинг устидан куламан. Лекин сиз бундай сифатлардан ҳолисиз.

– Менимча, ҳеч ким ҳақида ҳам бундай дейиш мумкин эмас. Лекин менинг ўзим умрим давомида мени кулгили кўрсатиши мумкин бўлган сифатлардан қутулиш учун кўп ҳаракат қилганман.

– Масалан, мағрурлик ва манманликданми?

– Ҳа, аслида ҳам манманлик инсоннинг камчилиги. Лекин мағрурлик... Ҳақиқий ақлли одам одатда меъёрида мағрур бўлади.

Элизабет кулгисини яшириш учун тескари ўгирилди.

– Элизабет, менимча сиз мистер Дарсининг табиатини характерини бир оз билиб олдингиз шекилли. Сиз ўзингиз бу ҳақда нима дейсиз? – сўради мисс Бингли.

– Нима ҳам дердим. Мен ростдан ҳам мистер Дарсининг ҳар қандай камчиликлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Унинг ўзи ҳам буни беркитмайди.

– Мен бундай деганим йўқ. Камчиликларим тиқилиб ётибди. Фақат менинг ақлим булардан холи деб умид қиламан. Лекин табиатим учун жавоб бера олмайман. Атрофдагиларнинг гапича юмшоққўнгил эмасман. Атрофимдагиларнинг аҳмоқликларини, мени

хафа қилганларини тез эсдан чиқара олмайман. Раҳмимни келтиришмоқчи бўлса, дарров юмшай қолмайман. Мени аразчи дейиш тўғри бўлса керак. Мен бировни ҳурмат қилмай қўйсам, бу бир умрга.

– Мана бу ҳақиқий камчилик! – деди Элизабет. – Ҳаддан ортиқ аразчилик, албатта, инсон табиатининг энг ёмон хусусияти. Лекин сиз ўз камчилигингизни очиқ-ойдин айтдингиз. Мен сизнинг устингиздан кула олмайман. Мендан қўрқмасангиз ҳам бўлади.

– Менимча, бирор бир камчиликка эга бўлиш ҳар бир инсонга хос бўлса керак. Табиат берган камчиликни ҳатто энг яхши тарбия ҳам тузата олмайди.

– Сизнинг камчилигингиз – одамлардан нафратланишга тайёрлигингиз.

– Сизники эса, – кулиб деди Дарси, – уларни атайдан тушунмаслик.

– Мен бир оз мусиқа эшитгим келаяпти, – ўзи иштирок этмаётган суҳбатдан чарчаган мисс Бингли гапга аралашди. – Луиза, агар эрингни уйғотиб юборсам жаҳлинг чиқмайдими?

Опаси қаршилик қилмагач, Кэролайн фортепьянонинг қопқоғини очди. Дарси ҳам қарши бўлмади, чунки Элизабетга ҳаддан ортиқ эътибор бериб юборганини сезиб қолган эди.

XII БОБ

Опа-сингил аввалдан келишганларидек, эртаси куни эрталаб Элизабет ўша куниёқ экипаж юборишларини сўраб онасига хат ёзди. Миссис Беннет эса қизларининг Незерфилдда сешанбагача қолишларини режалаштираётган эди. Шунинг учун уларнинг келишларини эшитиб жуда ҳам хурсанд бўлмади. Унинг жавоби онасининг жавобини сабрсизлик билан кутаётган Элизабет учун кутилмаган бўлди. Хатида сешанбагача экипаж юбора олмаслигини, агар Бинглиларнинг оиласи уларни ундан ҳам кўпроқ ушлаб қолишни таклиф

қилишса, у иккита катта қизларисиз бемалол ҳам яшаб тура олишларини айтганди. Элиза яна ушланиб қолиш тўғрисида ўйлашни ҳам хоҳламаётганди, Бинглиларнинг таклифлари тўғрисида-ку, унинг ишончи комил эмасди. Аксинча, уларнинг шунча ушланиб қолганлари чўзилиб кетгандай кўринмаслиги учун Жейнни мистер Бинглидан экипаж илтимос қилиб кўришга кўндиришга ҳаракат қилиб кўрди. Ахири, қизлар иккаласи биргаликда уларга бугун эрталабдан жўнамоқчи эканликларини айтиб, экипаж беришларини илтимос қилишга келишдилар.

Қизларнинг кетиш хабаридан ҳамма афсусланди. Шу билан бирга улар Жейннинг бира тўла тузалиши учун яна бир кун қолишса ҳам яхши бўлишини айтишди. Ниҳоят, қизлар эртаси куни эрталабгача қолишга рози бўлишди. Лекин ҳаял ўтмай мисс Бингли қизларни яна бир кун қолишга кўндиришганига афсуслана бошлади, чунки қизларнинг бирига нисбатан рашк туйғуси иккинчи қизга нисбатан дўстона ҳис-туйғулардан кучлироқ эди.

Уйнинг эгаси эса яқинлашаётган айриликдан жуда хафа эди. Шунинг учун ҳадеб мисс Беннетга у ҳали етарли соғайиб кетмаганини, йўлга чиқиш мумкин эмаслигини таъкидлар эди. Лекин Жейнни кўндиришнинг иложи йўқ, чунки у бир иш қилишга аҳд қилдими, гапидан қайтмас эди.

Мистер Дарси бу қарордан хурсанд эди: Элизабет Незерфилдда узоқ қолиб кетган, унинг оҳанрабоси йигитга у хоҳлагандан кўра кўпроқ таъсир қилганди. Бунинг устига мисс Бингли ҳам қизга қўполроқ гапира бошлаган, Дарсининг ҳам одатдагидан кўра кўпроқ ғашига тега бошлаган эди. Дарси энди мисс Бингли бирор нарсада гумонсирамаслиги учун Элизабетга жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилиши кераклигига ақли етган эди. Шу билан бирга агар мисс Бинглида у билан Элизабет ўртасида бирор нарса бор деган фикр туғилган бўлса, бу гумони хайрлашув чоғида ўзини қан-

дай тутишига боғлиқлигини сезиб турарди. Ўйлаган гумони ростлигига ишониб, шанба куни Элизабетга куни билан икки-уч оғизгина гап қотди. Иккаласи хонада ярим соатча бирга ёлғиз бўлишган бўлса-да, шундай берилиб китоб ўқидики, қиз томонга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

Якшанба куни, эрталабки тоат-ибодатдан сўнг кўпчилик учун интиқиб кутилган хайрлашиш онлари етиб келди. Мисс Бингли Элизабетга нисбатан ҳаддан ортиқ мулозаматли эди. Хайрлашишар экан, қизлар Жейнга у билан Лонгборндами ёки Незерфилддами – қаерда бўлса ҳам учрашишдан жуда хурсанд бўлишларини айтишди. Мисс Бингли Жейнни охирги марта қаттиқ қучоқлаб ва Элизабетга қўл чўзиб хайрлашгач, Элизабет яхши кайфиятда ҳамма билан самимий хайрлашди.

Оналари уларни жуда ҳам хурсанд бўлиб кутиб олмади. Миссис Беннет ҳаммага иш орттириб қизлари бекор қайтиб келганларидан афсусда эди ва Жейннинг яна касал бўлиб қолишига амин эди. Оталари эса жуда очиқчасига бўлмаса-да, қизларининг келганидан хурсанд бўлганини билдириб қўйди – охирги кунлари иккита катта қизининг ўрни жуда билинаётган эди. Жейн ва Элизабет йўқлигида уйда ҳамма йиғилишиб ўтирадиган пайтлар жуда зерикарли ўтаётган эди. Улар келишганда Мэри одатдагидек мусиқа сирларини ва инсон табиати асосларини ўрганаётган эди. Опалари унинг ижросида бир нечта янги куйлар ва ақл-одоб борасида бир нечта чиройли цитаталарни эшитишди. Кэтрин ва Лидиянинг янгиликлари эса бутунлай бошқа борада эди: ўтган чоршанбадан бери полкда кўп ўзгаришлар бўлганмиш. Амакиларининкида бир нечта зобитлар меҳмон бўлишибди, бир зобитни жазолашибди ва полковник Форстер уйланмоқчи эмиш, деган гап тарқалибди.

XIII БОБ

– Азизам, бугун тушликка бирорта мазалироқ нарса пиширасиз, деб умид қиламан, – деди хотинига эртаси куни эрталаб мистер Беннет. – Менимча, бугун уйимизга меҳмон келса керак.

– Дўстим, ким ҳақида гапираяпсиз? Билишимча, бугун бизникига ҳеч ким келмоқчи эмас. Мабодо Шарлотта Лукас келиб қолмаса... Лекин у ҳеч қачон бизнинг дастурхонимиздан нолиган эмас. Уларники бизникидан яхшироқ бўлмаса керак.

– Мен жентельмен тўғрисида гапираяпман.

– Қандай жентельмен? А-а-а, топдим, мистер Бингли тўғрисида гапираяпсизми? Жейн, жиннивой, нега илгарироқ айтмадинг? Вой, ўлай, уйда балиқ йўқ-ку! Лидия, жоним қизим, шундоқ қўнғироқни босиб қўй. Мисс Хиллга айтиш керак, балиқ олиб келсин.

– Гап мистер Бингли ҳақида кетаётгани йўқ, мен ўзим ҳам ҳали шу пайтгача кўрмаганим бир одамни кутаяпман.

Мистер Беннетнинг гапларидан ҳамма ҳайрон бўлиб қолди ва уни саволга кўмиб ташлашди. Ҳамманинг қизиқишидан завқланган мистер Беннет охири тушунтирди:

– Мен бир ойча олдин мана бу хатни олгандим. Унга фақат икки ҳафта бурунгина жавоб ёздим. Хатдаги гаплар жуда нозик бўлгани учун мен уни олдиндан яхшлаб ўйлаб олишим керак эди. Бу хатни менинг амакиваччам мистер Коллинз ёзган. Сизлар уни жуда яхши танийсизлар, мендан кейин у агар хоҳласа, сизларни кўчага ҳайдаб чиқаради.

– Худо ҳақи, мен у тўғрисида эшитишни ҳам истамайман! – ҳаяжон билан деди миссис Беннет. – Бу махлуқ ҳақида гапирманг ҳам. Ахир сизга тегишли бўлган уйдан сизнинг болаларингизни ҳайдаб чиқаришдан ҳам адолатсизроқ иш бўлиши мумкинми? Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, аллақачон бирор бир йўлини топган бўлардим.

Жейн билан Элизабет оналарига уй-жой васиятлари тўғрисидаги қонунни тушунтиришга ҳаракат қилишди. Улар илгари ҳам ҳаракат қилишганди. Лекин у бу ҳақда эшитишни ҳам истамас, бешта қиз ўсаётган оиладан уйларини тортиб олиб ҳеч ким билмайдиган бошқа бир кимсага берадиган қонунни қарғай бошларди.

– Албатта, бу жуда катта адолатсизлик. Мистер Коллинз ҳам Лонгборнга меросхўрлик борасидаги айбини ҳеч қанақасига ювa олмайди, – деди мистер Беннет. – Лекин, балки сизлар хатда нима ёзилганини билсангиз, унинг мазмуни сизларни бир оз тинчлантирар.

– Мен тинчлана олмайман! Қанақа қилиб сизга хат ёзишга ҳадди сиғди? Сохта нусхаларни кўргани кўзим йўқ. Яхшиси, отасига ўхшаб биз билан душманлик қилиб юрса яхши эди!

– Хатини яхшилаб эшитсангиз, у чиндан ҳам баъзи бир нарсаларга мажбур эканлигини тушунасиз.

«Хансфорд, Устерхэм яқинида,
Кент, 15 октябрь.

Ҳурматли сэр!

Сиз билан менинг марҳум отам ўртасидаги тушунмовчиликлардан ҳар доим эзилиб келганман. Отам вафотидан сўнг менда ўртамиздаги жарликни йўқотиш истаги пайдо бўлди. Лекин анча вақтгача, отам уришиб юрган одам билан яхши алоқада бўладиган бўлсам, отамнинг хотирасини ҳақоратлаган бўлмайманми, деган иккиланишлар билан юрдим».

– Миссис Беннет, кўряпсизми?

«Лекин энди мен аниқ бир қарорга келдим. Ўтган пасхада мен пасторлик даражасини олиб, сэр Льюис

де Бёрнинг беваси Кэтрин де Бёр зоти олияларига қарашли ерларда диний назорат ишларини олиб бориш шарафига мушарраф бўлдим. Бу аёлнинг сахийлиги ва менга нисбатан яхши муносабати туфайли мен шу ердаги черковга руҳоний бўлдим ва эндиги фаолиятим инглиз черковининг ходимига муносиб бўлган барча тадбир ва тантаналарни ўтказиш ҳамда бу зоти олияларига нисбатан етарлича ҳурматда бўлишдир. Черков хизматчиси сифатида менинг мажбуриятларимдан яна бири барча оилаларда кучим етганича тинчлик ва итоаткорлик уруғини сепишдир. Шу сабаблардан келиб чиқиб сиз менинг Лонгборннинг меросхўри эканлигим тўғрисидаги фактга кўз юмиб, менинг кўнгилли бўлиб қўйган қадамимни ва сизга узатилган қўлимни қайтармассиз деб умид қиламан. Ўзим хоҳламаган ҳолда сизнинг ажойиб қизларингизнинг тинчлигига рахна солувчи қуролга айланиб қолганимдан жуда хижолатдаман ва бу йўқотишнинг ўрнини тўлдириш учун қўлимдан келган хизматни қиламан деб сўз беришга тайёрман... Лекин бу ҳақда кейинроқ... Агар Сиз менинг ташрифимга қаршилик билдирмасангиз, 18 ноябрь, душанба куни соат 4 да келиб балки келаси ҳафтанинг шанба кунигача сизнинг меҳмондўстлигингиздан фойдаланмоқчиман. Леди Кэтрин баъзан якшанба кунлари агар менинг ўрнимга бошқа биров вазифаларимни бажариб турса, менга у ёқ бу ёққа бориб туришга рухсат беради.

Мисс Беннет ва қизларингизга чуқур ҳурмат, эҳтиром билан, дўстингиз

Уильям Коллинз».

– Демак, соат тўртда биз бу тинчликсевар инсонни кутиб оламиз, – хатни тахлар экан деди мистер Беннет. – Менимча, у жуда тарбияли ва кўнгли тоза инсон бўлса керак. Биз у билан танишлигимиздан хурсанд бўлишимиз керак.

– У бизнинг қизларимиз тўғрисида ёзишида бир гап бор. Агар қизларимиз учун бирор нарса қилмоқчи бўлса, уни қайтариб ўтирмайман.

– Бизга қилинадиган йўқотишнинг ўрнини қанақа қилиб тўлдирмоқчи экан, тасаввур ҳам қилолмаяпман. Лекин шундай хоҳиши борлигининг ўзиёқ ҳурматга сазовор.

Элизабетга хатнинг энг таъсир қилган жойи Коллинзнинг леди Кэтрингa бўлган ўта ҳурмати ва ўз мурид-ларини чўқинтириш, никоҳлаш ва керак бўлганда кўмиши эди.

– Бу амакиваччамиз жуда ажойиб шекилли, – деди у. – Гапларини тушуниш бирам қийин-э... Нимага меросхўр сифатидаги ҳуқуқлари учун кечирим сўраяпти? Унинг бизга ёрдам бериши мумкинлигига ишониш қийин. Нима деб ўйлайсиз, сэр, у ақлли инсонмикин?

– Йўқ, азизам, ундай деб ўйламайман. Менга тескариси бўлиб туюлаяпти. Унинг хатидан ўзига бино қўйган ва бировларга эгилиб-букиладиган эканлиги сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам мен уни жуда кўргим келаяпти.

– Хат ёзиш услубидан унинг саводлилиги кўриниб турибди, – деди Мэри.

Кэтрин ва Лидияни на хат ва на унинг ёзувчиси қизиқтираётганди. Уни қип-қизил мундирда келишига ишониб бўлмасди, охирги пайтларда эса уларни бошқа рангдаги кийим кийган эркаклар кам қизиқтираётган эди. Ўқишган хатлари миссис Беннетнинг юрагига ғашлик солиб қўйган бўлса-да, мистер Коллинзнинг келишига эри ва қизларини ҳайратга солиб, берилиб тайёргарлик кўра бошлади.

Мистер Коллинз айтган пайтига етиб келди ва бутун оила уни хурсандчилик билан кутиб олди.

Тўғри, уй эгаси қисқагина қилиб саломлашиб қўя қолди. Лекин аёллар жуда сергап бўлиб кетишди, меҳмон ҳам жуда камгап бўлмай, ортиқча такаллуфга муҳтож эмас эди. У йигирма беш ёшлардаги баланд

бўйли, тўладан келган, оғир-босиқ йигит эди. Танишганларига ҳеч қанча вақт ўтмасдан у миссис Беннетга қизларининг гўзаллигини мақтай кетди ва уларнинг гўзаллиги тўғрисида у эшитган гаплари қизларининг ҳақиқий сифатларини етарли ифодалай олмаганини айтди ва бу қизлар яқин орада ўз тенгларини топишига ўз ишончини билдирди. Қариндошларининг бу гаплари атрофдагиларнинг ҳаммасига ҳам ёқмади. Лекин мақтов гапларни яхши кўрадиган миссис Беннет унинг гапларини миннатдорчилик билан қабул қилди:

– Сэр, мақтовларингиздан жуда миннатдорман. Ва умид қиламанки, айтган гапларингиз рўёбга чиқади, акс ҳолда уларнинг тақдири жуда аянчли бўлади. Хозирги шароит бирам аҳмоқонаки!...

– Сиз менинг мерос ҳақидаги ҳуқуқларимни кўзда тутаяпсизми?

– Ҳа-да! Қизларим учун бу қандай ёмонлигини ўзингиз жуда яхши биласиз. Мен сизни ҳеч ҳам айбламоқчи эмасман, бу ҳаммаси тасодиф натижаси. Уй-жой эркак томонидан мерос бериладиган бўлганда хоҳлаган одамга тегиши мумкин.

– Хоним, мен бу ишлар учун ўз амакиваччаларимга ўз ҳамдардлигимни билдираман ва бу борадаги ўз фикрларимни айтмоқчи эдим. Лекин, тўйдан олдин ноғора чалмаслик учун шошмай тураман. Бир нарсани қатъий айтаманки, мен бу ерга қизларингизнинг гўзаллигидан ҳайратланиш учун келдим. Мен бунга ҳозир ҳеч нарса қўшмоқчи эмасман, лекин яқинроқ танишганимиздан сўнг...

Шу ерга келганда мистер Коллинз гапини бўлишга мажбур бўлди: уларни тушликка таклиф қилишаётган эди. Мистер Коллинзни ҳайратга солаётган нарса фақатгина қизларнинг гўзаллиги эмас эди. Меҳмонхона, емакхона, бутун уйнинг жиҳозлари – ҳеч нарса унинг назаридан четда қолмади ва юқори баҳо олди. Унинг мақтовлари албатта миссис Беннетга ёқаётган

бўлса-да, лекин шу билан бирга унинг бу нарсаларга худди энди ўзиникидек қараётгани аёлнинг юрагини пўкиллатиб юбораётган эди. Тушлик давомида ҳам мистер Коллинз ҳар бир нарсадан ҳайратланишни давом эттирди. Бу сафар у жуда ширин қилиб тайёрланган бу таомларнинг ижрочиси қизлардан қайси бири эканлиги билан қизиқди. Лекин миссис Беннет ҳали уйда яхши ошпаз тутишга қурби етишини, қизларнинг ошхонада қиладиган иши йўқлигини айтиб, уни ўрнига ўтқазиб қўйди. Меҳмон шоша-пиша кечирим сўради ва миссис Беннет бир оз юмшаб, ундан хафа бўлмаганини айтди. Шунга қарамай, мистер Коллинз яна бир қанча вақтгача узр сўрашда давом этди.

XIV БОБ

Бутун тушлик давомида мистер Беннет ҳеч ким билан гапиришмади ҳисоб. Лекин тушлик тугаб, хизматчилар хонадан чиқиб кетишгач, у меҳмон билан гаплашадиган вақт етганини ҳис қилди. У усталик билан Коллинзни қизиқтириши мумкин бўлган мавзулардан гап очиб, унинг ўз бекасидан жуда ҳам мамнунлигини сезди. Леди Кэтрин де Бёрнинг Коллинзнинг ҳамма орзу-истакларини маъқуллаши бир қарашда эриш кўринарди. Бу мистер Беннетга суҳбат олиб бориш учун жуда қулай мавзу эди. Меҳмон леди де Бёр ҳақида жуда берилиб, ҳаяжон билан гапирди. Бу мавзу уни жуда ҳам гапга чечан қилиб қўйди. Умрида унга ҳеч ким леди Кэтринчалик самимий муносабатда бўлмаганини, олий тоифадаги инсонлар ўртасида ҳали у бирорта ҳам бундай ажойиб инсонни учратмаганини ишонч билан айтиб ўтди. Аёлнинг мистер Коллинз унинг борлигида қилган иккала ваъзини ҳам маъқуллаганини айтди. У мистер Коллинзни икки марта Розингсга тушликка ва бир ҳафтагина бурун эса бирга кадриль ўйнашда иштирок этиш учун таклиф қилган экан. Бировлар леди

Кэтринни ҳаддан ташқари мағрур дейишар экан. Лекин унга нисбатан жуда ҳам самимий эмиш. Зоти олиялари у билан ҳамма жентельменлар билан гаплашгандек гаплашар экан. У йигитнинг атроф-теваракдагилар билан таниш-билишчилик қилишига ҳеч ҳам қаршилик қилмас, баъзан эса қариндошлариникига бориб келиш учун ишидан кетишига ҳам рухсат бериб турар экан. У ҳатто мистер Коллинзга иложи борича тезроқ уйланишни маслаҳат берибди, бир куни эса унинг камтарона уйига ҳам келган экан. Уйида эса йигитнинг қилган ҳамма ишларини маъқуллабди ва баъзи бир керакли маслаҳатларни берибди.

– Хоним томонидан қилинган бу ишлар мақтовга сазовор, – гап қўшди миссис Беннет. – Бу жуда ажойиб аёл бўлса керак. Эссиз, ҳамма аёллар ҳам унга ўхшамайди. У сизга яқин жойда яшайдими?

– Менинг уйим жойлашган боғ жаноби олиялари яшайдиган Розингс паркдан ўртадан ўтган аллея билан ажралиб туради.

– Уни бева деб айтдингиз-а? Фарзандлари борми?

– Ёлғизгина қизи бор – Розингснинг меросхўри.

– Э-ҳе, – бошини чайқаб қўйди миссис Беннет. – Демак, у бошқа қизлардан анча бахтлироқ. Ўзи қанақа? Чиройлими?

– Ҳақиқатда жуда чиройли қиз! Онаси леди Кэтриннинг айтишича, гўзаллик борасида мисс де Бёр бошқалардан юқорироқ туради, қизда унинг катта даргоҳдан эканлигини кўрсатиб турадиган нимадир бор. Лекин, бахтга қарши, унинг соғлиғининг мазаси йўқроқ ва бу нарса унинг кўп соҳаларда муваффақиятга эришишига халақит беряпти. Унинг тарбияси билан шуғулланувчи ходиманинг айтишича, у бақувватроқ бўлганда кўп нарсага эришган бўлар экан. Бундан ташқари, у шунақанги самимийки, гоҳо ўзининг кичкина пони отга қўшилган аравасида айлангани чиққанида каминанинг хонадонига кириб ўтишни ўзига ор деб билмайди.

– У сарой аҳли билан таништирилганми? Мен саройдаги аёллар рўйхатида унинг исмини учратмаганман.

– Бахтга қарши унинг соғлиғи шаҳарга кўчиб ўтишга йўл қўймайди. Бу ҳол, бир куни мен леди Кэтриннинг ўзига айтганимдек, Британия саройини энг яхши дурлардан бебаҳра қолдиряпти. Зоти олияларига менинг гапларим жуда ёқиб кетди. Очиғини айтсам, мен аёлларга ёқадиган бу тарздаги мақтов сўзларни тез-тез ишлатиб тураман. Масалан, мен леди Кэтрингa унинг қизи малика бўлиш учун туғилган ва у ўзи борган ҳамма жойни яшнатиб туради, деган гапни бир неча марта айтганман. Мен зоти олияларига бу тарздаги гапларим билан унга бўлган эътиборимни кўрсатиб туришни ўз бурчим деб биламан.

– Жуда тўғри фикр юритаркансиз, – деди мистер Беннет. – Шундай гаплар билан эритиш қобилиятига эга эканлигингиз сизнинг бахтингиз. Хўш, сиздан сўрамоқчи эдим, бу турдаги чиройли гаплар хаёлингизга бирдан келадими ёки сиз уларни олдиндан тайёрлаб қўясизми?

– Одатда суҳбат жараёнида келади. Лекин, баъзан бўш пайтларимда ҳазил учун ҳар хил шароитларга тўғри келадиган гапларни ўйлаб қўяман, фақат гапираётганимда ҳозиргина хаёлимга келгандек қилиб айтаман.

Мистер Беннетнинг кутгани буткул тасдиқланди. Амакивачасининг тентакнамо гаплари мистер Беннетнинг у ҳақидаги фикрларини тасдиқлади. У меҳмоннинг гапларига жуда жиддийлик билан қулоқ солар экан, ич-ичидан кулиб, маза қилди.

Кечқурунги чойхўрликкача қабул қилган «доза»си шунчалик етарли эдики, мистер Беннет Коллинзни бажонидил меҳмонхонагача кузатиб қўйди ва ундан аёлларга бирор нима ўқиб беришни сўради. Унинг розилигини олгач, кутубхонадан китоб келтириб беришди. Лекин китобга қараши билан у сакраб тушди ва

ҳеч романлар ўқимаслигини айтиб, узр сўради. Китти унга ҳайрон бўлиб қараб қолди, Лидия ҳам ҳайронликдан оғзини очганча қолди. Унга бошқа китоблар келтиришди ва ниҳоят, у Фордайснинг нутқларида тўхталди. Китоб очилиши билан Лидияни эсноқ тутди. Мистер Коллинз бир хил зерикарли товуш билан эндигина уч бетни ўқир экан, қиз унинг ўқишини бўлиб, онасига мурожаат қилди:

– Ойи, Филипс амаким Ричардни ҳайдаб юбормоқчи экан. Эшитдингизми? Агар у шундай қиладиган бўлса, полковник Форстер Ричардни ўз олдига олмоқчи. Буни менга холам айтди. Эртагаёқ Меритонга бориб аниғини билиб келиш керак. Йўл-йўлакай мистер Денни шаҳардан қачон қайтишини ҳам билиб келаман.

Катта қизлар Лидиядан тилини тийиб туришини сўрашди, лекин ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилган мистер Коллинз, китобни четга суриб, деди:

– Мен ёш қизларни уларнинг фойдалари учун ёзилган жиддий мазмундаги китоблар қизиқтирмаслигига кўп дуч келганман. Тан оламан, бу мени доим ҳайрон қолдиради. Ахир, улар учун яхши одобномадан кўра фойдалироқ нарса бормикин? Энди мен қизларимизнинг қулоқларини қийнамоқчи эмасман…

Шу ерга келганда мистер Беннетга ўгирилиб, ундан бир партия триктрак ўйнашни сўради. Мистер Беннет унинг қизларни ўз ҳолига қўйиб тўғри қилганини ҳис қилиб, рози бўлди. Миссис Беннет ва қизлар Лидиянинг қилиғи учун чин дилдан кечирим сўрашди ва у агар ўқишни давом эттирса, энди бундай бўлмаслигига ваъда бердилар. Лекин мистер Коллинз Лидиядан ҳеч ҳам хафа бўлмаганини айтиб мистер Беннетнинг ёнига ўтирди ва ўйинга тайёргарлик кўра бошлади.

XV БОБ

Мистер Коллинз жуда ҳам иқтидорли эмасди. Табиатнинг бу хатоси эса тарбия билан ёки инсонлар билан мулоқотда ҳам тузалмаган эди. Умрининг кўп қисмини саводсиз ва майдагап бўлган отаси назорати остида ўтказган эди. Университетда ўқир экан, бир қанча фанларни ўрганди, лекин бирорта ҳам фойдали таниш орттирмади. Унинг табиатига итоатгўйликни сингдирган отасининг тарбиясидан доим эзилган Коллинз вақт ўтиши билан узоқни кўра олмайдиган, ўз ҳолича яшайдиган одам бўлиб етишди ва кутилмаганда муваффақиятга эришди. Хансфорддаги черков бўшаган пайтда у кутилмаган бахтли тасодиф туфайли сэр Льюис де Бёрнинг бевасига дуч келиб қолди. Унинг юқори табақасига, шахсига чуқур ҳурмат, шу билан бирга, аёлнинг черков бошлиғи сифатида ўзининг шахсига нибатан юқори фикрдалиги ундан табиатида манманлик, ўзбилармонлик ва яна бир қанча салбий сифатлар уйғунлашиб кетган одамни бунёд қилди.

Турар-жой ва етарли даромадга эга бўлгач, уйланиш тўғрисида ўйлай бошлади. Беннетлар оиласи билан ярашув тўғрисида режа қилар экан, агар бу қизлар унга етиб келганидек ростдан ҳам чиройли ва тарбияли бўлса, бирортасига уйланишга қарор қилди. Меросхўр сифатида Беннетлар оиласига келтирадиган зарарни қоплаш, деганда ана шу жиҳатни кўзда тутган эди. Мистер Коллинз хаёлига ҳамма учун жуда ҳам қулай фикр келган деб санар ва бу фикр яна бир марта унинг феъли кенглигини тасдиқлайди, чунки бундан унга ҳеч қандай наф йўқ, деб ҳисобларди.

Қариндошининг оиласи билан танишгач, унинг режалари ўзгармади. Бунинг акси ўлароқ, катта мисс Беннетнинг чиройли кўриниши мистер Коллинзнинг режаларини янада мустаҳкамлади. Шундай қилиб, биринчи куни унинг танлагани Жейн эди. Лекин эрта-

ги куннинг тонги унинг фикрларига бир оз ўзгартиш киритди.

Нонуштадан олдин у чорак соатча миссис Беннет билан юзма-юз гаплашди. Суҳбат Хансфорддаги пасторнинг уйи ҳақида бўлиб, ўз-ўзидан мистер Коллинзнинг бу уйнинг бекасини Лонгборндан топиш умидига ўтиб кетди. Миссис Беннет чин дилдан жилмайганича унинг режаларини қўллаб-қувватлашини айтди-ю, шунинг орасида йигитни энг катта қизи борасида огоҳлантириб қўймоқчилигини ҳам қистириб ўтди. Яъни, бошқа қизларининг бирортасига кўнгли борлиги тўғрисида ҳеч ҳам хабари йўқлиги, лекин энг катта қизи тўғрисида уни огоҳлантириб қўйиш вазифаси эканлигини, яъни яқин кунларда қизи унаштирилиш арафасида эканлигини айтди.

Мистер Коллинз қилиши керак бўлган нарса – қизларнинг бирини иккинчисига алмаштириш эди. Миссис Беннет каминдаги оловни ўт олдирар экан, бу вазифа бажарилди: ёши ҳам, кўриниши ҳам Жейндан фарқ қилмайдиган Элизабет Жейннинг ўрнига танланди.

Миссис Беннет яқин кунларда бир эмас, икки қизи турмушга чиқиши мумкинлигидан хурсанд бўлиб, мистер Коллинз ишора қилаётган режаларини маъқуллади. Яқингинада номини эшитишни ҳам хоҳламаётган инсон энди унга ёқиб кетаётган эди.

Лидия Меритонга бориш фикридан қайтмаган эди ва у билан Мэридан ташқари бошқа опалари ҳам бирга бормоқчи бўлишди. Мистер Беннетнинг илтимоси билан уларга мистер Коллинз ҳамроҳ бўладиган бўлди. Уйнинг хўжайини бир амаллаб ундан қутулиб, ўзининг энг яхши кўрадиган хонаси – кутубхонада вақт ўтказмоқчи эди. Чунки мистер Коллинз бу ерда бўлган бутун давр мобайнида унинг кетидан шу ергача кириб ўзининг Хансфорддаги уйи ва боғи тўғрисидаги гаплари билан жонига тегаётган бўлиб, ўзини бундай тутиши мистер Коллинзнинг сабрини тугатаёзган эди.

Мистер Беннет фақат ўз кутубхонасида тинчлик топарди. Ўзи Элизабетга иқрор бўлганидек, уйнинг бошқа бурчакларида тентакликка дуч келса, бу ер унинг учун энг тинч жой бўлиб, у бемалол ҳамма нарсадан дам ола оларди. Шунинг учун у мистер Коллинздан қизлари билан бирга айланиб келишни ёлвориб сўради. Коллинз ҳам бажонидил рози бўлди.

Бутун йўл бўйи фақат мистер Коллинз гапирди. Қизлар эса гоҳ-гоҳ бирор гап қистириш учунгина унинг осмондан келиб гапираётган гапларини бўлишарди. Лекин шаҳарга етиб келишлари билан, қизлар уни буткул унутишди ва зобитлар кўриниб қолармикин деб, атрофга аланглай бошлашди. Уларни бу машғулотдан фақат дўкон ойналарига осиб қўйилган чиройли шляпалар ва янги олиб келинган газмолларнинг қийқими чалғита оларди.

Қизларнинг диққатини кўчанинг қарама-қарши томонида бир зобит билан сайр қилиб юрган келишган йигит тортди. Рўпара келганларида зобит бош эгиб улар билан саломлашди. Бу йигит мистер Денни бўлиб, Лидия Меритонда шу йигитнинг келадиган пайтини билмоқчи эди. Унинг шериги қизларда катта таассурот қолдирди ва бу йигит ким бўлиши мумкинлигини фол оча бошлашди. Китти ва Лидия буни шу заҳотиёқ ҳал қилмоқчи бўлиб, кўчани кесиб ўта бошлашди. Йигитлар ҳам бу пайтда орқага қайтиб, рўпарага келиб қолган эдилар. Мистер Денни дарров гап бошлади ва уларни ўз дўсти мистер Уикхем билан таништирди. Айтишича, дўсти у билан яқинда Меритонга келган ва уларнинг полкига бириктирилган экан. Мистер Уикхем жуда келишган йигит эди: бақувват гавдали, юзларининг бичими тўғри, келишган, ўзини тутишни ҳам ўрнига қўярди. Қизларга таништирилгач, суҳбатга бемалол қўшилиб кетди. Унинг ўзини тутишида қалбакиликнинг изи ҳам сезилмасди, чунки йигит гапдон эди. Узоқдан туёқларнинг товуши эшитилиб, кўча бўйлаб отда келаётган мистер Дарси ва Бингли кўринишганда йиғил-

ганларнинг гапи ҳали тугамаган эди. Таниш қизларни кўриб, йигитлар сўрашиш учун яқинроқ келишди. Кўпроқ мистер Бингли гапирди, гаплари асосан Жейнга қаратилган эди. Аслида, улар Жейннинг соғлиғини билиш учун Лонгборнга кетишаётган экан. Дарси унинг гапини маъқуллаб, бошини силкитиб қўйди ва ўзининг Элизабетга кўп қарамасликка қарор қилгани эсига тушиб қолиб, бошини бурар экан, нигоҳи тўсатдан нотаниш йигитга тушиб қолди. Уларга тасодифан қараб қолган Элизабет йигитларнинг юзида пайдо бўлган ўзгаришдан ҳайратга тушди: уларнинг иккаласининг юзи ўзгариб кетди – бири оқарди, иккинчиси қизарди. Бир неча сониядан сўнг мистер Уикхем шляпасига қўлини теккизди, Дарси эса унинг бу саломига зўрға жавоб қайтарди. Нима юз берган бўлиши мумкин? Жавоб топиш жуда қийин эди. Лекин бу сирнинг тагига етиш хоҳишидан кечиш ҳам қийин эди.

Бир неча дақиқадан сўнг мистер Бингли нима бўлганини ҳам сезмай, дўсти билан жўнаб кетди.

Мистер Денни билан мистер Уикхем эса қизларни мистер Филипснинг уйигача олиб бориб, Лидиянинг уйга киришга қисташига қарамай, хайрлашди. Шу орада деразадан кўчага қараган миссис Филипс ҳам Лидияга қўшилиб, йигитларни таклиф қилди. Бу аёл ўз жиянларини кўришдан доим хурсанд эди. Айниқса, икки катта мисс Беннетларнинг бир неча кун уйда бўлишмагани учун уларни жуда соғинган эди. У қизларнинг Лонгборнга бунчалик тез қайтишганидан ҳайрон бўлганини гапира кетди. Биринчидан, улар бегона аравада қайтишди, агар дорихонада ишлайдиган мистер Жонснинг югурдаги иккала мисс Беннет қайтиб келишгани учун энди Незерфилдга дори олиб бормаётганини айтмаганда, у ҳеч нарса билмай қолаверарди. Шу ерда миссис Филипс гапидан тўхтаб, эътиборини Жейн унга таништираётган мистер Коллинзга қаратди. Аёл мистер Коллинзга жуда тавозе билан мурожаат қилди, ўз навбатида мистер Коллинз ҳам ун-

дан қолишмади. Уйга таклифсиз киргани учун узр сўрар экан, ўзини бекага таништираётган қизлар билан қариндошлиги гуноҳини ювади, деб умид қилишини айтди. Шу пайтда қизлар миссис Филипсни бошқа йигит ҳақида саволга тута бошлашди. У эса қизларга уларга аллақачон маълум бўлган нарсани, яъни у мистер Денни билан бирга Лондондан келганини ва ....шир полкига лейтенант бўлиб бораётганини айта олди, холос. Унинг гапича, у бир соатлардан бери йигит кўчада сайр қилиб юрганини томоша қилган экан ва агар мистер Уикхем яна пайдо бўлиб қоладиган бўлса, қизлар ҳам шундай қилишлари мумкинлигини айтди. Бахтга қарши, кўчада бир-икки зобитдан бошқа ҳеч ким кўринмади. Булар эса уларни қизиқтирган йигит олдида «ҳеч ким» эдилар. Эртаси куни полкдан кимлардир келмоқчи экан ва миссис Филипс эридан агар Лонгборндан қариндошлари келадиган бўлса, мистер Уикхемни ҳам таклиф қилишни илтимос қила бошлади. Мистер Филипс рози бўлгач, улар иссиқ овқатдан олдин берилиб лото ўйнай бошладилар. Эртаси куни бўладиган хурсандчиликни ўйлаб, ҳамма хушкайфият билан хайрлашди ва қизлар мистер Коллинз билан уйга жўнашди. Кетаётиб, Коллинз яна берилиб уй бекасидан узр сўради.

Лонгборнга қайтаётганларида йўлда Элизабет Жейнга ўзининг кўзи олдида икки йигит ўртасида бўлиб ўтган нарсани айтиб берди. Лекин Жейн йигитларнинг иккаласини оқлашга тайёр тургани учун унга бу ҳодисани тушуниш қийин эди.

Мистер Коллинз миссис Филипснинг ўзини тутишини ва такаллуфларини мақтайвериб, қизларнинг онасини жуда хурсанд қилди. Агар леди Кэтрин ва мисс де Бёрлар ҳисобга олинмаса, у ҳали бунчалик меҳмондўст аёлни учратмаган экан. У мистер Коллинзни бугун уйида кутиб олгани етмагандай, эртаси кунига ҳам таклиф қилди. Буни албатта унинг Беннетлар оиласи билан қариндошчилиги борлигида деганда

ҳам, бари бир у шу пайтгача ўзига нисбатан бундай эътиборни кўрмаган экан.

XVI БОБ

Мистер Коллинз эр-хотин Беннетларни ёлғиз ташлаб кетишни ҳеч ҳам хоҳламаётган бўлса-да, ҳамма мисс Беннетларнинг холаларининикига бориш тўғрисидаги илтимослари ота-онаси томонидан қондирилди ва ҳаммалари келишилган вақтда каретага ўтириб Меритонга жўнашди. У ерга келгач, мистер Уикхемнинг уй эгасининг таклифини қабул қилиб, ҳозир меҳмонлар орасида ўтирганини эшитиб, жуда қувониб кетишди. Ҳаммалари меҳмонхонага кириб жой-жойларига ўтиришгач, мистер Коллинз атрофни кўздан кечириб, ёнидагиларга залнинг муҳташамлигини ва у ўзини гўёки Розингснинг ёзги хонасида ўтиргандек ҳис қилаётганини айтди.

Миссис Филипс олдин унинг гапларига унчалик тушунмади. Лекин мистер Коллинз унга Розингс нималигини ва унинг эгаси ким эканлигини тушунтириб, леди Кэтриннинг уйидаги биргина меҳмонхонани тасвирлаб бериб, бу хонадаги каминнинг ўзи уй эгасига саккиз юз фунтга тушганини айтгандагина миссис Филипс ўзига аталган мақтовнинг мазмунини тушунди.

Мистер Коллинз эркаклар хонага киргунча леди Кэтрин ва унинг ерларининг катталиги ҳақида, ўз уйи ва ўзининг у ерда қилаётган ҳар хил ўзгаришлари ҳақида гапириб берди. У миссис Филипс тимсолида жуда яхши тингловчини топган эди. Бу аёлнинг унинг шахсига нисбатан фикри ундан эшитганларини бошқалар билан ўртоқлашиш хоҳиши билан бирга ўсиб бораётган эди. Амакиваччаларининг гаплари жонига теккан қизлар эса мусиқанинг бошланишини сабрсизлик билан кутиб, камин устида турган ўзлари чизган расмларни томоша қила бошладилар. Ниҳоят, кутиш

онлари тугади. Хонага йигитлар кириб келишди ва Уикхем хонага кириб келганда, Элизабет уни биринчи марта кўрганида ўзининг унга бошқача қараганини ва кейинчалик ҳам у ҳақида ҳаяжон билан ўйлагани ёдига тушди. ...шир полки зобитларининг кўпчилиги ажойиб йигитлар эди ва бу ерга уларнинг энг танланганлари келишганди. Лекин уларнинг орасида мистер Уикхем кўриниши, ўзини тутиши ва гап-сўзлари билан бошқалардан фарқ қиларди. У хонадаги ҳамма қизларнинг кўзи унда бўлган эркакларнинг энг омадли вакили, Элизабет эса шундай йигит ёнига келиб ўтирган энг бахтли қиз эди. Ўтирган заҳотиёқ йигит қиз билан гаплаша кетди. Суҳбат мазмуни ниҳояти кечқурунги намгарчилик ва ёмғирли кунларнинг яқинлашиб келаётгани ҳақида бўлса ҳам, Элизабет агар суҳбатдошинг дилтортар бўладиган бўлса, ҳар қандай мавзудаги суҳбат ҳам қизиқ бўлишини ҳис қилди.

Мистер Уикхем ва унинг бошқа зобит ўртоқлари қизларнинг эътиборини қозонишда мистер Коллинзни сояда қолдиришди. Қизлар учун у йўқдек бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, миссис Филипс вақти-вақти билан унинг гапларига берилиб қулоқ солар, йигитни қаҳва ва булкалар билан сийлар эди. Қарта ўйини бошланганда мистер Коллинз аёлга ўйинда қатнашишни таклиф қилди:

– Мен ўйнашни ҳали яхши билмайман, – деди у. – Лекин малакамни оширишим керак. Чунки менинг ҳаётдаги ўрнимда...

Миссис Филипс унинг таклифи учун миннатдорчилик билдирди, лекин гапини охиригача эшита олмади.

Мистер Уикхем қартада вист[1] ўйнамас эди, шунинг учун уни бошқа столга таклиф қилишганда, у бажонидил бориб, Лидия ва Элизабетнинг ўртасига ўтирди. Бундай пайтларда тўхтамасдан гапириш қобилиятига эга бўлган Лидия уни ўзига оғдириб олади, деган хавф

[1] Вист – қарта ўйинининг бир тури.

бор эди. Лекин қизни ўйин ҳам жуда қизиқтираётган эди. Тез орада ўйинга шунчалик берилиб кетдики, ён атрофидагиларга эътибор ҳам бермай қўйди. Шу билан мистер Уикхем уни диққат билан тинглаётган Элизабет билан бемалол гаплашиш имкониятига эга бўлди. Элизабет йигит билан гаплашаётиб ундан мистер Дарси ҳақида эшитиб қолармиканман, деб кутарди. Қиз ҳатто бу исмни айтишдан ҳам қўрқиб турганди. Кутилмаганда унинг қизиқиши қондирилди: бу мавзуда мистер Уикхемнинг ўзи гап бошлади. Незерфилд ва Меритон ўртасидаги масофа қандайлигини сўраб, ўз саволига жавоб олгандан сўнг Элизабетдан мистер Дарси бу ерларда қачон пайдо бўлганлигини сўради.

– Бир ойча олдин, – деди Элизабет ва вақтдан фойдаланиб, сўради: – Эшитишимча, Дербиширда унинг катта ери бор эканми?

– Ҳа, зўр жой, – деди Уикхем. – Йилига ўн минг даромад келтиради. Бу ҳақда мендан ҳам аниқроқ маълумот берадиган бирортасини учратишингиз даргумон. Мен болаликдан бу оила билан боғлиқман.

Элизабет ўз ҳайратини яшира олмади.

– Ажабланмай ҳам кўринг-чи, мисс Беннет! Кеча биз совуққина кўришганимизни сезмадингизми? Мисс Беннет, сиз у билан яқиндан танишмисиз?

– У билан ортиқ кўришишни хоҳламайдиган даражада! – ҳаяжон билан жавоб берди Элизабет. – Мен у билан бир пайт тўрт кун бир том остида бўлишимга тўғри келганди, ўшанда менга жуда ёқимсиз бўлиб кўринганди.

– Ёқимли ёки ёқимсиз деб баҳо беришга ҳаққим йўқ, – деди Уикхем. – Менга бу ҳатто ярашмайди ҳам. Лекин ҳақиқий баҳони бериш учун мен уни анчадан бери ва жуда яхши биламан. Шундай бўлса-да, сизнинг мистер Дарси тўғрисидаги фикрингиз кўпларни ҳайрон қолдирган бўларди. Балки бошқа ерда ўз фикрингизни айтмаган ҳам бўлармидингиз. Албатта, бу ерда бошқа гап – ўзингизникиларнинг орасидасиз.

– Худо ҳақи, мен бошқа ерда гапириб бўлмайдиган ҳеч нарса деганим йўқ. Незерфилд бундан мустасно. У Хартфордширда ҳеч кимга ёқмайди. Бу инсоннинг кеккайиши ҳаммани ўзидан қочиради. Ва у ҳақида мендан яхшироқ гапирадиган бирортасини топишингиз мушкул.

– Мистер Дарси ёки бошқа бировнинг қилмишига баҳо беришгани менга ёқмайди, деб ёлғон гапирмоқчи эмасман, – бир оз сукутдан сўнг гапида давом этди мистер Уикхем. – Лекин мистер Дарси ҳақида камдан-кам ёмон гапиришади. Одатда, унинг бойлиги ва қўли узунлиги одамларнинг кўзини қамаштириб қўяди ёки ўзини баландпарвоз тутишидан ўзларини йўқотиб қўядилар. Одамлар уни у қандай кўринишни хоҳласа шундай кўрадилар.

– Ҳатто шунчаки юзаки танишув ҳам унинг табиати жуда оғирлигини сездириб қўяди.

Уикхем бошини чайқаб қўйди ва хиёл ўтиб Элизабетдан сўради:

– Мистер Дарси бу ерларда анчадан бери яшаяптими?

– Хабарим йўқ. Мен Незерфилддалигимда унинг жўнаб кетиши тўғрисида гапиришмаётганди. Унинг бу ердалиги сизнинг ….шир полкига жойлашишингизга халақит қилмайдими?

– Асло! Менинг ундан қўрқадиган жойим йўқ. Агар мен билан учрашгиси келмаса, ўзи жўнаб кета қолсин. Биз ҳеч қачон дўст бўлмаганмиз ва уни кўришга кўзим йўқ. Уни нега ёқтирмаслигимнинг сабабларини хоҳлаган одамга айтишим мумкин. Яширадиган жойим йўқ. Биринчи сабаб менга ўтказилган аччиқ алам. Ва яна унинг шундай инсон эканлиги. Унинг отаси марҳум мистер Дарси жуда яхши одам, айни вақтда менинг энг яқин дўстим эди. Мистер Дарси билан тўқнаш келганимда мени доим хотиралар эзади. У менга жуда кўп ёмонликлар қилган. Лекин у отасининг умидларини оқлаган ва хотирасини хор қилма-

ганда мен Дарсининг ҳамма айбларини кечирган бўлар эдим.

Элизабет йигитнинг гапларини катта қизиқиш билан тинглар, лекин мавзу жуда нозик бўлгани учун савол беришга хижолат чекаётган эди.

Мистер Уикхем мистер Дарси ҳақидаги гапларини тўхтатиб, умумий гапга ўтиб кетди: Меритон шаҳри, унинг чет қишлоқлари ва бу ернинг одамлари ҳақида гапирди. Булар ҳаммаси унга ёқишини айтиб, деди:

– ...шир полкига кирар эканман, мен аввало, бу ерда яхши дўстлар орттиришни режалаштиргандим. Бу полк донғи кетган ва ҳаммага ўрнак ҳарбий қисмлигини билардим. Лекин дўстим Денни мени шаҳар аҳолиси ҳақидаги ўзининг гаплари билан йўлдан урди. Бу ерда зобитларни жуда ҳурмат қилишармиш. Улар бу ерда жуда яхши танишлар орттиришган эмиш. Ҳа, менга ҳам ёр-дўстлар керак. Ҳаётдан жуда совиганман, ёлғизликдан қўрқаман. Менинг ён-атрофимда доим одамларим ва севимли машғулотим бўлиши керак. Мени ҳарбий бўлишга тайёрлашмаганди. Лекин, тақдир тақозоси билан менга тегишли улуш фақат шугина бўлиб қолди. Менинг жойим черковда эди ва руҳоний бўлиш руҳида тарбиялашганди. Ҳозир унинг тўғрисида гапираётганимиз – жентельмен хоҳлаганда эди, ҳозир энг зўр черкови менинг ихтиёримда бўлган бўларди.

– Наҳотки?

– Ҳа, ҳа! Марҳум мистер Дарси ўз ихтиёридаги ерлардаги энг яхши черковни менга атаган эди. У ерда бўш ўрин бўлиши билан ўша ерга мен ўтиришим керак эди. У менинг чўқинтирган отам эди ва мени жонидан ортиқ кўрарди. Унинг менга қилган ғамхўрликларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. У мени бекаму кўст таъминлаб қўймоқчи эди! Лекин ўрин бўшаб... бошқага кетиб қолди.

– Вой Худо! – ҳайрат билан деди Элизабет. – Наҳотки? Мистер Дарси қандай қилиб отасининг васиятига қарши чиқди?! Сиз қонунга мурожаат қилмадингизми?

– Қоғозлардаги расмий ноаниқликлар менинг бундай қила олишимга йўл қўймади. Номуси бор эркак марҳумнинг истагига қарши чиқмасди, лекин мистер Дарси бу қоғозларни ўзича талқин қилди. Васиятномадаги менга тегишли гапларни у шартли эди, деб эълон қилди ва ўзимнинг енгилтаклигим, ҳамма нарсани елга совуришим, хуллас, ҳамма ёмон сифатларимдан келиб чиқиб, менинг бу ҳуқуқлардан маҳрум эканлигимни айтди. Шу нарса аниққи, бундан икки йил олдин черков бўш эди, мен эса ёш жиҳатидан у ерга эга бўлиш ҳуқуқига эга бўладиган ёшда эдим, лекин менга берилмади. Ва яна шу нарса аниққи, ўзимни у ерга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган бирор гуноҳ қилмаганман. Мен табиатан қизиққонман. Балки мен ёш Дарси тўғрисида ўз фикрларимни беркитмайман, баъзан ҳатто юзига ҳам очиқ айтгандирман. Бундан бошқа нарсани эслолмайман. Ҳамма гап шундаки, биз икки хил одамлармиз ва у мени ёмон кўради.

– Лекин бу аблаҳлик-ку! Унинг шармандасини чиқариш керак эмасми?

– Эртами, кечми, ахири шундай бўлади. Лекин буни мен қилмайман. Ҳали катта мистер Дарсининг хотираси тирик экан, мен кичик Дарсини ёмонотлиқ ёки шарманда қила олмайман.

Элизабет йигитнинг гапираётганда қандай чиройли бўлиб кетгани тўғрисида ўйлар экан, унинг инсонийлик ҳисларидан мамнун бўлди. Бир оз сукутдан сўнг у сўради:

– Бундай қилиш учун унда қандайдир сабаблар бўлган бўлиши керак-ку! Бунчаликка бориш учун нима сабаб бўлган бўлиши мумкин?

– Менга нисбатан нафрат ҳисси. Нафратки, менга қолса асосан кўролмасликдан келиб чиққан. Агар мар-

ҳум мистер Дарси мени шунчалик яхши кўрмаганда эди, ўғли балки менга яхшироқ муносабатда бўлган бўларди. Менимча, отасининг менга қаттиқ боғланиб қолгани ўғлининг ғашини келтирган.

– Мистер Дарси шундай одам бўлиши мумкинлигини мен хаёлимга ҳам келтирмагандим. Очиғи, у менга илгари ҳам ёқмасди. Лекин шунчалик эканлигини билмагандим. Албатта, у атрофдагиларга қандай нафрат билан қарашини сезгандим. Лекин Дарсининг шунчалик қасоскор, шунчалик адолатсиз, шунчалик инсофсиз эканлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Бир оз жимликдан сўнг, Элизабет гапида давом этди:

– Ҳозир бир куни Незерфилдда у ўзининг ҳаддан ташқари гиначи эканлигини айтгани эсимга тушди. Қандай мураккаб табиатли киши!

– Мен бу ҳақда фикримни айтмай ҳам қўя қоламан. Чунки унга нисбатан адолатли бўлишим қийин.

Элизабет бир онлик сукутдан сўнг ҳайрат билан деди:

– Ўз отасининг яхши кўрган инсонига, ўзининг яқин дўстига шундай қилиш! – Қиз «кўринишининг ўзиёқ бир қарашда одамни маҳлиё қилиб қўядиган йигитга-я» демоқчи бўлди, аммо бунинг ўрнига «болалигидан ўзининг энг яқин дўсти бўлган инсонга нисбатан-а! Яна билишимча, ўзи билан маълум бир жиҳатдан боғлиқ одамга-я!» деб қўя қолди.

– Биз битта поместье ва битта приходда туғилганмиз. Болалигимиз ҳам бирга ўтган – бир том остида яшаганмиз, бирга ўйнаганмиз, бизни бирга эркалатишган. Отам марҳум мистер Дарсига фойдали бўлиш учун ўзининг бутун ҳаётини Пемберлига бағишлаган ва кекса мистер Дарси бунинг қадрига етарди. Оталаримиз жуда яқин дўст эди! Мистер Дарси доим ўз дўсти олдида қарздор эканлигини тан оларди. Ва отамнинг ўлимидан сал олдин унга ўз ихтиёри билан ме-

нинг келажакдаги ҳаётимни таъминлашга ваъда берди. Мен ишонаманки, у отамга миннатдорчилик юзасидан ва шу билан бирга менга боғланиб қолгани учун ҳам шундай қилган.

– Ишониб бўлмайди! – ҳайратланди Элизабет. – Ҳатто мағрурлигидан келиб чиқиб ҳам мистер Дарси сизга нисбатан ўз бурчини бажариши керак эди! Агар унинг бошқа яхши сифатлари бўлмаса ҳам, нега шундай номуссизлик қилишга ғурури йўл қўйди экан? Ҳа, номуссизлик – буни бошқача атаб бўлмайди!

– Ростдан ҳам жуда ғалати, – таъкидлади Уикхем. – Чунки унинг ҳамма ҳаракатлари мағрурликдан келиб чиқади. Жуда кўп ҳолларда шундай бўлган. Лекин истисносиз қоидалар бўлмайди: менга келганда унинг хаёлида бошқа нарса бўлган бўлса керак.

– Наҳотки ҳаддан ортиқ мағрурлигидан унга бирор наф бўлса?

– Бўлмасам-чи. Унинг мағрурлиги кўпинча сахийлик билан пул улашишга, меҳмон кутишга, камбағалларга ёрдам беришга ундайди. Бунинг орқасида оилавий ва ўғиллик ғурури ётади – у отаси билан шунчалик фахрланади. Ўз авлодининг довруғини йўқотиб қўйишдан, Пемберлининг бошқаларга таъсири ва машҳурлигини бўшаштириб қўйишдан қўрқиш унинг ҳаётида катта роль ўйнайди. Дарсига хос нарса яна синглисига меҳрибон ва кўнгилчан акалик ҳиссидир. Ҳали уни қандай меҳрибон ва ғамхўр ака, деб аташлари қулоғингизга чалиниб қолиши мумкин.

– Мисс Дарси тўғрисида нима дея оласиз?

У бошини тебратди:

– У қиз тўғрисида бажонидил яхши гап айтган бўлардим! Дарсилар хонадони тўғрисида ёмон гап гапириш мен учун жуда оғир. Лекин, афсуски, у қиз худди акасининг ўзи – ҳаддан ортиқ мағрур. Лекин кичкиналигида қандай ёқимтой, эркатой қизалоқ эди ва мени шундай яхши кўрарди. Уни ўйнатиб юриш учун қанча вақтим кетарди! Энди эса бу қизалоқ мен

учун – ҳеч ким. Ҳозир у ўн беш, ўн олти ёшлардаги бир олифта, енгилтак қиз. Эшитишимча, отаси вафот этгандан бери у Лондонда яшаркан ва қандайдир бир аёл унинг тарбиясига қараб тураркан.

Элизабет суҳбат учун бошқа мавзу топишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, гап айланиб яна мистер Дарсига тақалди:

– Мени унинг мистер Бингли билан яқинлиги ҳайрон қолдиряпти. Ахир мистер Бингли, менга самимий ва ажойиб табиат эгаси бўлиб кўринаётган шундай инсон, нега мистер Дарсидек одам билан дўст тутиниб юрибди? Наҳотки улар бир-бирларинии тушунишса? Айтганча, сиз мистер Бинглини танийсизми?

– Йўқ, танимайман.

– Жуда ажойиб инсон. У дўсти мистер Дарси қандайлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди.

– Бўлиши мумкин. Агар мистер Дарси хоҳласа истаган одамига ёқа олади. У қобилиятсиз эмас. У нафақат жамият поғонасининг ўзидан қуйироқда турадиганлар, ўзининг тенглари орасидагиларга ҳам ўхшамайди. Мағрурлик доим унинг йўлдоши. Лекин бойларга нисбатан у адолатли ва келишувчан. Бойларнинг жамиятдаги ўрни ва бойлигига тан берган ҳолда, улар билан очиқ, самимий ва ҳатто одамшаванда.

Бир оздан сўнг қарта ўйнаётганлар ўйинни тугатиб стол атрофига тўпланишди. Мистер Коллинз унинг муваффақиятлари ҳақида саволга тутган миссис Филипс ва Элизабетларнинг ўртасига келиб ўтирди. Маълум бўлишича, у бирор марта ҳам ютмабди. Лекин миссис Филипснинг унга қилган ҳамдардаликларига жавобан у ҳеч ҳам хафа эмаслигини, чунки пуллар унинг учун ҳеч нарса эканлигини ва у ҳатто баъзи ютқизишларга эътибор ҳам бермаслигини айтди.

– Хоним, менга яхши маълумки, одам қарта столига ўтирар экан, бундай омадсизликларга тайёр бўлиши керак. Бахтимга, менинг шароитим шундайки, мен бу беш шиллинг учун қайғуришим шарт эмас. Албат-

та, бундай дея олмайдиган одамлар жуда кўп. Лекин леди Кэтрин де Бёр орқасидан мен шунчалик таъминланганманки, бундай майда-чуйдаларга эътибор бермайман.

Мистер Коллинз айтаётган гаплар мистер Уикхемнинг қулоғига кирди. У мистер Коллинзга қараб олиб, ярим овозда Элизабетдан унинг таниши де Бёрлар оиласи билан қай даражада иноқлигини сўради.

– Леди Кэтрин де Бёр яқиндагина унга черков приходини берган. У аёл бу йигитга нима сабаблар билан бундай яхшилик қилганини билмайман, лекин уларнинг яқинлиги узоққа чўзилмаса керак.

– Сиз албатта, леди Кэтрин де Бёр ва леди Энн Дарси опа-сингил бўлишганидан хабарингиз бўлса керак? Леди Кэтрин мистер Дарсининг холаси.

– Йўқ, мен буни билмасдим. Мен леди Кэтрин тўғрисида умуман ҳеч нарса билмайман. Ўтган кунигача мен бундай аёл борлигини ҳатто билмасдим ҳам.

– Унинг қизи де Бёр катта мерос олади. Одамларнинг айтишича, мисс Бёр ва унинг холаваччаси иккала меросни қўшишмоқчи.

Бу сўзларни эшитган Элизабет бечора мисс Бингли эсига тушиб жилмайди. Демак, унинг мистер Дарсини ўзига қаратиш учун қилаётган ҳамма ҳаракатлари бекор экан-да. Демак, унинг мистер Дарси ва синглисига яқинлашиш учун қилаётган ҳамма хатти-ҳаракатлари беҳуда ва фойдасиз. Мистер Дарси бошқа аёлга тегишли.

– Мистер Коллинз леди Кэтрин ва унинг қизини жуда кўкларга кўтаради. Лекин унинг ҳикояларидаги баъзи бир ғалати нарсалар мени миннатдорчилик туйғуси унинг кўзини қамаштириб қўйган деб ўйлашга мажбур қилаётган эди. Ўзимнинг амакиваччамни қанчалик ҳурмат қилмайин, менга бу аёл енгилтак бўлиб кўриняпти.

– Менимча, униси ҳам, буниси ҳам тўғри. Мен уни анча йиллардан бери кўрганим йўқ, лекин леди Кэт-

риннинг ҳукмрондек ва қўпол қилиқлари менга ҳеч қачон ёқмагани эсимда. У ўта ақлли ва маънили аёл сифатида донг таратган. Бунинг учун ўзининг тутган ўрни ва бойликларидан, қолган бошқа нарсаларда эса ўзининг бутун авлоди ўткир ақли билан ажралиб туришини жуда хоҳлайдиган жиянининг мағрурлигидан миннатдор бўлиши керак.

Леди Кэтринга берилган бу баҳо Элизабетга жуда ишонарли бўлиб туюлди. Бу икки ёш бир-бирларидан кўнгиллари тўлган ҳолда овқатга чақиришгунча гаплашиб ўтиришди. Миссис Филипсникида овқат маҳалида одатда шунчалик шовқин бўлардики, гаплашишнинг имкони бўлмасди. Лекин мистер Уикхемнинг ўзини тутиши ҳаммага ёқди: у чиройли ҳаракат қиларди, йиғилганларни қойил қолдириб чиройли гапирарди. Элизабет уйларига қайтаётганда фақат Уикхем ҳақида ўйлаб кетди. Уикхем ҳақидаги ўйлар ва унинг қизга айтиб берганлари ҳеч хаёлидан кетмаётган эди. Лидия билан мистер Коллинз эса тўхтамай гапиришар эди. Лидия ёзги лото ўйинлари вақтидаги ўз ҳунарлари, ютқазганлари-ю ютганлари ҳақида тинмай бидирлашарди. Мистер Коллинз эса мистер ва миссис Филипсларнинг одамгарчиликларини кўкларга кўтариб мақтар, картада ютқизгани унга ҳеч ҳам алам қилмаганига ҳаммани ишонтиришга уринар, столга тортилган таомларни санаб чиқар, экипажда амакиваччаларини безовта қилиб қўймадимми деб безовталанар эди. У гапираётган гаплар мавзуси шунчалик кўп эдики, Лонгборнга етиб келгунча уларнинг тугаши амримаҳол эди.

XVII БОБ

Эртаси куни Элизабет Уикхем билан гаплашганларининг ҳаммасини Жейнга айтиб берди. Жейн ҳайрон бўлиб қолди: «Наҳотки мистер Дарси мистер Бинглига дўст бўлишга нолойиқ бўлса?» Айни пайтда эса бу

келишган ва жуда ақлли кўринган йигитнинг гапларига ишонмасликка ҳам ўрин йўқ эди. Мистер Уикхемга қилинган адолатсизликлар учун унга ачинишга арзийди. Ўзининг табиатидан келиб чиқиб, Жейн иккала йигитга соя солиши мумкин бўлган ҳамма нарсани тушунмовчиликка йўйиб, уларни баравар оқлай бошлади:

– Менимча, улар иккаласи ҳам бизга номаълум сабабларга кўра хато қилишган. Балки, уларга душманлик қилмоқчи бўлган баъзи кимсалар бир-бирлари ҳақида нотўғри маълумот беришгандир. Улар орасида нимадан низо чиққани биз учун қоронғу ва бу биз учун сир бўлиб қўя қолсин.

– Сен ҳақсан. Унда, азизам Жейн, бу ишга аралашганлар, ёмон мақсадли одамлар ҳимояси учун нима дейсан? Бу одамларни ҳам оқлаш керакмасмикин? Ахир, биз бари бир кимдир тўғрисида ёмон ўйлашимизга тўғри келади-ку!

– Менинг устимдан хоҳлаганингча кулишинг мумкин, лекин фикримни ўзгартира олмайсан. Лиззи, азизам, ўйлаб кўр, ахир бу мистер Дарсини атрофдагиларга қанчалик ёмон кўрсатиб қўяди. Отаси яхши кўрган, бир умрга таъминлаб қўйишга сўз берган йигитчага нисбатан шундай муносабатда бўлиш! Ишониш қийин! Ўз обрўсини ўйлайдиган бирорта одам ҳам бундай қилишга қодир эмас. Ахир, энг яқин дўстлари шундай янглишиши мумкинми? Йўқ, бўлиши мумкин эмас!

– Мен учун кеча мистер Уикхем айтиб берган гаплар ҳаммаси ёлғон деб ўйлашдан кўра, мистер Бингли дўст танлашда янглишган деган гапга ишониш осонроқ. Мистер Уикхем адашмасдан номларни, фактларни, жойларгача аниқ қилиб айтиб берди. Мистер Дарси агар қўлидан келса, қани ҳаммасини рад қилиб кўрсин-чи. Уикхемнинг ҳикоясида ҳар бир сўздан ҳақиқат кўриниб турганди.

– Нима дейишни ҳам билмайсан – ҳаммаси бирам чалкаш ва ёқимсизки…

– Кечирасан-ку, лекин бу ҳақда нима деб ўйлаш менга аниқ.

Жейн учун эса битта нарса – агар мистер Бингли ростдан ҳам янглишганини билиб қолса қандай афсусланиши аниқ эди.

Опа-сингил ўртасидаги бу суҳбат буталар ўсиб ётган йўлкада бўлиб ўтаётган эди. Қизларнинг бу ердалигига сабаб эса уйда улар ҳозиргина ўз суҳбатларида тилга олаётган кимсалар бор эди. Гап шунда эдики, мистер Бингли ва унинг сингиллари Лонгборнга бу ердагиларнинг ҳаммасини яқин кунларда сешанба куни бўлиб ўтадиган узоқ кутилган балга таклиф қилиб келишган эди. Иккала опа-сингил, ўзларининг айтишларича, анчадан бери кўрмаган ўз дугоналарини кўришдан жуда мамнун эдилар ва улар бири олиб, бири қўйиб, охирги марта хайрлашганларидан бери нима ишлар билан машғул бўлганини сўрай кетишди. Опа-сингиллар бошқа Беннетларга умуман эътибор бермасликка ҳаракат қилишди: уй бекасини сезмаганликка олишди, Элизабет билан эса иложи борича гаплашмасликка, кичик қизларга ҳам бирор оғиз сўз демасликка ҳаракат қилишди. Бир оздан сўнг акаларини ҳайрон қолдириб, шоша-пиша кетишга ҳозирланишди ва ўша заҳотиёқ жўнаб қолишди. Улар худди миссис Беннет билан хайр-хўш қилишдан қочаётгандек ҳаракат қилишарди.

Беннетлар оиласидаги ҳамма аёлларнинг фикризикри Незерфилдда уюштириладиган балда бўлиб қолди. Миссис Беннет бу бал унинг каттаси Жейн шарафига ташкил қилинаяпти, деб ўйлар ва таклифнома юбориб қўя қолмай, мистер Бинглининг шахсан ўзи уларни таклиф қилиш учун Лонгборнга келганидан жуда қувониб кетган эди. Жейн эса зиёфатда ўзини икки дугонаси билан биргаликда, мистер Бингли томонидан ўзига қилинажак диққат-эътиборни тасаввур қилиб хурсанд эди. Элизабет бўлса ўзининг мистер Уикхем билан рақс тушаётганини тасаввур қилар

ва шу пайтда мистер Дарсининг юзида Уикхем айтиб берган нарсалар исботини топаётгандек бўларди. Кэтрин ва Лидия интизорлик билан кутаётган хушкайфият эса бирор-бир аниқ кимса ёки воқеа билан боғлиқ эмасди. Уларнинг иккаласи ҳам худди Элизабет каби кечанинг ярмини Уикхем билан рақс тушиб ўтказишни мўлжаллашаётган бўлсалар-да, бошқа кавалерларни ҳам кўздан қочиришмаётганди. Ахир бал балдек бўлиши керак-ку! Ҳатто Мэри ҳам унга ҳеч қандай эътирози йўқлигини айтди:

– Агар эрталаблари бўш бўлсам менга шунинг ўзи етарли. Ва агар вақти-вақти билан кечқурунги кўнгилочар ўтиришларга борадиган бўлсам, бу мен учун ҳеч ҳам қийин эмас. Жамият ҳамма одамларга ҳуқуқ бериб қўйибди. Мен ҳам гоҳ-гоҳ шу ҳуқуқлардан фойдаланиб тураман.

Элизабетнинг кайфияти зўр эди. У охирги пайтларда мистер Коллинз билан иложи борича камроқ гаплашишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, бу сафар ўзини тўхтата олмай, ундан мистер Бинглининг таклифига қандай қарашини, унинг даражасидаги одамга бундай жойларда қатнашиш мумкинми ёки йўқми эканлигини сўради, бироқ жавобни эшитиб, ҳайратга тушди. Эмишки, амакиваччасининг бу борада ҳеч қандай гумони йўқ ва архиепископ ва леди Кэтрин де Бёрларнинг ҳам ман қилмасликларига имони комил.

– Ҳамма учун ҳурматли бўлган инсон томонидан ҳурматли инсонлар учун ўтказилажак бундай зиёфат, менимча, ҳеч қандай ёмон ниятни кўзда тутмаса керак. Мен рақсга тушишни ёқтирмайман эмас, аксинча, зиёфат давомида амакиваччаларимнинг ҳар биттаси билан рақсга тушиш имкони бўлади, деб умид қиламан. Ва фурсатдан фойдаланиб, азизам мисс Элизабет, сизни биринчи рақсга таклиф қилиб қўйишга рухсат берсангиз. Менинг бу таклифимни мисс Жейн тўғри қабул қилади ва мендан хафа бўлмайди, деб умид қиламан.

Элизабет нотўғри гапириб қўйганини англади. У ўзини биринчи бўлиб рақсга мистер Уикхем таклиф қилишига ишончи комил эди. Энди эса бунинг ўрнига мистер Коллинз билан тушишига тўғри келади. У илгари ҳеч қачон ўзининг ҳамма билан чиқишиб кета олишидан бунчалик панд емаганди. Лекин энди кеч эди. Мистер Уикхем ва ўзи учун бахтли дақиқалар кечроқ бўлади. Мистер Коллинзнинг таклифига қўлидан келганча мулозамат билан жавоб қайтарди. Мистер Коллинзнинг таклифида оддий хушмуомалаликдан ташқари яна нимадир борлиги Элизабетга ёқмади. Шу пайтда хаёлига биринчи марта, ахир айнан у мистер Коллинзнинг Хансфорддаги хонадонига бека бўлиши мумкин-ку, деган фикр келди. Унинг бу шубҳаси мистер Коллинзнинг унга нисбатан эътибори ортиб бораётганини, Элизабетнинг ўткир ақлига қойил қолиб қилаётган мақтовларини кўргач, ишончга айлана борди. Шундан сўнг Элизабет ўз чиройидан хурсанд бўлиш ўрнига, шундай бўлиб қоладиган бўлса, миссис Беннетнинг қанчалар хурсанд бўлишини эшитиб, қувониш ўрнига, аксинча, саросимага тушиб қолди. Ўзининг рад жавобидан сўнг уйда қандай жанжал кўтарилишини тасаввур қилган Элизабет ўзини гўё ҳеч нарса тушунмаётгандек тутишда давом этди. Балки, мистер Коллинз таклиф ҳам қилмас. Демак, у ҳали ҳеч нарсага қарор қилмаган экан, подадан олдин чанг чиқаришнинг ҳожати йўқ.

Агар Незерфилдда бал бўлиши, унга қандай тайёрланиш муаммолари бўлмаганда, кичик мисс Беннетлар балки ўзларини энг бахтсиз деб ҳис қилишган бўлишарди, чунки балга таклиф қилинган кундан бошлаб то бал бўладиган кунгача тўхтамай ёмғир ёғди ва улар Меритонга боришдан маҳрум бўлишди.

На холаларини, на таниш зобитларни кўргани бора олишди, ҳатто бал учун керак бўладиган арзимас майда-чуйдаларни ҳам хизматкор сотиб олиб келди. Ёмғир Элизабетнинг сабрини ҳам синовдан ўтказди, чунки

ёмғир унинг мистер Уикхем билан танишишда давом этишига халақит бериши мумкин эди. Китти билан Лидия учун эса жума, шанба, якшанба ва душанба кунларини зўрға ўтказиш сешанба куни бўладиган рақсларни кутиш билан сал енгиллашди.

XVIII БОБ

Незерфилдда меҳмонхонага кириб, у ердаги қизил мундир кийган меҳмонлар орасидан мистер Уикхемни қидиришга бошламагунча, йигит бу ерга келмаслиги мумкин-ку, деган фикр Элизабетнинг ҳатто хаёлига ҳам келмади. У билан балда учрашиш қиз учун шунчалик табиий туюлаётгандики, у ҳатто йигитнинг бу ерга келишига монелик қиладиган сабаблар тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганди. Қиз балга бориш учун жуда берилиб ясанди ва аъло кайфиятда ишонч билан бугун бир кечанинг ўзидаёқ йигит юрагини охиригача тўлиқ забт этишга тайёргарлик кўрди. Лекин залга кирган заҳоти, ахир мистер Бингли дўсти мистер Дарсининг кўнглига қараб Уикхемни балга таклиф қилинган зобитлар рўйхатига киритмаган бўлиши мумкин, деган шубҳа хаёлига келди. Ҳақиқатда эса сабаби бу бўлмаса-да, мистер Уикхемнинг йўқлигини унинг дўсти мистер Денни тасдиқлади. Уикхемнинг бал арафасида зарур ишлар билан Лондонга жўнаб, ҳали қайтмаганини маълум қилар экан, йигит маъноли жилмайиб қўйди:

– Албатта, унинг ҳозир бу ерда иштирок этаётган маълум бир жентельмен билан учрашувдан қочаётганлигини ҳисобга олмайдиган бўлсак, ишонаманки, ҳеч қандай иш уни шундай кунда бу ерга келишдан ушлаб қола олмасди.

Мистер Деннининг бу қочиримини Лидия ҳам эшитган бўлса-да, маъносини фақат Элизабет тушунди. Бу гап Уикхемнинг бу ерда иштирок эта олмаслигининг сабабчиси мистер Дарси эканлигига ишора эди. Кута-

ётган режалари поймол бўлган Элизабет мистер Дарсини шундай ёмон кўриб кетдики, у билан сўрашиш учун яқинлашган Дарсининг мулозаматига мулозамат билан жавоб беришга ўзини зўрға мажбур қилди. Бу одамга нисбатан эътибор, раҳм-шафқат, кечиримлилик Уикхемга нисбатан сотқинлик билан баробардек эди. У Дарси билан бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай суҳбатдан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилди, ҳатто мистер Бингли билан суҳбатлашаётганда ҳам ўзини ғазабдан тутиб тура олмади, чунки Бинглининг дўстига шунчалик боғланиб қолгани ҳам унга энди кечириб бўлмас гуноҳдек бўлиб туюлаётган эди.

Шундай бўлса-да, Элизабет ғам чекиб ўтирадиганлар тоифасидан эмасди. Унинг балдан кутаётган ҳамма умидлари пучга чиққан бўлса-да, у ҳар хил ёмон хаёлларга бориб ўтирмади. Бир ҳафтадан ошиқ кўрмаган дугонаси Шарлотта Лукасга ичидагиларни айтиб бергач, гапининг охирида уни ўзининг амакиваччаси билан таништирди. Мистер Коллинз билан тушилган биринчи рақс унинг кайфиятини янада тушириб юборди. Бу энди ҳаддан ортиқ ҳақоратдек эди: мистер Коллинз ҳаракатлари қўпол, рақс тушишни умуман билмас, дам ўтмай узр сўрар эди. Рақс тугаганда, Элизабет енгил нафас олди.

Коллинздан кейин у яна бир зобит билан рақс тушди. Рақс тушаётиб, мистер Уикхем ҳақида гап кетди ва ундан йигитни ҳамма ҳурмат қилишини эшитиб, бир оз ўзига келди. Рақс тугагач, Шарлоттанинг ёнига борди ва дугонаси билан суҳбатга берилиб кетиб, олдига мистер Дарси келиб ўзини кейинги рақсга таклиф қилаётганини ҳам сезмай қолди. Бундай таклифни кутмаган Элизабет ўзини йўқотиб қўйди ва розилик бериб юборди. Дарси нари кетгач, қилиб қўйган ишидан кайфияти бузилган Элизабет дугонаси билан ёлғиз қолди. Шарлотта уни юпатишга ҳаракат қилди:

– Менимча, у рақсда жуда яхши шерик бўлса керак.

– Худо сақласин! Ёмон кўришга тайёр турган одамим билан рақс тушсам-а!

Рақс бошлангач, Дарси уларнинг олдига келиб, Элизабетнинг қўлидан тутар экан, дугонаси секингина, Уикхемни деб ундан ҳам обрўлироқ одамнинг олдида паст кетмасдан, ўзини ақллироқ тутиши кераклигини шипшитиб қўйди. Элизабет унга жавоб қайтармай, мистер Дарси билан рақсга тушаётганидан ўзига ўзи ҳайрон қолиб ўртага тушар экан, атрофдагилар кўзида ҳам шундай ҳайронликни кўрди.

Бир қанча вақтгача улар чурқ этмай рақс тушишди. Элизабет, ҳатто, охиригача шундай индамай рақс тушсак керак деб ўйлай бошлади ва бу жимликни бузишни ҳам хоҳламади. Лекин, агар гапиртира олса ҳамроҳининг жиғига баттароқ тегиши мумкинлигини ўйлаб, тушаётган рақслари ҳақида бир-икки гапириб қўйди. Дарси қисқагина жавоб бериб, яна жим бўлди. Бир-икки дақиқа давом этган сукутдан сўнг, қиз яна давом этди:

– Энди, мистер Дарси, гапириш сиздан. Мен рақс ҳақида гапирдим, сиз эса залнинг катталигими ёки рақсга тушаётганлар ҳақидами гапиришингиз мумкин.

Йигит жилмайиб қўйди ва қиз нимани хоҳласа шу тўғрисида гапиришга тайёр эканлигини билдирди.

– Мана, яхши бўлди, – деди қиз. – Бу давр учун сиз етарли гапирдингиз. Балки, бир оздан сўнг мен хонадонларда ўтказиладиган баллар жамоада уюштириладиган баллардан яхшироқлиги тўғрисида гапирарман. Лекин ҳозирча жим турганимиз маъқул.

– Сиз рақс тушаётиб гаплашишга ўрганганмисиз?

– Ҳа, баъзан. Ахир баъзан жимликни бузиб ҳам туриш керак-ку, тўғрими? Агар икки киши ярим соат бирга ўтириб, бир оғиз гапирмаса, кулгили кўринади-ку. Лекин нима бўлганда ҳам, иккаламиз иложи борича камроқ гаплашсак, кимгадир жуда яхши бўлади.

– Бу билан сиз менинг хоҳишимни кўзда тутаяпсизми ёки бу сизнинг ўзингизга маъқулми?

– Униси ҳам, буниси ҳам, – тўғри жавобдан қочиб, деди Элизабет. – Мен иккаламизнинг фикр юритишимиз бир хил эканлигини анчадан бери сезиб келаяпман. Иккаламиз ҳам камгапмиз, агар мабодо ҳаммани ҳайрон қолдирадиган бирор ажойиб гапми, кейинчалик оғизма-оғиз авлодларга етиб борадиган мақолми айтишга тўғри келмаса, кўп гапиришни ёқтирмаймиз.

– Сизнинг табиатингизга келсак, менимча, жуда ҳам тўғри таърифламадингиз. Мени қанчалик тўғри таърифлаганингизга эса мен баҳо беролмайман. Балки, бу таърифингиз ўзингизга ёқса керак-да.

– Мен ўз санъатимга ўзим баҳо беролмайман.

Дарси жавоб бермади. Улар кейинги рақс давомида йигит қиздан опа-сингиллари Меритонда тез-тез бўлиб туришларини сўрамагунча, бир-бирлари билан гаплашмадилар. Тасдиқ жавобини бераркан, Элизабет ўзини тўхтата олмай, қўшиб қўйди:

– Яқинда ўша ерда сиз билан кўришиб қолганимизда, биз эндигина янги таниш орттирган эдик.

Бу гапларнинг таъсири ўша заҳотиёқ кўринди: Дарсининг юзида манманлик ифодаси пайдо бўлди. Лекин у ҳеч нима демади. Элизабет эса, ҳарчанд уринмасин, гапини давом эттиришга юраги дов бермади. Бир оз ўтиб, Дарси совуққина қилиб, деди:

– Уикхем шундай келишган ва ажойиб одатларга эгаки, жуда тез дўстлар орттира олади. Лекин мени доим шубҳага соладиган нарса шуки – у бу дўстларини ушлаб қола оладими ёки йўқми?

– Унинг айтишича, сиз билан дўстлигини узган экан, – маъноли қилиб давом этди Элизабет. – Балки бу нарса бир умрга юрагида жароҳат қолдиргандир.

Дарси жавоб бермади, лекин суҳбат мавзусини ўзгартиришни хоҳлаётгани кўриниб турарди. Шу пайт уларнинг олдида рақс тушаётганларнинг орасини ёриб

ўтиб, сэр Уильям Лукас пайдо бўлди. У мистер Дарси билан жуда берилиб сўрашди ва ўша заҳотиёқ унинг рақсини ва у билан бирга рақс тушаётган қизнинг гўзаллигини мақтай кетди:

– Сэр, рақсингизни томоша қилиб маза қилдим. Бунчалик назокат билан рақс тушадиганлар жуда кам. Сизнинг юқори табақаданлигингиз шундоқ кўриниб турибди. Яна бир гапни айтиб ўтишга рухсат беринг. Сиз билан ҳозир бирга рақс тушаётган қиз, менимча, сизга жуда мос ва умид қиламанки, мен бундан буён ҳам тез-тез бундай ажойиб рақсни кўриб тураман. Албатта, интиқиб кутилаётган ҳодиса рўй бергандан сўнг, тўғрими, мисс Элиза? – Бу сўзларни айтаётиб, у Бингли ва Жейн томонга қараб қўйди. – Ҳамма учун хурсандчилик бўлади. Лекин, мистер Дарси, сизни кўп ушлаб турмоқчимасман. Бўлмаса, сизнинг менга гина билан қараётган бу ажойиб гўзал қиз билан суҳбатингизга халақит бераётганим учун менга миннатдорчилик билдирмайсиз.

Бу узундан узоқ гапнинг охирини мистер Дарси ҳатто эшитмади ҳам. Лекин сэр Уильямнинг дўсти мистер Бингли ҳақидаги эҳтимоли унга таъсир қилди. Юзи жиддий тус олиб, сал нарида рақс тушаётган Бингли билан Жейнга тикилиб қаради. Сал ўтиб, ўзига келди ва Элизабетга деди:

– Мистер Уильям суҳбатимизга халақит берди.

– Менимча, биз гаплашмаётган эдик. Сэр Уильям бутун хонани қидириб кўрса ҳам, бир-бирига айтадиган гапи йўқ бошқа жуфтликни топа олмаса керак. Иккаламиз бирор бир мавзуда гапиришга ҳаракат қилиб кўрдик, холос. Мен ҳатто биз иккаламиз энди яна нима ҳақида гапиришимиз мумкин экан, деб ўйлаяпман.

– Сиз китоблар ҳақида нима дея оласиз?

– Китоблар хақида? Йўқ, мен аниқ биламанки, биз иккаламиз бир хил китобларни ўқимаганмиз. Жуда бўлмаганда, ўқиётиб бир хил нарсани ҳис қилмаганмиз.

– Афсус, бекорга бундай деб ўйлаяпсиз. Лекин сиз ҳақ бўлган ҳолда ҳам, гапириш учун мавзу топиш мумкин эди: фикрларимизни таққослашимиз мумкин эди.

– Йўқ, мен балда китоб ҳақида гапиришни ёмон кўраман. Бундай жойларда менинг хаёлимга бошқа фикрлар келади.

– Ва улар ҳар доим сизнинг атрофингиздагиларга тегишли, тўғрими? – иккиланиброқ сўради Дарси.

– Ҳа, доимо, – ўйламай жавоб берди Элизабет. Ҳақиқатда эса унинг хаёли бутунлай бошқа ёқда эди. Қиз буни тасдиқлагандек бирдан гапира кетди:

– Биласизми, мистер Дарси, бир куни сизнинг ҳаётда бирортасини ҳеч ҳам кечирмаслигингизни айтганингиз эсимда. Демак, сизнингча, сизни бир марта хафа қилиб қўйган одам, сизнинг кечиришингизга умид қилмаса ҳам бўлади. Бундан келиб чиқадики, сиз доим арзимаган нарсаларга хафа бўлмасликка ҳаракат қиласиз.

– Ҳа, албатта, – ишонч билан деди мистер Дарси.

– Ҳеч қачон бировга билмай салбий баҳо бериб, айбдор бўлиб қолмайсизми?

– Умид қиламанки, бундай бўлмайди.

– Бировларнинг фикри билан ҳеч ҳам ҳисоблашмайдиганлар, айниқса, ҳамма нарсада олдиндан эҳтиёт бўлишлари керак.

– Сиз нимани кўзда тутаётганингизни билсам бўладими?

– Мен шунчаки сизнинг табиатингизни яхшилаб билиб олишга ҳаракат қиляпман? – Ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилиб деди қиз.

– Қўлингиздан келяптими?

Элизабет бошини тебратди:

– Зиғирча ҳам. Сиз ҳақингизда мен эшитган нарсаларим шунчалик ранг-барангки, нима деб ўйлашга ҳам ҳайронман.

– Сизга айтилган фикрлар бир-бирига бутунлай зид эканлигини тасаввур қилаяпман, – жиддийлик билан

деди мистер Дарси. – Менга қолса, сиз ҳозирча менинг аслида қандайлигимни тасаввур қилишингизни истамайман. Акс ҳолда, натижадан на мен ва на сиз қониқамиз.

– Лекин мен асосий нарсани ҳозир айтмасам, бундан кейин бундай қулай фурсат келмаслиги мумкин.

– Сизга ёқиши мумкин бўлган нарсага халақит бергим келмаяпти, – совуққина жавоб қилди Дарси.

Элизабет индамади. Рақс тугагач, иккаласи ҳам кўнгилда ғашлик билан бир-бирларидан узоқлашишди. Шундай бўлса-да, мистер Дарси аллақачон Элизабетга нисбатан юрагида интилиш ҳис қилаётгани сабаб, қиздан хафа бўлмади.

Шундан сал ўтиб, Элизабетнинг олдига мисс Бингли келди-да, менсимас оҳанг билан гап бошлади:

– Демак, мисс Беннет, сиз Жорж Уикхемдан ҳайратда экансиз-да? Менга буни Жейн айтди. У мени сизнинг бу янги танишингиз ҳақидаги саволларга кўмиб ташлади. Лекин мен опангизнинг гапларидан шуни англадимки, бу йигит ўзи ҳақида гапираётиб, марҳум мистер Дарсиникида эшик оғаси бўлиб ишлаган қария Уикхемнинг ўғли эканлигини айтишни унутибди. Мен сизга бу йигитнинг ҳамма гапларига ишонавермасликни дўстона маслаҳат берган бўлардим. Унинг мистер Дарси ўзига нисбатан ёмон муносабатда бўлиши ҳақидаги гаплари ҳаммаси ёлғон. Аксинча, мистер Дарси унга нисбатан мисли кўрилмаган мардлик қилган. Жорж Уикхем эса, тескариси, мистер Дарсига нисбатан номардлик қилди. Мен ҳамма икир-чикирларини яхши билмайман, лекин аниқ биладиганим – мистер Дарсини бирорта нарсада айблаб бўлмайди. У Жорж Уикхем ҳақида эшитишни ҳам истамаслиги бекорга эмас. Акамга мистер Уикхемни бошқа зобитлар қаторида таклиф қилмаслик жуда ноқулай бўлиб турганда, унинг ўзи таклифдан бош тортиб қолди. Унинг бу ерларда пайдо бўлиши мисли кўрилмаган безбетлик. Қандай қилиб бунга

ҳадди сиғдийкин?! Мисс Элиза, менга сизнинг бу янги танишингизнинг башарасини очиб ташлаш жуда оғир. Лекин унинг келиб чиқишини ҳисобга оладиган бўлсак, танишингиздан бошқа нарса кутиб ҳам бўлмасди.

– Мисс Бингли, сизнинг сўзларингиздан мен англаганим шу бўлдики, мистер Уикхемнинг айби унинг келиб чиқишида, – кескин жавоб берди Элизабет. – Сиз унга отаси эшик оғаси бўлганлигидан бошқа ҳеч қандай айб қўя олмадингиз. Лекин, мен сизни ишонтириб айтаманки, буни унинг ўзи менга айтган.

– Узр сўрайман, – ундан узоқлашар экан, кесатиб деди мисс Бингли. – Аралашганим учун кечирасиз, мен яхши ниятда гапиргандим.

«Қандай юзсизлик! – ўзига ўзи гапирди Элизабет. – Лекин сиз, хонимча, шу йўл билан менинг юрагимга тегаман, деб хом ўйлаяпсиз. Бу билан сиз ўзингизнинг нақадар пасткашлигингизни ва мистер Дарсининг аблаҳлигини яна бир марта исботладингиз, холос».

Элизабет мистер Бингли билан берилиб суҳбатлашаётган Жейнни қидирганча кетди. Бу кечадан жуда ҳам хурсанд бўлган Жейн синглисини чиройли жилмайиш билан қарши олди. Жейннинг юз ифодасидан унинг нималарни ўйлаётганини тахминан билган Элизабет мистер Уикхем ҳақидаги гаплар опасининг қулоғига ҳам кирмаслигини сезди.

– Мен сендан мистер Уикхем ҳақида бирор нарса била олдингми, деб сўрамоқчи эдим. Сен фақат биттагина одам ҳақида ўйлаб, вақтни жуда яхши ўтказаяпсан, шекилли. Шундай бўлса, мен сендан хафа эмасман.

– У бутунлай ёдимдан чиқиб кетибди, – жавоб берди Жейн. – Лекин очиғи сенга бирорта яхши гап айтолмайман. Мистер Бингли бу ҳақда жуда оз нарса билар экан. Мистер Уикхем мистер Дарси олдида нима гуноҳ қилган, унинг хабари йўқ экан. Лекин у ўз дўстининг номусли, тоза йигит эканлигига кафиллик бера олади. Яна у айтдики, мистер Уикхем мистер Дарси

унга кўрсатган яхшиликларига арзимайди. Унинг гапича ва яна мисс Бинглининг айтишича, мистер Уикхемни тоза йигит, деб айтиб бўлмайди. У ўзини жуда номуносиб тутган ва мистер Дарсининг олдида ҳурматини йўқотиб қўйган бўлса керак, деб қўрқаман.

– Мистер Бингли мистер Уикхемни танир эканми?

– Йўқ, Меритонда учрашгунча бирор марта ҳам кўрмаган.

– Унинг Уикхем ҳақидаги фикрлари Дарсидан ўтган экан-да, шундайми? Тушунарли. Черков приходи ҳақида нималар билар экан?

– Бу ҳақда дўстидан кўп марта эшитган бўлса-да, нима бўлганини ўзи жуда аниқ билмайди. Приход, менимча, Уикхемга шартли қилиб берилган.

– Мен мистер Бинглиниг самимийлигига шубҳа қилмайман, – иложи борича юмшоқлик билан деди Элизабет, – лекин мени қуруқ гаплар қониқтирмайди. Албатта, мистер Бингли содиқ дўст сифатида Дарсининг тарафини олади. Лекин бу воқеанинг баъзи томонлари унга номаълумлигини, билганлари эса фақат мистер Дарсидан эшитганлари эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мен бу икки йигитга ҳам бир хил муносабатда бўлишда давом этаман.

Шу сўзлардан сўнг у гапни иккаласи учун қизиқ бўлган мавзуга буриб юборди ва опасидан мистер Бинглининг хушомадлари унда катта умидлар уйғотаётганини билиб олди. Ўз навбатида ўзи ҳам опасининг умидларини иложи борича рўёбга чиқиши тарафдори эканлигини айтди. Опа-сингилларнинг ёнига мистер Бингли яқинлашгач, Элизабет уларни ёлғиз қолдириб мисс Лукасни қидириб кетди. У дугонасининг охирги бирга рақсга тушган шериги ҳақидаги саволига жавоб берар экан, олдиларига мистер Коллинз келиб қўшилди ва ҳозирнинг ўзида бир янгилик кашф қилганини айтди.

– Тасодифан мен бу ерда бекамнинг жуда яқин қариндошини учратиб қолдим. Шу кечанинг безаги

бўлган қиз билан рақсга тушаётиб бу йигит қариндоши мисс де Бёр ва унинг онаси леди Кэтриннинг номларини тилга олди. Ҳаётда нималар бўлмайди! Мен шу ерда, бугун шу кечада леди Кэтриннинг жиянини учратаман, деб ким ҳам ўйлабди? Унга ўзимни танита олиш имкони берилган экан, албатта, мен бу ишни ҳозироқ қиламан.

– Мистер Дарсига ўзингизни танитмоқчимисиз?

– Албатта. Мен бу ишни илгарироқ қилмаганим учун ундан кечирим сўрайман. Мистер Дарси ростдан ҳам леди Кэтриннинг жияни деб ишонаман. Мен унга бир ҳафтагина бурун холасининг соғлиғи жуда яхши бўлганини айтиб қўяман.

Элизабет иложи борича мистер Коллинзни бундай қилмасликка кўндирмоқчи бўлди. Нотаниш одамнинг ўзига мурожаат қилишини Дарси ўзининг холасига ҳурмат белгиси деб эмас, балки ўзбошимчалик деб ҳисоблашини, бу ерда улар бир-бирларига эътибор беришлари шарт эмаслигини ва агар учрашишлари керак бўлиб қолган тақдирда ҳам бу қадамни жамиятда мавқеи баландроқ бўлган Дарси қўйиши кераклигини тушунтира бошлади. Мистер Коллинз қизнинг ҳамма гапларини бари бир ўзининг айтганини қиладиган одамдек тинглагач, деди:

– Азизам мисс Элизабет! Мен сизнинг ўзингиз яхши биладиган нарсалар тўғрисида тўғри фикр юритишингизга катта ҳурмат билан қарайман. Лекин оддий одамлар билан Худо йўлида хизмат қилувчиларнинг инсоний муносабатларининг нормалари ўртасида катта фарқ бор. Шунинг учун ўзимнинг бурчим деб ҳисоблаган нарсани қилишга менга ижозат беринг. Ва бошқа ҳамма нарсада сизнинг маслаҳатингизга кўнишга тайёр бўлган ҳолда, ҳозир ундан фойдаланмаётганим учун узр сўрайман. Ҳозирги шароитда ўз билимим ва тажрибамдан келиб чиқиб, сиздай ёш қизнинг эмас, балки ўзимнинг фикрим тўғри деб ҳисоблайман.

Элизабетга эгилиб таъзим қилганча, мистер Коллинз уни қолдириб, тўғри мистер Дарси томонга қараб кетди. Қиз бу кутилмаган мурожаат Дарсига қандай таъсир қилишини хавотирланиб кута бошлади.

Мистер Коллинзнинг биринчи сўзлариданоқ Дарсининг юзида ажабланиш аломатлари пайдо бўлди. Мистер Коллинз гапини қаттиқ йўталиб қўйишдан бошлади. Унинг сўзлари қизга эшитилмаётган бўлсада лабларининг қимирлашидан Элизабет «кечирасиз» «Хансфорд» ва «леди де Кэтрин» деган сўзларни эшитаётгандек эди. Қариндошининг мистер Дарси олдида бундай кулгили аҳволда кўринишидан Элизабет хафа бўлиб кетди. Дарси мистер Коллинзга ҳайрат ва ажабланиш билан қараб турар, Коллинз ахири гапидан тўхтаб, Дарсига гапириш учун шароит туғилганда у совуққина жавоб берди. Лекин бу нарса Коллинзни хижолат ҳам қилмади ва у яна гапида давом этди. Унинг бу қилиғи Дарсининг Коллинзга нисбатан нафратини баттарроқ кучайтиргандек эди ва у гапини тугатганида, Дарси индамай бош силкиди-да, нарироққа кетди. Коллинз эса Элизабетнинг ёнига қайтиб келди.

– Унинг менга муносабатидан ҳеч ҳам хафа бўлганим йўқ, ишонинг, – яқинлаша туриб деди у. – Мистер Дарсига менинг муносабатим ёқди. У мен билан жуда самимий гаплашди ва ҳатто леди Кэтриннинг инжиқлигини билишини ва унинг ҳурматига фақатгина ҳақиқий инсонгина мушарраф бўла олишини айтди. У буни шундай чиройли ташбиҳлар билан айтдики! Ростдан, менга жуда ёқди.

Энди балдан ўзи учун кутадиган ҳеч нарса қолмагани учун Элизабет бутун диққатини мистер Бингли ва опасига қаратди. Бу нарса унда яхши фикрлар уйғотди ва ўзини худди Жейндек бахтли ҳис қила бошлади. Ҳатто энди Жейнни ўз тасаввурида бу уйда ҳақиқий муҳаббат ва никоҳда бўладигандек бахтли, ҳеч қандай кам-кўстсиз яшаётган уй бекасидек та-

саввур қила бошлади. Бу ҳолда у ўзини ҳатто мистер Бинглининг опа-сингиллари ҳам яхши кўриб қолиши мумкин, деб ҳисобларди. Миссис Беннетнинг ҳам фикри-зикри шунда эканлиги кўриниб турарди ва онасининг лоп этиб, бирорта бўлмағур гап айтиб қўйишидан чўчиган Элизабет, ундан узоқроқда бўлишни маъқул кўрди. Лекин, бахтга қарши стол олдига ўтираётиб у яна онасининг олдида бўлиб қолди. Унинг леди Лукасга баланд овозда тўхтамасдан мистер Бингли ва қизи Жейннинг яқин орада бўладиган тўйлари тўғрисида гапираётганини эшитиб қолди. Суҳбат мавзуси шунчалик қизиқ эдики, миссис Беннет бу жуфтликнинг келажакда бўлиши мумкин бўлган афзалликларини гапириб чарчамасди. Биринчи навбатда уни хурсанд қиладиган нарса шу эдики, мистер Бингли шундай келишган, шундай бой ва Лонгборнга жуда узоқ бўлмаган жойда яшайди. Бундан сўнг у яна берилиб, мистер Бинглининг опалари Жейнни қанчалик ёқтириб қолишганини ва улар бундай қариндошчиликдан жуда хурсанд бўлишлари мумкинлиги ҳақида гапирди. Ва яна асосийси, бу ҳодиса унинг кичик қизларига ҳам бой оилаларга келин бўлишларига йўл очиб бериши мумкин. Гапининг охирида миссис Беннет леди Лукасга у ҳам яқин келажакда ўзига ўхшаб жуда бахтли бўлишини тилади. Шарлоттага бу гапларни гапира туриб, миссис Беннет ўзининг бутун борлиғи билан бу нарса ушалиши мумкин бўлмаган орзулигини ифодалаб турарди. Онасининг ҳамма гапларини эшитиб турган Элизабет уни жим бўлишга, жуда бўлмаганда секинроқ гапиришга беҳуда ҳаракат қилди, чунки бу гаплар онасининг рўпарасида ўтирган мистер Дарсига ҳам эшитилаётган эди. Унинг бу уринишлари онасининг жаҳлини чиқарди:

– Нега қўрқишим керак? Мистер Дарси ким бўлибди? Нима, биз ундан қарздормизми, нега унга ёқмайдиган бир нарса дейишга қўрқишимиз керак?

– Онажон, Худо ҳақи, секинроқ гапиринг. Мистер Дарсини ҳақорат қилишнинг нима кераги бор? Бу билан унинг ўртоғида қандай таассурот қолдирасиз?

Элизабетнинг гаплари онасига таъсир қилмади. Миссис Беннет ҳаммага эшиттириб, ўзининг орзулари ҳақида гапиришда давом этди ва натижада Элизабет уятдан гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб ўтирди. У ўзининг хавотири асоссиз эмаслигини аниқлаш учун вақти-вақти билан Дарси томонга яширинча қараб қўярди. Дарси миссис Беннет томонга қарамаётган эса-да, унинг диққати аёлга қаратилгани сезилиб турарди. Борган сари йигитнинг юз ифодаси ўзгара бошлади: аввалбошда нафрат сезилиб турган бўлса, охирига бориб унинг юзида қатъий қарор қилгани сезилиб турган ифода пайдо бўлди.

Ниҳоят, миссис Беннетнинг гап халтаси бўшаб, эсноғини зўрға босганча унинг гапларига қўшилиб ўтирган леди Лукас олдиларига қўйилган товуқ гўштидан татиб кўриш имконига эга бўлди. Элизабет ўзига кела бошлагандек эди. Лекин нафас ростлаши жуда қисқа вақтга экан: овқатланиб бўлишгач, мусиқа тўғрисида гап кетди ва ҳамма йиғилганлар Мэридан ўз санъатини кўрсатишни илтимос қила бошлашди. Элизабет кўз қараши билан синглисини бундай қилишдан тўхтатмоқчи бўлди, лекин бефойда. Ўзининг бор-йўқ санъатини кўрсатиб қўймоқчи бўлган Мэри ҳеч нарсани тушунишни хоҳламади ва фортепьяно ёнига ўтирди. Элизабет безовта бўлганча, кўзини узмасдан синглисининг бир куплетдан иккинчи куплетга ўтишини кузатиб ўтирди. Қўшиқнинг тугаши ҳам Элизабетга енгиллик келтирмади: уни олқишлаётганлар орасида яна қўшиқ айтиб беришини сўраётганлар борлигидан мамнун бўлган қиз, яна янгисини бошлади. Мэрида жамоат олдида ашула айтадиган ҳеч қандай иқтидор йўқ эди: овози кучсиз, ижро маҳорати ҳам йўқ. Элизабет ўзини қаерга қўйишни билмасди. У бу азоб Жейнга қандай таъсир қилаётганини билиш учун опаси томон-

га ўгирилди. Лекин Жейн мистер Бингли билан тинчгина гаплашиб ўтирганди. Элизабет мистер Бинглининг сингиллари томонга қаради ва уларнинг бир-бирларига ва мистер Дарсига қараб имо-ишора билан масхара қилиб ўтирганларини кўриб қолди. Мистер Дарси эса ўзини ҳеч нарса тушунмаётганга солиб ўтирарди. Элизабет ниҳоят отаси томонга ялинганнамо қараб қўйди: агар отаси аралашмаса Мэри ўзининг қўшиғини тонггача чўзиши мумкин эди. Отаси қизи нима демоқчи бўлаётганини сезиб, Мэрига қараб баланд овоз билан деди:

– Қизалоғим, етар энди. Қулоқларимиз маза қилди. Энди бошқа қизларга ҳам йўл бер.

Мэри ўзини отасининг гапларини эшитмаганга солган бўлса-да, бари бир бир оз ноқулайлик сезди.

Ўз навбатида Элизабет ҳам синглиси учун уялиб, ҳам отасини ноқулай аҳволга солиб қўйганидан куйиниб нима қилишни билмасди. Бу орада йиғилганлар энди ким қўшиқ айтишини кутишаётганди.

– Агар менда мусиқага қобилият бўлганда эди, – гап бошлади мистер Коллинз, – одамларга ария айтиб берган бўлардим. Чунки мен мусиқани черков ходими ҳам машғул бўлиши мумкин бўлган кўнгилхушлик деб биламан. Албатта, мусиқага жуда кўп вақт сарфлашимиз керак деб ўйламайман, чунки бизнинг диққатимизни жалб қиладиган ишларимиз ошиб-тошиб ётибди. Черков ходимининг иши қанчалик кўплигини билсангиз эди! Қолган вақти ҳар хил черков таомилларини бажариш, ўз хонадонининг тўкислигини таъминлашга зўрға етади. Бундан ташқари, у яна атрофидагиларга, айниқса, ўзининг жамиятдаги ўрни учун кимдан миннатдор бўлса, ўшаларга ҳам ғамхўрлик қилиши муҳимдир. Мен ҳам ўз бекаси билан қариндошлик ришталари бўлган шахсга ҳурмат кўрсатиш мажбуриятидан ўзимни олиб қочмайман.

Шу билан у мистер Дарси томонга қараб таъзим қилар экан, йиғилганларнинг ярми эшитадиган қилиб

гапирган нутқини тугатди. Кимлардир мистер Коллинзга тикилиб қаради, кимлардир кулиб қўйди. Лекин унинг нутқи бошқаларга мистер Беннетга таъсир қилганчалик кулгили туюлмади. Айни вақтда эса миссис Беннет уни маъқуллаб турар экан, қўшниси леди Лукасга мистер Коллинзнинг нақадар ақлли ва ўктам йигит эканлигини гапириб берди.

Элизабетга, агар унинг барча оила аъзолари бугун ўзларини кулгига қўйишга қарор қилишган бўлса, бунинг учун бу кун энг қулай фурсатга ўхшаб туюлаётган эди. Мистер Бингли ва Жейнларнинг бахтига бу театрнинг айрим жойлари инсоннинг тентаклигига жуда ҳам эътибор бермайдиган ёш йигитнинг эътиборидан четда қолган эди. Лекин мистер Дарси ва мистер Бинглининг сингиллари учун унинг қариндошлари устидан маза қилиб кулишга имкон яратиб берилаётган эди. Элизабет ўзига энг қаттиқ тегаётган нарса нима: икки аёлнинг очиқдан-очиқ кулишаётганими ёки йигитнинг нафрат билан жим туришими – эканлигини билолмай ҳам қолди.

Кечанинг қолган қисми унга ҳеч қандай хурсандчилик олиб келмади. Мистер Коллинзнинг кетидан юриши жонига теккан эди. Мистер Коллинз рақс тушишга ўзи кўндира олмаса-да, қиз бошқа бир йигитнинг таклифини қабул қилишига ҳам халақит бераётган эди. Элизабетнинг уни залдаги хоҳлаган қизи билан таништириб қўйишга уриниши бекор кетди. Мистер Коллинз ҳар сафар ўзи рақсни ёқтирмаслигини ва бунинг ўрнига қимматли амакиваччасига меҳрибонлик кўрсатишни хоҳлаётганини айтар экан, ўзини Элизабетнинг олдида кўрсатиб қўйишга уринар эди. Шу сабаб, бал охиригача қизнинг олдидан кетмасликни афзал кўрди. Қиз унинг бу истагига қарши ҳеч нарса дея олмади. Тез-тез уларнинг олдига келиб мистер Коллинзни алаҳситиб тургани учун дугонаси Шарлоттадан миннатдор бўлди.

Элизабет бир томондан, гапиришга интилмаётган бўлса-да, яқин атрофда айланишиб юрган Дарсидан узоқлашаётганидан хурсанд эди. Унинг гапирмаётганини ўзининг Уикхем ҳақидаги гапларидан, деб билган Элизабет суюниб қўйди.

Залдан охирги бўлиб лонгборнлик меҳмонлар чиқишди. Миссис Беннетнинг айёрлиги сабаб уларнинг экипажи ҳамма кетиб бўлгандан сўнг чорак соат ўтгач келди. Бу нарса уларнинг незерфилдликлардан бири уларнинг кетишини қандай сабрсизлик билан кутаётганини билишга ёрдам берди. Миссис Хёрст ва синглиси ўзларини тутишлари билан тезроқ ёлғиз қолгилари келаётганини кўрсатар эканлар, фақат ўзларининг нақадар чарчаганларини айтиш учунгина оғиз очардилар. Улар очиқчасига миссис Беннетнинг гапга тутишидан ўзларини олиб қочар эдилар. Бу вазиятни мистер Коллинзнинг мистер Бингли ва унинг опаларига мақтов сўзлари, эндигина тугаган зиёфатнинг тўла-тўкислиги, уй эгаларининг меҳмондўстлиги тўғрисидаги гаплари юмшатиб турарди. Мистер Дарси жим эди. Мистер Беннет ҳам кўз олдида бўлаётган ҳодисалардан «завқланиб» жим турарди. Мистер Бингли билан Жейн эса бошқалардан нарироқда, бир-бирлари билан гаплашиб туришарди. Элизабет миссис Хёрст ва мисс Бинглидан ҳам кўра баттарроқ сукутда эди. Ҳатто Лидия ҳам оғзини очиб эснаганча «Вой, Худойим, бирам чарчадимки», дейишдан нарига ўтолмасди.

Ахири ҳаммалари кетишга отланганларида миссис Беннет незерфилдликлар агар вақт топиб Лонгборнга боришса, жуда хурсанд бўлишларини билдирди. У асосан мистер Бинглига қараганча, ўз дастурхонларини ҳеч қандай расмиятсиз у ва унинг яқинлари билан баҳам кўришдан жуда мамнун бўлажакларини таъкидлади. Мистер Бингли унга чин дилдан миннатдорчилик билдирди ва эртаси куни Лондонга иш юзасидан қилмоқчи бўлган қисқа сафаридан қайтиб кел-

гач, имконият туғилиши билан уларникига боришга ваъда қилди.

Миссис Беннет бўлиб ўтган балдан жуда мамнун эди. Незерфилддан жўнаб кетар экан, у катта қизининг тўй сарполарини тайёрлашга, уй жиҳозлашга ва янги экипажлар сотиб олишга кетадиган уч-тўрт ойдан сўнг бу ерга кўчиб ўтишига катта умид боғлаётганди. Худди шунингдек, у иккинчи қизининг ҳам яқин орада турмушга чиқишига амин эди. Бу никоҳга ишонч ҳам, Жейнникичалик бўлмаса-да, аёлга жуда қувонч келтираётган эди. Миссис Беннет Элизабетни барча қизларидан кўра камроқ суярди. Албатта, унинг мистер Коллинз ва унинг уйига нисбатан ҳеч қандай қаршилиги бўлмаса-да, мистер Бингли ва Незерфилд билан тенглаша олмасди.

XIX БОБ

Эртаси куни Лонгборнда муҳим воқеалар содир бўлди: мистер Коллинз мистер Беннетнинг иккинчи қизининг қўлини сўраб, расмий таклиф қилди. Унинг Лонгборнда бўлиш вақти келаси шанба куни тугаётган бўлиб, вақтини бекор ўтказмасликка қарор қилди. Коллинзга уялиш ҳисси ёт эди, шунинг учун ҳиссиётларини ўзининг луғатидаги энг ажойиб сўзлар билан ифодалади.

Нонуштадан сўнг миссис Беннетнинг Элизабет ва яна кичик қизларидан бири билан ўтирганини кўриб, уй бекасига мурожаат қилди:

– Хоним, агар мен гўзал қизингиз Элизабетдан мен билан ёлғиз суҳбатлашишни таклиф қилсам, сиз унга ўз гапингизни ўтказа оласизми?

Миссис Беннетнинг жавобидан Элизабет, ҳатто қизаришга ҳам улгурмади:

– Вой, Худойим! Албатта! Албатта! Мен ишонаманки, Лиззи сизнинг гапларингизни бажонидил эшитишга тайёр. Унинг ҳеч қандай қаршилиги бўлиши мум-

кин эмас. Китти, қизгинам, юр, сен менга тепада керак бўласан.

Бу гапларни гапира туриб миссис Беннет тикаётган нарсаларини олиб чиқишга ҳозирланар экан, Элизабет уни тўхтатишга ҳаракат қилди:

– Илтимос, ялинаман, бу ердан кетманглар. Мистер Коллинз мени кечирсин. У менга бу уйдаги одамлар эшитиши мумкин бўлмаган ҳеч нарса айтмайди. Яхшиси, мен ўзим кетаман.

– Қандай тентаклик. Менга бу хонада сенинг қолишинг керак! – Миссис Беннет ўзини йўқотиб қўйган Элизабет ростдан ҳам хонадан чиқиб кетиши мумкинлигини кўриб, қўшиб қўйди: – Лиззи, мен сенинг шу хонада қолиб, мистер Коллинзнинг гапларини эшитишингни талаб қиламан!

Бундай буйруқни бузишга Элизабетнинг юраги бетламади. Бир оз ўйлаб кўргач, бу ишни тезроқ ва ортиқча шовқин-суронсиз ҳал қилиш маъқулроқлигини тушуниб, қайтиб жойига ўтирди ва тикаётган ишини қўлига олди. Унинг ҳам йиғлагиси, ҳам кулгиси келаётган эди. Миссис Беннет ва Китти хонадан чиқишлари билан мистер Коллинз гап бошлади:

– Азизам мисс Элизабет, ишонинг, сизнинг камтарлигингиз менда ёмон таассурот қолдириш эмас, сизнинг мукаммал инсон эканлигингиздан дарак беряпти. Агар сиз мен билан бу суҳбатга розилик билдирмаганингизда эди, балки сиз менга ҳозир бунчалик жозибали бўлиб кўринмаган бўлардингиз. Фақат бир нарсани олдиндан айтиб қўйишга рухсат беринг: мен сиз билан гаплашиб олишдан аввал онангизнинг рухсатини олганман. Ўзингизнинг уятчанлигингиздан келиб чиқиб, балки менинг мақсадимни яхши тушунмассиз. Аслида эса, мен сизга ўзимнинг танловимни яққол сездиришга ҳаракат қилдимки, сиз буни сезмаган бўлишингиз мумкин эмас. Эшигингизга биринчи келган кунимданоқ сизни кўриб менинг келажакда умр йўлдошим бўлишингизни ҳис қилганман. Лекин ҳозир

мен ўзимнинг ёниб турган ҳиссиётларим ҳақида гапиришдан олдин, нега ўзимга умр йўлдоши танлаш учун мен айни Хартфордширга келганим сабабларини айтиб ўтсам.

Амакиваччаси ўзининг ёниб турган ҳиссиётларига эрк беришини кўз олдига келтирган Элизабет, ўзини зўрға кулгидан тийиб қолди. Шу сабаб, у мистер Коллинзни ўз ҳиссиётлари ҳақида гапиришдан тўхтатиб қолишга улгура олмади:

– Демак, биринчидан, менга ўхшаган молиявий жиҳатдан ўзига тўқ ҳар бир черков ходими ўз приходида ҳамма учун ўрнак бўла оладиган оилапарвар бўлиши керак. Иккинчидан, мен аниқ ишонаманки, бу қўйилаётган қадам мени яна ҳам бахтлироқ қилади. Ва, охири, учинчидан, балки буни биринчи ўринга қўйсам тўғрироқ бўларди, мен ўзимнинг бекам деб атайдиган олижаноб бир аёлнинг маслаҳатларига қулоқ соляпман. У аёл (мен ундан илтимос қилмасамда) икки марта бу масала юзасидан ўз фикрларини айтди. Ҳатто шанба куни, мен бу ерга келишим арафасида, миссис Женкинсон икки рақс ўртасида мисс де Бёрнинг оёқлари тагидаги стулчани тўғрилаб қўяётганда, леди Кэтрин менга: »Мистер Коллинз, сиз уйланишингиз керак. Сиз каби черков ходими албатта уйланган бўлиши керак. Ақл билан, ўзингизга мосини танланг. Албатта, менинг дидимни ҳам ҳисобга олинг. Тарбияли, тоза, эркатой бўлмаган ва берилиб ишлайдиган ва кам ойликни ҳам рўзғорга етказа оладиган қиз бўлиши керак. Мен сизга шуни маслаҳат бераман. Тезроқ ўзингизга мосини топинг, уни Хансфордга олиб келинг ва мен уни кўргани бораман», деган. Шу ўринда, азиз қариндош, леди Кэтрин де Бёрнинг менга эътибори ва ҳурматини ўзим сизга ҳозир қўшқўллаб топширмоқчи бўлган бошқа нарсаларнинг охирига қўймоқчи эмасман. У билан танишгач, бу аёлнинг мен сизга таърифлагандан ҳам афзалроқ эканлигига ўзингиз амин бўласиз. Ва мен умид қиламанки, сизнинг

унинг юқори табақадаги ўрни қаршисида албатта анчагина юмшайдиган ўткирлигингиз ва ҳаракатчанлигингиз унга ёқади. Мана, мени уйланишга ундайдиган сабаблар. Энди менга яна бир нарсани, яъни мен ўзимга жуфт танлашда нима учун яхши қизлар тиқилиб ётган Хансфорд атрофидаги қишлоқларга эмас, Лонгборнга келганим сабабини айтиш қолди. Ҳамма гап шундаки, сизнинг ҳурматли отангиз вафот этгач (албатта, ҳали кўп яшасин!) унинг ер-мулки менга мерос қолади. Бу борадаги андишамдан келиб чиқиб, мен унинг қизларидан бирини ўзимга хотин қилиб олишга қарор қилдим. Мен хоҳлардимки, оила аъзоларингиз ушбу, ҳали мен айтиб ўтганимдек, ҳали-бери содир бўлмайдиган ғамгин воқеа содир бўлган ҳолда ундан жуда ҳам азоб чекишмасин. Менинг режаларим ана шулар ва умид қиламанки, булар сизнинг кўз олдингизда менинг обрўйимни тўкиб қўймайди. Энди фақат сизни ўзимнинг сизга нисбатан бўлган чуқур ҳиссиётларимга ишонтириш қолди. Менинг пул билан ишим йўқ ва бу борада отангизга ҳеч қандай тама ҳам қилмоқчи эмасман, чунки биламанки, фойдаси йўқ. Мен яна шу нарсадан хабардорманки, сизнинг келажакдаги бор-йўқ меросингиз ҳурматли онангиз миссис Беннетнинг ўлимидан кейингина эгалик қилишингиз мумкин бўлган бир йиллик тўрт фоиз фойдадан келадиган бир минг фунтгинадир. Мен бу борада балиқдек соқов бўламан ва бир умр менинг оғзимдан ҳеч қандай таъна эшитмайсиз.

Мистер Коллинзни нима қилиб бўлса ҳам, тўхтатиш керак эди:

– Сэр, сиз шошиляпсиз! – жаҳл билан деди Элизабет. – Мен ҳали сизга розилик бермаганимни унутдингиз, шекилли. Менга тезда шу ишни қилишимга рухсат беринг. Сэр, менга кўрсатган эътиборингиз учун сиздан жуда миннатдорман. Сизнинг бу таклифингиз мен учун қанчалик шараф эканлигини жуда яхши тушунаман, лекин мен рад этишга мажбурман.

– Мен ёш қизларнинг уларнинг қўлини биринчи марта сўрашганда, ўзлари ичида рози бўлиб турсаларда, рад жавоби беришлари тўғрисида кўп эшитганман. Баъзи ҳолларда иккинчи, ҳатто учинчи ҳолларда ҳам рад жавобини қайтаришади. Шунинг учун сизнинг жавобингиздан мен ҳеч ҳам хафа эмасман ва чин кўнгилдан умид қиламанки, яқин келажакда мен сизни муқаддас меҳробга олиб бораман.

– Аммо, менинг рад жавобимдан сўнг сизнинг яна умид қилишингиз менга асосли бўлиб кўринмаяпти. Мен сизни ишонтириб айтаманки, мен (агар шундайлар бўлса) яна иккинчи марта таклиф қилинишини кутиб, ўз бахтини гаровга қўядиган қизлар тоифасига кирмайман. Менинг сизга жавобим жиддий. Сиз мени бахтли қила олмайсиз ва менимча, дунёдаги қизлар ичида айни мен сиздек инсонни бахтли қила олмайман. Иккиланмасдан айтишим мумкинки, агар дўстингиз леди Кэтрин мени яхши билса, у сизнинг танлаган қизингизни маъқулламаган бўларди.

– Наҳотки, леди Кэтрин сизга шундай муносабатда бўлган бўларди? – Жиддийлик билан деди мистер Коллинз. – Мен сизнинг зоти олияларига ёқмаслигингизни тасаввур қила олмайман. Бемалол ишонишингиз мумкинки, мен уни учратганимда сизнинг камтарлигингизни, уй ишларига уқувингиз зўрлиги ва бошқа ижобий сифатларингизни ошириб айтаман.

– Йўқ-йўқ, мистер Коллинз, менинг шарафимга айтадиган мақтов сўзларингиз бекор кетади. Тақдиримни ўзим ҳал қилишимга ижозат беринг ва менинг гапларимга ишонаверинг. Мен чин дилдан сизга бахт ва бойлик тилайман, сизга турмушга чиқишга рад жавобим билан бу тилакларим рўёбга чиқишига йўл очиб берган бўламан. Менинг розилигимни сўраётиб, бизнинг оиламиз тўғрисидаги ўз андишангизни йиғиштириб қўйсангиз бўларди. Энди эса, пайти келиб Лонгборнимиз сизнинг қўлингизга ўтганда уялмасдан бемалол эгалик қилишингиз мумкин. Шундай

қилиб, бу масалани ҳал бўлди, деб ҳисоблайверишингиз мумкин.

Шу сўзлар билан Элизабет хонани тарк этишга чоғланар экан, мистер Коллинз яна гапириб қолди:

– Келаси сафар мен яна бу мавзуда гапириш шарафига муяссар бўлганимда, умид қиламанки, сиз менга ҳозир бераётган жавобингиздан кўра яхшироқ жавоб оламан. Шу билан бирга сизларнинг жинсингиз вакиллари эркаклар уларнинг қўлларини сўрашганда рад жавобини беришлари одатий ҳол эканлигини била туриб, мен сизни ҳиссизликда айблашдан йироқман. Бунинг акси, сиз менга умид бағишладингиз.

– Сиз мени жуда қизиқ аҳволга солиб қўйяпсиз, – ҳаяжон билан деди Элизабет. – Агар менинг бу жавобим сизга умид бағишлаган бўлса, сизни ўзимнинг рад жавобимга ишонтириш учун нима дейишим кераклигини тасаввур ҳам қила олмаяпман.

– Азизам, сиз менга фақат оғиздагина рад жавоби бердингиз деб ўзимни ишонтиришга рухсат беринг. Қисқасини айтганда, мен қуйидаги сабабларга кўра бунга аминман. Менинг сизга мос эмас ёки мен сизга таклиф қилаётган шартлар сизни қониқтирмайди, деган фикр ҳатто хаёлимда ҳам йўқ.

Бу борада менинг жамиятда тутган ўрним, де Бёрлар оиласи билан танишлигим ва сизларнинг оилангиз билан қариндошлигим йўл очиб турибди. Ва сизнинг бор ажойиб фазилатларингизга қарамай, сизда энди бундан буён турмушга чиқиш учун бошқа шароит бўлмаслигини яхши тушунишингиз керак. Сепингизнинг арзимаслиги сизнинг гўзаллигингиз ва бошқа ижобий сифатларингизнинг кучини камайтиради. Шунинг учун сиз ичингизда менга рад жавоби бермоқчи эмассиз, деб ҳисоблайман. Сизнинг жавобингиз барча келишган аёлларга хос олифтагарчилик қилиб, менинг ҳиссиётларимни яна ҳам ёлқинлатиш хоҳиши деб ўйлайман.

– Сэр, мен бир жиддий инсоннинг ҳиссиётларини ўйин қилиб муваффақиятга эришмоқчи эмасман. Сиз менинг самимийлигимга ишонишингизни хоҳлардим. Яна бир марта менга кўрсатган эътиборингиз учун миннатдорчилик билдираман, лекин сизнинг таклифингизни қатъий қабул қила олмайман. Мен бутун вужудим билан бунга қаршиман. Тушунтира олдимми? Менга сизни ўзига қаратишга ҳаракат қилаётган эркатой қизга қарагандай қарашни бас қилинг! Олдингизда чин юракдан ҳақиқатни гапираётган жонзот турганини кўришга ҳаракат қилинг.

– Жуда ажойибсиз, гап йўқ! – ўринсиз ўктамлик қилди мистер Коллинз. – Мен аминманки, ота-онангиз менинг таклифимни маъқуллашганда, сиз бунга хайрихоҳлик билан қарайсиз.

Элизабет мистер Коллинзнинг ўзбилармонлигини сал бўлса-да ўзгартиришга кучи етмаслигини тушунди ва агар у бундан кейин ҳам ўзининг рад жавобини нотўғри тушунишда давом этаверадиган бўлса, отасига айтиб беришга қарор қилди. Отаси эса унга бу рад жавоби эркатой қизнинг нози эмаслигини албатта яхшилаб тушунтириб қўя олади.

XX БОБ

Мистер Коллинз ўзининг муҳаббат бобидаги хаёлларига кўп берила олмади: кираверишдаги хонада миссис Беннет орада бўлиб ўтган суҳбат натижасини кутиб ўтирарди. Қизи эшикни очиб, унинг олдидан югуриб ўтар экан, мистер Коллинзнинг олдига келиб уни ва ўзини яқин орада ўзлари ўртасида ўрнатиладиган қариндошчилик алоқалари билан табриклай бошлади. Мистер Коллинз унинг бу гапларини эшитиб, шунчалик қизиққонлик билан жавоб қайтарди ва орада бўлиб ўтган суҳбатни ипидан игнасигача гапириб берди ва ўзининг бу суҳбатдан қониқиш ҳосил қилганини билдирди. Ҳақиқатан ҳам, у амакиваччасининг

қатъий рад жавобини унинг уятчанлиги ва қалбининг нозиклигидан, деб тушунаётган эди.

Бу хабар миссис Беннетни хавотирга солиб қўйди. У ростдан ҳам, Элизабет мистер Коллинзнинг таклифига йигитнинг ҳиссиётларини янада ёлқинлантириш учун рад жавоби берган, деган гапга ишонгиси келарди. Лекин ич-ичидан бу гапга ўзи ҳам ишонмаётган ва хавотирини ҳам яшира олмаётган эди.

– Лекин менга ишонаверинг, азизим! – деди у. – Мен унинг ақлини киргизиб қўяман. Ҳозир бориб у билан очиқчасига гаплашаман. Тентак қиз – ўзининг бахти очилаётганини тушунмаяпти. Лекин мен унга ўргатиб қўяман.

– Кечирасиз, шу ерда сизнинг гапингизни бўлишимга тўғри келади. Агар қизингиз ростдан ҳам ўжар ва инжиқ бўладиган бўлса, бу никоҳдан оилавий хотиржамлик кутаётган менинг даражамдаги одамга тўғри келмайди. Шунинг учун, у бундан кейин ҳам менинг таклифимни рад қилаверса, балки уни мажбур қилиш керак эмасдир? Қўрқаманки, бундай қусурлар билан у мени бахтли қила олмайди.

– Сэр, сиз мени нотўғри тушундингиз, – шоша-пиша деди хавотирга тушиб қолган миссис Беннет. – Лиззи фақат шундай ҳоллардагина ўжар бўлиб қолади. Бошқа пайтларда эса дунёдаги энг юмшоқ қиз. Мен ҳозир мистер Беннет билан гаплашаман ва мана кўрасиз, ҳамма нарсани ҳал қиламиз.

Мистер Коллинзнинг жавобини ҳам кутмай, у югура эрининг хонасига қараб кетди ва кутубхонанинг эшигиданоқ гап бошлади:

– Мистер Беннет, сиз менга ҳозироқ ёрдам беришингиз керак! Ҳаммамиз ўзимизни йўқотиб қўйдик. Чопинг тез, Лиззини мистер Коллинзга турмушга чиқишга кўндиринг, чунки у буни асло хоҳламаяпти. Агар сиз бу ишга ҳозироқ киришмасангиз, у айниб қолиши мумкин ва қизимизга уйланмайди.

Мистер Беннет хотини кириб келганда ўқиётган китобидан бошини кўтарди ва унинг хабаридан хавотирга тушганини ҳеч ҳам сездирмаган ҳолда, хотинига совуққина қаради:

– Азизам, афсуслар бўлсинки, мен сиз айтган гапларнинг моҳиятини тушунмадим. Нима ҳақида гапираяпсиз?

– Мистер Коллинз ва Лиззи хақида. Лиззи унга турмушга чиқмаслигини айтди, мистер Коллинз эса энди унга уйланмаслиги тўғрисида гапиряпти.

– Хўш? У ҳолда мен нима қилишим керак? Бу ишдан ҳеч нима чиқмайдиганга ўхшайди.

– Сиз Лиззи билан гаплашишингиз керак. Ундан мистер Коллинзга турмушга чиқишини талаб қилинг.

– Яхши, қани, уни чақиринг-чи. Мен унга ўз фикримни айтаман.

Миссис Беннет қўнғироқни чалиб, Элизабетнинг кутубхонага келишини сўради.

– Қизим, қани бу ёққа кел-чи, – деди отаси қизи киргач. – Мен сени муҳим бир иш юзасидан чақиртирдим. Тушунишимча, мистер Коллинз сендан ўзига турмушга чиқишингни сўраяпти. Тўғрими?

Элизабет тасдиқ ишорасини қилди.

– Яхши. Сен эса рад қилдингми?

– Ҳа, сэр.

– Яхши. Энди асосий гапга ўтамиз. Онанг сен бу таклифни қабул қилишингни талаб қиляпти. Шундайми, миссис Беннет?

– Ҳа, шундай. Йўқса, менинг бундай қизим йўқ.

– Демак, қизим, сенинг шароитинг ҳозир жуда оғир. Шу дақиқадан бошлаб сен ёки мендан ёки онангдан айриласан. Агар сен Коллинзга турмушга чиқмайдиган бўлсанг, онанг сендан кечади, агар унга турмушга чиқадиган бўлсанг, мен сени кўришни истамайман.

Элизабет шундай тантана билан бошланган суҳбатнинг бундай тугаганидан ўзини жилмайишдан тутолмади. Лекин эрининг унинг ёнини олишига ишончи

комил бўлган миссис Беннет эса нима қилишни билмай қолди:

– Мистер Беннет, бу билан нима демоқчисиз? Ахир сиз менга, қизингизни унга турмушга чиқишга мажбур қиламан, деб ваъда бермаганмидингиз?

– Азизам, – жавоб берди мистер Беннет, – менинг сизга иккита кичкина илтимосим бор. Биринчидан, мени ўз қароримдан қайтаришга уринманг, иккинчидан, хонамда ёлғиз қолишни истайман. Агар кутубхонани иложи борича бўшатиб қўйсангиз, жуда хурсанд бўлардим.

Эридан ҳафсаласи пир бўлган бўлса-да, миссис Беннет қўл кўтаришни хоҳламасди. У Элизабет билан қайта-қайта, гоҳ уришиб, гоҳ ялиниб гаплашиб кўрди. Жейндан мадад кутиб, унга гапириб кўрди, лекин Жейн ўзига хос бўлган мулойимлик билан бу ишга аралашишдан бош тортди. Элизабет онасининг гапларига гоҳ ҳазил қилиб, гоҳ жиддий қилиб жавоб берди. Лекин у рад жавобини қандай кўринишда бермасин, маъноси битта эди.

Бу орада мистер Коллинз ёлғиз ўзи бугун эрталаб у билан содир бўлган воқеани таҳлил қилиб кўрди. Йигит амакиваччасининг рад жавоби сабабини тушунишга қодир эмас, чунки ўзи ҳақида жуда юқори фикрда эди. Бу унинг ҳамиятига теккан бўлса-да, хафа бўлмади. Элизабетга бўлган муносабати унинг ўзи ҳақидаги тасаввурининг маҳсули эди. Онасининг Элизабетга қилган таъналари ўринли бўлиши мумкинлигини фараз қилиб, у ҳеч нарсага ачинмади.

Шарлотта Лукас уларникига келганда, миссис Беннетнинг оиласида жанжал авжида эди. Йўлакда уни Лидия кутиб олар экан, Шарлоттага қаттиқ шивирлаб деди:

– Яхшиям келдинг. Уйимизда шундай ишлар бўляптики! Биласанми, бугун эрталаб нима бўлди? Мистер Коллинз Элизабетдан унга турмушга чиқишини сўради, у эса рад қилди!

Шарлотта ҳали жавоб беришга улгурмай, худди шу янгиликни айтиб, хонага Китти кириб келди. Қизлар оналари ёлғиз ўтирган хонага нонушта қилишга киришганда, миссис Беннет яна шу мавзуда гап очди. У Шарлоттанинг ёрдамига умид қилиб, ундан дугонасини оиланинг орзусига қарши чиқмасликка кўндиришга уриниб кўришини илтимос қилди.

– Худо ҳаққи, азизам мисс Лукас, шундай қилгин, – эзилиб қўшиб қўйди. – Мени ҳеч ким қўллаб қувватламаяпти. Ҳеч кимнинг менга раҳми келмаяпти, ҳамма ўзини шафқатсизларча тутяпти. Бирортаси менинг тамом бўлган асабларимни ўйласа-чи!

Жейн ва Элизабетнинг кириб келиши Шарлоттанинг миссис Беннетга жавоб қайтаришига халақит берди.

– Мана, унинг ўзи. Парвойи палак. Худди биз ҳаммамиз Йоркнинг қаеридадир яшайдигандек, биз билан иши йўқ. Фақат унга тегмасак бўлди! Лекин, азизам мисс Лиззи, айтиб қўяй, бундан буён ҳам сизнинг қўлингизни сўрайдиган йигитларнинг ҳаммасини рад қилаверсангиз, ҳеч қачон эрга тега олмайсиз! Ўлай агар, отангиз вафот этадиган бўлса, билмадим, сиз ҳақингизда ким қайғураркин? Шуни ёдда тутингки, менинг бунга кучим етмайди. Бугундан бошлаб сиз мен учун йўқсиз. Бу ҳақда сизга кутубхонада айтгандим – энди мен сиз билан гаплашмайман. Мана кўрасиз, мен гапимда тура оламан. Яхшиликни билмайдиган қиз билан гаплашишнинг нима ҳожати бор! Умуман, нима учун биров билан гаплашишим керак? Асаби чатоқ аёллар жуда ҳам гаплашишни ёқтиришмайди. Менинг қандай азоб чекишимни ҳеч ким тушунмайди! Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Бошидан ўтказмаган одам буни тушунмайди.

Қизлар онасининг гапларини чурқ этмай эшитишарди, чунки уни тўхтатишга бўлган ҳар бир ҳаракат онанинг баттар жаҳлини чиқарарди. Шунинг учун хонага мистер Коллинз кириб келмагунча, миссис Беннет ўзининг тақдиридан нолишни давом эттирди.

Йигит аввалгидан ҳам кеккайиб олган эди. Уни кўриб, миссис Беннет қизларига қараб деди:

– Энди мен мистер Коллинз билан дилдан гаплашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз, ҳа, ҳа, ҳаммаларингиз тилингизни тийиб ўтиринг ва бизга халақит берманг.

Элизабет хонадан чиқиб кетар экан, Жейн ва Китти ҳам унинг орқасидан эргашишди, Лидия эса гапга қулоқ солиш учун ўрнидан жилмади. Шарлотта бўлса, ундан бутун қариндошлари ва ўзининг аҳволини сўраган мистер Коллинзнинг саволларига жавоб бериш учун ушланиб қолди ва яна қизиқиши устун келиб, ўзини худди у ердан ҳеч нарса эшитилмайдигандек тутиб ўтирди.

Миссис Беннет эзилган товуш билан олдиндан тайёрлаб қўйган гапларини гапира бошлади:

– Мистер Коллинз!

– Хоним, – деди йигит, – бу мавзуга бошқа қайтмаймиз. Мен қизингизнинг гапларига хафа бўлишдан йироқман, – шундай деяётган бўлса-да, йигитнинг гап оҳангидан норозилиги сезилиб турарди. – Бўладиган ҳамма кўнгилсизликларга бош эгиш – бизнинг бурчимиз. Бу, айниқса, мен каби жамиятда тутган ўрни кўтарилаётган йигит учун хос нарсадир. Шунинг учун ҳам мен ўзимни кўнгилсизликларга бўйсунишга мажбур қиламан. Тўғри, менинг хаёлимга яна бир фикр келди – агар амакиваччам рози бўлган тақдирда ҳам, мен у билан бахтли бўлармидим? Умид қиламанки, хоним… Мен унинг ота-оналарининг эмас, қизингизнинг жавобидан келиб чиқиб, ўзимни озод деб ҳисоблашим… Лекин биз ҳаммамиз ҳам адашишимиз мумкин. Ҳар ҳолда, менинг режаларим яхшилик йўлида эди. Мен ўзимга ақлли умр йўлдоши танламоқчи ва айни пайтда сизларнинг оилангизга яхшилик қилмоқчи эдим. Агар мендан қандайдир хатолик ўтган бўлса, сиздан кечиришингизни ўтиниб сўрайман.

XXI БОБ

Мистер Коллинзнинг совчиликка келиши билан боғлиқ ҳаяжонлар ниҳоясига етди. Элизабет энди фақатгина бу воқеадан кейинги ғашлик ва онасининг гоҳ-гоҳ минғирлаб қўйишларидан сиқиларди. Мистер Коллинзнинг ўзига келсак, у бўлиб ўтган ҳодисалардан хафага ҳам ўхшамасди ва амакиваччасидан ўзини олиб қочишни хаёлига ҳам келтирмас, ўз норозилигини эса индамай юриш билан билдирарди. У Элизабет билан умуман гапиришмай, куни бўйи бутун диққатини мисс Лукасга қаратди. Шарлотта эса йигит билан суҳбатлашиб ўтириб, дугонасига ва бутун оилага тенгсиз яхшилик қилаётганди.

Келгуси кун ҳам миссис Беннетнинг на кайфиятини ва на соғлиғини тузатди. Мистер Коллинз бутун юриш-туриши билан унинг нафсониятига тегишганини билдирар эди. Элизабет унинг бу алами уни тезроқ Лонгборндан жўнаб кетишга мажбур қилади, деб умид қилаётганди. Лекин меҳмон ўз режасини ўзгартирмаган, айни шанба куни жўнаб кетмоқчи эди.

Нонуштадан сўнг қизлар Уикхемни кўриш ва у нега Незерфилддаги зиёфатга бормаганини билиш учун Меритонга жўнаб кетишди. Йигит уларни шаҳар четида учратиб қолди ва бирга миссис Филипсникига борди. У ерда унинг нега балда қатнаша олмагани, жуда ҳам афсусда эканлиги ва қизларнинг ҳам бундан хафа бўлганликларини қизишиб муҳокама қилишди. Элизабет билан бўлган холи суҳбатда эса унга бўлмаганинг сабабини бир оз ошириб гапирганини айтди:

– Балга бир неча кун қолганда, мен у ерга яхшиси бормаслигим кераклигини тушундим, – деди Уикхем.– У билан бир хонада бирга узоқ ўтира олмасдим. Бу эса унга ҳам, менга ҳам яхшилик келтирмасди.

Элизабет унинг бу қарорини маъқуллади. Мистер Уикхем ва унинг яна бир дўсти уларни Лонгборнга

кузатиб қўйишар экан, Элизабет ва йигит бу ҳақда тўйгунча гапиришиб кетишди. Йўлда йигит Элизабетга алоҳида эътибор кўрсатиб кетди. Унинг қизни уйигача кузатиб қўйишга тайёрлиги қизни икки томонлама хурсанд қилаётган эди: биринчидан, ўз-ўзидан бу унга ёқаётган ва, иккинчидан, Уикхемни уйидагилар билан таништириш учун бу қулай фурсат эди.

Улар қайтиб келишгандан бир оз вақт ўтгач Незерфилддан катта мисс Беннетга хат олиб келишди. Хат ўша заҳотиёқ очилди. Конвертда аёл қўли билан оппоқ қоғозга чиройли қилиб битилган мактуб бор эди. Опаси баъзи бир жойларида тўхтаб, хатни ўқир экан, Элизабет унинг юзи ўзгариб бораётганини кўрди. Хатни ўқиб бўлгач, Жейн уни яшириб қўйиб, ўзини қўлга олганча суҳбатга қўшилди. Лекин мактуб Элизабетни шунчалик қизиқтириб қўйгандики, у Уикхэмни ҳам эсидан чиқарди. Йигит дўсти билан жўнаб кетиши билан, Жейн кўз қири билан синглисини хонасига чақирди-да, киришгач, хатни қўлига олиб, деди:

– Хат Кэролайн Бинглидан. Очиғини айтсам, у мени ҳайрон қолдирди. Улар Незерфилддан Лондонга жўнаб кетишганмиш. Ва бу ерга бошқа қайтиб келишмас эмиш. Мана, эшит, бу ерда нима деб ёзилган.

У хатнинг опа-сингиллар акалари кетидан Лондонга кетишга қарор қилганликлари ҳақидалигини айтиб, бугун мистер Хёрстнинг Гровнор-стритдаги уйида тушлик қилмоқчи эканликлари тўғрисидаги жойини ўқиб берди. Давоми эса бундай эди: *«Азиз дугонажон, Хартфордширдан кетаётиб, мен фақат сиздан узоқлашаётганимгагина ачинаяпман. Лекин умид қиламанки, бир кун келиб сиз билан яна кўришамиз. Ҳозир эса айрилиқнинг оғригини тез-тез хат ёзиб туриш билан оламиз. Сиздан хат кутиб қоламан».* Бу ёлғон ва баландпарвоз гапларни Элизабет бепарволик билан эшитди. Уни Бинглиларнинг тўсатдан жўнаб кетишлари ҳайрон қолдираётган бўлса-да, бу хатда хавотир оладиган ҳеч нимани кўрмади. Бундан мисс Бингли

ва миссис Хёрстларнинг йўқлиги йигитнинг Незерфилдга келишига халақит беради, деган фикр чиқмасди. Бу аёллар билан айрилиқни эса Жейн мистер Бингли билан бирга ўтказадиган дамлар сездирмайди, – иккиланмай хулоса қилди Элизабет.

– Албатта, улар билан хайрлашмай қолганинг ачинарли, – деди у бир оз сукутдан сўнг. – Лекин мисс Бингли айтаётган бахтли учрашув у фараз қилаётганидан тезроқ юз бериши мумкин эмасми? Ва сизлар дугона бўлганингиздагидек яқинлик сизлар опа-сингилга айланганингиздан кейин яна ҳам ёқимлироқ бўлмайдими? Ахир улар Бинглини Лондонда ушлаб қолишмас.

– Кэролайн улардан ҳеч ким бу қиш Хартфордширга қайтиб келмаслигини аниқ ёзяпти. *«Акам кетаётиб унинг Лондонга боришини тақозо қилаётган ишни ниҳояти уч кунда битиришини айтганди. Лекин бундай эмаслигини биз жуда яхши биламиз. Унинг шаҳарга келгандан кейин қайтиб кетишга шошилмаслигини билиб, биз ҳам унинг меҳмонхонада ёлғиз ўзи ўтирмаслиги учун унинг кетидан кетишга қарор қилдик. Менинг кўп танишларим қишни ўтказиш учун шаҳарга кетишаяпти. Дугонажон, мен сизнинг ҳам улар қаторида бўлишингизни хоҳлардим, лекин эсиз, бунинг иложи йўқ. Умид қиламанки, Рождество байрами сизларга Хартфордширда яхшиликлар олиб келади ва сизнинг дўстларингизнинг кўплиги биз сиздан айираётган уч одамнинг йўқлигини сездирмайди».*

– Бу гаплардан кўриниб турибдики, бу қиш у қайтиб келмайди.

– У мисс Бинглининг фикрича қайтиб келмаслиги кўриниб турибди, – деди Элизабет.

– Лекин сен нега бундай деб ўйлаяпсан? Бу унинг ўзининг иши, ўзига ўзи хўжайин, демоқчимисан? Сен ҳали ҳаммасини эшитганинг йўқ. Ҳозир менга айниқса, теккан жойини ўқиб бераман. Сендан ҳеч нарсани яширмоқчи эмасман:

«Мистер Дарси синглисини жуда ҳам кўргиси келиб кетаяпти, очиғи буни биз ҳам ундан кам хоҳламаяпмиз. Мен ҳеч ким Жоржиана Дарси билан на чирой, на нозиклик ва на бошқа нарсаларда тенглаша олмайди, демоқчи эмасман. Лекин у бизда ўзига нисбатан уйғотган меҳрдан келиб чиқиб, бир кун келиб биз билан опа-сингил бўлади, деб умид қиламиз. Ўзимизнинг режаларимиз ҳақида гапирганмизми ёки йўқ, ёдимда эмас, лекин биз сизга бу нарсани айтмасдан кетишни хоҳламасдик, ва ишонаманки, сиз бизни нотўғри тушунмайсиз. Акам олдин ҳам мисс Дарсидан ҳайратда эди. Энди эса унда бемалол учрашиб туриш имкони бўлади. Унинг ҳамма қариндошлари ва акамнинг яқинлари ҳам шуни хоҳлашади. Ва қариндошлик туйғуларим мени алдамаётганига умид қилиб, мен Чарльз хоҳлаган аёл кўнглини забт қила олади, деб ишонаман. Ҳеч қандай халақит берадиган нарса бўлмагани ҳолда мазкур никоҳнинг бўлишини таъминловчи ҳамма шароит бўлиб турганини ҳисобга олиб кўпчиликка бахт келтирадиган бу нарсадан умид қилишим мумкинми?»

– Лиззи, азизам, бу гапга нима дейсан? Етарли даражада тушунарли эмасми? – хатни буклар экан, сўради Жейн. – Ахир Кэролайн мени сингил қилишни хоҳламаётгани ва бу нарса бўлиши мумкин эмаслигини очиқ айтмаяптими? Мистер Бинглининг менга нисбатан бефарқлигига аниқ ишониб ва менинг акасига бўлган туйғуларимни сезиб, мени огоҳлантириб қўймоқчими? Буни бошқача тушунтириб бўладими?

– Ҳа, ва жуда осон. Мен, масалан, бошқача ўйлаяпман. Нималигини айтайми?

– Худо ҳақи, айта қолгин.

– Қисқагина қилиб айтишим мумкин. Мисс Бингли акаси сени ёқтириб қолганини кўриб турибди, лекин унинг мисс Дарсига уйланишини хоҳлайди. Акасини Лондонда ушлаб тура олишига умид қилиб, унинг кетидан кетади ва сенга эса бунақа хат ёзади.

Жейн бошини силкитиб қўйди.

– Жейн, жонгинам, менга ишон! Икковингизни бирга кўрган одамлардан ҳеч ким унинг сенга нисбатан бўлган туйғуларига шубҳа қилмайди. Мисс Бинглининг ҳам бунга ақли етади. Агар ўзи мистер Дарсида шундай туйғунинг заррачасини сезганида аллақачон никоҳ кўйлагига буюртма бериб қўйган бўларди. Гапнинг индаллоси шуки – биз улар учун етарли даражада бой ва тегли-зотли эмасмиз. Мисс Бинглининг акасини мисс Дарсига уйлантиришдан мақсади, бундай қилган тақдирда иккинчи – ўзининг мақсадига етиши осон бўлган бўларди. Жуда айёрлик билан қурилган режа. Агар унинг йўлида леди де Бёр бўлмаганида, бу режа балки амалга ошган бўларди. Ахир сен унинг акаси мистер Дарсининг синглисини шунчалик ёқтирса ҳам, сени қадрлаши сешанба куни балдан кейин хайрлашган пайтдагидан камайиб қолган, деб ўйламаётгандирсан! Ёки унинг сени эмас, балки синглисининг энг яхши кўрган дугонасини севиши мисс Бинглининг қўлида эмасдир.

– Агар биз мисс Бингли ҳақида бир хил ўйлаганимизда, сенинг хатни қандай тушунганинг менга тасалли берган бўларди, – деди Жейн. – Лекин сен хато қилаётганингни жуда яхши тушуниб турибман. Атайин алдаш Кэролайннинг қўлидан келмайди. Мен фақат унинг ўзи ҳам адашаяпти, деб умид қилишим мумкин.

– Жуда яхши. Менинг айтганим бўлиши мумкин эмас экан, балки ўзингники тўғридир. Худо ҳақи, у янглишаяпти деб ҳисоблайвер. Сен ўз бурчингни бажардинг ва энди ҳеч нарса ҳақида хавотирланмасанг ҳам бўлади.

– Лекин, Элизабет, азизам, яхши нарсага умид қилайлик. Опа-сингиллари ва дўстлари бошқа қизга уйланишини хоҳлаётган йигитга турмушга чиқиб, мен бахтли бўла оламанми?

– Бу сенинг ишинг, агар ўзинг яхшилаб ўйлаб кўриб, турмушга чиқиб, бахтли бўлганингдан кўра унинг опасингилларининг норози бўлишлари кўпроқ аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдиган бўлсанг, яхшиси рад жавобини берганинг маъқул.

– Шундай дейишга қандай тилинг бораяпти? – зўрға жилмайиб деди Жейн. – Ахир уларнинг норозилиги мени қанчалик хафа қилса, қандай жавоб беришим мумкинлигини ўзинг яхши билиб турибсан-ку.

– Бунга ишончим комил. Шунинг учун ҳам мен сенинг қайғуйингни юрагимга яқин олмаяпман.

– Лекин у қиш давомида қайтиб келмаса, балки менинг жавоб беришимга ҳам ҳожат қолмас. Олти ой ичида минг хил нарса содир бўлиши мумкин.

Мистер Бинглининг Незерфилдга қайтиб келмаслиги ҳақидаги тахмин Элизабетга бўлиши мумкин эмасдай, бу нарса Кэролайн ўйлаб топган баҳонадай туюлар эди. У синглиси қанчалик усталик билан сингдиришга уринмасин, мистер Бингли бунга кўнади, деган фикрни хаёлига ҳам келтиришни хоҳламасди.

Жейнни ўзининг ҳақлигига шунчалик ишонтирдики, бир оздан сўнг гапларининг таъсирини сеза бошлади. Жейн табиатан ғамга ботиб ўтирадиган қиз эмасди, шунинг учун ҳам Элизабет опасининг юрагида Бинглининг Незерфилдга қайтиб келиши ва унинг юрагидаги туйғуларига худди шундай жавоб қайтаришига жуда оз бўлса-да, умид туғдира олиш қўлидан келди.

Улар оналарига йигитнинг режалари ҳақида ҳеч нарса демай, фақат қизларнинг жўнаб кетишганини айтишга келишиб олишди. Лекин ҳатто шу ҳам миссис Беннетнинг кайфияти бузилишига, уларнинг оиласи эндигина қариндош бўлай деганда мисс Бингли ва миссис Хёрстни кетишга мажбур қилган сабабдан, тўхтамай қарғаниб шикоят қилишига олиб келди. Бироқ, бир оз вақт ўтиб, мистер Бингли яқинда албатта қайтиб келади ва Лонгборнда улар билан тушлик

қилади, деган умид билан ўз-ўзига тасалли берди. Ва охирида йигит фақат тушлик қилишгагина таклиф қилинса-да, яна қўшимча овқатлар ҳам тайёрланишини қўшиб қўйди.

XXII БОБ

Беннетлар оиласи Лукасларникига тушлик қилиш учун таклиф қилинган эди. Мисс Лукас ҳали ҳам шундай мулозаматли эдики, кун бўйи мистер Коллинзнинг дил изҳорларини индамай эшитди. Пайтдан фойдаланиб, Элизабет дугонасига ўз миннатдорчилигини билдириб қўйди:

– Сен билан гаплашаётганда, унинг кайфияти жуда яхши бўлади, – деди у дугонасига. – Мен сендан шундай миннатдорманки…

Шарлотта дугонасига фойдаси тегаётганидан жуда хурсандлигини айтди. Бу қиз томонидан жуда катта илтифот эди. Лекин Шарлоттанинг феъли Элизабет кутгандан ҳам кенгроқ чиқиб қолди: қиз дугонасини нафақат мистер Коллинз унинг кетидан юришларидан қутқармоқчи, балки йигитни бутунлай ўзига қаратиб олмоқчи эди. Ва унинг бу ҳаракатлари шундай муваффақият билан кетаётган эдики, агар Коллинзнинг Хартфордширдаги сафари бунчалик тез тугаб қолмаганда, ўша кунги учрашувда қиз ўз мақсадига етган бўларди. Лекин қиз Коллинз табиатидаги тезкорликни пайқай олмаган эдики, унга кўра мистер Коллинз эртаси куни тонгданоқ Лонгборндан қизнинг оёқларига йиқилиш учун Лукасларникига қараб жўнади. У режалари ҳали рўёбга чиқмай, ундан хабардор бўлиб қолишларидан хавфсираб, уйдан ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетишга ҳаракат қилди. Режаларининг ижобий ҳал бўлишига ишониб турган бўлса-да (асоссиз эмасди, чунки Шарлоттанинг ўзи уни рағбатлантириб турганди) кўнглида бари бир бир оз гумон бор эди. Лекин уни жуда яхши кутиб олишди. У Лукас-

ларникига яқинлашар экан, юқорида деразадан қараб турган мисс Лукас уни кўриб, тасодифан учрашиб қолгандек кўришиш учун югуриб йўлга чиқди. Шундай бўлса-да, қиз ундан шунчалик кўп севги изҳорини кутмаётган эди.

Иккаласининг фикри бир жойдан чиқиб, ёшлар мистер Коллинзнинг сўзамоллиги йўл қўйганчалик фурсатда ҳамма нарса тўғрисида келишиб олишди. Уйга киришар экан, мистер Коллинз қиздан уни бахтли қиладиган кунни айтишни ёлвориб сўради. Қиз ҳозир унга аниқ жавоб беришга қодир бўлмаса-да, йигитнинг фикрларига енгил кўз билан қарамаётган эди. Мистер Коллинзнинг табиатан тентакроқлиги тўйдан олдин қизлар кутадиган ҳаяжонли дақиқалардан қизни мосуво қилар эдики, фақатгина ўз ҳаётини йўлга қўйиш учунгина унга турмушга чиқаётган мисс Лукас учун унинг ўйлаганлари айнан қачон рўёбга чиқиши бари бир эди.

Тезликда сэр Уильям ва леди Лукасларнинг розилиги сўралди ва улар ҳам ўша заҳотиёқ ўз розиликларини билдиришди. Чунки мистер Коллинзнинг айни пайтдаги мавқеи уларнинг қизлари учун айни муддао эди ва ота-она қизлари учун жуда катта сеп қилишлари ҳам шарт эмас эди. Яна бунинг устига унинг яқин келажакда янада бойиб кетиши ҳам кутиляпти. Леди Лукас олдинлари ҳам унда бу нарсага бўлгандан ҳам кўра ортиқроқ қизиқиш билан, мистер Беннет яна неча йил умр кўриши мумкинлигига қизиқди, сэр Уильям эса мистер Коллинз Лонгборнга хўжайинлик қила бошлаганда ўзи ва хотини Сент-Жеймс саройида бемалол бўла олишларини айтди. Хуллас, бутун оила хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Кичик қизлар энди уларни улар кутишаётгандан ҳам вақтлироқ меҳмондорчиликларга олиб юришади, деб умид қила бошлашди. Укалари Шарлотта қари қиз бўлиб қолади, деб энди қўрқмай қўйишди. Қиз ҳам ўз мақсадига эришган бўлиб, нима воқеалар бўлганини энди яхшилаб ўйлай

бошлади. Бўлиб ўтган нарсалар ҳаммаси уни қониқтирар эди. Мистер Коллинзни албатта, на келишган ва на ақлли деб бўлмасди; у билан бирга бўлиш оғир эди, йигитнинг қизга нисбатан туйғулари эса сўзсиз, ҳавойи эди. Лекин нима бўлса-да, Коллинз энди қизга уйланаётган эди. Қизнинг никоҳ ҳақидаги, умуман эркаклар ҳақидаги фикрлари одатда жуда юқори бўлмаса-да, турмушга чиқиш доим унинг мақсади эди. Чунки турмушга чиқибгина ўқимишли, лекин камбағал қиз жамиятда ўз ўрнини топар, бахтли бўлмаса ҳам, чорасизликдан ҳимояланган бўларди. Ҳозир эса у бу ҳимояни топган эди. Ўзининг ҳозирги йигирма етти ёшида, гўзал бўлмай туриб, қандай омади келганини жуда яхши тушуниб турарди. Фақат Элизабет ўзининг энг яқин дугонаси бўлгани учун унинг бу никоҳга қандай қараши қизнинг юрагини ғаш қилаётган эди. Бу қарор Элизабет учун кутилмаган бўлиб, балки у бунинг учун Шарлоттани гуноҳкор ҳам қилиши мумкин эди.Бу кўнгилсизлик Шарлоттанинг фикрини бари бир ўзгартирмаса-да, унинг юрагида чуқур из қолдириши мумкин эди. Шунинг учун қиз бу янгиликни дугонасига ўзи айтмоқчи бўлди ва Коллинздан Лонгборнга қайтганида ҳеч кимга ҳеч нима айтмасликни тайинлади. Коллинз сирни сақлашга ваъда берган бўлсада, сўзида туриши осон бўлмади. Йигитнинг анча вақт йўқ бўлиб кетгани ҳаммани қизиқтириб, турли саволларни ёғдириб ташлашди. Жавобдан қочиш учун у турли-туман ёлғонларни гапиришга мажбур бўлган қаҳрамонимиз, айни пайтда ўз муваффақияти билан мақтангиси ҳам келаётганди.

Мистер Коллинзнинг эртаси куни Лонгборндан жуда вақтли кетиши мўлжалланаётган бўлиб, Беннетлар билан хайрлашув маросими улар кечқурун уйқуга ётишларидан олдин ўтказилди. Шу ўринда миссис Беннет жуда ҳам мулойим ва юмшоқ қилиб, мистер Коллинзга у яна вақти бўлиши билан меҳмонга келса, улар жуда ҳам хурсанд бўлишларини таъкидлаб ўтди.

– Бу таклифингиздан жуда ҳам миннатдорман, чунки мен айнан шу гапни кутаётган эдим. Шунинг учун хотиржам бўлишингиз мумкин, иложи бўлиши биланоқ бу таклифингиздан фойдаланаман.

Унинг жавоби ҳаммани ҳайрон қолдирди. Мистер Коллинзнинг бунчалик тез яна қайтиб келиши ҳеч ҳам ёқмаётган мистер Беннет шоша-пиша деди:

– Бу билан леди Кэтриннинг ғашига тегиб қўймайсизми? Ўз бекангизни хафа қилиб қўйгандан кўра қариндошлардан кечиб қўя қолинг.

– Дўстона маслаҳатингиз учун сизга катта ташаккур, – жавоб берди мистер Коллинз. – Хотиржам бўлинг. Албатта, мен зоти олияларининг рухсатисиз бир қадам ҳам босмайман.

– Жуда эҳтиёткор бўлиш қўлингиздан келмас-ов. Нима қилсангиз қилинг-ку, лекин унинг сиздан хафа бўлишига асло йўл қўйманг. Агар Лонгборнга келаси сафар келишингиз, ишонаманки, албатта ҳали яна келасиз – унинг сиздан норози бўлишига олиб келадиган бўлса, жимгина уйда қола қолинг. Хотиржам бўлинг, биз сиздан ҳеч ҳам хафа бўлмаймиз.

– Жуда ҳам миннатдорман. Ва билиб қўйингки, жуда яқин кунлар ичида Хартфордширда бўлган давримда менга кўрсатилган ушбу ва бошқа ҳамма ҳурмат-эътиборларингиз учун миннатдорчилик билдирилган хат ёзиб юбораман. Гўзал амакиваччаларимга келсак, яқин кунларда Лонгборнга қайтиб келишим аниқ бўлса-да, уларнинг ҳаммасига, шу жумладан, мисс Элизабетга ҳам соғ-саломатлик ва тинч-омонлик тилайман.

Шундан сўнг аёлларнинг бари унинг бу режасидан ҳайратга тушган бўлсалар-да, одатда бундай пайтда айтиладиган гапларни айтишиб, ўз хоналарига йўналишди. Миссис Беннет йигитнинг бу гапларини унинг кичик қизларидан бирига кўз тикканига йўйишга ҳаракат қилди. Онага қизларидан Мэри унинг таклифини қабул қилиши мумкинга ўхшаб кўринди. Мэри

йигитнинг қобилиятига ўз опаларига қараганда юқорироқ баҳо берган, баъзан эса унинг чуқур мулоҳазаларидан ҳатто ҳайратга тушган эди. Ва йигитнинг онг даражасини ўзиникига тенг ҳисобламаса-да, у ўз устида ишласа, балки вақт ўтиб унинг даражасига етиши мумкин, деб ҳисобларди. Лекин эртаси куни эрталаб ҳамма умидлар пучга чиқди: нонуштадан сўнг уларникига мисс Лукас келди ва Элизабетни четга тортиб, унга бўлажак унаштирув ҳақида айтиб берди.

Мистер Коллинз ўзини Шарлоттани севиб қолганга солиши мумкинлиги Элизабетнинг хаёлига келганди. Лекин унинг фикрича, дугонаси буни қабул қилиши мумкин эмасдек эди. Қиз ҳайратдан қичқириб юборди:

– Мистер Коллинз билан унаштирув? Шарлотта, дугонажон, бундай бўлиши мумкин эмас!

Элизабетнинг бу таънаси натижасида ўзини бамайлихотир тутиб турган мисс Лукас аввалига нима дейишни билмай қолди. Лекин Элизабетнинг ҳайрати у кутганидан ортиқ бўлмагани учун тезда ўзини тутиб олиб, деди:

– Наҳотки бу сени шунчалик ҳайратга солаяпти, Элиза? Агар сендан ҳеч нарса чиқмаган бўлса, мистер Коллинзнинг бошқа бир қиз билан омади келиши мумкин эмасми?

Элизабет ўзини қўлга олиб, дугонаси билан қариндош бўлаётганидан хурсандлигини айтди ва унга ҳамма яхши тилакларни тилади.

– Сен нимани ҳис қилаётганингни яхши тасаввур қилаяпман, – деди Шарлотта. – Сен жуда ҳайрон қолаётган бўлсанг керак. Ахир мистер Коллинз яқиндагина сенга уйланмоқчи бўлаётган эди. Лекин ҳаммасини бир бошдан ўйлаб кўрсанг, мен тўғри қилаётганимга ўзинг амин бўласан. Жуда яхши биласан, мен хаёлпарастликдан йироқман. Бу нарса доимо менга бегона бўлган. Менинг бошимга бошпана керак. Ва мен мистер Коллинзнинг табиатини, унинг яшаш тарзини ва жамиятдаги ўрни ҳақида ўйлаб кўриб, бахтли оила

қуриш ҳақидаги орзу-умидларимнинг бошқаларникидан ҳеч фарқи йўқ, деган қарорга келдим.

Элизабет секингина «Ҳа, албатта», – деб жавоб берди.

Шарлотта Лонгборнда кўп бўлгани йўқ ва у кетгандан сўнг Элизабет эшитганлари тўғрисида яна бир марта ўйлай бошлади. Унинг ушбу никоҳ тўғрисидаги фикрга кўникишига анча вақт кетди. Дугонасининг турмушга чиқиш борасидаги фикрлари ўзиникига ўхшамаслигини билар эди. Лекин унинг тинчгина яшашни хоҳлагани учун энг нозик нарсаларни ҳам қурбон қилиши мумкинлигини ақлига сиғдира олмаётган эди. Энг яқин дугонаси – мистер Коллинзнинг хотини! Қандай аҳмоқона ҳолат! Унинг назарида, Шарлоттанинг бу йўл билан ўзини ерга урганидан пайдо бўлган оғриқ қизнинг тақдири ачинарли бўлишига бўлган ишончдан кучлироқ эди.

XXIII БОБ

Сэр Уильямнинг ўзи Лонгборнга ташиф буюрганда Элизабет онаси ва опа-сингиллари билан ўтирар ва яқиндагина эшитган янгилиги ва бу янгиликни уйидагиларга айтиши керакми ёки йўқлиги тўғрисида хаёл сурарди. Шарлотта сэр Уильямни ўзининг Беннетларнинг қариндоши бўлмиш йигит билан унашуви тўғрисидаги хабарни айтиш учун юборган эди. У ўз нутқини иложи борича чиройли сўзлар билан безашга уриниб ва айни пайтда уларнинг оиласи билан қариндош бўлаётганидан хурсандчилигини таъкидлаб, ҳайрон бўлиб ўтирганларга янгиликни етказди. Миссис Беннет беписандлик билан бундай бўлиши мумкин эмаслигини айтар экан, доимо бетгачопар бўлган Лидия ҳайрат билан деди:

– Вой ўлай! Сэр Уильям, нималар деяпсиз? Сиз ҳали мистер Коллинз Лиззига уйланаётганини билмайсизми?

Бундай бетгачопарликка чидай олиш учун ўта совуққон бўлиш керак эди. Сэр Уильям табиатида эса бу сифат етарли эди. У оила аъзоларини олиб келган хабарига ишонтирар экан, ўзига қарата айтилган ҳамма таъналарни қулоғининг тагидан ўтказиб юборди.

Элизабет уни бу ноқулай вазиятдан чиқаришни ўзининг бурчи деб билди ва бу янгиликни Шарлоттанинг ўзидан анча илгари эшитганлигини айтиб, сэр Уильямнинг айтганларини тасдиқлади. Онаси ва сингилларининг ортиқча гап-сўзларига барҳам бериш учун, у сэр Уильямнинг ўзини ҳам бу янгилик билан табриклади ва бу табрикка Жейн ҳам қўшилди. Элизабет ўз табригида келин ва куёвга бахт тилади ва мистер Коллинзнинг ажойиб инсонлиги ва Хансфорднинг Лондондан узоқ эмаслигини ҳам айтиб ўтди.

Миссис Беннет ростдан ҳам ўзини жуда йўқотиб қўйган эди ва сэр Уильям жўнаб кетгунча ҳатто оғзини ҳам очмади. Лекин меҳмон жўнаши билан ўзини қўйиб юборди. Биринчидан, бундай бўлиши асло мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтди. Иккинчидан, мистер Коллинзни аҳмоқ қилишгани кўриниб турибди. Учинчидан, бу никоҳ яхшилик келтирмаслиги кўриниб турибди. Ва тўртинчидан, у аминки, бу унашув, албатта, бузилади. Буларнинг ҳаммасидан иккита хулоса келиб чиқарди. Биринчиси – бу ҳамма балоларнинг сабабчиси Элизабет, иккинчиси эса ҳамма миссис Беннет билан мулозаматсиз муносабатда бўлаяпти. Буларнинг ҳаммаси аёлнинг кун бўйи норозиланиб юришига сабаб бўлди. Уни тинчитиш ёки юпатишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Аёлнинг жаҳли бир кунда ўтиб кетмади, бир ҳафта давомида Элизабетга киноясиз гапира олмади, сэр Уильям ва леди Лукасларга ҳам бир ойларча давомида фақат тагдор гаплар билан муомала қилди. Шарлоттани кечириши учун эса бир неча ой кетди. Мистер Беннет эса бу ҳодисага анча совуққонлик билан қаради. Бу унга ҳатто ёқди ҳам. Айниқса, у ақлли

деб ҳисоблайдиган Шарлотта Лукаснинг ақли унинг хотининикидан кўп эмаслиги ва қизиникидан эса ҳатто камлиги уни хотиржам қилди.

Жейн мистер Коллинзнинг унашуви уни ҳайратга солганини беркитиб ўтирмади. Лекин у бу ҳақда келин ва куёвга бахт ва омад тилаб сўзлаганидан кўра камроқ гапирди. Ҳатто Элизабет ҳам уни бу никоҳ омадли бўлиши мумкин эмаслигига ишонтира олмади. Мисс Лукасга ҳавас қилиш Китти ва Лидияларнинг хаёлларига ҳам келмади, чунки қизлар учун у нари борса бир руҳоний эди. Мазкур унашув улар учун бутун Меритонга ёйиб чиқадиган бир янгилик эди, холос.

Леди Лукас эса ўз навбатида қизини қўшнисидан олдин узатаётганини тантана қилаётган эди. Ўз қувончини ичига сиғдиролмай, қўшни оила аъзоларининг хўмрайиб қарашлари, миссис Беннетнинг истеҳзоли гапларига қарамай, уларникига олдинги пайтдагиларга нисбатан тез-тез келадиган бўлди.

Элизабет ва Шарлотталар ўртасида эса кўринмас девор пайдо бўлиб, дугоналар иложи борича унашув мавзусини тилга олмасликка ҳаракат қилишар, Элизабет дугонаси билан энди ҳеч қачон илгаригидек бир-бирларига ишона олмасликларига амин эди. Энг яқин дугонасидан кўнгли қолган Элизабет энди опаси Жейнга олдингидан ҳам кўпроқ боғланиб қолди. Кунлар ўтган сайин у опасининг бахти хусусида кўпроқ хавотирлана бошлади. Мистер Бингли жўнаб кетганига аллақачон бир ҳафта бўлган, ундан эса ҳеч қандай хабар йўқ эди.

Жейн Кэролайннинг хатига тезда жавоб ёзиб, энди ундан қачон жавоб хати келаркин, деб кутиб ўтирар эди. Мистер Коллинз ёзишга ваъда қилган хатни эса сешанба куни олишди. Хат мистер Беннетга аталган бўлиб, миннатдорчилик сўзлари билан тўла эди. Одатда, бундай хатни бирортаси маълум бир оилада ҳеч бўлмаса бир йил яшаб кетгандан кейин ёзган бўлар-

ди. Мистер Коллинз мисс Лукаснинг розилигини олганидан жуда ҳам бахтиёрлигини ҳавойи сўзлар билан ифодалаб, агар шароит туғилиб қолса, яна икки ҳафталардан сўнг, душанба куни яна Лонгборнга келишга қарор қилганини ёзган эди. Яна леди Кэтрин унинг уйланиш борасидаги қарорини чин дилдан маъқуллаганини ва бу тўйни иложи борича тезроқ ўтказиш кераклигини айтиб ўтганини ҳам қўшиб қўйган эди. Бу қарор унинг Шарлоттаси учун уни энг бахтли қиладиган кунни яқинлаштириш учун сабаб бўла олади, деб ҳисоблар эди.

Мистер Коллинзнинг Хартфордширга қайтиб келиши энди миссис Беннетни ортиқ қувонтирмаётган эди, энди эридан кўра у кутилмаган меҳмоннинг келишидан норози эди. Мистер Коллинзнинг Лукас Ложга эмас, Лонгборнга келмоқчилиги ажабланарли эди ва агар у келадиган бўлса, анчагина ноқулайлик ва безовталиклар туғдирарди. Ахир кайфиятинг ёмон бўлиб турганда меҳмоннавозлик қилиш, айниқса севишганларга, кўнгилга сиғмайди-ку. Миссис Беннетнинг охирги пайтларда ўйлаётганлари фақат шулар ҳақида бўлиб, вақти-вақти билан мистер Бингли ҳам дом-дараксиз кетганини алам билан гапириб қўярди.

Жейн билан Элизабет ҳам бу ҳолатдан хавотирда эдилар. Кунлар ўтар, агар унинг бутун қиш бўйи энди Незерфилдга келиш нияти йўқлиги тўғрисидаги бутун Меритонга тарқалган ғийбатларни ҳисобга олмаса, мистер Бинглидан ҳеч қандай хабар йўқ эди. Бу гаплар миссис Беннетнинг баттар ғазабини қўзғатиб, бу одамларнинг ўзлари ўйлаб топган гаплар деб ўзини ишонтирарди.

Ҳатто Элизабет ҳам энди хавотирга туша бошлади – мистер Бинглининг беэътиборлигидан эмас – йигитнинг сингиллари уни чиндан ҳам Лондонда ушлаб қола олган бўлишлари мумкинлигидан. Қиз опаси Жейннинг бахтсизлигига сабаб бўлиши мумкин бўлган ва унинг танлаган йигитининг мардлигига соя соладиган бу

фикрни ўзидан ҳайдашга ҳаракат қилса-да, бу фикр унинг миясига қаттиқроқ ўрнашиб борарди. Сингилларининг ва ҳукмрон дўстининг таъсири, мисс Дарсининг жозибаси ва марказнинг кўнгилочар табиати таъсирида йигитнинг Жейнга бўлган муносабати ожизлик қилиб қолиши мумкинлигидан Элизабет энди чиндан қўрқа бошлаган эди.

Жейннинг ўзига келадиган бўлсак, албатта, мавҳумлик Элизабетдан кўра кўпроқ уни эзаётган эди. Лекин нима бўлганда ҳам қиз ўз ҳиссиётларини ҳар қанақасига атрофдагиларга билдирмасликка уринар ва опа-сингиллар ўртасида бу мавзу бошқа кўтарилмаётган эди. Миссис Беннет эса аксинча, унда бундай нозик туйғулар йўқлиги боис, дам ўтмай Бингли ҳақида гапирар, унинг нега ушланиб қолиши мумкинлиги сабабларини ўзича айтар ёки бўлмаса ҳатто Жейндан агар йигит қайтиб келмаса қизи алданиб қолган бўлиши мумкинлигини бўйнига олишини талаб қилар эди. Табиатан ўта вазмин бўлган Жейн онасининг бу гапларига зўрға чидаб турарди.

Мистер Коллинз кетганидан сўнг икки ҳафта ўтиб, душанба куни яна қайтиб келди. Йигитни биринчи марта Лонгборнга келганичалик хурсандчилик билан кутиб олишмади. Лекин йигит ўзининг ўй-хаёллари билан шунчалик банд эдики, ортиқча эътиборга муҳтож эмас эди. Ҳамманинг бахтига у бутун вақтини Шарлотта билан ўтказиб, Беннетлар билан камдан-кам кўришар, кечқурун уйга қайтгач, бирга бўлолмагани учун узрини айтар-айтмас, оила аъзолари ўз ётоқларига кириб кетишар эди.

Миссис Беннетнинг аҳволи чиндан ҳам жуда ачинарли эди. Мистер Коллинзнинг уйланиши тўғрисидаги арзимаган гап ҳам унинг кайфияти бузилишига олиб келар, аксига олиб эса ҳамма ерда фақат шу ҳақда гап борарди. Мисс Лукасни кўришнинг ўзиёқ аёлнинг ғазабини қўзғатар эди. Шарлотта бирровгина Лонгборнга келиб кетиши биланоқ миссис Беннетга у худди бу

уйнинг бекаси бўлишини тасаввур қилиб севинаётгандек туюлар эди. Агар Шарлотта Коллинз билан бирор нарса тўғрисида секин суҳбатлашаётган бўлса, унинг тасаввурида улар худди аёлнинг ўзи ва қизларини мистер Беннетнинг ўлимидан сўнг чиқариб юборишни режалаштиришаётгандек эди. Миссис Беннет ўзининг ҳамма ўйлаётганларини эрига айтиб берди.

– Ўзингиз ўйланг, азизим, – деди у, – бир кун келиб Шарлотта Лукас бу ерда хўжайин бўлишини тан олиш қандай алам қиляпти. Мен эса уни бу ерда кўриб туриб индамай кетишга мажбурман!

– Азизам, бунақа ёмон хаёлларга берилаверманг. Келинг, яхшиси ёқимлироқ бирор нарса тўғрисида ўйлаймиз ва мен мистер Коллинздан кўра узоқроқ яшайман, деб умид қиламиз.

Эрининг бу гаплари миссис Беннетни бутунлай хотиржам қила олмади ва жавоб бериш ўрнига, у яна шу мавзуда гапира кетди:

– Бизнинг уй-жойимиз шу одамларга ўтиб кетади, деган фикрга ҳеч чидай олмаяпман. Агар бу ер уларга эр томондан мерос бўлиб ўтадиган бўлмаганда ҳам майли эди...

– Қандай бўлса сиз рози бўлардингиз?

– Бошқа нима бўлса ҳам рози бўлган бўлардим!

– Бундай мавҳумликдан асрагани учун Худога шукур қилишимиз керак.

– Мистер Беннет, мен эр томондан мерос тўғрисидаги нарсаларнинг бирортаси борасида ҳам Худога шукур, дея олмайман. Ер эгасининг қизларига қарашли ерни тортиб олишга қандай қилиб одамларнинг виждони йўл қўяди, ҳеч тушунмайман. Яна бу қандайдир мистер Коллинзни деб бўлса! Бирорта ўтказиб қўйган жойи борми?

– Саволингизга ўзингиз жавоб бера қолинг, – деди мистер Беннет.

Иккинчи бўлим

I БОБ

Мисс Бинглидан ҳамма гумонларни йўққа чиқарадиган хат келди. Хатнинг бошидаёқ Бингли ва унинг сингиллари бутун қиш бўйи Лондонда қолишлари айтиб ўтилган эди. Хатнинг давомида эса акалари у ердан жўнаб кетиш олдидан хартфордширлик дўстлари билан хайрлаша олмаганидан афсусда эканлиги ёзилган эди.

Тамом, ҳеч қандай умид қолмаган эди. Жейн хатнинг охирини эътибор билан ўқиб чиқар экан, ўзаро дўстликни таъкидловчи умумий жумлалардан бошқа ҳеч нарса топмади. Хат асосан мисс Дарсини мақташга қаратилган бўлиб, унинг ҳамма яхши сифатлари тўлиқ санаб ўтилган эди. Кэролайн ўзлари билан қиз ўртасида яқинлик пайдо бўлгани ва у олдин Жейнга айтиб ўтган гап балки ростга айланар, деган умиди борлигини айтарди. Қиз яна хурсандчилик билан акаси мистер Дарсиларникида ўз одамидек эканлигини айтиб, акасининг дўсти ўз уйида ўзгаришлар қилмоқчи эканлигини ҳам қўшиб қўйган эди.

Жейн хатни ўқиб чиққан заҳотиёқ мазмун нима ҳақида эканлигини Элизабетга айтиб берар экан, синглиси унинг гапларини алам билан индамай эшитди. Бир пайтнинг ўзида унинг ҳам опасига раҳми келар ва айни пайтда хатда санаб ўтилганларнинг ҳаммасидан жаҳли чиқар эди. Кэролайннинг акаси мисс Дарсига бефарқ эмаслигини айтган гапига эса ишонмади. Унинг сезишича, йигитнинг Жейнга муносабати аввалгидек эди. Элизабет мистер Бинглига нисбатан аввалгидек яхши муносабатда бўлиб қолишни хоҳласа-да, айни пайтда унинг иродасизлиги ва беқарорлиги оқибатида бошқалар уни ўйинчоққа айлантиришаёт-

ганидан ғазаби келаётган эди. Қизлар ўз кўнгилхушликлари деб унинг бахтини қурбон қилишаётган эди. Агар гап фақат ўзининг ҳаёти ҳақида бўлса, хоҳлаганча ҳал қилиш мумкин эди. Лекин бу ерда унинг опасининг ҳаёти ҳам ҳал бўлаяпти-ку! Ахир йигит буни сезиши керак эди-ку! Шу каби ўйлар қизнинг миясига тинчлик бермаётган эди. Элизабет мистер Бингли Жейндан ростдан ҳам совиганмикан ёки яқинларининг таъсирида шундай ҳаракат қиляптими, Жейн уни қанчалик юракдан севишини тасаввур қиляптимикин ёки бу нарсани билмайдими, деган нарсалар ҳақида қанча ўйламасин, булар фақат унинг Бингли ҳақидаги фикрини ўзгартириши мумкин эди холос, лекин Жейннинг ярасига малҳам бўла олмасди.

Икки кунгача Жейннинг синглиси билан ўз туйғулари ҳақида гаплашишга юраги дов бермади. Лекин бир куни миссис Беннет Незерфилд ва унинг хўжайини тўғрисида бўлар-бўлмас гапларни гапириб, қизларни ёлғиз қолдириб хонадан чиқар экан, Жейн ўзини тўхтата олмади:

– Онамиз сал ўзини тута билса эди! Мистер Бингли ҳақидаги гап-сўзлари билан қанчалик ярамга туз сепаётгани наҳотки хаёлига ҳам келмайди. Лекин менинг ташвишга тушишга ҳаққим йўқ. Яқинда ҳаммаси тугайди. Уни ҳаммамиз эсдан чиқарамиз ва яна аввалгидек яшай бошлаймиз.

Элизабет опасига ишонқирамай қараб қўйди, лекин бирор оғиз сўз демади.

– Сен менга ишонмаяпсан-а? – бир оз қизариб хитоб қилди Жейн. – Лекин бекор қиляпсан. Ахир у бир яхши таниш йигит сифатида менинг хотирамда қолиши мумкин эмасми? Мен умид қилишим мумкин бўлган ҳеч ким йўқ, қўрқадиган нарсам ҳам йўқ ва ҳеч кимдан гина ҳам қилмайман. Бу азобдан, Худога шукурки, қутулдим. Бир оз вақт ўтсин, бундан ҳам яхшироқ бўлади.

Бир оз ўтиб, у янада дадилроқ овоз билан деди:

– Жуда бўлмаса, мен бу воқеаларни хаёлимда бўлди, деб ҳисоблайман ва улар менинг ўзимдан бошқа ҳеч кимга зарар келтирмайди.

– Жейн, азизам, сен шунчалик кўнгилчансанки! Оқилалигингнинг чегараси йўқ. Ҳозир керакли сўз тополмаяпман, лекин менга шундай туюлаяптики, мен ҳеч ҳам сенинг қадрингга етмаган ва сени етарлича яхши кўрмаган эканман.

Мисс Жейн синглисининг сўзларини инкор қилиб, бу нарса опа-сингиллик туйғулари, деб тушунтирди.

– Жейн, ахир бу адолатдан эмас-ку. Ўзинг оламдаги барчани мақташга тайёрсан, агар мен биров ҳақида ёмонроқ гап айтадиган бўлсам, дарров хафа бўласан. Ўз опам тўғрисида биттагина яхши гап айтишим билан мен билан баҳслашишга тайёрсан. Қўрқма, мен бу гапларни бировларга айтиб ўтирмайман. Бундай бўлмайди, чунки дунёда жуда ҳам кам одам менинг севгимга сазовордир. Мен ҳақиқатан ҳурмат қиладиганлар эса ундан ҳам кам. Мен борлиқни кузатар эканман, у менга шунчалик ёқмай кетяпти. Ҳар бир ўтаётган кун менга инсон табиатининг қанчалик мукаммал эмаслигини ва гўёки инсоннинг кўриниб турган самимийлиги ва ақлига ишониб бўлмаслигини таъкидлаётгандек. Охирги кунлардаги мана шу иккита нарса менга яхшигина мактаб бўлди. Биттаси ҳақида гапиришни хоҳламайман. Иккинчисини эса дугонам Шарлоттадан олдим. Ҳарна қилсам ҳам иккинчисига ҳеч ақлим етмаяпти.

– Лиззи, азизам, бундай ҳисларга эрк берма. Ахир юрагинг эзилиб кетади. Сен ҳаётий шароитларни ва ҳар бир инсоннинг характерини ҳисобга олмаяпсан. Ўйлаб кўргин-а, мистер Коллинзнинг жамиятда қандай муносиб ўрни бор ва Шарлотта эса қандай совуққон ва узоқни кўра билади. Ўзинг ўйлаб кўр, унинг нечта ака-синглиси бор ва Шарлоттанинг турмушга чиқиши оиласининг ночор аҳволига қандай ёрдам берган бўларди. Илтимос, бизлар учун, Шарлотта амаки-

ваччамизни ҳурмат қилади ва унинг обрўсини жойига қўяди, деб ишонишга ҳаракат қилгин.

– Менимча, сени деб мен ҳамма нарсага тайёр бўлсам керак. Лекин бундан ҳеч кимга осон бўлмайди-да. Ростдан ҳам, кимдир Шарлоттанинг мистер Коллинзда кўнгли бор, деб ишонтира олса, мен у ҳақида баттар ёмонроқ ўйлаган бўлардим. Жейн, азизам, сен ўзинг ҳам мистер Коллинзнинг тентак, ҳиссиз, ўзига бино қўйган, субутсиз одам эканлигини мендан яхшироқ биласан. Шунинг учун ҳам, унга тегаётган қизнинг кўнглида бошқа ниятлар ҳам борлигига ақлинг етса керак. Шунинг учун ҳам Шарлотта Лукасни оқлашга ҳаракат қилмай қўя қол. Битта одамни деб инсондаги яхши фазилатларга нисбатан бўлган қарашларингни ўзгартириш мумкин эмас. Манфаатпарастлик – бу ўйлаб иш қилиш, ақлга қулоқ тутмаслик – бахтга олиб борадиган йўл, деб менинг фикримни ўзгартира олмайсан.

– Улар ҳақида сен жуда қатъий ҳукм чиқараяпсан, – жавоб берди Жейн. – Ва, умид қиламан, уларнинг ҳаёти жойига тушиб кетгач, ўзинг ҳам бунга ишонасан. Бўлди, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Сенга мактаб бўлган икки нарса тўғрисида гапира туриб, сен яна бир одамга тил теккизиб ўтдинг. Мен сени тушуна олмадим. Лиззи, азизам, уни айбдор қилиб, сенинг назарингдан қолганини айтиб, менга азоб берма, илтимос. Бизга атайин озор беришди, деган фикрдан қочайлик. Ахир ёшгина йигитдан, у жуда эҳтиёткор бўлиши ва ҳар бир қадамини ўйлаб босиши кераклигини талаб қилиб бўлмайди. Шуҳратпарастлигимиз кўп ҳолларда бизни алдаб қўяди. Аёллар баъзан бир мартагина эҳтирос билан қараб қўйганга ҳам катта эътибор беришади.

– Эркаклар эса уларнинг бу ҳаракатидан фойдаланишади.

– Агар бу ҳолда эркак ҳамма нарсани ўз манфаати юзасидан қилса, албатта уни оқлаб бўлмайди. Лекин

мен ҳамма одамлар ҳам фақат ўз манфаати учун ҳаракат қилишига ишонмайман.

– Мен мистер Бинглининг ўзини тутиши ҳаммаси манфаат юзасидан, деган фикрни айтишдан йироқман, – деди Элизабет. – Лекин ёмонлик қилмасдан ва бировни бахтсиз қилмай туриб ҳам, хато қилиш ва юрагига ниш уриш мумкин. Яъни, оддийгина енгилтаклик қилиб, етарлича эътибор бермай ва бўшанглик қилиб.

– Сен айтиб ўтган бу сифатлар унда ҳам бор, демоқчимисан?

– Бошидан охиригача. Агар ҳозир сен учун азиз бўлган одамлар ҳақида гапира бошласам, сени хафа қилиб қўйишим мумкин. Шунинг учун ҳали кеч бўлмасдан мени тўхтатишинг мумкин.

– Сен ҳали ҳам сингиллари унга таъсир ўтказишаяпти деб ўйлайсанми?

– Ҳа, ўртоғи ҳам.

– Асло ишонгим келмайди. Бу уларга нима учун керак? Ахир унга бахт тилашлари керак-ку! Агар у мени чиндан севиб қолган бўлса, бошқа бирорта аёл билан бахтли бўла олмайди.

– Гап асосий мақсад нимадалигида. Акаларининг бахтли бўлишидан ташқари яна бошқа мақсадлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, унинг бойлигини кўпайтириш, жамиятда мавқеини ошириш ёки бой, таги зотли оиланинг қизига уйлантириш.

– Албатта, бу ҳолда улар мисс Дарсини танлаган бўлишарди. Лекин бу нарсаларни сен айтгандан кўра бошқачароқ мақсад билан деб ҳам айтиш мумкин, – деди Жейн. – Улар мисс Дарси билан мендан олдинроқ танишишган. Шунинг учун уларнинг у қиз билан яқинроқ эканлиги тушунарли. Лекин нима ўйлаган тақдирларида ҳам мистер Бинглининг интилишларига қаршилик қилишмайди-ку. Қайси сингил ўз акасига шундай қилган бўларди? Агар улар акаси мени севади деб билишса, бизни айирмаган

бўлишарди – чунки бундай уринишдан ҳеч нарса чиқмасди. Аслида йўқ сифатларни унга ёпиштириб менинг юрагимни эзаяпсан. Мени бунга ишонтириб яна баттар азобга қўймагин. Ўз хатоимдан уялмайман, чунки бу уят ҳисси унинг ўзи ёки оиласи ҳақида ёмон ўйлагандаги оғриқдан кўра енгилроқ. Буларнинг ҳаммасига яхши кўз билан қарашга менга изн бергин.

Элизабетнинг бунга кўнмай иложи йўқ эди. Шу пайтдан бошлаб опа-сингил ўртасида мистер Бингли ҳақида бошқа гап кўтарилмади.

Миссис Беннет мистер Бингли келмаётганидан ҳамон ўзига келолмай юрар эди. Элизабет гап нимадалигини ҳарчанд тушунтиришга уринса-да, онаси бунга ҳеч кўника олмасди. Ўзининг гапига ўзи ишонмаган ҳолда қиз онасини мистер Бингли Жейн билан бир оз кўнгилхушлик қилиш учунгина дўстлашганини, улар бир-бирларидан узоқлашишлари билан эса қизни ёдидан чиқарганига ишонтира бошлади. Миссис Беннет вақти-вақти билан бу гапга ишона бошлаган бўлса-да, бари бир Элизабет бу гапни ҳар куни камида бир марта такрорлаб туриши керак эди. Элизабетнинг ўзини эса, мистер Бингли ёзнинг бошларига Незерфилдга албатта келади, деган фикр овунтираётган эди.

Мистер Беннетнинг фикри эса бу борада бутунлай бошқача эди:

– Шундай қилиб, Лиззи, англашимча, опангнинг юраги бир оз яраланди, – деди у бир куни. – Уни менинг номимдан табриклаб қўй. Ёш қизларда вақти-вақти билан шундай бўлиб туради, худди турмушга чиқишгани каби. Бу уларни фикрлашга ундайди ва бошқа қизлардан ажратиб туради. Сенинг навбатинг қачон келади энди? Ахир Жейн сендан ўзиб кетишига йўл қўймайсан-ку, тўғрими? Бунинг пайти келди. Бу ердаги барча қизларнинг бошини айлантириш учун Меритонда офицерлар етарли. Сен Уикхемни танлаб

кўрмайсанми? Зўр йигит, хоҳлаган қизининг бошини айлантириши мумкин.

– Миннатдорман сэр, менга бундайроғи ҳам бўлаверади. Ҳамманинг ҳам Жейнчалик омади келавермайди-ку.

– Бу рост, – деди мистер Беннет. – Айниқса, бундай ҳолларда ҳеч нарсани кўздан қочирмайдиган ғамхўр онанг бўлса...

Мистер Уикхемнинг пайдо бўлиши Лонгборн аҳлига енгиллик олиб келиб, Беннетлар оиласидаги охирги пайтлардаги ғамгин воқеаларни унуттириб юборди. Улар йигитни тез-тез кўришар экан, назарида йигитнинг ҳамма ижобий хислатларига яна бир хислат қўшилди: бу Уикхемнинг очиқ кўнгил табиати. Бир пайтлар Элизабет йигитдан эшитгани унинг мистер Дарсидан хафалиги ва Дарсининг унга етказган зарари ҳақида Уикхем энди ҳаммага айтиб берган ва ҳамманинг оғзида шу гап эди. Ва ҳамма мистер Дарсини кўрмаёқ, унинг аслан қандай инсон эканлигини билиб олганларидан хурсанд эдилар.

Катта мисс Беннет бу воқеаларда хартфордширликларга маълум бўлмаган, вазиятни юмшатадиган нимадир борлигини ҳисобга олаётган ёлғиз кимса эди. Қизнинг ўта беғуборлиги уни ҳамма нарсага кечиримли бўлишга ва ҳар бир ёвузликни тушунмовчилик, деб қарашга ундар, лекин қолган ҳамма эса мистер Дарсини ўтакетган аблаҳ, деб ҳисоблаётган эди.

II БОБ

Шанба куни етиб келди. Мистер Коллинз севги изҳор қилиш билан ўтказган бир ҳафтадан сўнг ўз Шарлоттаси билан хайрлашишга мажбур бўлди. Лекин айрилиқ азобини келин келишига уйида кетаётган тайёргарликлар бир оз юмшатди. Хартфордширга кейинги келишига ҳамма нарса ҳал бўлишига у буткул ишонарди. Лонгборнлик қариндошлари билан у худ-

ди ўтган сафардагидек ҳаммасига соғлик ва амаки-ваччаларига муваффақиятлар тилаб, тантанали хайрлашди ва қизларнинг отасига албатта миннатдорчилик хатини юборишини ваъда қилди.

Келаси душанба куни миссис Беннет одатлари бўйича Рождество байрамини Лонгборнда ўтказишга ўрганган укаси ва унинг хотинини кутиб олди. Мистер Гардинер опасига нисбатан анча ақлли ва бирмунча яхши хислатларга эга инсон эди. Незерфилд аёлларига савдо билан шуғулланувчи ва омборхонаси яқинида яшовчи одамнинг шунчалик яхши тарбияли ва дилкаш инсон бўлиши қизиқ кўринарди. Ақлли, дилкаш ва келишган миссис Гардинер миссис Беннет ва миссис Филипслардан анча ёш бўлиб, лонгборнлик жиянлари уни жуда яхши кўришарди. Айниқса, у Лондонга кўп маротаба келган икки катта мисс Беннетлар билан яқин дугона эди.

Миссис Гардинернинг Лонгборнга келиши билан қилган иши олиб келган совғаларини улашиш ва марказдаги охирги урфлар билан таништириш бўлди. Буларни тугатгач эса у тингловчига айланди. Миссис Беннет тақдиридан нолиб, бўлиб ўтган ҳамма кўнгилсизликларни айтиб берди: улар охирги марта кўришганларидан бери ўзлари билан боғлиқ шунчалик кўп нохушликлар содир бўлди... Ўйлаб кўринг-а, ахир иккита қизи эндигина турмушга чиқай деганди-я! Ва бирдан ҳаммаси ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

– Жейнни ҳеч нарсада айблай олмайман, – давом этди у. – Иложи бўлса у мистер Бинглига турмушга чиққан бўларди. Лекин Лиззи! Сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз – агар табиати бундай аҳмоқона бўлмаганда у аллақачон миссис Коллинзга айланган бўларди. Мистер Коллинз худди шу хонада унинг розилигини сўради, Лиззи эса рад қилди! Энди леди Лукаснинг қизи менинг қизларимдан аввал биринчи бўлиб турмушга чиқаяпти! Лонгборн эса эрим тарафдан меросга ўтиб кетади. Бу Лукаслар жуда айёр, ўзиникини

қўймайди. Улар ҳақида бундай дейиш менга оғир, лекин бунинг ҳаммаси ҳақиқат. Ўзи шундай ҳам тобим йўқ ва асабларим қақшаган, бунинг устига ўзимнинг уйимдагилар ғашимга тегишади. Яна ёнгинангда фақат ўзини ўйлайдиган қўшнилар яшайди. Яхши ҳам сиз айни пайтида келибсиз, бўлмаса ҳозир узун енглар урфда эканлигини қаердан билардик!

Элизабет билан ёлғиз қолгач, миссис Гардинер яна бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида гап бошлади.

– Айтиб беришингиздан, бу ростдан ҳам Жейн учун муносиб номзод бўлган бўларди, – деди у. – Унинг хафа бўлиб қолгани чатоқ бўлибди. Лекин бундай ҳодисалар бўлиб туради. Сиз айтганларингиздан тасаввур қиляпман, мистер Бинглига ўхшаган йигитлар яхши қизларни осонлик билан севиб қоладилар. Кейин эса бирор жойга кетишлари билан яна осонлик билан эсдан чиқаришади. Бундай беқарорлик ҳар қадамда учрайди.

– Сиз тасвирлаган ҳолат учун жуда яхши овунч, – деди Элизабет. – Лекин бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. Биз тасодифан бу аҳволга тушмадик. Баъзан дўстларнинг аралашуви оқибатида мустақил бўлган ёш йигит ўзи севиб қолган қиз ҳақида мутлақо ўйламай қўйиш ҳоллари кам бўлса-да, учраб туради.

– Элизабет, азизам, мистер Бингли ростдан Жейнни жуда ёқтириб қолганмиди?

– Мен олдин бунақасини ҳеч кўрмагандим. У бошқа атрофидагиларга ҳатто қайрилиб ҳам қарамай қўйди. Кўзлари фақат Жейнни кўрарди. Ҳар сафар учрашганлари сайин бу нарса яққол кўрина бошлаганди. У уйига меҳмонга чақириб туриб, иккитами ёки учтами қизни рақсга таклиф қилмай, ҳатто хафа ҳам қилиб қўйди. Мен ўзим у билан икки марта гаплашиб жавоб ололмадим. Яна қандай белгилари бўлиши мумкин? Атрофдагиларга беэътиборлик севиб қолганликнинг энг кўриниб турган аломати эмасми?

– Ҳа, ҳа! Бечора Жейн! Унга ачиниб кетаяпман. Унинг табиати билан ҳали бери ўзига кела олмаса керак. Унинг ўрнида яхшиси сен бўлсанг бўларкан, Лиззи. Сенинг табиатинг билан бу нарсани унутиш осонроқ бўларди. Нима дейсан, Жейнни биз билан Лондонга кетишга кўндира олармиканмиз? Шароитни алмаштириш ва рўзғор ташвишларидан бир оз дам олиш унга яхши таъсир қилган бўларди.

Бу таклиф Элизабетга жуда ёқиб тушди. Таклиф Жейнга ҳам ёқишига у амин эди.

– Албатта, Жейн бу саёҳатни у йигит билан боғламаса керак, – давом этди миссис Гардинер. – Биз шаҳарнинг нариги чеккасида турамиз ва улар билан умумий танишлигимиз ҳам йўқ. Кўчага камдан-кам ҳолларда чиқамиз ва мистер Бингли билан учрашиб қолиш эҳтимоли жуда оз, мабодо йигитнинг ўзи Жейнни кўргани келиб қолмаса.

– Бундай бўлиши эҳтимолдан йироқ. У доим дўстининг назорати остида. Мистер Дарси эса бунга асло йўл қўймайди. Бу фикр қаердан хаёлингизга келди? Мистер Дарси Грейсчёрч – стрит ҳақида балки эшитгандир. Лекин у агар ўшандай ерларга борадиган бўлса, унга ёпишган чангларни кетказиш учун бир ой керак бўлади, деб ҳисобласа керак. Мистер Бингли тўғрисида эса хотирингиз жам бўлаверсин – у дўстининг рухсатисиз бир қадам ҳам босолмайди.

– Унда жуда яхши. Демак, улар бошқа учрашмайди, деб умид қиламиз. Айтганча, Жейн унинг синглиси билан хат ёзишмайдими? Балки мисс Бингли келиб қолиши мумкин.

– Менимча, у энди бу таниш-билишликни йиғиштириб қўйса ҳам керак.

Элизабет бу гапи билан опа-сингиллари энди мистер Бинглини Жейн билан учрашишига йўл қўйишмайди, деган якунловчи фикрни айтаётган бўлса-да, бу мавзуни ҳали давом эттириш нияти ҳам йўқ эмас эди. Яхшилаб ўйлаб кўриб, бир оз бўлса-да умид бор, де-

ган фикрга келди. Унинг ўйлашича, мистер Бинглининг кўнгли яна Жейнни истаб бош кўтаради ва бу ҳиссиётлар сингилларига бўлган ҳисларидан устун келиб, уларга бўлган мутеликни босиб кетиши мумкин.

Жейн миссис Гардинернинг таклифини бажонидил қабул қилди. Кэролайн акасидан алоҳида яшагани боис, мистер Дарсини учратиб қолиш эҳтимоли бўлмагани сабаб, Жейн баъзан эрталаблари у билан кўришиб туриши мумкинлигига умид қилаётганди.

Гардинерлар Лонгборнда бир ҳафта бўлишди. Филипслар, Лукаслар, …шир полки зобитлари сабаб бирор кун ҳам меҳмонсиз ўтмади. Миссис Беннет укаси ва унинг хотинини хурсанд қилишга астойдил ҳаракат қилдики, улар бирор кун ҳам зерикиб қолишмади. Лонгборнда ҳар куни албатта бир нечта зобит бўлар, ва улар орасида албатта мистер Уикхем ҳам бор эди. Элизабетнинг бу зобит ҳақидаги юракдан айтган гаплари миссис Гардинерга шубҳали туюлиб, у йигитга ва жиянига диққат билан эътибор бера бошлади. Бунинг натижасида ёшларнинг бир-бирларига жиддий муносабатлари бор, деган хулосага келмаса-да, уларнинг очиқчасига бир-бирларига интилаётганлари аёлни ташвишга солди ва миссис Гардинер жўнаб кетишлари олдидан Элизабет билан албатта жиддий гаплашиб олишни кўнглига тугиб қўйди. Унинг фикрича, ўз ҳиссиётларига эрк бериб юбориш қиз учун ақлдан эмас эди.

Бир ҳодиса сабаб бўлиб, миссис Гардинер мистер Уикхемга жиддий қизиқиб қолди. Ўн – ўн икки йиллар бурун, ҳали турмушга чиқмасидан олдин, у Уикхемнинг келиб чиққан юрти бўлган Дербиширда узоқ йиллар яшаган эди. Шунинг учун уларнинг иккаласида ҳам умумий танишлар чиқиб қолди. Мистер Дарсининг отаси ўлгандан сўнг ўтган беш йил давомида ўзи ҳам у ерларда бўлмаган эса-да, Уикхем миссис Гардинерга дўстлари ҳақида ўзи билганидан кўра кўпроқ янгиликларни айтиб берди.

Миссис Гардинер бир пайтлар Пемберлида бўлган ва у ернинг эгаси ҳақида кўп нарсаларни биларди. Бу мистер Уикхем билан унинг ўртасида туганмас мавзу бўлди. Пемберли жойлашган ерларни тасвирлаш, мистер Дарсининг марҳум отаси ҳақида яхши гапларни гапириш, уларнинг иккаласига ҳам ёқаётган эди. Уикхемдан мистер Дарси унга нисбатан қилган номардлиги тўғрисидаги воқеани эшитар экан, миссис Гардинер ўша пайтларда ёш Дарси ҳақида эшитганларини эслашга уринди. Ва охири ёш Дарсининг мағрур ва ёқимсиз табиати тўғрисида эшитганман, деб ўзини ишонтирди.

III БОБ

Миссис Гардинер Элизабетни огоҳлантириб қўймоқчи бўлгани ёдидан чиқмаган эди ва биринчи имкон туғилиши биланоқ у билан ўзининг хавотири ҳақида гап очди. Уни иккилантираётган ҳамма нарсани қизга очиқ-ойдин гапириб, деди:

– Лиззи, сени огоҳлантириб қўйганлари сабабли атайдан севиб қолмаслик учун сен етарли даражада ақллисан. Шунинг учун мен сенга тўғрисини айтаман. Сен жуда ҳушёр бўлишингни хоҳлайман. Ўзинг берилиб кетмагин ва уни ҳам йўлдан урма. Иккалангизнинг ҳам етарлича маблағингиз йўқлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ақлдан бўлмайди. Менинг унга таъна қиладиган ҳеч қандай сабабим йўқ. Албатта, у жуда келишган йигит. Бунинг устига бой ҳам бўлганида эди, мен сени қўллаб-қувватлаган бўлардим. Лекин ҳозирги шароитда сен ўзингнинг тасаввурингга жуда ҳам эркинлик бериб юборишинг мумкин эмас. Ўзинг ақлли қизсан ва хатти-ҳаракатларингда тўғри йўлни танлашингга ишонаман. Отанг ҳам сенинг соғлом фикрлашингга ва ўзингни муносиб тутишингга ишонаяпти. У сендан ранжиб қолиши асло мумкин эмас.

– Холажон, сиз шунақанги жиддий нарсалар тўғрисида гапираяпсиз!

– Албатта. Сен ҳам бу гапларни жиддий қабул қилишингга ишонаман.

– Бу ҳолда мендан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Мен ўзим ва мистер Уикхем ҳақида ўйлаб кўраман. Агар мен халақит бера олсам, у ўлиб қолса ҳам мени севиб қолмайди.

– Элизабет, сен ҳазилга олаяпсан.

– Узр. Бошидан бошлайман. Мен ҳозир мистер Уикхемни севиб қолмаганман. Буни ишонч билан айта оламан. Лекин, шубҳасиз у мен учратган йигитлар ичида энг келишгани. Мени чиндан ёқтирганида эди... Аслида бундай бўлмагани маъқул. Бу қанчалик ақлдан эмаслигини жуда яхши тушуниб турибман. Эҳ, бу мистер Дарси!... Албатта, отамнинг менга бўлган ишончини суиистеъмол қила олмайман. Агар уни алдасам, ўзимни кечира олмасдим. Лекин отам мистер Уикхемни ёқтиради. Қисқаси, холажон, бирортангизни ҳам хафа қилиб қўйишни хоҳламайман. Лекин биз кунига қанчадан-қанча севишганлар ҳеч қандай тўсиқларсиз бир-бирларига етишганларининг гувоҳи бўламиз-ку! Мен қандай қилиб, бу борада тенгдошларимдан ақллироқ бўламан, деб сўз бера оламан? Бу ишим тўғри бўладими ёки йўқми – буниси ҳам номаълум... Шунинг учун, мен фақат шошмасликка ваъда бера оламан. Мен чиндан ҳам унинг юрагини забт этдим, деб хулоса қилишга шошмайман. У билан бирга бўлганимда бунга интилмайман. Қисқаси, қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан.

– Унга бу ерга кўп келмаслигини секингина айтиб қўйиш керакмасмикин? Жуда бўлмаганда, ўзинг уни таклиф қилиш кераклигини онангни ёдига солма.

– Кеча қилганимни айтаяпсизми? – қизариб сўради Элиза. – Ҳа, сиз ҳақсиз. Мен нотўғри иш қилдим. Лекин сиз у доимо бизникида экан, деб ўйламанг. Бу ҳафта уни сизлар шу ерда эканлигингиз учунгина так-

лиф қилдик. Ахир онам меҳмонларни яхши кўришини ўзингиз биласиз-ку. Рост, менга нима тўғридек туюлса, ўшани қилишга сўз бераман. Энди хурсандмисиз?

Миссис Гардинер қизнинг жавобидан қониққанини айтди. Элизабет эса унинг ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирди ва иккаласи хайрлашишди.

Гардинерлар ва Жейн жўнаб кетишлари билан Хартфордширга мистер Коллинз келди. Лекин бу сафар Лукасларникида тўхтагани учун унинг келиши миссис Беннетга кўп оворагарчилик келтирмади. Унинг никоҳи яқинлашаётган бўлиб, миссис Беннет бунга кўниккан ва ҳатто вақти-вақти билан бу никоҳ яхшилик билан тугашига умид билдирарди.

Тўй куни пайшанбага белгиланган эди, чоршанба куни эса мисс Лукас хайрлашиш учун Лонгборнга келди. Қайтиб кетаётганида онасининг қиз билан совуққина хайрлашганидан уялган Элизабет дугонасини кўчагача кузатиб чиқди:

– Элиза, менга тез-тез хат ёзиб тураман, деб ваъда бер.

– Ишон, албатта ёзиб тураман.

– Яна бир нарсани илтимос қиламан. Мени кўргани борасан-а?

– Хартфордширда тез-тез учрашиб турамиз, деб умид қиламан.

– Яқин орада Кентдан чиқа олмасам керак. Шунинг учун менга Хансфордга бораман, деб ваъда бер.

Элизабет бу саёҳат унга ҳеч ҳам қизиқарли кўринмаётган бўлса-да, дугонасига рад жавобини бера олмади.

– Мартда отам ва Мария меникига боришмоқчи, – давом этди Шарлотта. – Сен улар билан борсанг бўлади. Элиза, рост, борсанг жуда хурсанд бўламан.

Никоҳ ўқилгач, ёшлар черковдан тўппа-тўғри Кентга жўнаб кетишди ва одатда бўладигандек, никоҳ

тўғрисида роса гап-сўзлар бўлди. Тез кунда Элизабет дугонасидан хат олди. Шундан сўнг улар, олдингичалик бўлмаса-да, тез-тез хат орқали бир-бирлари билан гаплаша бошлашди. Ҳар сафар хат ёзишга ўтирар экан, Элизабет дугонаси билан руҳан яқинлиги олдингидек эмаслигини сезгандек бўларди. Канда қилмай хат ёзишар экан, у ҳозирги эмас, ўзларининг аввалги дўстликлари ҳаққи хат ёзаётгандек туюларди. Шарлоттанинг биринчи хатлари катта қизиқиш билан ўқилди. У унга ўзининг янги уйи ҳақида нималар дейиши, леди Кэтрин унга қандай ёққанлиги, ўзининг бахти ҳақида нималар дейиши ҳамма учун қизиқ эди. Лекин дугонасининг хатларини ўқир экан, Элизабет улар қандай жавоб кутаётган бўлсалар, айнан шу нарсалар ёзилишига эътибор берди, яъни ҳар нарсадан хотиржам, ҳамма нарса бисёр эканлигини, арз қиладиган нарса йўқлигини ёзар эди. Уй, жиҳозлар, қўшнилар ва йўллар – ҳаммаси унинг кўнглидагидек, леди Кэтрин эса ўзига нисбатан жуда дўстона муносабатда экан. Шарлотта тасвирлаган нарсалар мистер Коллинзнинг қўли билан ёзилгандек туюларди. Элизабет дугонасининг ҳаёти тўғрисидаги ҳақиқатни фақат Хансфордга бориб, ўз кўзи билан кўргачгина билишини тушунди.

Жейн бориши биланоқ синглисига Лондонга эсономон етиб келишганини ёзиб юборди. Элизабет Жейн кейинги хатида Бинглилар оиласи тўғрисида бирор нима ёзиб қолар, деб умид қилди. Тез орада у сабрсизлик билан кутган хат келди. Пойтахтда бир ҳафта бўлиб, Жейн Кэролайнни учратмабди ва у ҳақда ҳеч нарса эшитмабди. Жейн буни ўзининг Кэролайнга Лонгборндан юборган хати йўлда қаердадир йўқолиб қолган бўлиши мумкин, деб изоҳларди.

«Холамиз, – давом этди Жейн, – эртага шаҳарнинг ўша қисмига бормоқчи ва мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, Гровнор-стритга бормоқчиман».

Жейннинг кейинги хати у Гровнор-стритга бориб, мисс Бинглини кўрганидан сўнг ёзилган эди:

«Менимча, Кэролайннинг кайфияти йўқроқ эди, лекин у мени кўрганидан жуда хурсанд бўлди ва нега Лондонга келаётганимни унга хабар қилмаганимга роса гина қилди. Демак, унга ёзган хатим қаердадир йўқолган бўлса керак, деганим рост экан. Албатта, мен ундан акасининг соғлиғи ҳақида сўрадим. У соғ-саломат экан, лекин кўп вақтини мистер Дарси билан ўтказгани учун қизлар уни жуда кам кўришаётган экан. Шу куни уларникига биргаликда тушлик қилиш учун мисс Дарси келадиган экан. Очиғини айтсам, мен уни жуда кўргим келаяпти! Мен улар билан кўп бўла олмадим, чунки Кэролайн ва миссис Хёрст қаергадир шошилишаётганди. Яқин кунларда уларни меникида кўраман, деб умид қиламан».

Хатни ўқиб бўлгач, Элизабет бошини чайқаб қўйди: мистер Бингли Жейннинг шаҳарга келганини фақат тасодиф орқалигина билиши мумкин.

Жейннинг Лондонга келганига тўрт кун бўлса-да, у ҳали ҳам мистер Бинглини кўрмаган эди. Жейн бунинг учун ҳеч ҳам хафа эмасман, деб ўзини ишонтиришга уринса-да, мисс Бинглиларнинг ўзига нисбатан беэътиборлигини сезмаслигининг иложи йўқ эди. У ҳар куни нима дейишни ўйлаб, мисс Бинглини кутиб икки ҳафтани ўтказган-да, ахири Гардинерларникига Кэролайн кириб келди. Унинг жуда қисқа вақтга киргани ва қуруққина гап-сўзидан Жейн энди ўзини ортиқ алдаб бўлмаслигига ишонди. Унинг бу пайтда нималарни ҳис қилгани синглисига ёзган хатларида акс этганди:

«Азизам Лиззи! Мисс Бинглининг менга дўстона муносабатда бўлганини чин кўнгилдан, деб ўйлаб қаттиқ янглишганимни эшитиб, менинг устимдан тантана қилмассан, деб умид қиламан. Лекин, сингилжоним, ҳаёт сен ҳақлигингни исботлаган бўлсада, мен ҳатто ҳозир ҳам унинг ўша пайтдаги ўзини

тутишидан келиб чиқиб, менинг ишончим сен унга гумон билан қараганингдан кўра табиийроқ эди, десам мени ўжарликда айблама. Лекин нима учун у мен билан яқинлашишга ҳаракат қилгани менга номаълумлигича қолаяпти. Лекин, ўша пайт яна қайтариладиган бўлса, мен бари бир яна янглишган бўлардим. Кэролайн кечаги кунгача бизникига келгани йўқ эди. Шу пайтгача эса ундан ҳеч қандай хабар ҳам келмади. Келганиданоқ унинг учрашувимиздан хурсанд бўлгани сезилгани йўқ. У шу пайтгача мени кўришга келмагани учун совуққина узр сўраб қўйди, келгусида мен билан кўришиб турмоқчи эканлиги тўғрисида бирор оғиз ҳам сўз айтмади. Дугонам шундай ўзгариб кетган эдики, кетгач, мен у билан энди алоқани давом эттирмасликка қарор қилдим. Лекин, афсуски, уни айдор қилмасдан иложим йўқ. Миссис Бинглининг мен билан ўртоқ тутинишининг ҳожати йўқ эди – мен сени ишонтириб айтаманки, ҳар сафар яқинлашиш учун унинг ўзи қадам қўйган эди. Лекин бари бир унга раҳмим келади, чунки яхши иш қилмаётганига ақли етса керак. Бу хатти-ҳаракати акасининг тақдирига бепарво қарамаётганидан бўлса керак. Буни бошқача тушунтиришнинг иложи йўқ. Сен билан иккаламиз Кэролайннинг хаботир олишига асос йўқлигини билсак-да, у шуни ҳис қилаётган экан, бу унинг менга бўлган муносабатининг сабабини англатади. Бунинг устига акаси унинг мехрига муносиб ва синглисининг унга нисбатан ғамхўрлик қилиши ҳам табиийдир. Лекин, бари бир, мисси Бинглининг мендан қўрқиши ҳайрон қолдираяпти, чунки ҳали ҳам акасининг ёдида бўлганимда биз аллақачон учрашган бўлардик. У менинг Лондонга келганимни билади, менинг бунга ишончим комил – мисс Бинглининг ўзи бир айтганди. Шундай бўлсада, унинг гап оҳангидан, акаси мисс Дарсини севади деб худди ўз-ўзини ишонтиришга уринаётганга ўхшайди. Мен ана шу нарсани тушунмаяпман. Ле-

кин мен ҳамма ёмон фикрларни ўзимдан ҳайдашга уринаяпман ва фақат ёқимли нарсалар тўғрисида – сен билан иккаламизнинг дўстлигимиз, амаким ва холамизнинг менга нисбатан ғамхўрликлари тўғрисида ўйлашга ҳаракат қилаяпман. Иложи бўлиши билан менга тезроқ хат ёзиб юбор. Мисс Бингли, жуда ишонарли бўлмаса-да, акаси энди Незерфилдга бормаслигини ва ижара уйдан воз кечишини айтди. Бу гапларни уйда яхшиси айтиб ўтирмай қўя қол. Ханс-фордлик дўстларимиз ҳақидаги яхши хабарлардан хурсанд бўлдим. Сэр Уильям ва Мария билан уларникига албатта боргин. У ерлар сенга ёқади деб ишонаман.

Сенинг Жейнинг»

Бу хатдан Элизабетнинг кўнгли оғриди. Лекин опасининг энди жуда бўлмаганда мисс Бинглига алданиб қолмаслигини ўйлаб, руҳи бир оз кўтарилди. Мистер Бинглига нисбатан эса энди тамоман умид йўқ эди. Элизабет энди ҳатто йигит опасининг кетидан юришини хоҳламай ҳам қолди – қизнинг олдида унинг шунчалик обрўси қолмаганди. Ва қиз Бинглининг мисс Дарси билан тўйи тезроқ бўлиб ўтишини чин дилдан тилади, бу нарса Жейнга осойишталик, йигитнинг ўзига эса жазо бўлган бўларди, чунки Уикхемнинг айтганлари рост бўлса, Жоржиана ўз табиати билан тез кунда Бинглини тавбасига таянтирган бўларди.

Шу кунларда Элизабет миссис Гардинердан ҳам хат олди. У хатида қизга Уикхем ҳақидаги ваъдасини эсига солиб, янгиликларни ёзиб юборишни сўраган эди. Элизабетнинг бу ҳақда ёзган нарсаси ўзидан ҳам кўра холасига ёқимлироқ эди: Уикхемнинг ўзига нисбатан бўлган қизиқиши сўниб, ҳозирда у бошқа қизга қараб кетган эди. Элизабет буни вақтида сезиб қолиб, ушбу воқеани совуққонлик билан қарши олди ва холасига ҳам буларни тинчгина ёзиб юборди. Агар ўзи етарли даражада мол-мулкка эга бўлганда, йигит бундай қил-

маган бўларди, деган фикр ҳам унинг юрагига тегмади. Йигит ҳозир кўнглини олишга ҳаракат қилаётган қизнинг ундан юқорилиги шунда эдики, у бирданига ўн минг фунтга эга бўлиб қолганди. Элизабет, Шарлотта билан бўлган воқеадагидан фарқли ўлароқ, Уикхемнинг мустақилликка интилиши учун таъна қилмади. Қайтага ҳаммаси нарса табиий бўлди-ку! Ўз хоҳишидан воз кечиш бари бир йигитга бир оз оғир бўлган, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмасликка уриниб, унинг бу қарори ўйлаб қилинганига ва бу иккаласи учун ҳам тўғри бўлганига ўзини ишонтира билди ва чин юракдан Уикхемга бахт тилади.

Ўйлаганларининг ҳаммасини миссис Гардинерга ёзар экан, давом этди:

«Холажон, мен чинакамига севиб қолмаганимга амин бўлдим. Чунки агар мен бундай самовий ва тоза туйғуларни ҳис қилганимда эди, ҳозир унинг номини эшитибоқ сакраб тушган ва унга ёмонликлар тилаб ўтирган бўлардим. Мен эса нафақат унинг ўзига, балки мисс Кингга ҳам дўстона муносабатдаман. Мен у қизга нисбатан ҳеч қандай нафрат ҳиссини туймаяпман ва ҳатто у ҳақида ёмон сўз айтишни ҳам хоҳламайман. Ўзимни тута олишим менга ёрдам берди. Агар уни ростакамига севиб қолганимда атрофдагилар учун жуда қизиқ бўлган бўларди, лекин мен бу воқеадан ғамга ботиб ўтирибман, дея олмайман. Баъзан шуҳрат қозониш жуда қимматга тушади. Китти билан Лидия унинг хоинлигини мендан кўра юракларига яқин олишди. Улар ҳали жуда ёш ва энг келишган йигитлар ҳам худди энг кўримсиз йигитлардек яшаш учун мол-мулкка эга бўлишлари керак, деган ҳақиқатни тушунишмайди».

IV БОБ

Январь ва февраль ойлари Беннетлар оиласи учун ҳеч қандай муҳим воқеаларсиз ўтди. Баъзан Меритон бўйлаб гоҳ музлаган, гоҳ лой бўлиб ётган кўчаларда айланиб келишларини ҳисобга олмаса, кунлар бир хил ўтарди. Март ойида Элизабет Хансфордга бориши керак эди. Аввалига у бу саёҳат ҳақида жиддий ўйламаётганди. Лекин ўйлаб-ўйлаб, Шарлотта чиндан ҳам унинг келишини кутаётган бўлиши мумкинлигига ишониб, ва бу саёҳатга албатта бўлиши лозим бўлган ва жуда ҳам ёқимсиз ҳодиса эмас, деб қарай бошлади. Дугонаси билан айрилиқ унга бўлган интилишни кучайтирган ва мистер Коллинзга бўлган душманлик ҳиссини ҳам юмшатган эди. Бу саёҳат унга янги таассуротлар ваъда қилар, онаси ва жанжалкаш сингиллари билан муносабатларини доим ҳам ёқимли деб бўлмагани учун, вақтинчалик шароитни алмаштириш ўзига ҳам ёқаётган эди. Саёҳат, бундан ташқари унга Жейнни кўриб келиш имкониятини ҳам берар эди. Хуллас, сафар вақти яқинлашар, агар уни кечиктириш керак бўлиб қолса, қиз энди ачинган бўларди. Бироқ, ҳеч қандай қаршилик келиб чиқмади ва ҳамма нарса Шарлотта аввалдан режалаштиргандек ҳал бўлди: Элизабет сэр Уильям ва унинг иккинчи қизи Мария билан йўлга чиқиши керак эди. Бир кечани Лондонда ўтказиш таклифи ҳам ҳаммага маъқул бўлди.

Элизабетнинг хурсандчилигига рахна солаётган нарса фақат отаси билан айрилиқ эди. Қизининг уйда йўқлигини энг ҳис қиладиган ҳам отаси эди. Жўнаш вақти келганда мистер Беннет қизини ҳеч ҳам қўйиб юборгиси келмади ва унга албатта хат ёзиб туришни буюрди.

Уикхем билан хайрлашув эса дўстона кечди. Йигит Элизабетнинг биринчи бўлиб ўзи унинг диққатини жалб қилганини, биринчи бўлиб уни тинглаганини ва

ўзининг ҳамдардлигини билдирганини, биринчи бўлиб унинг диққатига сазовор бўлганини унутмаган эди. Унинг қиз билан унга яхшиликлар тилаб хайрлашишида ҳам, леди Кэтрин де Бёрдан нима кутиши мумкинлигини эсига солаётганида ҳам, бу аёл ва бошқа ўзи учун умумий бўлган танишлар тўғрисида фикри бир жойдан чиқишига аминлигини айтаётганда ҳам бир дўстона оҳанг бор эдики, гўё Элизабетнинг эътиборини бутунлай қозонгандек. Йигит билан хайрлашар экан, Элизабет унинг уйланганми ёки йўқлигидан қатъи назар, ўзи учун энг яхши йигит тимсоли бўлиб қолишига амин эди.

Эртаси куни Элизабетга қўшилган ҳамроҳлари унинг Уикхем билан хайрлашувидан қолган хуш кайфиятига асло халақит бермадилар. Сэр Уильям Лукас ва унинг юмшоққўнгил, лекин отасидан баттар тентак қизи Мария бир оғиз ҳам маънили гап айтмас, Элизабет эса уларнинг гапларига ғилдиракларнинг ғирчиллашига қандай қулоқ тутаётган бўлса, шундай қулоқ солиб кетар эди. Инсон табиатининг қизиқлиги доим унинг эътиборини тортарди, лекин сэр Уильямни анчадан бери биларди. Сарой тартиблари тўғрисида гапириб кетар экан, Элизабетга ҳеч қандай янгилик очмади.

Ҳамроҳлар ҳаммаси бўлиб йигирма тўрт мил юришлари керак бўлиб, тушликкача Грейсчёрч-стритга етиб келиш учун улар вақтли йўлга чиқишган эди. Мистер Гардинернинг уйига яқинлашганларида Жейн меҳмонхона деразасидан қараб, уларнинг келишларини кутаётган эди. Қиз меҳмонларни кираверишда кутиб олди. Элизабет опасининг очилиб кетганидан хурсанд бўлиб кетди. Зинада уларни бир неча ёш болалар кутиб туришарди. Бир йиллик фурсатдан сўнг амакиваччаларининг ҳолати улар учун қизиқ эди.

Куннинг биринчи ярми дўкон айланиш билан, иккинчи ярми эса театрга саёҳат қилиш билан ўтди.

Элизабет, ниҳоят, миссис Гардинер билан гаплашишга эришди. Уларнинг суҳбати аввало Жейн ҳақида бўлди. Элизабет бир қанча сўраб-суриштиришлардан сўнг Жейн ўзини қўлга олишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, гоҳи пайтларда эзилаётганини эшитиб, хафа бўлиб кетди. Миссис Гардинер мисс Бинглининг ташрифи ва ўзининг Жейн билан бир неча марта қилган суҳбати ҳақида гапириб, Жейннинг бу танишувни мутлақо ёддан чиқаришга қарор қилганини айтди.

Миссис Гардинер мистер Уикхемнинг хиёнати ҳақида Элизабетга ҳазиллашиб, уни бу хиёнатни мардонавор ўтказгани билан табриклаб, деди:

– Айтганча, мисс Кинг кимлигини биласизми? Бизнинг ёш дўстимиз ҳамма нарсани фақат ўз манфаатини ўйлаб қилишига ишонишни хоҳламасдим.

– Лекин уйланиш ва турмушга чиқиш масалаларида ўз манфаати учун ёки ақл билан иш қилиш ўртасида аниқ чегара бормикин ўзи? Ўйлаб иш қилиш қаерда тугаб, очкўзлик қаерда бошланишини ким билади? Рождество байрами кунлари сиз у ақлдан озиб менга уйланишидан қўрқаётган эдингиз. Энди эса у ўн минг фунт пулигина бор қизга уйланаётгани учун уни бошқа нарсада айблаяпсиз.

– Агар мисс Кинг қандай қизлигини айтсанг, мен сенга у тўғрисида хулоса чиқариб бераман.

– Менимча, жуда ажойиб қиз. У ҳақида бирорта ёмон гап айтолмайман.

– Лекин миссис Кинг буваси ўлиб, бу пулларга қиз эга чиқмагунча йигит унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамаган эди-ку!

– Ҳа, нима қилибди? Агар менинг камбағаллигим учун у менга қайрилиб қарамаган экан, нега энди агар унга ёқмаган бўлса ҳам мендан бойроқ бўлмаган худди шундай қизнинг орқасидан юриши керак?

– Унинг қиз мерос олиши билан унга эътибор қила бошлагани сенга уятли бўлиб туюлмаяптими?

– Етишмовчиликлар орасида яшаётган одамга ҳамма учун мажбурий ҳисобланган одатларга доим ҳам амал қилиш қийин. Агар қизнинг ўзи қарши бўлмаса бизга нима?

– Мисс Кингнинг кўнгилчанлиги мистер Уикхемни оқламайди. Бу фақат унинг ақли калталиги ёки бефаросатлигидан дарак беради.

– Майли, сиз айтганча бўла қолсин: у – юлғич, қиз эса – тентак.

– Лиззи, бунинг менга ҳеч ҳам кераги йўқ. Наҳотки мен дербиширлик йигит ҳақида ёмон ўйлагим келмаётганини сен тушунмаётган бўлсанг?

– Ҳа-а-а, мана гап нимада экан! Агар гап шунда бўлса, менинг дербиширлик йигитлар ҳақидаги фикрим жуда ҳам юқори эмас. Уларнинг Хартфордширда яшайдиган энг яқин дўстлари ҳам улардан қолишмайди. Ҳаммасидан ҳам нафратланаман. Худога шукурлар бўлсинки, эртага бирорта ҳам ижобий фазилатларга эга бўлмаган, на ақли ва на хатти-ҳаракатлари билан ажралиб турмайдиган одамни кўраман. Ўзи фақат тентаклар билан муомала қилиш керак.

– Лиззи, эҳтиёт бўл. Гапларингдан ҳафсаланг пир бўлганга ўхшайди.

Спектакль тугаш арафасида Элизабетга мистер ва миссис Гардинерлардан уларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатлари даврида бирга айланиш учун таклиф тушди:

– Ҳали қаергача боришни ҳал қилганимизча йўқ. Балки Кўллар ўлкасигача борармиз.

Бошқа ҳеч бир нарса Элизабетни шунчалик хурсанд қилмаган бўларди. У таклифни миннатдорчилик билан бажонидил қабул қилди:

– Азизам, меҳрибоним, холажоним, – ҳаяжон билан хитоб қилди у. – Қандай яхши! Сиз менга янги ҳаёт бағишладингиз! Баландликлар ва қоялар олдида одамлар нима деган гап! Олдимизда қандай ажойиб дамлар турибди! Биз эса қайтиб келгач, икки оғиз гапни

бирга қўшиб айтолмайдиган сайёҳлар эмасмиз. Кимкиму, биз қаерларда бўлганимизни ва нималарни кўрганимизни айтиб бера оламиз. Кўллар, тоғлар ва дарёлар эсимиздан чиқмайди ва бирорта ажойиб нарсани тасвирлаб туриб тутилиб қолмаймиз. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳикоямиз тингловчиларга бошқаларникига ўхшаб зерикарли бўлиб туюлмайди.

V БОБ

Эртаси куни саёҳат давомида Элизабетнинг диққатини тортган ҳамма нарса унга янги ва қизиқ бўлиб туюлиб, юраги хурсандчиликдан гурс-гурс урарди. Жейннинг кўриниши унинг соғлиғидан хавотир олмаса ҳам бўлишини айтиб турар, шимолга саёҳат эса қувончли кайфият учун баҳона эди.

Кареталари катта йўлдан Хансфордга олиб борадиган лой кўчага бурилар экан, йўловчилар ҳар бир муюлишда бўлиши мумкин бўлган пасторнинг уйини кўзлари билан қидира бошлашди. Улар Розингс парк ёнидан ўтишар экан, Элизабет бу ернинг одамлари тўғрисида эшитганларини эслаб, жилмайиб қўйди.

Ниҳоят, мистер Коллинзнинг уйи ҳам кўринди. Ичкаридан уйи кўриниб турган, йўлга туташиб кетган боғ, яшил тўсиқ, лавр бутаси – ҳаммаси кутилган маррага етиб келинганини билдириб турарди. Эшикда кулиб ва таъзим қилишиб, мистер Коллинз ва Шарлотта кўринишди, кулиб ва таъзим қилиб турган пассажирли экипаж ҳам уйдан торгина тошли йўлак ажратиб турган эшик олдида тўхтади. Келганлар ўша заҳоти каретадан тушиб, уй эгалари билан кўриша кетишди. Миссис Коллинз дугонасини жуда суюниб кутиб олди, буни кўриб Элизабет ҳам келишга рози бўлганидан хурсанд бўлди. У узундан-узоқ қилиб оиланинг ҳар бир аъзоси ҳақида сўраб, меҳмонларни эшик олдида ушлаб қолган мистер Коллинзни кўриб, уйланиш

уни ҳеч ҳам ўзгартирмаганини дарров сезди. Уй ичига киришар экан, эшик олдида ҳозиргина хотини айтган гапларни такрорлаб, уларни ўзининг камтарона бошпанасига таклиф қилди.

Элизабет мистер Коллинзнинг ҳақиқий қиёфасини рўй-рост кўришга олдиндан ҳозирланиб келган эди. Мистер Коллинз уйининг ичларини, жиҳозларни, деразадан ташқариларни кўрсатар экан, Элизабетга бу ҳолат худди унга турмушга чиқмай нималардан қуруқ қолганини қизга кўрсатиб қўйиш учун гапираётгандай бўлиб туюлди. Қиз эса, ҳамма нарса шинам бўлиб кўринса-да, ўзини унга турмушга чиқмагани учун ачинаётгандек қилиб кўрсата олмади, дугонасининг эса, у қандай қилиб шундай умр йўлдоши билан яшаб, ўзини хушчақчақ тута олаётганига ҳайрон эди. Мистер Коллинз хотинини ноқулай аҳволга солиб қўядиган бирор нарса деганда – бу эса бир неча марта такрорланди – Элизабет ҳар сафар Шарлоттага қараб қўярди. У бир-икки марта дугонасининг қизариб кетганини сезди, лекин Шарлотта кўп ҳолларда эрининг бундай гапларини қулоғининг тагидан ўтказиб юборарди. Меҳмонхонада у ердаги ҳамма нарсани – буфетдан тортиб камин панжарасигача муҳокама қилишиб, саёҳатларини тасвирлаб, Лондонда нималарни кўрганлари тўғрисида гапиришиб, етарлича ўтиришгач, меҳмонлар уй эгаси билан унинг ўзи барпо қилган ажойиб боққа чиқишди. Боғда ишлаш йигитнинг севган машғулоти эди ва Шарлотта жисмоний меҳнатнинг фойдали эканлиги ва эрининг бу қизиқишини юракдан қўллаб-қувватлашини айтар экан, ўзини жуда яхши тутаётганини Элизабет мамнун бўлиб кузатди. Меҳмонларни узунасига, кўндалангига ўтган йўлкалардан олиб юрар экан, мистер Коллинз олдида пайдо бўлаётган ҳар бир гўзалликка уларнинг диққатини тортар, лекин бу гаплардан гўзаллик гўё ўзининг мафтункорлигини йўқотаётгандек бўларди. Лекин унинг

боғининг, графлик ва ҳатто қиролликнинг овозасини ёядиган нарса дарахтлар орасида кўриниб турган, тепаликда қурилган чиройли замонавий бино эди.

Мистер Коллинз уларни боғдан тўғри даласига олиб бормоқчи эди, лекин аёлларнинг оёқ кийимлари ҳали эриб битмаган қорда юришга ноқулай бўлгани учун у билан фақат сэр Уильям бирга кетди. Шарлотта эса, эри йўқлигидан фойдаланиб, синглиси ва дугонасига уйни айлантириб кўрсатиб чиқмоқчи бўлди. Бино катта эмас, лекин қулай ва пухта ўйлаб қурилган эди. Бу ерда ҳамма нарса дид билан жиҳозланган бўлиб, Шарлоттанинг бекалик қобилиятидан дарак бериб турарди. Ҳамма нарсада тўла-тўкислик уфуриб турарди. Шарлоттанинг хотиржам юзига разм солар экан, Элизабет дугонаси ростдан ҳам кўп ҳолларда эрини эсга олмаслигига амин бўлди.

Леди Кэтриннинг ҳали ҳам Лондонга кўчиб ўтмагани Элизабетга маълум эди. Тушликда бу тўғрисида гап кетар экан, суҳбатда иштирок этаётган мистер Коллинз деди:

– Ҳа, мисс Элизабет, якшанба куни сиз черковда леди Кэтрин де Бёрни кўриш шарафига муяссар бўласиз ва ундан қанчалик ҳайратланишингизни айтиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Мен учун бекам камтарлик ва самимийлик тимсолидир. Аминманки, хизматингиз тугагач, сиз унинг назарига тушасиз. Яна иккиланмасдан айтаманки, у хотиним Шарлоттага нисбатан ҳам жуда эътиборли. Биз Розингсда ҳафтасига икки марта тушлик қиламиз ва ҳеч қачон уйга яёв қайтмаймиз: зоти олияларининг экипажи бизнинг хизматимизда. Экипажларидан бири деб айтсам тўғрироқ бўлади, чунки улар битта эмас.

– Леди Кэтрин ростдан ҳам оғир-босиқ маънили аёл, – эрининг гапларини тасдиқлаб деди Шарлотта. – Жуда эътиборли қўшни ҳам.

– Тўппа-тўғри, азизам, мен ҳам худди шундай демоқчи эдим. Бундай инсонга нисбатан ҳурмат ҳеч қачон ҳаддан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Кечқурун асосан Хартфордширдаги янгиликлар ҳақида гаплашиб ўтиришди. Ўз хонасида ёлғиз қолар экан, Элизабет дугонасининг ўз тақдиридан қанчалик қониқаётганлиги ҳақида, унинг эрига муносабатларида қандай йўл тутаётгани тўғрисида ўйлаб кўриб, дугонаси ҳамма нарсани тўғри қиляпти, деган хулосага келди. Ҳатто ўзининг бу ерга ташрифи қандай ўтишини ҳам кўз олдига келтирди: одатдаги уй ишлари ва дугонаси билан суҳбат, мистер Коллинзнинг ёпишқоқлиги, Розингсда бўладиган тантанали учрашув – ҳаммаси кетма-кет унинг кўз олдидан ўта бошлади.

Эртаси куни Элизабет айланиб келиш учун хонасида кийинаётганида бирдан пастдан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Мистер Коллинзнинг уйи худди остин-устин бўлаётгандек эди. Аста қулоқ солар экан, кимдир уни чақириб зинадан чиқиб келаётганини сезди. Эшикни очаётиб, ҳансираб келаётган Марияни кўрди:

– Элиза, азизам, Худо ҳақи, тезроқ! Ошхонага югуринг. Деразадан кимни кўришингизни билсангиз эди! Ўзим ўлсам ҳам айтмайман! Тезроқ, тезроқ, бўла қолинг!

Элизабет Мариядан гап нимадалигини сўраб қистагани ҳеч иш бермади. Қиз унга бари бир ҳеч нимани айтмади ва иккаласи ошхонанинг кўча томонга қараган деразасига қараб югуришди. Деразадан улар уйнинг эшиги олдида тўхтаган файтонда ўтирган иккита аёлни кўришди.

– Шугинами? – хитоб қилди Элиза. – Мен эса боққа чўчқа кириб қолибди, деб ўйлабман, булар атиги леди Кэтрин билан қизи экан-ку.

– Элиза, нималар деяпсиз! – деди Мария унинг янглишганидан жаҳли чиқиб, – қанақа леди Кэтрин? Кекса аёл – бу миссис Женкинсон, унинг шериги, ёшроғи

эса мисс де Бёр! Яхшилаб қаранг. Қанақа кичкина-я! У шунақа озғин ва кичкинагина деб ҳеч ўйламагандим!

– Шундай шамолда улар Шарлоттани кўчада ушлаб туришлари яхши эмас. Уйга кириш қийин эканми?

– Шарлотта улар ҳеч ичкарига киришмаслигини айтганди. Мисс де Бёрнинг уйга кириши шуни ўзига муносиб кўрганидан эмиш.

– Менга унинг кўриниши ёқди, – деди Элизабет, бўлган воқеалар эсига тушиб. – У касалманд ва асабийга ўхшайди. Жуда яхши, унга муносиб хотин бўлишга арзийдиган қиз.

Эшик олдида Шарлотта ва мистер Коллинз файтондаги аёллар билан гаплашиб туришарди. Сэр Уильям эса кираверишда жойлашиб олиб, меҳмонларга ҳурмат билан тикилиб турар, ҳар сафар мисс де Бёрнинг унга кўзи тушганда, эгилиб таъзим қиларди.

Охири гаплари тугагач, файтондагилар жўнаб кетишди ва эр-хотин уйга киришди. Коллинз қизларни кўриши билан уларга янгиликни айтиб, табриклади. Шарлоттанинг айтишича, янгилик эртанги кунга уларни Розингсга меҳмонга таклиф қилишганидан иборат экан.

VI БОБ

Мистер Коллинз меҳмонга таклиф қилинганидан жуда хурсанд эди. У меҳмонларга ўз бекасининг қанчалар олий табақадан чиққан ва ҳурматли эканлигини, унинг ўзи ва хотинига нисбатан ҳурматини кўрсатиб қўйгиси келаётганди. Ушбу таклиф жуда тез бўлганини ҳисобга оладиган бўлса, ростдан ҳам бу леди Кэтриннинг унга бўлган яхши муносабатидан дарак бераради.

– Тан оламан, – деди у, – агар зоти олиялари бизни дам олиш куни кечқурун чойга таклиф қилганида ҳам менга эриш туюлмаган бўларди. Аксинча, унинг жуда

кўнгилчанлигини билганим учун мен ҳатто бунга тайёр эдим. Лекин у бизга шунчалик эътибор беради, деб ким ўйлабди дейсиз! Келишимиз билан бизни меҳмонга таклиф қилишади, яна ҳаммамизни таклиф қилишади, деб кимнинг хаёлига келибди дейсиз!

– Мени бу ҳеч ҳам ҳайратга солгани йўқ. Худога шукурки, жамиятдаги ўрним орқасидан мен юқори табақадаги кишиларнинг одатлари билан бир оз танишман, – деди сэр Уильям. – Ва айтиб ўтишим лозимки, бундай одатлар саройда камёб нарса эмас.

Ўша куни ва эртаси куннинг эрталабки қисми зоти олияларининикига бориш ҳақида бўлди. Мистер Коллинз меҳмонлар катта залларни, ҳисобсиз хизматкорлар ва ажойиб ясатилган дастурхонни кўрганларида ўзларини йўқотиб қўймасликлари учун уларни Розингсда нималар кутаётганига тайёрлади.

Аёллар ясаниш учун хоналарига тарқалишар экан, у ўзича маслаҳат бериш учун Элизабетни тўхтатди:

– Сиз кийимингиз ҳақида безовта бўлмасангиз ҳам бўлади. Леди Кэтрин бизлардан ўзи ва мисс де Бёргагина хос бўлган ясан-тусанни кутмайди. Мен сизга шунчаки сал байрамона бир кўйлак кийишингизни маслаҳат берардим. Сизни ишонтириб айтаманки, соддагина кийинсангиз леди Кэтрин сиз ҳақингизда ёмон ўйламайди. Аксинча, қайтага жамиятдаги ўринларингиз ажралиб тургани бу аёлга ҳатто ёқади.

Ҳамма кийинаётганда мистер Коллинз ҳар бир эшикнинг олдига бориб, зоти олиялари кеч қолганни ёқтирмаслигини айтиб, тезроқ бўлишга шоширди. Элизабет мистер Коллинз кутганчалик бўлмаса-да, бўлажак меҳмондорчиликни кўз олдига келтириб, ҳаяжонланарди. Лекин боражак ерларидаги уйнинг деразалари сони, уларга қачонлардир марҳум сэр Льюис де Бёр қўйдирган ойналарнинг нархи уни ҳайратлантирмаётганди.

Улар уй олдига яқинлашишар экан, Мариянинг қўрқоқлиги кучая бошлади, ҳатто сэр Уильям ҳам хо-

тиржам эмасди. Элизабет эса, аксинча, ҳеч қандай қўрқувни ҳис қилмади. У илгари леди Кэтриннинг бирор истеъдоди ёки бир бошқа хислатлари ҳақида ҳеч нарса эшитмаган, бойлик ва ҳаммага таниқлилик ҳақида эса ҳаяжонланиш шарт эмас, деб ҳисобларди.

Мистер Колинз уларнинг эътиборини катталиги ва безакларига қаратган хонадан ўтиб, хизматкорлар кетидан миссис де Бёр ва миссис Женкинсон ўтирган хонага киришди. Леди Кэтрин меҳмонларни кутиб олиш учун ўрнидан туришни ўзига эп кўрди. Шарлотта уларни бекага ўзи таништиришини эри билан келишиб олгани учун таништирув маросими ортиқча, акс ҳолда мистер Коллинз бу шароитда айтиши мумкин бўлган гапларсиз, самимийгина ўтди.

Сэр Уильям бир пайтлар ҳатто Сент-Жеймсда бўлиш бахтига мушарраф бўлган эса-да, ҳозир атрофдаги муҳташамлик уни эзиб келаётган эдики, у зўрға чуқур таъзим қилиб, ўзига кўрсатилган ўринга бориб ўтирди. Унинг қўрқиб кетган қизи эса кўзини ердан узолмай, зўрға стулнинг четига ўтирди. Фақат Элизабетгина ҳеч қандай ҳаяжонсиз олдидаги учта аёлга бемалол қарай олди. Леди Кэтрин бир пайтлари чиройли бўлгани сезилиб турган баланд бўйли, тўладан келган аёл экан. Унинг ўзини тутишида меҳмонларни кимлигини унутиб, бемалол ёзилиб ўтиришга чорлайдиган хоҳиш йўқ эди. Мезбоннинг индамаслиги одамнинг юрагига қўрқув солмасди, бироқ Уикхем айтгандек, унинг ҳар бир гапида ўзининг шахси қандай улуғлигини таъкидлаш оҳанглари сезилиб турарди. Бутун меҳмондорчилик давомида Элизабет леди Кэтрин худди ўзига тасвирлашганидек эканлигига тан бериб ўтирди.

Уй бекасига тикилиб ўтирар экан, Элизабет аёлнинг ҳаракатлари ва юзида мистер Дарси билан қандайдир ўхшашлик борлигини сезди. Қизига қараб эса унинг Мария Лукасга ўхшаб ориқлигидан ҳайрон

қолди. Она ва қизи ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ эди. Мисс де Бёр рангпаргина бўлиб, касалманд кўринарди, юз тузилишлари тўғри бўлса-да, кўримсиз эди. Унинг миссис Женкинсонга бир неча мартагина гапирганини айтмаса, доимо жим ўтирарди.

Ҳали ўтирганларига беш дақиқа ҳам бўлмай, уларни ташқарини томоша қилиш учун дераза олдига таклиф қилишди. Мистер Коллинз атрофни мақтай кетди, леди Кэтрин эса ёзда бу ерлар бундан ҳам чиройли бўлишини таъкидлади.

Тушлик ҳақиқатан ҳам ажойиб бўлиб, меҳмондорчилик давомида мистер Коллинз айтгандек қимматбаҳо идиш-товоқлар ва хизматкорларни кўришди. Беканинг хоҳишига биноан йигитга беканинг рўпарасидан жой ажратилди. Унинг ўзини тутиши худди унга энг буюк эҳтиром кўрсатилаётгандек эди. У пичоқ-қошиқни усталик билан ишлатар ва ҳар бир берилаётган овқатдан завқланар эди. Таомлар ҳақида ўз фикрини аввал мистер Коллинз айтди, кетидан эса анча ўзига келиб қолган сэр Уильям куёвининг сўзларини қайтарди. Элизабетни ҳайрон қолдирган нарса, леди Кэтрин бу гапларни шунчаки эмас, балки айтилган мақтовлардан ғурурлангандек эшитар, айниқса, ҳар сафар улар учун нотаниш бўлган овқат келтирилганда меҳмонларга бир бошқача назар билан қараб қўяр эди. Овқат пайтида суҳбатлашишмади. Элизабет гапиришга уринмоқчи эди, лекин у Шарлотта ва мисс де Бёрларнинг ўртасида ўтирган бўлиб, Шарлотта фақат беканинг гапини тинглаётган, леди де Бёр эса ҳали Элизабетга бир оғиз ҳам сўз қотмаганди. Миссис Женкинсоннинг диққати эса фақат қарамоғидаги қизда бўлиб, уни хадеб овқат ейишга ундар, ўзини қандай ҳис қилаётганини сўрайверар эди. Мария бир оғиз ҳам гапиролмас, эркаклар эса фақат овқат еб маза қилишарди.

Аёллар меҳмонхонага қайтиб келишгач, қаҳва келтиргунларича Элизабетнинг леди Кэтриннинг гапларини эшитиб ўтиришдан бошқа иложи қолмади. Леди

Кэтриннинг гап оҳангидан у ўзига гап қайтаришларига ўрганмаганлиги сезилиб турарди. У Шарлоттадан уйи ҳақида батафсил ҳамма нарсани сўраб, унга ҳар хил маслаҳатлар берди, ўзининг кичкинагина хўжалигини қандай юритиши кераклигини тушунтирди, қушлар ва сигирларга қандай қараш кераклигини ҳам айтиб ўтди. Элизабет бу гаплардан, аёл учун унинг назаридан қочмайдиган, айниқса, агар улар бировни ўқитиш учун хизмат қиладиган бўлса, майда-чуйда нарсалар йўқлигини тушунди. Миссис Коллинз билан суҳбатини тугатгач, леди Кэтрин ҳар хил саволлар билан Мария ва Элизабетга мурожаат қилди. Уни, айниқса, мисс Беннет қизиқтирди. Аста-секин у Элизабетдан нечта опа-синглиси борлигини, улар турмушга чиқишадими ёки йўқми, чиройлими ва қаерда тарбияланишганини, отасининг экипажи қанақалигини, онасининг қизлик фамилияси нималигини сўраб олди. Элизабет берилаётган саволларнинг юзсизларча эканлигини ҳис қилиб турса-да, уларнинг ҳаммасига тўлатўкис жавоб берди. Леди Кэтрин давом этди:

– Мен уй-жойларингиз ота томонидан мерос эканлигини ва кейинчалик мистер Коллинзга ўтишини эшитгандим. Бу ҳолда, миссис Коллинз, сизнинг қизиқишларингиздан келиб чиқиб хурсанд бўлмай иложим йўқ, – деди у Шарлоттага қараб, – Лекин умуман айтганда, аёлларни меросдан маҳрум қилишларини мен қўллаб-қувватламайман. Худога шукурки, сэр Льюис де Бёрлар хонадонида бундай тартиб-қоидалар йўқ. Мисс Беннет, сиз бирор нима чалиб ашула айта оласизми?

– Бир оз қўлимдан келади.

– Унда бирор кун сизни эшитамиз. Менда, биласизми... зўр мусиқа асбоби бор. Ўзингиз тан берасиз. Опасингилларингиз ҳам чалиб ашула айтишадими?

– Ҳа, биттаси.

– Нега фақат биттаси? Ҳаммаларини ўргатиш керак эди. Мистер Уэббнинг ҳамма қизлари мусиқа би-

лан шуғулланишади, уларнинг отаси эса сизнинг отангиздан ҳам кам топади. Сиз расм соласизми?

– Афсуски йўқ.

– Қанақасига? Бирортангиз ҳам-а?

– Бирортамиз ҳам.

– Қизиқ. Ўрганишга сизларда имконият бўлмаган бўлса керак. Онангиз сизларни ҳар баҳорда дарс олиш учун пойтахтга олиб келиши керак эди.

– Онамнинг қаршилиги йўқ эди, лекин отам Лондонни ёқтирмайди.

– Гувернантка[1]ларингиз кетиб қолганми?

– Бизнинг ҳеч қачон гувернанткамиз бўлмаган.

– Гувернанткангиз бўлмаган? Ақлга тўғри келмайди! Бешта қиз гувернанткасиз ўсган! Бунақасини ҳеч эшитмаганман. Онангизнинг сизларга қарайман деб бир дақиқа ҳам тинчи бўлмаган бўлса керак!

Леди Кэтринни хато ўйлаётганига ишонтираётиб, Элизабет кулиб юборишдан ўзини зўрға тийди.

– Унда сизларнинг билим олишларингиз билан ким шуғулланган? Ким сизларга қараган? Гувернантка бўлмаган бўлса, ўз ҳолингизга ташлаб қўйишганми?

– Бошқа баъзи оилалар билан солиштирадиган бўлсак, балки шундайдир. Лекин бизнинг ўқишни хоҳлаган ҳар биримизга керакли нарсалар ҳаммаси бор эди. Бизни доим китоб ўқишга рағбатлантиришарди ва биз учун керак бўлган ўқитувчиларимиз ҳам бор эди. Албатта, бирортамиз дангасалик қилсак ҳам, гап эшитмасдик.

– Бунга ҳайрон бўлмайман. Гувернанткалар айнан шу нарсага қарашади. Агар мен онангиз билан таниш бўлсам, унга албатта гувернантка олишни маслаҳат берган бўлардим. Мен кўп марта айтганман: кундалик тиришқоқлик билан қилинган машқларсиз билим олиб бўлмайди, бу эса гувернанткасиз асло мумкин

[1] Гувернантка – дворянлар ва боёнлар оиласида ёш болалар тарбияси учун махсус ёлланган аёл.

эмас. Менинг маслаҳатларим жуда кўп оилаларга фойда берган. Шахсан ўзим қанча ёш қизларга иш топиб берганман. Масалан, миссис Женкинсоннинг тўртта жияни жуда яхши жойга ишга жойлашишган. Яқингинада бир оилага менга тавсия қилишган қизни жойлаштиргандим. Улар қиздан жуда хурсанд. Миссис Коллинз, сизга ҳали кеча леди Меткаф кириб менга миннатдорчилик билдирганини айтмадимми? Унинг айтишича, мисс Поуп ҳақиқий бойлик эмиш. У худди шундай деди: «Леди Кэтрин, сиз менга бойлик совға қилдингиз». Мисс Беннет, опа-сингилларингиз меҳмондорчиликларга бориб туришадими?

– Ҳа, ҳаммалари.

– Қандай ҳаммалари? Бир йўла бешаловими? Қизиқ! Ва сиз оиладаги иккинчи қизсиз! Катталари турмушга чиқмай туриб, кичкиналари меҳмондорчиликларга юришади! Сингилларингиз жуда ёш бўлса керак?

– Ҳа, энг кичкинаси ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган. Балки у ростдан ҳам меҳмондорчиликка боришга кичкиналик қилар. Лекин, виждонан айтадиган бўлсак, ҳали катталари турмушга чиқмагани учунгина кичкиналарини ўйнаб-кулишдан маҳрум қилиш уларга нисбатан бағритошлик. Охирги бўлиб туғилган қиз ҳам биринчи бўлиб туғилган қизчалик ёшликдан баҳраманд бўлишга ҳақли. Сен охирги бўлиб туғилганинг учунгина булардан маҳрум бўлиш... Бу ҳолда, менимча, опа-сингиллар ўртасида аҳиллик ва қариндошчиликнинг бошқа яхши фазилатларига умид қилмаса ҳам бўлади.

– Ўлай агар, ёшгина қиз учун сиз жуда жиддий гапларни айтаяпсиз. Қизиқ, неча ёшдасиз?

– Менинг учта кап-катта сингилларим борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, наҳотки, сиз мени ёшимни айтади, деб ўйласангиз? – жилмайиб деди Элизабет.

Леди Кэтрин саволига кутилган жавобни ололмай шошиб қолди ва Элизабет ўзининг шундай мағрур аёлга қарши чиқишга жазм қилган биринчи кимса бўлган бўлиши мумкинлигини тахмин қилди.

– Ишонаманки, ёшингиз йигирмадан катта эмас. Шунинг учун ёшингизни яширишингиз шарт эмас.

– Эҳе, ёшим энди ҳатто йигирма бир ҳам эмас.

Эркаклар ҳам уларга қўшилишиб чойхўрликдан кейин қарта столи атрофига ўтиришди. Леди Кэтрин, сэр Уильям, мистер ва миссис Коллинзлар кадриль ўйнашни бошлашди. Мисс де Бёр казино ўйнашни хоҳлагани учун эса қизлар ва миссис Жекинсон унга қўшилишларига тўғри келди. Уларнинг столи олдида жимлик ҳукм сурарди. Бир партия ўйин давомида, ўйинга боғлиқ бир-икки гапни ҳисобга олмаса, ҳеч ким оғзини очгани йўқ. Фақат миссис Женкинсонгина вақти-вақти билан мисс де Бёрдан унга иссиқми ёки совуқ эмаслигини, жуда ҳам ёруғ ёки қоронғи эмаслигини сўраб, безовта бўларди. Бошқа стол атрофидагилар эса берилиб ўйнашарди. Леди Кэтрин гоҳ шерикларининг хатоларини кўрсатса, гоҳ уларга ўз ҳаётидан бирорта ҳодисани айтиб бериб, тўхтамай гапирар эди. Мистер Коллинз эса унинг ҳар бир гапини тасдиқлар, ҳар бир ютиб олган очкоси учун унга миннатдорчилик билдирар ва ютиб олаётгани учун ундан узр ҳам сўраб қўярди. Сэр Уильям эса кам гапириб, эшитган латифалари ва аристократларнинг номларини ёдлаб қолишга ҳаракат қиларди.

Қарта ўйнаш уй эгаси ва унинг қизининг жонларига теккач, столлар йиғиштириб олинди. Леди Кэтрин Шарлоттага экипаж таклиф қилди ва Шарлотта бунинг учун миннатдорчилик билдиргач, керакли кўрсатмаларни берди. Шундан сўнг ҳаммалари эртаси кунги об-ҳаво ҳақида леди Кэтрин айтадиган гапларни эшитиш учун камин олдига тўпланишди. Мезбоннинг гаплари карета келиши билан бўлинди ва мистер Коллинзнинг узундан-узоқ миннатдорчилик сўзлари ва сэр Уильямнинг таъзимларидан сўнг улар жўнаб кетишди. Ҳали узоқлашмаслариданоқ, миссис Коллинз Элизабетдан унинг Розингс ҳақидаги таассуротларини сўради. Ўртоғининг ҳурмати учун қиз ўзининг ҳақиқий

таассуротларини сал юмшатиброқ айтишга ҳаракат қилди. Лекин қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг хулосалари мистер Коллинзни қониқтирмади ва унинг ўзи зоти олияларини мақтай кетди.

VII БОБ

Сэр Уильям Хансфордда атиги бир ҳафтагина бўлди. Лекин шу бир ҳафта ичида ҳам қизининг шундай эрга тегиб бахтли эканлиги ва унинг оламда камдан-кам учрайдиган шундай яхши қўшнига эга бўлганига ишонч ҳосил қилди. Қайнотасининг уникида қолиши давомида мистер Коллинз ҳар куни эрталаб уни ўзининг аравасида атроф-теваракни айлантириб кўрсатиб келди. Қайнота кетиши биланоқ Хансфорддагилар яна ўзларининг кундалик ҳаётларига шўнғишди. Элизабетнинг бахтига бу ўзгариш унинг кўп вақтини амакиваччаси билан ўтказишига олиб келмади. Нонушта билан тушлик орасида уй эгаси ёки боғда ишлар ёки ўз хонасига кириб кетиб, китоб ўқир ва нималардир ёзар, ёки бўлмаса шунчаки деразадан кўчага қараб ўтирарди. Аёллар эса вақтларини деразалари ҳовлига қараган хонада ўтказардилар. Шарлоттанинг хонани бундан кўра анча чиройли ва кенг бўлган овқатланадиган хонадан кўра кўпроқ ёқтириши олдинига Элизабетга эриш туюлди. Бир оз ўтгач, у дугонасининг нимага бундай қилишини тушунгандек бўлди: агар умумий хона мистер Коллинзнинг хонасидек қулай бўлганида, у сўзсиз вақтини ёлғизликда камроқ ўтказар эди. Элизабет Шарлоттанинг тўғри танловига тан берди.

Аёллар ўз хоналаридан кўчани кўра олмас эдилар. Шунинг учун кўчадан ўтиб кетаётган экипажлар ҳақида, уларникига мисс де Бёрнинг файтуни келганлиги ҳақида мистер Коллинздангина эшитиб туришар эди. Мисс де Бёр Хансфордга тез-тез келиб турар ва

аравадан тушмасдан туриб, миссис Шарлотта билан бир неча оғиз сўрашиб кетарди.

Мистер Коллинзнинг Розингсга бормайдиган куни жуда кам бўлиб, хотини уни ҳар сафар кузатиб қўйишни ўзининг бурчи деб биларди. Шарлоттанинг ўз вақтини нега шунга кетказишини Элизабет яқинда леди Кэтринда черковда бўш ўринлар бўлиб қолишини англаб етмагунча тушунмай юрди. Вақти-вақти билан леди Кэтриннинг ўзи уларникига келишни ўзига эп кўриб қоларди. У уялмай аёлларнинг ҳамма ишларига муросасиз аралашар, тикаётган ишларини олиб кўрар экан, бошқачароқ қилиш кераклигини маслаҳат берар, мебелларнинг жойлашувидан камчиликлар топар ва хизматкорларнинг айбини қидирар эди. Агар улар билан бирга овқатланишга қоладиган бўлса, шунчалик кам одамга берилаётган овқатнинг ниҳоятда кўплигини айтиш учунгина қолганга ўхшарди.

Элизабет аёлнинг бу ерда яшовчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиб ўтирмаса-да, лекин черковнинг ҳамма ишларига аралашишини, бу ишларнинг энг майдачуйдасигача мистер Коллинз томонидан унга хабар бериб турилишини сезиб қолди. Агарда бирорта одамнинг норозилигини эшитиб қолса, хоним бу ишларни ҳал қилиш учун қишлоққа югуриб боришга тайёр эди.

Хансфорддагилар ҳафтасига икки марта Розингсда тушлик қилиш шарафига эга бўлишди. Сэр Уильямснинг, шу билан бирга карта ўйналадиган иккинчи столнинг йўқлигини ҳисобга олмаганда, кейинги тушликлар биринчисидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмади. Хансфорддагилар учун бу ерда бошқа кўнгилхушликлар йўқ эди, чунки бошқа қўшниларнинг туриш-турмуши мистер Коллинзникичалик эмасди. Шунга қарамай, Элизабет вақтини жуда мароқли ўтказаётган эди. Дугонаси билан маза қилиб суҳбатлашар, эрта баҳорга хос бўлмаган илиққина об-ҳаво эса қизга ҳар куни маза қилиб айланиб келиш имконини берар-

ди. Ҳамма Розингсга кетганида, у кўпинча паркка туташиб кетган дарахтзорга борар ва қуюқ ўсган дарахтлар орасида унга ёқиб қолган, назарида фақат ўзигина унинг ажойиблигига тан берган йўлка бўйлаб айланиб юрар, бу ерда ўзини зоти олияларининг ўткир нигоҳидан ҳимоялангандай сезар эди.

Қизнинг Кентда ўтказган дастлабки икки ҳафтаси ҳеч қандай ҳодисаларсиз тинчгина ўтди. Пасха байрами яқинлашиб келаётган эди ва байрамга бир ҳафта қолганида Розингсдаги одамлар сони кўпайди. Хансфордга келганидан бир оз ўтиб, Элизабет яқин ҳафталар ичида бу ерга мистер Дарси келиши ҳақида эшитганди. Унинг леди Кэтриннинг жиянини учратгандан кўра, учратишни хоҳлаган бошқа танишлари кам бўлса-да, йигитнинг келиши Розингсда кузатаётганларига яна қўшимча мавзу бўларди. Бунинг устига Дарсининг леди Кэтрин унга хотинликка мўлжаллаётган холаваччаси билан муомаласини кўриб, мисс Бингнинг мистер Дарсига нисбатан қилаётган умидлари пучга чиқишини кўришдан ҳам хурсанд бўларди. Леди Кэтрин жиянининг келаётганидан жуда қувониб, у ҳақида ажойиб гаплар гапирди ва миссис Лукас ва Элизабет у билан олдин бошқа ерда танишишганини айтишганда, ҳатто жаҳли чиқиб кетди.

Дарси келгани ҳақидаги хабар Хансфордда дарров маълум бўлди, чунки унинг келганини ҳаммадан биринчи бўлиб билишни интиқлик билан кутаётган мистер Коллинз йигитнинг келиши айтилган вақтни унинг келаётганини бемалол кўриш мумкин бўлган парк дарвозаси олдидаги йўлда айланиб ўтказаётганди. Уйи томонга қайрилган экипажга эгилиб таъзим қилгач, мистер Коллинз уйдагиларга хабар бериш учун югуриб ичкарига кириб кетди. Эртаси куни эрталаб у келган меҳмонларга ўз ҳурматини билдириш учун Розингсга шошди. Унинг саломига леди Кэтриннинг икки жияни бараварига алик олишди: мистер Дарси билан Розингсга унинг амакиси, лорднинг кичик ўғли пол-

ковник Фицуильям ҳам келган эди. Мистер Коллинз уйига иккала йигит билан бирга қайтиб келиб, ҳаммани ҳайрон қолдирди. Шарлотта уларни кўчани кесиб ўтишаётганида кўриб қолиб, югуриб меҳмонхонага кирди-да, қизларга янгиликни айтди:

– Бу эътиборга мен сен туфайлигина сазоворман, Элиза. Мистер Дарси менинг ўзимни бунақа тез йўқламаган бўларди.

Элизабет буни рад қилар-қилмас, меҳмонлар келганини билдириб қўнғироқ чалинди ва ўша заҳоти хонага учта эркак кириб келди. Хонага биринчи бўлиб кирган полковник Фицуильямга ўттиз ёшлар бериш мумкин эди. У жуда ҳам келишган бўлмаса-да, муомаласи ва кўринишидан ҳақиқий жентельменлиги кўриниб турарди. Мистер Дарси эса уни Хартфордширда кўришганда қандай бўлган бўлса, худди ўшандай эди. Ўзига хос бўлган такаллуфсизлик билан у миссис Коллинз билан саломлашди. Ва унинг дугонасига нисбатан қандай муносабатда бўлмасин, қизнинг қарашларига ўзини тутиб жавоб берди. Элизабет ҳам бирор оғиз сўз қотмай, енгилгина таъзим қилиб, саломлашди.

Полковник Фицуильямнинг яхши тарбия кўргани унинг осонлик билан суҳбатга аралашиб кетганидан кўриниб турарди. Мистер Дарси Шарлотта билан унинг уйи ва боғи тўғрисида гаплашишгач, бир мунча вақт жим қолди. Бир оздан сўнг мулойимлик билан Элизабетдан оиласининг соғлиғи ҳақида сўради. Унга одатда шундай пайтда айтиладиган жавобларни берган Элизабет, бир сониялик сукутдан сўнг сўради:

– Менинг опам охирги уч ойни Лондонда ўтказаётганди. Мабодо сиз уни учратмадингизми?

Қиз инкор жавоб бўлишини олдиндан биларди. Лекин йигит бирор ҳаракати билан Бинглилар оиласи ва Жейн ўртасида бўлган гаплардан хабари борлигини билдириб қўймасмикин, деб қизиқаётган эди. Йигит Лондонда миссис Беннетни кўриш бахтига муяссар

бўлмаганини айтаётганда бир оз қизаргандек бўлди. Бу тўғрида бошқа гап очилмади ва сал вақт ўтиб, йигитлар Хансфорддан жўнаб кетишди.

VIII БОБ

Полковник Фицуильямнинг ўзини тутиши аёлларда ёқимли таассурот қолдирди ва йигитнинг келиши билан уларнинг Розингсга боришлари ҳам энди қизиқарлироқ бўлишини ҳис қилдилар. Лекин уларни Розингсга таклиф қилгунларича бир неча кун ўтди. Леди Кэтрин ҳозир жиянлари уникида экан, меҳмонларсиз ҳам энди бемалол куни ўтар эди. Фақат пасханинг биринчи кунигина, йигитлар келгандан бир ҳафта ўтгач, Коллинзларни меҳмонга чақиришди: леди Кэтрин черковдан кетаётиб уларга кечани Розингсда бирга ўтказишни таклиф қилди. Охирги ҳафта ичи улар леди де Кэтрин ва унинг қизини кўришмаган эди. Тўғри, полковник Фицуильям пасторнинг уйига бир неча марта келиб кетган, лекин мистер Дарсини фақат черковда учратишганди.

Албатта, таклиф бажонидил қабул қилинди ва келишилган маҳалда улар Розингс меҳмонхонасида эдилар. Леди Кэтрин меҳмонларни хурсандчилик билан кутиб олган бўлса-да, уларнинг келиши аёлга олдингичалик керак эмаслиги сезилиб турарди. Беканинг бутун диққат-эътибори ҳозир жиянларида бўлиб, айниқса, Дарси билан бошқаларга нисбатан кўпроқ гаплашарди.

Коллинзларнинг келишидан энг хурсанд бўлган одам Фицуильям эди. Унга Розингсда зерикаётганини енгишга ёрдам бераётган ҳамма нарса ёқаётганди. Бунинг устига яна миссис Коллинзнинг келишган дугонаси унинг бошини айлантириб қўйган эди. Ҳозир, унинг ёнига ўтириб олиб, Кент ва Хартфордшир тўғрисида, уй ҳаёти ва сайёҳатлар ҳақида, янги китоблар ва мусиқа ҳақида гаплашишар экан, Элизабет бу уйга

келганидан биринчи марта хурсанд бўлди. Уларнинг бемалол ва берилиб суҳбатлашишлари леди Кэтрин ва мистер Дарсининг диққатини тортди. Дарси бир неча марта улар томонга қизиқиб қараб қўйди. Уй бекаси ҳам уларнинг суҳбатига қизиқаётганини яшириб ўтирмади ва сўрашдан ҳам уялмади:

– Фицуильям, нималар деяпсан? Нималар ҳақида гаплашяпсизлар? Сен мисс Беннетга айтаётган нарсаларни биз ҳам эшитсак бўладими?

– Хоним, биз мусиқа ҳақида гаплашяпмиз, – жавоб бермасликнинг иложи бўлмагач, деди йигит.

– Мусиқа ҳақида! Худо ҳақи, унда баландроқ гаплашинглар. Мусиқа мен учун ҳамма нарсадан юқори туради. Мусиқа ҳақида гап кетганда жим туролмайман. Назаримда, Англияда мусиқани менчалик тушунадиган ва қадрлайдиган одам жуда оз бўлса керак. Агар болалигимда мени мусиқага ўқитишганда эди, буюк мусиқачи бўлиб етишардим. Энн ҳам, агар соғлиғи яхшироқ бўлганда шундай бўлган бўларди. Унинг чалиши ҳаммамизга жуда ёққан бўларди. Дарси, Жоржианинг бу борада ишлари қандай?

Мистер Дарси синглисининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

– Нима ҳам дердим, жуда хурсандман, менинг номимдан унга айтиб қўйгин: берилиб ишламасдан туриб ҳеч нарсага эриша олмайди.

– Сизни ишонтириб айтаманки у бундай огоҳлантиришга муҳтож эмас, – жавоб берди Дарси. – У етарлича берилиб ўқияпти.

– Ундан ҳам яхши. Шуғулланиб туриш ҳеч қачон ортиқча бўлмайди. Мен унга кейинги сафар хат ёзганимда шуғулланишни ҳеч ҳам ташламасликни айтаман. Доим ёш қизларга яхшилаб шуғулланмасдан туриб, мусиқада муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини тушунтираман. Мана, мисс Беннетга ҳам неча марта айтдим: агар шуғулланмай қўйса, ҳеч қачон ростакамига яхши чала олмайди. Агар миссис Коллинз-

никида чаладиган нарса бўлмаса, у ҳар куни Розингсга келиб миссис Женкинсоннинг хонасидаги фортепьянода машқ қилиши мумкин. Уйнинг бу томонида ҳеч кимга халақит бермайди.

Мистер Дарси холасининг бефаросатлигидан бир оз хижолат чеккандек бўлди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

Қаҳва ичиб бўлишгач, полковник Фицуильям Элизабетга унинг ваъдасини эслатди ва қиз фортепьяно ёнига ўтирди. Йигит ўз креслосини яқинроққа сурди. Леди Кэтрин чалинаётган куйни ўртасигача тинглагач, яна аввалги сафардагидек жиянининг олдига бориб, унга гапира бошлади, Дарси эса ўрнидан туриб, яқинроққа борди-да, қизнинг юзи яхшироқ кўринадиган қилиб ўтириб олди. Элизабет буни сезди ва қулай фурсат бўлиши билан, унга айёрлик билан кулиб қўйди:

– Бунақа диққат билан эшитишга тайёрланиб, мени уялтириб қўймоқчи бўлдингиз-а? Лекин сизнинг синглингиз қанчалик зўр чалмасин, мен бари бир сиздан қўрқмайман. Менинг ўжарлигим бошқалар олдида ўзимни паст олишимга йўл қўймайди. Мени қўрқитмоқчи бўлишса, мен баттарроқ ўжарликка ўтаман.

– Мен сиз нотўғри ўйлаётганингизни исботлаб ўтирмоқчи эмасман. Мени шу нарсага қодир, деб ўйламаётган бўлсангиз керак? Сизнинг кўпинча ўзингиз ичингизда ўйламаётган гапларни айтишингизни билиб қолганман.

Ўзи ҳақидаги бу гапдан Элизабет маза қилиб кулди ва полковник Фицуильямга қараб мурожаат қилди:

– Мистер Дарси сизни менинг бирорта гапимга ҳам ишонмасликка ўргатиб характеримни сизга яхшилаб очиб берган бўлса керак. Ўзи омадим юришмаган-да: яхши ном қозониб оламан деган жойимда менинг ҳамма сирларимни очиб берадиган одамни учратиб қолдим. Мистер Дарси, ростдан ҳам, мен ҳақимда Хартфордширда эшитган ҳамма ёмон гапларни айтиб беришингиз яхши эмас. Яна қўшиб қўймоқчиман:

бу сиз томондан эҳтиётсизлик бўлади, чунки мен ҳам сизга қарши бирор нарса айтиб қўйишим мумкин. Унда бу ердаги яқинларингизни хурсанд қилмайдиган бирор ёмон сиринги очилиб қолиши мумкин.

– Мен бундан қўрқмайман, – кулиб жавоб берди йигит.

– Худо ҳақи, айтинг, уни нимада айблаш мумкин, – хитоб қилди полковник. – Мен ахир унинг ўз уйидан ташқарида нималар қилиб юрганини билишим керак.

– Бўпти, буни билиб оласиз! Лекин даҳшатли нарса эшитишга ҳозирланинг. Мен сизларга мистер Дарси билан биринчи марта Хартфордширда балда учрашганимни айтиб қўяй. Сизнингча, у бу балда бошқалардан нимаси билан ажралиб турганди? Ёш йигитлар етишмагани холда у фақатгина тўрт марта рақсга тушди. Мен сизларни хафа қилмоқчи эмасман, лекин ростдан шундай эди. У фақатгина тўрт марта рақсга тушди ва бу яна кўпгина қизлар шерик етишмагани учун рақсга туша олмай ўтирганларида! Гапларимни рад қилмассиз-а, мистер Дарси?

– Ўша кеча мен билан бирга келган аёлларни ҳисобламасак, у ердагиларнинг бирортасини ҳам мен танимасдим.

– Албатта-да. Ахир сизни бирортаси билан таништиришнинг худди иложи йўқ эди-да! Полковник, энди нимани чалай? Бармоқларим сизнинг амрингизни кутиб турибди.

– Агар ўзимни бирортасига таништиришларини истаганимда, мен тўғримда яхшироқ ўйлаган бўлардингиз. Лекин бошқаларга ўзимни мажбуран тиқиштиришни ёқтирмайман.

– Нега шундайлигини амакиваччангиз тушунтира оладими? – Фицуильямга қараб деди Элизабет. – У балки нима учун шундай ақлли ва ўқимишли одам, бунинг устига жамиятда ўз ўрни бор инсон, нега ўз танишларининг сонини кўпайтирмаслиги сабабини айтиб берар.

– Тўғриси, буни ўзим ҳам айтиб бера олсам керак, – деди Фицуильям. – Бунга мистер Дарсининг алоқаси йўқ. Бунинг сабаби у ўзини ўзи безовта қилишни истамаслигидан бўлса керак.

– Менда чиндан ҳам баъзи бир одамлардек танимаган одамим билан бирданига чиқишиб кета олиш қобилияти бўлмаса керак, – деди мистер Дарси. – Гаплашаётган одамимнинг фикрига қўшилиб кетиш ёки унинг ишлари мени қизиқтираётганга солиб кўрсатиш мен учун жуда қийин.

– Менинг бармоқларим фортепьяно клавишлари устидан мен бошқа уста мусиқачиларда кузатганимдек усталик билан югурмайди. Чалишимда на тезлик, на усталик бор. Бунинг сабабини мен етарли даражада шуғулланмаганимда деб биламан. Бунга менинг бармоқларим айбдор, деган фикр ҳеч қачон хаёлимга ҳам келмаган.

Дарси жилмайиб, деди:

– Сизга қўшиламан. Сизга берилган вақтдан жуда унумли фойдалангансиз. Чалганингизни тинглашга муяссар бўлганлар камчилигингизни сезмаган ҳам бўлсалар керак. Бегоналар олдида эса биз чалмаймиз.

Суҳбат шу ерга келганда, леди Кэтрин улар нима тўғрисида гапиришаётганларига қизиқиб, уларнинг гапларини бўлди. Элизабет шу заҳоти янги куй чалишни бошлади. Леди Кэтрин унинг чалаётганига бир оз вақт қулоқ солиб туриб, Дарсига деди:

– Агар мисс Беннет кўпроқ шуғулланиб, лондонлик устозлардан дарс олганида, яхшироқ чалган бўларди. Унинг тезлиги етарли, лекин унга Энндагидек дид етишмаяпти. Соғлиғи йўл қўйганида, менинг қизимдан ажойиб мусиқачи чиққан бўларди.

Элизабет бу гапларга қанчалик қўшилишини билиб олмоқчидек, Дарсининг юзига тикилди. Лекин бу пайтда ҳам, ундан кейин ҳам у йигитда жиянига нисбатан кўнгли борлигини сездирадиган бирор нимани сезмади. Мистер Дарсининг ўз жиянига муносабати

мисс Бинглини қувонтирадиган даражада эди: мисс де Бёрнинг йигитга турмушга чиқиши қанчалик мумкин бўлса, мисс Бинглида ҳам шунчалик имтиёз бор эди.

Леди Кэтрин анча вақтгача Элизабетнинг чалишига яна бир нечта танбеҳлар бериб, унга мусиқий дид ва чалиш йўллари ҳақида бир нечта маслаҳатлар берди. Мисс Беннет буларнинг ҳаммасини меҳмонга хос бўлган сабр-тоқат билан эшитди. Йигитларнинг илтимосига қулоқ солиб, зоти олияларининг каретаси уларни Хансфордга олиб кетишга тайёрлиги ҳақида айтишмагунча фортепьяно чалиб ўтирди.

IX БОБ

Эртаси куни эрталаб, миссис Коллинз ва Мария иш билан қишлоққа кетиб, Элизабет ёлғиз ўзи опасига хат ёзиб ўтирар экан, биров келганидан дарак бериб, қўнғироқ жаранглади. Экипаж овози эшитилмаган бўлса-да, бу леди Кэтрин бўлса керак, деб ўйлади. Леди Кэтрин бериши мумкин бўлган бемаъни саволлардан қочиб, қиз ўзи ёзаётган хатни беркитди. Эшик очилиб, уни ҳайрон қолдириб, мистер Дарси кириб келди. Бунинг устига ёлғиз. Меҳмон ҳам қизнинг хонада ёлғиз ўтирганини кўриб, бир оз ўнғайсизланди ва узр сўраб у хонада барча аёлларни кўришни кутганини айтди.

Иккаласи ўтиришди. Элизабетнинг Розингсдагиларнинг ҳол-аҳволи ҳақидаги бир неча саволидан сўнг узоқ чўзилиши мумкин бўлган жимлик бошланди. Суҳбат бошлаш учун тезликда мавзу топиш керак эди. Шу пайт Элизабетнинг Бинглини ўшанда Хартфордширда қай ҳолатда кўргани ёдига тушди ва унинг нима учун ўшанда Незерфилддан бундай тез жўнаб кетганини билгиси келди:

– Мистер Дарси, сиз ноябр ойида бизнинг жойлардан кутилмаганда кетиб қолдингиз. Мистер Бингли сизлар-

ни шундай узоқ айриликдан кейин яна кўришдан жуда хурсанд бўлган бўлса керак. Эсимда, унинг ўзи ҳам Лондонга сиздан бир кун олдин жўнаган эди-а? Албатта, сиз Лондондан жўнаб кетаётганингизда унинг ўзи ва опасингиллари соғ-саломат бўлган бўлишса керак?

– Раҳмат, жуда яхши эди.

Қиз мистер Дарсининг бошқа ҳеч нарса айтмаслигини сезиб, сукутдан сўнг яна давом этди:

– Менга айтишдики, мистер Бингли энди Незерфилдга қайтишни хоҳламаётган эмиш-а?

– Мен унинг бундай деганини эшитмадим. Лекин эндиликда кўп вақтини у ерда ўтказмаслиги жуда ҳам мумкин. Бинглининг дўстлари жуда кўп, у эса ҳозир дўстларининг сони ва ўзининг бандлиги кундан-кун кўпаядиган ёшда.

– Дўстингиз энди Незерфилдда яшамоқчи эмас экан, қўшнилари учун унинг бу жойлардан бутунлай жўнаб кетгани яхшироқ эди. Бу ҳолда у ерга бошқа оила кўчиб келарди. Балки мистер Бингли Незерфилдни қўшниларга қулайликдан ҳам кўра ўзига қулай бўлишини кўпроқ ўйлаб ижарага олгандир? Демак, шундан келиб чиқиб ёки Незерфилдни ўзига қолдиради ёки ундан воз кечади.

– Агар Бингли ўзига муносиб бошқа уй чиқиб қолиб, Незерфилддан кетадиган бўлса, мен ҳайрон қолмасдим.

Элизабет индамади. Йигитнинг дўсти ҳақидаги суҳбатни давом эттиришидан қўрқиб, яна нима тўғрисида гапиришни билмай, суҳбатни давом эттириш муаммосини Дарсига юклаб қўя қолди.

У қизнинг ишорасини тушунди ва деди:

– Бу уй жуда шинам экан. Мистер Коллинз бу ерга кўчиб келганда леди Кэтрин бу уй устида кўп ишлаган бўлса керак.

– Сиз ҳақ бўлсангиз керак. Ишонаманки, мистер Коллинзга яхшилик қилиб жуда тўғри иш қилган.

– Мистер Коллинзнинг уйланиб омади келган экан.

– Бўлмасам-чи! Унга турмушга чиқиб, уни бир умр бахтли бўлишга сазовор қиладиган қизга уйланганидан дўстлари ҳам қувонишса арзийди. Дугонам ақлли. Менинг фикримча, унинг турмушга чиқиши жуда ҳам ақлдан бўлмаган бўлса-да, бироқ у ҳозир бахтлига ўхшаб кўринаяпти, ва соғлом фикрлаб кўрадиган бўлсак, бу никоҳ Шарлотта учун жуда омадли бўлган бўлиши мумкин.

– Айниқса, уйи, ота-онаси ва дўстларидан узоқда эмаслигини ҳисобга олса, янада яхши.

– Сизнингча, бу ердан Меритонгача шунақа яқинми? Ахир ораси эллик милдан ортиқ-ку!

– Йўл яхши бўлса эллик мил нима деган гап? Ярим кунлик йўл. Менимча унча узоқ эмас.

– Никоҳнинг омадли эканлигини масофа билан ўлчаш менинг хаёлимга ҳам келмаган бўларди ва мен миссис Коллинз ота-онасига яқин жойга тушган, деб ўйламайман.

– Бу сизнинг Хартфордширга жуда боғланганлигингизни кўрсатади. Лонгборнга яқин бўлмаган ҳамма жой сизга узоқ бўлиб туюлади.

Йигит бу гапни суҳбатдошига тушунарли бўлгандек жилмайиш билан айтди. У қизнинг сўзларини Незерфилд ва Жейнга тегишли деб ҳисоблаётган эди. Қиз қизарганча, жавоб берди:

– Мен турмушга чиққач қизлар ота-онаси билан орасидаги масофани жуда узоқ деб билишади, демоқчи эмасман. Яқинлиқ ва узоқлик – булар шароитдан келиб чиқадиган нисбий тушунчалардир. Бойликдан келиб чиқиб йўл кира ҳеч қандай қийинчилик келтирмайдиган жойда масофа ҳеч нарса эмас. Лекин бизнинг мисолимизда бундай эмас. Коллинзларнинг етарлича даромадлари бор, лекин бу тез-тез у ёқ-бу ёқларга бориб келиш учун етарли даражада эмас ва менинг ишончим комилки, дугонам унинг уйи ҳозиргига қараганда икки баробар яқинроқда бўлганда ҳам, уйим ота-онамникига яқин, демаган бўларди.

Мистер Дарси стулини унга яқинроққа суриб, деди:

– Туғилган жойларга бунчалик ёпишиб олиш керак эмас. Ахир бир умр ҳаётингизни Лонгборнда ўтказмайсиз-ку!

Элизабет унинг сўзларидан ҳайрон бўлди. Лекин бирдан Дарсининг кайфияти ўзгарди, стулини орқага суриб, қизга юқоридан қаради-да, совуққина қилиб деди:

– Кент сизга ёқдими?

Шундан сўнг улар қисқагина қилиб бу ерлар ҳақида ўз фикрларини айтишди. Суҳбатни улар ёлғиз юзмаюз ўтиришганидан ҳайратга тушган Шарлотта билан синглисининг кириб келиши бўлди. Мистер Дарси ўзининг янглишиб келиб қолгани ва бу билан мисс Беннетнинг ҳам ишига халақит берганини айтиб, бир неча дақиқа ўтиргач, индамай жўнаб кетди.

– Нима гап экан-а? – у чиқиб кетиши билан ҳайрон бўлиб деди Шарлотта. – Элиза, азизам, менимча у сени севиб қолган бўлса керак – акс ҳолда ўлса ҳам бу ерга ўзи келмасди.

Лекин Элизабетдан йигитнинг жуда кам гапирганини эшитгач, гапига ўзи ҳам ишонмай қолди. Иккаласи Дарсининг келиши ҳақида хилма-хил сабабларни айтиб ўтишгач, у шунчаки вақт ўтказиш учунгина келган, деган фикрда тўхташди. Ростдан ҳам, ов қиладиган вақт тугаган эди. Розингсда эса леди Кэтрин, китоблар ва бильярдгина бор эди. Ахир, эркаклар бутун кун уй ичида ўтириша олмайди-ку! Пасторнинг уйи яқинлиги учунми, бу уйга олиб келадиган йўл ёқиб қолгани учунми ёки унда яшайдиганлар билан учрашув ёққани учунми, хуллас, иккала йигит ҳам бу уйга тез-тез келиб турадиган бўлишди. Улар, одатда, эрталаб келишар, баъзан алоҳида, баъзан бирга, баъзан эса улар билан леди Кэтрин ҳам келарди. Аёлларга полковник Фицуильямнинг келишининг сабаби аниқ эди – унга бу аёллар билан бирга бўлиш ёқаётганди. Элизабетга бу йигит келишининг ёқиши ва қизда қолдир-

ган таассуротлари худди мистер Уикхем билан бўлгандек таассуротларни ёдига солди. Иккаласини солиштирар экан, у полковникнинг ҳаракатларида Уикхемдек одамни ўзига жалб қиладиган жозиба етишмасада, унинг кўпроқ ўқиганига амин бўларди.

Лекин мистер Дарсининг Хансфордга бунчалик кўп келишининг сабаби нималиги номаълум эди. У суҳбатдошга муҳтож эмаслиги аниқ кўриниб турарди, чунки кўп ҳолларда анча вақтгача бир оғиз ҳам сўз айтмай ўтирар эди. Гапиришни бошлаганда эса у керакликги учун эмас, фақат гапириш кераклиги учунгина оғиз очганга ўхшарди. У камдан-кам ҳоллардагина тетик бўлиб кўринарди. Миссис Коллинз нима дейишга ҳам ҳайрон эди. Полковник Фицуильямнинг гоҳ-гоҳ унинг бундай ҳолати устидан кулиб қўйишини эътиборга олса, демак, у доим ҳам шундай эмас эди. Дарсини қанчалик даражада билиши эса бу ҳақда бирор нарса дея олишига йўл бермасди. Албатта, у Дарсидаги бу ҳолатни ўзининг дугонасини севиб қолганликка йўйишни чин дилидан истаётганди ва нима қилиб бўлса-да, бунга ишонч ҳосил қилишни хоҳлаётганди. Шарлотта улар Розингсга боришганда ёки йигит Хансфордга келганида уни диққат билан кузата бошлади, лекин ҳеч қандай натижага эриша олмади. Йигит кўпинча Элизабетга тикилиб турса-да, юз ифодасини кўп нарсага йўйиш мумкин эди. Кўз қарашлари тикка ва жиддий бўлиб, Шарлотта кўпинча бу қарашларда бирор маъно борми ёки йўқлигини тушунолмай қоларди. Баъзан эса унга йигит дугонасига қараб туриб бошқа бир нарса тўғрисида ўйлаётгандек бўлиб туюларди.

Шарлотта бир-икки марта Элизабетга Дарси уни ёқтириб қолган бўлиши мумкинлиги тўғрисида гапирмоқчи бўлди, лекин Элизабет гапни ҳазилга айлантириб юборди ва Шарлотта яна рўёбга чиқмайдиган умид туғилиб қолмасин деб, гап-сўзларни бас қилди. Аслида, у дугонасининг йигит таъсирида эканлигини бил-

са, Дарсига бўлган салбий муносабати дарҳол ўзгаришига амин эди.

Ўз дугонасига чин дилдан яхшилик истаётган Шарлотта вақти-вақти билан унинг полковник Фицуильям билан топишиши ҳақида ҳам ўйлаб қоларди. У, албатта, жуда ажойиб инсон ва жамиятда ўз ўрнига эга. Элизабет ҳам унга ёқади. Лекин Дарси моддий томондан ундан юқорироқда турарди.

X БОБ

Парк бўйлаб айланиб юрар экан, Элизабет бир неча марта мистер Дарси билан тўқнашиб кетди. Йигитни биринчи марта учратиб қолгани паркнинг у ҳали бирор марта ҳам ўтмаган бурчагида юрганида бўлди. Кейинги сафар бундай тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун у йигитга ҳар доим шу ерда айланишини айтиб қўйди. Кейинги тўқнашувлар қанақасига рўй берди – тушунарсиз эди. Шунга қарамай, Дарси қизнинг йўлида иккинчи марта ҳам, учинчи марта ҳам чиқиб қолди. Буни йигит атайдан қилаяпти деб ёки ўзиниўзи қийнаяпти деб ўйлаш мумкин эди. Чунки қизни кўриши билан бир-икки оғиз сўз айтиб кетишнинг ўрнига унга эргашарди. Мистер Дарси одатда камгап эди, Элизабет ҳам кўп гапирмасди. Улар учинчи марта учрашиб қолишганида Элизабет йигитнинг бераётган саволлари сира бир-бирига ёпишмаётганига эътибор берди. Йигит Элизабетдан бир Хансфорд унга ёқадими деб сўраса бир унга ёлғиз айланиш ёқадими деб сўрар ёки мистер ва миссис Коллинзларнинг ҳаёти ҳақида саволлар берарди. У яна Розингс тўғрисида, балки бу ер Элизабетда нотўғри таассурот қолдирган бўлиши мумкинлиги, кейинги сафар Кентга келганида қизнинг ўша ерда тўхташи ҳақида гапирди. Наҳотки, у полковник Фицуильямга шама қилаётган бўлса? Элизабетга йигит худди бир нарсани кўзда тутиб гапираётгандек бўлиб туюлди. Ўзини

таҳқирлангандек ҳис қилиб, тезроқ уйга қайтишга шошилди.

Яна шундай айланиб юрган кунларнинг бирида, Жейннинг охирги хатини ўқиб, опасининг хафалиги айниқса, яққол билиниб турган сўзлар устида ўйлар экан, орқадан қадам товушлари эшитилди. Бироқ, қайрилиб қараб, мистер Дарсини эмас, унга томон келаётган полковник Фицуильямни кўрди. Хатни беркитиб, ўзини зўрлаб жилмайди-да, йигитга деди:

– Мен сизни бу ерларда кўраман деб ўйламагандим!

– Мен бир йилда бир марта паркнинг ҳамма жойини айланиб чиқаман, – деди полковник. – Ҳозир эса Хансфордга кирмоқчи эдим. Сиз узоққа кетаяпсизми?

– Йўқ, мен ҳам эндигина қайтмоқчи бўлаётгандим.

Шу гапларни айтиб, қиз полковник билан руҳонийнинг уйи томон бирга кета бошлади.

– Сизлар ростдан ҳам шанба куни жўнаб кетаяпсизларми? – сўради Элизабет.

– Ҳа, агар Дарси яна гапидан қайтиб қолмаса. Мен унга бўйсунишга мажбурман. У бўлса ўзи хоҳлаганини қилади.

– Ва, ўзи хоҳлаганини қиладиган хўжайин бўлиб, бошқаларни ўзига бўйсундириб роҳатланадими? Мен ҳали шу пайтгача ўзи истаган нарсани қилиш ҳуқуқини шунчалик авайлайдиган одамни учратмаганман.

– Ҳа, у ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлмоқчи, – жавоб берди Фицуильям. – Лекин бу ҳар бир инсонга хос нарса-ку. Дарсининг фарқи шундаки, буни амалга ошириш учун унинг имкониятлари кўпроқ. Кўпчилик камбағал бўлгани ҳолда, Дарси етарли даражада бой. Мен буни жуда яхши биламан. Кичик ўғил бировга қарамликка ва ҳар қадамда истаган нарсасидан ўзини тийишга кўникиши керак.

– Мен эса графнинг кичик ўғлига унаси ҳам, буниси ҳам бегона деб ўйлаган эдим. Тўғрисини айтинг, сиз муҳтожликни кўп кўрганмисиз? Наҳотки, пулингиз

йўқлиги сабаб бирор нарсани сотиб ололмай қолган ёки ўйлаб қўйган саёҳатингизга боролмай қолган пайтларингиз кўп бўлган бўлса?

– Булар ҳаммаси оилавий ҳаётга тегишли. Балки мен, бундай қийинчиликларни кўп кўрганман, деб айтишга ҳаққим йўқдир. Лекин каттароқ ишларда маблағ етишмаслиги жиддий хафагарчиликларга олиб келади. Масалан, кичик ўғиллар ўзига ёққан қизга уйлана олмайдилар.

– Одатда улар билан бўладигандек, агар бой бўлган меросхўр қиз уларга ёқмаган тақдирда.

– Ўзи истагандек яшаш одатларимиз бизни пулга қарам қилиб қўяди. Менинг атрофимдаги одамлар ичида кейин бемалол ишлатишлари мумкин бўлган маблағ ҳақида ўйламай, хоҳлаган қизига уйлана оладиган довюраклар жуда кам.

«Наҳотки бу гаплар менга тегишли бўлса?» – ўйлади қизариб кетган Элизабет. Лекин, ўзини қўлга олиб деди:

– Менга айтинг-чи, унда графнинг кичик ўғилларининг нархи қанча? Агар акаси гуллаб-яшнаётган бўлса, кичкинаси эллик мингча турса керак?

Йигит ҳам шу руҳда жавоб берди ва шу ерда суҳбат тугади. Бир оз ўтиб, Элизабет йигитнинг унинг шамаси таъсирида, деб ўйлаши мумкин бўлган сукутни бузиш учун деди:

– Менга амакиваччангиз сизни худди бировнинг устидан бошқариб юриш учунгина олиб келганга ўхшайди. Лекин у нимага уйланиб, бир умрга ўзига шундай қулайликни яратмаётганига мен тушунмаяпман. Балки бу мақсад учун синглиси ҳозирча етарли бўлса керак-да. Қизнинг ёлғиз ғамхўри мистер Дарси – у синглисига хоҳлаганча буйруқ бериши мумкин.

– О, йўқ, – деди полковник. – Бу ҳуқуқни у мен билан бўлишишига тўғри келади. Мисс Дарсининг тақдири учун Дарсининг бўйнида қанчалик жавобгарлик бўлса, менинг ҳам шунчалик жавобгарлигим бор.

– Ростданми? Хўш, жавобгарлигингизни қандай амалга оширяпсиз? У сизга кўп иш орттирадими? Унинг ёшидаги қизларни эплаш, одатда, бир оз қийинроқ. Бунинг устига унинг табиати ҳам акасидек ўзининг айтганини қилдирадиган бўлса керак.

Бу гапларни айта туриб, Элизабет йигит ўзига диққат билан қараб қўйганини сезди. Унинг жиддийлик билан нима учун Элизабет мисс Дарси безовталик туғдириши мумкин деб ҳисоблайди, деб берган саволи қизнинг тахмини ҳақиқатдан йироқ эмаслигини исботлаб турарди. Элизабет куттирмай, жавоб берди:

– Хавотир олманг – мен мисс Дарси ҳақида ҳеч қандай ёмон гап эшитмаганман. Бошқа бирор қиз ҳақида мисс Дарсичалик кўп гапиришмайди, деб ҳисобласамда. Мисс Дарси менинг икки танишим – миссис Хёрст ва мисс Бинглиларнинг жону-дили. Менимча, сиз уларни кўрганман, деб айтгандингиз шекилли?

– Уларни бир оз танийман. Акаси Дарсининг яқин дўсти, ажойиб йигит.

– Ҳа, гап йўқ, – хўмрайиб деди Элизабет. – Мистер Дарси мистер Бинглига нисбатан ўта кўнгилчан ва доим у ҳақда қайғуради.

– Қайғуради? Рост, мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлайман. Бингли айни шунга муҳтож бўлиб турганда у ўртоғига қаттиқ ғамхўрлик қилганди. Дарсининг Кентга келаётганимизда айтган икки оғиз гапидан дўсти унинг олдида қарздор эканлигини тушунгандим. Тўғрироғи, бу менинг гумоним. Чунки, дўсти ким эканлигини минг сўрамай, Дарси номини айтмаганди.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Шунчаки бир нарса. Дарси буни ҳамма билиб кетишини хоҳламасди. Агар бу гап бир қиз оиласининг қулоғига етса, катта нохушлик бўлган бўларди.

– Хотиржам бўлаверинг, ҳеч кимга айтмайман.

– Ёдингиздан чиқмасин: у бутунлай Бинглини кўзда тутмаган бўлиши мумкин. Унинг айтган гапи шу бўлдики, ўртоғини бир қизга ўйламай уйланиб қолишдан

қутқариб қолгани учун ўз-ўзидан хурсандлиги эди. Мен гап Бингли тўғрисида деб хулоса қилганимга сабаб эса, фақат угина шундай вазиятга тушиши мумкин эди. Бунинг устига улар Дарси иккови ўтган ёзни бирга ўтказишган эди.

– Нима учун ўртоғининг ишларига аралашишига тўғри келганининг сабабини Дарси сизга айтганми?

– Менинг тушунишимча, қизга нисбатан қаттиқ қаршиликлар бор эди.

– Мистер Дарси уларни қандай ажрата олибди?

– У менга бу ҳақда айтмади, – жилмайиб деди Фицуильям. – Ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани эса сизга айтдим.

Элизабет ҳеч нарса демади. Унинг ғазаби қайнаб кетаётган эди. Бир оз ўтиб Фицуильям ундан жим бўлиб қолиш сабабини сўради.

– Ҳозиргина айтган гапларингизни ўйлаяпман, – жавоб берди Элизабет. – Дўстингизнинг хатти-ҳаракати менга ёқмади. У ким бўлибдики, ўзини қозидек тутади?

– Сизнингча, унинг аралашуви бекор бўлганми?

– Дўстининг танлагани тўғрими ёки йўқлигини ҳал қилишга унинг нима ҳаққи бор? Бингли ким билан бахтини топади – у қаердан билади? Лекин, – бир оз ўзини тутиб олиб, давом этди Элизабет, – аниғини билмасдан туриб уни айблай олмаймиз. Балки йигит билан қизнинг муносабатлари жуда чуқур бўлмаган бўлса керак.

– Тўппа-тўғри! Бу Дарсининг хизматига тўғри баҳо бўлмаса-да.

Йигитнинг бу сўзлари ҳазил оҳангида айтилган эди. Элизабет ўзини сотиб қўйишдан қўрқиб, гапни бошқа мавзуга бурди ва уйгача бирга гаплашиб кетишди. Фицуильям кетгач, у ўз хонасида қамалиб олиб, ҳозиргина эшитган гаплари ҳақида ўйлай бошлади. Эшитган гаплари унинг яқинлари ҳақида эмаслигига ишониш қийин эди. Дунёда мистер Дарсининг қаттиқ таъ-

сири остида иккита одам бўлиши мумкин эмасди. Бингли ва Жейннинг ажралиб кетишига оид воқеаларда унинг қўли бор бўлиши мумкинлигини олдин ҳам тахмин қилган эди. Лекин бу воқеаларда асосий ижрочи деб мисс Бинглини айбларди. Лекин энди маълум бўлишича, агар Дарсининг ўзини шуҳратпарастлиги алдамаган бўлса, айнан у, унинг манманлиги ва ўзбилармонлиги Жейннинг ўтган ва бўлажак ғам-ғуссаларининг сабабчиси эди. Биров эмас, айнан у дунёдаги энг нозик бир қалбни бахтли бўлиш умидидан бебаҳра қилди. Бундан пайдо бўлган яра қачон битиши эса номаълум.

Полковник айтдики, «Қизга нисбатан қаттиқ қаршиликлар бор эди!» – бу қаршиликлар унинг бир амакиси савдогар, бошқаси ҳам бир қишлоқи ходим бўлгани бўлса керак.

«Жейннинг ўзига қарши эса бирор бир нарса деёлмаган бўларди! – хитоб қилди Элизабет. – У қанчалик келишган ва ёқимли! Қанчалик ақлли ва ўзини тутишни билади! Отамизга қарши ҳам бирорта ёмон гап айтиб бўлмайди. Унинг қизиқ-қизиқ одатлари бўлса ҳам, ҳатто мистер Дарсининг ўзи ҳам унинг (ўзи ҳеч қачон бундай бўла олмайдиган) етук ақлига ва ғоятда батартиблигига кўзини юма олмайди».

Онаси ёдига тушиб, Элизабетнинг ишончи бир оз сўнди. Лекин аёлнинг камчиликлари Дарсининг ғашига теккан, деган фикрни хаёлига келтиришни ҳам истамади. Дарсининг ғурури, дўсти ақли ноқисроқ эмас, балки ўзидан пастроқ табақадаги одамлар билан қариндошчилик қилса топталгандек бўлади, шекилли. Ўйлаб-ўйлаб қиз Дарсининг хатти-ҳаракати унинг ўта манманлиги ва синглисини Бинглига беришни хоҳлаганидан, деган қарорга келди.

Бугунги кун нохушликлари унинг йиғлаши ва боши оғришига олиб келди. Кечга бориб эса бу ҳолати кучайди, бунинг устига Дарсини кўришни хоҳламаётгани учун бугун Коллинзлар таклиф қилинган Розингсга

боришдан бош тортди. Дугонасининг ростдан ҳам мазаси йўқлигини кўриб турган миссис Коллинз уни зўрламади ва иложи борича эрининг ҳам ёпишқоқлик билан боришини сўрашидан дугонасини қутқарди. Лекин мистер Коллинз Элизабетнинг келмагани леди Кэтриннинг жаҳлини чиқаради, демасликдан ўзини тия олмади.

XI БОБ

Ҳаммалари жўнаб кетишгач, Элизабет ўзини мистер Дарсига баттарроқ қарши қилиш учун Кентдалигида Жейндан олган хатларини қайтадан ўқиб чиқа бошлади. Бу хатларда очиқдан-очиқ шикоят йўқ эди. Опаси ўтган воқеаларни эсламас ва ўзининг ҳозирги аҳволи тўғрисида ҳам ҳеч нарса демасди. Лекин ҳар бир хати, ҳар бир қатори унинг олдинги хатларида бўлганидек Жейнга хос бўлган ҳаётни севишга бўлган интилишнинг йўқолганига гувоҳлик берарди. Элизабет хатлардаги ҳар бир сўздан уфуриб турган аламни биринчи марта ўқиганидан ҳам кўра энди аниқроқ ҳис қилди. Мистер Дарсининг бировнинг ҳаётига уятсизларча аралашиб, ўзини осмонда ҳис қилишидан опаси бошидан кечирган қайғунинг нақадар чуқурлигини баттарроқ ҳис қилди. Қиз йигитнинг жўнаб кетишига қолган икки куннинг тезроқ ўтишини чин дилидан истади. Унинг кўнглини бир оз хотиржам қилган нарса улар опаси билан икки ҳафтадан сўнг кўришишлари ва опасининг кўнглини кўтариш учун ҳамма нарсани қилиш фикри бўлди.

Мистер Дарсининг Кентдан кетишини ўйлар экан, қиз у билан бирга полковникнинг ҳам кетишини ёдидан чиқармади. Полковник Фицуильям ўзи томонидан бирор жиддий гап борлигига ҳеч қандай шама қилмади. У қанчалик яхши ҳамсуҳбат бўлмасин, Элизабет унинг кетишидан хафа бўлиб ўтирмоқчи эмас эди.

Шу нарсаларни ўйлаб ўтирар экан, қиз бирдан эшик қўнғироғини эшитди. Келган одам олдин ҳам худди шу пайтда келган Фицуильям бўлиши мумкин деган фикрдан Элизабет бир оз ҳаяжонланди. Лекин эшикдан кириб келган мистер Дарсини кўрганда, унинг гумони тарқаб, ҳайрон бўлиб қолди. Меҳмон қизнинг аҳволини сўради ва унинг соғлиғини сўраш учун кирганини айтди. Қиз совуққина қилиб жавоб қайтарди. Йигит бир оз ўтирди, яна турди ва хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Элизабет ҳайрон эди, лекин индамасдан тураверди. Бир неча дақиқа индамай тургач, йигит бирдан шиддат билан қизга яқинлашиб деди:

– Менинг ҳамма курашганим бекор! Ҳеч нарса кор қилмаяпти! Мен ўз туйғуларимни жиловлай олмаяпман. Билиб қўйинг: сиз менга жуда ёқасиз ва мен сизни севаман!

Йигитнинг сўзлари Элизабетни қандай ҳайрон қолдирганини тасвирлаш қийин. Қизариб, ўзини йўқотиб қўйган Элизабет йигитга қараб жим турарди. Унинг жим турганидан умид қилган Дарси ўзининг охирги кунларда нималарни ҳис қилганини ва уни ҳозир нималар қийнаётгани ҳақида гапирди, ўзига хос бўлмаган қизиққонлик билан сўзлади. Лекин унинг айтаётган сўзларида фақат юрагининг садоси акс этмаётган эди: эҳтиросли муҳаббат оҳанглари шикастланган ғурурдан кучлироқ эмасди. Икковларининг ўртасидаги тенгсизлик, ўзининг номига келтираётган зарар, ўзининг туйғуларини шу пайтгача қизга очишига халақит берган оилавий бидъатлар тўғрисида ҳаяжон билан айтаётган мулоҳазалари унинг туйғулари қанчалик кучлилигидан дарак берса-да, дил изҳорининг муваффақиятига ёрдам беролмасди. Мистер Дарсига нисбатан чуқур совуқ муносабатига қарамай, Элизабет бундай йигитнинг севгиси унинг учун шараф эканлигини тан оларди. Ўзининг унга нисбатан бу совуқ муносабатини йўқотмаган ҳолда, олдинига йи-

гитнинг рад жавобини олиши уни қай ҳолга солишини ўйлаб, ҳатто қизнинг унга бир оз раҳми келди. Лекин йигитнинг гапларини давом эттириб айтаётган фикрлари шунчалик унинг ғазабини келтирдики, бу ғазаб унинг юрагидан ҳар қандай раҳмни сиқиб чиқарди. Шунга қарамай, у йигит гапини тугатганда, силлиқроқ жавоб бериш учун, ўзини тутиб олишга ҳаракат қилди. Гапининг охирида йигит юрагини шунчалар қийноққа солган ҳис-туйғулари мисс Беннетнинг берадиган розилиги билан тақдирланади, деган умидни билдирди. Қизнинг рад жавоби бериши мумкинлиги, ҳатто хаёлига ҳам келмас эди. Ўзининг қанчалик ҳаяжон билан жавоб кутаётганини айтиб, мистер Дарси ўзининг бутун юриш-туриши билан ижобий жавоб эшитишига аминлигини кўрсатиб турарди. Буларнинг ҳаммаси Элизабет юрагида яна ҳам кўпроқ ғалаён уйғотди. Йигит гапини тугатиши ҳамон, у қизиққонлик билан деди:

– Сиз ҳис қилаётган туйғуларни улар аталган одам ҳам ҳис қиладими ёки йўқми, бундан қатъи назар, миннатдорчилик билан қабул қилиш лозим бўлса керак. Миннатдорчилик инсон табиатига хос нарса ва агар мен ҳозир уни ҳис қилаётган бўлганимда, албатта, сизга билдирган бўлардим. Лекин мен ҳозир буни ҳис қилмаяпман. Мен ҳеч ҳам сизга ёқишга ҳаракат қилмаганман ва сизнинг бу ҳиссиётларингиз менинг иродамга боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлган. Бировнинг кўнглига озор етказаётганимдан афсусдаман, агар бунда айбим бўлса, бу узоқ давом этмайди, деб умид қиламан. Ўз ҳиссиётларингизга бўйсунишингизга халал берган мулоҳазаларингиз менинг рад жавобимга бардош беришингизга ҳам ёрдам беради.

Мистер Дарси каминга суянганча Элизабетга тикилиб турарди. Қизнинг сўзларидан ҳайрон қолди ва қаттиқ ғазабланди, ранги оқариб кетди. Ўзини сокин тутишга ҳаракат қилди ва бирор оғиз ҳам сўз айтмади. Ўртада пайдо бўлган жимлик Элизабетни ютиб

юборгудай бўлди. Йигит сўзларини чертиб-чертиб деди:

– Мен сиздан кутаётган жавоб шугинами? Сиз ўз жавобингизни ҳеч бўлмаганда қоғозга ўраб айтмаганингизнинг сабабини билсам бўладими? Ҳа, майли, энди фарқи йўқ!

– Худди шу тарзда сиздан мени ўз иродангизга, ўз идрокингизга ва ҳатто ўз қизиқишларингизга қарши ўлароқ севишингизни айтаётганингизда мени аниқ ерга уриб, ҳақорат қилмоқчи бўлганлигингиз сабабларини сўрашим мумкин! Агар сизга қаттиқроқ гапирган бўлсам, шу нарса мени оқламайдими? Лекин менда бошқа сабаблар ҳам бор ва сиз уларни биласиз. Агар бутун борлиғим сизга қарши бош кўтармаганида ёки сизга бефарқ бўлсам ёки ҳатто сизни ёқтирсам – наҳотки, шу сабаблар менинг опамнинг бахтсиз бўлишига сабабчи бўлган одам севгисини қабул қилишимга арзиса?

Элизабетнинг бу сўзларидан Дарсининг юзи ўзгарди. Лекин у бир оздан сўнг ўзини тутиб олди ва қизнинг сўзларини бўлмасдан, эшитишда давом этди:

– Сиз ҳақингизда ёмон ўйлаш учун менда ҳамма асос бор. Сизнинг ёмон ният билан атайдан аралашишингиз оқибатида мистер Бингли билан опамнинг ораси бузилиб кетганини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Сиз бу ажралишнинг асосий, балки ёлғиз сабабчиси эканлигингизни рад этолмайсиз. Бу ишингиз оқибатида Бингли субутсиз деган номни олди, Жейн эса рўёбга чиқмаган умидлари орқасидан кулгига қолди. Ва улар иккаласи ҳам ўзларини бахтсиз ҳис қилишяпти.

Қиз гапиришдан тўхтар экан, йигитнинг афсусда эканлигини билдирувчи бирорта ҳаракатсиз ўзини тинглаётганига эътибор берди. Қайтага йигит унинг гапларига ишонмагандай қараб турарди.

– Бўлиб ўтган воқеалар сабабчиси сиз эмаслигингизни тан оласизми? – сўради қиз.

Йигит чертиб жавоб берди:

– Мен дўстимни опангиздан узоқлаштириш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилганимни ёки ҳаракатларим натижасидан хурсандлигимни рад қилмоқчи эмасман. Бингли учун мен ўзимга қиладигандан кўра кўпроқ ҳаракат қилдим.

Элизабет аввалига унинг бу гапларини эшитмаганга олди. Лекин йигитнинг гапларидаги маъно диққатини тортди ва ғазабини боса олмай, деди:

– Лекин мен сизни ёқтирмаслигим сабаби фақат бу эмас. Сизга нисбатан бўлган муносабатим олдинроқ шаклланган. Бир неча ой олдин, мистер Уикхем сиз ҳақингизда гапириб берганидаёқ, мен сизнинг табиатингиз тўғрисида хулоса чиқариб бўлгандим. Бунга нима дейсиз? Ўзингизни қандай оқлайсиз? Қилган қилмишларингизни нотўғри айтган деб, кимни қоралайсиз?

– Сиз бу йигитчанинг тақдирини жуда юрагингизга яқин олибсиз, – ўзини тутиб олиб деди Дарси.

– Унинг йўқотганлари тўғрисида эшитган одам бепарво бўла олармикин?

– Йўқотганлари? – нафрат билан деди Дарси. – Ҳа, у ростдан ҳам кўп нарса йўқотган.

– Бунга сиз айбдорсиз! – қизишиб деди Элизабет. – Сиз уни қашшоқликкача олиб боргансиз. Бошқа биров эмас, сиз уни умид қилиш мумкин бўлган ҳамма нарсадан мосуво қилгансиз. Сиз унинг умрининг энг яхши онларини, ҳам қонуний томондан, ҳам хизматлари учун унга тегишли бўлган мустақилликни тортиб олгансиз. Булар ҳаммаси сизнинг ишингиз! Бу ҳам етмагандек, сиз яна унинг устидан кулмоқчи бўляпсизми?

– Ҳа-а-а, мана сиз мен ҳақимда нима деб ўйлаяпсиз! – уйнинг у бурчагидан бу бурчагига юриб, хитоб қилди Дарси. – Мана, сиз нималарни ўйлаётган экансиз! Сизнингча, мен бутунлай гуноҳкор эканман-да? Лекин, – у тўхтаб, қизга тик боқди, – менинг сизга дил

изҳорларимни айтишга халақит берган иккиланишларим ва ички курашларим тўғрисидаги гапларим сизнинг ғурурингизга тегмаганда, менинг айбларимни кечириш мумкин бўлармиди? Агар мен олдиндан кўра билиб, бу ҳисларимни сиздан яширганимда, балки бу айбловлардан озод бўлармидим? Ёки сизга ялтоқланиб, ўзимнинг қарама-қаршиликлар, ўйлаб иш қилиш ёки жамиятнинг таомиллари соя сололмайдиган қайноқ севгимга сизни ишонтиришим керакмиди? Лекин мен сохталикни ўлгудек ёмон кўраман. Мен сизга айтган ўз туйғуларимдан уялмайман. Улар ҳақиқий ва табиий. Сиз ўзингиз доим ичида бўладиган одамлар орасида бўлиш менга ёқимли бўлади, деб кутганмидингиз? Ёки жамиятда ўрни меникидан пастроқ одамлар билан қариндошчилик қилиш билан ўзимни табриклашимними?

Элизабетнинг ғазаби дақиқа сайин ортиб борди. Лекин йигитга жавоб бера туриб, ўзини босишга ҳаракат қилди:

– Мистер Дарси, сизнинг дил изҳор қилиш услубингиз менинг жавобимга ўз таъсирини кўрсатди, деб ўйлаётган бўлсангиз, қаттиқ янглишасиз. Бу нарса мени агар сиз ҳақиқий олижаноб инсонлардек ўзингизни тутганингизда берадиган рад жавобим таъсирида мен ҳис қилишим мумкин бўлган қийинчиликдан озод қилди.

Қиз Дарсининг титраб кетганини сезди. Лекин йигит жавоб қайтармагач, давом этди:

– Сиз ўз туйғуларингизни қай тарзда изҳор қилманг, мен бари бир рад жавобини берган бўлардим.

Йигитнинг юзида яна ҳайронлик аломати пайдо бўлди. Қиз гапирар экан, йигит унга ишончсизлик ва ўзини йўқотиб қўйишдек ифодалар аралашиб кетган бир назар билан қараб турарди:

– Бошидан бошлаб айтиш мумкинки, сиз билан танишганимнинг биринчи онлариданоқ сизнинг ўзингизни тутишингиздан манманлигингиз, баландпарвозлигингиз, атрофингиздагиларнинг туйғуларига нисба-

тан бефарқлигингизни сезган эдим. Менинг сизга нисбатан нафратим ўшанда бошланган. Лекин кейин содир бўлган воқеалар таъсирида улар мустаҳкамланди. Танишганимизга ҳали бир ой тўлмай туриб, сиз мен турмушга чиқмаслигим аниқ бўлган одамлар рўйхатида эдингиз.

– Хоним, етарли гапирдингиз. Мен сизни тушундим. Ўз ҳисларимдан уятдаман. Вақтингизни олганим учун узр. Сизга соғлик ва саломатлик тилайман.

Шу гапларни айтиб, Дарси хонадан чиқиб кетди. Элизабет у кўча эшигини очиб, чиқиб кетганини эшитди. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди. Ўзини тутиб туришга бошқа куч тополмай, креслога ўтирди-да, кўз ёшларига зўр берди. Ярим соатлар шундай ўтиргач, ҳозиргина бўлиб ўтган гап-сўзларни бирма-бир яна хаёлидан ўтказа бошлади. Унинг ҳайронлиги ортиб борарди: мистер Дарсининг ўзи унга севги изҳор қилди! Мистер Дарси уни бир неча ойдан бери севади! Шунчалик севиб қолганки, Бингли билан Жейннинг турмуш қуришларига имкон бермайдиган ва ўзида ҳам худди шу сабабли пайдо бўлиши мумкин бўлган қаршиликларга қарамай, унинг розилигини сўради! Буларнинг ҳаммаси ёлғонга ўхшарди. Шундай туйғунинг сабабчиси бўлиш албатта хуш ёқар эди. Лекин мистер Дарсининг ўта мағрурлиги, ўзининг Жейн тақдирига аралашганидан мақтаниши ва бу борада ўзини ҳақ деб билиши, Уикхем ҳақида шунчалик бефарқлик билан гапириши, бу йигитга нисбатан бағритошлиги – булар ҳаммаси йигитнинг севгиси ҳақидаги ўйлари натижасида пайдо бўлган дақиқалик ҳамдардликни юрагидан сиқиб чиқарди.

Эшик тагига келган экипаж овози эшитилганда, Элизабет ҳали ҳам ўйлаб ўтирар эди. Шарлотта уни шу ҳолатда кўриб қолишидан қўрқиб, шоша-пиша ўз хонасига кириб кетди.

XII БОБ

Эртаси куни эрталаб Элизабет яна ўша ярим кечагача унга уйқу бермаган ўй-фикрлар билан уйғонди. У ҳали ҳам ўзига келолмаётган эди. Бошқа нарса тўғрисида ўйлашнинг эса асло иложи йўқ эди. Бирор иш қилишга қўли бормай, нонуштадан сўнг, айланиб келишга қарор қилди. Ўзи ёқтирган томонга борар экан, мистер Дарси одатда уни шу ерда кўриши ёдига тушиб, бошқа томонга қараб кетди. Бир оз ўтиб, у паркнинг бошқа томонида эди. Йўлканинг у бошидан бу бошига борар экан, эрта тонгдан завқланиб, паркни томоша қилди. У Кентда ўтказган беш ҳафта давомида табиатда озмунча ўзгаришлар бўлмади, кунданкунга яшил бўлиб бораётган дарахтларда ёш новдалар чиқа бошлаган эди. Паркка ичкарироқ кирмоқчи бўлаётган қиз, сал нарида ўзи томонга қараб келаётган одамни кўрди. Бу мистер Дарси бўлиши мумкинлигидан қўрқиб, тезлик билан қарама-қарши томонга юра бошлади. Лекин келаётган одам ҳам қадамини тезлатди-да, Элизабетнинг исмини айтиб чақирди. Мистер Дарсининг овозини таниган Элизабет эшик томонга қараб қадамини тезлатди. Мистер Дарси эшик олдига у билан бир пайтда етиб келди ва қизнинг ғайри-ихтиёрий равишда узатган қўлига хат тутқазар экан, такаббурона совуққонлик билан деди:

– Мен анчадан бери сизни учратиш илинжида паркда айланиб юрибман. Шу хатни ўқиб чиқиб, менга бир яхшилик қилмайсизми?

Шу гапларни айтгач, енгилгина таъзим қилди-да, тезлик билан дарахтзор оралаб юриб кетди.

Хатдан ҳеч бир яхши нарса кутмаётган бўлса-да, қизиқиш устун келиб, Элизабет конвертни очиб, унда икки бет қоғозга зич қилиб ёзилган хатни кўрди. Қоғознинг орқа томони ҳам тўла эди. Йўлка бўйлаб секин кетар экан, қиз хатни ўқий бошлади. Хат Розингсда эрталаб соат 8 да ёзилган бўлиб, мазмуни қуйидагича эди:

«Хоним, бу хатни олиб хавотир бўлманг – унда кеча сизнинг норозилигингизга сабаб бўлган таклифлар ёки ўз туйғуларини ифодалашлар йўқ. Мен иккимизнинг тинчлигимиз ҳақи, иложи борича унутилиши лозим бўлган режаларим ҳақида гапириб, на сизга теккизишни ва на ўзимни пастга уришни истамаган ҳолда, ушбу хатни ёзаяпман. Мактубнинг ёзилиши ва албатта ўқилишини талаб қилган табиатимнинг ўзига хослиги бўлмаганда, бу хатни қийналиб ёзиб ўтириш шарт эмасди. Шунинг учун менга бир оз вақтингизни ажратишингизни сўраб қилган эркалигимни кўтарасиз, деган умиддаман. Биламан, сиз бутун вужудингиз билан қаршисиз, лекин сизнинг адолатли эканлигингизга аминман.

Сиз кеча менинг бўйнимга бир-бирига бутунлай зид бўлган иккита айб қўйдингиз. Биринчиси шу эдики, мен мисс Беннет ва мистер Бинглиларнинг туйғулари билан ҳисоблашмай, бу икки севишганларни ажратиб юбордим, иккинчиси – гарданимдаги мажбуриятимга, номус ва инсонийлик бурчига қарамай, мен мистер Уикхемнинг бойлигига зарар етказдим ва унинг келажакка умидини йўққа чиқаздим. Отаси яхши кўрган, кейинчалик яшаши учун пул келадиган ягона манба менга тегишли бўлган ерлардаги черков приходи бўлган ва бу приход менга аталган, деган фикр билан улғайган ёшликдаги дўстини атайдан ва муросасизларча писанд қилмаслик, атиги бир неча ҳафтагина бир-бирларига яхши муносабатда бўлган икки ёшни ажратиб юборишдек арзимаган ишга солиштирганда, албатта, жиноят бўлган бўларди. Умид қиламанки, қуйида менинг хатти-ҳаракатларим ва уларнинг сабабларини ўқиб ва ҳамма шароитни ҳисобга олган ҳолда, келгусида, кеча жуда осонлик билан қилганингиздек, мени қаттиқ айбламайсиз. Балки, ўз ҳаракатларимни тушунтириш баробарида баъзи нарсаларга ўзимнинг

қарашларимни айтаётиб, сизга яна тегиб кетишим мумкин, бунинг учун олдиндан узр сўрайман. Мен бу ўринда заруратга суянаяпман, чунки кейинги пушаймоннинг ҳожати йўқ.

Хартфордширга келганимиздан бир оз ўтиб, мен ҳам бошқалар каби мистер Бинглининг ўша ердаги аёллар ичида опангизга нисбатан бошқача муносабатини сеза бошладим. Лекин Незерфилддаги балгача мен улар ўртасида жиддий муносабатлар бўлиши мумкинлигига ишонмадим. Чунки дўстим олдинлари ҳам менинг кўз олдимда қизлар билан ўралашиб юраверарди. Фақат ўша бал куни сиз билан рақс тушаётиб, сэр Уильям Лукаснинг, Бинглининг мисс Беннетга бўлган муносабати кўпчиликда уларнинг турмуш қуришлари мумкинлигига умид уйғотди, деган гапини эшитиб қолдим. Сэр Уильям бу ҳақда шунақа ишонч билан гапирдики, худди фақат тўй кунини аниқлаш қолгандек. Шу дақиқадан бошлаб мен дўстимнинг юриш-туришига эътибор бера бошладим. Ана шундагина унинг мисс Беннетга муносабати унинг олдинги ҳолатларидан кўра жиддийлигини сезиб қолдим. Яна ҳам диққат билан опангизни ҳам кузатдим. Унинг ўзини тутишлари ҳар доимгидек ёқимли, қувноқ ва бемалол эдики, унинг юраги ростдан ҳам банд деб, жиддий ўйлашга ҳеч қандай асос йўқ эди. Бутун кеча давомида мисс Беннет Бинглининг унга эътиборини қабул қилаяпти, лекин ўзида ҳеч қандай интилиш йўқ, деган хулосага келдим. Сизнинг гапларингиз бошқача экан, мен адашган бўлишим мумкин. Опангизни сиз яхшироқ биласиз, шунинг учун сиз ҳақ бўлсангиз керак. Нотўғри хулосам орқасида мен опангизга маънавий зарар етказдим, мендан қанча ғазаблансангиз ҳам бари асосли. Лекин шу ўринда ўзимни қисман оқлаш фикрим бор: опангиз ўзини жуда эркин тута олар эканки, энг кўзи ўткир одам ҳам унинг юрагида нима борлигини била олмайди.

Ўз-ўзидан мен ҳам унинг мистер Бинглига нисбатан бепарволигига ишондим. Лекин таъкидлаб айтаман, кузатишларим ва бу хулосаларим ҳар доим ҳам менинг хоҳишим ёки қўрқувларимга боғлиқ эмас. Ва опангизнинг қалби бўш бўлган, деган хулосага келишим мен шуни истаганим учун эмас. Кеча мен сизга келтирганим хулосалар ҳаммаси эмас эди. Келиб чиқишларимиздаги тенгсизлик нафақат менга, балки дўстимга ҳам тегишли. Лекин бошқа тўсиқлар ҳам бор эди. Ва улар ҳали ҳам бор. Улар дўстим иккаламизга тегишли, лекин охирги пайтларда уларга кўз юмишга ҳаракат қилдим. Булар тўғрисида бари бир бир оз гапириб ўтишимга тўғри келади. Қариндошларингизнинг она томонидан паст табақадан келиб чиқиши, миссис Беннет, уччала кичик синглингиз ва баъзи ҳолларда ҳатто отангизнинг ўзларини тута билмасликлари олдида ҳеч нарса эмас. Сизни яна ранжитаётганим учун узр сўрайман. Лекин қариндошларингизнинг камчилигини ўйлаб ва хатимда шу гапларни ёзаётганим учун мени қарғаган ҳолда, ўзингиз ва опангиз ҳам бу хислатлардан йироқлигингиз ва юриш-туришингиз сизларнинг нақадар ақлли ва юксак дидли эканлигингиздан дарак беришини билиб қўйинг. Демак, ўша куни Незерфилдда кўрганларим, мен олдинроқ хулоса қилганимдек, дўстимни бу, менинг назаримда, омадсиз бўладиган, уйланишдан огоҳлантириб қўйишга ундади. Эртаси куни у, ёдингизда бўлса, тезда қайтиб келиш фикри билан жўнаб кетди.

Энди сизга бу воқеадаги ўрним ҳақида айтиб бермоқчиман. Унинг опа-синглиси ҳам мен каби хавотирда эдилар. Ҳаммамизнинг фикримиз бир хил эканлиги тезда маълум бўлди. Тезда мистер Бинглининг фикрини ўзгартиришимиз керак деб қарор қилган ҳолда, ҳаммамиз унинг кетидан Лондонга кетдик. Шаҳарга келгач, мен дўстимнинг кўзини очишга ҳаракат қилдим. Унга ҳамма нарсани жиддий ту-

шунтириб бердим. Айтганларим унинг қарорини бўшаштириб, ўйлаган нарсаларининг бажарилишини орқага сурган бўлса-да, мен Бинглини шу билан орқага қайтардим, дея олмайман. Асосий нарса, мен опангизнинг унга нисбатан бефарқлигини айтганимдан кейингина, у ишонди. Бундан олдин уникичалик бўлмаса-да, опангизнинг ҳам унга нисбатан илиқ муносабатига ишончи бор эди. Лекин дўстим табиатан ишонувчан бўлгани учун қилаётган иши нотўғрилигига кўндириш қийин бўлмади. Уни ишонтиргач, яна Хартфордширга қайтмасликка кўндириш жуда осон кўчди. Мен шу пайтгача қилганларим учун ўзимни айбламайман. Юз берган воқеалар ичида мен норози бўлган нарса биттагина. Мисс Беннетнинг Лондонга келганини яшириш учун айёрлик қилишимизга тўғри келди. Унинг келгани тўғрисида мен ва мисс Бингли билар эдик. Бинглининг ўзи шу пайтгача бу тўғрисида ҳеч нарса билмайди. Балки, уларнинг учрашуви ҳеч қандай ёмон оқибатга олиб келмасди. Лекин мен Бинглининг опангизга нисбатан ҳали бутунлай совимаганидан қўрқдим. Акс ҳолда, улар учрашадиган бўлса дўстимнинг севгиси яна алангалана бошлашидан қўрқдим. Балки, бу ёлғонда иштирок этиб нотўғри қилгандирман. Лекин бўлар иш бўлди. Ҳаммаси яхши ният билан қилинган эди. Бу тўғрида гапларим тамом. Ва мен ўзимни оқлаш учун бошқа ҳеч нарса дея олмайман. Агар опангизнинг кўнглини огритган бўлсам, мен буни атай қилмаганман. Агар мени бу ишни қилишга мажбур қилган сабаблар сизга ишончли бўлиб туюлмаса, нима учун қилмаслигим керак бўлган сабабларни кўрмаяпман.

Иккинчи, оғирроқ айбловингизга, мистер Уикхемга етказилган зарар ҳақидаги гапингизга келадиган бўлсак, мен унинг бизнинг оиламиз билан боғлиқлик жойи ҳақида айтиб беришгина ўзимни оқлашим мумкин. У мени айнан нимада айблагани менга номаъ-

лум. Мен сизга ҳозир айтиб бермоқчи бўлган ҳақиқатни хоҳлаган одамингиз тасдиқлаши мумкин.

Мистер Уикхем – Пемберлида кўп йиллар давомида содиқ хизмат қилган ва шунинг орқасидан отамни улар тўғрисида ғамхўрлик қилишга ундаган одамнинг ўғли. Отам ўзининг чўқинтирган ўғли бўлган Уикхемга эътиборини қаратганди. Олдин унинг мактабдаги, кейин эса Кембриждаги ўқишига пул тўлади. Бу ёрдам жуда салмоқли эди, чунки хотинининг пул ушлай олмаслиги орқасида бечораҳолга тушиб қолган отаси ўғлини ўқимишли қилиб тарбиялай олмасди. Отам бу йигитчани фақат яхши кўрибгина қолмай, балки у тўғрисида жуда бошқача фикрда бўлиб, диний соҳани танлайди деб, унга шу йўлда ёрдам бермоқчи бўлганди. Менга келадиган бўлсак, унга бошқача кўз билан қарай бошлаганимга анча йиллар бўлди. Ўзининг ахлоқсизлигини, ўз бурчига содиқлик ҳиссининг йўқлигини у ҳаммадан яширишга уринар эди. Лекин ўзи билан ёши тенг бўлган, ўзи билан доим ёнма-ён бўлишга имконияти бўлиб, аслида қандайлигини бемалол кўра оладиган одамдан қоча олиши мумкин эмасди. Ҳозир мен яна сизнинг кўнглингизни, билмадим, қай даражада оғритаман. Сиз мистер Уикхемга қандай кўз билан қарайсиз, билмадим, лекин бу нарса мени унинг ҳақиқий башарасини очиб ташлашга баттарроқ ундайди. Отам беш йилча олдин вафот этган. Унинг Уикхемга богланиб қолгани шунчалик кучли эдики, ўз васиятида менга Уикхем ҳақда қайғуришимни айтиб ўтди. Бунга кўра, у руҳоний бўлмоқчи бўлган ҳолда, ҳамма шароитларни яратиб бериш ва бўш жой бўлиши билан уни черков приходига жойлаштириб қўйиш керак эди. Бундан ташқари, унга яна минг фунт ҳам васият қилинган эди. Йигитнинг отаси ҳам кўп ўтмай вафот этди. Орадан ярим йил ўтиб, мистер Уикхем руҳоний бўлиш фикридан қайтганини ёзиб юборди. Буни ёза туриб, у бунинг ўрнига оладиган

бадални кўзда тутган эди. Ўзининг гапича, юристликка қизиқиб қолибди ва бунинг учун минг фунт камлигини мен жуда яхши тушунардим. Шундай бўлса-да, гапларининг ростлигига ишонишни хоҳладим, чунки руҳонийлик унинг учун эмаслигини жуда яхши тушунардим. Иш шу билан тугадики, Уиккхем руҳонийлик йўлида бўладиган ҳар қандай ёрдамдан воз кечди ва мен унга уч минг фунт тўладим. Шу билан орамиздаги ҳамма борди-келди тугади ҳисоб. Уиккхемни Пемберлига меҳмонга чақириш ёки пойтахтда у билан учрашишга интилиш учун мен унинг тўғрисида жуда ёмон фикрда эдим. Тушунишимча, у фақат Лондонда яшаётган эди, юриспруденцияни ўрганиш эса бир баҳона эди холос. Уни ушлаб турадиган ҳеч ким йўқ, энди истаганча ўйнаб-кулар эди. Уч йил давомида Уиккхем тўғрисида ҳеч қандай хабар эшитмадим. Лекин черков приходидаги руҳоний вафот этганда, шу ўринни унга беришимни сўраб, менга хат ёзди. Унинг айтишича, жуда қийин аҳволда қолган эмиш ва бунга ишониш қийин эмас эди. Юриспруденцияни ўрганиш унга ҳеч нарса бермаганмиш ва айтишича, агар приходни унга берсам, диний мансабга эга бўлишга қатъий қарор қилганмиш. Бу гапларни мен сўзсиз бажаришимга унинг имони комил эди, чунки мен ғамхўрлик қиладиган бошқа одам йўқ эди ва мен отамнинг айтганларини унутмаган эдим. Сиз мен Уиккхемнинг бу илтимосини ва унинг кейинги бошқа даъволарини ҳам бажармаганим учун мени айбламасангиз керак? Унинг норозилиги шу даражага етдики, ҳамманинг олдида ва ҳатто менинг ўзимга ҳам бўҳтон гапларни айтишдан тоймади. Шундан бошлаб бизнинг ўртамиздаги ҳамма нарса тугади. Унинг кейинги ҳаёти қандай кечди – менга номаълум. Лекин ўтган ёз у жуда ёқимсиз тарзда ўзининг борлигини намоён қилди.

Мен сизга ўзим бутунлай миямдан чиқариб ташлашни хоҳлаганим воқеани айтиб бермоқчиман. Сизга бу хатни ёзишга мажбур қилган сабабгина бу воқеани сизга айтишга мажбур қиляпти. Ва сизнинг ҳам бу сирни ҳеч қачон ҳеч кимга айтмаслигингизга аминман. Мендан ўн ёш кичик бўлган синглимга ғамхўрлик қилиш менга ва онамнинг жияни бўлмиш полковник Фицуильямга юклатилган эди. Бир неча йиллар бурун биз синглимни мактабдан олиб, аввал Лондонда, ўтган ёз эса унга қараб турадиган аёл билан Рэмсгейтда жойлаштирдик. Мистер Уикхем ҳам ёмон ният билан ўша ерда жойлашган экан. Кейинчалик маълум бўлишича, биз табиатида янглишганимиз миссис Янг уни анча пайтдан бери билар экан. Унинг бепарволиги орқасида мистер Уикхем ёшлигидан унга яхши кўз билан қараган синглимни шунчалик ўзига оғдириб олибдики, синглим ўзини севиб қолдим деб ишониб, у билан қочиб кетишга рози бўлган. Синглимни бу ишда оқлайдиган нарса – бу пайтда у эндигина ўн бешга тўлган эди. Унинг енгилтаклик қилганини бўйнимга олатуриб, яна айтаманки, қочиб кетиш ҳақида синглимнинг ўзи менга айтиб берди. Мен улар мўлжаллаган вақтдан бир ёки икки кун бурун синглимнинг олдига келдим. Ўз отасидек кўрадиган акасини хафа қилиб қўймаслик учун, у менга ҳамма нарсани айтиб беришга қарор қилди. Менинг нималарни ҳис қилганимни ва нималар қилганимни бемалол тасаввур қила оласиз. Синглимнинг номига доғ туширмаслик учун бу ишни очиб ташлашнинг иложи йўқ эди. Мен мистер Уикхемга хат ёздим ва тез орада у бу ерлардан жўнаб кетди. Албатта, бу ўринда энди миссис Янгнинг хизмати ҳам керак эмас эди. Мистер Уикхемни албатта, синглимнинг ўттиз минг бўлган мероси қизиқтирган. Лекин, мен аниқ ишонаманки, шу йўл билан мендан ҳам ўчини олмоқчи бўлган. Мана, хоним, менинг бу одам билан боғлиқ тарихим ана шулардан иборат.

Агар менга озгина бўлса-да ишонсангиз, мени мистер Уикхемга нисбатан бағритошликда айбламайсиз. У сизни қандай қилиб ўзига қаратишга эришган, менга қоронғу, лекин бу нарсага эришганига ҳайрон қолиб бўлмайди. Бизлар ҳақимизда ҳеч нарса билмай туриб, сиз уни ёлғон устида ушлай олмасдингиз, гумонсираш эса – сизнинг табиатингизга зид нарса.

Бу нарсаларни мен сизга нега кеча кечқурун айтиб бермаганим қизиқ туюлар. Лекин кеча мен тўғри қилаяпманми ёки йўқ, дея оладиган аҳволда эмасдим. Гапларимнинг тўғрилигини полковник Фицуильям тасдиқлаши мумкин. Бизнинг қариндошлигимиз ва бир-биримиздан сир беркитмаслигимиз, яна бунинг устига Жоржиана учун у ҳам жавобгарлигини қўшган ҳолда, уни ҳам бўлган воқеадан хабардор қилишим керак эди. Агар ўзингизнинг менга нисбатан бепарво муносабатингиз орқасида сўзларимга ишонмасангиз, балки Фицуильямга ишонарсиз. Ва сизда ундан сўраш имкони бўлиши учун бу хатимни сизга бугун эрталаб беришга ҳаракат қиламан. Бу гапларга қўшадиганим битта: Худо ўзи сизга оқ йўл берсин!

Фицуильям Дарси».

XIII БОБ

Элизабет мистер Дарсининг хатини олар экан, у яна ўзининг розилигини сўраяпти, деб ўйламаган бўлсада, нима ёзган бўлиши мумкин, деб ўйлаш ҳам хаёлига келмаган эди. Шунинг учун хатда ёзилган гапларни қанчалик берилиб ўқиганини ва ўқиганлари унда қандай бир-бирига зид бўлган таассуротлар уйғотганини англаш қийин эмас. У ҳис қилаётган нарсаларни аташга сўз йўқ эди. Бошида у Дарси ўзини оқлашга ҳаракат қилаяпти, деб ўйлади. Дарсида ҳар бир ўзига тўғри инсон ҳам уяладиган сабаблар бўлиши мумкинлигига ишонмади. Йигит айтмоқчи бўлган нарсаларнинг ба-

рига нафрат билан у Незерфилдда бўлган воқеалар тўғрисида ўқий бошлади. Ҳар бир қаторни ютоқиб ўқир экан, у ҳозиргина ўқиган қаторининг мағзини чақмай туриб, кейинги қаторда нима ёзилганига қизиқиш орқасида олдинги қатордаги гапнинг мазмунини тушуна олмай қолди. Бошида Дарсининг опасининг мистер Бинглига муносабатларини сезмаганман, деган гапи ёлғонга ўхшаб туюлди. Йигитнинг бу никоҳга қаршилигининг жиддий ва ҳақиқий сабабларининг рўйхати Элизабетнинг шунчалик ғазабини қўзғадики, у йигитнинг сўзларига тўғри баҳо беришга қодир эмасди. У ўз қилмишларига қиз истаганчалик даражада пушаймон бўлмаётганди. Унинг сўзларида пушаймонлик эмас, балки ўз қилмишидан хурсандлик акс этарди. Хат бошидан охиригача манманлик ва гердайишга тўладек эди.

Лекин қиз хатнинг Уикхем ҳақидаги қисмини ўқиётганида баттарроқ қийноққа тушди. Боши бир оз енгиллашгач, агар ёзилганлар ҳаммаси тўғри бўлса, бу йигит тўғрисидаги ҳамма яхши гапларни йўққа чиқарадиган воқеаларни қайтадан ўқиб чиқди. Ёзилган нарсалар Уикхем айтган нарсаларнинг ўзгинаси эди. Қиз даҳшатга тушди. «Бўлиши мумкин эмас! Бу ёлғон! Бундай эмас!» – деган гаплар билан хатдаги барча фактларни йўққа чиқармоқчи бўлди. Хатга яна бир бора кўз югуртириб, тахлар экан, энди бошқа ўқимайман, деб ўз-ўзини ишонтиришга уринди.

Юраги така-пука бўлиб, фикрларини жамлай олмай, бир оз айланишга ҳаракат қилди. Лекин бу ёрдам бермади. Ярим дақиқалардан сўнг, ўзини қўлга олдида, хатни яна очиб, Уикхемга тегишли жойини қайтадан ўқишга тушди. Аста-секин ўқиётган ҳар бир гапининг мағзини чақа бошлади. Уикхемнинг мистер Дарсининг оиласи ҳақида айтганлари йигит айтаётган гапларига мос келарди. Иккаласининг, олдин Элизабет бу тўғрисида ҳеч нарса билмаган бўлса-да, марҳум Дарсининг сахийлиги тўғрисидаги фикрлари бир

хил эди. Шу пайтгача уларнинг гаплари бир-бирини тўлдириб келарди. Лекин қиз васият ҳақида ўқий бошлаганда, фикрлар ўртасидаги фарқ сезила бошлади. Қиз Уикхемнинг ўзига васият қилинган приход ҳақидаги гапларини яхши эсларди ва бундан йигитлардан бирининг ёлғон гапираётгани келиб чиқарди. Биринчи дақиқаларда Элизабет ўзининг сезгиси алдамаганига умид қилди. Лекин, Уикхемнинг ўзига аталган приходдан воз кечгани ва унинг ўрнига уч минг фунт олгани ёзилган жойига келганда унинг ишончи сустлаша борди. Хатга қарамай, холис бўлишга уриниб, ҳар бир далилни тарозига солишга ҳаракат қилди, лекин бу ёрдам бермади. Ҳар иккала томонда қуруқ сўзлар эди. Ҳар бир қаторни ўқиб чиқар экан, Элизабет ўзини тутишини номуссизликдан бошқа нарса деб бўлмайди, деб ҳисоблаётган Дарсини энди бутунлай айбсиз, дейишга бошлаган эди.

Уикхемнинг исрофгарчиликда ва бузуқчиликда айбланиши қизнинг юрагига тегди – айниқса, бу гапларнинг ноҳақлигини исботлайдиган асослар йўқлиги ҳисобга олинса. У йигит эндигина танишгани бир дўстининг маслаҳати билан ...шир полкига жойлашмагунча, Уикхем ҳақида ҳеч нарса билмасди. Қизнинг яқинлари ҳам Уикхем ўзи ҳақида гапириб берганларидан ташқари у тўғрисида ҳеч нарсани билишмасди. Унинг аслида ким эканлигини суриштириш ҳеч кимнинг, ҳатто Элизабетнинг ҳам хаёлига келмаган эди. Йигитнинг ташқи кўриниши, овози, ўзини тутиши – ҳаммаси унинг яхши фазилатларга эга эканлигидан дарак бериб турарди. Элизабет йигитнинг мистер Дарсининг айтганларини йўққа чиқарадиган бирорта яхши ишини, алоҳида бир хислатини ёдига туширмоқчи бўлди. Лекин ҳеч нарсани эслай олмади. Йигитнинг ўзини мулойимдек тутишларини эслаш осон эди. Лекин унинг шу кўриниши билангина ҳамманинг оғзига тушганини айтмаса, бошқа ёдда қоладиган бирорта фазилати йўқ эди. Анча ўйлаб ўтиргач, Элиза-

бет яна ўқишда давом этди. Лекин хатнинг давомидаги Уикхемнинг мисс Дарсини йўлдан урмоқчи бўлгани яқинда у полковник Фицуильям билан гаплашган гапларига тўғри келарди. Бунинг устига мистер Дарси айтаётганларининг тасдиғини полковникдан сўраши мумкинлигини, чунки у ҳам ўзи билан бир қаторда синглисининг ҳаётига жавобгарлигини ёзар эди. Шундай дақиқа бўлдики, Элизабет ростдан ҳам полковник билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди, лекин мавзунинг қалтислигини ва Дарси агар ўзи ишонмаса ундан сўраб кўриш мумкинлигини айтмаган бўларди, деб ўйлаб, фикридан қайтди.

Элизабет Уикхем билан биринчи марта мистер Филипсникида учрашганда у билан гаплашган гаплари миридан-сиригача ҳаммаси ёдида эди. Унинг кўп гаплари эса кечагина гаплашгандай эди. Қиз бирдан йигитнинг бу нарсаларни эндигина танишган одамига айтиб бергани нақадар ақлдан бўлмаганини ўйлаб, нега шу оддий нарса хаёлига келмаганига ҳайрон бўлди. Йигитнинг ҳамма ерда одамларнинг эътиборини тортмоқчи бўлгани ҳам одобдан эмас эди. Унинг айтганлари ҳаракатларига зид эди. Қизнинг эсига яна унинг Дарси билан учрашувдан қўрқмаслигини, керак бўлса мистер Дарси ўзи бу ерлардан кетсин, деганлари тушди. Шунга қарамай, бу гаплардан сўнг бир ҳафтагина ўтиб, у Незерфилддаги балга келмади. Элизабет йигитнинг яна незерфелдликлар Хартфордширдан кетганларидан кейингина ўз тарихини ҳаммага айтиб бергани ёдига тушди. Мистер Дарсини ёмонотлиқ қилиш учун у ҳеч нарсадан қайтмаган, айни пайтда эса катта мистер Дарсига ўзининг содиқлиги тўғрисида гапира туриб, бу содиқлиги унинг ўғли тўғрисида ёмон гапиришга йўл қўймайди, деб қизга уқтиришга ҳаракат қилганди.

Мистер Уикхемнинг ҳар бир хатти-ҳаракати энди қизнинг назарида бошқача маъно касб этаётганди. Унинг мисс Кинг орқасидан юриши пасткашларча

фақат ўзини ўйлаб қилган ҳаракат эди – қиз сепининг қиймати камлиги унинг иштаҳасининг пастлигидан эмас, балки унинг ҳар бир майда ўлжага ҳам тайёрлигида эди. Унинг Элизабетга муносабатини энди яхши умидлар билан эди, деб оқлаб бўлмасди: у ёки қизнинг маблағи тўғрисида янглишган ёки қиз эҳтиётсизлиги орқасида унга билдириб қўйган туйғулари устидан ўйнашмоқчи бўлган. Элизабетнинг Уикхемни оқлашга қилган барча ҳаракатлари ўйлагани сари бўшашиб борарди. Дарсини оқлагани сари эса мистер Бинглининг Жейннинг саволига жавобан дўстининг Уикхемга нисбатан бегиналигини айтгани; ўзини гердайиб тутишига қарамай, охирги пайтларда шунча вақт бирга бўлиш давомида, ўзининг кўнгил тубидаги сирларини оча туриб, Дарси бирор марта ҳам уни адолатсизлик ёки виждонсизликда айблаб бўладиган бирорта ҳаракат қилмаганини; ўз дўстлари даврасида обрўга эгалигини; ҳатто Уикхем ҳам унинг қандай меҳрибон акалигини айтганини; ўзининг ҳам Дарси неча марта синглиси ҳақида қанчалик меҳр билан гапирганларини эшитганини эслади.

Элизабет ўзининг Дарсига қилган муомаласидан уялиб кетди. У Дарси ёки Уикхем ҳақида ўйлар экан, ўзининг нақадар кўр, адолатсиз, тентак эканлиги ва нотўғри фикрлаганига тан берди.

– Қандай уят иш қилдим! – хитоб қилди у. – Мен – ўзимнинг зийраклигимдан мағрурланадиган ва ўзимнинг тўғри фикрлашимга таянадиган қиз! Доим опам кўнгилчанлигининг устидан куладиган ва ўзимнинг шуҳратпарастлигимни бепарволикни парда қилиб беркитадиган қиз! Бу янгилик мени қанчалар ерга ураяпти! Бу нарса қанчалик адолатли! Севиб қолган тақдиримда ҳам мен шунчалик кўр бўлмаган бўлардим. Лекин севги эмас, шуҳратпарастлик мени кўздан айирди! Биринчи танишишдаёқ уни ёқтириб қолишганидан боши осмонга етган ва бошқа бировнинг эса унга бепарволигидан ўзини ҳақоратланган деб ҳисоблаган

мен, ёлғон тасаввурларга таяниб, ҳар иккаласи ҳақида нотўғри хулоса қилибман! Мана, қай вазиятда мен ўзимни тушуниб олишим керак!

Қиз фикрлари ўзидан Жейнга, Жейндан Бинглига сакрар экан, Дарсининг хатидаги шу жойига алоқадор гаплар жуда ҳам ишонарли чиқмаган, деган фикр унинг хаёлига келиши мумкин эди. У яна қайтадан ўқиб чиқди. Энди бу гаплар бутунлай бошқа маъно касб этарди. Дарси хатининг бир жойида айтаётган гапларининг асослилигини тан ола туриб, бошқа жойини рад этиш мумкинмикан? Унинг айтишича, Жейн дўстини шунчалик севиб қолган бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган экан. Шу ерда қиз дугонаси Шарлоттанинг бу ҳақда айтган гапларини эслади ва йигит айтаётган фикрлар тўғрилигини инкор қила олмади. Элизабетнинг ўзи ҳам, Жейннинг туйғулари қанчалик чуқур бўлмасин, унинг ўта вазминлиги орқасида ичида нималар содир бўлаётганини билиш қийинлигини ҳис қилиб турарди.

Хатнинг унинг қариндошлари тўғрисида ёзилган жойига келганда қиз яна уятдан ловуллаб кетди. Айтилган гапларни инкор қилиб бўлмасди, чунки қизнинг ўзи ҳам аслида шундайлигини жуда яхши биларди. Дарси айтиб ўтган Незерфилддаги балда бўлган ва Дарсини ўртоғининг танловига қарши бўлишига олиб келган ҳамма гап-сўзлар ўзининг ҳам ёдида эди.

Беннетларнинг икки катта қизлари тўғрисидаги мақтов сўзлари ҳам эътиборсиз қолмади. Бу мақтов бошқа Беннетлар тўғрисидаги салбий фикрларни салгина юмшатар эди холос, лекин оғриқни олмасди. Қиз Жейннинг бахтсизлиги ўз қариндошларининг ўзларини нолойиқ тутишлари орқасидан эканлигини тушуниб етган ва бу ҳол унга туганмас азоб бераётган эди.

Паркда яна икки соатларча айланиб юрар экан, Элизабет ўзини тўлқинлантираётган нарсалар устида қайта-қайта ўйлар, бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил

қилар ва ўзининг қарашларида рўй берган ўзгаришларга кўникишга ҳаракат қилар эди. Ахири, жуда чарчаганини сезиб ва ўзининг уйда йўқлиги ҳам чўзилиб кетганини ҳис қилиб, уйга қайтди. Уйга кираётиб одатдагича қувноқ кўринишга ва уйдаги суҳбатга халал берадиган ҳамма нарсани миясидан чиқариб ташлашга уринди.

Уйга кириши билан унга у йўғида Розингсдан иккала йигит келиб кетишганини айтишди. Мистер Дарси бир неча дақиқагагина хайрлашгани кирибди. Полковник Фицуильям эса уни кутиб, бир соатча ўтирибди ва ҳатто уни қидиришга ҳам чиқмоқчи бўлибди. Элизабет бу борада пушаймонлигини айтди, аслида эса шундай бўлганига хурсанд бўлди. Унинг учун энди Фицуильям йўқ, ҳозир фақат хат ҳақида ўйлар эди.

XIV БОБ

Иккала йигит ҳам эртаси куни эрталаб Розингсдан жўнаб кетишди. Хайрлашиш учун кўча эшиги олдида кутиб турган мистер Коллинз қайтиб уйга кирар экан, уларнинг соғ-омонликларини айтиб, леди Кэтрин ва миссис де Бёрларни овутиш учун Розингсга қараб югурди. Қайтиб келганда, уларнинг ҳалитдан зерикишаётганини ва аёлларни меҳмонга таклиф қилиб юборишгани айтди.

Леди Кэтрингга тикилар экан, Элизабет, агар хоҳлаганда ҳозир ўзининг бу аёлга бўлажак жиян келин деб таништирган бўлишларини хаёлига келтирди. Ва шундай бўлган тақдирда беканинг қандай дарғазаб бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтириб, зўрға ўзини кулгидан тийиб қолди. «Қизиқ, шундай бўлса, у нима деган бўларди ва ўзини қандай тутарди?» – ичида кулиб, ўзига ўзи савол берарди Элизабет.

Суҳбат леди Кэтриннинг жиянлари Розингсдан кетишгани тўғрисидаги хабардан бошланди:

– Ишонасизларми, уларнинг жўнаб кетиши юрагимни бузди, – дерди леди Кэтрин. – Ҳеч ким яқинларининг жўнаб кетишини менчалик юрагига яқин олмаса керак. Айниқса, шу иккала йигитга менинг меҳрим бошқача. Улар ҳам менга жуда боғланиб қолишган! Кетаётганларидан қандай хафа бўлганларини билсангиз эди! Доим шундай. Бечора полковник ўзини зўрға тутиб турди, Дарси эса ўтган йилдагидан ҳам бу айрилиқдан қаттиқ хафа бўлди. У Розингсга аввалгидан ҳам қаттиқроқ боғланиб қолибди.

Шу ўринда мистер Коллинз гап нимадалигига шама қилиб, гап қистириб қўйди, она-бола эса жилмайиб қўйишди.

Тушликдан сўнг леди Кэтрин Элизабетнинг шашти пастроқлигини сезиб, бу уларнинг кетиш куни яқинлашаётганидан, деб ўйлади-да, деди:

– Гап шунда бўлса, онангиздан яна бир оз ушланиб қолишга рухсат сўранг. Миссис Коллинз ҳам бунга хурсанд бўлади.

– Таклифингиздан бағоят миннатдорман, – деди Элизабет. – Афсуски, қабул қила олмайман. Келаси шанба куни мен Лондонда бўлишим керак.

– Унда Кентда ниҳояти олти ҳафтагина бўлган бўласизлар-ку! Мен эса икки ой бўласизлар деб умид қилгандим. Келишинглардан олдин мен миссис Коллинзга шундай дегандим. Бундай тез кетишинглар шарт эмас. Миссис Беннет сизларсиз икки ҳафта чидаб турар.

– Ҳа, лекин отам менсиз чидай олмайди. Яқингинада у мендан тезроқ келишимни сўради.

– Йўғ-э, агар онангизга керак бўлмасангиз, отангизга ундан нари бўлса керак. Оталар қизлари учун кўп ҳам қайғурмайдилар. Яна бир ой қолсанглар, биттангларни Лондонгача бирга олиб кетардим – июнь ойининг бошларида ўша ёққа бормоқчиман. Аравага фақат биттанглар сиғасиз. Агар ҳаво иссиқ бўлмаса, балки икковларингни олиб кетарман – жуда озғинсизлар-ку, балки сиғиб қоларсиз.

– Сиздан жуда-жуда миннатдорман, зоти олиялари. Лекин биз биринчи режамизни ўзгартира олмасак керак, деб қўрқаман.

Леди Кэтрин кўниб қўя қолди.

– Миссис Коллинз, сиз уларга хизматкор қўшиб юборинг. Биласиз, мен доим ростини айтаман. Қизлар ўз ҳолиларича почта отларида кетишларига йўл қўя олмайман, бу яхши эмас. Албатта бировни топишингиз керак. Ёш қизлар, жамиятдаги ўз ўринларига кўра доимо назорат остида бўлишлари керак. Жияним Жоржиана ўтган ёз Рэмсгейтга кўчиб ўтганида мен у билан икки одам боришини талаб қилдим. Пемберлилик мистер Дарсининг қизи бўлган мисс Дарси ва леди Энн учун хизматкорларсиз кетиш тасаввурга сиғмайдиган иш эди. Бундай масалалар борасида мен жуда инжиқман. Миссис Коллинз, қизлар билан Жонни жўнатишингиз керак. Яхшиям бу нарса хаёлимга келди – бўлмаса охирини ўйламай, уларни ёлғиз жўнатиб юборган бўлардингиз.

– Амаким хизматкор юбормоқчи эди.

– Амакингизми? Унинг хизматкори бор-а? Ҳайтовур, ичларингда бу нарсани ўйлайдиган кимдир бор экан. Отларни қаерда алмаштирасиз? Албатта, Бромлида бўлса керак. «Қўнғироқ»да менинг номимни айтсангиз бўлди, сизларга дарров ғамхўрлик қилишади.

Леди Кэтрин уларга яна кўп кўрсатмалар берди ва қизлар саволларининг ҳаммасига жавоб бермагани учун, уларга ҳам қўшилиб туришларига тўғри келди. Элизабет бу гап-сўзлардан жуда хурсанд эди, чунки истаган маҳалда ўз хаёлларига берилиб кетиб қолиб, қаерда ўтирганини ҳам эсидан чиқариб қўядиган аҳволда эди. Бу хаёлларини кейинроққа олиб қўймоқчи бўлди – ёлғизликда яна ҳаммасини ўйлаб кўрмоқчи эди. Шу ниятда ҳар куни ёлғиз ўзи паркка айлангани чиқадиган бўлди.

Мистер Дарсининг хатини у ёдлаб олган эди. Хатдаги ҳар бир жумла устида ўйлар ва ҳар хил жойлари-

да унинг фикрлари бир-бирига зид бўларди. Йигитнинг унинг розилигини сўраётган пайтдаги ҳоли эсига тушганда алами чиқар, лекин ўзининг уни қанчалик қўполлик билан айблагани ва севгисини рад қилганини эсласа, ўзини-ўзи ёмон кўриб кетар ва унга юраги ачир эди. Йигитнинг муносабати миннатдорчилик, табиати эса ҳурматга сазовор эди. Лекин шунга қарамай, қиз уни худди аввалгидек ёқтирмаётган эди ва ўзининг рад қилганидан ҳам пушаймон эмасди, йигитни яна бир бор кўришни ҳам асло хоҳламаётганди. Қиз ўзининг олдинги хатти-ҳаракатларидан пушаймон эди. Яқинларининг ўзларини тутишларидан эса баттарроқ азобда эди. Ва улар қачонлардир ўзгаришади, деган умид ҳам йўқ эди. Кичик қизларининг устидан кулишни яхши кўрадиган отаси ҳеч қачон уларни тарбиялашни бўйнига олмайди. Ўзининг табиати ҳам тугалликдан йироқ бўлган онаси эса, қизларида ҳамма нарса жойида эмаслиги хаёлига ҳам келмаган. Элизабет билан Жейн жуда кўп маротаба Кэтрин ва Лидияга таъсир ўтказмоқчи бўлишган эди. Лекин оналари қўллаб-қувватламас экан, уларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Табиатан бўш ва инжиқ бўлган Кэтрин, ўзидан кичик бўлган Лидия таъсири остида бўлиб, опаларининг гапларига фақат хафа бўларди. Ўзбилармон ва ўйинқароқ Лидия эса уларнинг гапларига қулоқ ҳам солмасди. Иккала қиз дангаса, оми ва ўзларига бино қўйишган эди. Меритонда битта ҳам зобит қолмагунча улар таннозлик қилишдан тўхтамасликлари аниқ эди. Лонгборндан Меритонгача узоқ бўлмагани боис, у ерга бориб келиш иш эмасди.

Жейн тўғрисидаги хаёллар ҳам Элизабетга тинчлик бермаётганди. Дарсининг хати Элизабетнинг Бингли тўғрисидаги аввалги фикрини қайтарди ва шу билан бирга опаси йўқотган нарсанинг қийматини янада оширди: йигитнинг муносабати ҳақиқий экан, дўстига кўр-кўрона ишонишини ҳисобга олмаса, унинг та-

биатига нисбатан ўйлашган хулосалари ҳам асоссиз экан. Ҳар томондан тўкис, келажакда бахтли бўлиши кўриниб турган шундай ажойиб жуфтлик ўз қариндошларининг эътиборсизлиги орқасидан ажралиб кетиши бемаъни бир ҳодиса эди.

Юқорида айтиб ўтилганларга яна мистер Уикхемнинг ҳақиқий башараси очиб ташланганлиги қўшилганда, табиатан ўзининг қувноқлигига қарамай, Элизабет жуда эзилиб кетган ва юзида бамайлихотир ифодани зўрға ушлаб турар эди.

Коллинзларникида ўтказаётган охирги ҳафталарини улар худди биринчи келганларида бўлганидек, тез-тез Розингсга бориб ўтказишаётган эди. Кетишларидан бир кун олдинги охирги кечани ҳам улар леди Кэтринникида меҳмонда ўтказишди. Бутун кеча давомида у қизларнинг кетишларига оид ҳамма майда-чуйдаларгача суриштирди, ҳатто кийимларини қандай тахлаб солишгача ўргатдики, уйга қайтиб келганларида Мария эрталабоқ тайёрлаб қўйганларини қайтадан жойлади.

Меҳмондорчиликдан қайтаётганларида леди Кэтрин уларни келаси баҳорда яна Хансфордга келишга таклиф қилиб, оқ йўл тилади, мисс де Бёр эса тиззасини букиб таъзим қилишни лозим кўриб, ҳар бири билан қўл бериб хайрлашди.

XV БОБ

Шанба куни эрталаб мистер Коллинз нонуштага йиғилишларидан олдинроқ Элизабетни кўриб, унга ўзининг назарида хайрлашув олдидан албатта айтилиши керак, деб ҳисоблаган илтифотли сўзларни айтди:

– Мисс Элизабет, миссис Коллинз сизларнинг бизникига келганларингиздан бошимиз осмонга етганини айтдими ёки йўқми, хабарим йўқ. Лекин мен бизнинг бундан жуда хурсанд бўлганимизни айтмасдан

сизларни жўната олмайман. Сизни ишонтириб айтаманки, бизнинг орамизда бўлганингиз учун жуда миннатдормиз. Биз албатта бу камтаргина кулбамизда сизнинг диққатингизга сазовор бўладиган нарсалар камлигини тушунамиз. Бизнинг оддий ҳаётимиз, кичкинагина хоналаримиз, хизматкорлар сони озлиги ва таниш-билишларнинг камлиги Хансфордни сиздек ёш қиз учун зерикарли кўрсатган бўлса керак. Лекин, сиз ўзингизни бу ерда яхши ҳис қилишингиз учун биз қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилганимизга ишонасиз, деб умид қиламан.

Ўзларининг бу ерда бўлганларидан хурсандлигини айтиб, Элизабет миннатдорчилик билдирди. Ўтган олти ҳафта уларга жуда катта хурсандчилик берганини, Шарлотта билан ўтказган дамларидан боши осмонга етганлигини, ўзларига кўрсатилган бундай эътибордан мамнун эканликларини айтди. Мистер Коллинз қизнинг жавобларидан қониқди ва яна жилмайиб деди:

– Сизнинг бу ерда вақтингизни жуда яхши ўтказганларингизни эшитишдан хурсандман. Розингсдаги алоқаларимиздан фойдаланиб, сизни оқсуяклар оламига олиб кириб, уйимиздаги бир хил ҳаётни сал жонлантиришга эришганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, сиз Хансфордга келганингиздан чиндан ҳам афсусланмаяпсиз, деб умид қиламан. Леди Кэтрин оиласи билан яқинлигимиз бизга жуда кўп енгилликлар беради. Сиз энди бизларнинг у билан қанчалик яқинлигимизни ва бизни у ерга тез-тез чақириб туришларининг гувоҳи бўлдингиз. Очиғини айтганда, менинг назаримда бу ерда яшовчилардан ҳеч ким, шундай қулайликлардан фойдаланаётиб, ачинишга муҳтож эмас.

Юрагидан тошиб келаётган гапларни айтишга улгурмай, мистер Коллинз хонанинг ичида у ёқдан бу ёққа юрар экан, Элизабет яна миннатдорчилик сўзларини айтишга улгурди.

– Уйингизга келганда, хоним, бизнинг ҳаётимизни яхшилаб тасвирлаб бера оласиз. Шундай бўлади, деб умид қиламан. Сиз ҳар куни леди Кэтрин томонидан миссис Коллинзга нисбатан қилинган алоҳида эътиборнинг гувоҳи бўлдингиз. Мен ўйлайманки, дугонангизни бахтсиз деб аташ мумкин эмас... Яхшиси, бу ҳақда гапирмаймиз. Азизам мисс Элизабет, сизнинг ҳам турмушга чиқишда омадингиз келади, деб ишонч билан айтишга рухсат беринг. Менга қадрли бўлган Шарлотта билан мен ҳамма нарсага бир хил кўз билан қараймиз ва бир хил фикрлаймиз. Бизнинг характерларимиз ва қарашларимиз жуда ўхшаш ва биз бир-биримиз учун яралганмиз.

Элизабет чин кўнгилдан мистер Коллинз ўз бахтини топганига ишончи комиллигини айтди. Шу пайт суҳбатни уларнинг бу ердалик даврларида ҳамма қулайликларга эга бўлганликларининг сабабчиси бўлган леди Кэтриннинг келиб қолиши бўлди. Бечора Шарлотта! Дугонасини шундай одамлар орасига ташлаб кетиш ачинарли эди. Лекин у ўз йўлини ўзи танлади. Шарлотта меҳмонларининг кетаётганидан ачинаётган бўлса-да, ташида ҳеч нарса сездирмади. Уй ва хўжалик, черков приходи ва қушларга қараш ва шулар билан боғлиқ нарсалар ҳали-бери унинг жонига тегишга улгурмаган эди.

Ахири карета келиб, юклар тепага, тугунлар ичкарига жойлаштирилгач, кетишга ҳамма нарса тахтлиги эълон қилинди. Дугонаси билан хайрлашгач, Элизабет экипаж томонга юрар экан, мистер Коллинз қизнинг оиласига ўтган қишда у Лонгборнга борганда кўрсатган меҳмондорчиликлари учун миннатдорчилик билдириб қўйишни, нотаниш бўлишса-да мистер ва миссис Гардинерларга ҳам салом айтиб қўйишни илтимос қилди. Сўнг қизга каретага жойлашиб олишига ёрдам берди. Элизабетдан сўнг каретага Мария ҳам жойлашди. Каретанинг эшигини ёпишаётганда мистер Коллинзнинг ёдига меҳмонларнинг

Розингсдагиларга бирор нарса айтиб қўйишмагани тушди:

– Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, – деди у. – Албатта, сизлар мендан улар кўрсатган меҳмондўстликлари учун чуқур таъзимда эканликларингизни айтиб қўйишимни сўраган бўлардинглар, тўғрими?

Элизабетдан тасдиқ жавобини олгач, карета эшиги ёпилди ва меҳмонлар жўнаб кетишди.

– Вой, Худойим! – бир оз сукутдан сўнг хитоб қилди Мария. – Назаримда, худди кечагина келгандекмиз. Ваҳоланки, неча кун ўтиб кетди. Ва шу пайт ичида нималар юз бермади!

– Ҳа, рост айтасан, – деди Элизабет.

– Ўйлаб кўринг-а, Розингсда тўққиз маротаба тушлик қилибмиз! Яна икки марта чойга чақиришди! Уйдагиларга қанча нарса айтиб беришим керак!

«Мен эса қанча нарсани яширишим керак», – ичида ўз-ўзига деди Элизабет.

Йўлда улар умуман гаплашмадилар ҳисоб. Орадан тўрт соат ўтгач, ҳеч қандай ҳодисаларсиз мистер Гардинерникига етиб келишди. Қизлар бу ерда яна бир неча кунни ўтказишлари керак эди.

Кўринишидан Жейннинг аҳволи яхши эди. Миссис Гардинернинг қилаётган ҳазил-ҳузиллари орқасида унинг юрагида нима кечаётганини билиш қийин эди. Лекин улар яқинда Лонгборнга қайтишади ва уйда Элизабетнинг опасини кузатишга бемалол вақти бўлади. Мистер Дарсининг унга қилган таклифини уйга бормагунча опасига айтмасдан туришга зўрға сабри чидаётган эди. Элизабет, ақл билан бу туйғудан шунча қочмоқчи бўлса-да, ғурури учун ёқимли бўлган бу янгиликни опасига ипидан игнасигача айтиб беришга шошаётган эди. Унга халақит бераётган нарса эса шошиб эҳтиётсизлик қилиб, мистер Бинглининг номини тилга олиб қўйиш ва бу билан опасининг ярасини янгилаб қўйишдан қўрқиш эди.

XVI БОБ

Учта ёш қиз Грейсчёрч-стритдан чиқиб, Хартфордширдаги шаҳарчага йўл олганларида май ойининг иккинчи ҳафтаси эди. Қизларни мистер Беннетнинг экипажи кутиб олиши керак бўлган меҳмонхона олдига яқинлашганларида, улар аравакашнинг ўз ишига пухталигининг гувоҳи бўлишди. Иккинчи қаватдаги ошхона деразасидан Китти ва Лидия қараб туришарди. Келаётганларни кутиб улар иккаласи шаҳар айланиб келишган, дўконларга киришган ва бодрингли салат тайёрлаб қўйишган эди. Кўришиб бўлганларидан сўнг сингиллар опаларига стол устига ясатиб қўйилган овқатларни кўрсатиб мақтанишди:

– Қаранглар, зўр-а? Сизлар учун кутилмаган совғами?

– Биз сизларни меҳмон қилмоқчимиз, – деди Лидия. – Фақат пулини сизлар берасизлар, чунки биз бор пулимизни дўконда ишлатиб бўлдик.

Шундай деб, қиз дўкондан олган нарсаларини кўрсата кетди:

– Қаранглар, мен ўзимга қандай шляпа сотиб олдим. Албатта, жуда зўр эмас, олмаса ҳам бўларди. Уйда уни бузиб, бирорта тузукроқ нарса чиқариб бўлармикин, деб олдим.

Опалари Лидия олган шляпа дабдала эканлигини айтишар экан, у пинагини ҳам бузмай деди:

– У ерда бундан ҳам баттар икки-уч хили бор эди. Озгина ёрқин атлас мато сотиб олиб, бир оз ўзгартирилса, яхшигина шляпа бўлади. Агар полк икки ҳафтадан сўнг Меритондан жўнаб кетаркан, ёзда нима кийиб юришимиз бари бир эмасми?

– Полк жўнаб кетаяптими? – бу хабардан Элизабет ўзида йўқ севиниб кетди.

– Улар энди Брайтонда лагерь ўрнатишар экан. Отамиз бизни ёзда ўша ёққа олиб борса эди! Маза қилар-

дик, унчалик қиммат ҳам эмас. Онам ҳам шуни орзу қилиб ётибди. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, ёзда зерикиб ўламиз-ку!

«Ростдан ҳам ажойиб фикр, – ўйлади Элизабет. – Бизга ўзи худди шу нарса етишмаётган эди. Бутун бир ҳарбий лагерь жойлашган Брайтонга бориш! Кичкинагина полк ва бир ойда бир марта бўладиган Меритондаги балларни деб, ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетай деяпти-ку».

– Менда сен учун янгилик бор, – деди Лидия стол атрофига ўтиришганда. – Нималигини топа оласанми? Зўр янгилик. Ажойиб янгилик – биз ҳаммамизга ёқиб қолган одам тўғрисида.

Жейн ва Элизабет бир-бирларига қараб олишди, ёнларида уларга хизмат қилаётган малайга чиқиб кетишга рухсат беришди.

– Ҳали ҳам ўша-ўшасизлар! – хохолаб деди Лидия. – Оддий малай эшитиб қолишидан қўрқасизлар. Худди бу унга керакдек! У мен ҳозир сизга айтмоқчи бўлганлардан баттароғини эшитса керак. Нима бўлса ҳам, чиқиб кетгани яхши бўлди. Умримда бунақа узун соқолни кўрмаганман! Демак, эшитинглар. Гап бизнинг қадрдон дўстимиз Уикхем ҳақида кетаяпти. У Мэри Кингга уйланмоқчи эмас, мана гап нимада! Қалай, янгилик ёқдими? Қиз Ливерпулга, амакисиникига жўнаб кетибди, яна бир умрга. Энди Уикхемдан кўнглимиз тўқ бўлса ҳам бўлади.

– Мэри Кингдан ҳам кўнглимиз тўқ бўлса бўлади, у ақлсиз бўлган никоҳдан қутулибди, – қўшиб қўйди Элизабет.

– Агар Уикхем унга ёққан бўлса, у ҳолда ўтакетган тентак экан.

– Уларнинг алоқаси жуда ҳам чуқурлашиб кетмаган эди, деб умид қиламан, – деди Жейн.

– Уикхем албатта жиддий эмасди. Мен сезишимча, унга бари бир эди. Сепкили бор бу қўғирчоқ кимга ҳам ёқарди.

Элизабет ўзининг бу тўғридаги гаплари, ҳозир Лидия айтаётганчалик беҳаёларча айтилмаган бўлса-да, моҳиятан уятсиз бўлганини ўйлаб, даҳшатга тушди.

Овқатланиб бўлиб, еган нарсалари учун пул тўлаб бўлишгач, экипажга ўтиришди. Бир талай тугунлар, сумкалар ва қутилар билан ҳаммаларининг битта экипажга сиғишлари осон бўлмади.

– Зўр сиғдик-а! – хитоб қилди Лидия. – Бу шляпани сотиб олганимдан жуда хурсандман. Нима бўлибди, юкимиз яна биттагина қутига кўп бўлди-да. Энди, келинглар, яхшилаб жойлашиб оламиз-да, кета кетгунча маза қилиб гаплашиб кетамиз. Қани, энди уйдан кетганларингдан кейин нималар бўлганини айтиб беринглар-чи. Бирорта қизиқроқ йигитни учратдингларми? Унинг бошини айлантира олдингларми? Мен, қайтиб келгунгача битталаринг эрга тегиб оласизлар деб кутган эдим. Тавба қилдим, ўлай агар, Жейн энди қари қиз бўлиб қолади. Йигирма учга чиқиб қолди-я! Агар ўзим шу ёшгача эрга тегмасам уятдан ўлиб қолган бўлардим. Биласизми, Филипс холамиз биз ҳаммамиз турмушга чиқишимизни роса кутиб ётибди. Унинг фикрича, Лиззи мистер Коллинзга тегмай бекор қилибди. Мен ўзим, тўғриси, бундан бир иш чиқишига кўзим етмаган эди. Вой Худо, ҳаммадан биринчи бўлиб ўзим эрга тегиб олгим келаяпти! Ўшанда мен ўзим сизларни балларга олиб юрардим. Вой қизлар, биласизларми, ўтган куни Форстерларникида маза қилдик. Китти иккаламизни таклиф қилишган эди. Кечқурун эса миссис Форстер бирпас рақс тушишни таклиф қилди. Айтганча, миссис Форстер билан жуда қалинмиз. У опа-сингил Харрингтонларни ҳам таклиф қилган экан. Харриет касал экан, Пен ёлғиз ўзи келибди. Топинглар-чи, биз нима қилдик? Чемберленга аёлларнинг кийимини кийдириб қўйдик – бир кўрсанглар эди! Буни полковник ва миссис Форстердан бошқа ҳеч ким билмади. Китти ва мен, яна Филипс холамиз ҳам билди – биз ундан у-бу кийим олгандик. Унга кийим

қанақа ярашганини кўрсанглар эди! Денни, Уикхем, Пратт ва яна икки-уч йигит – биттаси ҳам танимади. Маза қилиб кулганимни бир кўрсанглар эди. Кулавериб ичагим узилай деди. Шундан кейин йигитлар нимадандир шубҳа қилгандай бўлишиб, кейингина сезишди.

Шу тахлит гаплар билан Лидия йўл бўйи опаларини кулдириб келишга ҳаракат қилди. Вақти-вақти билан унга Китти ҳам қўшилиб турди. Элизабет синглисига қулоқ солмасликка ҳаракат қилди, лекин Лидиянинг гап орасида Уикхем номини тез-тез тилга олганига эътибор берди.

Уйда қизларни қучоқ очиб кутиб олишди. Миссис Беннет Жейннинг ўзига келиб қолганидан мамнун бўлди. Овқат устида эса, мистер Беннет Лиззига қараб, унинг қайтиб келганидан жуда хурсандлигини айтди.

Шу кеча уйда одам жуда кўп бўлди, чунки Лукасларнинг уйидагиларнинг ҳаммаси Беннетларникига келишган эди. Улар Марияни кутиб олишмоқчи ва меҳмондорчилик қандай ўтганини билишмоқчи эди. Леди Лукас катта қизининг оиласи, рўзғори ва қушлари ҳақида тезроқ ҳамма нарсани билгиси келаётган эди. Миссис Беннет эса икки томонлама суҳбат олиб борарди: бир томондан Жейндан охирги урфлар тўғрисида сўраётган бўлса, иккинчи томондан Жейннинг гапларини кичик мисс Лукасга айтиб бераётган эди. Энг кўп гапираётган Лидия эса уларга эрталабдан бери бўлган гап-сўзларни айтиб берди.

– Мэри, эсиз, сен биз билан бормаганинг ёмон бўлди-да! Биз роса маза қилдик! Кетаётганда одамлар ҳеч ким йўқ экан деб ўйлашсин деб, каретанинг пардасини тушириб олдик. Охиригача шундай кетамиз деб ўйлаётган эдим, Киттининг кўнгли айний бошлади. Лекин Жоржникида зўр бўлди. У ерда биз йўловчиларни роса яхна таомлар билан меҳмон қилдик. Сен борсанг, сени ҳам меҳмон қилган бўлар эдик. Меҳмон-

дан чиққанимизда эса шунақа ҳангома бўлди! Мен каретага сиғмасак керак, деб ўйлагандим. Йўлда-чи, қайтиб келаётганимизда, қанақа маза қилганимизни билсанг эди! Шунақа хохолашиб кулишиб келдик, ҳамма эшитган бўлса керак!

Мэри жиддийлик билан деди:

– Мен, сингилжоним, бундай ўйин-кулгуларнинг аҳамиятини камситмоқчи эмасман. Албатта бундай нарсалар кўпчилик қизларга ёқади. Лекин менга эмас! Мен учун китоб ўқиганим яхшироқ!

Бировнинг гапига зўрға ярим дақиқагина диққат қила оладиган Лидия унинг гапларига қулоқ ҳам солиб ўтиргани йўқ. Овқатланиб бўлишгач, Лидия қизларни танишларини кўриб келиш учун яна Меритонга боришга ундай бошлади. Элизабет бунга қарши кескин рад жавобини берди, чунки одамларнинг мистер Беннетнинг қизлари зобитларни ярим кун кўрмаса туриша олмайди, деган гапларидан қўрқаётган эди. Яна бошқа бир сабаб ҳам бор эдики, бу Уикхем эди. Қиз нима бўлса-да, ундан узоқроқда юриб туришни маъқул кўраётган эди. Шунинг учун у полкнинг Меритондан жўнаб кетаётганига жуда хурсанд эди. Яна икки ҳафтадан сўнг улар жўнаб кетишади ва бу йигит ҳақида энди ҳеч нарса эшитмайди.

Қайтиб келганларига кўп ўтмасдан, Элизабет зобитлар полкининг Брайтонга жўнаб кетишлари ота-онаси ўртасида кўп маротаба муҳокама қилинаётгани сезиб қолди. Қиз отасининг бу маънода онасига қулоқ солиб ўтирмаслигига амин эди. Лекин отасининг жавоблари мужмал эдики, миссис Беннет нима деб хулоса чиқаришни ҳам билмай, кўниб қолар, деб умид қилишдан бошқа иложи қолмаганди.

XVII БОБ

Энди ўз сирини ортиқ яшириб туришга Элизабетнинг сабри қолмади. Эртаси куни эрталаб, опасини ҳар хил гаплар билан бир оз тайёрлагач, унга ўзи билан мистер Дарси ўртасида бўлиб ўтган гапларни айтиб берди. Албатта, Жейнга тегишли жойлар ҳақида гапириб ўтирмади. Лекин унинг гапларидан Жейннинг ҳайронлиги узоққа чўзилмади. Чунки унинг Элизабет тўғрисидаги фикрлари шунчалик баланд эдики, бировнинг унга нисбатан интилишини табиий, деб билар эди. Бир оз ўтиб эса унинг хаёлини бошқа фикр банд қилди. Мистер Дарсининг ўз туйғуларини бу йўсинда ифода этгани уни жуда ранжитди. Бундан ҳам қайғуга солган нарса эса синглисининг рад жавобидан йигитнинг хафа бўлиб қолган бўлиши мумкинлиги эди.

– Албатта, унинг бунчалик ўзига ишониб гапиргани яхши эмас, – деди Жейн. – Буни жуда очиқ айтиши керак эмас эди. Лекин сенинг жавобингдан жуда руҳи тушиб кетган бўлса керак?

– Нима қилай, ўзимнинг ҳам раҳмим келаяпти. Лекин унинг табиатидаги бошқа сифатлар мени тезда унутишига ёрдам беради. Унга рад жавобини берганим учун мени айбламаётгандирсан?

– Сени айблаш?! Албатта йўқ!

– Уикхемни оқлаганимни-чи?

– Нега оқлашинг керак эмас эди?

– Энди эртаси куни нима бўлганини эшитсанг, негалигини тушунасан.

Элизабет опасига хатнинг Уикхем ҳақидаги жойини гапириб берди. Битта одамда шунча иллат мужассамлигига Жейннинг ишониши жуда қийин эди. Ҳатто бу билан Дарсини оқлаш ҳам уни овунтира олмаётган эди. У зўр бериб Элизабетни бу ерда бошқа бир тасодиф бўлиши мумкинлигига ишонтиришга уринарди.

– Йўқ, бошқача бўлиши мумкин эмас! – эътироз билдирди Элизабет. – Иккаласи ҳам бир хил тарзда бегуноҳ эмас. Хоҳлаганингни танла, лекин фақат биттасини. Иккаласини қўшганда фақат биттасигагина етадиган яхши фазилатлар бор. Охирги пайтгача бу фазилатлар қайси бирига тегишлилиги менга ноаниқ эди. Лекин ҳозир, бу фазилатлар ҳаммаси мистер Дарсига ўтиб кетгандек. Сен эса, хоҳлаганингни танлайвер.

Жейн бир оз жилмайиб жавоб бергунча, вақт ўтди.

– Ҳеч қачон бунчалик ҳайратга тушмаган эдим. Наҳотки, Уикхем шунчалик аблаҳ бўлса? Ҳеч одам ишонгиси келмайди. Бечора мистер Дарси! Лиззи, унга роса қийин бўлган бўлса керак? Умидлари йўққа чиққанига чидаш қандай қийин! Яна ўзинг ҳақингда шунча ёмон гаплар эшитиш! Туғишган синглиси ҳақидаги сирларини бировга айтишга мажбур бўлиш! Бечора! Элизабет, сенинг ҳам роса раҳминг келгандир?

– Йўғ-а! Сен қанчалик ачиниб кетаётганингни кўриб, менинг ачинишларим қочиб кетди. Дақиқа сайин мистер Дарсига ачинишим камайиб бораяпти – сеники унга етарли бўлишига ишончим комил. Сенинг бу сахийлигинг менга ўз туйғуларимни авайлай олиш имконини бераяпти, агар яна бир оз шундай бўлиб туриб берсанг, менинг юрагим енгилгина бўлиб қолади.

– Бечора Уикхем! Кўриниши шундай мулойим – қарашлари самимий, ўзини тутишлари-чи!

– Худо бу икки йигитни яратаётганда катта хато бўлган: бирига ҳамма яхши хислатларни, иккинчисига эса фақат ташқи кўринишнигина берган.

– Мен ҳеч ҳам мистер Дарсининг ташқи кўринишида яхши сифатлар йўқ, деб айта олмайман.

– Нима бўлганда ҳам, мен унга нисбатан бефарқ бўлиб, ўзимнинг ўткир фикрлашим билан мағрурланиб ўтирибман. Бундай бефарқлик ақлни хезлайди ва пичинг-кесатиқлар учун замин яратади. Бирорта ақлли гап айтмаган ҳолда, тўхтамасдан гапириш мумкин.

– Лиззи, хатни биринчи марта ўқиганингда, бундай ўйламаган бўлсанг керак-а?

– Ҳа, албатта. Ўша пайтда нима қилишни билмай қолдим. Ўзимни жуда бахтсиз ҳис қилдим. Юрагимни очадиган ҳеч ким йўқ эди. Ёнимда менинг қадрдон опажоним, менинг у қадар ичи бўм-бўш, шуҳратпараст, кеккайган эмаслигимни айтадиган опам йўқ эди. Ўша пайтда ёнимда бўлиб қолишингни шундай хоҳладимки!

– Мистер Дарсига Уикхем ҳақида гапира туриб, бекорга бундай қаттиқ гапларни айтибсан. Аслида, ундай эмас экан-ку.

– Бўлмаса-чи. Қолаверса, ҳаддан ортиқ ўткир оҳанг сохталикнинг натижасидир. Айтганча, сендан сўрамоқчи эдим. Нима дейсан, қариндошларимизга Уикхем ҳақида айтайми?

Жейн бир оз ўйлаб, деди:

– Менимча, буни айтиб ўтириш учун зарурат йўқ шекилли. Нима дейсан?

– Ҳа, ҳозирча шарт эмас. Мистер Дарси бу ишни қилишга менга ваколат бергани йўқ. Аксинча, синглисига оид ҳамма гаплар фақат мен учун эди. Уикхемнинг ҳамма кирдикорларини айтсам, биров менга ишонармиди? Мистер Дарси ҳақида одамларнинг фикри шунчалар салбийки, бу гапларга ўлиб қолса ҳам ишонишмайди. Бари бефойда. Бунинг устига Уикхем кетай-кетай деяпти. Шунинг учун унинг қанақалиги одамларга бари бир. Ахири бир кун келиб бу гаплардан ҳамма хабар топади. Ҳозирча ҳеч кимга ҳеч нарса демай турамиз.

– Тўппа-тўғри. Ҳамма гапни очиб ташлаш Уикхемни бутунлай ер билан яксон қилиши мумкин. Қаердан биламиз, балки у қилган ишлари учун ачинаётгандир ва хатоларини тузатмоқчидир? Биз уни бутунлай чоҳга итариб юборишга ҳаққимиз йўқ.

Бу суҳбатдан сўнг Элизабет таскин топгандек бўлди. У ўзини эзаётган икки нарсадан халос бўлди ва Жейн

тимсолида ўзига фикрдош топди. Лекин ўзининг ниҳоятда эҳтиёткорлиги сабаб, опасидан баъзи нарсаларни яширди. У Жейнга Дарсининг хатидаги мистер Бинглининг опасига муносабатлари қанчалик жиддий бўлгани тўғрисидаги жойларини айтмади. Элизабет бу гапларни ҳеч кимга оча олмасди. У Жейн билан Бингли ўртасидаги муносабатлар яна давом этган тақдирдагина бу гапни очиши мумкинлигини жуда яхши тушунар эди. «Ана ўшанда, – дерди у ўзига ўзи, – ростдан агар шундай бўладиган бўлса, мистер Бинглининг ўзи мендан ҳам яхшироқ қилиб айтган нарсаларни айтиб берардим. Шунинг учун, мен бу сирни у ўзининг қимматини йўқотмагунча сақлашга мажбурман».

Элизабет опасининг қалби нақадар азобдалигини жуда яхши тушунарди: Жейн бахтсиз эди. Унинг ҳали ҳам Бинглида кўнгли бор эди: қизнинг бу туйғуларига биринчи севгига хос ҳиссиётлар билан одатда унинг ёшига муносиб содиқлик туйғулари қоришиб кетганди.

– Лиззи, Жейн билан бўлиб ўтган ишларга сен нима дейсан? – бир куни сўради миссис Беннет. – Менга қолса, энди уларнинг номини ҳам тилга олмайман. Яқинда миссис Филипсга ҳам шундай дедим. Шу пайтгача аниғини била олмадим: улар Лондонда бир-бирларини кўришдими? Қанақа одам экан ўзи? Менимча, энди ундан ҳеч қандай умид йўқ. Бу ерларга ёзда қайтиб келиши тўғрисида ҳеч қандай гап ҳам йўқ. Мен бу ҳақда билиши мумкин бўлган одамларнинг ҳаммасидан сўраб чиқдим.

– У энди Незерфилдга қайтиб келмаса керак, деб ўйлайман.

– Баттар бўлсин! Билганини қилсин! Унинг бу ерда ҳеч кимга кераги ҳам йўқ. Менинг қизимга нисбатан пасткашлик қилганини ҳаммага айтаман. Жейннинг ўрнида бўлсам, бундай аламни кўтара олмасдим. Мен ўз ўзимни, Жейн ғамдан ўлиб қоладиган бўлса, мис-

тер Бингли нима қилиб қўйганидан азобда қолади, деган хаёл билан овутиб юрибман.

Элизабет ўз-ўзини юпатишнинг бу йўлини ўзига эп кўрмай, индамай қўя қолди.

– Хўш, Лиззи, – бир оз сукутдан сўнг давом этди миссис Беннет, – Коллинзлар ростдан ҳам яхши яшашар эканми? Ишқилиб, бу узоқроқ давом этсин. Ейиш-ичишлари қанақа экан? Шарлотта ёмон уй бекаси бўлмаган бўлса керак. Агар онаси бўлганчаликнинг ярмича уддабурон бўлса ҳам, Шарлотта у-бу йиғишнинг ҳам уддасидан чиқиши мумкин. Улар рўзғорга кўп кеткизишмас эканми?

– Ҳа, кўп эмас.

– Рўзғор тутишда бу жуда муҳим. Ҳа. Айниқса, Шарлотта борига қаноат қилиб яшашга ҳаракат қилиши керак. Ночорлик уларга таҳдид қилмаётган бўлса-да. Мистер Беннет вафот этгандан сўнг Лонгборн уларники бўлишини ўйлаб, маза қилишаётганини тасаввур қилаяпман. Аллақачон ўзлариники бўлди, деб ўйлашаётгандир?

– Менинг олдимда бундай гаплар бўлгани йўқ.

– Бўлмаса-чи! Энди шуниси қолган эди! Лекин аниқ биламан: ўзлари фақат шуни гапиришса керак. Бировнинг ер-мулкини индамай тортиб олишдан уялишмас экан, нима ҳам қилардик. Мен эрим томондан мерос қилиб бирор нарса олишга уялган бўлардим!

XVIII БОБ

Жейн ва Элиза қайтиб келишганининг биринчи ҳафтаси жуда тез ўтди. Иккинчи ҳафта бошланди. Бу зобитлар полкининг Меритонда бўлишининг охирги ҳафтаси бўлиб, қизлар ҳаммаси ёмон кайфиятда юришар эди. Ҳамма тушкунликда эди. Фақат икки катта мисс Беннетларгина овқат еб, сув ичиб, ухлаб, ҳар кунгидек уй юмушларини қилиб юришга қодир эдилар.

Уларнинг бунчалик бефарқлигидан Китти ва Лидиянинг жон-понлари чиқиб кетаётган эди.

– Вой Худо, энди нима бўлади? Энди нима қиламиз? – улар ҳар қадамда уф тортишарди. – Лиззи, қандай қилиб кулишга қурбинг етаяпти?

Оналари ҳам ўзининг йигирма беш йил олдинги кечинмаларини эслаб, қизларининг дод-войларига раҳми келаётган эди.

– Ўлай агар, ўшанда полковник Миллернинг полки қишлоғимиздан жўнаб кетганида икки кун тинмай йиғлаган эдим. Юрагим тамом бўлди, деб ўйлаган эдим.

– Ишонтириб айтаманки, менинг юрагим ростдан ҳам тамом бўлди! – деди Лидия.

– Брайтонга бориб келишнинг иложи бўлса эди! – деди миссис Беннет.

– Ҳа, Брайтонга борсак эди! Лекин отамни кўндириб бўлармиди?

– Дарёда чўмилиш менга ёққан бўларди.

– Филипс холам дарёда чўмилиш менга фойдали бўлишини айтганди, – деди Китти.

Юқоридаги гап-сўзлар Беннетлар хонадонида ҳар куни қайтарилаётган эди. Элизабет уларга кулиб қараса-да, ичида яқинларининг ўзларини тутишларидан уялар эди. Борган сари мистер Дарсининг айтган гапларида жон борлигини тан оларди. Унинг дўсти Бингнинг ишларига аралашгани ҳам тўғри экани ҳақ эди.

Полковник Форстернинг хотини уни Брайтонга кузатиб қўйишни сўраб, Лидияга юборган таклифи қизнинг кайфиятини кўтариб юборди. Миссис Форстер яқингинада турмушга чиққан бўлиб, ҳали ёшгина эди. Унинг ҳам қувноқ ва ўйинқароқлиги Лидия билан дўстлашишига сабаб бўлиб, уч ойдан бери иккаласи ажралмас дугона бўлиб қолишган эди.

Лидиянинг хатни олгандаги қувончини, миссис Беннетнинг хурсандлигини ва Киттининг аламини сўз билан ифодалаш қийин. Опасининг қийналаётгани би-

лан иши йўқ, Лидия ўз хурсандчилигини ичига сиғдира олмай, у хонадан бу хонага югурар, олдингидан ҳам баттар хохолаб кулиб, ҳаммани кулдирар эди. Китти эса аламдан юзлари буришиб, норози оҳангда дерди:

– Миссис Форстер мени ҳам таклиф қилса бўлардику! Тўғри, мен у билан жуда ҳам яқин эмасман. Лекин мен Лидиядан икки ёш каттаман-ку! Ва бунда менинг ҳаққим кўпроқ эди!

Элизабет уни жим қилишга бекор уринар, Жейннинг уни юпатиш учун қилган ҳаракатлари ҳам бекор эди. Элизабетнинг ўзи бу таклифдан хурсанд эмасди: у Лидиянинг Брайтонга бориши унинг бутунлай издан чиқишига сабаб бўлади, деб ташвишланаётганди. Шунинг учун, онаси ва Лидия буни билиб қолишса, қанчалик жанжал бўлишини сезиб турса-да, отасидан Лидияни Брайтонга юбормасликни илтимос қилди. Синглисининг бир қатор енгилтакликларини отасининг ёдига солиб, миссис Форстер билан яқинлиги унга яхшилик келтирмаслигини айтди. Қиз Брайтонда ўзини қўйиб юбориши учун шароит уйдагидан кўпроқлигини ўйлаб, бу турдаги ўртоқчилик билан синглиси баттарроқ енгилтаклик қилиб қўйишидан қўрқар эди. Отаси қизининг гапларини диққат билан тинглагач, деди:

– Лидия бир ишни бошламагунча бари бир тинчимайди. Оиламизга бундан камроқ зарар келтириши мумкин бўлган бошқа имконият бўлмаслиги ҳам мумкин.

– Лидиянинг ўзини уятсизларча тутиши бизга қанчалик гап теккизишини билсангиз эди! – деди Элизабет. – Тўғрироғи, гап тегдирганини! Ўшанда бошқача гапирган бўлардингиз.

– Гап теккизди? – қайта сўради мистер Беннет. – Бу билан сенинг орқангдан юрганларни қўрқитиб юбордими? Бечора Лиззи! Хафа бўлма. Қариндошларингнинг айби учун сендан кечадиган йигитларнинг бизга кераги йўқ. Қани, ўшалардан бирининг исмини айт-чи.

– Сиз нотўғри тушундингиз. Мен бундай демоқчи эмасман. Мен аниқ бир воқеани эмас, Лидиянинг қилиқлари орқасида оиламизга келадиган маънавий зарарни айтмоқчи эдим. Синглимнинг ўзини тута билмаслиги, кеккайганлиги, енгилтаклиги орқасида бизнинг одамлар орасидаги обрў-эътиборимиз, танишларимизнинг бизга нисбатан ҳурматлари сусайиб бораяпти. Мени кечиринг, лекин фикримни охиригача айтаман. Агар сиз ҳозирнинг ўзидаёқ унинг тизгинини қўлингизга олиб, қилаётган ишлари яхши эмаслигини тушунтирмас экансиз, яқин орада синглимнинг тарбияси билан шуғулланишга кеч бўлади. Унинг табиати шаклланиб бўлган бўлади ва ўн олти ёшга бориб, бизни шарманда қилиб, енгилтак бир қизга айланади. Енгилтак бўлганда ҳам, фақат ёшлиги ва сал чиройини айтмаса, ҳеч қандай ғурури йўқ, энг пасткаши бўлади. Ўзининг омилиги ва кўнглида ҳеч қандай яхши фазилатларнинг йўқлиги сабаб, кулгига қолади. Унинг орқасидан эргашаётган Киттини ҳам шу нарса кутаяпти – тентак, шуҳратпараст, бекорчи ва ўтакетган бебош. Отажон, наҳотки сиз уларнинг танишлар орасида гапга қолиб, опаларининг обрўсига путур етказаётганини ўйламасангиз?

Мистер Беннет Элизабетнинг бу гапларни юрагидан гапираётганини сезиб турарди. Қизининг қўлини аста ушлади-да, деди:

– Қизим, сен бекорга куйиняпсан. Сени ёки Жейнни яхши биладиганлар иккалангизни ҳурмат қилишади ва қадрлашади. Ва сизларнинг бу икки ёки боринг-чи учта синглингиз деб, уларнинг сизга бўлган қарашлари ўзгариб қолмайди. Агар Лидия Лонгборнга бормас экан, уйда тинчлик бўлмайди. Бора қолсин. Полковник Форстер ақлли одам. У синглинг билан бирорта фалокат рўй беришига йўл қўйиб қўймайди. Бахтимизга, синглинг камбағал, бойлик кетидан қувадиган йигитлар эса унга қайрилиб ҳам қарамайди. Лидия у ерда ноз-карашма қилиши учун ҳеч кимни то-

полмайди, чунки Брайтонда зобитлар ундан ҳам яхшироқларини топишади. Бу саёҳат Лидияга ўзининг ҳеч нарсага арзимаслигини билдириб қўяди, деб умид қиламиз. Нима бўлганда ҳам, биз синглингни умрининг охиригача уйга қамаб қўйсак ҳам, у бундан баттарроқ бўлмайди.

Элизабет отасининг гапига қулоқ солишга мажбур бўлди. Отасининг олдидан оғир хаёллар билан чиққан бўлса-да, табиатан аламини ичига ютиб юрадиганлардан бўлмагани учун, ўзини бир оз енгил сезди. У ўз бурчини бажарганини тушуниб турар, ҳали бўлмаган нарсага олдиндан ғам чекиш эса унга ёт эди.

Агар Лидия билан онаси Элизабет отаси билан нималарни гаплашганини билишса эди, нима қилишини билмай қолишарди. Брайтонга бориш Лидия учун энг катта бахт эди. Қизнинг кўз олдига, ҳали унга нотаниш зобитлар билан тўла кўчалар келар, ҳамманинг ўзига таъзим қилаётганини тасаввур қиларди. Тасаввурида бир қатор чодирлар жойлашган ва чодирлар орасида тўда-тўда қизил мундир кийган чиройли йигитлар юрган ҳарбий лагерь жонланар эди. Ҳаммадан ҳам у ўзини шундай чодирларнинг бирида ҳеч бўлмаганда камида олтита йигит билан ноз-фироқ қилиб ўтирганини кўз олдига келтирар эди.

Опаси отаси билан нима ҳақда гаплашганини билиб қолса, қандай ҳодиса юз беришини Худо биларди. Бундай ҳисларни ўзи ҳам ёшлигида бошидан ўтказган миссис Беннет қизини яхши тушунарди. Бутун оиланинг Брайтонга боришига эри рухсат бермаганининг аламини фақат шу Лидиянинг кета олаётганигина босиб турарди. Ота-бола ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан бехабар бўлганликлари учун, Лидия Лонгборндан жўнайдиган кунгача кўтаринки кайфиятда юрди.

Элизабет Уикхемни яна бир сафар охирги марта учратишига тўғри келди. Бу учрашув уни жуда ҳам ҳаяжонлантирмаётган эди, чунки қайтиб келишганидан бери йигитни бир неча марта кўрган эди. Уларнинг

аввалги яқинликларидан асар ҳам қолмаганди: қиз ҳатто Уикхемнинг хатти-ҳаракатларида олдин уни асир этган самимийликнинг қалбаки эканлигини сеза бошлаган эди. Бундан ташқари, йигитнинг муносабатида унинг ғашига тегаётган нимадир пайдо бўлган эдики, бу йигитнинг унга яна хушомад қила бошлагани эди. Шунча гап-сўзлардан кейин йигитнинг бу қилиғи қизга ҳақоратдек бўлиб туюлди, шилқимлигини сеза бошлаган заҳоти, қиз унга нисбатан қолган заррача ҳурматини ҳам йўқотди. Уикхемнинг ўзига нисбатан қилаётган мулозаматига кескин қаршилик кўрсатар экан, қиз ўзининг олдинги хатти-ҳаракатларидан афсусда эди. Ўша кунлар яхши ёдида турган Уикхем эса ўзининг нега ва қанча пайтга Элизабетнинг орқасидан юришни тўхтатганидан қатъи назар, қизга яна эътибор қилиши билан дарров қучоқ очиб келади, деб ўйлаётган эди.

Меритонда бўлишларининг охирги куни Уикхем ва бошқа зобитлар бирга Лонгборнда овқатланишди. У билан дўстона оҳангларда хайрлашишни истамаётган Элизабет, йигитнинг Хансфордда қандай яшаганлари тўғрисидаги саволларига полковник Фицуильям ва мистер Дарсиларнинг уч ҳафта давомида Розингсда меҳмон бўлишганини айтиб, Уикхемдан у полковникни таниш-танимаслигини сўради.

Қизга йигит ўзини йўқотиб қўйгандек туйилди. Лекин бир оздан сўнг ўзини тутиб олган йигит қачонлардир полковникни бир неча марта кўрганини ва уни ҳақиқий жентельмен деб санашини айтиб, Элизабетнинг ўзи у ҳақида нима деб ўйлашини сўради. Қиз йигит ҳақида илиқ фикрларни айтди. Уикхем гап орасида йўл-йўлакай ёдига тушгандек, йигитлар Розингсда неча кун бўлишганини сўради.

– Уч ҳафтача.

– Сиз уларни тез-тез кўриб турдингизми?

– Ҳа, деярли ҳар куни.

– Полковник Дарсидан бутунлай бошқача-а?

– Ҳа, жуда ҳам. Лекин мистер Дарсини яқиндан билгач, менинг у тўғридаги фикрим яхши томонга ўзгарди.

– Ростданми? – Уикхемнинг ўзига тез қараб қўйгани қизнинг назаридан қочмади. – Сўрасам бўладими... – Лекин ўзини тутиб олиб, менсимас оҳангда давом этди: – У одамлар билан самимийроқ гаплашадиган бўлибдими? Ёки мулойимроқ бўлиб қолибдими? Мен унинг чиндан ўзгарганига жуда ҳам ишонмайман, – жиддий оҳанг билан гапини тугатди Уикхем.

– Йўқ, моҳиятан у қандай бўлган бўлса, ўшандайлигича қолган.

Уикхем бу гапларни қандай қабул қилишни тушунмади: суюниш керакми ёки ишониш керак эмасми? Қиз гапида давом этар экан, унинг юзидаги ифода йигитни сергаклантирди.

– Бизнинг танишлигимиз мобайнида у менинг кўз олдимда ўсди, деганда, мен унинг табиати ёки қарашлари ўзгарди, демоқчи эмасман. Шунчаки у билан яқинроқдан танишгач, мистер Дарсининг аслида қандайлигини тушуна бошладим.

Уикхемнинг юзида пайдо бўлган қизил доғлар ва кўзларида пайдо бўлган ифода унинг нимадандир хавотирланганини кўрсатиб турарди. Йигит бир неча дақиқа жим қолди. Ахири, ўзини босиб олиб, яна ўзининг силлиққина оҳанги билан деди:

– Менинг мистер Дарсига бўлган муносабатимни билгувчи сизга, унинг ҳеч бўлмаса ташидан ўзини тута билишга ақли етганидан бағоят хурсанд эканлигим тушунарли бўлса керак. Бундайлиги унинг мағрурлигидан. Дарсининг бу мағрурлиги ўзига бўлмаса-да, унга иши тушадиганларга фойда келтиради. Шу туфайли бундай одамларга нисбатан, бир пайтлар менга қилганидек, ёмонликка бормайди. Фақат, сиз унда сезган ўйлаб иш қилиш фазилати, сиз уни холасиникида учратганингиздан бўлса керак, деб қўрқаман. У холасини жуда қадрлайди ва олдида зир титрайди.

Бунинг яна бир сабаби борки, бу унинг мисс де Бёрга уйланишга қарор қилганидан бўлса керак.

Уикхем бу гапларни айтар экан, қиз кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Йигитнинг бу билан гапни Дарси унга етказган озорларига бурмоқчи бўлаётганини сезган Элизабет, йигитнинг бу ниятига эришишига йўл қўймади.

Кечгача Уикхем, энди Элизабетга ортиқ эътибор бермай, одатдагидек қувноқ бўлиб ўтирди. Ахири ҳамма тарқалаётганда қиз ҳам, йигит ҳам бир-бирларини ортиқ учратмаслик умидида бир-бирлари билан хайрлашдилар.

Ҳамма меҳмонлар тарқалишгач, Лидия эртаси куни бирга Брайтонга жўнаш учун миссис Форстер билан Меритонга кетди. Қариндошлар хайрлашаётганда шовқин бўлиб кетди. Китти алам қилганидан ва ҳасаддан аччиқ кўз ёшлари тўкар, миссис Беннет эса кичик қизига яхшилаб хурсандчилик қилишни, ҳеч бир имкониятни қўлдан бермасликни тайинлар экан, қизи ҳам шундай қилиш умидида эди.

XIX БОБ

Элизабетнинг оилавий бахт тушунчаси ўз оиласида ота-онаси тажрибасидан келиб чиққанида эди, у ҳолда бу тасаввур бошқачароқ бўларди. Мистер Беннет ўз ҳаётини ёшлиги ва чиройидан бошқа қолган фазилатлари юзаки бўлган аёл билан боғлаган эди. Никоҳининг биринчи кунлариданоқ, бу аёл ўзининг тор дунёқараши ва ақлининг жуда ҳам ўткир эмаслиги билан эрининг ҳамма орзуларини йўққа чиқарди. Ўзаро ҳурмат, ишонч, маънан яқинлик бир умрга йўқолди ва бу билан оилавий бахт тўғрисидаги умидлар ҳам пучга чиқди. Лекин мистер Беннет, одатда, бошқа эркакларда бўлганидек, бошқа жойдан эрмак қидириб юрмади. Бу нарсалар унга ёт эди. У табиатни севар, китоб ўқишни ёқтирар эди ва булар унинг ҳаётдаги қувон-

чи бўлиб қолди. Хотини олдида мажбурияти йўқ эди, фақат гоҳ-гоҳ аёлнинг тентаклиги ва омилиги устидан кулиб, ўзини хурсанд қилар эди. Албатта, бу бахтли оилада эркакнинг умр йўлдоши олдида ўзининг мажбуриятини ҳис қилиш бахти эмас эди. Лекин бошқа хурсанд бўладиган сабаб бўлмаган ҳолда, ҳақиқий файласуф бор нарсанинг ўзидан ҳам фойда топа олади.

Элизабет отаси ўзини эркак сифатида ўрнак бўладиган даражада тутмаслигини жуда яхши билар эди. Бу қиз учун доимо оғриқли нуқта эди. Лекин отасининг ўткир ақлини ҳурмат қилиб ва унинг яхши оталик фазилатлари учун миннатдорликни ҳис қилиб, Элизабет у фарзандлари олдида онасининг устидан кулишларини, уни ҳурмат қилмаслигини сезмасликка оларди. Элизабет энди биринчи марта омадсиз никоҳнинг бундай оилаларда ўсаётган фарзандлар учун нақадар зарарлигини, отасининг ўз ақли-тафаккурини бекорга бефойда нарсаларга сарф қилгани нималарга олиб келганини тушуниб етганди.

Дарвоқе, Уикхемнинг йўқлигидан ўзида йўқ хурсанд Элизабет, унинг полки жўнаб кетганидан бошқа қувончли воқеани топа олмади. Уйдан ташқарида бўладиган учрашувлар ҳаммаси бир хил тарзда эди. Миссис Беннет ва Киттининг ҳадеб зерикаётганларидан арз қилаверишлари оилавий ҳаётни жуда ғамгин қилиб қўйган эди. Китти энди унга таъсир қиладиган замин йўқлиги учун ақлини йиғиб олади, деган умид пайдо бўлган бўлса, синглиси Лидия денгиз бўйидаги шаҳар ва ҳарбий лагерь таъсирида яна ҳам бемулоҳаза ва енгилтак бўлади, деган фикр ҳам бор эди. Элизабет, улар анча вақтдан бери кутаётган воқеа, яъни полкнинг Меритондан жўнаб кетиши, енгиллик келтириш ўрнига, яна бошқа бир муаммога дуч келтирди, деб ҳисобларди. Энди яна, бу ҳамма омадсизликлар тугаб, янги орзулар, янги мақсадлар, уларнинг рўёбга чиқиши давомида юзага келадиган хурсанд-

чиликларни татиб кўриш учун яна вақт керак. Қиз ҳозир яқинда Кўллар ўлкасига бўладиган саёҳат ҳақида ўйлаётган эди. Онаси ва Киттининг ҳадеб арз қилаверишларидан чарчаб, эзилиб кетган пайтларда, шу саёҳатни кўз олдига келтириб, ўзини овутарди. Агар саёҳат давомида Жейн ҳам ёнида бўлса, хурсандчилиги тугал бўлган бўларди.

– Агар бирор нарса мен ўйлагандек бўлмаса, – ўйларди Элизабет, – балки бу ҳатто яхши ҳамдир. Агар ҳаммаси мен хоҳлагандек бўладиган бўлса, вақт ўтиб, мен зерика бошлардим. Ҳозир эса, Жейн билан орамизда бўладиган айриликдан хафа бўлиб ўтириб, бўлажак саёҳатдан оладиган хурсандчиликдан умид қилиб ўтирибман. Ҳамма томони тўппа-тўғри келадиган режа ҳеч қачон муваффақиятли бўлмайди. Агар бирорта арзимаган нарса мувозанатни бузсагина, умидсизликдан чиқиб кетиш мумкин.

Лидия жўнаб кетишидан олдин онаси ва Киттига Брайтонда бўладиган ҳамма воқеаларни батафсил ёзиб, тез-тез хат жўнатишга ваъда қилган эди. Лекин унинг ҳар бир хатини узоқ кутишга тўғри келар, аксига, қизнинг хатлари жуда қисқа эди. Онасига ёзганларида қиз дугонаси билан ҳозиргина кутубхонадан қайтиб келишгани, уларни қайси зобитлар кузатиб қўйишгани, кутубхонанинг безаклари ҳайратга тушар даражада чиройли эканлигини ёки янги кўйлак ва яна янги бир нечта нарсалар сотиб олганини, агар миссис Форстер ҳозир уни тезроқ бўлишга шоширмаганда, бошқа нарсаларни ҳам батафсил ёзган бўлишини айтарди. Киттига ёзган хатлари эса қисқа бўлса-да, ҳар хил шамаларга тўла эдики, уларни кўпчиликнинг олдида ўқиб бўлмасди.

Икки-уч ҳафталардан кейин Лонгборнда яна ҳаёт қайнай бошлади. Ҳамманинг кайфияти кўтаринки бўлиб, барчаси ўз жойига туша бошлади. Қишни ўтказиш учун шаҳарга кўчиб кетган оилалар ҳам қайтиб келган, кўчаларда одамлар енгил кийимларга ўтишган ва ёзги ўйин-кулгилар бошланган эди. Миссис Беннет

яна одатдаги минғир-минғирига ўтган эди. Китти ҳам ўзига келиб қолган, энди Меритонга бораётганда кўз ёши қилмас ва бу яхшилик аломати бўлиб, мабодо ҳарбий вазирликдан бирорта бошлиқ яна Меритонга янги бўлинмани жойлаштиришни ўйлаб қолмаса, Элизабет рождество байрамигача синглиси зобитлар ҳақида камроқ гапирадиган бўлади, деб умид қиларди.

Шимолга саёҳат қиладиган кун ҳам яқинлашиб қолганди. Жўнашга икки ҳафта қолганда миссис Гардинердан хат олишди. Хатда жўнашлари сал орқага сурилаётгани, саёҳатлари эса аввал режалаштирганларидек унча узоқ бўлмаслиги ёзилган эди. Мистер Гардинернинг ишлари чиқиб қолиб, олдин ўйлашган вақтидан икки ҳафта ўтибгина, июль ойида жўнашлари мумкин бўлиб, бир ой ўтиб, Лондонга қайтиб келишлари зарур экан. Илгариги режалари бўйича бориладиган жойлар учун вақт камлиги сабабли, Кўллар ўлкасига бориш фикридан воз кечилиб, яқинроқ жойларга бориладиган бўлибди. Янги режа бўйича улар Дербиширдан нарига чиқишмас экан. Бу графликда уларнинг ихтиёридаги вақт ичида бемалол айланиб чиқадиган талай хушманзара жойлар бор бўлиб, айниқса, миссис Гардинер учун бу айни муддао эди. Бир неча йиллар бурун ўзи яшаган шаҳарча уни ҳозир ўз гўзаллиги билан оламга танилган Мэтлок, Четсуорт ва Давдейллардан кўра кўпроқ қизиқтираётган эди.

Элизабетнинг кайфияти бузилди. У Кўллар ўлкасига боришга тайёрланаётган эди ва унинг назарида бунинг учун вақтлари бемалол етарди. Лекин энди борига кўнишга мажбур эди ва қиз яна саёҳатга берилиб тайёрлана бошлади.

Дербишир номи унда ғалати ҳисларни уйғотди. Бу ном Пемберли поместьеси ва унинг эгаси билан боғлиқ эди.

– Нима, у ерга мен унинг рухсатисиз бора олмайманми, – ўзича ўйларди қиз, – унинг кўзига кўринмай эсдаликка бир нечта тошча олиб келиб бўлмайдими?

Кутиш чўзилиб кетди. Гардинерларнинг келишига тўрт ҳафта бор эди. Ниҳоят, бу вақт ҳам орқада қолди ва тўрт боласи билан Гардинерлар Лонгборнга келишди. Олти ва саккиз ёшли икки қиз ва улардан кичикроқ иккита ўғил бола Жейн билан қолишадиган эди. Улар қизни жуда яхши кўришар, Жейн ҳам ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажарар эди: уларни ўқитиш, биргаликда ўйнаш ва биринчи ўринда болаларнинг кўнглини овлаш қизнинг жони-дили эди.

Гардинерлар Лонгборнда бир кеча тунаб, эртаси эрталабдан Элизабет билан бирга янги таассуротлар орттириш учун йўлга тушишди. Улар учун зўр бир шароит бор эдики, бу уччаласи ҳам бир хил дунёқарашли инсонлар эди. Ҳаммалари соғлом ва чидамли бўлиб, йўл азобларини қийналмай, хурсандчилик билан босиб ўтишар ва узоқ йўлни қизиқарли қилиш учун керак бўлган қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб бера оладиган даражада билимга эга эдилар.

Буларни айтиб беришдан мақсад Дербиширни ёки бу графликка олиб борадиган йўлдаги бирор чиройли жойни тасвирлаш эмас. Оксфорд, Бленхейм, Уорик, Кенилворт ва Бирмингемлар ҳам таниқли жойлар. Бизларни қизиқтираётган жой Дербиширнинг бир бурчаги, холос. Йўлда дуч келган ҳамма тарихий жойларни томоша қилиб, бизнинг йўловчиларимиз миссис Гардинер бир пайтлар яшаган, яқинда эшитганига қараганда ҳали ҳам бир нечта эски танишлари бор бўлган Лэмтон шаҳарчасига томон йўл олишди. Миссис Гардинер айтиб берганларидан Элизабет шаҳарчанинг Пемберлидан беш милча нарида жойлашганини билди. Уларнинг йўллари йўлдан бир ёки икки милча нарида жойлашган Дарсининг поместьеси ёнидан ўтарди. Кечқурун эртанги кун режасини қилишаётганда, миссис Гардинер ушбу поместьега кириб кетиш истагини билдирди. Мистер Гардинер ҳам рози бўлди. Энди Элизабетнинг розилиги керак эди.

– Элизабет, жоним, сен ҳам бу жойлар тўғрисида кўп эшитгансан. Сенга ҳам бу жойларни кўриш қизиқ бўлса керак-а? – сўради миссис Гардинер. – Улар сенга кўп танишларингни ёдга солади. Уикхемнинг ёшлиги шу ерларда ўтганини ўзинг биласан.

Холасининг бу гапларидан Элизабет бир оз хижолат бўлди. У Пемберлида қиладиган ишим йўқ, деб ҳисоблаётган эди. Шунинг учун шунча бой хонадонларни кўришгани етарли эканлиги ва улардан чарчагани, ажойиб гиламлар ва шойи дарпардалар энди унга завқ бермаётганини баҳона қилиб, у ерга боришни йўқ қилмоқчи бўлди.

Лекин миссис Гардинер унинг бу қилиғидан ўпкаланди:

– Агар гап фақат чиройли қилиб безатилган бой хонадон тўғрисида бўлса эди, мен ўзим ҳам гапириб ўтирмасдим. Лекин Пемберли ўзининг ажойиб кўринишлари билан машҳур. У ер мамлакатимизнинг энг яхши парклaридан бири.

Элизабет бу гапга жавобан ҳеч нима демади, лекин ич-ичидан боришни хоҳламасди. Қиз у жойларни кўришга борган вақтларида мистер Дарсини учратиб қолишдан қўрқаётган эди. Бу учрашув тўғрисида ўйлашнинг ўзиданоқ қизнинг юзларига қизиллик югурди. Бундай таваккал қилгандан кўра, холасига ҳамма гапни айтиб ҳам бермоқчи бўлди. Лекин бунга юраги дов бермай, агар поместьенинг эгаси уйда бўлган тақдирдагина, у ерга боришни хоҳламаслиги сабабини айтиш учун холасига ўз сирини очишга қарор қилди.

Уйқуга ётишдан олдин у меҳмонхонадаги хизматчи аёлдан Пемберли ростдан ҳам шунақа чиройли жойми, эгаси ким, у оиласи билан ёзни ўтказиш учун поместьесига келганми ёки йўқми, деб сўради. Охирги саволига ўзи истаган жавобни олгач, хотиржам бўлиб у ерларга боришни энди интиқлик билан кута бошлади. Эртаси куни эрталаб у ерга бориш масаласи яна кўтарилганда бу режага ҳеч қандай қаршилиги йўқлигини айтди. Ва улар Пемберлига жўнаб кетишди.

Учинчи бўлим

I БОБ

Пемберли ўрмонлари бошланишини кутиб, Элизабет атроф-тевараккa тўлқинланиб қараб кетди. Қоровулхона олдидан ўтиб, ахири қўрғон томонга бурилишганда, у ҳаддан ортиқ ҳаяжонда эди. Бениҳоя катта паркнинг кўриниши ажойиб эди. Паркнинг энг пастлик қисмидан айланишни бошлаб, саёҳатчилар бир мунча вақт чиройли ва қуюқ ўсган дарахтзор оралаб юришди. Элизабет суҳбатда иштирок этиш учун ҳаддан ортиқ ҳаяжонда бўлса-да, паркдаги ҳар бир чиройли нарсадан ҳузур қилаётган эди. Ярим миллар юқорига кўтарилишганда бирдан уларнинг олдиларида дарахтлардан ҳоли баландлик пайдо бўлиб, у ердан рўпарада қад кўтарган хўжайиннинг уйи кўриниб турарди. Бу тошлардан қурилган баҳайбат уй бўлиб, тоғ ёнбағрида жуда қулай жойлашган эди. Водийдан оқиб ўтаётган ирмоқ уй рўпарасига келганда ҳеч қандай сунъий аралашишларсиз катта сувга айланиб кетган бўлиб, қирғоқлари ҳам табиий ҳолда эди. Элизабет ҳайратда эди. У табиатнинг ўзи инъом этган ва инсоннинг дидсиз қўли билан бузилмаган бундай гўзал жойларни ҳали умрида кўрмаган эди. Ҳаммалари ҳайратда эдилар. Айни шу дақиқаларда у Пемберлига бекалик қилиш дегани нимани англатишини тўлиқ ҳис қилди.

Улар водийдан пастга тушиб, кўприкдан ўтишди ва уйга яқинлашишди. Қиз уй деворлари олдида туриб уни томоша қилар экан, уй эгаси кўриниб қолмасмикан, деган қўрқув яна босиб кела бошлади. Меҳмонхонадаги хизматчи аёл янглишган бўлиши мумкин, деган фикр уни тинч қўймаётган эди. Улар уй ичини кўриб чиқишга рухсат олишгач, уларни вестибюльга

таклиф қилишди. Уй бошқарувчисини кутиб туришар экан, Элизабет уни тақдир етаклаб келган жойда кўраётганларидан ақли шошаёзган эди.

Уларнинг олдида уй бошқарувчиси – оддийгина, хушмуомала кекса аёл пайдо бўлди. Меҳмонлар унинг ортидан емакхонага – нафис қилиб безатилган кенг хонага киришди. Хонани бир бор кўздан кечириб чиққан Элизабет, ташқарини томоша қилиш учун дераза олдига борди. Улар ҳозиргина тушиб келганлари ўрмон билан ўралган баландлик бу ердан ажойиб кўринарди, шунчалик кўзни қувонтирардики, Элизабет кўз узолмай қолди: дарё, унинг қирғоқларида ўсган дарахтлар, уфққача туташиб кетган водий – бундай гўзал манзарани тасвирлашга тил ожизлик қиларди. Бошқа хоналарга ўтиб деразадан қарашар экан, манзара ўзгариб борар, лекин бири-биридан гўзал эди. Хоналар катта, шифтлари баланд бўлиб, шундай поместьенинг эгасига мос тарзда жуда бой жиҳозланган эди. Унинг дидига тан бера туриб, Элизабет бу хоналарнинг Розингсдагидек серҳашам ва дабдабали бўлмаса-да, ўта нозик дид билан ясатилганига тан берди.

«Сал бўлмаса мен шу ерга бека бўлай дегандим-а! – ичида ўз-ўзига деди Элизабет. – Аллақачон бу хоналарга ўрганиб улгурган бўлардим. Бу хоналарни тасодифий бир ўткинчидай томоша қилмай, улар ўзимники бўлган бўларди ва мистер ва миссис Гардинерларни мезбон сифатида кутиб олаётган бўлардим! – Лекин... йўқ, бу бўлмайдиган нарса эди. Мен уларни бутунлай йўқотган бўлардим. Уларни бу ерга таклиф қилишга менга рухсат беришмасди».

Юқоридаги фикр қизнинг хаёлига айни унинг кўнглида ачинишга ўхшаган ҳис пайдо бўлган дамда келди.

Қиз бир неча бор уй бошқарувчисидан ҳожасининг ростдан ҳам сафардами эканлигини сўрамоқчи бўлди, лекин юраги дов бермади. Бу саволни мистер Гардинер берди. Ўз ҳаяжонини яшириш учун тескари қара-

ган Элизабет, миссис Рейнолдс тасдиқ жавоби берганини эшитди:

– Ҳа. Биз уни эртага кутяпмиз. У бу ерга дўстлари билан келади.

Элизабет бу жавобдан хурсанд бўлиб турар экан, деворда осилган бир расмни кўрсатиш учун миссис Гардинер уни чақириб қолди. Элизабет яқинроқ келиб камин устидаги расмлар орасида мистер Уикхемнинг суратини кўрди. Миссис Гардинер қиздан портрет қандай эканлигини сўради. Уларга яқинлашган миссис Рейнолдс расмдаги йигит олдинги бошқарувчининг ўғли бўлиб, уни марҳум катта Дарси ўзи тарбия қилганини айтди.

– У ҳозир армияда, лекин ундан яхши одам чиқмади, – қўшиб қўйди аёл.

Миссис Гардинер жилмайиб, Элизабетга қараб қўйди, у эса кўзини олиб қочди.

– Мана бу эса, – бошқа расмни кўрсатар экан, деди миссис Рейнолдс, – ёш Дарси, ўзига жуда ўхшайди. Иккала расм ҳам бир пайтда, саккиз йилча бурун чизилган.

– Мен мистер Дарси ҳақида кўп эшитганман, – расмни кўздан кечираётиб, деди миссис Гардинер. – Расмига қараганда жуда келишган йигит. Лиззи, ўхшашлигини сезаяпсанми?

Элизабетнинг Пемберлининг эгаси билан танишлигини эшитган аёлнинг унга ҳурмати ошди:

– Бу ёш қизимиз мистер Дарсини танийдими?

– Бир оз, – қизариб деди Элизабет.

– Нима дейсиз, хоним, жуда келишган йигит-а?

– Ҳа, тўғри айтасиз.

– Мен бошқа бундай келишган йигитни учратмаганман. Юқоридаги хонада ҳозир унинг бундан каттароқ, бундан ҳам яхши чиққан суратини кўрасиз. Марҳум хўжайин бу хонани жуда яхши кўрар эди, бу ердаги нарсалар унинг пайтида қандай бўлган бўлса,

шундайлигича қолган, ўзгартирилмаган. У бу расмларни жуда яхши кўрарди.

Аёлнинг бу гапидан нима учун Уикхемнинг расми ҳалигача бу ерда турганини тушундилар.

Миссис Рейнолдс уларнинг диққатини мисс Дарсининг саккиз ёшлиги акс эттирилган расмга тортди.

– Мисс Дарси ҳам акасичалик чиройлими? – қизиқди мистер Гардинер.

– Шубҳасиз! – хитоб қилди миссис Рейнолдс. – У дунёдаги энг гўзаллардан қолишмайди. Яна қандай тарбияли! Эртадан кечгача мусиқа билан шуғулланади. Ёнимиздаги хонада яқингинада олиб келишган мусиқа асбобини кўрасизлар – хўжайинимизнинг мисс Дарсига совғаси. Биз эртага у ҳам акаси билан келишини кутаяпмиз.

Мистер Гардинернинг чин юракдан қизиқиб бераётган саволлари миссис Рейнолдснинг гап қулфини очиб юборди: у ўз ҳожаси ва синглиси ҳақида билганларини айтиб берди.

– Хўжайинингиз кўп вақтини Пемберлида ўтказадими?

– Мен хоҳлаганимчалик кўп эмас. Умрининг ярми шу ерда ўтади, дейишим мумкин. Мисс Дарси эса ҳар ёзни шу ерда ўтказади.

«Бир ёзни Рэмсгейтда ўтказганини ҳисобга олмаганда», – ўйлади Элизабет.

– Хўжайинингиз уйланса, уни кўпроқ кўриб турасиз.

– Ҳа, аммо бу қачон бўлиши номаълум-да. Унга сал бўлса ҳам муносиб хотин бўла оладиган бирортасини билмайман.

Мистер ва миссис Гардинерлар кулиб қўйишди, Элизабет эса ўзини тута олмай, деди:

– Менимча, сиз унинг фойдасига ўйлайсиз, шекилли?

– Мен фақат бор гапни гапираман – буни мистер Дарсини танийдиган ҳамма тасдиқлаши мумкин, –

жавоб берди аёл. Элизабетга у бу гапларни қўрқмасдан айтаётгандек туюлди. Миссис Рейнолднинг кейинги гапидан эса ҳайратга тушди: – Бутун умри давомида у менга битта ҳам ёмон сўз айтмаган. Мен эса уни тўрт ёшидан бери биламан.

Бу сўзлар Элизабетни жуда ҳайрон қолдирди: улар ўзининг мистер Дарси ҳақидаги тасаввурларига мутлақо зид эди. У шу пайтгача йигит характерини ўта оғир деб билаётганди. Элизабетнинг қизиқиши борган сари зўраяётган, йигит ҳақида яна бошқа нарсаларни ҳам билгиси келаётганди. Мистер Гардинер сўрашда давом этди:

– Жуда кам одамлар бундай мақтовга сазовор бўлишади. Хўжайинингиз шундайлигидан сиз жуда бахтли бўлсангиз керак?

– Ҳа, чиндан ҳам менинг омадим келган. Бутун дунёни қидирса ҳам бундан яхшисини топиб бўлмайди. Мен ҳар доим кўнгилчан болалар улғайишгач, яхши инсон бўлиб етишганларига гувоҳ бўлганман. Мистер Дарси эса кичкиналигида жуда раҳмдил, олижаноб бола эди, бунақасини мен ҳалигача бошқа учратмаганман.

Элизабет ундан кўзини уза олмасди: «Наҳотки гап мистер Дарси ҳақида кетаётган бўлса?» – ўйларди қиз.

– Унинг отаси ҳам олиҳимматлилиги билан ном қозонганди, – деди миссис Гардинер.

– Тўппа-тўғри, хоним, рост айтдингиз. Ўғли ҳам худди отасининг ўзи. Оддий одамларга нисбатан жуда меҳрибон.

Элизабет аёлнинг гапларини тинглар экан, ҳайратланар, иккиланар ва яна кўпроқ нарсаларни билишни истарди. Миссис Рейнолднинг расмлар, хоналарнинг катта-кичиклиги, жиҳозларнинг қиймати ҳақидаги гапларини шунчаки эшитган Элизабет энди аёлнинг сўзларини жон қулоғи билан тинглаётганди. Уй бошқарувчисининг мистер Дарсини кўкларга кўтариб мақташи мистер Гардинерга жуда қизиқ туюлди.

Улар узун зина бўйлаб кўтарилишар экан, аёл хўжайинининг бошқа фазилатларини ҳам санашда давом этди:

– Мистер Дарси дунёдаги энг зўр ер эгаси ва энг зўр хўжайин, – деди у. – У ҳозирги йигитлардек фақат ўзинигина ўйлайдиганлардан эмас. У ҳақда бирорта яхши гап айтмайдиган битта ҳам ижарачи ёки хизматчини топа олмайсиз. Кимлардир уни хаддан ташқари мағрур дейишади. Лекин мен буни ҳеч қачон сезмаганман. У, баъзи ёшлардек, бўлар-бўлмас нарсалар билан қизиқмагани учун шундай дейишса керак.

«Бу сўзлар мистер Дарсини қандай даражага чиқариб қўйяпти!» – ўйлади Элизабет.

– Унинг бу гаплари мистер Дарсининг бизнинг бечора дўстимизга қилган қилиқлари билан келишмаяпти-ку, – Элизабетга пичирлаб деди миссис Гардинер.

– Балки, бизга нотўғри айтишгандир?

– Бундай бўлмаса керак. Бизга айтганлар алдайдиган одамлар эмасди.

Иккинчи қаватда кенг кираверишдан ўтиб, чиройли бир хонага киришди. Бу хона пастки қаватлардагидан ҳам муҳташам бўлиб, жуда нозик дид билан жиҳозланган эди. Миссис Рейнолд бу хонани ўтган йили мисс Дарсига ёқиб қолгани учун унга деб қайтадан пардоз берилганини айтиб ўтди.

– Мисс Дарсининг акаси чиндан ҳам жуда ғамхўр экан, – деб қўйди Элизабет, очиқ ойналардан бирининг олдига яқинлашар экан.

Миссис Рейнолдс мисс Дарси хонанинг янги пардозини кўргандан кейин қандай хурсанд бўлишини кўз олдига келтириб, олдиндан қувонаётган эди.

– Синглисини озгинагина бўлса ҳам хурсанд қиладиган ҳамма нарсани бадастир қилади. – деди у. – Қўлидан келадиган ҳамма нарсани бажо келтиради.

Улар ҳали кўрмаган расмлар галереяси билан икки ёки учта катта ётоқхона қолган эди. Галереяда жуда

чиройли чизилган расмлар кўп бўлса-да, рассомликка унча тушунмайдиган Элизабет мисс Дарсининг қаламда чизган расмларини томоша қила бошлади. Бегона одамлар диққатини жуда ҳам тортавермайдиган оилавий суратларни кўрар экан, Элизабет улар орасидан ўзига таниш биргина қиёфани қидирар эди. Ахири бу расмга кўзи тушди: суратнинг мистер Дарсига жуда ўхшашлигидан ҳайрон қолди. Расмда унинг кулиб турган чеҳраси ифодаланган бўлиб, бу кулгини қиз йигит ўзига тикилиб турган пайтларида кўрган эди. Қиз бир неча вақт расмга тикилиб турди. Унинг олдига миссис Рейнолдс келиб, бу сурат катта мистер Дарси тириклигида чизилганини айтди.

Ушбу дақиқаларда Элизабет биринчи марта расмнинг аслига нисбатан илиқ туйғуларни ҳис қилди. Миссис Рейнолднинг мақтаб айтаётган гап-сўзлари таъсир қилмай қолмасди. Ахир миннатдор хизматчининг мақтов сўзларидан ортиқ ишониб бўладиган нарса бормикин? Қиз Дарсига юклатилган акалик жавобгарлиги, ер эгаси, уй эгаси сифатидаги жавобгарликлар тўғрисида ўйларди. У одамларга қанча яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин! Унинг ихтиёрида қанча хурсандчилик ва қайғулар бор! Миссис Рейнолдс айтиб ўтган унинг табиатидаги ҳар бир чизги йигитнинг фойдасига ҳал бўлаётган эди. Кўзлари унга қараб турган сурат олдида турар экан, Элизабет унинг севги изҳор қилиб айтган сўзларининг маъносини ҳозир янада чуқурроқ ҳис қилди ва йигит изҳоридаги баъзи нарсаларни хаспўшлаб юборишга ҳаракат қилди.

Кўриш мумкин бўлган ҳамма жойларни томоша қилишгач, пастга тушишди ва уй бошқарувчиси билан хайрлашиб, эшик олдида уларни кутиб турган боғбон билан қолишди.

Ўтлар оралаб дарё бўйига тушишар экан, уйга яна бир бор қараш учун Элизабет орқасига ўгирилди. Мистер ва миссис Гардинерлар ҳам тўхташди. Мистер Гар-

динер уйнинг қурилган вақти тўғрисида ўз фикрини айтар экан, отхонага олиб борадиган йўлка муюлишидан уйнинг эгаси чиқиб келди.

Улар орасида йигирма ярд (91,44 см)ча масофа бўлиб, йигит шунчалик тасодифан пайдо бўлгандики, Элизабетнинг қочишга ҳеч имкони йўқ эди. Уларнинг кўзлари учрашди ва икковининг ҳам юзлари қип-қизариб кетди. Мистер Дарси титраб кетди, аввалига гўё ҳайратдан қотиб қолгандек бўлди, лекин тезда ўзига келиб, уларнинг олдига келди-да, ҳали ўзига келмаганига қарамай, қизга ҳурмат билан гапира бошлади.

Биринчи дақиқаларда Элизабет беихтиёр орқасига ўгирилиб, бир неча қадам ташлади. Лекин йигит унинг ёнига етиб келганда, ўзини йўқотиб қўйганча, тўхтаб, унинг гапларига қулоқ сола бошлади. Қизнинг ҳамроҳларини олдиларида мистер Дарсининг пайдо бўлиши ва унинг ҳозиргина кўришгани портрети уларнинг қаршисида уй эгаси турганини етарли даражада ишонтирмаган бўлса, боғбон юзида хўжайинини тўсатдан кўриб қолганидан пайдо бўлган ҳайрат буни тасдиқлаб турарди. Мистер Дарси Элизабет билан гаплашар экан, қолганлар нарироқда туришди. Кўзларини кўтариб қарашга ҳам ийманиб, қиз Дарсининг оиласи ва уларнинг саломатлиги ҳақида йигит берган саволларга зўрға жавоб берарди. Йигитнинг улар охирги марта учрашганларидан бери қанчалик ўзгариб кетгани Элизабетни лол қолдирган, лекин йигитнинг гапларидан борган сари хижолати ортиб борарди. Бир неча дақиқалик бу суҳбат давомида ўзини шу жойда кўриб қолишганидан қанчалик ноқулай аҳволга тушгани қиз учун бир умр ёдида қоларли бўлди. Мистер Дарсининг ўзини тутиши ҳам ундан қолишмас эди: унинг гапларида одатдаги хотиржамлик йўқ эди. Уларнинг Лонгборндан қачон чиққанлари, неча кундан бери Дербиширда эканликлари ҳақида довдираб саволлар берар экан, у ҳам ўз

ҳаяжонини беркита олмас эди. Ахири, энди нима ҳақида сўрашни билмай, бир неча дақиқа туриб қолди ва индамай нари кетди.

Ўша заҳотиёқ Элизабетнинг ёнига мистер ва миссис Гардинерлар келишиб, йигитнинг кўринишидан ҳайратда эканликларини айтишди. Бироқ, ўз ўйлари билан машғул Элизабет уларнинг гапларига жавоб бермай, кетларидан кета бошлади. Уят ва хўрланганлик ҳиссидан унинг дили хуфтон эди. Мистер Дарсига у жуда ғалати кўринган бўлса керак! Қандай шармандалик! У, қиз атай менинг йўлимдан чиқди, деб ўйлаётган бўлса керак? Нимага ўзи бу ерларга келди? Унинг ҳам бир кун олдин келгани-чи! Уйдан ўн дақиқагина вақтлироқ чиқишганда эди, йигитни учратмаган бўлишарди! Мистер Дарсининг ҳозиргина келгани кўриниб турибди – эндигина отдан ёки экипаждан тушган эди. Қиз ўзининг Пемберлига келгани нотўғри бўлганини ҳис қилиб, уятдан ёниб кетаётган эди. Лекин мистер Дарсининг ўзгариб кетганини! Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Унинг қиз билан гаплашганининг ўзиёқ ҳайрон қоларли эди. Қариндошлари ҳақида қандай ҳурмат билан гапиргани-чи! Дарси ҳали қизга ҳеч қачон шунчалик бугунгичалик назокат билан гапирмаган эди. Унинг ўзини бундай тутиши илгари Розингсда қизга ўз хатини бераётгандагидан бутунлай бошқача эди. Элизабет буни нима деб ўйлашни ҳам, қандай тушунишни ҳам билмасди.

Улар шундоқ сув бўйидаги йўлкадан кетиб боришарди. Юрганлари сайин олдиларида чиройли манзаралар пайдо бўлар экан, Элизабет уларни сезмасди. Гардинерлар саволларига беихтиёр жавоб берар экан, у бутунлай бошқа нарсани ўйлаётган эди. Кўз олдида ўша битта – ҳозир Дарси кирган хона гавдаланаётган эди. Қиз ҳозир унинг нималар ҳақида ўйлаётганини, қизни бу ерда кўриб нималарни ҳис қилганини, ҳеч нарсага қарамай ҳали ҳам ўзига нисбатан нозик туйғулари сақланиб қолдимикан – билишни истарди. Йи-

гитнинг ўзини эркин тутиши ўз уйида эканлигидан эмасмикан? Лекин унинг гапириш оҳангида нимадир бор эдики, Дарси ўзини бемалол тутаяпти, деб бўлмасди. Унинг бу учрашувдан хурсанд ёки хафа эканлиги номаълум эди. Ҳар ҳолда йигитга бари бир эмасди.

Ҳамроҳларининг қизнинг паришонхотирлигига нисбатан ишораларини пайқаган Элизабет фикрларини жамлаб, ўзини қўлга олишга мажбур қилди. Улар қуюқ дарахтзор ичига кириб, қияликдан тепага қараб кўтарила бошлашди. Дарахтлар орасидан тушаётган ёруғлик орқали сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада чиройли манзарани кўриш мумкин эди. Мистер Гардинер биттада ҳамма ёқни айланиб чиқишни таклиф қилди, ва бу фикрга ўша заҳотиёқ ўзи қарши чиқди: биттада айланиш учун чарчаб қолишлари мумкин эди. Унинг гапларига боғбон кулибгина, камида яна ўн милча юришларига тўғри келишини айтди. Бу масалани ҳал қилишди ва улар яна йўлларида давом этдилар. Йўл яна тоққа қараб кетган эди. Энгашиб ётган дарахтлар орасидан ўтиб, дарёнинг торайган жойига келиб, атрофдаги табиат руҳига мос келадиган қилиб қурилган кўприкдан нариги томонга ўтдилар. Паркнинг бу қисми, бошқа жойларга нисбатан инсон қўли энг кам теккан жой эди. Даралар орасида фақат сув оқими учун жой ва буталар билан қопланган торгина йўлка бор эди. Элизабет сув оқимини синаб кўргиси келди. Лекин яёв юришга ўрганмаган миссис Гардинер бирдан уйдан анча узоқлаб кетишганини сезиб қолиб, бошқа юришни истамади ва тезроқ қайтишни сўрай бошлади. Элизабет кўнишга мажбур бўлди ва улар дарё бўйида қолган экипаж ёнига энг яқин йўлдан туша бошладилар. Лекин жуда тез юришмаётган эди. Мистер Гардинернинг балиқ овига бўлган қизиқиши (ўзининг бу қизиқишини қондириш унга жуда кам насиб қилса-да) сабаб, у дарёда жилпанглаётган форелни томоша қилиш учун ёки боғбондан шу балиқ ҳақидаги са-

волларига жавоб олиш учун тўхтаб-тўхтаб тушишларига тўғри келди. Шу аҳволда секин тушишар экан, улар бирдан ўзлари томон келаётган мистер Дарсини кўриб қолишди. Элизабет боя уни биринчи марта кўрганда қандай ҳайрон қолган бўлса, ҳозир янада қаттиқ ажабланди. Йўлка олдинги соҳилдагидек дарахтлар билан жуда ўралмагани учун, орадаги масофа йигит етиб келгунча улар Дарси билан юзма-юз келишга тайёр бўлишлари учун етарли вақт кетадиган даражада эди. Ажабланганига қарамай, Элизабет йигит олдиларига келгудек бўлса, у билан бемалол гаплаша олиш учун ўзини тутиб олди. Лекин атиги бир неча лаҳза шундай туюлдики, гўё йигит бошқа йўлга қайрилиб кетгандек бўлди. Лекин бу бир неча сониягина, йўлканинг қайрилган жойидан ўтиб келгунча вақтни олди. Ва йигит ўша заҳоти уларнинг олдида пайдо бўлди. Биринчи қарашданоқ, Элизабет йигитнинг улар ҳали пастда кўрганларидек, ўзини мулозаматли тутаётганини сезди. Ўзи ҳам шундай бўлишга ҳаракат қилиб, Элизабет бу ернинг манзараларидан жуда ҳайратдаликларини айтди. Лекин «мафтункор» ва «ажойиб» деган сўзни икки марта қайтаргач, Пемберли ҳақида бу сўзларни унинг айтиши бошқача тушунилиши мумкинлигини ўйлаб, жим бўлиб қолди.

Миссис Гардинер нарироқда турар эди. Элизабетнинг жим бўлиб қолганидан фойдаланиб, мистер Дарси қиздан ўзининг ҳамроҳларини унга таништиришни сўради. Бундай эҳтиромни ҳеч ҳам кутмаган қиз, ўзини зўрға жилмайишдан тутиб, йигит унинг розилигини сўраган пайтда бундай одамларга нисбатан ғурури қандай бош кўтарганини эслади.

«Буларнинг кимлигини билгандан кейин роса ажабланар, – ўйлади қиз. – Ахир у буларни оқсуякларга мансуб, деб ўйлаётган бўлса керак».

Шунга қарамай, тезда йигитга ҳамроҳларини таништирди. Ўзининг Гардинерларга жиян эканлигини

айта туриб, зимдан йигитни кузатар экан, у ҳозир югуриб қочиб қолса керак, деб ўйлади. Уларнинг қариндош эканлиги, чиндан ҳам Дарси учун томдан тараша тушгандек бўлди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олди ва янги танишлари билан бирга кета туриб, мистер Гардинер билан қизғин суҳбатлаша кетди. Элизабет жуда хурсанд эди. Ахири мистер Дарсини ўзини уялтириб қўймайдиган қариндошлари билан таништирганидан кўнгли хотиржам эди. Уларнинг суҳбатларига қулоқ солар экан, тоғасининг айтаётган ҳар бир гапига, унинг ақлидан, дидидан, олижаноб табиатидан дарак берувчи гапларидан хурсанд бўлар эди.

Эркаклар суҳбати балиқ овига тақалиб, Элизабет мистер Дарси тоғасини улар шу ердалигида бирга балиқ овлашга таклиф қилганини эшитди. Йигит мистер Гардинерга керакли асбоб-анжомларни ўзи беришини айтиб, унга балиқ овлаш учун қулай жойларни кўрсатди. Элизабет билан ёнма-ён кетаётган миссис Гардинер дам ўтмай, қизга ҳайрон бўлиб қарар эди. Элизабет ўзида йўқ хурсанд, аммо жим кетарди. Мистер Дарсининг бу эътибори, албатта, қиз орқасидан. Лекин бу нарса уни ажаблантирар экан, ўз-ўзидан «У нима учун шунчалик ўзгарди? Бунинг сабаби нима? Фақат мени деб бўлиши мумкин эмас! Фақат мени деб у ўзини шунчалик эҳтиром билан тутаётган бўлиши мумкин эмас! Унга Хансфордда айтган гапларим шунчалик таъсир қилган бўлиши мумкин эмас! У мени ҳали ҳам севиши мумкин эмас-ку?!»

Анча пайтгача аёллар олдинда, эркаклар бир неча қадам орқада кетишди. Лекин бир оз ўтиб, қандайдир бир сув ўтини кўриш учун сувга тушганларидан сўнг, шароит ўзгарди. Шу пайтгача Элизабетга суяниб келаётган миссис Гардинер чарчаганини ҳис қилиб, эрининг қўлидан ушлаб олди. Унинг ўрнини мистер Дарси эгаллаб, яна йўлда давом этишди. Бир мунча вақт жим кетишгандан сўнг, Элизабет биринчи бўлиб гап бошлади. У Пемберлига келишга қарор қилганида ўзининг йигит

у ерда эмаслигига амин бўлганини тушунтирмоқчи эди. Шунинг учун йигитнинг кутилмаган тарзда келиб қолишидан ажабланишганини айтди:

– Уй бошқарувчингиз эртадан вақтли келмаслигингизни айтганди. Биз Бейкуэллдан кетаётганимизда ҳам шундай дейишганди. Сизни бугун кутишмаётганди.

Дарси чиндан ҳам кутилмаганда келганини, сабаби дўстлари келгунча уй бошқарувчиси билан қиладиган ишлари борлигини айтди.

– Улар эртага эрталаб келишади, – гапида давом этди йигит. – Улар орасида сизнинг эски дўстларингиз – мистер Бингли ва унинг опа-сингиллари ҳам бўлишади.

Элизабет бошини енгилгина қимирлатиб қўйди. Унинг хаёли йигит билан иккаласи Бинглининг номини охирги марта тилга олишган пайтга кетди. Дарсининг юзидаги ифодадан у ҳам шу тўғрида ўйлаётгани сезилди.

– Яна улар орасида сиз билан танишишни жуда ҳам истаётган биров бор, – бир оз жимликдан сўнг гапида давом этди мистер Дарси. – Сизни, агар кўп нарса сўрамаётган бўлсам, шу ердалигингиздан фойдаланиб, синглим билан таништириб қўйсам майлими?

Элизабет йигитнинг бу илтимосидан ажабланди. Қандай қилиб бундай шарафга эга бўлгани унга қоронғу эди. Мисс Дарси акаси таъсирида у билан танишмоқчи бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, Элизабет бунда ҳеч бир ёмонликни кўрмаётган эди. Уни беайб хафа қилганларига қарамасдан, йигитнинг ўзи ҳақида ёмон хаёлга бормаётгани учун, йигитдан миннатдор эди.

Иккаласи ҳам ўз хаёли билан бўлиб, жим кетишар эди. Элизабетнинг аҳволини жуда яхши деб бўлмасди – бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Лекин у миннатдор эди. Ўзини мисс Дарси билан таништирмоқчи эканликлари, айниқса, қиз учун нозик хушо-

маддек эди. Улар ўз ҳамроҳларидан анча олдинга кетиб қолишганди. Йигит билан қиз карета олдига етиб келишганда, мистер ва миссис Гардинерлар улардан анча орқада қолишган эди.

Дарси қизни ичкарига киришга таклиф қилди, лекин Элизабетдан чарчамаганлиги ҳақидаги жавобни олгач, иккаласи ўтлоқда туриб қолишди. Суҳбат қуришга айни чорлайдиган бундай шароитда индамай туриш ноқулай эди. Қиз гапирмоқчи бўлди, лекин қайси мавзу бўлмасин, унга худди шу мавзуда гапириш мумкин эмасдай туюлди. Ниҳоят, улар саёҳатда эканликлари ёдига тушиб қолиб, Элизабет Мэтлок ва Давдейл ҳақида гапирди ва йигит билан иккалалари Дербиширнинг гўзаллигини мақтай кетишди. Лекин вақт ва миссис Гардинер шундай секин ҳаракат қилишаётгандики, бундай юзма-юз қолишганининг охирига бориб нима тўғрисида гапиришни ҳам билмай қолишди.

Ахири Гардинерлар етиб келишди ва йигит овқатланиб кетиш учун уларни ичкарига таклиф қилди. Янги танишлар таклифдан воз кечишди ва илиқ хайрлашиб, йўлга тушишди. Мистер Дарси экипажга чиқиб ўтиришаётганда аёлларга ёрдам бериб юборди. Отлар юриб кетганда, Элизабет унинг аста уйи томон кетаётганини кўрди.

Мистер ва миссис Гардинерлар мистер Дарси ҳақидаги ўз таассуротларини айтишни кечиктиришмади. Иккаласи ҳам бир овоздан ундан ҳайратда эканликларини айтишди.

– У ўзини олий даражада тутар экан: ҳурмати ҳам, камтарлиги ҳам, ҳаммаси ўз ўрнида, – деди мистер Гардинер.

– Албатта, бир оз виқор сезилиб турибди, кўриниши шундай бўлса керак, лекин ўзига ярашиб турибди, – деди миссис Гардинер. – Мен уй бошқарувчиси айтган гапларга юз фоиз қўшиламан: баъзилар уни гердайган дейишса-да, мен ҳеч ҳам буни сезмадим.

– Мени айниқса унинг меҳмондўстлиги ажаблантирди. Бизга нисбатан нафақат хушмуомалада, балки ўта мулозаматда бўлди. Ахир унинг ўзини бундай тутишига ҳеч қандай асос йўқ эди, Элизабет билан танишлиги эса шунчаки юзаки эди.

– Лиззи, у Уикхемчалик эмас, – эрининг гапига қўшилди миссис Гардинер. – Тўғрироғи, унчалик келишган эмас, лекин ёмон эмас. Нега сен уни бизга даҳшатли қилиб тасвирлаган эдинг?

Элизабет қўлидан келганча ўзини оқлашга ҳаракат қилди: йигит Кентда унга кўпроқ ёққанини, бугун эрталаб учрашиб қолганларида эса у ўзини жуда ҳам бошқача мулойим тутганини айтди.

– Менимча, у сал кўнглига келган номаъқулчиликни қилаверадиганлардан бўлса керак, – деди мистер Гардинер. – Бундай поғонадаги одамлар одатда шунақа бўлишади. Шунинг учун ҳам мен унинг балиқ овлаш таклифига йўқ деб қўя қоламан. Бўлмаса, бирдан кайфияти ўзгариб қолиб, мен қочиб қолишимга тўғри келиб ўтирмасин.

Элизабет уларнинг мистер Дарсининг табиатини умуман тушуна олишмаганига амин бўлди, лекин индамай қўя қолди.

– Унга қараб туриб, наҳотки шу йигит бирортасига худди Уикхемга қилганидек ёмонлик қилиши мумкинлигига ишонгим келмаяпти. У ҳеч ҳам даҳшатлига ўхшаб кўринмайди, қайтага, гапираётганда лабларининг четида бирам мулойим ажинчалар пайдо бўлар экан. Унинг ўзини тутишида ўз қадр-қимматини билиши сезилиб турибди. Бизга уйни кўрсатган аёл-чи, уни қанақа мақтади. Баъзи гапларни айтаётганда мен зўрға ўзимни кулгидан тийиб қолдим. Жуда сахий ҳам бўлса керак, шунинг учун хизматкорининг кўзига ҳамма яхши фазилатларга эга бўлиб кўринади.

Элизабет йигитнинг Уикхемга қилган хатти-ҳаракатини оқлаш зарурлигини тушунди. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан у Гардинерларга Дарсининг қарин-

дошларининг айтишича, унинг Уикхем билан муносабатларини бошқача тушунган бўлишлари мумкин эканлигини айтди. Бу гап билан биринчи йигит обрўсига путур етмасди ва иккинчисининг эса улар Хартфордширда амин бўлганларидек, жуда ҳам тоза эмаслиги келиб чиқарди. Бу гаплар исботи сифатида қиз, кимдан эшитганини айтмаган ҳамда айтмоқчи бўлган гапларининг ростлигини таъкидлаган ҳолда, иккала йигит ўртасида бўлиб ўтган можароларни айтиб берди.

Миссис Гардинер бу гапларни эшитиб, ҳайрон қолди ва жуда хафа бўлиб кетди. Лекин бу пайтга келиб унинг ёшлиги ўтган шаҳарчага кириб келишган эди ва бу суҳбат мавзусини ўзгартирди. Эрига йўлда учраётган ёшлиги билан боғлиқ бирор жойни кўрсатар экан, у энди бошқа нарса ҳақида ўйламай қўйган эди. Эрталабдан бери жуда чарчаганларига қарамай, тушлик қилиб бўлишлари билан, неча йилдан бери кўрмаган эски танишларини кўриш учун айлангани чиқиб кетишди.

Бугунги кун воқеалари Элизабетни шундай чарчатган эдики, у янги танишлари билан бемалол ўтира олмади. Бутун ўтириш давомида у ўз хаёллари билан банд бўлиб ўтирди: мистер Дарсининг дўстона гаплари ёдига тушиб ажабланар, айниқса, йигитнинг сингглиси билан таништирмоқчи бўлганига ҳамон тушунмас эди.

II БОБ

Элизабет мистер Дарси ва сингглиси уларни кўришга мисс Дарси келган куннинг эртасига келишса керак, деб фараз қилаётганди. Шунинг учун у ўша кунниинг биринчи ярмида меҳмонхонада бўлиб туришга қарор қилди. Лекин унинг ўйлагани бўлмади – мистер Дарси сингглиси Пемберлига келган куннинг ўзидаёқ уларни кўришга келди. Янги дўстлари билан теварак-

атрофни айланиб келиб, кийим алмаштириш ва овқатланиб олиш учун меҳмонхонага қайтиб келган Гардинерлар ва Элизабет кўчадан экипаж шовқинини эшитишди ва деразадан қараб, ичида йигит ва қиз ўтирган очиқ файтон яқинлашганини кўришди. Элизабет келганлар ким эканлигини дарров сезиб, уларни ҳозир қандай иззат-икром кутаётганини айтиб, Гардинерларни ҳайрон қолдирди. Қизнинг юзидаги хижолат ифодаси, айтаётган янгилиги, бир кун олдинги воқеалар Гардинерларни ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарашга мажбур қилди. Олдин бундай фараз ҳатто бўлиши мумкин бўлмаган бўлса, улар ҳозир ўзларига бўлаётган бундай эътиборнинг сабабчиси мистер Дарсининг Элизабетга мойиллигидан бошқа нарса эмаслигини тушуниб қолишди. Уларнинг бу тахминлари ҳали мустаҳкамланиб улгурмасдан, қиз баттарроқ саросимага туша бошлади: бунчалик асабийлашаётганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Элизабет йигит синглисига ўзини жуда ҳам мақтаб юбормаганмикан, деб қўрқа бошлаган эди. У чиндан ҳам, меҳмонларни иложи борича илиқ кутиб оламан деб қайтага бузиб қўймайманми, деб қўрқаётган эди. Кўчадан кўриб қолмасликлари учун деразанинг олдидан қочар экан, хонанинг у бошидан бу бошига юриб, ўзини босиб олмоқчи бўлди. Лекин тоғаси ва холасининг унга ҳайрон бўлиб қараб туришларидан баттар саросимага туша бошлади.

Хонага мисс Дарси билан акаси кириб келишди ва ниҳоят, шунчалик қўрқув билан кутилган танишув амалга ошди. Элизабет янги танишининг ўзидан ҳам баттар саросимадалигини пайқаб, ажабланди. Лэмтондалик вақтида мисс Дарсининг ўта мағрурлиги тўғрисида кўп эшитган эди. Унинг ўта уятчанлигини билиш учун Элизабетга бир неча дақиқа кифоя қилди. У қизни гапиртириш учун шунча ҳаракат қилиб, ундан бир нечтагина сўз эшита олди, холос.

Мисс Дарси баланд бўйли, Элизабетдан ҳам баландроқ эди. Эндигина ўн олтига чиққанига қарамай, айни

балоғат ёшидаги латофатли қиз эди. Унинг юз бичимлари акасиникидек эмас эди, лекин кўриниши ва ўзини тутишлари қизнинг ақли, кўнгилчанлиги ва одоблилигидан дарак берарди. Қизнинг ҳам акасига ўхшаб ўткир ҳамда инсон табиатини кузатишни яхши кўрадиган бўлса керак, деб гумон қилаётган Элизабет ака-сингилнинг бир-бирларига мутлақо ўхшамасликларини сезди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, мистер Дарси уларни кўргани мистер Бингли ҳам келганини айтди. Қиз ўз розилигини айтишга улгурмай, зинада қадам товушлари эшитилиб, хонага йигитнинг ўзи кириб келди. Элизабетнинг Бинглига нисбатан аламлари аллақачон ўтиб кетганди. Агар бу аламнинг заррачаси қолганда ҳам, йигитнинг юзидаги ифодадан унинг бу учрашувдан қандай хурсандлигини кўриб, ўша заррача алам ҳам йўқолган бўларди. Бингли қариндошлардан ҳеч кимнинг исмини айтмаган ҳолда, соғлиқлари билан қизиқди. У Хартфордширда ўзини қандай тутган бўлса, ҳозир ундан ҳам самимийроқ ва очиққўнгиллик билан гаплашди.

Мистер Бингли Гардинерларда катта қизиқиш уйғотди – уни анчадан бери кўришни хоҳлашаётганди. Иккаласи ҳам келган меҳмонларга қизиқиб қараб туришарди. Яқингинада мистер Дарсининг ўз жиянларига бўлган муносабати ҳақидаги шубҳалари энди иккала йигитни ҳам диққат билан кузатишга ундарди. Бу кузатувлари мистер Дарсининг Элизабетда кўнгли борлигига уларни аниқ ишонтирди. Жиянларининг йигитга нисбатан қарашларига ҳали тўлиқ ишонишмаган, лекин йигитнинг унга сажда қилишга тайёр эканлиги яққол сезилиб турарди.

Ўз навбатида Элизабет ҳам жуда банд эди: у меҳмонларнинг нима тўғрисида ўйлаётганларини сеза билиши, ўзининг ўй-хаёлларини тартибга солиб олиши ва атрофдагиларга яхши кўринишга ҳаракат қилиши керак эди. Уни энг саросимага солаётган нарса ўша

охиргиси бўлса ҳам, бу борада у хотиржам бўлиши мумкин эди, чунки у ёқишга ҳаракат қилаётган одамлар унга хайрихоҳ эдилар. Бингли уни яхши дейишга тайёр эди, Жоржиана – ниятлари холис, Дарси эса – қиз ҳақида энг яхши хулоса чиқаришга қаттиқ киришган эди.

Бинглини кўрган пайтда Элизабетнинг хаёли Жейнга қараб кетди. У Бингли ҳам шуни ўйлаётганмикан, деб қизиқарди. Қизга у аввалгидан камроқ гапирадиган бўлиб қолганга ўхшаб кўринди, бир-икки марта эса йигит ўзининг юзидан худди Жейнга ўхшаш жойларни қидираётгандек туюлди. Бу нарсалар унинг тасаввурининг натижаси, деб қаралган ҳолда ҳам, йигитнинг мисс Дарсига муносабати бир пайтлар уни Жейнга рақиба, деб Элизабетга айтганларидек эмас эди. Қиз на йигит ва на мисс Дарсида бир-бирларига интилишга ўхшаган туйғуни сезгани йўқ. Мисс Бингли айтганларини тасдиқлайдиган ҳеч қандай гап йўқ эди ва бир оз ўтиб, бу борада Элизабетнинг кўнгли хотиржам бўлди. Қайтага йигитнинг ўзини тутишидан у Жейнни ёдидан чиқармаганини, агар жасорати етганда, у ҳақида гапирган бўлиши мумкинлиги шундай сезилиб турарди. Ҳаммалари гап билан банд бўлиб туришганда, Бингли чуқур хўрсиниш билан деди:

– Сизлар билан кўришганимдан бери қанча вақт ўтди! – Элизабет ҳали жавоб беришга улгурмай, қўшиб қўйди: – Саккиз ойдан ошиқроқ! Ахир йигирма олтинчи ноябрь, Незерфилдда рақс тушганимиздан бери кўришганимиз йўқ!

Элизабет йигитнинг бу кунни аниқ санасигача эслаб қолганига эътибор берди. Бир оз вақт ўтгач, йигит пайтини топиб, ҳеч кимга сездирмай қиздан опа-сингиллари ҳаммаси ҳали ҳам Лонгборндалигини сўради. Унинг бу саволи ҳам, олдинги гаплари ҳам кўп нарсани англатмасди, лекин йигитнинг бу гапларни айтаётганда юзидаги ифодаси ва ўзини тутиши кўп нарсани билдирарди.

Элизабет мистер Дарси томонга зўрға кўз ташлаб қўярди. Лекин ҳар сафар кўзи тушганда йигитнинг юзида очиқ кўнгиллик уфуриб турган ифодани кўрарди. Нима демасин, қандай ҳаракат қилмасин, унда гердайиш ёки манманлик ишоралари сезилмасди. Бу қизнинг кеча «ўзини тутишлари яхши томонга ўзгариб қолибди» деб хаёлига келган фикрнинг, балки бу қисқа вақтга бўлган тақдирда ҳам, бир кундан ортиқроққа чўзилаётганининг исботи эди. Йигитнинг бир неча ойгина бурун гаплашишни ўзи учун паст кетиш деб ҳисоблайдиган одамларга ёқиш учун қилаётган ҳаракатини кўриб, нафақат ўзига мулозаматли бўлишга, балки унинг (яқингинада ўзи қандай нафрат билан қарагани) қариндошларига ҳам бениҳоя ҳурмат билан қараётганини сезиб ва иккаловининг Хансфордда бўлиб ўтган суҳбатларини эслаб, йигитнинг табиатида юз берган чуқур ўзгаришларни кўриб, Элизабет баланд овозда ўз ҳайратини ифодалашдан ўзини зўрға ушлаб турарди. Мистер Дарси на Незерфилдда – ўзининг қадрдон дўстларининг ичида, на Розингсдаги ўзининг олий табақадаги қариндошларининг олдида ўз суҳбатдошига ҳозиргичалик ёқишга ҳаракат қилмаганди. Айни вақтда шундай шароит эдики, унинг бунчалик ҳаракат қилишининг ҳожати ҳам йўқ эди, лекин ҳозир шунчалик эътибор бераётган одамлари билан таниш бўлишининг ўзиёқ уни Незерфилд ёки Розингсдаги аёллар олдида кулгига қўйиши мумкин эди.

Меҳмонлар улар билан ярим соатлар давомида бирга ўтиришди. Кетиш олдидан, Дарси танишларини бу ердан кетгунларига қадар Пемберлига меҳмонга чақирмоқчи бўлишганини синглисининг ёдига солди. Бекалик қилишни ҳали ўрганмаган мисс Дарси уларни чин дилдан уйларига таклиф қилди. Миссис Гардинер, биринчи ўринда ўзига қаратилган бу таклифга қандай қараркан деб, Элизабетга кўз ташлади. Лекин бу пайт Элизабет тескари қаради, унинг бу қилиғи жа-

вобдан қочиш эмас, балки қизнинг хижолатда эканидан эди. Буни тўғри тушунган миссис Гардинер янги танишларидан боши осмонга етган эрининг бу таклифни албатта қабул қилишини сезиб, розилик беришни ўз зиммасига олди. Пемберлига эртадан кейин боришга келишиб олинди.

Мисс Беннет билан яна учрашиш, у билан хартфодширлик дўстлари ҳақида яна кўпроқ гаплашиш имкони туғилганидан мистер Бинглининг боши осмонда эди. Буни кўрган Элизабет эса, у Жейн тўғрисида сўрамоқчи, деб умид қиларди. Меҳмонлар кетгандан кейин қиз вақтимиз (ўзи учун ниҳоятда оғир бўлган бўлса-да) бекорга кетмади, деб хурсанд бўлди. Мистер Гардинерларнинг бериб қолиши мумкин бўлган саволлардан қочиб ва ёлғиз қолгиси келиб, шоша-пиша уларнинг саволларига қисқагина жавоб берди-да, кийингани ўз хонасига кириб кетди.

Лекин на мистер ва на миссис Гардинер қизга синчков саволлар беришмоқчи эмасди. Улар қизни ҳамма гапни очиб ташлашга мажбур қилишдан йироқ эдилар. Жиянларининг мистер Дарси билан улардан кўра кўпроқ таниш эканлиги кўриниб турарди. Йигитнинг қизни жиддий севиб қолгани эса яққол кўриниб турарди.

Энди мистер Дарси тўғрисида ижобий нарсаларни ўйлаш керак эди. Ҳозирча, улар танишганларидан бери йигит томонидан ҳеч қандай камчиликни сезишгани йўқ. Йигитнинг самимийлигидан улар хурсанд эдилар. Улар ўз кўзлари билан кўрганларидан келиб чиқиб, ёки уй бошқарувчисининг сўзларидан келиб чиқиб, йигитнинг қандайлигини тасвирлашадиган бўлса, хартфордширликлар бу тасвирдаги йигитда ўзлари билган йигитни танимас эдилар. Гардинерлар миссис Рейнолдсга ишонгилари келаётган эди. Ва улар ўз хўжайинини тўрт ёшидан бери биладиган ва ишонса бўладиган хизматкорнинг гувоҳлигини шошилиб йўққа чиқариб бўлмайди, деган хулосага келишди. Бу ерда

орттирган дўстлари ҳам мистер Дарси тўғрисида ҳеч қандай ёмон фикрларни айтишмади. Мистер Дарсини фақат мағрурликда айблаш мумкин эди. Балки, ростдан ҳам мағрурдир. Лекин бундай бўлмаганда ҳам, йигитнинг яқин дўстлари кўп бўлмаган бу шаҳарчанинг одамлари унга бундай ёрлиқни ўзлари ёпиштиришлари мумкин эди. Шу билан бирга уни ночор аҳволда қолганларга ёрдам қўлини чўзадиган сахий одам, деб ҳам изоҳлашди.

Уикхемга келганда эса саёҳатчилар бу ерда унинг ҳеч қандай обрўси йўқлигининг гувоҳи бўлишди. Одамлар Уикхемнинг мистер Дарси билан можаролари тўғрисида ҳар хил гапларни гапиришган бўлса-да, йигитнинг Дербиширдан жўнаб кетаётиб кўпчиликдан қарз олгани ва бу қарзларни кейинчалик мистер Дарси узганини ҳам билишди.

Элизабетнинг хаёли бу кун кечқурун олдинги кундагидан ҳам кўпроқ Пемберли билан банд эди. Қизга вақт жуда секин ўтаётгандек туюлса-да, у Пемберлининг эгасига нисбатан ўзининг туйғуларини аниқлай олмаётган эди. У фикрларини бир жойга жамлашга ҳаракат қилиб, икки соатча ухлай олмади. Айни кезда йигитга нисбатан ҳеч қандай нафратни ҳис қилмас эди. Нафрат бир неча ойлар олдин йўқолиб бўлган эди. Яна бир неча вақт ўзи нафрат деб ҳисоблагани, аслида эса йигитга нисбатан нотўғри фикрда бўлгани учун уялиб юрди. Йигитнинг ижобий хислатларига нисбатан пайдо бўлган ҳурмат ҳисси энди унинг кўнглидаги туйғуларга зид эмас эди. Йигитнинг шу охирги икки кун ичида ўзини тутиши ҳам уни қизнинг кўзи олдида юқорига олиб чиқиб қўйди. Лекин Элизабетнинг юрагида Дарсига бўлган ҳурмат ва таҳсиндан ҳам қаттиқроқ бир овоз гапирардики, унга қулоқ солмасликнинг иложи йўқ эди. Бу миннатдорлик туйғуси эди. Йигитнинг олдинги ҳис-туйғулари учун эмас, қизнинг унинг севги изҳорини рад қилиб, бунга жавобан адолатсиз ва бераҳмларча қилган айбловларига қарамай,

уни шу пайтгача севишда давом этгани учун миннатдорлик туйғуси эди. Қизнинг фикрича, йигит уларни учратиб қолганда ашаддий душмандан қочгандай қочиш ўрнига, танишликларини давом эттириш учун қўлидан келган нарсани қиляпти. Ўзининг қизга муносабатини кўз-кўз қилмаган ҳолда ва ўз юриш-туришини ҳам бежаб кўрсатмай, қизнинг қариндошларида ўзига нисбатан яхши муносабатни уйғотишга ҳаракат қилди ва синглисини у билан яқинлаштиришга уриняпти. Шунчалик мағрур одамдаги бундай ўзгариш одамни нафақат ажаблантирарди, балки миннатдорчилик туйғуларини ҳам уйғотарди, чунки инсонда бундай ўзгаришларнинг содир бўлишининг сабаби муҳаббат, қайноқ муҳаббат бўлиши керак. Бу муҳаббат эса Элизабет қалбида, ҳали нималиги номаълум, лекин ривожланиши кутилаётган ёқимли бир ҳисни уйғотаётган эди. Қиз бу инсонни ҳурмат қилаётган, қадрига етаётган эди, ундан миннатдор эди ва унга улкан бахт тилаётган эди. Қиз учун ҳозир ўзи тушуниб олиши муҳим бўлган нарса, ҳаётини йигитники билан боғлашни хоҳлайдими, агар ҳозирда унинг қўлида бўлиб турган жиловдан фойдаланиб, йигитни яна ўз розилигини сўрашга мажбур қиладиган бўлса, тўғри қилган бўладими ёки йўқми, деган фикрлар эди.

Ўша куни кечқуруннинг ўзида хола-жиян мисс Дарси Пемберлига келган куннинг ўзидаёқ уларга кўрсатган иззат-ҳурматга яраша жавоб қайтариш учун, эртаси куни эрталаб уларникига жавоб ташрифи билан боришга келишиб олишди. Демак, эртага Пемберлига боришади. Элизабет, сабабини ўзи тушунмаган ҳолда, жуда хурсанд эди.

Мистер Гардинер нонуштадан сўнг бир ўзи чиқиб кетди. Унинг кечаги куни яна балиқ овига таклиф этилгани тушликкача бир нечта танишлар билан учрашишини тақозо қилар эди.

III БОБ

Мисс Бинглининг ўзига ғаши келиши рашкдан эканлигини яхши тушунган Элизабет, у ўзини энди Пемберлида кўрадиган бўлса, қай аҳволга тушишини тасаввур қилаётган эди. Шунинг учун яна кўришганларида, мисс Бингли ўзини одоб доирасида тутиб тура олармикан, деган фикр қизни қизиқтираётганди.

Пемберлига етиб келишганида уларни деразалари шимолга қараган, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам салқингина бўладиган меҳмонхонага таклиф қилишди. Хона деразаларидан қуюқ ўрмон қоплаган баландликлар, уй олдида кўм-кўк бўлиб ўсиб ётган ўтлоқ, баланд эман дарахтлари ва испан каштанлари кўриниб турарди.

Бу хонада уларни мисс Дарси, миссис Хёрст, мисс Бингли ва мисс Дарси билан Лондонда бирга яшаган аёллар кутиб олишди. Жоржиана улар билан хурсанд ҳолда кўришди. Лекин ўта уятчанлиги ва бирор хато қилиб қўйишдан қўрқаётгани учун, қизнинг ҳаракатларида эркинлик етишмас, бу эса атрофдагиларга гўё у ўзини осмонда тутаётгандек бўлиб туюларди. Миссис Гардинер билан жияни қизнинг аҳволини жуда яхши тушуниб туришгани учун, унга ҳамдардлик билан қараб туришарди.

Миссис Хёрст ва мисс Бингли меҳмонларга енгилгина таъзим қилиб қўя қолишди. Ҳаммалари ўтиришгач, одатда шундай пайтда бўладиган жимлик чўкди. Бу жимликни кўринишидан хушрўйгина бўлган миссис Энсли бузиб, суҳбатни бошлаб берди ва ўзининг ҳар хил мавзудаги гаплари билан бу ердагилар ичида энг яхши суҳбатдош эканлигини кўрсатди. Бу аёл ва миссис Гардинер билан бўлган суҳбатга вақти-вақти билан Элизабет ҳам қўшилиб турди. Мисс Дарсининг юзидан унинг ҳам суҳбатга жуда аралашгиси келаётгани сезилиб турарди. Уни бирортаси эшитиб қолиши

гумонлигига ишонган заҳоти, қиз бир-икки оғиз гап қўшиб қўярди.

Бир оз ўтиришгач, Элизабет мисс Бингли ўзини диққат билан кузатиб ўтирганини, айниқса, мисс Дарсига гапирганида ҳар бир сўзига эътибор бераётганини сезиб қолди. Шунга қарамай, у агар яқинроқ ўтирганида Жоржиана билан кўпроқ гаплашмоқчи эди. Бошқа томондан эса, ўз хаёллари билан бўлиб, кўп гапириши шарт эмаслигидан хурсанд ҳам эди. Ҳар дақиқада эркакларнинг кириб келиши кутилаётганди. Қиз бир пайтнинг ўзида уй эгасининг ҳам улар билан бирга киришини ҳам хоҳлар, ҳам хоҳламас, хоҳишидан қайси бири кучлироқ эканини ўзи ҳам тушунмасди. Ўтирганларига ўн беш дақиқалар бўлганда, Элизабетга шу пайтгача бирор оғиз сўз қотмаган мисс Бингли, ундан қариндошлари соғ-омонлигини сўради. Савол қанчалик қисқа ва сиполик билан берилган бўлса, Элизабет ҳам унга худди шу тарзда жавоб қайтарди.

Ўртадаги ноқулайликни яхна гўшт, ширинликлар ва йилнинг шу фаслига хос бўлган турли-туман ҳўл мевалар олиб кираётган хизматкорнинг пайдо бўлиши бузарди. Миссис Энсли кўз қири билан уйнинг ёш бекасига ўзининг мажбуриятларини эслатиб турди. Энди ҳамма учун машғулот бор бўлиб, суҳбатлашишни ҳамма эплолмаса ҳам, овқат ейиш ҳамманинг қўлидан келар эди. Табиат мўъжизасидек туюлган каттакатта шафтоли, узум ва олхўрилар ҳамманинг диққатини ўзига тортди.

Ушбу дақиқаларда Элизабетнинг бошида биргина хаёл айланар эди: у мистер Дарсини хонага киришини хоҳлаяптими ёки йўқми? Йигитнинг хонада пайдо бўлишига бир дақиқагина қолганда, хоҳлаяпман, деб ўйлади. Йигит кириб келганда эса буни ҳеч ҳам истамаётганга ўхшади.

Мистер Дарси эса бу вақтгача бир нечта шу ерлик эркаклар билан балиқ овлагани борган мистер Гардинер билан бирга эди. Мистер Гардинердан хотини ва

жиянининг уларникига кетганини эшитиб, йигит уйига шошилди. Мистер Дарси хонада пайдо бўлиши билан, Элизабет, ўзимни унинг олдида бемалол тутишим керак, деган хулосага келди. Ҳамманинг уларга шубҳа билан қараётгани, йигитнинг ҳар бир қадами синалаётгани ҳисобга олинадиган бўлса, қизнинг қарори бажариш қийин бўлса-да, тўғри эди. Лекин ҳеч кимнинг қизиқиши, мисс Бинглиникидек юзидан – ҳар сафар Элизабет ёки Дарси билан гаплашаётганида жилмайишдан ўзини тия олмаётган бўлса-да – шундай очиқчасига кўриниб турмаётганди. Қизнинг рашки ҳали унинг умидларини йўққа чиқармаган ва Пемберлининг эгасига бўлган қизиқиши ҳам сусаймаган эди. Мисс Дарси акаси кириб келгандан сўнг суҳбатга кўпроқ аралашишга ҳаракат қилди, Элизабет йигитнинг ўзини синглиси билан яқинроқдан таништиргиси келаётганини, бунинг учун уларнинг суҳбатга киришиб кетишларига ҳаракат қилаётганини сезиб турарди. Бу нарса мисс Бинглининг ҳам назаридан четда қолмади ва одатда асабийлашаётган одамлар қиладигандек, истеҳзо билан сўради:

– Айтганча, мисс Элиза, ...шир полкининг Меритондан кетгани ростми? Бу сизларнинг оилангиз учун ҳақиқий фалокат бўлган бўлса керак-а?

Дарсининг олдида у Уикхем номини тилга олишга ботина олмади. Лекин Элизабет қизнинг айни уни кўзда тутаётганини дарров тушунди ва йигит билан боғлиқ оғриқли воқеалар ёдига тушиб, кўнгли ғашланди. Мисс Бинглининг саволига шунга яраша жавоб беришга тайёр бўлса-да, ўзини босиб олиб, лоқайдлик билан жавоб қайтарди. Шу пайт қизнинг кўзлари тасодифан қизариб кетган Дарсининг унга тикилиб турганига ва уялганидан ерга қараб турган Жоржианага тушди. Ўзининг бу гапи билан қадрдон дугонасига қандай азоб беришини билганида эди, мисс Бингли асло бу саволни бермаган бўлар, лекин унинг фикрича Уикхемга кўнгли бўлган Элизабетни чақиб олгиси

келаётганди. Бу билан Элизабетга унинг қариндошларининг бу полк билан бўлган борди-келди гапларни ёдига солиб қўйиб, қизни мистер Дарсининг олдида ерга урмоқчи бўлаётганди. Мисс Дарсининг Уикхем билан қочиб кетмоқчи бўлгани тўғрисидаги воқеани у эшитмаган эди – буни Элизабетдан бошқа кимса билмасди. Бу воқеа, айниқса, Бинглилар оиласидан сир тутилар эдики, Дарсининг Бинглилар билан қариндош бўлиб қолиш истаги борлигини Элизабет сезган эди. Бир пайтлар чиндан ҳам Дарсида шундай фикр бўлган ва мистер Бингли билан Жейнни бир-бирларидан ажратиб юборишдан мақсади атай шунинг учун бўлмаса-да, у дўстининг бахти учун ҳаракат қилганди.

Элизабетнинг ўзини тута олиши Дарсининг хавотирини тарқатиб юборди. Ҳафсаласи пир бўлган мисс Бингли яна Уикхемни тилга олишга журъати етмади, бу орада Жоржиана ҳам ўзига келиб олган бўлса-да, суҳбатда иштирок этишга энди юраги дов бермаётганди. Мисс Бингли Дарси билан кўзлари тўқнаш келиб қолишидан қочаётган, йигит эса унинг дарди нималигини хаёлига ҳам келтирмас эди. Мисс Бинглининг назарида йигитни Элизабетдан нари итариши керак бўлган баҳона, аксинча, унинг қиз ҳақида янада меҳр билан ўйлашига сабаб бўлган эди.

Орадан бир оз ўтиб, меҳмонлар жўнаб кетишди. Мистер Дарси уларни кузатгани чиқиб кетганда, Кэролайн Элизабет Беннетнинг кўринишини, ўзини тутишини, кийган кўйлагигача гапириб, аламдан чиқиб олди. Лекин Жоржиана унинг гапларига қўшилмади. Хоҳлаган бировни яхши кўриб, ҳурмат қилиши учун унга акасининг тавсияси етарли эди. Акаси янглишиши мумкин эмасди, у Элизабетни шунчалик меҳр билан таърифлаган эдики, Жоржиана қизнинг чиройли ва келишганлигини дарров тан олди. Дарси меҳмонхонага қайтиб келганда, мисс Бингли ҳозиргина опасига айтган гапларини Дарсига ҳам қайтарди.

– Мистер Дарси, бугун Элизабет Беннетнинг кўриниши жуда ёмон эди-а? – хитоб қилди қиз. – Мен шу пайтгача одам ярим йилда шунчалар ўзгариб кетганини кўрмаганман! Жуда хунук бўлиб кетибди! Агар уни кўчада кўриб қолсак, сира ҳам танимасдик!

Мисс Бинглининг бу гаплари Дарсига ёқмаган бўлсада, у қисқагина қилиб Элизабетнинг ёзда саёҳат қилгани сабаб бир оз қорайганини айтмаса, ҳеч қандай ўзгариш сезмаганини айтди.

– Очиғини айтсам, – гапида давом этди мисс Бингли, – мен ҳеч қачон бу қизда бирор бир чиройни кўрмаганман. Юзи жуда чўзинчоқ, ранги қорача, юз бичими ҳам ёқимсиз. Бурни-чи, бурни – оддийгина. Лабларига чидаса бўлади, лекин у ҳам ҳамма қатори. Унинг кўзларида эса – кимдир уни бир пайтлар чиройли деганмиди? – бирор бир одамни ўзига тортадиган жиҳатни кўрган эмасман. Унинг одамни еб қўйгудек синчков қарашини бирам ёқтирмайман. Туришидан ўзига бино қўйгани шундоқ сезилиб туради!

Мисс Бингли Элизабет мистер Дарсига ёқаётганини сезар ва бу турдаги гаплари билан ўзи албатта йигитга ёқмаслиги турган гаплигини жуда яхши тушунар эди. Лекин жаҳл келганда ақл кетади, деган гап ростлиги шу ўринда тўғри келади. Йигит юзидаги жаҳлнинг аломати қизнинг Элизабет ҳақидаги гаплари натижаси эди. Лекин йигит жим эди. Уни гапга чорлаб, қиз гапида давом этди:

– Биринчи марта уни Хартфордширда учратганимизда, ҳаммамизнинг кўзимизга чиройли бўлиб кўрингани ёдимда. Беннетлар Незерфилдда биз билан овқатланишганда сиз айтган гаплар шундай қулоғимнинг тагида турибди: «Шу қиз чиройлими? Мен қайтага унинг онасини одамларнинг жони-дили деган бўлардим!» Кейинчалик, у сизга ёқа бошлади шекилли – бир пайтлар уни ҳатто кўҳликкина ҳам дегандингиз.

– Ҳа, – деди ахири сабр косаси тўлган Дарси. – Танишган пайтимизнинг бошида шундай дегандим. Лекин орадан шунча ой ўтгандан сўнг, унинг мен учратган аёлларим ичида энг чиройлиги эканлигига тан бердим.

Шу гапларни айтар экан, мисс Бинглининг ўзи суғуриб олган иқрори билан қизнинг юрагини яралаб, йигит хонадан чиқиб кетди.

Уйга қайтишаётганда миссис Гардинер ва Элизабет бўлиб ўтган меҳмондорчиликнинг ҳамма икир-чикирини муҳокама қилишди. Фақат иккаласини қизиқтириб турган мавзуда оғиз очишмади. У ерда йиғилганларнинг ўзини тутиши, кийиниш услубини гапириб ўтишди, унинг синглиси, дўстлари ҳақида, уйи, меҳмондорчилик ҳақида, ҳамма-ҳамма нарса тўғрисида гапиришди. Фақат йигитнинг ўзи ҳақида оғиз очишмади. Шу билан бирга Элизабет холасининг мистер Дарси ҳақидаги фикрини билишни истар, миссис Гардинер эса қизнинг ўзи йигит ҳақида гап бошлашини кутаётганди.

IV БОБ

Лэмтонга қайтишганда Жейндан ҳали ҳам хат йўқлигини кўриб, Элизабетнинг ҳафсаласи пир бўлди. Эртаси, ундан кейинги куни ҳам хат бўлмади. Ниҳоят, тўртинчи куни эрталаб опасидан хат келди. Элизабетга бирваракайига иккита хат келган бўлиб, бирида хатнинг нотўғри манзилга юборилганини билдирувчи муҳр бор эди. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ эди, чунки конверт устидаги Жейннинг дастхатини тушуниш жуда қийин эди.

Хат олиб келинган пайтда Элизабет эндигина Гардинерлар билан айлангани чиқиб кетаётган эди. Улар қизни ёлғиз қолдириб, ўзлари чиқиб кетишди. Элизабет биринчи бўлиб беш кун бурун ёзилган, йўлда йўқолган хатни ўқий бошлади. Хатнинг боши одатдаги гап-

лар, меҳмондорчиликлар, ён-атрофдагилар ҳақида эди. Хатнинг давомига эса эртаси кунги сана қўйилиб, шошилиб ёзилгани кўриниб турарди, мазмуни эса қуйидагича эди:

«Азизам Лиззи, бу кутилмаган ва жиддий ҳодиса юз берганда хатнинг бошини ёзиб қўйган эдим. Лекин, қўрқиб кетма – биз ҳаммамиз соғмиз. Сенга айтмоқчи бўлаётган янгилигим бечора Лидия ҳақида. Кеча кечаси, биз эндигина уйқуга ётай деган пайтда Лондондан полковник Форстер хат бериб жўнатган чопар келиб қолди. Хатда ёзилишича, Лидия зобитлардан бири... қисқаси Уикхем билан Шотландияга кетиб қолибди! Бизнинг аҳволимизни кўз олдингга келтиравер. Лекин, бу гап Китти учун кутилмаган янгилик бўлмади. Мен ўзимда йўқ хафаман. Иккаласи учун ҳам тўғри келмайдиган никоҳ! Мен жуда ёмон томонини ўйлагим келмаяпти, балки бу бечора йигит ҳақида одамлар айтган гаплар ёлғондир! Унинг ўйламай иш қилиши ва енгилтабиат эканлигига ишонаман. Лекин бу қилиғи учун уни ёмон отлиққа чиқариш мумкин эмас. Чунки, жуда бўлмаганда, унинг бу қилиғида ўз манфаатини ўйлаш йўқ – отамиз унга ҳеч вақо бера олмаслигини жуда яхши билади-ку. Бечора онам нима қилишни билмаяпти. Отамиз бир оз тузук. Яхшиям, Уикхем тўғрисида эшитганларимизни уларга айтмаган эканмиз! У гапларни энди ўзимиз ҳам эсдан чиқариб юборишимиз керак. Тахмин қилишларича, улар шанба куни ярим кечаси кетишган, уларнинг йўқлигини эса кеча эрталаб соат саккизда билиб қолишган. Ўша заҳотиёқ чопар юборилган. Лиззи, азизам, улар уйимиздан атиги ўн мил наридан ўтиб кетишган! Хатига қараганда, полковник Форстер яқин орада бу ерда бўлса керак, деб умид қиляпмиз. Лидия ўзларининг режалари ҳақида қисқагина хат ёзиб полковникнинг хотинида қолдирибди. Бошқа ёза олмайман – онам бечо-

рани ёлғиз қолдириб бўлмаяпти. Сенга ҳаммасини тушуниб олиш қийин бўлса керак – нималар ёзганимни ўзим ҳам тушунмаяпман».

Ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, Элизабет биринчи хатни ўқиб бўлиши билан, иккинчисини очиб, қуйидагиларни ўқиди (бу хат олдингисидан бир кун ўтиб ёзилганди):

«Азиз синглим, бу пайтга келиб мен кеча шошилинчда ёзиб юборган хатимни олган бўлсанг керак. Бу хатим тушунарлироқ бўлишига ҳаракат қиламан, лекин бошимда минг хил хаёл борлигидан бунинг уддасидан чиқаманми ёки йўқми, билмадим. Лиззи, азизам, қандай ёзишни билмаяпман, лекин бу ерда ёмон гаплар ҳам бор ва мен сенга уларни етказишим шарт. Мистер Уикхем билан бечора Лидиямизнинг никоҳи ўхшамаган нарса бўлса ҳам, айни пайтда биз бу никоҳнинг бўлишига ишонишни хоҳлардик. Чунки улар Шотландияга умуман бормаган, деган гаплар юрибди. Чопар келиб кетганидан бир неча соат ўтиб, бизникига полковник Форстернинг ўзи келди. Лидиянинг миссис Форстерга ёзиб юборган хатига қараганда улар Гретна-Грингa кетишган бўлиши керак эди. Лекин мистер Денни кимгадир Уикхемнинг умуман Лидияга уйланиш нияти бўлмаганини айтган экан. Бу гап полковник Форстерга етиб келган ва у ўша заҳоти ваҳима қилиб, уларнинг қаёққа йўл олганларини билиш учун Брайтондан жўнаб кетган. У ёшларнинг изидан Клепхемгача тўғри борган, лекин у ерда изини йўқотган. Чунки улар шу ерда каретадан тушиб, извошчи ёллашган. Бундан сўнг уларнинг Лондон томонга йўл олишганигина маълум. Нима ўйлашни ҳам билмайман. Полковник Форстер Лондоннинг бу томонида учраган ҳар бир шлагбаум олдида ва меҳмонхоналардан суриштириб, Хартфордширгача келган, лекин ҳеч

қандай натижа чиқмаган – қочоқларни ҳеч ким кўрмаган. У Лонгборнга жуда ҳам асабийлашган ҳолда келди ва бизга ўзининг жуда хавотирда эканини айтди. Менинг полковник Форстерга ҳам, миссис Форстерга ҳам ҳеч қандай гинам йўқ – уларнинг ҳеч қандай айблари йўқ. Лиззи, азизам, ҳаммамиз жуда ёмон аҳволдамиз. Отам билан онам энг ёмон оқибатни кутишаяпти, лекин мен мистер Уикхем ҳақида ёмон ўйлагим келмаяпти. Балки, Лондонда ҳаммадан яширин никоҳ ўқитиш учун уларнинг жиддий сабаблари бордир. Агар йигит яхши оиланинг қизини бошини айлантирмоқчи бўлган, деб ўйласак, Лидия ҳам шу даражада ақлини еб қўйган бўлиши мумкинми? Бўлиши мумкин эмас! Полковник Форстер уларнинг никоҳ ўқитган бўлишларига жуда ҳам ишонмаяпти. Мен унга ўзим умид қилаётган фикрларимни айтганимда, у мистер Уикхемнинг ишониб бўладиган одамлигига шубҳа қилишини айтди. Бечора онамнинг жуда мазаси йўқ, ҳатто хонасидан ҳам чиқмаяпти. Агар бир оз ўзини қўлга олса осонроқ бўларди, лекин бунинг иложи йўқ. Отамизга келсак, мен шу пайтгача уни бу аҳволда энди кўришим. Ҳамма, бор гапни билиб туриб яширгани учун Киттига жаҳл қиляпти. Лекин у бечора ҳам ўзига ишониб айтишган гапни сотиб қўйишга ҳақи бормиди? Сен ҳозир бу воқеалар ичида эмаслигингдан жуда хурсандман. Лекин ҳозир, шунча гап-сўзлар бўлиб ўтгандан сўнг, тезда қайтиб келишингни шундай хоҳлаяпманки! Лекин агар сенга қийин бўлса, қайтиб келишинг шарт эмас.

P.S. Ҳозиргина айтган гапимдан қайтиб, сенинг тезроқ етиб келишингни айтиш учун яна қўлимга ручка олдим. Лекин шароит сизларнинг иложи борича тезроқ қайтиб келишларингни тақозо қиляпти. Мен юқоридаги гапларни бемалол айта олишим учун тоғамларни жуда яхши биламан, ва менинг уларга

алоҳида илтимосим бор. Отам ҳозир Лидияни топиб келиш учун полковник Форстер билан Лондонга жўнаб кетяпти. Қанақа қилиб топмоқчи, тасаввур ҳам қила олмаяпман. Лекин унинг ҳозир жуда асабийлигини эътиборга олсак, бирор ишни ақл билан қила олишига ҳам кўзим етмаяпти, полковник эса эртага кечқурун Брайтонга қайтиб кетиши керак. Бу шароитда тоғамиз маслаҳати ва ёрдами айни муддао бўлган бўларди. У менинг аҳволимни дарров тушунади ва мен ҳам унинг ёрдам бера олишига ишонаман».

Хатни ўқиб бўлиши билан Элизабет ўрнидан сакраб туриб кетди:

– Қани, улар қани, тоғамни қаердан топай?

Элизабет ҳар дақиқани ғанимат билиб, мистер Гардинерни излаб кетмоқчи эди. Лекин у эшик олдига келганда эшик бирдан очилиб, мистер Дарси кириб келди. Қизнинг оппоқ оқариб кетгани ва ўзига қараб қадам ташлаганини кўриб, йигит нима қилишни билмай қолди. У Элизабетга бир оғиз гап топиб айтгунча, бутун дарди-фикри ҳозир Лидияда бўлган қиз унга қараб, деди:

– Узр, лекин мен ҳозир кетишим керак. Муҳим бир иш юзасидан ҳозироқ мистер Гардинерни топишим керак. Ҳар дақиқа ғанимат.

– Нима бўлди, менга айта оласизми? – одоб-ахлоқ қоидаларидан келиб чиқиб, ҳамдардлик билан сўради йигит. Бир оз ўтиб, қўшиб қўйди: – Албатта, мен сизни ушлаб қолишга ҳаққим йўқ. Лекин мистер ва миссис Гардинерларни топишни менга ёки хизматчилардан бирига қўйиб беринг. Сизнинг мазангиз бўлмай қолиши мумкин, бир ўзингизни қўйиб юбориб бўлмайди.

Элизабет ўз гапида туриб олмоқчи эди, лекин бирдан оёқлари бўшашиб кетганини сезиб, чиндан ҳам Гардинерларни бир ўзи топа олишига кўзи етмади. Шунинг учун хизматкорлардан бирини чақирди-да,

унга мистер ва миссис Гардинерларни топиб, уларга тезда меҳмонхонага етиб келишларини айтишни буюрди. Қиз ҳаяжонланганидан зўрға-зўрға гапирарди.

Хизматкор чиқиб кетгач, оёқларида куч қолмаган Элизабет креслога чўкди. Унинг кўриниши шунчалик аянчли эдики, Дарси уни ташлаб чиқиб кетишни ножоиз деб билди ва ғамхўрлик билан сўради:

– Оқсочни чақирайми? Қувват берадиган бирор нарса ичиб олишингиз керак. Бир қадаҳ вино қуйиб берайми? Жуда мазангиз йўққа ўхшайди.

– Йўқ, йўқ, миннатдорман, – ҳаяжонини зўрға босиб, деди қиз. – Менга ҳеч нарса қилмади. Мен соппасоғман. Фақат ҳозиргина Лонгборндан келган ёмон хабар мени издан чиқазди.

Бу гапларни айта туриб, қиз ўзини йиғидан тийиб тура олмади ва анча қанча вақтгача гапира олмади. Мистер Дарси нима қилишни билмай, қизга таскин беришга уриниб нималардир дер ва унга аянч билан термулиб турар эди. Ниҳоят, қиз яна гапира бошлади:

– Мен ҳозиргина Жейндан жуда ёмон хабар ёзилган хат олдим. Бу энди бари бир ҳаммага маълум бўлади. Менинг энг кичкина синглим қочиб кетибди... мистер Уикхем билан. Улар бирга Брайтондан жўнаб кетишибди. Сиз бу одамни жуда яхши билганингиз учун, уларнинг бу қилиғи нималигини жуда яхши тушунасиз. Синглимнинг уни ушлаб қолиш учун на пули, на таниш-билиши – ҳеч нарсаси йўқ – у тамом бўлди.

Дарси ҳайронликдан қотиб қолди.

– Ахир мен бунинг олдини олишим мумкин эди-ку! – баттарроқ ҳаяжонланиб давом этди Элизабет. – Мен, унинг қанақалигини жуда яхши билган одам! Менинг у йигит ҳақида билганларимнинг озгинасини айтиб қўйсам бўлди эди. Унинг қандай одамлигини билишса, бу нарса рўй бермаган бўларди. Энди ҳеч нима қилишнинг иложи йўқ!

– Жуда ачинарли ҳол! Рости, менга ҳам ёмон таъсир қилди. Лекин, худди сиз айтиб берганингиздек

бўлганига аминмисиз? Хатдаги ҳамма гаплар тўғримикан?

– Афсуски, ҳа! Иккаласи Брайтондан якшанба куни тунда чиқиб кетишган, Лондонгача изларини топишган, лекин у ёғи номаълум. Уларнинг Шотландияга кетишмагани эса аниқ.

– Нималар қилинибди? Синглингизни қайтаришга уринишибдими?

– Отам Лондонга кетибди. Жейн хатида тоғамнинг тезроқ қайтишини сўрабди. Лекин энди ҳеч нарса қилиб бўлмаса керак. Энди ҳеч иш чиқмаслигини мен жуда яхши тушуниб турибман. Ахир бундай одамга таъсир ўтказиб бўладими? Ҳеч бўлмаса улар топилса ҳам эди, лекин қандай қилиб? Ҳеч нарсага ишонмаяпман. Шунчалик ҳам бўладими?

Дарси унинг гапларини тасдиқлагандек, индамай бошини эгди.

– Ахир менга у ҳақида айтишганди! Ўша пайтда мен бу нарсанинг олдини олишим *мумкинлигини,* йўқ, йўқ, *кераклигини* билганимда эди! Лекин мен тушунмагандим-ку – чуқурлашиб кетишидан қўрққандим! Тузатиб бўлмайдиган, катта хато қилдим!

Дарси унинг гапларига индамади. Балки, хонанинг у бошидан бу бошига юрар экан, ўз ўй-хаёллари билан бўлиб, қизнинг гапларини эшитмагандир ҳам. Унинг пешонасида чуқур ажинлар пайдо бўлган, кайфияти жуда ёмон эди. Элизабет унга диққат билан қараб туриб бирдан ҳаммасини тушунди: ўзининг йигит устидан ҳокимлиги тугади. Наҳотки ҳаммаси шундай оилавий шармандалик билан тугаса, кўриниб турган номуссизлик билан тугаса?! Қиз ҳеч нарсага ажабланмади, у йигитни ҳеч нарсада айблай олмасди. Лекин йигит ўз туйғуларидан устун келганини англашдан унга ҳеч қандай енгиллик бўлмаётган эди. Бу билан унинг ғами камайиб қолмаган эди. Аксинча, бу нарса унга ўзининг юрагига боқиб кўриши учун бир туртки эди. Айни шу дақиқаларда, энди

ўрталарида севги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин бўлмаган дақиқаларда, йигитни қанчалик кучли севиб қолиши мумкинлигини ҳали бирор марта ҳам ҳозиргидек аниқ ҳис қилмаганди.

Қиз хаёлида юқоридаги фикрлар пайдо бўлган бўлса-да, улар кўпга чўзилмади. Лидия ҳаммаларига етказган таҳқирланиш, ғам-алам ҳисси бошқа ҳиссиётларни сиқиб чиқарганди. Дастрўмолини юзига босганча йиғлаётган Элизабет атрофдагиларни унутгандек эди. Бир неча дақиқадан сўнггина, суҳбатдошининг ҳамдардлик ва саросима билан гапираётган гаплари қулоғига кирди:

– Сиз кетишимни кутаётган бўлсангиз керак. Мен ўзимнинг бефойда бўлса-да, чин дилдан ўз ҳамдардлигимни айтмасам, бу ерда туришимга бошқа баҳона топа олмайман. Сиз учун бирор нима қила олсам ёки сизнинг ғамингизни енгиллатиш учун бирор нарса дея олсам эди! Лекин, сиздан миннатдорчилик талаб қилгандек қуруқ сўзларни гапиришимдан нима наф? Бу воқеа сабаб энди синглим сизни Пемберлида кўриш шарафига муяссар бўла олмайдими?

– Албатта! Илтимос, мисс Дарсига менинг узримни айтиб қўйинг. Унга шошилинч иш чиқиб қолиб, бизнинг кетишимизга тўғри келганини айтинг. Иложи борича ундан бу воқеани яширинг. Мен биламан, бу кўп давом этмаса керак.

Йигит ҳозиржавоблик билан сирни яширишга ваъда берди, балки ҳаммаси у ўйлаганчалик ёмон эмасдир, деб умид билдирди ва қариндошларига ундан салом айтишни сўраб, кўзлари билан хайрлашганча, чиқиб кетди.

Йигит кетгач, Элизабетнинг хаёлига энди улар Дербиширда қанчалик юракдан, самимийлик билан учрашган бўлсалар, бошқа бу ҳол такрорланмаслиги мумкинлиги тўғрисидаги фикр келди. У ўзининг йигит билан таниш бўлган, қарама-қаршиликларга тўла бўлган даври мобайнига назар солиб, туйғуларнинг

қандай ўзгариши ҳақида ўйлаб, хўрсиниб қўйди. Элизабетнинг бу туйғулари яқингинада йигитни ҳаётидан ўчириб ташлашга қаратилган бўлса, ҳозир бу дўстликни юрагида сақлаб қолишга қаратилган эди.

Агар ҳурмат ва миннатдорлик ҳисларини юракларни бир-бирига боғлайдиган ришта деб ҳисоблайдиган бўлсак, Элизабет юрагида содир бўлаётган туйғуларнинг ўзгаришини бўлиши мумкин бўлмаган нарса ёки қалбаки деб бўлмасди. Нима бўлганда ҳам Дарсидан айрилиш уни оғир хаёлларга чўмдирди. Бу айрилиқ синглиси билан бўлган шармандалик оқибатида эканлиги хаёлига келганда, Лидиянинг қилмиши орқасидан юрагида пайдо бўлган оғриқ янада кучайди. Жейннинг иккинчи хатини ўқиганидан сўнг у Уикхемнинг синглисига уйланиши мумкинлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигига амин бўлди. Унинг фикрича, Жейндан бошқа ҳеч ким бу нарсанинг бўлиши мумкинлигига ишонмасди. Воқеаларнинг ривожи яққол кўриниб турарди. Ҳали иккинчи хатни ўқимаганида у Уикхемнинг қандай қилиб бир тийини ҳам йўқ қизга уйланмоқчилигига ҳайрон бўлаётган, Лидиянинг йигитни ўзига қандай қилиб шунчалик оғдириб олганига ақли етмаётганди. Энди ҳаммаси тушунарли. Бу тахлит саргузашт кўҳликкина синглиси учун мос эди. Элизабет синглисининг турмушга чиқишни ҳатто ўйламаган ҳолда, билиб туриб қочган бўлиши мумкинлигига ишонгиси келмаса-да, Лидиянинг жуда осонлик билан уни йўлдан урган одамнинг қурбонига айланиши мумкинлигига ҳам амин эди.

Уикхем хизмат қилган полк Хартфордширда эканлигида Элизабет Лидиянинг йигитга қизиқишини асло сезмаган эди. Лекин у синглисининг бирорта йигит сал гап отса ҳам ўшанинг бўйнига осилиб олишини жуда яхши биларди. Мулозаматига қараб гоҳ у, гоҳ бу зобит билан гаплашарди. У интиладиган йигитлар доим ўзгариб турар, лекин юраги ҳеч бўш турмасди. Мана шу

қизга ишониб, унинг қаровсиз қолишига рухсат берилибди! Бу фикр Элизабетнинг юрак-юрагини тешиб юбораётган эди.

Қиз ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўриб, ўз қулоқлари билан эшитиш учун, уяси бузилгандек уйларидаги ҳамма муаммоларни фақат ёлғиз бир ўзи кўтараётган опаси билан тенг бўлишиш учун тезроқ уйига қайтишни истаётган эди. Бу вақтда мистер Беннет Лондонга кетган, миссис Беннет эса рўзғорни тебрата оладиган ҳолда эмас, ўзи унга қараб туришларига муҳтож эди. Элизабет энди Лидияга ҳеч нарса билан ёрдам бериш мумкинлигига ишонмаса-да, бари бир мистер Гардинернинг аралашиши бирор натижа бериб қолишидан умид қилаётган эди. Хизматкордан жиянларининг мазаси қочиб қолганини эшитган Гардинерлар хавотирланиб, тезда етиб келишди. Элизабет уларни ўзининг соппа-соғлиғига ишонтириб, ваҳимасининг сабабини қисқа қилиб тушунтириб, опасидан келган хатларни ўқиб берди. Гардинерлар Лидияни ҳеч қачон ёқтиришган бўлмаса-да, бу хабар уларни ҳам қайғуга солиб қўйди. Бу воқеа нафақат қизнинг ўзига, балки бутун оила шаънига ҳам соя солган эди. Бу гапларни эшитиб, аттанг қилган мистер Гардинер, ёрдамга тайёрлигини билдирди. Элизабет ундан бошқа жавоб кутмаётган бўлса-да, кўзларида ёш билан миннатдорчилик билдирди. Шу заҳоти жўнашни режалаштириб, йўл тадоригини кўра бошлашди.

– Пемберлини нима қиламиз? – хитоб қилди миссис Гардинер. – Жон, сен уни бизни чақиришга юбораётганингда мистер Дарси шу ерда эканлигини айтганди. Шу тўғрими?

– Ҳа. Хавотирланманг, мен унга бора олмаслигимизни айтдим.

– Хавотирланманг? – Элизабет нарсаларини йиғиш учун хонасига кириб кетганда қайтарди миссис Гардинер. – Наҳотки уларнинг ораси шунчалик яқинки,

Элизабет ҳаммасини айтиб берган бўлса? Нима бўлганини жуда билгим келаяпти!

Бу хоҳишни рўёбга чиқаришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Улар шоша-пиша нарсаларини йиғишар экан, аёлнинг хаёли шу фикр билан банд эди. Элизабет эса ушбу дамда агар бекорчи бўлса, бошига тушган қайғудан жуда ҳолдан кетган бўларди. Лекин у ҳам, миссис Гардинер ҳам ҳали кўп иш қилишлари, Лэмтондаги дўстларига бунчалик шошилиб кетаётганлари учун бирор нимани баҳона қилиб, хат ёзиб қолдиришлари керак эди. Бирор соатга қолмай, ҳамма ишларини тугатишди. Бу орада мистер Гардинер меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилди ва улар энди жўнашга тайёр эдилар. Бугун содир бўлган шунча кўргиликлардан кейин, Элизабет мўлжаллаганидан анча олдин улар ниҳоят, Лонгборнга жўнайдиган экипажга ўтиришди.

V БОБ

– Мен ҳамма нарсани ўйлаб кўрдим, – улар йўлга тушишгандан сўнг бир оз ўтиб, Элизабетга деди мистер Гардинер, – ва яхшилаб мулоҳаза қилиб, Жейн айтганлари тўғри, деган қарорга келдим. Менимча, жуда ҳам ҳимоясиз ва ёлғиз бўлмаган, бунинг устига ўз полкининг командириникида меҳмон бўлаётган қизга нисбатан зобитнинг шунчалик аблаҳлик қилиши ақлга тўғри келмайди. Шунинг учун мен яхшиликка умид қиляпман. Ҳар ҳолда, Уикхем Лидия билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, деб умид қилмаган бўлса керак? Бундан ташқари, полковник Форстерни шунчалик ҳақоратлагандан сўнг полкда қола олмаслигига кўзи етаётгандир? Бу даражада йўлдан озиш билан қилинган таваккалнинг ўртасида ҳеч қандай мутаносиблик йўқ.

– Сиз ростдан шундайлигига ишонаяпсизми? – умид билан сўради Элизабет.

– Ростини айтсам, – миссис Гардинер ҳам гапга қўшилди, – мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаяпман. Уикхемни шу даражада айбдор деб ўйлаш учун, бу воқеа ҳаддан ташқари одоб-ахлоқ ва ор-номус деган тушунчаларга, ҳатто ўз манфаатларига ҳам зид. Мен уни шу даражада ёмон, деб айблай олмайман. Лиззи, наҳотки у кўз олдингда ўзини шунчалик ерга урдики, сен ўзинг ҳам уни айбдор санаяпсан?

– Ўз фойдасига беписандлик масаласида – йўқ. Лекин қолган ҳаммасига у менсимай қараган. Албатта, сиз ҳақ бўлиб чиқишингизни жуда ҳам хоҳлардим. Лекин, афсуски, мен бунга ишона олмайман. Уларнинг Шотландияга боришмаганини нима билан изоҳлаш мумкин?

– Аввалambор, уларнинг у ёққа кетишмагани ҳали аниқ эмас, – деди мистер Гардинер.

– Ҳа, лекин уларнинг почта каретасидан извошга ўтганлари жуда шубҳали. Бунинг устига Барнетга кетадиган йўлда ҳеч қандай из қолдиришмаган.

– Демак, бундан чиқдики, улар ҳозир Лондонда, деб ҳисоблаймиз. Бошқа сабаблардан ташқари, улар Лондонга кетларидан қидираётганлардан қочиш учун ҳам борган бўлишлари мумкин. Уларнинг пули жуда ҳам кўп бўлмаса керак. Шунинг учун никоҳдан ўтишнинг осонроқ йўлини излаётган бўлишлари ҳам мумкин.

– Лекин нега яширинча? Уларни топиб олишларидан қўрқишмайдими? Нега бекитиб никоҳдан ўтишмоқчи? Йўқ, йўқ, ишонгим келмаяпти. Жейннинг ёзишича, Уикхемнинг энг яқин дўсти унинг синглимга уйланиш нияти ҳам бўлмаганини айтибди. Уикхем сепсиз қизга уйланмайди. Бу тарздаги сарф-харажатга у қодир эмас. У Лидияда нима топди экан? Синглим ўзининг ёшлиги, соғломлиги, енгилтаклигидан бошқа нимаси билан уни йўлдан ура олибдики, у уйланиш билан ўз моддий аҳволини тўғрилаб олиш имкониятини Лидия учун қурбон қилибди? Мен у ҳарбий мун-

дирни шармисор қилишдан қанчалик қўрқиши керак эди, билмадим, чунки бу каби воқеалар қандай оқибатларга олиб келишини мен билмайман. Лекин келтирган иккинчи сабабингиз унчалик ишонарли эмас, чунки Лидия учун туриб берадиган акалари йўқ. Мистер Беннетнинг ўзини тутиши эса, унинг юраги кенглиги, уй ишларига бефарқлиги Уикхемнинг отам бундай ҳолатларда одатда оталар аралашганичалик аралашмайди, деб ҳисоблашига олиб келган.

– Сенингча, Лидия ўзидан бошқа ҳеч кимни ўйламай, унга турмушга чиқмай туриб ҳам бирга яшайверишга рози бўлиши мумкинми?

– Энг даҳшатлиси шуки, Лидиянинг ҳамма бирдек амал қиладиган яхши фазилат ва ахлоқ-одоб қоидаларига қарашлари бутунлай бошқача, – кўзларида ёш билан жавоб берди Элизабет. – Мен ҳозир фикримни тушунтириб беролмайман. Балки унга нисбатан мен адолатсизлик қилаётгандирман. Лекин синглим ҳали жуда ёш. У жиддий ўйлашга ўргатилмаган. Охирги ярим йил, йўқ, бир йилча бўлди – у ўйин-кулгудан бошқа нарсани билмайди. Унинг ҳеч иш қилмай, бекорчи бўлиб, қаерлардандир ўрганиб олгани бемаъни қилиқлар қилиб юришига йўл қўйиб қўйилган. ...шир полкининг Меритонга келганидан бери Лидиянинг миясида фақат севги-муҳаббат, зобитлар ва хушторлар эди. Фақат шу ҳақда ўйлаб, фақат шу ҳақда гапириб, у, қандай тушунтирсам экан, ўзида шундоқ ҳам етарли бўлган бу сифатларга мойилликни ривожлантирди. Уикхемнинг ўз ташқи қиёфаси ва гапириши билан аёлларни қандай осонлик билан ийдира олишини билганимиз учун, у жуда осонлик билан бунга эришганини тушунсак бўлади.

– Ҳа, лекин Жейн уни, Лидияни йўлдан уриши мумкин бўлган даражада ёмон эмас, деб ҳисоблаяпти-ку! – деди миссис Гардинер.

– Жейн ким ҳақида ёмон ўйлаган? Жейн бирортасини, илгари минг ёмонотлиқ бўлганига қарамай,

ҳозирда агар исбот бўлмаса, аёлни йўлдан урган дея оладими? Лекин Жейн Уикхемнинг қандайлигини мендан ҳам яхши билади. Унинг ҳақиқий аблаҳлигини иккаламиз жуда яхши биламиз. Йигитнинг на уяти ва на номуси борлигини-ю, ёлғончи ва носамимийлигини, тулкидек айёрлигини ҳам.

– Сен ростдан ҳам шуларнинг ҳаммасини биларми-динг? – хитоб қилди қиз буларни билганига ҳайрон қолган миссис Гардинер.

– Ҳа, билардим, – қизариб деди Элизабет. – Мен бир пайтлар унинг мистер Дарсига нисбатан пасткашлик қилганини сизга айтиб бергандим. Сиз ўзингиз ҳам унинг Лонгборнда бир инсон унга нисбатан олижаноблик қилганини айтиб берганини эшитгансиз. Лекин мен у ҳақда бировга айтишга ҳаққим бўлмаган бутунлай бошқача гапларни... йўқ, ҳозирча бу гапларни айтиш шарт эмас. Унинг мистер Дарсининг оиласи ҳақида айтган бўҳтонларининг чегараси йўқ. Унинг менга мисс Дарси ҳақида айтганларидан уни кеккайган, писмиқ ва ёқимсиз қиз, деб тасаввур қилгандим. Лекин қизнинг бундай эмаслигини ўзи жуда яхши биларди. У мисс Дарсининг кеча биз ўзимиз гувоҳи бўлганимиздек хушмуомала ва самимий қизлигини яхши билган бўлиши керак.

– Наҳотки Лидия шу нарсаларни сезмаган? У сен ва Жейнга маълум бўлган нарсаларни ҳеч ҳам билмаган бўлиши мумкинми?

– Афсуски, ҳа! Мени эзаётган нарса ҳам шу. Кентга бориб, у ерда мистер Дарси ва унинг қариндоши полковник Фицуильям билан яқиндан танишмагунча, мен ўзим ҳам ҳеч нарсадан бехабар эдим. Уйга қайтганимда эса ...шир полки Меритондан жўнаб кетиш арафасида экан. Биз Уикхемнинг номини кетиши олдидан ёмонга чиқаришни хоҳламадик. Шунинг учун на мен ва мендан ҳамма гапни эшитган на Жейн ҳеч кимга ҳеч нарса демадик. Лидиянинг миссис Форстер билан кетиши маълум бўлганда ҳам, унга бу гапларни айтиб

қўйиш лозимлигини ҳатто ўйламагандим ҳам. Уикхем синглимни алдаши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Гапимга ишонинг, бўлиб ўтган воқеани тасаввур ҳам қилмаганман.

– Демак, Брайтонга жўнашаётганда уларнинг бир-бирларига бефарқ эмаслигини сен сезмагансан?

– Ҳеч ҳам. Улар бир-бирини ёқтирганига ҳатто ишора ҳам йўқ эди. Сиз ўзингиз яхши биласиз, бирор нарса сезиб қолинса, бизнинг оилада дарров ҳамма билмай қолмайди. Тўғри, Уикхем полкка янги келганда Лидия уни севиб қолишга тайёр эди. Дарвоқе, фақат у эмас, ҳаммамиз ҳам шундай ҳолга тушгандик. Икки ойларгача Меритондаги ва ён-атрофда яшовчи қизларнинг ҳаммаси Уикхем учун жонларини фидо қилишга тайёр эди. Лекин у Лидиянинг борлигини ҳам сезмаганди. Лидия бир неча ҳафтагача ёниб-куйиб юрди-да, кейин секин-секин миясидан чиқариб ташлади ва вақтини унга эътибор қилаётган бошқа зобитлар билан ўтказа бошлади.

Ушбу мавзуга оид юқоридаги гаплар, албатта, уларнинг тахминлари, умидлари ёки қўрқувларига ҳеч қандай янгилик қўшмаётган эди. Лекин бутун йўл бўйи саёҳатчиларниг гапи тугамади. Элизабет бошқа бирор нарса тўғрисида ўйлай олмаётган эди: у ўзи қилган хатосининг жабрини тортаётган ва ўзини кечира олмаётган эди.

Саёҳатчилар жуда тезлик билан ҳаракат қилишаётган эди. Тунни йўлда ўтказиб, эртаси куни тушда Лонгборнга етиб келишди. Элизабетга таскин бераётган ягона нарса, Жейн уларнинг келишини кўп кутиб қолмайди, деган фикр эди.

Ҳовлига кираётиб, улар эшик олдида каретага қараб турган кичик Гардинерларни кўришди. Карета яқинлашганда болаларнинг юзлари ёришиб кетди – улар ўз хурсандликларини юзларини минг оҳангга солиб, сакраб, қийқиришиб билдирдилар.

Элизабет каретадан сакраб тушиб, болаларни бирма-бир ўпди-да, югуриб ичкарига кирди. Ичкарида онасининг хонасидан тушиб келаётган Жейнни учратди. Иккаласининг кўзлари тўла ёш эди. Қучоқлаб кўришишди ва Элизабет опасидан қочоқлардан бирорта янгилик бор-йўқлигини сўради.

– Ҳали йўқ, – жавоб берди Жейн. – Лекин, мана тоғамиз келди, энди ҳаммаси жойида бўлади, деб умид қиламан.

– Отам Лондондами?

– Ҳа, сенга ёзгандим, сешанба куни кетган.

– Ундан хат келмадими?

– Биттагина келди. Чоршанба куни. Эсон-омон етиб келганини, мен ундан сўраган ишларни қилганини ёзиб юборибди. Яна бирорта ёзишга арзийдиган гап чиқмагунча, хат ёзиб ўтирмаслигини ҳам айтибди.

– Онам-чи? У қалай? Ўзинглар қандайсизлар?

– Онам менимча бир оз ўзига келиб қолди. Асаблари ёмон қақшаган. Ҳозир тепада, ўз хонасида, сизларни кўриб роса хурсанд бўлади. Ҳозирча ўз хонасидан чиқмаяпти. Мэри билан Китти эса, Худога шукур, яхши юришибди.

– Ўзинг-чи, ўзинг қанақасан? Рангинг оқариб кетибди. Сен бечорага роса қийин бўлган бўлса керак.

Жейн ўзи соғ-омонлигига синглисини ишонтирди. Опа-сингилларнинг гапи Гардинерларнинг бола-чақалари билан бирга кириб келишлари билан бўлинди. Жейн улар билан ҳам кўзларида ёш билан, жилмайиб кўришди.

Ҳаммалари меҳмонхонада тўпланишганда Гардинерлар ҳам Элизабет сўраган саволларни қайтадан беришди ва Жейн ҳам уларга бор гапни айтиб берди. Шунга қарамай, Жейн энди ўз табиатига хос тарзда умид қила бошлади: ҳаммаси яхшилик билан тугайди, отаси ёки Лидиядан уларнинг никоҳдан ўтишгани айтилган хат келади.

Улар меҳмонхонада гаплашиб бўлишганидан сўнг миссис Беннетнинг хонасига киришди. У меҳмонлар-

ни кўзларида ёш билан ўзининг тақдиридан нолиб, Уикхемнинг қилган қилиғига лаънатлар айтиб, ўзининг тортаётган азобларидан нолиб, қизининг енгилтаклигига ўзи энг кўп йўл қўйиб берган ёлғиз бир одамдан ташқари, ҳаммадан гина қилиб, кутиб олди.

– Брайтонга ҳаммамиз боришимизга кўндира олганимда эди, шу гаплар йўқ эди, – деди у. – Бечора Лидияга ғамхўрлик қиладиган ҳеч ким бўлмаган. Ахир Форстерлар унга доим кўз-қулоқ бўлиб туришлари керак эди-ку? Улар жуда бефарқ бўлишган. Агар улар яхши қараб туришганда эди, менинг қизим бундай нарсалар қиладиган қиз эмасди. Уларга ишониб бўлмаслигини ўзим ҳам сезгандим. Лекин, ҳар доимгидек, мен билан ҳисоблашишмади. Бечора болажоним! Энди мистер Беннет ҳам бизни ташлаб кетди, биламан, у Уикхемни топган заҳотиёқ у билан муштлашади ва уни ўлдиришади, у ҳолда бизга нима бўлади? Унинг танаси совимай туриб, Коллинзлар бизни ташқарига улоқтиришади! Укажоним, сен тезроқ ҳаракат қилмасанг, билмадим, бизларга нима бўлади?

Ҳаммалари бир бўлиб унинг бундай ғамгин тахминларини йўққа чиқаришди. Опасини уни ва унинг оиласини жуда яхши кўришига ишонтирган мистер Гардинер эртаси куниёқ Лондонга жўнашини ва Лидияни топиш учун мистер Беннетга ёрдам беришини айтди.

– Биз ғамга ботиб ўтиришимиз керак эмас. Лекин энг ёмонига ҳам тайёр туришимиз керак, – деди мистер Гардинер. – Улар Брайтондан кетишганига ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ. Бир неча кун ичида уларни топамиз. Уикхем Лидияга уйландими ёки йўқлигига амин бўлмагунимизча, саросимага тушмаслигимиз керак. Лондонга етиб келишим билан мен мистер Беннетни Грейсчёрч-стритга кўчириб келаман ва нима қилишимизни яхшилаб келишиб оламиз.

– Оҳ, укажоним! – хитоб қилди миссис Беннет. – Мен айни шу гапни кутаётгандим. Илтимос, уларни

қаердан бўлса ҳам топинг, агар никоҳдан ўтишмаган бўлса, шундай қилингки, улар никоҳдан ўтишсин. Тўй либослари деб буни орқага суришмасин. Лидияга айтинглар, эрга текканидан сўнг унда хоҳлаган кўйлагини сотиб олиш учун етарли пули бўлади. Энг муҳими, мистер Беннетни дуэль тушишдан қайтаринг. Унга мен қандай аҳволдалигимни, қўрқувдан ақлдан озай деяётганимни, ҳамма ёғим қақшаётганини, бошим, юрагим оғриётганидан на кечаси, на кундузи оромим йўқлигини айтинг. Яна менинг жоним Лидияга айтингки, мен билан маслаҳатлашмай туриб, никоҳ кўйлагини буюртириб қўймасин. Чунки, қайси дўконда яхши тикилишини у билмайди. Қандай яхшисиз-а! Сиз, аниқ ишонаман, менинг илтимосларимни унутмайсиз.

Мистер Гардинер қўлидан келадиган ҳамма ишни қилишга ваъда берди ва шу билан бирга бу ҳақда камроқ ўйлашни ҳам маслаҳат берди.

Миссис Беннет билан шу тарзда кўришиб бўлишгач, онасини қизлар йўқлигида унга қараб турадиган хизматчи аёлга қолдириб, ҳаммалари хонадан чиқиб кетишди.

Мистер ва миссис Гардинерлар унинг бунчалик тарки дунё қилиши учун етарли асос йўқлигини яхши тушунишар эди, лекин бу тўғрида гапириб ўтиришни лозим кўришмади, чунки овқат маҳалида хизматкорлар олдида ҳам бемалол бўлар-бўлмас гапларни айтиб юборишини яхши билишарди. Шунинг учун улар бўлаётган гап-сўзларни ҳамма билгандан кўра, четдан битта, бунинг устига улар кўпдан бери танийдиган одамгина билгани яхши деб, қўя қолишди.

Емакхонада улар, ҳали келишганидан бери кўришмагани Мэри билан Киттини учратишди. Улардан бири эндигина китобдан, бошқаси эса пардоз столидан бошини кўтарган эди. Иккаласининг ҳам кўриниши беғам эди. Иккала қиз ҳам, агар Киттининг ҳадеб унга таъна қилаверишганидан бир оз асабийроқ бўлиб қол-

ганини ҳисобга олмаса, деярли ўзгаришмаган эди. Мэри эса, ўзини тутиб турар экан, Элизабет ўтириши билан унинг ёнига ўтириб, маъюс овоз билан деди:

– Қандай кутилмаган офат! Роса гап-сўз бўлади энди! Лекин биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, маҳкам туриб беришимиз керак.

Элизабетнинг унга жавоб бермоқчи эмаслигини кўриб, гапида давом этди:

– Лидия билан бўлган бу бахтсиз воқеадан биз ўзимизга хулоса чиқариб олишимиз керак. Булар: қиз бола учун ор-номусини йўқотиш тузатиб бўлмас гуноҳ; унинг обрўси қанчалик тоза бўлса, шунчалар нозик; яна, қиз бола ўзига муносиб бўлмаган қарама-қарши жинс вакилига нисбатан ўта эҳтиёткор бўла олмайди.

Элизабет синглисига ҳайрон бўлиб қараб қўйди, лекин бирор нарса дейишга ҳеч ҳоли бўлмагани учун, индамай қўя қолди. Мэри эса юқоридагидек одоб-ахлоқ ҳақидаги гаплар билан анчагача ўзини овутиб ўтирди.

Кечқурунга бориб Жейн ва Элизабет ярим соатгина ёлғиз ўзлари қолишга эришдилар. Вақтдан фойдаланиб, Элиза опасидан ўзини қизиқтирган саволларни сўради ва Жейн ҳам берилиб ҳамма саволларга батафсил жавоб берди. Иккалови бўлиб ўтган воқеадан келиб чиқадиган салбий оқибатларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришгач, Элизабет гапида давом этди:

– Лекин ҳали сен менга ҳамма нарсани айтиб берганинг йўқ. Бу воқеага отамиз қандай муносабат билдирди? Полковник Форстер нималарни айтиб берди? Лидия билан Уикхем қочиб кетишгунча Форстерлар ҳеч нимани сезишмаган эканми? Ахир уларни ҳамма ёқда бирга кўришган-ку!

– Полковник Форстер уларнинг, айниқса, Лидиянинг, бир-бирига интилишларини сезган. Лекин ваҳима қилишга арзирли ҳеч нимани сезмаган. Уни кўрсанг раҳминг келарди – шунақа самимий ва кўнгилчан

инсон экан. Қочоқларнинг Шотландияга кетмаганликларини билишидан олдин ҳам бизникига келмоқчи бўлган экан. Уларнинг у ерга кетганликларига шубҳа туғилгани заҳоти етиб келибди.

– Денни Уикхемнинг Лидияга уйланмаслигига амин эканми? Уларнинг қочмоқчи бўлишганини билган эканми? Полковник Форстер Деннининг ўзини кўрибдими?

– Ҳа. Лекин полковник билан гаплашганда, у ёшларнинг қочмоқчи бўлишганини билганини айтмаган. Уларнинг никоҳдан ўтмоқчи эмасликлари тўғрисида бошқа гапирмаган ва бундан келиб чиқадики, балки уни олдин бошқача тушунган бўлишлари мумкин.

– Полковник бу ерга келмагунча, улар никоҳдан ўтишмайди, деган фикр сизларнинг хаёлингизга келмадими?

– Буни ўйлаш эсга келибдими? Мен ўзим Лидия Уикхем билан бахтли бўлармикан деб, хавотирда эдим, чунки Уикхемнинг ахлоқи жуда яхши эмаслигини билардим-ку. Отам ва онам эса ҳеч нимадан шубҳа қилишмади, фақат бу никоҳ жуда ҳам ақлдан эмаслигини айтишди. Бирдан, ҳамма гапдан хабари борлигидан гердайиб турган Китти Лидия унга ёзган охирги хатида унга ўз режаси ҳақида гапирганини айтиб берди. У Лидия билан Уикхемнинг бир неча ҳафтадан бери бир-бирларини яхши кўриб юришганини билар экан.

– Бу улар Брайтонга кетишгандан кейин бошланганми?

– Менимча, шундай бўлса керак.

– Полковник Форстер Уикхем ҳақида жуда ёмон фикрдами? У йигитнинг қандайлигини энди билибдими?

– Очиғи, у Уикхем ҳақида олдингидек мақтаб гапирмади. У йигитни ўзини тута олмайдиган ва борйўғини совурадиган, деб атади. Бу гаплардан кейин

Уикхемнинг Меритонда кўпчиликдан қарздор эканлиги ҳам маълум бўлди. Бу гаплар зора ёлғон бўлса, деб умид қиламан.

– Жейн, опажон, бизга маълум бўлган гапларни яширмасдан ҳаммага айтиб берганимизда, менимча шу ишларнинг олди олинган бўларди.

– Балки яхши бўлган бўларди, – деди Жейн. – Лекин одамнинг ҳозир қанақалигини билмасдан, унинг олдинги хатоларини очиб ташлаш, менимча, адолатсизлик бўлган бўларди. Бизнинг мақсадимиз ёмонлик эмасди-ку.

– Полковник Форстер Лидиянинг унинг хотинига ёзган хати ҳақида нима деди?

– У хатни бизга бериш учун олиб келган экан.

Жейн китоб орасидан хатни олиб Элизабетга узатди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Азизам Харриет!

Менинг қаерга кетганимни билсанг, кулгидан ўзингни тўхтатолмайсан. Ўзим ҳам сен эрталаб турганингда мен йўқолиб қолганимни айтишганда қандай ҳолатга тушишингни тасаввур қилиб, кулавериб ўлиб қолай деяпман. Мен Гретна-Грингга жўнаб кетаяпман, агар сен ким биланлигини ҳали сезмаган бўлсанг, унда сени тентак деб ҳисоблайман, чунки дунёда мен севадиган инсон битта – ва бу инсон – фаришта. Мен бу одамсиз ҳеч бахтли бўла олмаган бўлардим, шунинг учун қочиб кетганимга эътибор берма. Агар сен учун хижолатли бўлса, менинг қочиб кетганимни Лонгборндагиларга айтмай қўя қол. У ҳолда улар менинг «Лидия Уикхем» деб қўл қўйган хатимни олиб баттар ҳайрон бўлишади. Роса кулгили бўлади-да! Ўзимга шундай кулгили туйилаяптики, хатни зўрға ёзаяпман. Илтимос, бугун у билан рақсга туша олмаслигим учун менинг номимдан Праттга узримни айтиб қўй. Унга ҳаммасини билганидан кейин албатта кечиришини айтиб, кейин-

ги сафар учрашган биринчи балда мен у билан албатта рақсга тушишимни ваъда қил. Лонгборнга боришим билан кўйлакларимни олиб келишга одам юбораман. Лекин уларни тахлаб қўйишдан олдин Салли менинг анави юпқа кўйлагимдаги сўкилиб кетган чокни тикиб қўйса яхши бўларди.

Кўришгунча. Полковник Форстерга мендан салом! Бизнинг саёҳатимиз яхши ўтиши учун қадаҳ кўтарасизлар, деб умид қиламан.

Сенинг содиқ дугонанг Лидия Беннет».

– Беғам, беғам Лидия! – хитоб қилди Элизабет. – Ҳаётидаги шундай жиддий воқеа ҳақида ҳам шунақа хат ёзадими? Майли, жилла қурса бу хатдан унинг нияти жиддий бўлганини кўришимиз мумкин. Уикхем унга кейин нималар деганидан қатъи назар, у бадном бўлишни хаёлига келтирмаган. Бечора отам! Унга жуда оғир бўлган бўлса керак!

– Мен бировнинг шунчалик мушкул аҳволга тушганини олдин кўрмаганман. У ўн дақиқача нима дейишни билмай жим бўлиб қолди. Онам эса дарров тоби қочиб қолди ва уйда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

– Жейн, жоним, уйда бу воқеани бошидан охиригача эшитмаган бирор хизматкор қолдими?

– Нима десам экан... Менимча, ҳа. Лекин ўша пайтда ўзимизни ушлаб туриш жуда қийин бўлди. Онамнинг жазаваси тутиб қолди, мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қилган бўлсам-да, ёрдам бера олмадим. Энди бу нима билан тугайди, деб шундай қўрқиб кетдимки, нима қилишни ҳам билмай қолдим.

– Сен қўлингдан келадигандан ҳам ортиғини қилгансан. Сени ўзингнинг кўринишинг яхши эмас. Шу ерда бўлганимда, ўзим сенга қарардим.

– Мэри ва Китти жуда яхши қиз бўлиб беришди. Мен қўйиб берсам, улар ҳаммасини бирга қилишарди. Мен уларнинг соғлиғига зарар бўлади, деб рухсат берма-

дим. Китти шунақа нозик, сал нарсага асабийлашаяпти, Мэри эса машғулотларига муккасидан кетган. Сешанба куни, отам кетгандан сўнг Лонгборнга Филипс холамиз келди. У пайшанбагача бизникида қолиб, менга қарашди. Леди Лукас ҳам ёрдам берди. У чоршанба куни келиб, ўз ҳамдардлигини билдирди ва ўзи ва қизи бизга қўлидан келган ёрдамни беришга тайёрликларини айтди.

– Яхшиси уйида ўтирсин! – жаҳл билан деди Элизабет. – Балки у яхши ниятда гапиргандир. Лекин бизнинг ҳолатимизда қўшниларни қанча кам кўрсанг, шунча яхши. Бу ерда ҳеч ким бизга ёрдам бера олмайди, ҳамдардликни эса ҳазм қилиш қийин. Улар бизнинг бошимизга тушган ташвишдан нарироқда суюнаверишсин.

Элизабет опасидан отаси Лондонда нима қилмоқчи бўлганини сўради.

– Менимча, улар охирги марта отларини алмаштирган Эпсомга бориб, извошчилардан бирор нима аниқламоқчи эди. Мақсади – уларни Клэпхемдан олиб кетган извошнинг рақамини билиш эди. У извошчи Лондондан ким биландир келган экан. Отам бундай тасодиф, яъни бир йигит ва қизнинг бир извошдан иккинчисига ўтиши сезилмай қолиши мумкин эмас, деб ўйлаб Клэпхемга бормоқчи бўлди. Агар извошчи уларни қайси уй олдида туширганини эсласа, ўша ергабормоқчи эди. Балки отам у ерда извошчининг рақами ва қаерда тўхтатишини билиши мумкин бўлар. Яна нималар қилмоқчи бўлганини билмайман. У шунақа асабийлашган ва шошаётган эди, мен шу нарсаларни ҳам зўрға сўраб олдим.

VI БОБ

Ҳамма эртаси куни мистер Беннетдан албатта хат келишини кутаётган эди, лекин ҳеч қандай хат келмади. Оила аъзолари унинг одатда хат ёзишни ёқтир-

маслигини билишарди, лекин айни пайтда ўзини мажбур қила олади, деб умид қилишаётганди. Балки хабар берадиган ҳеч қандай яхши гап йўқдир, деб ўйлашди, лекин шу нарсани билишга ҳам рози эдилар. Хат келишини кутиб, ушланиб турган мистер Гардинер дарров жўнаб кетди.

У кетгандан сўнг, энди ҳеч бўлмаганда нималар бўлаётганини билиб турамиз, деб умид қилишди. Хайрлаша туриб, мистер Гардинер мистер Беннетни иложи борича тезроқ Лонгборнга қайтишга кўндиришга ваъда берди. Бу ваъдаси билан у эрини дуэлда ўлиб қолишдан қутқаришнинг ягона йўли, деб билаётган опасига таскин берди.

Ўзининг бу ерда бўлиб туриши жиянларига ёрдам бўлади, деб ҳисоблаган миссис Гардинер ҳозирча Лонгборнда яна бир неча кун қолишга қарор қилди. У қизларга миссис Беннетга қарашларида ёрдам берар ва бўш пайтларида у билан ўтириш қизлар учун ҳам ёқимли эди. Миссис Филипс ҳам уларникига тез-тез келаётганди. Лекин у Уикхемнинг қанчалик инсофсиз ва ярамаслиги тўғрисида янги гаплар топиб келар ва у келиб кетгач, ҳамманинг кайфияти бузилар эди.

Бутун Меритон аҳли уч ойгина бурун ўзлари фаришта деб атаган одамни энди ҳар қанақасига қоралай бошлаганди. Уикхемнинг деярли барча дўконлардан қарздор эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳамма уни дунёдаги энг ифлос одам деб, унинг чиройли кўриниши уларни ҳеч ҳам чалғитмаган деб, қасам ичишга тайёр эди. Элизабет бу гап-сўзларнинг ярмисига ҳам ишонмаётган бўлса-да, бари бир бу гап-сўзлар унинг, энди синглисининг номига доғ тушади, деб қилаётган хавотири бежиз эмаслигини исботларди. Шу пайтгача бундай гапларга қулоқ солмаётган Жейн ҳам энди бу воқеанинг яхшилик билан тугашига умид қилмаётганди, бунинг устига унинг Уикхемларнинг Шотландияга қочган, деган умиди рост бўлса, улардан аллақачон бирор хабар келиши керак эди.

Мистер Гардинер якшанба куни Лонгборндан жўнаб кетди. Сешанба куни эса хотинига хат ёзиб юборди. Хатда унинг мистер Беннетни топгани ва Грейсчёрч-стритга кўчириб келгани тўғрисида ёзилган эди. У келгунича мистер Беннет Эпсом ва Клэпхемда бўлган экан, лекин у ерда бирор янгилик эшитишнинг иложи бўлмабди. Мистер Беннет энди Лондоннинг энг йирик меҳмонхоналаридан сўраб чиқмоқчи эмиш, чунки қочоқларнинг кела солиб алоҳида хусусий уйда ижарага тура олишларига унинг ишончи йўқ экан. Мистер Гардинер бу қидирувлардан бирор натижа чиқишига ишонмаса-да, мистер Беннет бу ишга боши билан шўнғигани учун, қўлидан келганча унга ёрдамлашмоқчи экан. У яна мистер Беннетнинг ҳали-бери Лондондан кетмоқчи эмаслигини айтиб, яқин орада яна хат ёзиб юборишга ваъда берарди. Хатнинг охирида яна қўшимча бор эди:

«Мен полковник Форстердан бу йигитнинг танишбилишларидан унинг Лондонда бирор танишими ёки қариндошими бор-йўқлигини билиб беришини илтимос қилдим. Агар бор бўлса, улардан Уикхем шаҳарнинг қай қисмида яширинганини билиш мумкин эди. Чунки биз қурол қилиб олишимиз учун ҳозир қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Мен аниқ ишонмайманки, полковник бизга ёрдам бериш учун қўлидан келадиган ҳамма нарсани қилади. Лекин менинг хаёлимга биринчилардан кўра Лиззининг ўзи йигит бориши мумкин бўлган қариндошларининг номини билиши мумкин, деган фикр келди».

Элизабет нима учун мистер Гардинернинг хаёлига бундай фикр келганини дарров тушунди. Лекин унда бу тўғрисида ҳеч қандай ахборот йўқ эди. Уикхемнинг бир неча йиллар бурун ўтиб кетган ота-онасидан бошқа қариндошлари борлиги ҳақида ҳеч нарса эшитмаганди. Лекин унинг ...шир полкидаги бирорта таниши

кўпроқ нарса билиши мумкин. Қизнинг бунга ишончи бўлмаса-да, полковник Форстер бирор янгилик айтади, деган умиди бор эди.

Кунлар ваҳима билан ўтарди. Лекин энг одамни эзадиган пайт – бу почтанинг келишини кутиш бўлиб, хат олишлари катта воқеа эди. Хатлардан қидириш ишларининг яхши ёки ёмон кетаётганини билиш мумкин бўлиб, ҳар бир кун энг муҳим хабарни олиб келиши мумкин эди.

Лекин бир куни, уларнинг мистер Гардинердан навбатдаги хатни олишларидан бурун, мистер Беннетга аталган хат келди. У мистер Коллинздан эди. Мистер Беннет ўзига келган хатларни очиб ўқишларини тайинлаб кетган эди. Хатни аввал Жейн очиб, ўқиб чиқди. Кейин Коллинзнинг хат ёзиш услубини яхши билган Элизабет ўқиди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Хурматли сэр!

Сиз билан қариндошчилигимизни ва мининг жамиятда тутган ўрнимни эътиборга олган ҳолда, биз кеча Хартфордширдан олган хат орқали эшитганимиз оилангизда содир бўлган хунук воқеа туфайли сизга ўз таъзиямни изҳор қилишни ўз бурчим деб биламан. Ҳурматли сэр, ишонинг, биз миссис Коллинз иккимиз Сизга ва Сизнинг Оилангизга ҳамдардмиз. Бошингизга тушган қайғу жуда оғир бўлса керак, чунки бу воқеанинг асоратларини вақт билан даволаб бўлмайди. Мен ўзим томондан сизнинг бу жиддий бахтсизлигингизни бир оз юмшатиш ёки сизнинг ота сифатида юрагингиз эзилиб кетаётган ушбу дамларда сизни овутиш учун ўз далдамни аямайман. Агар қизингиз вафот этганда эди, унинг қайғуси ҳозирги воқеалар бошингизга солган қайғудан енгилроқ бўлган бўларди. Ундан ҳам оғирроғи, бу воқеалар сабаби, мен ўзимнинг азиз Шарлоттамдан эшитганим, қизингизнинг енгил табиатлили-

ги унинг тарбиясида йўл қўйилган бепарволик орқасидан эканлигини тан олиш бўлса керак. Қизингизнинг ота-онасига тасалли бериш учун мен, унинг шундай ёш бўла туриб бу нарсага қадам қўйгани бундай енгилтаклик асли унинг табиатида бўлган бўлса керак, деган фикрдалигимни айтиб қўйишим лозим. Нима бўлганда ҳам, Сиз чуқур тасаллига муҳтожсиз. Бу фикримга фақат миссис Коллинз эмас, мен орқали бу гаплардан хабар топган леди Кэтрин ва мисс де Бёрлар ҳам қўшилишади. Улар яна менинг Сизнинг қизларингиздан биринг нотўғри қадами орқасида бошқа қизларингиз ҳам ёмонотлиққа чиқади, деган хавотиримга ҳам қўшилишаяпти. Леди Кэтриннинг айтишича, энди сизлар билан бирортасининг қуда-андачилик қилиши амримаҳол эмиш. Бу фикр ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган воқеани ёдимга солди. Агар ўша пайтда ишларимиз бошқача бўлганда, мен ҳозир Сиз билан бир қаторда Сизнинг ғамингизга ва Сизнинг шармандалигингизга шерик бўлган бўлардим. Муҳтарам сэр, менга яна бир марта сизнинг ташвишингизга ҳамдардлигимни билдиришга ҳамда қизингиз бир умр ўзининг бузуқ ахлоқининг мевaларини тотиши учун, уни бир умрга оқ қилишингизни маслаҳат беришга ижозат беринг.

Ҳурмат билан... ва ҳ.к.».

Мистер Гардинер полковник Форстердан хабар келмагунча, ҳеч қандай хат юбормади. Полковникнинг хабари эса суюнтирадиган эмасди. Унинг аниқлашича, Уикхемнинг борди-келди қиладиган қариндоши, умуман ҳеч қандай қариндош-у, таниш-билишлари йўқ экан. Илгари унинг танишлари жуда кўп бўлиб, полкка келгандан сўнг йигит улар билан мулоқотни давом эттирмаган, шунинг учун Уикхем ҳақида бирор нима дея оладиган одамни топиш имконияти бўлмаган. У нафақат Лидиянинг қариндошларидан берки-

ниб юрибди, балки бунинг яна бошқа сабаблари ҳам бор эмиш. Брайтонда катта миқдорда қартада ютқизган бўлиб, полковник Форстернинг фикрича, унинг қарзларини ёпиш учун минг фунтдан ортиқроқ пул керак экан. Мистер Гардинер бу гапларни лонгборнликлардан яшириб ўтирмади. Бу гапларни ўқиган Жейн даҳшатга тушди:

– Қартабоз! Ҳеч кутмагандим. Хаёлимга ҳам келмаганди!

Мистер Гардинер эртаси, яъни шанба куни мистер Беннетнинг қайтаётганини ҳам қўшиб қўйганди. Қилган ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетганидан жаҳли чиққан мистер Беннет қайнисининг унга кўрсатмалар бериб уйга қайтиб кетишга ундашига рози бўлибди. Миссис Беннет бу гапни эшитиб, қизлари у эрининг ҳаёти учун хавотир олаётган эди, энди кўнгли хотиржам бўлади, деб ўйлаганларининг аксича, жаҳли чиқиб кетди:

– Қанақасига! Бечора Лидияни ёлғиз ташлаб-а? Уларни топмагунча, мистер Беннет ҳеч қаерга кетмайди! Унда Уикхемни Лидияга уйланишга мажбур қилиб, у билан ким отишади?

Миссис Гардинер болалари билан уйига қайтишни ўйлаб турган эди, эртаси куни мистер Беннет келишини эшитиб, Лонгборндан мистер Беннетни олиб келиш учун юбориладиган экипажда кетиб олмоқчи бўлди.

Миссис Гардинер Лэмтондан қайтишганидан бери бош қотираётгани – Элизабет билан унинг Дербиширлик дўстининг орасида қандай муносабат бўлиши мумкин, деган саволга жавоб топа олмай кетаётган эди. Элизабет биринчи бўлиб унинг номини ҳеч тилга олмасди. Миссис Гардинер кутганидек, йигит ҳам ҳеч қандай хат юбормаётган эди. Қайтиб келишганидан бери Пемберлидан Элизабетнинг номига ҳеч қандай хат келмаганди. Оиладаги тушкунлик кайфияти Элизабетнинг кучини олиб қўйди – бунинг учун бошқа сабаб қидириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Ўз ҳис-

сиётларининг ечимини қидираётган Элизабет, агар у мистер Дарси билан таниш бўлмаганда, Лидия орқасидан уларнинг бошига тушган бундай шармандаликни кўтариш осонроқ бўларди, деган хулосага келди. Унинг фикрича, бу ҳолда уйқусиз ўтказаётган тунларининг сони камида икки ҳисса камаярди.

Мистер Беннет Лонгборнга қайтиб келганда ўзига хос бўлган файласуфона хотиржамликда эди. У одатдагидан кўпроқ гапирмади, ўзини Лондонга боришга мажбур қилган сабабларни ҳам тилга олмади ва қизлар ҳам анчагача ўзлари бу ҳақда оғиз очишга ҳаддилари сиғмади. Тушликдан кейин чой ичишаётганда Элизабет ман қилинган мавзуда оғиз очишга журъат қилди. Унинг отасига бошига тушган муаммолар учун ўзининг ҳамдардлигини билдириб, айтган гапларига мистер Беннет қуйидагича жавоб берди:

– Бу ҳақда гапиришмаймиз. Содир бўлган ишлар учун мендан бошқа ким жавоб бериши керак? Бўлиб ўтган ишларнинг айбдори фақат мен ва мен жавоб бераман.

– Ўзингизни бунчалик айбламанг.

– Маслаҳатинг тўғри. Ўз шахсига нисбатан шафқат қилиш инсонга хос. Йўқ, Лиззи, ҳаётимда бир марта бўлса ҳам ўз айбимни ҳис қилишимга менга изн бер. Қўрқма, бу мени букиб қўймайди. Бундай туйғулар тез ўтиб кетади.

– Сизнингча, улар Лондондамикин?

– Албатта. Улар яна қаерда шундай яширина олишарди?

– Лидия доим Лондонда яшашни орзу қиларди! – гап қўшди Китти.

– Демак, у мақсадига эришибди, – қуруққина деди отаси. – Энди у Лондонда жуда узоқ қолса керак.

Бир оз сукутдан сўнг мистер Беннет қўшиб қўйди:

– Лиззи, май ойида мени огоҳлантириб қўйганинг учун сендан хафа эмасман. Айтганларинг тўғри чиқди.

Уларнинг суҳбатини Жейннинг миссис Беннетга чой тайёрлаш учун хонага кириб келиши бўлди.

– Қандай ажойиб томоша! – хитоб қилди мистер Беннет. – Бу онангизнинг қайғусини янада чиройлироқ қилиб кўрсатаяпти. Эртага мен ҳам шундай қиламан: кутубхонада халатимни ва қалпоғимни кийиб ўтираман-да, сизларни югур-югур қилишга мажбур қиламан. Ёки, мен Китти ҳам қочиб кетгунча кутиб турайми?

– Мен ҳеч қаёққа қочиб кетмоқчи эмасман. Агар Брайтонга борадиган бўлсам, мен билан бундай ҳодисалар бўлмайди.

– Брайтонга борсам? Мен сени ҳатто Ист-Бёрнга ҳам қўйиб юбормайман. Йўқ, Китти, мен энди ғоят сергак бўламан ва сен буни албатта ҳис қиласан. Бирорта зобит остонамизга қадам босмайди, қишлоғимизга яқин йўламайди. Агар рақс тушишни хоҳласанг, опаларинг билан туша бер – ҳеч қандай рақсларга бориш йўқ. Бир кеча-кундузда ҳеч бўлмаганда ўн дақиқа бирорта ақлли иш қила олишингни исбот қилмагунингча, мен сенга уйдан чиқишга рухсат бермайман.

Бу сўзларни жиддий қабул қилган Китти аламидан йиғлай бошлади.

– Демак шундай, – деди мистер Беннет. – Ўн йил давомида ақлли қиз бўлиб берсанг, балки сени бирор жойга айлантиргани олиб борарман.

VII БОБ

Мистер Беннет қайтиб келганидан икки кун ўтиб, Жейн билан Элизабет уйларининг орқа томонидаги дарахтзорда айланиб юришар экан, уларга томон югуриб келаётган хизматчи аёлни кўришди. Миссис Беннет чақираяпти шекилли, деб ўйлаб қизлар хизматчига пешвоз чиқишди. Лекин аёл миссис Беннетнинг гапини айтиш ўрнига, Жейнга қараб деди:

– Кечирасиз, хоним, суҳбатингизга халал бердим. Лондондан яхши хабар бўлса, мен ҳам эшитай, деб келгандим.

– Хилл, нимани кўзда тутаяпсиз? Лондондан ҳеч қандай хат олганимиз йўқ.

– Хоним, бу нима деганингиз? – ҳайрон бўлиб сўради миссис Хилл. – Сиз ҳали мистер Гардинердан чопар келганини эшитмадингизми? У мистер Беннетга пакет олиб келганига ярим соатдан ошди.

Янгиликни тезроқ эшитишга ошиқиб, қизлар уйга қараб югуришди. Улар холлдан ўтиб аввал ошхонани қарашди, сўнг кутубхонани, у ерда оталарининг йўқлигини кўриб, оналарининг хонасига бормоқчи бўлишаётганда, қизни эшик оғаси тўхтатди:

– Агар хўжайинни қидираётган бўлсангиз, дарахтзорга боринглар – у ҳозиргина ўша ёққа кетди.

Қизлар яна югуриб ташқарига чиқиб, қўрғон четидаги дарахтзор томонга қараб кетаётган оталарига етиб олиш учун гулзор оралаб югуриб кетишди. Синглисига нисбатан тўлароқ бўлган ва кўп югуришга ўрганмаган Жейн орқада қолиб кетди, Элизабет эса кела солиб, ҳансираганча отасини саволга тутди:

– Отажон, нима гаплар? Янгиликлар борми? Гардинер амакимдан хабар борми?

– Ҳа, у чопардан хат бериб юборибди.

– Нималар ёзибди? Яхши гапми ёки ёмонми?

– Ҳозир биз яхши хабар келадиган аҳволдамизми? – пальтосининг чўнтагидан хатни чиқараётиб, деди мистер Беннет. – Қизиқсанг, балки ўқиб чиқарсан.

Элизабет хатни шоша-пиша олаётганда, Жейн ҳам етиб келди.

– Овозингни чиқариб ўқи-чи, – сўради мистер Беннет. – Нима дейилганига зўрға тушундим.

«Грейс-чёрч стрит, душанба, 2 август.

Ҳурматли мистер Беннет, ахири мен ўз жияним ҳақида сизни бир оз тинчлантирадиган хабар айтишим мумкин.

Сиз шанба куни жўнаб кетганингиздан сўнг мен уларнинг Лондоннинг қайси бурчагида яширинганларини билишга муваффақ бўлдим. Икир-чикирларини кўришганимизда айтиб бераман. Уларнинг топилгани ва мен улар билан учрашганим ҳам ҳозирча етарли...»

– Мана, менинг айтганим бўлибди, – Элизабетнинг гапини бўлди Жейн, – улар никоҳдан ўтишибди.

«– Мен уларнинг иккисини ҳам кўрдим. Улар никоҳдан ўтишмаган ва никоҳга ҳеч қандай тайёргарликни ҳам кўрмадим. Лекин, мен қўрқмасдан номингиздан айтган шартларга рози бўлсангиз, яқин орада тўй бўлади. Сиздан талаб қилинадигани фақат – ота-онаси ўтиб кетгандан кейин фарзандларингизга қоладиган беш минг фунтнинг бешдан бир қисмини Лидияга қолдиришингизни ва Сизлар тириклигингизда қизингизга йилига юз фунт тўлаб туришингизни ёзма тарзда тасдиқлаб беришдан иборат. Бўлиб ўтган бундай гаплардан кейин, сизнинг менга ишонган ваколатингиздан фойдаланиб, уларнинг шартига рози бўлдим. Мен ушбу хатни чопардан бериб юбораяпман, чунки иложи борича тезроқ жавобингизни олишим керак. Айтиб ўтган гапларим кўпчилик ҳозир ҳисоблаётгандек мистер Уикхемнинг ишлари унчалик ҳам умидсиз эмаслигига сизни ишонтиради, деб умид қиламан. Бу ўринда ҳамма адашган – у ҳамма қарзларини тўлаб бўлган тақдирда ҳам, унда Лидиянинг пулларига қўшиб қўядиган пул ортиб қолади. Агар, сиз бу шартларнинг ҳамма-

сига кўнсангиз, мен дарҳол сизнинг номингиздан Хагерстонга керакли қоғозларни тайёрлашни топшираман. Лондонга келишингиз ҳеч ҳам шарт эмас, шунинг учун менга ҳаммасини ишониб, бемалол уйда бўлаверинг. Жавобни тезроқ ёзиб юборинг ва иложи борича фикрингизни аниқроқ ифодаланг. Биз бу ерда – сиз албатта рози бўлишингизга ишонаман – жияним черковга бизникидан кетади, деб қарор қилдик. Бошқа ишлар ҳал бўлиши билан яна хат ёзиб юбораман.

Сизнинг Эдв.Гардинер».

– Наҳотки? Наҳотки Уикхем унга уйланса? – хатни буклай туриб деди Элизабет.

– Демак, Уикхем биз ҳаммамиз ўйлаганчалик аблаҳ эмас экан! – хитоб қилди Жейн.

– Хатга жавоб ёздингизми? – сўради Элизабет.

– Йўқ, ҳали. Лекин тезроқ ёзишим керак.

Элизабет отасини бу ишни орқага сурмасликка ундади.

– Отажон, илтимос, уйга кириб, тезроқ ёзинг. Бундай ишларда сусткашлик қилиб бўлмаслигини ўзингиз жуда яхши биласиз-ку.

– Агар жавоб ёзишни хоҳламаётган бўлсангиз, сизнинг номингиздан мен ёза қолай? – таклиф қилди Жейн.

– Албатта, хоҳламаяпман, – жавоб берди мистер Беннет. – Лекин, афсус, хатни ёзиш керак.

Шу гаплар билан улар уйга киришди.

– Отажон, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим... Сиз айтилган шартларни қабул қиласизми? – сўради Элизабет.

– Қабул қиламанми? Унинг шунчалик кам сўраганидан унинг учун мен уялиб кетаяпман.

– Ва Лидия унга тегиши керак! Унинг шундай одамлигига қарамай!

– Ҳа, унга тегиши керак. Энди ҳеч нима қилиб бўлмайди. Лекин мен иккита нарсани тушунишни хоҳлардим. Биринчиси, тоғангиз унга неча пул тиқиштирганки, иккинчиси, мен бу пулларни унга энди қандай қилиб қайтараман?

– Пул? Тоғамга? Нимани кўзда тутаяпсиз? – ҳайрон бўлди Жейн.

– Ақли бор бирорта йигит ҳам йилига келадиган аллақандай юз фунт ва мен ўлганимдан сўнг келадиган беш минг фунт учун Лидияга уйланмасди.

– Ростдан ҳам. Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келмабди. Қарзлардан қутулиб, яна қолар ҳам эмиш. Албатта, бу иш тоғамсиз битмаган бўлса керак. Тоғамиз қандай сахий-а! Бу билан у инқирозга учрамаса бўлди! Бу ерда кам пул билан иш битмасди.

– Ҳеч қанақасига, – Элизабетга қўшилди мистер Беннет. – Агар ўн мингдан камига кўниб, қизимизга уйланса, Уикхем аҳмоқ бўларди. Албатта, у билан қариндош бўладиган бўлганимиздан кейин Уикхем ҳақида ёмон гапиришни хоҳламайман.

– Ўн минг! Лекин биз бу пулнинг ярмини ҳам қайтара олмаймиз-ку?

Мистер Беннет жавоб бермади ва ҳаммалари ўз ўйлари билан банд бўлганча уйга киришди. Мистер Беннет хат ёзиш учун тўғри кутубхонага кириб кетди, қизлар эса нонушта қилиш учун хонага киришди.

– Наҳотки улар никоҳдан ўтишади? Одамнинг ишонгиси келмайди! – хитоб қилди Элизабет. – Биз яна бунга суюнишимиз керак! Бахтли бўлишга ҳеч қандай умид йўқлиги ва эрининг барча камчиликларига қарамай – тўй бўлади – мана, энди гап-сўзларнинг олдини олишнинг ягона йўли! Эҳ, Лидия, Лидия!

– Мен эса, – деди Жейн, – агар унинг Лидияда кўнгли бўлмаса, ҳеч қанақасига уйланмасди, деб ўзимни овутаяпман. Агар тоғамиз унга ёрдам берган бўлса ҳам, мен бу ўн минг ва ҳатто шунга яқин бўлишига ҳам ишонгим келмаяпти. Гардинерларнинг болалари бор,

балки яна бўлар. Ахир тоғамиз болаларининг ризқини қиймайди-ку!

– Агар биз Уикхемнинг қарзлари қанчалигини, никоҳ шартномаси бўйича Лидиянинг номига неча пул қўйишини билсак, тоғам унга қанча берганини аниқлаб олсак бўлади. Уикхемнинг ўзининг бир тийини ҳам йўқ. Биз қарзимизни ҳеч қачон узолмаймиз. Улар Лидияни ўз ҳимояларига олишгани, унга қилишаётган ғамхўрликлари учун узоқ йиллар давомида миннатдор бўлсак-да, ҳеч қачон узолмаймиз. Ҳозир Лидия уларникида бўлиши керак! Агар уларнинг унга нисбатан шундай олижаноблик қилишганини тушунмаса, у бахтли бўлишга сазовор эмас! У холамизнинг кўзига қандай қарай олган экан?!

– Уикхем ва Лидиянинг қилмишларини эсламасликка ҳаракат қилайлик, – деди Жейн. – Одам уларнинг бахтли бўлишига ишонгиси келаяпти. Унинг Лидияга уйланишга рози бўлгани – тузала бошлаганининг аломати. Иккаласининг бир-бирига интилиши уларни оғирроқ бўлишга ундайди, ва улар аста-секин яхши ҳаёт кечира бошлашади, деб умид қиламан ва бу воқеалар ҳам секин-аста унутилиб кетади.

– Уларнинг қилган қилмишларини ҳеч ким – на мен, на сен ва на бошқалар, ҳеч ким унутмайди. Буни гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Гап шу ерга келганда қизлар оналарининг ҳали хат келганидан хабари йўқлигини эслаб, оталаридан унга айтиш керак-керакмаслигини сўраш учун кутубхонага киришди. Мистер Беннет ҳали хатини ёзиб тугатмаган эди. Бошини кўтармай, бефарқ овозда деди:

– Ўзинглар биласизлар.

– Онамга ўқиб бериш учун хатни олсак майлими?

– Хоҳлаган нарсани олиб, мени тинч қўйинглар.

Элизабет стол устидан хатни олиб, Жейн иккаласи юқорига югуриб кетишди. Мэри билан Китти оналарининг олдида эдилар. Яхши хабарлар келганини

айтишгандан кейин хатни баланд овозда ўқиб чиқишди. Миссис Беннет ўзини зўрға тутиб турарди. Жейн мистер Гардинернинг тўй ҳақидаги гапларига келганда, унинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди ва борган сари бу ифода кучая борди. У яқингинада бошига тушган ғам-ташвишдан қанчалик қайғуга ботган бўлса, ҳозир бу яхши хабардан шунчалик ҳаяжонланган эди. Унга қизи турмушга чиқаётгани тўғрисидаги хабарнинг ўзи етарли эди. Қизининг ҳаёти яхши бўлиб кетиши учун қилинадиган ҳаракатлар, унинг қилиб қўйган енгилтаклигидан афсусланиш хаёлига келмаганидек, онанинг эсига ҳам келмаётган эди.

– Лидия, қизалоғим! – хитоб қилди миссис Беннет. – Қандай ажойиб! У турмушга чиқади! Яқинда мен уни кўраман! Ўн олти ёшида турмушга чиқаяпти! Укагинам! Шундай тугашини билгандим – унинг қўлидан ҳамма нарса келади! Қизимни қанчалик кўргим келаётганини билсангиз эди! Уикхемни ҳам! Никоҳ кўйлагини нима қиламиз? Ҳозироқ миссис Гардинерга ёзиб юбориш керак, Лиззи, қизгинам, югуриб отангдан никоҳ кўйлаги учун неча пул бера олишини сўраб келгин. Йўқ, йўқ, тўхта! Яхшиси мен ўзим бораман. Китти, Хиллни чақиргин. Ҳозир, кийиниб олай. Лидия, қизгинам менинг! Мана кўрасизлар, у келганда уйимизда байрам бўлиб кетади!

Жейн онасига кўп масалада Гардинерлардан қарздорликларини айтиб, унинг оҳ-воҳларини тўхтатмоқчи бўлди.

– Фақат тоғамнинг марҳамати билангина ҳаммаси яхшилик билан тугади. У Уикхемга яхшигина миқдорда пул берган бўлса керак, – қўшиб қўйди Жейн.

– Нима қилибди, бу табиий! – деди миссис Беннет. – Жияни тўғрисида тоғаси қайғурмаса, яна ким қайғуради? Агар унинг оиласи бўлмаганда пуллари менга ва қизларимга ўтарди. Қилишган совғаларини айтма-

са, у бизга биринчи марта нимадир бераяпти. Лекин мен шундай хурсандман, шундай хурсандман! Яна бир оз вақтдан сўнг – қизларимдан бири турмушга чиққан бўлади! Миссис Уикхем! Қандай чиройли жаранглаяпти. Ахир у эндигина ўн олтига тўлди! Жейн, жонгинам, шунчалик тўлқинланиб кетдимки, ҳеч нарса ёзолмайман, шекилли. Отанг билан пул тўғрисида ҳам кейинроқ гаплашармиз. Лекин кўйлакни ҳозироқ буюришимиз керак.

Шу билан миссис Беннет ҳар хил газмоллар номини айтиб, ҳар бирининг афзалликларини санаб ўтиб, буюртма беришга тайёр турганда Жейн мистер Беннетнинг розилигини олмагунча, бу ишни қилмай туришга онасини зўрға кўндирди. Жейннинг онасига тушунтириши бўйича бир кун кечроқ буюртма бериш катта аҳамиятга эга эмас экан. Кайфияти баланд бўлиб турган миссис Беннет индамай қўниб қўя қолди. Унинг миясида янги режалар пайдо бўла бошлаган эди:

– Ҳозир кийиниб бўлиб, янгиликларни айтиш учун Меритонга, Филипсникига бораман. Қайтаётганда эса Лукасларникига ва миссис Лонгларникига кириб ўтаман. Китти, пастга тушиб, каретани тайёрлашларини айт. Қизлар, Меритонда сизлар учун нима қилишимни хоҳлайсиз? Мана, Хилл ҳам келди. Хилл, азизам, биздаги янгиликни эшитдингизми? Мисс Лидия турмушга чиқаяпти!

Миссис Хилл, албатта, эшитган янгилигидан хурсанд бўлди, Элизабет ва бошқа қизларни янгилик билан табриклади. Бу шовқин-сурондан бир оз чарчаган Элизабет ҳаммасини яна бир марта ўйлаб кўриш учун ўз хонасига қараб кетди.

Аслида Лидиянинг шароити йиғлайдиган даражада бўлса-да, бундан ҳам баттар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олса, хурсанд ҳам бўлиш керак эди. Элизабет шунга севинаётган эди. Агар келажакка назар солинса, Лидияни на оилавий бахт, на тўла-тўкислик кутаётган эди. Лекин икки соатгина бурун қандай

қўрқувда ўтиришганини ўйлаб, Элизабет бу воқеанинг шундай тугаганига ҳам шукур қилди.

VIII БОБ

Мистер Беннет анча пайтдан бери ўз тушумларидан оз-оздан жамғариб қўйишни ўйлаётган эди. Шундай қилган тақдирда бир оз пул тўплаб қизларини ва агар ундан кейин қоладиган бўлса, хотинини ҳам таъминлаб қўйган бўларди. У, айниқса, ҳозир шундай қилиши керак бўлганини чуқур ҳис қилди. Агар у бурунроқ шу ишни қилганида қанчалик ақлли иш бўлган бўлишини энди тушунаётган эди ва Лидия яхши номини ва номусини сақлаб қолгани учун тоғасидан қарздор бўлиб ўтирмасди. У ҳолда бутун қиролликдаги энг ёмон йигитга турмушга чиққанида ҳам ҳеч қандай гап-сўз бўлмасди. Бу шубҳали бахт тўловини қайниси тўлаганини мистер Беннет ҳеч ҳазм қила олмаётган эди, шунинг учун ундан кетказган пулларининг қийматини билиб олиб, имкон топилиши билан қарзини қайтаришни мўлжаллаётганди. Мистер Беннет янги уйланган пайтда, меросхўр туғилади, деган фикр билан, пул тежаш ҳақида ўйламаган ҳам эди. Ўғил туғилган тақдирда, у балоғат ёшига етгач, ер-мулкни ўз номига расмийлаштириб, онаси ва ўзидан кичик фарзандларнинг келажагини таъминлаган бўларди. Лекин, бахтга қарши, кетма-кет қиз туғилиб, ўғилдан дарак бўлмади. Миссис Беннет, Лидияни туққанидан кейин яна анча пайтгача меросхўр туғилишидан умид қилиб юрди. Ахири бир кун келиб умидлари пучга чиқди, лекин энди пул жамғаришга кеч бўлган эди. Миссис Беннет табиатан тежамкор бўлмай, фақат эрининг қарзни ёмон кўриши сабаблигина улар ерларидан тушадиган пуллардан кўра ортиқроқ сарф-харажат қилишмас эди.

Миссис Беннет ва унинг фарзандлари учун никоҳ шартномаси бўйича беш минг фунт ўтказилган эди.

Пулларнинг фарзандлар ўртасида қандай бўлиниши ота-онанинг қарорига боғлиқ эди. Айни пайтда, Беннетлар учун фарзандлари ўртасида, ҳеч бўлмаса ҳозир Лидия учун, ушбу масалани ҳал қилиш муаммоси турарди. Мистер Беннетнинг хаёлида мистер Гардинер томонидан таклиф қилинган шартлар масаласида ҳеч қандай иккиланиш йўқ эди. Унга қилган яхшилиги учун қайнисига қисқача қилиб ўз миннатдорлигини билдирган ҳолда, у мистер Гардинернинг қилган барча ҳаракатларини маъқуллади ва унинг номидан қайниси ўз устига олган мажбуриятларни бажаришига ўз розилигини таъкидлади. У қизини Уикхемга бериши мумкинлигини ёки Уикхемнинг ўзи шунчалик кам пул сарф қилиб, қизига уйланишни хоҳлаган тақдирда ҳам – илгари ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лидияни боқиш, унинг кундалик чиқимлари, онаси тез-тез қилиб турадиган пул кўринишидаги совғаларни ва ҳар йили бу келин-куёвга бериб турилиши лозим бўлган юз фунтни қўшиб ҳисоблаганда ҳам, у йилига кўп йўқотмасди.

У томондан кўп куч сарфланмаётгани мистер Беннет учун кўнглидагидек иш бўлаётган эди. Энди у бўлиши кутилаётган югур-югурлардан ҳам иложи борича қутулишни истарди. У бошида бўлган, қизини топиш учун югуришга мажбур қилган ғазабидан тушган ва аввалги тепса-тебранмас ҳолига қайтган Мистер Беннет хатини бир зумда ёзиб тугатди – у одатда бирор нарса қилишдан олдин кўп ўйлар, лекин қилишни бошлаганда, тез тугатиб қўяр эди. Хатининг охирида у қайнисидан яна нималарда қарздорлигини сўради. Лидиядан эса шунчалик ғазабда эдики, у ҳақда бирор оғиз сўз айтмади.

Яхши хабар бир зумда ҳамма ёққа тарқалди. Албатта, мисс Лидияни Меритонга қайтариб олиб келишганида ёки олис бир фермага жўнатиб юборишганида, бу гап-сўзлар яна ҳам қизиқарлироқ бўларди. Бироқ, унинг турмушга чиқаётганини ҳам маза

қилиб ғийбат қилиш мумкин эди. Ғийбатчи аёлларнинг ёшларга бахт тилашаётгани ўзининг асл маъносини йўқотмаётган эди, чунки Уикхемдек инсон билан турмуш қуриш ҳеч қанақа бахт ваъда қилолмасди.

Миссис Беннет икки ҳафтадан бери ёмакхонага чиқмаётган эди. Лекин ушбу байрамона кунда у ахири ўз хонасидан чиқиб, овқат тепасида ўзи бош бўлиб ўтирди. У қизи учун ҳеч ҳам уятни ҳис қилаётгани йўқ эди. Жейн ўн олти ёшдан ошганидан кейин унинг миясига ўрнашиб қолган қизларидан бирини узатиш орзуси ниҳоят амалга ошаётган эди. Унинг фикри-зикри ҳозир фақат тўй маросими, кийим-кечаклар, карталар, янги хизматчилар билан банд эди. У туганмас бир ғайрат билан қизи тўйдан кейин яшаши учун яқин атрофдан уй қидира бошлади. У ёшларнинг тўйдан кейин қўлларида бўлиши мумкин бўлган жамғарманинг қийматини ҳам билмай, ҳатто бу масалани хаёлига ҳам келтирмай, катта-кичиклиги тўғри келмайди ёки қурилгани ёқмади, деб кўп уйларни рад қилди.

– Агар Голдинглар кўчишганда, Хэй-паркдаги уй яхши бўларди, – хаёл қиларди миссис Беннет. – Ёки меҳмонхонаси каттароқ бўлганда, Стоукдаги унча катта бўлмаган уй ҳам яхши эди. Эшуортдаги уй эса жуда узоқ – агар бизнинг уйимиздан ўн милдан узоқ бўлса, мен чидай олмайман. Палвис Ложедаги уй эса менга ҳеч ҳам ёқмади!

Хонада хизматкор бор эканлигида мистер Беннет хотинининг бундай гапларига халақит бермади. Лекин ёлғиз ўзлари қолишлари билан у хотинига деди:

– Миссис Беннет, қизингиз ва унинг эри учун шу уйлардан бирини ёки ҳаммасини ижарага олишингиздан аввал иккаламиз бир нарсани аниқ келишиб олишимиз керак. Улар ҳеч қачон биз билан бир жойда яшамайди. Мен уларнинг Лонгборнга келавериб, жонимга тегишларини асло истамайман!

Миссис Беннет эрининг бу гапига роса қаршилик кўрсатди, лекин бефойда. Баҳс давомида миссис Беннет уни даҳшатга солган бошқа янгиликни – эри қизининг тўй либослари учун бир гинея ҳам сарф қилмоқчи эмаслигини эшитди. Эри, Лидия отаси томонидан ҳеч қандай эътибордан умид қилмаслигини эълон қилди. Миссис Беннет нима дейишни билмасди. Отасининг ғазаби деб, қизининг эрга тегаётиб қилиниши лозим бўлган ҳамма нарсадан мосуво бўлаётганини тушунишга унинг ақли ноқислик қиларди. Тўй либосларининг камлиги, унинг назарида, Лидиянинг қочиб кетиши ва ҳали тўй бўлмасдан йигит билан икки ҳафта бирга яшагани орқасидан келган шармандаликдан ҳам ортиқроқ эди.

* * *

Элизабет, асабийлашиб турганида мистер Дарсига Лидиянинг тақдиридан хавотир олаётганини айтиб юборганидан афсусда эди. Синглисининг қочиб кетиши турмушга чиқиш билан тугар экан, ўша пайтда Брайтонда бўлмаган ҳамма танишлардан буни яшириб туришса бўлар экан. Қиз Дарсининг бу гапларни бегоналарга айтишидан чўчимаётганди. Чунки вазминлигига ишониш мумкин бўлган бошқа одамни топиш мушкул эди. Лекин қизга энг алам қилаётгани уларнинг оиласидаги шармандаликни айнан у билгани эди. Гап бу ишнинг ўзига тегишли нарсаларга ҳам салбий таъсирида эмасди. Энди бу шароитда улар иккаласи ўртасида катта жарлик бор эди. Лидия ҳамма тарбияли қизлардек турмушга чиқса ҳам, олдин бор бўлган ҳамма камчиликларига яна унинг нафратига лойиқ бўлган инсон билан қариндошчилик қилишгани қўшилган оилага Дарсининг куёв бўлишини ҳатто тахмин ҳам қилиб бўлмасди. Бу турдаги қариндошчилик фикридан у даҳшатга тушса керак. Мистер Дарсининг Дербиширда яққол кўзга ташланаётган унинг кўнглини олишга уриниши мантиқан ўйлаб қаралса,

ушбу воқеага қаршилик қилолмасди. Қиз ўзи ҳам нималигини билмаётган нарсасини йўқотганидан юраклари чок-чокидан сўкилиб кетаётгандек эди. Айнан ҳозир, энди ушлаб қолишнинг ҳеч имконияти йўқлигини тушунганида – йигитнинг ўзига муносабати қанчалик азизлигини сезиб қолди. Энди йигит ҳақида бирорта янгилик эшитиши амримаҳол бўлганда қиз унинг ҳаётига қизиқиб қолди. Дарси билан ёнма-ён биргаликда бахтли ҳаёт кечиришлари мумкин бўлганини қиз энди, у билан кўришишларига ҳеч қандай умид қолмаганда, тушуниб етганди.

«Агар мистер Дарси атиги тўрт ойгина бурун қилган таклифини ҳозир миннатдорчилик билан қабул қилишларини билганида эди, роза иззат-нафси ором олган бўларди», – деган фикр қизнинг хаёлига тез-тез келарди. Йигитнинг бошқа ўз жинсидагиларга қараганда анча олижаноброқ эканига ишончи комил эди. Лекин, ҳамма хом сут эмган бандалардек, у ҳам қўли баланд келганидан, албатта хурсанд бўлган бўлса керак.

Элизабет ўз табиати қизиқишлари билан айни шу йигит унга мос келишини энди тушуна бошлаган эди. Мистер Дарсининг ўзиникидан юқорироқ бўлган ақли, характери айни унинг талабларига жавоб берарди. Иккаласининг бирлашуви ҳар бири учун ҳам яхши бўлган бўларди. Қиз табиатидаги қувноқлик йигитнинг ҳаракатлари ва фикрлашларига юмшоқлик касб этган бўларди. Йигитнинг ақли, билимлари, соғлом фикрлаши ортида ўзи ҳам теранроқ фикрлайдиган бўларди.

Аммо инсониятга асл эр-хотинлик бахти нималигини исботлаб берадиган бу никоҳнинг бўлиши насиб қилмаган экан! Бунинг ўрнига, яқинда Беннетлар оиласида бахтли тугамаслиги олдиндан маълум бўлган никоҳ бўлиши кутилаётган эди.

Элизабет Уикхем ва Лидияларнинг тўйдан кейин мустақил равишда рўзғор юрита олишларини тасав-

вур ҳам қила олмаётганди. Лекин, жавобгарлик ҳиссидан кучлироқ бўлган эҳтирос натижасида юзага келаётган бу жуфтликни жуда ҳам бахт ваъда қилмаётган келажак кутаётганини ҳам қиз жуда яхши тушунарди.

* * *

Тез орада мистер Беннет Лондондан хат олди. Қилган ишлари учун мистер Беннет билдирган миннатдорчиликларига жавоб бераётиб, мистер Гардинер, бу оиланинг барча аъзоларига хизмат қилишга доим тайёрлигини айтган ва бошқа бу мавзуда тўхтамасликни илтимос қилганди. Хатни ёзишдан мақсади мистер Уикхем полкдан кетишга қарор қилганини айтиш экан.

«... Никоҳ ҳақидаги келишувимиздан сўнг, мен бир неча бор бу тўғрида ундан сўраган эдим, – ёзарди мистер Гардинер. – Менимча, унинг полкдан кетиши ўзи учун ҳам, Лидия учун ҳам яхши бўлишига сиз ҳам қўшилсангиз керак. Мистер Уикхем доимий армияга киришни режалаштираяпти. Дўстлари орасида унга бу борада ёрдам бера оладиган одам бор экан. Унга шимолда жойлашган генерал ...нинг полкида прапоршчик унвонини ваъда қилишаяпти. Уларнинг бу ерлардан узоқроқда бўлишлари менга ёқаяпти. У ўзини яхши тутиб юришга ваъда бераяпти, мен ҳам улар ўзларини муносиб тутиб юришлари шарт бўлган янги муҳитда ақллари кириб қолади, деган умиддаман. Мен ишларимиз қандай кетаётгани ҳақида полковник Форстерга ёзиб юбордим ва ундан Брайтон ва бошқа яқин-атрофдаги Уикхемга пул қарз берган одамларни яқин орада пуллари қайтарилишини айтиб, тинчлантириб қўйишни, бу борада ҳамма жавобгарликни мен ўз бўйнимга олишимни етказишини сўрадим. Балки, сиз ҳам унинг Меритондаги кредиторларини шу гап билан ишонтириб

қўярсиз. Мен Уикхемдан олган рўйхатимни сизга юбораман. У ҳамма қарзларининг рўйхатини берди. У бизни алдамаяпти, деб умид қиламан. Хагерстонга керакли кўрсатмалар берилган ва бир ҳафта ичида ҳамма ишлар тугайди. Шундан сўнг, агар улар Лонгборнга таклиф қилинмаса, ўз полкларига қараб жўнайдилар. Миссис Гардинернинг айтишича, Лидия жўнаб кетишидан олдин сизни жуда кўргиси келаётган эмиш. У соғ-саломат, сиз билан онасига салом айтаяпти.

Сизнинг Э.Гардинер».

Мистер Беннет ва қизлари Уикхемнинг полкдан кетишининг яхшилигини мистер Гардинердан ҳам яхшироқ тушунишарди. Лекин бу миссис Беннетга унча ёқмади. У ҳали ҳам Лидия яқин-атрофда яшайди, деган умидини йўқотмаган эди. Шунинг учун қизининг энди унинг ёнида бўлиб, онасининг кўнглини кўтаради, деганда уларнинг шимолга кетишлари, миссис Беннетнинг ҳафсаласини пир қилди. Бундан ташқари Лидиянинг шунча хушторлари бор, ҳамма билан таниш бўлган полкдан кетишлари ҳам уни қайғуга солди:

– У миссис Форстерни шунақа яхши кўради, уларни айириш гуноҳ! Яна полкда унга ёқадиган бир нечта йигитлар бор. Генерал …нинг полкидаги зобитлар унча ёқимтой бўлмаслиги мумкин.

Мистер Беннет аввалига Лидиянинг шимолга кетишдан олдин уйдагилар билан кўришишни сўраб қилган илтимосини рад қилди. Лекин сингилларига ичлари ачиган Жейн ва Элизабет, оталарига ялиниб, эркаланиб, ундан Лидиянинг тўйдан кейин шимолга кетишидан олдин Уикхем билан бирга Лонгборнга келиб-кетишига рухсат беришини сўрашди. Ниҳоят, мистер Беннет розилик берди. Миссис Беннет ҳам, қизининг шимолга сургунга кетишларидан олдин эри билан қўни-қўшнилар олдида кўрина олишидан боши

осмонга етди. Мистер Беннет уларнинг келишига розилигини билдириб, қайнисига хат ёзиб юборди. Ёшларнинг тўй маросимидан кейин дарров Лонгборнга жўнаб кетишларига келишилди. Элизабет Уикхемнинг бунга рози бўлганига ҳайрон қолди. Агар унинг ўзига қолса, йигит билан учрашмаслик учун ҳамма нарсага рози эди.

IX БОБ

Жейн ва Элизабет тўй бўладиган куни келиндан ҳам кўпроқ ҳаяжонланишди. Ёшлар учун жўнатилган экипаж уларни... ёнида кутиб туриши ва тушлик пайтигача бу ерга қайтиб келиши керак эди.

Бу дақиқаларни иккала катта мисс Беннетлар ҳам жуда бетоқатлик билан кутдилар. Айниқса Жейн, бу воқеаларнинг айбдори ўзи бўлганда, ҳис қиладиган туйғуларни Лидияга ёпиштириб, жуда тўлқинланаётган эди. Синглиси нималардан ўтганини ҳис қилиб, унга ачиниб кетаётган эди.

Келин-куёвлар ниҳоят етиб келишди. Бутун оила уларни кутиб олиш учун меҳмонхонага тўпланди. Уйнинг олдига экипаж келиб тўхтаганда миссис Беннетнинг юзларига табассум ёйилди, мистер Беннет жуда жиддий, қизлар эса ҳаяжондан ўзларини ноқулай сезишаётган эди.

Ташқаридан Лидиянинг овози эшитилди, эшик ланг очилиб, у хонага югуриб кирди. Онаси унга қараб қучоғини очганча югурди. Кейин мулойимгина жилмайиб, Уикхемга қўлини узатди ва қувноқлик билан, худди шундай бўлиши аниқдек, иккала ёшга бахт тилади.

Онасидан кейин улар мистер Беннетга яқинлашишди. Лекин у хотиничалик хурсандлигини изҳор қилмади. Унинг юзи баттар жиддийлашган, ҳатто оғзини ҳам очмаётган эди. Бу икки ёшнинг енгилтаклиги унинг баттар жаҳлини чиқариши мумкин эди. Элизабет ҳай-

ратда, ҳатто Жейн ҳам ҳайрон эди: Лидия олдинги Лидиялигича қолган эди – сурбет, ақлсиз, тиниб-тинчимас ва мақтанчоқ, ўзига бино қўйган қиз. Бир опаси билан кўришиб, иккинчисига ўтар экан, у опаларининг ҳар бирини ўзини табриклашга мажбур қилди. Ниҳоят ҳаммалари стол атрофига ўтиришганда, у ҳамма ёқни кўздан кечириб, хонада бўлган ўзгаришларга эътибор берди ва кулиб, у охирги марта бу хонада бўлганига анча бўлганини айтди.

Уикхем ҳам бемалол ўтирар эди. Агар ҳаммалари бу йигитнинг асли қандайлигини билишмаганида, сингилларига ҳамма қатори уйланганида эди, унинг ўзини чиройли тутишлари, жилмайишлари ҳаммани ўзига жалб қилган бўларди. Илгари йигитнинг ўз-ўзига бунчалик ишониши қандай оқибатларга олиб келишини Элизабет ўйлаб кўрмаган эди. Ҳозир шу хонада ўтириб, бундан буён уятсиз инсоннинг ҳаёсизлигининг чегараси бўлишига ҳеч қачон ишонмасликка ўз ўзига сўз берди. Дам ўтган сайин у қизариб кетаётган эди. Жейн ҳам. Лекин уларни қизаришга мажбур қилганларнинг эса ранги ўзгармас эди.

Суҳбат осонлик билан бошланди. Янги келин онаси билан гаплашиб тўймас эди. Элизабетнинг ёнида ўтириб қолган Уикхем эса ўзининг хартфордширлик танишлари тўғрисида шунчалик бепарволик билан сўрар эдики, қиз унинг саволларига жавоб беришга ожиз қолди. Худди бу икки ёш ҳаётига соя соладиган ҳеч нарса бўлмагандек. Улар ҳеч нарсадан пушаймон эмас эдилар. Лидия эса суҳбат мавзусини, опалари ўлиб қолса ҳам яқин келмайдиган мавзуга бурмоқчи бўларди.

– Бу ердан кетганимга уч ой бўлибди! – хитоб қилди қиз. – Ўлай агар, менга эндигина икки ҳафта бўлганга ўхшайди. Лекин бу вақт ичида анча-мунча воқеалар бўлиб ўтди. Мен бу ердан жўнаб кетаётганимда, энди бу ерга эрли аёл бўлиб қайтаман, деган фикр хаёлимда ҳам йўқ эди. Тўғри, шундай бўлса роса қизиқ бўларди, деб ўйлардим.

Қиз бу гапларни айтаётганида отаси унга тикилиб қаради. Жейн ўзини ноқулай сеза бошлади, Элизабет эса Лидияга маъноли тикилди. У эса ўзига хос бўлган: агар хоҳламаса на кўрмайдиган, на эшитмайдиган тарзда гапини давом эттирди:

– Айтганча, онажон, бу ерда менинг эрга текканимни ҳамма биладими? Мен бу гап ҳаммага етиб бормаган бўлса, деб роса қўрқдим. Шунинг учун Уильям Голдингларнинг аравасини қувиб ўтаётганимизда у ҳам билсин деб, каретанинг ойнасини очиб узукли қўлимни чиқардим. Кейин унга таъзим қилдим, жилмайиб қўйдим ва ҳоказо.

Элизабетнинг сабр косаси тўлаётган эди. У сакраб туриб, хонадан чиқиб кетди ва ҳаммалари бошқа хонага ўтишмагунча у ерга қайтиб кирмади. У емакхонага кириб келганда, Лидия онасининг ўнг томонида ўтирган Жейнга қараб гапираётган эди:

– Жейн, сенинг ўрнингга энди мен ўтиришим керак, сен эса суриласан. Ахир мен турмушга чиққанман.

Вақти келиб Лидияда бир оз бўлса-да уят пайдо бўлади, деб умид қилиш қийин эди. Аксинча у баттарроқ сурбет ва манманга айланганди. У миссис Филипс, миссис Лукас ва бошқа қўшниларни тезроқ кўргиси ва уларнинг унга «миссис Уикхем» деб мурожаат қилишларини эшитгиси келиб кетаётганди. Ҳозир эса, ҳеч бўлмаганда хизматкорларга мақтаниб қўйиш учун ташқарига чиқиб кетди.

– Хўш, онажон, менинг эрим сизга ёқаяптими? – онасидан сўради қиз. – Ажойиб-а? Опаларимнинг менга роса ҳасадлари келяпти. Улар менда боринг ярмига эга бўлишса ҳам хурсанд бўлардим. Улар ҳам Брайтонга боришлари керак. Мана, қаердан эр қидириш керак! У ёққа бутун оиламиз билан боролмаганимиз учун ҳали ҳам ачинаман.

– Бўлмасам-чи! Агар менинг қўлимда бўлса, ҳаммамиз борган бўлардик. Лекин, Лидия, рости сен у

ердан қай ҳолда кетиб қолганинг менга ёқмади. Шундай қилиш шартмиди?

– Вой, албатта-да! Нима қилибди? Шуниси қизиқда! Энди, отам иккалангиз, опаларим бизни кўргани боришинглар керак. Биз бутун қиш бўйи Нью-каслда яшаймиз ва мен аминман, у ерда баллар бўлиб туради. Менга ишонинг, у ерда опаларимнинг ҳаммасига йигит етади.

– Энг хоҳлаётган нарсам ҳам ўзи шу!

– Уйга қайтаётганда опаларимдан бир-иккитасини бизникида ташлаб келсанглар бўлади. Ишонаверинг, қиш тугагунча мен уларга эр топиб бераман.

– Менга ғамхўрлик қилаётганинг учун хурсандман, – деди Элизабет. – Лекин сенинг эрга тегиш услубинг менга ёқмайди.

Ёш келин-куёвлар бу ерда фақат ўн кун бўлишлари режалаштирилган эди. Лондондан кетишлари олдидан мистер Уикхем у бириктирилган полкка икки ҳафтадан сўнг етиб бориши ҳақида кўрсатма олган эди. Уларнинг Лонгборнда бунчалик кам вақт бўлишларидан миссис Беннетдан бошқа ҳеч ким хафа бўлгани йўқ. Она-боланинг бутун вақтлари қўшниларинникига чиқиш ва ўз уйларига меҳмон чақириш билан ўтди. Уйларида доимо бегоналарнинг бўлиши, бирор нарса ҳақида жиддий хаёл сураётганлар учун ҳам, аксинча, ҳеч нарсани ўйлашни хоҳламаётганлар учун ҳам қулай бўлаётган эди.

Уикхемнинг хотинига муносабати худди Элизабет кутгандек эди. Бу муносабатни ҳатто Лидия эрига нисбатан ҳис қилаётган туйғу билан солиштириб ҳам бўлмасди. Уларга бир қарашнинг ўзиёқ, қочиш фикри Уикхемдан эмас, Лидиядан чиққанини тасдиқлаб турарди. Уикхемнинг пул ишларида анча муаммолари борлигини яхши билган Элизабет йигитнинг Лидияни севмай туриб, қандай қилиб бу ишга қадам қўйганини ҳеч тушуна олмаётган эди: Уикхем шундай ша-

роитда ҳам бирорта қизни йўлдан урадиган йигитлар тоифасидан эмасди.

Лидия эса Уикхемдан боши осмонда эди. У эрини «азизим Уикхем» деб аташ учун ҳар бир баҳонадан фойдаланаётганди. Қизнинг фикрича, у тенгсиз эди. Бир куни, иккала катта опаси билан ўтирган Лидия Элизабетга деди:

– Сен ҳали биз қандай турмуш қурганимизни билмайсан-а? Мен бошқа опаларимга, онамга айтиб бераётганимда сен чиқиб кетган эдинг. Қандай бўлганини сенга айтиб берайми?

– Йўқ, раҳмат, ҳожати йўқ. Бу нарсаларни қанчалик кам эсласак, шунча яхши.

– Вой, қизиқсан-а! Мен бари бир сенга айтиб бераман. Биз авлиё Климент черковида никоҳдан ўтдик, Уикхемнинг уйи ўша приходда. Ҳамма соат ўн бирда йиғилиши керак эди. Мен тоғам ва холам билан боришим, қолганлар эса бизни черковнинг олдида кутишларига келишилган эди. Душанба куни мен роса ҳаяжонландим – худди бир нима бўладигандек, худди тўйни қолдиришадигандек бўлди. Бунинг устига яна кийинаётганимда холамнинг менга ўргатиб ётган гаплари. Худди маъруза ўқиётгандек. Тўғриси, айтаётган гапларининг ўндан бирини тушунаётгандим. Ўзинг биласан, мен ўзимнинг азиз Уикхемим ҳақида ўйлаётгандим: унинг кўк мундир кийиш-киймаслиги мени қизиқтираётганди.

Шундай қилиб, соат ўнда, ҳар кунгидек нонушта қилгани ўтирдик. Очиғини айтишим керак, уларникида эканлигимда Гардинерлар менга жуда ёмон муносабатда бўлишди. Ишонасанми, икки ҳафтагача ҳеч қаерга чиқа олмадим. Ҳеч қаерга бормадим ва ҳеч ким келмади! Тўғри, Лондон бўм-бўш эди, лекин Кичик театр ишлаётган эди. Хуллас, ахири карета келганда, иш билан мистер Стоун чақириб қолди. Ўзинг биласан-ку, иккаласи топишса охири кўринмайди. Нима қилишни билмадим, жоним чиқиб кетаётганди, чунки ўша

куни кечиксак, бизни қабул қилишмасди. Бахтимга ўн дақиқалардан сўнг тоғам бўшади ва биз йўлга тушдик. Кейин хотирладим: ахир тоғам ушланиб қолса ҳам, унинг ўрнига мистер Дарси бор эди-ку.

– Мистер Дарси? – ҳайрон бўлиб қолди Элизабет.

– Ҳа, мистер Дарси. У Уикхем билан келиши керак эди. Вой, ёдимдан кўтарилибди: буни айтиш мумкин эмасди-ку! Сўз бергандим. Энди Уикхем нима дейди? Бу сир эди-ку!

– Агар бу сир бўлса, бошқа гапирма, – деди Жейн. – Мен сени айт, деб мажбурламайман.

– Ҳа, ҳа, – деди қизиқиб қолган Элизабет. – Биз сендан ҳеч нарсани сўрамаймиз.

– Раҳмат, қизлар, – деди Лидия. – Агар сўрасанглар ҳамма нарсани айтиб юборардим ва менинг азиз Уикхемимнинг роса жаҳли чиққан бўларди.

Савол беришдан ўзини зўрға ушлаётган Элизабет яхшиси узоқроққа кетишни маъқул кўрди. Лекин ҳеч нарсани билмай қолиш ҳам бўлмасди. Ҳеч бўлмаганда қандайдир бир янгиликни билмай ўтириш азобига чидаш қийин эди. Мистер Дарси унинг синглисининг тўйига келган! Бу айни у ёқтирмаган шароит ва у ёқтирмаган одамлар эди-ку! Бу нимани англатиши мумкин, деган турли-туман фаразлар унинг хаёлидан кетмай қолди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ҳақиқатга яқин эмасди. Унга хуш ёқадиган ва йигитни унинг назарида осмонга олиб чиқиб қўядиган сабаблар унга ишонарли эмасдек туюларди. Элизабет бу ноаниқликка ортиқ чидай олмади. Тезда қоғоз олиб, миссис Гардинердан, Лидиянинг оғзидан чиқиб кетган гапни тушунтириб беришни сўради:

«Бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бизнинг оилага бутунлай бегона бўлган бу одамнинг шундай пайтда сизлар билан бирга бўлишининг сабабини билиш мен учун қанчалик қизиқлигини тасаввур қилаётган бўлсангиз керак, – дерди Элизабет. – Илтимос, Худо

ҳақи, агар Лидия айтгандек бу сир бўлмаса, менга гап нимадалигини тушунтириб беринг. Бўлмаса, мен жуда азобда қоламан».

«Ҳеч ҳам-да, – хатни тугатаётган Элизабет ўзига-ўзи деди. – Агар бор гапни яхшилик билан айтмасангиз, билиб олиш учун шунақа айёрлик қиламан…»

Жейннинг ўта одоблилиги унинг Элизабет билан Лидия айтган гаплар тўғрисида гап бошлашига йўл қўймади. Бунинг учун Элизабет ундан миннатдор бўлди. Ҳамма гап маълум бўлмагунча, буни ҳеч ким билмагани маъқул.

X БОБ

Элизабетнинг бахтига жавоб хати жуда тез келди. Хатни олиши билан қиз уни топишлари мушкул бўлган дарахтзор орасига кириб кетди-да, бахтли дақиқалардан олдиндан ҳузур қилиб ўриндиқлардан бирига ўтирди. Хат жуда узун бўлиб, унинг қизиқишини қондирувчи фақат рад жавоби эмасди.

«Грейс-чёрч-стрит, 6 сентябрь.

Азиз жияним.

Ҳозиргина сенинг хатингни олдим. Сенга айтмоқчи бўлган нарсаларимни бир неча қаторга сиғдира олмаслигимни билганим учун жавоб ёзишга бутун эрталабки вақтимни қурбон қилдим. Бўйнимга оламан, сенинг хатингни кутмагандим. Илтимос, хатинг мени хафа қилди, деб ўйлама, фақат менга шундай савол берасан, деб ҳеч кутмагандим. Мени тушунмасликни афзал кўраётган бўлсанг, унда мени бефаросатлик қилганим учун кечир. Тоғанг мендан ҳам баттар ҳайрон – фақат бўлаётган ишларда сенинг қўлинг бор, деган фикргина, у қилган ишларни қилишга ундаганди. Лекин ростдан ҳам сенинг ҳеч

нарсадан хабаринг бўлмаса ва ҳеч нарсага қўл урмаган бўлсанг, мен сенга аниқроқ қилиб тушунтириб бераман. Мен Лонгборндан қайтиб келган куним бизникига кутилмаган меҳмон келган экан. Мистер Дарси тоғанг билан бир неча соат ёлғиз гаплашишибди. Мен келганимда уларнинг суҳбати тугаб қолган экан, шунинг учун мен нима гаплигига қизиқмадим. Унинг бизникига келишдан мақсади мистер Гардинерга синглинг билан Уикхемнинг қаердалигини топганини билдириб қўйиш экан. У ёшлар билан аллақачон кўришиб, Лидия билан бир марта, Уикхем билан эса бир неча марта гаплашиб ҳам бўлган экан. Мен, тушунишимча, биз кетган куннинг эртасигаёқ у Дербиширдан кетиб, қочоқларни топиш учун Лондонга келган. Ўзининг хатти-ҳаракатини у ўзини деб Уикхемнинг пасткашлиги ҳаммага очиб ташланмаганини, акс ҳолда ёш қизлар у билан қизиқишмаган бўларди, деб тушунтирди. Бўлиб ўтган ҳодисанинг сабаби ўзининг сохта мағрурлиги эканлигини айтиб, унгагина тегишли бўлган ҳолатни ҳаммага очишни ўзига эп кўрмаганини тан олаяпти. Одамлар ким билан мулоқотда бўлаётганларини билишлари керак экан. Шунинг учун мистер Дарси бу ишга аралашиб, унинг беэътиборлиги орқасида сизларга етказилган зарарни қоплашни ўзининг бурчи, деб билибди. Агар бунинг яна бир бошқа сабаблари бўлса ҳам, мен бунинг учун ундан гина қилиш керак, деб ўйламайман. У қочоқларни шаҳарда қидириб топгунча бир неча кун ўтибди. Унга қидиришда бизга номаълум бўлган бир қанча ҳолатлар ёрдам берибди. Бир пайтлар мисс Дарсига гувернантка бўлган, кейин нима учундир ишдан ҳайдалган (мистер Дарси нима учунлигини айтишни лозим кўрмади) миссис Янг исмли аёл бор экан. Ўша аёл Эдвард-стритда яшар ва уйини ижарага бериб, кун кўрар экан. Мистер Дарсининг айтишича, бу аёл Уикхемни яхши танир экан. Шунинг учун у шаҳарга келиши билан ўша аёлники-

га борибди, лекин ундан бирор нарсани билиб олгунича икки-уч кун кетибди. Менимча, у қочоқларнинг қаердалигини яхши билган, лекин яхшигина пул ундирмагунча айтишга рози бўлмаган. Ҳақиқатан ҳам, Уикхем Лондонга келишлари билан уникига борган, агар бўш хона бўлса, ўша ерда қолишни режалаштирган. Хуллас, дўстимиз бир амаллаб бу аёлдан ўзига керакли ахборотни суғуриб олган. Маълум бўлишича, ёшлар ...стритда яшаётган эканлар. Мистер Дарси аввал Уикхем билан кўришган, кейин эса Лидия билан гаплашган. Унинг айтишича, Лидияни агар ота-онаси рухсат берган тақдирда уйга қайтишга кўндирмоқчи бўлган ва ўз ёрдамини аямаслигини айтган. Лидия эса қарори қатъийлигини, унинг қариндошлари билан қиладиган иши йўқлигини,Уикхемдан ажралишни, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаслигини айтиб, унинг ёрдамидан ҳам воз кечибди. Лидия эртами, кечми бари бир Уикхем билан, албатта, никоҳдан ўтишларига ишонишини айтибди. Унинг гапларидан келиб чиқиб, мистер Дарси энди никоҳ масалаларини ҳал қилиш кераклигига ва иложи борича буни тезлаштиришга қарор қилибди. Уикхем билан биринчи марта гаплашгандаёқ уйланиш йигитнинг хаёлида ҳам йўқлигини, полкдан кетишига сабаб қарзлари эканлигини айтиб, қочиш фикри Лидиядан чиққан, деб унга тўнкаб қўя қолибди. У истеъфога чиқмоқчи экан ва келажагини ҳали ҳал қилмаган экан. Қаергалиги ҳали номаълум, қаергадир кетишни режалаштираётган экан. Унинг гапларидан, яшаш учун ҳеч вақоси йўқлиги аниқ экан. Мистер Дарси ундан нима учун Лидия билан дарров никоҳдан ўтишмаганининг сабабини сўрабди. Мистер Беннетни жуда бой деб бўлмаса ҳам, Уикхемга фойдаси тегиши мумкин эди ва унинг Лидияга уйланиши мавқеига ҳам таъсир қилиши мумкин эди. Уикхемнинг жавобларидан у янги жойда уйланиб, шунинг орқасидан ишларини йўлга қўйиб олишни ре-

жалаштиргани маълум бўлибди. Бу аҳволида унга қилинаётган, Уикхемнинг ҳамма ишлари бирданига ҳал қилиниши мумкин бўлган таклифдан воз кечиш қийин экан. Улар бир неча маротаба учрашишди – ҳал қилинадиган муаммолар жуда кўп экан. Ўрталарида ҳамма нарса келишиб олиниши биланоқ, мистер Дарси бу хабарни етказиш учун мен сизларникидан келган куним, бизникига келибди. Лекин ўша куни мистер Гардинер уйда эмасди. У хизматкордан отанг шу ердалигини, эртаси куни эрталаб кетмоқчи эканлигини эшитган. Отанг билан суҳбат мистер Гардинер билан бўлгандек осон бўлмаслигини ўйлаб, у отанг кетгандан кейин келишга қарор қилиб жўнаб кетган. У ўз исмини айтмагани учун, ким келиб кетганини ҳеч ким билмаган. Шанба куни яна келган. Бу пайтга келиб отанг йўқ эди, тоғанг уйда бўлган ва юқорида айтиб ўтганимдек иккаласи ўртасида узоқ суҳбат бўлиб ўтган. Якшанба куни у яна келган, мен ҳам уни ўша куни кўрдим. Улар фақат душанба кунигина нима қилишни ҳал қилишди ва ўша заҳоти Лонгборнга чопар юборилди. Меҳмонимиз жуда қайсар экан. Лиззи, менимча, унинг табиатидаги салбий жиҳати айни шу қайсарлиги бўлса керак. Ҳар хил пайтларда унга ҳар хил салбий сифатларни ёпиштиришган. Лекин унда айни ўжарлик бор. Унингча, қилиниши керак бўлган нарсаларни фақат ўзи қилиши керак, мен аминманки (бу гапни миннатдорлик талаб қилиб айтаётганим йўқ), тоғангнинг ўзи ҳам бу ишларни ҳал қила олган бўларди. Улар бу ҳақда жуда кўп тортишишди (бу гаплар тегишли бўлган одамлар бунга арзимаса ҳам). Ниҳоят, тоғанг ён беришга мажбур бўлди ва жиянига ёрдам бериш ўрнига, ўзи хоҳламаган тарзда фақат яхшилик қилаётган (аслида, ундай бўлмаса-да) одамдек туриб берадиган бўлди. Бугун эрталаб сендан олинган хат уни жуда хурсанд қилди, чунки хатда талаб қилинаётган тушунтириш уни

ўзи қилмаган яхшилиги учун эшитажак миннатдорчиликдан қутқарар ва бу миннатдорчиликни тегишли одамга йўналтирар эди. Лекин, азизам Лиззи, бу хатни ҳеч ким, жуда бўлмаганда Жейндан ташқари ҳеч ким билиши керак эмас. Сен, албатта, куёв билан келин учун нималар қилинганини жуда яхши билишинг керак. Уикхемнинг минг фунтдан ҳам ошиб кетган қарзини тўлаш керак эди. Яна минг фунт ўзиникига қўшиб Лидиянинг номига ўтказилди. Куёвга патент сотиб олинди. Мистер Дарси нима учун бу ишларни қилаётганининг сабабини мен сенга юқорида айтиб ўтдим. Фақат унинг айби билан, унинг ҳеч нарса қилмагани ва узоқни кўра олмагани сабаблигина одамлар Уикхемнинг ҳақиқатда қандай одамлигини билмай қолишган. Балки, бу гаплар ростдир. Лекин азизам Лиззи, ишончинг комил бўлсинки, агар тоғанг бу ерда бошқа бир гап бор деб фараз қилмаганда, ўла қолса ҳам бу шартга рози бўлмасди. Ҳамма ишлар ҳал бўлгандан сўнг, мистер Дарси ҳали Пемберлида бўлган дўстларининг ёнига қайтиб кетди. Лекин никоҳ куни қолган пул масалаларини ҳам ҳал қилиб олиш учун яна Лондонга келадиган бўлди. Менимча, сенга ҳамма нарсани айтиб бўлдим, шекилли. Хатингдан тушунишимча, бу гаплар сени роса ажаблантирса керак. Ҳар ҳолда, норози бўлмайсан, деб умид қиламан. Лидия бизникига кўчиб келган эди ва Уикхемга ҳам бемалол кириб-чиқишга рухсат берилган. У Хартфордширда қандай бўлган бўлса, ўшандай, ҳеч ҳам ўзгармаган. Агар Жейннинг ўтган чоршанбадаги хати бўлмаганда мен сенга бу тўғрисида ҳеч нима демасдим. Гап Лидиянинг ўзини тутиши ҳақида. У Лонгборнда ўзини қандай тутаётган бўлса, бу ерда ҳам шундай бўлди. Мен унга ўзини шундай тутиши орқасида оиласи бошига тушган шармандаликни, бундай қилиқлари тарбиясизликдан дарак беришини ҳар қанақасига тушунтиришга уринмай, фойдаси бўлмади. Агар сал

бўлса ҳам фойдаси бўлганда хурсанд бўлардим, йўқ, у ўзини эшитмаганга солади. Бир неча марта жоним чиқиб кетди. Лекин шундай ҳолларда ўзимнинг Элизам ва Жейн жиянларимни эслаб, сабр қилишга ҳаракат қилдим. Мистер Дарси шартлашилган вақтда етиб келди ва сен Лидиядан эшитганингдек, никоҳ маросимида қатнашди. Эртаси куни у бизникида тушлик қилди ва чоршанба ёки пайшанба куни Лондонга жўнаб кетадиган эди. Лиззи, азизам, вақтдан фойдаланиб (шу кунгача ҳеч ҳаддим сиғмаётган эди), менга мистер Дарсининг қанчалик ёққанини айтиб қўймоқчиман. Унинг биз билан ўзини тутиши Дербиширда қандай бўлган бўлса, худди шундай эди. Мистер Дарсининг дунёқарашлари ва ақли, менимча, жуда кенг. Унга етишмаётган нарса фақат ҳаракатлари сустлигида, агар яхши умр йўлдоши учраса, бу тузатса бўладиган одат. У менга сал писмиқроқ бўлиб туйилди – сенинг исмингни бирор марта ҳам тилига олмади. Лекин ҳозир ҳамма шунақа шекилли. Худо ҳақи, илтимос, подадан олдин чанг чиқараяпти, деб мендан ранжима. Мен Пемберлига келганимда жилла қурса юзимга эшикни ёпиб қўядиган даражада ранжима. Бўлди, бошқа ёза олмайман – болаларимга қарашим керак.

Ҳурмат билан М.Гардинер».

Бу хат Элизабетнинг кўнглида ғалаён кўтарди. Бу ғалаён ҳам қувончдан, ҳам аламдан эди – қайси бири кўпроқлигини ўзи ҳам тушунмасди. Мистер Дарсининг унинг синглисининг турмушга чиқишидаги ўрни тўғрисида қизнинг олдинги (ҳатто ўйлашга ҳам ҳадди сиғмаётгани) ноаниқ тахминлари бутунлай тасдиқланди! У одатда бундай шароитларда бўладиган ҳамма кўнгилсизликларга, камситишларга чидашни бўйнига олиб, уларни қидириб Лондонга келган. Ўзи кўришни ҳам истамаган, номини тилга олишдан нафратланадиган инсон билан бир эмас, бир неча марта кўри-

шиб, унга пора бериб сотиб олган. Буларнинг ҳаммасини ўзи на ҳурмат қилмайдиган, на қадрига етмайдиган қиз учун қилдими? Элизабет юраги булар ҳаммаси унинг учун қилинганини айтиб турарди. Лекин қиз ҳозирги шароитида йигитнинг бир пайтлар унга рад жавоби берган қизга бўлганчалик муҳаббатга умид қилишга ҳаққим йўқ, деб ҳисоблагани учун, унинг юқоридаги тахмини нотўғри, деб ҳисобларди. Бунинг устига мистер Дарси Уикхем билан қариндошчилик қилиш тўғрисида ўйлашнинг ўзиданоқ кўнгли кетса керак? Уикхемнинг божаси! Сал ғурури бор одам бундай қариндошчиликдан бош олиб қочган бўларди. Тўғри, у жуда кўп нарсани ҳал қилди. Қиз бунинг қанчалигини тасаввур қилишга ҳам уялаётган эди. Лекин у аралашувининг сабабини (ишонса бўладиган) тушунтирди-ку. Гўёки, ўзини айбдор деб ҳисоблаётгани тўғрига ўхшайди. У сахий эди ва буни исбот қилиш учун шароит бўлиб қолди. Элизабет бу ишларда йигитнинг илгариги унга бўлган муносабати асосий сабаб, деб ўйламаётган эса-да, бу муносабатлардан қолган заррагина қисми ҳам ўзининг руҳий тинчлиги боғлиқ бўлган ўша ишга бош қўшишга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Қутулишинг амримаҳол бўлган одамдан қанча нарсада қарздор эканлигингни ҳис қилиш қандай оғир, қанчалик аламли! Лидияни, унинг ор-номусини қутқарган одам – шу! Элизабет ҳозир йигит ҳақида ўйлаган ҳар бир ёмон фикри учун, унга айтган ҳар бир ёмон гапи учун шунчалик афсус қилаётган эди! Ўзини ерга урилгандек ҳис қилаётганди. Лекин шу билан бирга йигит билан ғурурланаётган ҳам эди, чунки у олиҳимматлик ва мардликда йигит кутганидан ҳам аъло эди. Қиз миссис Гардинернинг йигит ҳақида айтган жойларини қайта-қайта ўқиди. Йигитнинг ўзига нақадар азизлигини ҳис қилди. Миссис Гардинернинг унинг мистер Дарси билан ўзаро бир-бирларига кўнгли бор, деб ишонч билан айтган гапларидан ҳатто хурсанд ҳам бўлди.

Қизнинг хаёлини орқасидан эшитилган қадам товушлари бўлди. У сакраб туриб кетаётганда орқасидан Уикхем етиб келди:

– Сизнинг ёлғиз сайр қилишингизга халақит бердимми, деб қўрқаман.

– Ростдан ҳам, – кулиб жавоб берди Элизабет. – Лекин бу бевақт дегани эмас.

– Ростдан шундай бўлса, мен жуда хафа бўлган бўлардим. Ахир биз яқин дўст эдик-ку, энди эса ундан ҳам яқинмиз, шундай эмасми?

– Ҳа, албатта. Кимдир яна айланишга чиққанми?

– Билмадим. Лидия миссис Беннет билан Меритонга кетишди. Демак, мен мистер ва миссис Гардинерларнинг гапларидан тушунишимча, сиз Пемберлига борибсиз-а?

Элизабет бу гапни тасдиқлади.

– Менинг сизга ҳавасим келаяпти. Лекин менга у ёққа бориш оғир бўларди – бўлмаса Ньюкаслга кетаётганимда кириш мумкин эди. Кекса хизматчи аёлни кўрдингизми? Бечора Рейнолдс, мени шунақа яхши кўрарди! У албатта, мен ҳақимда сизга ҳеч нарса демаган бўлса керак?

– Йўқ, деди.

– Нима деди?

– Армияга хизматга кирганингизни ва яна у ерда ўзингизни яхши тутмаганингизни айтди. Биласизми, узоқда бўлганда баъзи гаплар бошқача етиб боради.

– Ҳа, рост, – деди йигит лабларини тишлаб.

Элизабет йигитнинг оғзини юмдим, деб ўйлади. Лекин йигит яна гапиришда давом этди:

– Мен яқинда Лондонда Дарсини кўриб ҳайрон бўлдим. Биз бир неча марта учрашдик. Қизиқ, у Лондонда нима қилаётган экан?

– Балки мисс де Бёр билан тўйларига тайёргарчилик кўраётгандир? – сўради Элизабет. – Бу пайтда у шаҳарга келиши учун унча-мунча сабаб бўлмаса керак.

– Ҳа, албатта. Лэмтонга борганингизда сиз уни кўрдингизми? Гардинерларнинг айтганларидан мен кўргансиз, деб тушундим.

– Ҳа, у мени синглиси билан таништирди.

– Синглиси сизга ёқдими?

– Жуда ҳам.

– Мен ҳам икки йил ичида у жуда ўзгарган, деб эшитдим. Қизни охирги марта кўрганимда, ундан умид йўқ эди. Сизга ёққанидан жуда хурсандман. У кейин ҳам шундайлигича қолади, деб умид қиламан.

– Менинг бунга ишончим комил. Ахир унинг учун хавфли бўлган даврлар орқада қолди, тўғрими?

– Кимтон қишлоғига бормадингизми?

– Бундай номни эшитганим йўқ.

– Мен сўраганим, у айни мен сизга айтганим, мен умид қилган приход. Ажойиб жой! Пасторнинг уйи ҳам зўр! Мен учун ҳозир жуда яхши бўларди!

– Ваъзлар айтган бўлармидингиз?

– Маза қилиб! Ҳаётим мазмунига айланган бўларди; ўрганиб олгандан сўнг енгил бўларди. Шикоят қилиш яхши эмас, лекин гоҳ-гоҳ ўйлаб қўясан-да – зўр бўлган бўларди, деб! Тинчлик ва ёлғизлик – мана шулар ҳақиқий бахт бўлса керак. Аммо, бунинг иложи йўқ. Кентда бўлганингизда Дарси сизга буларни айтмадими?

– Дарсидан камроқ билмайдиган одамдан приход сизга шартли равишда қолдирилганини эшитдим. Охирги қарорни чиқариш ҳозирги хўжайиннинг қўлида экан.

– Ҳа-а-а, мана гап нимада! Ҳа, бу бир томондан тўғри. Менимча, бир пайт гаплашиб қолганимизда мен буни сизга айтгандим.

Элизабет йигитдан тезроқ қутулиш учун тез-тез юрганидан улар бу пайтда уйнинг олдига келиб қолишганди. Синглисига ачингани учун йигит билан орани бузишни истамай, Элизабет унга қараб кулиб, деди:

– Менга қаранг, мистер Уикхем. Биз энди ака-сингилдекмиз. Ўтган гапларни эсламайлик. Келажакда эса, ҳамма нарса тўғрисида бир хил ўйлаймиз, деб умид қиламан.

Қиз қўлини Уикхемга узатди. У эса кўзини қаёққа олиб қочишни билмай, қиз қўлини ўпиб қўйди-да, иккалалари уйга киришди.

XI БОБ

Мистер Уикхем Элизабет билан бўлиб ўтган суҳбатдан шунчалик қониққан эдики, қизга энди ўзининг ачинарли тақдири тўғрисида бошқа гапирмади. Қиз ҳам унинг овозини биратўла ўчириш учун ҳамма гапини айтиб олганидан хурсанд эди.

Тез орада ёшларнинг жўнайдиган куни ҳам етиб келди. Миссис Беннет уларнинг бу ерда бўлиши, эри Ньюкаслга бориш тўғрисида эшитишни ҳам хоҳламаётгани учун, камида бир йилга чўзилади, деб умид қилаётгани учун уларнинг кетишларига зўрға кўнишга мажбур бўлди.

– Лидия, жоним, – хитоб қилди миссис Беннет. – Энди сени қачон кўраман?

– Мен қаёқдан биламан? Балки, икки, балки уч йилдан кейиндир.

– Азизам, менга тез-тез хат ёзиб тур.

– Иложи бўлса. Эрли хотинларнинг хат ёзишга вақти бўлмаслигини билсангиз керак. Яхшиси, менга опаларим кўпроқ ёзиб туришсин. Уларнинг қиладиган иши йўқ-ку!

Мистер Уикхем қариндошлар билан қуюқ хайрлашди. У ҳаммага кулиб қараб, чиройли сўзлар айтди.

– Бу йигит мен умрим давомида кўрган энг зўр йигит, – улар жўнаб кетиши билан деди мистер Беннет. – Тиржаяди, ҳиринглайди, ҳамма билан ҳазиллашади! Мен у билан фахрланаман. Менимча, ҳатто Уильям Лукас ҳам бундай куёвни туғдира олмасди!

Қизининг жўнаб кетиши миссис Беннетни бир неча кунга издан чиқарди.

– Мен дунёда азиз одаминг билан айрилиқдан ёмон нарса бўлмаса керак, деб кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим, – дерди у. – У ёнингда бўлмаса ҳамма ёқ бўшаб қолганга ўхшайди.

– Мана, қизининг эрга тегиши нимага олиб келар экан, – деди Элизабет. – У ҳолда бошқа қизларингиз ёнингиздалигидан хурсанд бўлишингиз керак.

– Ҳеч ҳам-да! Лидия эрга теккани учун узоққа кетмади, Уикхемнинг полки бошқа ёқда бўлгани учун кетди. Полк яқинроқда бўлганида у кетмаган бўларди.

Миссис Беннетни бу ҳолга солган воқеа аста-секин ўз кучини йўқота бошлади ва миссис Беннет яқингинада эшитгани янгилик сабаб яна умид қила бошлади: Незерфилднинг хизматкори икки-уч кундан кейин шу ерларда ов қилиш учун отланган хўжайинининг келишига уйларни тайёрлаб қўйиши керак эмиш. Миссис Беннет яна тинчини йўқотди. У дам ўтмай Жейнга қараб жилмаярди.

– Демак, сингилжон, мистер Бингли қайтиб келаётган экан-да? – уларга янгиликни миссис Филипс етказган эди. – Жуда ҳам яхши. Менга бари бир, чунки у биз учун ҳеч ким эмас, мен уни кўришни хоҳлаётган ҳам эмасдим. Лекин унинг Незерфилдга қайтиши, яхши бўлибди. Нималар бўлиши мумкин, ким билади? Аммо биз бу ҳақда ҳеч гаплашмаймиз, деб келишганмиз-ку. Унинг келишига ўзинг ишонаяпсанми?

– Менга бемалол ишонишинг мумкин, – деди синглиси. – Кеча миссис Николс Меритонга борганди. Унинг ўтиб кетаётганини кўриб, сўрагани олдига югуриб бордим. У бу гапларнинг ростлигини айтди. Мистер Бингли чоршанбами, узоғи билан пайшанбами куни келармиш. Миссис Николснинг айтишича, чоршанба кунига гўшт буюриб қўйиш учун қассоб олдига кирибди. Бахтига жуда етилган олтита ўрдак бор экан, роса хурсанд бўлибди.

Мистер Бинглининг келиши ҳақидаги хабардан мисс Беннетнинг юзлари қизариб кетди. Элизабет билан суҳбатда унинг номини охирги марта тилга олганидан бери бир неча ой ўтиб кетган эди. Ҳозир синглиси билан иккаласи ёлғиз қолишганда у Элизабетга деди:

– Холам бу янгиликни айтганида менга қараб қўйганингни сездим. Сенга кайфиятим бузилгандек бўлиб кўрингандирман. Бу мистер Бингли билан боғлиқ, деб ўйламагин. Шунчаки, ҳамма менга ўгирилиб қарагандек бўлиб туйилди. Бу янгиликдан мен хурсанд ҳам, хафа ҳам бўлганим йўқ. Яхшиям унинг бир ўзи келаётган экан – у билан учрашиб қолишга тўғри келмайди. Бундан қўрқмайман, шунчаки ҳар хил тагдор гаплар бўлишидан қўрқаман.

Элизабет нима деб ўйлашни ҳам билмас эди. Агар мистер Бинглини Дербиширда учратмаганида эди, уни ростдан ҳам ҳозир ов қилгани келаяпти, деб ишонса бўларди. Лекин Дербиширда у ҳали ҳам опасини севадиганга ўхшаб кўринганди. Шунинг учун у ҳозир нима деб ўйлашга қийналар эди: дўстининг маслаҳати билан келаяптими ёки ўзи ҳаракат қилишга қарор қилдимикин?

«Бечорага роса қийиндир – қонунан ўзиники бўлган уйга ғийбатлардан қўрқиб кела олмаяпти. Менга қолса, хоҳлаганини қилмайдими!»

Жейн мистер Бинглининг қайтиб келаётгани тўғрисидаги хабар унинг учун бари бир, деб айтаётган бўлсада, Элизабет унинг ҳаяжонланаётганини сезиб турарди. Унинг ҳар бир ҳаракатида одатда қизга хос бўлмаган асабийлик, бетоқатлик сезилаётган эди.

Қизларнинг ота-оналари ўртасида эса бир йил илгари роса муҳокама қилинган мавзу яна кундалик муаммога айланганди:

– Азизим, мистер Беннет, мистер Бингли келиши билан сиз албатта уни бориб кўришингиз керак, – деди миссис Беннет.

– Кечириб қўясиз! Ўтган йили бунинг учун у қизларимиздан бирига уйланади, деб ваъда берган эдингиз. Лекин, кўриб турганингиздек, ҳеч нарса бўлмади. Мен энди бу гапингизга учмоқчи эмасман.

Хотини мистер Бинглининг келганини ҳамма қўшнилар йўқлаши керак, деб бир амаллаб эрини кўндиришга уринди.

– Шунақа одатларни ҳеч жиним суймайди! – рад қилди эри. – Агар Бингли биз билан кўришгиси келаётган бўлса, ўзи келиб кўрсин. Биз қаерда яшашимизни у жуда яхши билади. Ҳар бир қўшнининг келгани-ю кетганини йўқлайвериш учун менинг бекорчи вақтим йўқ.

– Бўпти, демак бормайсиз. Лекин у ҳолда ўзим уни уйимизга таклиф қиламан. Яқинда бизникига Голдинглар билан миссис Лонг келишмоқчи эди. Ҳаммамиз билан ўн учта одам бўлар экан – унинг учун ҳам битта ўрин бор.

Ўзи қабул қилган бу қарор миссис Беннетга эрининг қўполлигини ютиб кетишига ёрдам берди. Шундай бўлса-да, эрининг бу рад жавоби деб, қўшнилари ундан олдин йигит билан кўришишлари аёлга алам қилаётган эди.

– Мен унинг келишини ҳеч хоҳламаётгандим, – деди Жейн синглисига. – Мен учун борди-келдиси йўқ – у билан ҳеч нарса бўлмагандек бемалол гаплаша бераман. Лекин бўладиган гап-сўзлардан қўрқаяпман. Онамиз менга ёмонлик соғинмаяпти, тушунаман. Лекин унинг гаплари мени қанчалик эзишини у тушунмаяпти, буни ҳеч ким тушунмайди. У тезроқ қайтиб кетса эди, мен яна бемалол бўлардим.

– Сени жуда овутгим келаяпти, лекин қўлимдан келмайди. Мен сенга ҳатто одатда бундай вазиятларда айтиладигандек «бир оз чида», ҳам дея олмайман, чунки шундоқ ҳам қанча нарсага чидаяпсан.

Мистер Бингли келди. Миссис Беннет хизматкорлар ёрдамида бундан тезда хабар топди ва уни қачон

меҳмонга чақирса қулай бўларкин, деб ҳисоблай бошлади. Унинг йигитни олдинроқ кўришга умиди йўқ эди. Лекин йигит Хартфордширга келганининг учинчи куни у ётоқхонасининг деразасидан йигитнинг отда уларнинг уйлари томон келаётганига кўзи тушди. Суюниб кетганидан қизларининг ҳаммасини дераза олдига чақирди. Жейн стол олдидан туришни хоҳламади. Лекин Элизабет онаси хурсанд бўла қолсин деб деразадан ташқарига қаради-да, Бинглининг ёнида мистер Дарси ҳам борлигини кўриб, опасининг ёнига келди.

– Унинг ёнида қандайдир йигит ҳам бор. Онажон, у ким бўлиши мумкин? – сўради Китти.

– Бирорта танишидир-да, қизим, мен қаёқдан биламан.

– Вой! – қичқириб юборди Китти. – Менимча, у олдин доим мистер Бингли билан юрган жентельмен-ку! Мистер... нима ҳам эди-я... бўйлари баланд, кеккайган...

– Вой Худойим! Мистер Дарси! Онт ичаман, ўша. Нима қилдик, биз мистер Бинглининг дўстларини, ким бўлишидан қатъи назар, кутиб олишдан хурсандмиз. Лекин очиғини айтсам, улар дўст бўлишмаганда Дарсининг кўринишининг ўзиданоқ ғазабим қайнаб кетган бўларди.

Жейн таажжуб ва ҳамдардлик билан Элизабетга қараб қўйди. У Дербиширда бўлиб ўтган воқеалардан деярли бехабар эди. Шунинг учун йигит ўша эсда қоладиган мактубини берганидан кейин Дарсини, унинг назарида эндигина кўраётган синглисининг аҳволини жуда яхши тушуниб турарди. Иккала қизнинг аҳволи жуда ачинарли эди. Иккаласининг дарди тўлиб-тошган ва бир-бирларига раҳмлари келаётган эди. Шунинг учун улар оналарининг мистер Дарсига унинг бефарқлиги, у билан фақат мистер Бинглининг дўсти бўлгани учунгина юмшоқ муносабатда бўлмоқчилиги тўғрисида айтаётган гапларини эшитишмади. Элизабетнинг

хавотир бўлишига опаси ҳали бехабар бўлган сабаб бор эди. У ҳали опасига миссис Гардинердан олган мактубини кўрсатишга улгурмаган ва ўзининг мистер Дарсига нисбатан муносабати ўзгарганини ҳам айтмаган эди. Жейн учун у синглиси севгисини рад қилган ва фазилатларининг тўла қадрига етмаган бир йигит эди, холос. Лекин Элизабет кўпроқ нарсани биларди. У йигит қиёфасида уларнинг оиласига беқиёс яхшилик қилган дўстни кўраётган ва унга нисбатан балки Жейн Бинглига нисбатан ҳис қилаётган туйғулардан ҳам нозикроқ бир туйғуни ҳис қиларди. Унинг келиши, Незерфилд ва Лонгборнда пайдо бўлиши, қиз билан учрашишга очиқдан-очиқ интилиши – булар ҳаммаси Дербиширда унинг ўзини тутиши қизни қанчалик ҳайрон қолдирган бўлса, ҳозир ҳам шунчалик ҳайрон қолдираётган эди.

Қиз йигитнинг унга нисбатан бўлган севгиси ўзгармагани ва қиз юрагини забт қилиш истаги сўнмаганини ўйлаганда унинг юзларида чиройли кулги жилваланди ва ёноқларига қизиллик югурди. Лекин шу билан бирга у бекорга умид қилишни ҳам хоҳламасди.

«Олдин кўрайлик-чи, у ўзини қандай тутаркин, – ўз-ўзига деди қиз. – Орзу қилишга ҳали улгурамиз».

Элизабет худди тикаётган ишига берилгандек, ичидаги ғулғулани тинчитишга уриниб ва кўзларини кўтаришга ҳам ҳадди сиғмай ўтирар эди. Эшик тагида қадам товушларини эшитиб, ёнида ўтирган опасига қараб қўйди. Жейн бир оз ранги оқарган, лекин Элизабет кутгандан анча хотиржамроқ кўринарди. Меҳмонлар кириб келишганда, у қизариб кетди. Лекин шунга қарамай меҳмонларни хотиржам кутиб олди ва унинг ўзини тутишида на араз ва на керагидан ортиқ хушмуомалалик бор эди.

Элизабет меҳмонларнинг ҳар бири билан меҳмондўстлик одатлари қандай талаб қилса, шундай даражада сўрашди ва тикишини давом эттирди. Фақат бир мартагина бошини кўтариб, Дарсига қарашга юраги

дов берди. Йигит одатдагидай жиддий эди ва қиз унинг ҳозир у Пемберлидаги Дарси эмас, у биринчи марта Хартфордширда кўрган Дарсига ўхшаётганини сезди. Балки у қизнинг онасининг олдида ўзини унинг тоғаси ва унинг хотини олдида тутгандек тута олмаётгандир? Бундай тахмин, қанчалик ёқимсиз бўлмасин, ростга ўхшарди.

Қиз Бинглига ҳам бир назар ташлашга улгурди – у жуда бахтли ва ҳаяжонланаётганга ўхшарди. Миссис Беннет йигитни жуда эҳтиром билан қарши олди. Қизлар эса оналарининг йигитнинг дўсти билан қуруққина сўрашиб қўйганидан хижолат бўлишди. Айниқса, онаси энг яхши кўрган қизини шармандаликдан қутқарган Дарсидан миннатдор бўлиши кераклигини яхши билган Элизабет жуда ноқулай аҳволда эди.

Дарси қизариб кетган қиздан мистер ва миссис Гардинерларнинг саломатликлари тўғрисида сўради ва Элизабет унинг саволига зўрға жавоб қайтаргач, бошқа оғзини ҳам очмади. Қиз билан йигит бир-бирларидан анча узоқда ўтиришарди ва йигитнинг жимлигини шу билан тушунтириш мумкин эди. Лекин Дербиширда ҳаммаси бошқача эди. У ерда қиз билан гаплаша олмаса, унинг ёнидагилар билан гаплашарди. Бу ерда эса йигит овози ҳам чиқмаётган эди. Юраги қизиб кетаётган Элизабет унга ўғринча қараб қўйганда у гоҳ қизга, гоҳ Жейнга қараётган ёки шунчаки ер чизиб ўтирган бўларди. Дарсининг саросималаниши ва олдинги сафардагидек қизга ёқишга ҳаракат қилмаётганининг сабаби маълум эди. Қизнинг орзулари чил-чил синган ва ўзидан ўзи нафратланиб кетаётган эди.

«Нимани кутаётгандим ўзи? – қиз ўзидан сўради. – Унда нега бу ерга келди?»

Қиз ҳеч ким билан гаплашгиси келмаётган, йигитга гапиришга эса ҳадди сиғмаётган эди. Мисс Дарсининг соғлиғини сўрашдан бошқа ҳеч нарса унинг хаёлига келмади.

– Бу ердан кетганингизга жуда кўп бўлди-а, мистер Бингли? – деб қўйди миссис Беннет.

Мистер Бингли бошини қимирлатиб қўйди.

– Мен сиз энди қайтиб келмасангиз керак, деб ўйлай бошлагандим. Сизни Михайлово кунигача ижарадан бош тортади, дейишаётган эди. Бундай бўлмас, деб умид қиламан. Сиз йўқлигингизда шунча янгиликлар бўлди! Мисс Лукас турмушга чиқди ва энди ўзининг уйида яшаяпти. Менинг қизларимдан бири ҳам. Эшитган бўлсангиз керак – бу ҳақда газеталарда ҳам ёзишган эди, ўқигандирсиз. «Курьер» ва «Таймс» газеталарида ёзишганди. Кутганимизчалик бўлмаса-да, ҳар ҳолда... Фақатгина: «Яқинда Жорж Уикхем, эсквайр мисс Лидия Беннетга уйланди» холос... На қизнинг отаси ҳақида, на қаерданлиги ҳақида – ҳеч нарса. Бу менинг укам мистер Гардинернинг иши. Нима жин уриб жанжаллашиб қолди, тушунмайман. Сиз ўқидингизми?

Мистер Бингли тўй ҳақида эшитганини айтаркан, вақтдан фойдаланиб, миссис Бинглини тўй билан табриклади. Элизабет бошини ҳам кўтара олмаётгани учун бу мистер Дарсига қандай таъсир қилганини кўра олмади.

– Қизингиз яхши жойга турмушга чиқса, бу чиндан ҳам катта бахт, – гапида давом этди миссис Беннет. – Лекин уларнинг биздан жуда узоққа кетишаётгани адолатдан эмас. Улар шимолга, жуда узоққа, Ньюкаслга кетишди. Худо билади, энди у ерларда қанча бўлишаркин. Уикхемнинг полки ўша ерда жойлашган. Сиз унинг ...шир полкидан кетиб, ҳаракатдаги армияга хизматга кирганини эшитгансиз, шекилли. Унинг кўп бўлмаса-да, Худога шукур, қанча керак бўлса шунча яқин дўстлари бор.

Бу гап мистер Дарсига теккизиб айтилганини тушунган Элизабет, ўзини хўрлангандек қис қилиб, жойида зўрға ўтирарди. Лекин онасининг айни шу сўзлари унинг сабр косасини тўлдирди ва у гапга қўшилишга

қарор қилди. Қиз Бинглидан Незерфилдга қанча кунга келганини ва нималар қилмоқчилигини сўради.

– Ўзингиз томондаги ҳамма ёввойи қушларни отиб бўлганингиздан сўнг, бизларникига келаверинг, мистер Бингли, – гапга қўшилди миссис Беннет. – Сиз мистер Беннет ерларида хоҳлаганингизча ов қилишингиз мумкин. Ишонаверинг, у бундан жуда хурсанд бўлади.

Онасининг чегара билмайдиган ёпишқоқлиги Элизабетни баттарроқ уялтирди. Қиз ўтган йилги орзулар яна қайтадан туғилса, тез орада яна пучга чиқишига ишончи комил эди. Ҳозир ўзи ва Жейн ҳис қилаётган азоблар йиллар давомида бахтли бўлишса-да, оғриғи кетмайдигандек эди.

«Менинг энг хоҳлаётган нарсам – энди бу одамларни ортиқ кўрмаслик, – ўзича ўйларди қиз. – Уларнинг бу туришларидан бизга ҳеч қандай наф йўқ. Илойим, на унисини, на бунисини бошқа кўрмай!»

Йиллар давомида бахтли бўлишса-да, оғриғи кетмайдигандек азоб, Жейннинг жозибаси унинг илгариги хушторига ҳали ҳам кучли таъсир қилаётганини кўриб, Элизабетга жуда ҳам оғриқли эмасдай туюлди. Йигитлар кириб келишгани заҳоти Бингли Жейн билан бир оз гаплашганди. Вақт ўтган сари йигитнинг қизга эътибори орта борди. У қизнинг аввалгидан ҳам чиройли бўлиб кетганини ҳис қилди. Ҳали ҳам ёқимли ва табиий, лекин бир оз индамас бўлиб қолибди. Жейн эса ўзини худди ҳеч ўзгармагандек тутишга ҳаракат қилар, у олдин қандай гапирган бўлса, шунча гапираётгандек эди. Лекин унинг мияси тўхтамай ишлар, ўзининг индамаётганини ўзи сезмаётган эди.

Йигитлар кетишга отланишганда, ҳар қанақасига мистер Бинглига мулозамат қилишга уринаётган миссис Беннет уларни бир куни келиб Лонгборнда тушлик қилиб кетишга таклиф қилди:

– Мистер Бингли, сиз мендан қарздорсиз. Ёдингиздами, ўтган қиш шаҳарга кетаётганингизда қайтиб

келгач, бизлар билан тушлик қилишга ваъда бергандингиз. Кўрдингизми, менинг эсимда. Очиғини айтсам, ваъдангизни бажариш учун Хартфордширга қайтиб келмаганингизга анча хафа бўлдим.

Бу сўзларни эшитиб, мистер Бингли нима дейишни билмай қолди, секингина уни ушлаб қолган ишлар ҳақида нималардир деб қўйди. Сўнг, улар жўнаб кетишди.

Миссис Беннет йигитларни ўша куннинг ўзида меҳмонга чақиргиси келаётганди. Лекин дастурхонлари ҳар доим яхши бўлса-да, катта умид боғлаётгани йигитни кутиб олиш учун, ҳамда йигитнинг йилига ўн минг фойда оладиган дўстининг иштаҳаси ва мақтанчоқлигини қондириш учун таомлар сонини кўпайтиришга қарор қилди.

XII БОБ

Йигитлар жўнашлари билан Элизабет бир оз ўзини босиб олиш ниятида айлангани чиқиб кетди. У кун давомида бўлиб ўтган, айниқса, унинг юрагини яралаган гап-сўзларни яна бир марта ўйлаб кўрмоқчи эди. Уни ҳайрон қолдираётган ва қийнаётган нарса Дарсининг ўзини тутиши эди.

«Индамай ўтирар экан, нимага келди ўзи?» – ўйларди у.

Қиз ўзини заррача бўлса-да, хурсанд қиладиган бирор сабабни топа олмаётган эди.

«Яқингинада Лондонда у тоғамлар билан жуда яхши муносабатда бўлибди. Мен билан эса нега бундай? Агар менинг олдимда ноқулай бўлаётган бўлса, унда нега бу ерга келди? Мен билан ҳеч иши йўқ экан, унда ичимдагини топ дейиши нимаси? Бу одам қанча кучимни олаяпти! Энди у ҳақда ўйламайман».

Кўринишидан жуда бахтиёр Жейн унинг ёнига келгунча бир оз ваъдасига вафо қилди. Жейннинг, Эли-

забетдан фарқли ўлароқ, эрталабки учрашувдан хурсандлиги кўриниб турар эди.

– Биринчи учрашув орқада қолганига анча енгил бўлдим, – деди Жейн. – Ўзимнинг кучимга ишона бошладим ва унинг келиши энди мени безовта қилмайди. Сешанба куни бизникига тушликка келаётганидан ҳатто хурсандман. Ўшанда, ҳамма бизнинг ўртамизда оддий танишликдан бошқа ҳеч гап йўқлигига ишонч ҳосил қилади.

– Ҳа, ҳа, оддий танишлик, – кулди Элизабет. – Жейн, менга қара, эҳтиёт бўл!

– Лиззи, азизам, мендан хавотир олаяпсан, нима мени шунақа кучсиз деб ўйлаяпсанми?

– Мен у сени баттарроқ севиб қолишидан эҳтиёт бўл, деяпман.

* * *

Келаси сешанба кунигача йигитлар бошқа кўринишмади. Бу кунлар ичида миссис Беннет мистер Бинглининг ярим соатлик келиб-кетганидан яна катта умидлар қила бошлади.

Сешанба куни Лонгборнга жуда кўп одам йиғилди. Алоҳида бир сабрсизлик билан кутилаётган икки меҳмон аниқ айтилган пайтга етиб келишди. Ҳаммалари емакхонага киришаётганда Элизабет Бинглининг олдинги сафар ўтирган жойи – Жейннинг ёнидаги стулга бориб ўтирармикин, деб қизиқиб қараб турди. Қизнинг шу хаёл билан ўтирган онаси ҳам йигитни ўзининг олдига чақириб ўтирмади. Хонага кирган Бингли олдинига нима қилишни билмай турар экан, Жейн бехосдан қилгандай атрофга қараб жилмайиб қўйди ва ҳамма иш ҳал бўлди-қўйди: йигит унинг олдига бориб ўтирди.

Элизабет йигитнинг дўстига тантана билан қараб қўйди. У эса бу воқеага пинагини ҳам бузмади. Агар Бинглининг дўстига ҳазилона бир тарзда қараб қўйга-

нини сезмаганида, қиз Бингли бахтли бўлиш учун рухсат сўраганмикин, деб ўйлаган бўларди.

Йигитнинг тушлик давомида Жейнга нисбатан ўзини тутиши унинг қизга бўлган туйғулари ўша-ўшалигидан дарак берарди. Аввалги учрашувларга нисбатан, ўзини эҳтиёткорона тутаётган бўлса-да, у ва Жейн агар уларга ҳеч ким халақит бермаса, бир-бирларига тўйиб олмоқчи эканликлари аниқ кўзга ташланиб турарди. Олдиндан бир нарса дейишга қўрқаётган Элизабет, Бинглининг ўзини тутишига қараб хурсанд бўлиб кетаётганди. Фақат шу нарсагина унинг ушбу дамдаги кайфиятини бир оз бўлсада, кўтарди. Мистер Дарси Элизабетдан узоқроқда, миссис Беннетнинг ёнида ўтирди. Элизабет уларнинг иккаласи ҳам бу қўшничиликдан суюниб кетишмаётганини жуда яхши тушуниб турар эди. Бунчалик узоқдан қиз уларнинг нималар дейишаётганини эшита олмасди. Лекин уларнинг бир-бирлари билан жуда кам гаплашаётганларини ва шунда ҳам гаплари қисқа ва қуруққина эканлигини ҳис қилиб турарди. Онасининг йигитга нисбатан мулозамат қилмаётгани Элизабетнинг улар йигитдан қанчалик қарздорликларини янада чуқурроқ эслатди. Баъзи пайтларда қиз унга оила аъзоларидан биттаси унинг қилган ҳамма яхшиликларидан хабардорлигини, бунинг учун ундан бир умр миннатдор эканликларини айта олиш учун ҳамма нарсасини қурбон қилишга тайёр бўларди.

Қиз оқшом давомида бирор тасодиф уларни тўқнаштириб қўяди ва у мистер Дарси билан фақат саломлашибгина қўя қолмай, кўпроқ гаплашиш имкони бўлади деб умид қилаётганди. Хавотирланган ва ҳаяжонланган қиз меҳмонлар келгунча шунчалик чарчаган ҳолда ўтирардики, ташқаридан худди беҳурматликдек бўлиб туйилиши мумкин эди. Уларнинг келишини у: «Бу бизга бирорта хурсандчилик олиб келармикин», деган хаёл билан кутаётган эди.

«Агар у бу сафар ҳам менинг олдимга келмаса, – ўйларди қиз, – демак, у мен учун бутунлай йўқолган».

Йигитлар кириб келишди. Мистер Дарсининг кўринишидан қизнинг умидлари рўёбга чиқадигандек эди. Лекин... Аёллар стол атрофида шундай ўтиришар эдики, бир стулда чой қуяётган Жейн, ёнида қаҳва қуяётган Элизабет бўлиб, яқин орада йигит ўтириши учун жой йўқ эди. Йигитлар уларнинг олдиларига яқинлашганларида, қизлардан бири Элизабетнинг қўлларидан ушлаб, шивирлади:

– Йигитлар бизга халақит беришларини хоҳламайман. Уларнинг бизга кераги йўқ-а, тўғрими?

Дарси хонанинг бошқа томонига қараб кетди. Қиз у сўрашаётган ва гаплашаётган ҳар бир одамга ҳавоси келиб, ҳаммага қаҳва қуйиб беришга сабри етишига кўзи етмай, йигитни кузата бошлади. Шу пайт бирдан ўзининг шунчалик соддалигига ҳайрон қолди.

«Мен рад қилган одам! У мени яна севиб қолади, деб ўйлашим қандай тентаклик! Ахир эркаклар орасида иккинчи бор ўз севгисини изҳор қилишга жазм қила оладигани бормикин?»

Лекин йигит ундан яна қаҳва қуйиб беришини сўраганида, қиз бир оз енгил тортди. Фурсатдан фойдаланиб сўради:

– Синглингиз ҳали ҳам Пемберлидами?

– Ҳа, Рождество байрамигача ўша ерда бўлади.

– У билан ҳеч ким қолмаганми? Дўстлари ҳаммаси кетиб бўлишганми?

– Миссис Энсли ҳали ўша ерда. Қолган аёллар уч ҳафта бурун Скарборога жўнаб кетишди.

Элизабет яна нима дейишни билмай жим қолди. Агар йигит суҳбатни давом эттиришни хоҳласа, ўзи бирор мавзу топган бўларди. Лекин йигит унинг ёнида бир неча дақиқа индамай турди ва қизлардан бири Элизабетнинг қулоғига шивирлаб нимадир деётганида, секингина четга чиқди.

Дастурхон йиғиштирилиб, столнинг усти қарта ўйнашга тайёрланди. Элизабет йигит энди ёнига келар, деб кутиб турганда миссис Беннет йигитни тўхтатиб, рўпарасига ўтқазди ва у билан вист ўйнай бошлади. Қиз энди бу меҳмондорчиликдан бошқа ҳеч нарса кутмай қўйди. Улар иккаласи меҳмондорчиликнинг охиригача хонанинг қарама-қарши томонида ўтиришди ва қиз фақатгина йигит гоҳ-гоҳ ўзи томонга қараб қўйишидан, унинг ҳам ўзига ўхшаб ёмон ўйинчилигидан умид қиларди.

Миссис Беннет мистер Бингли ва унинг дўстини кечки овқатга ҳам олиб қолишни режалаштирганди. Лекин йигитнинг экипажи келгани сабаб аёл уларга рухсат беришга мажбур бўлди.

– Қизлар, қалай, бугунги меҳмондорчиликка нима дейсиз? – ҳамма жўнаб бўлгач, деди у. – Ҳаммаси зўр бўлди. Дастурхон чиройли ясатилганини сездингизми? Кийик гўшти жуда яхши қовурилибди, ҳамма ҳали бунақа мазали гўштни емаганини айтди. Шўрва-чи, бир ҳафта олдин миссис Лукасларникида ичганимиздан бутунлай фарқ қилади. Ҳатто мистер Дарси какликлар зўр пиширилганини айтди. Унинг ўзиникида камида икки-учта француз ошпазлари бўлса керак. Жейн, жоним, сен ҳеч қачон бугунгичалик чиройли кўринмагандинг. Миссис Лонг ҳам шундай деяпти – менинг саволимга худди шундай жавоб берди. Биласанми, яна нима деди? «Миссис Беннет, қизингизнинг пешонасига Незерфилдда яшаш ёзилган!» Ҳа, ҳа, худди шундай деди! Бирам яхши аёл шу миссис Лонг – ҳеч бошқаларга ўхшамайди. Жиянлари-чи, тўғри, чиройли эмас, лекин бирам тарбияли. Уларни шундай яхши кўраман.

Қисқача айтганда, миссис Беннетнинг кайфияти зўр эди. У Бинглининг қизига муносабатини яхшилаб кузатган ва қизимга албатта уйланади, деб хулоса қилган эди. Кайфияти аъло бўлгани ҳолда, буёғи энди тез кетади, деб кутаётганда, эртаси куни эрталаб йигит

Жейнга уйланишга унинг розилигини сўраб келмагани унинг ҳафсаласини пир қилди.

– Кечаги кун жуда ажойиб бўлди-а? – деди Жейн синглисига. – Келганлар ҳаммаси бир-бирларига мос тушишди. Бундан кейин ҳам учрашиб турамиз, деб умид қиламан.

Элизабет жилмайди.

– Лиззи, нега куласан? Мендан шубҳа қилишингнинг ҳожати йўқ. Менга ёқмаяпти. Мен бошқа ҳеч нимани ҳис қилмаган ҳолда у йигит билан шунчаки маза қилиб суҳбатлаша олишни ўргандим, менга ишонавер. Мен яна унда қалбимни забт этиш истаги бўлмаганини ҳам англаб етдим. Ташқаридан шундай бўлиб кўрингандир, чунки бошқа одамларга қараганда унда ўзининг атрофидагиларга қувонч улаша олиш қобилияти бор экан.

– Сен жуда қаттиққўллик қилаяпсан, – жавоб берди Элизабет. – Ўзинг кулиш учун менга шароит яратиб, яна менга кулишни тақиқлаб қўйяпсан.

– Баъзан бировни гапингга ишонтириш жуда ҳам қийин.

– Баъзан эса, умуман иложи йўқ.

– Нега мен сени ўзим ҳам билмаётган нарсани ҳис қилаётганимга ишонтиришим керак?

– Бу саволга жавоб бера олмасам керак. Ҳаммамиз бировни ўқитишни яхши кўрамиз, ваҳоланки, айтганларимиз билиб қўйишга арзимаса ҳам. Мени кечирасан. Мистер Бинглига бефарқман, деб мени ишонтиришга уринмоқчи бўлсанг, мени бошқа сирдош дугона демай қўя қол.

XIII БОБ

Меҳмондорчиликдан бир неча кун ўтгач, мистер Бингли яна Лонгборнга ташриф буюрди. Бу сафар у дўстисиз эди. Мистер Дарси ўша куни эрталаб, ўн кундан кейин яна Незерфилдга келишни режалаштириб,

Лондонга жўнаб кетган эди. Бингли бу ерда бир соатдан ортиқ бўлди. Унинг кайфияти аъло эди. Миссис Беннет уни бирга тушлик қилишга таклиф қилди, лекин афсуски, йигитнинг бошқа борадиган жойи бор экан.

– Кейинги сафар келганингизда албатта вақтингиз бўлади, деб умид қиламан, – деди миссис Беннет.

Йигит бу таклифдан жуда миннатдорлигини, имкон бўлиши билан албатта келишини айтди.

– Эртага кела оласизими? – дарров сўради миссис Беннет.

Йигит эртага бўш бўлиб, албатта келишини айтди ва чиндан ҳам эртаси куни эрталаб, аёллар ҳали кийинишга ҳам улгурмасларидан олдин етиб келди.

Миссис Беннет битта халатда, сочлари ҳали тараллмаган ҳолда йўл-йўлакай бақириб, қизининг хонасига чопди:

– Жейн, қизим, бўла қол тезроқ! Тез-тез бўлиб пастга туш. У келди! Мистер Бингли келди! Худо ҳақи, чиндан. Тезроқ! Тезроқ! Сара, Лиззининг сочини қўя тур, уникини кейинроқ қиласан, мисс Беннетга ёрдамлаш.

– Тайёр бўлишимиз билан тушамиз, – деди Жейн. – Китти вақтлироқ тушса керак, у аллақачон хонасига кетган эди.

Лекин онаси чиқиб кетгандан сўнг Жейн, бирорта синглиси бўлмаса, ўзи ҳеч ҳам ёлғиз тушмасликка қарор қилди.

Миссис Беннет нима қилиб бўлса-да, ёшларни ёлғиз қолдиргиси келаётганди. Чойдан сўнг мистер Беннет одатдагидек кутубхонасига йўналди, Мэри эса мусиқа билан шуғулланиш учун хонасига кетди. Иккита халақит берадиган тўсиқ бартараф этилгач, миссис Беннет Элизабет билан Киттига кўз қиса бошлади. Унинг ҳаракатларига анча пайтгача эътибор беришмади: Элизабет атайдан сезмаганга солиб ўтираверди. Ахири, Китти ҳеч нарса тушунмагандай сўради:

– Нима дейсиз? Нега кўзингиз билан имлаяпсиз? Бирор нима қилайми?

– Ҳеч нарса, қизим, ҳеч нарса, сенга шундай кўрингандир.

Шундан сўнг миссис Беннет беш дақиқача жим ўтирди. Лекин бундай қулай фурсатни қўлдан бой бергиси келмай, ўрнидан туриб Киттига: «Қизим, юр, мен сенга бир гап айтаман», деб хонадан олиб чиқиб кетди. Жейн Элизабетга чиқиб кетмасликни сўрагандек, қараб қўйди.

Бир неча дақиқалардан кейин эшик очилиб, миссис Беннет Элизабетни чақирди:

– Лиззи, жоним, бу ёққа қара, сенда гапим бор.

– Биласанми, биз уларни ёлғиз қолдиришимиз керак, – Элизабет чиқиши билан деди миссис Беннет. – Биз бошқа хонага кириб турамиз.

Элизабет онаси билан баҳслашиб ўтирмади, лекин онаси билан Китти кетишгунча кутиб турди-да, сўнг меҳмонхонага қайтиб кирди.

Бу гал ҳам миссис Беннетнинг кутгани бўлмади. Бинглининг ҳали ҳеч нарса таклиф қилмаганини ҳисобга олмаганда, ҳамма нарса яхши кетаётганди. Унинг табиатидаги хушмуомалалик ва ўзини бемалол тутиши бу хонадондаги ҳаёт тарзига анча жонланиш киритаётган эди. Айниқса, қизлар унинг миссис Беннетнинг ҳаддан ортиқ ғамхўрлигига чидаб бериши ва унинг ҳамма беандиша гапларини ҳам индамай ютиб кетаётганидан беадад миннатдор эдилар.

Уни овқатланиб кетишга ундашнинг ҳожати бўлмади. У жўнаб кетишидан олдин эртаси куни мистер Беннет билан овга чиқишлари тўғрисида келишиб олишди.

Жейн энди Бинглига нисбатан ҳеч нарса ҳис қилмаяпман, демай қўйганди. Иккала опа-сингил суҳбатлашаётганда йигит номи тилга олинмади, лекин Элизабет, агар мистер Дарси кутилгандан олдин келиб

қолмаса, яқинда опасининг ишлари яхшилик билан тугашига ишонч билан уйқуга кетди. Лекин бир томондан, қиз, ҳамма нарса Дарсининг розилиги билан бўлаяпти, деган фикрдан ҳам йироқ эмасди.

Бингли эртаси куни келишилган пайтга етиб келди ва анча вақтгача мистер Беннет билан бўлди. Бинглининг ҳамроҳи у кутганидан анча ёқимли чиқиб қолди. Бингли ҳам ўзига бино қўйган аҳмоқ эмасди ва у мистер Беннетнинг унга истеҳзо қилишига ёки ўз қобиғига ўралиб олишига йўл қўймади. Шу сабаб мистер Беннет олдинги сафарлар каби ғалати қилиқлар қилмади ва Бингли билан очиқ муомалада бўлди. Албатта, мистер Беннет ва Бингли тушликка бирга келишди, кечқурун эса миссис Беннет яна қизи билан йигитни ёлғиз қолдириш учун баҳона ўйлаб қолди: хат ёзиши керак бўлган Элизабет ўз хонасига қараб кетди, қолганлар эса қарта ўйнаш учун стол атрофига йиғилдилар. Элизабет ҳозир онасига қаршилик қилишнинг кераги йўқ, деб ҳисоблаётганди.

Лекин, хатни ёзиб бўлиб хонага қайтган Элизабет онасининг бу баҳоналарига қарши курашишда жуда ҳам ўз-ўзига ишониб юбориш ҳам керак эмаслигини ҳис қилди: хона эшигини катта очиб кирар экан, опаси билан йигитнинг камин олдида берилиб суҳбатлашаётганларини кўрди. Бу ҳол ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаса-да, уларнинг бирдан ўгирилиб қараб, бир-бирларидан тез узоқлашганларидаги юз ифодалари бўлиб ўтган воқеага гумонсирашга ўрин қолдирмасди. Уларнинг ҳозирги ҳолатлари жуда ноқулай эди. Лекин Элизабетники эса уларникидан ҳам баттар эди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади ва Элизабет чиқиб кетишга отланганда, диванда ўтирган Бингли сакраб турди-да, Жейнга секин нимадир деб, хонадан чиқиб кетди.

Яхши хабарлар айтишга келганда Жейн синглисидан ҳеч нарсани яшира олмасди. Ҳаддан ортиқ ҳаяжонланган қиз синглисининг бўйнидан маҳкам

қучиб олди-да ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон, деб санаётганини айтди:

– Бу мен учун ҳаддан ташқари кўп! – деди у. – Рост, жуда кўп. Ахир мен бунга лойиқ эмасман-ку. Нимага ҳамма ҳам менчалик бахтли бўлолмайди?!

Синглиси Жейнни сўз билан ифодалаб бўлолмайдиган даражада сидқидилдан, қизғинлик билан табриклади. Унинг ҳар бир сўзи юракдан чиқаётган эди ва Жейн учун яна бир роҳат бахш этди. Жейн ҳозир Элизабетга ҳамма гапни айтиб бериш учун у билан узоқ қололмасди:

– Тезроқ онамнинг олдига боришим керак. Унинг мен учун қанчалик қайғурганини унутишим керак эмас. Мен унинг бу гапларни бошқалардан эшитишини истамайман. Мистер Бингли ҳозир отамнинг олдига кетди. Лиззи, жонгинам, менинг гапларим оиламизга қанча қувонч келтиради! Қандай қилиб шунча бахтни кўтариб юраман!

Шу гапларни гапириб, Жейн қарта ўйнашни тугатиб тепада Китти билан ўтирган онасининг олдига югурди. Ёлғиз қолган Элизабет уларни шунча қийнаган, эсанкиратган қийинчиликларнинг қанчалик осон ва енгил ҳал бўлгани тўғрисида ўйлади:

– Мана, унинг опа-сингилларининг ҳамма найранглари, дўстининг эҳтиёткорлиги нимага олиб келди! Энг яхши, энг табиий ва энг ақлли ниҳоя!

Бир неча вақтдан сўнг қизлар отаси билан суҳбати муваффақиятли тугаган мистер Бингли хонага қайтиб кириб, сўради:

– Мисс Беннет қаерда?

– Юқорида, онамнинг олдида эди. Ҳозир келиб қолади.

Йигит эшикни ёпиб, аста Элизабетнинг олдига келди-да ундан ўзларига бахт, унга эса сингиллик садоқатини тилашни сўради. Элизабет унга ўзларининг қариндош бўлаётганлари муносабати билан чин дилдан хурсанд эканлигини айтди ва бир-бирларининг

қўлларини сиқиб қўйишди. Шундан сўнг Жейн келгунча қиз Бинглининг нақадар бахтиёр эканлиги ва опаси тўғрисидаги мақтовларини эшитиб ўтиришига тўғри келди. Бу сўзлар севги тўла юракдан чиқаётган бўлса-да, Элизабет унинг орзулари рўёбга чиқишига, уларнинг биргаликда узоқ йиллар бахтли яшашларига амин бўлгиси келарди, чунки бу ҳаётнинг асосида соғлом ақл, Жейннинг ажойиб табиати ва севишганларнинг бир хил ўй ва ҳиссиётлари ётарди.

Бугун ҳамма одатдагидан кўра анча хурсанд эди. Ўз ҳаётидан қониқиш ва хотиржамлик ҳисси Жейннинг юзида шундай акс этиб турар эдики, у янада гўзаллашиб кетгандек эди. Китти тезроқ ўзининг ҳам навбати келишини орзу қилиб, кулиб ўтирарди. Миссис Беннет ярим соатдан бери Бингли билан шу мавзуда гаплашаётган бўлса-да, бу никоҳга ўзининг розилигини бераётиб, ўз туйғуларини ифодалаш учун сўз тополмаётган эди. Овқат пайти уларга қўшилган мистер Беннетнинг кўриниши ва ўзини тутиши унинг ҳам бу воқеадан хурсандлигини билдирарди. Лекин меҳмон хайрлашиб, жўнаб кетмагунча у бирор оғиз ҳам гапирмади. Бингли жўнагач, қизига қараб, деди:

– Жейн, қизим, табриклайман. Сен албатта бахтли бўласан.

Жейн отасининг олдига келиб ўпиб қўйди-да, унга чиройли сўзлари учун раҳмат айтди.

– Сен ажойиб қизсан ва ҳаётинг яхши бошланаётганидан мен жуда хурсандман, – деди мистер Беннет. – Сизлар бир-бирингизга мослигингизга менинг шубҳам йўқ. Ораларингизда умумийлик бор: иккалангиз ҳам гапга кўнадигансиз – иккалангизнинг ўртангизда гап қочиши мумкин эмас; шунчалик ишонувчансизки, сизларни хоҳлаган хизматкор бемалол алдаб кетиши мумкин; шунчалик сахийсизларки, ҳеч қачон оладиган пулларингиз сизларга етмайди.

– Бундай бўлмайди, деб умид қиламан, ота. Мен томонимдан пул ишларида ақлсизлик ва енгилтаклик қилиниши кечириб бўлмайдиган хато бўлади.

– Пулларингиз етмайди? Мистер Беннет, нималар деяпсиз? – хитоб қилди миссис Беннет. – Ахир у йилига тўртми ёки бешми минг фунт ёки ундан ҳам кўпроқ олади-ку! – қизига қараб давом этди: – Жейн, жонгинам! Мен ҳайратдаман! Худойим, бугун ҳам уйқу бўлмайди! Шундай тугашини билардим – ахир бошқача бўлиши мумкинмиди? Сен бекорга шунчалик гўзал эмассан-ку! Эсимда, бир йил бурун иккалангизни Хартфордширда бирга кўрганимда ҳайрон қолган эдим, мана бу жуфтлик, деб. Бу йигит мен кўрганларим ичида энг келишгани!

Уикхем ва Лидиялар эсдан чиқишган эди. Энди сўзсиз, Жейн онасининг энг яхши кўрган қизига айланган эди. Айни пайтда у бошқа ҳеч ким ҳақида ўйламаётган эди. Кичик сингиллар эса Жейнга келажакда уларга қувонч олиб келадиган манбадек қарашаётган эди: Мэри Незерфилд кутубхонасидан фойдаланишга рухсат сўрар, Китти эса келажакда Незерфилдда қиш пайтлари тез-тез бал уюштириб туришни илтимос қиларди.

Шу кундан бошлаб, Бингли Лонгборннинг кундалик меҳмонига айланди. У нонуштадан олдин келар ва мабодо рад қила олмайдиган бирорта қўшни меҳмонга таклиф қилмаган бўлса, кечки овқатгача шу ерда юрарди. Элизабет эса энди Жейн билан хоҳлаганда бемалол гаплаша олмай қолди, чунки Бингли бу ердалигида, Жейн у билан кўпроқ банд бўлаётганди. Лекин мажбурий айрилиқ давомида ҳар иккала севишган учун Элизабетнинг фойдаси тегар эди. Жейн йўқлигида Бингли у билан опаси тўғрисида маза қилиб гаплашар, Бингли бўлмаганда эса Жейн учун яна Элизабет керак эди.

– Ўтган баҳорда у менинг Лондонга келганимдан хабари бўлмаганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, –

деди бир куни кечқурун Жейн. – Мен ҳеч қачон бу тўғрида ўйлаб кўрмаган эдим.

– Менинг эса хаёлимга келганди. Лекин, нега шундай бўлган экан?

– Ҳаммасига опалари сабаб. Улар акасининг мен билан танишувини маъқуллашмаган. Унинг ҳамма томондан тўғри келадиган хоҳлаган қиз билан бемалол турмуш қуриши мумкин бўлганини ҳисобга олсак, бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Лекин улар Бинглининг мен билан ҳозир қанчалик бахтлилигини кўришса – улар албатта кўришади, мен бунга аминман – улар бизнинг никоҳимизга қаршилик билдиришмайди ва бизлар яна дўст бўлиб қоламиз. Албатта, олдингичалик бўлмасак керак...

– Мен сендан умрим давомида эшитган энг қаттиқ гап, – деди Элизабет. – Кўнгилчан опажоним! Тўғриси, агар мисс Бинглилар сен билан сохта муносабатда бўлишадиган бўлса, менга роса алам қилади.

– Лиззи, тасаввур қилгин-а, у ўзи мени ўтган йили Лондонга жўнаш олдидан севиб қолган экан. Агар менинг унга бепарволигимга амин бўлмаганда, албатта қайтиб келган бўлар экан.

– Ростдан катта хато қилган экан, лекин бу унинг камтарлигидан дарак беради.

Бу гапга Жейн Бинглининг ўз-ўзини тўғри баҳоласлиги, унинг ўта камтарлиги ҳақида мақтов сўзларини айта кетди. Элизабет Бингли дўсти Дарсининг аралашуви тўғрисида ҳеч нарса айтмаганига хурсанд бўлди, чунки Жейннинг ўта оққўнгиллигига қарамай, бу унинг хурсандчилигига соя солган бўларди.

– Мен дунёдаги энг бахтли қизман! – хитоб қиларди қиз. – Лиззи, оиламизда нега битта менга омад кулиб боқди? Сен ҳам бу бахтни татиб кўришингни шундай хоҳлаяпман! Сенга ҳам худди шундай одам дуч келса эди!

– Менга бундайлардан юзтасини таклиф қилсанг ҳам мен сенчалик бахтли бўла олмайман. Бунинг учун

менинг табиатим сеникидек бўлиши керак. Йўқ, мен ўз йўлимдан кетишим керак. Худо хоҳласа, бир куни иккинчи мистер Коллинз учраб қолар.

Лонгборндаги янгиликларни узоқ вақт яшириб ўтириб бўлмади: Миссис Беннет бўлган воқеаларни миссис Филипснинг қулоғига айтиб қўйди ва сал вақт ўтиб бутун Меритон аҳли бу оиладаги янгиликдан дарак топди. Беннетлар оиласини – яқингинада, Лидиянинг қочиб кетгани сабаб, ҳамма таниш-билишлар уларни ўз рўйхатларидан ўчириб ташлашган бўлса – энди энг бахти кулган оилалардан бири деб санай бошлашди.

XIV БОБ

Бир куни эрталаб, мистер Бингли ва бошқа оила аъзолари нонушта қилишаётган маҳал, уларнинг эътиборини яқинлашаётган экипаж овози тортди. Деразадан қараб, улар ўтлоқ бўйлаб тўрт отга қўшилган карета келаётганини кўришди. Меҳмон келишига ҳали анча эрта, карета эса қўшниларникига ўхшамас эди. Кимдир келганини сезган мистер Бингли ўзи учун зерикарли бўлган меҳмон кутиш маросимидан қочиб, Жейнни бирга айланиб келишга кўндирди. Улар чиқиб кетишди, қолганлар эса ким келди экан, деб қизиқиб туришганда, эшик ланг очилиб леди Кэтрин де Бёр кириб келди. Ҳамма, ҳозир бир нарса бўлади, деб ҳайратда кутиб турганди.

Леди Кэтрин хонага кириб одатдагидан ҳам баттарроқ юзсизлик билан Элизабетнинг саломига бошини сал қимирлатиб қўйди, холос ва бирор оғиз сўз айтмай, креслога ўтирди. Элизабет меҳмон сўрамаса ҳам унинг кимлигини онасига таништирди. Шундай улуғ зотнинг уларникига қадам ранжида қилганидан боши осмонга етган миссис Беннет, у билан жуда мулозаматли бўлишга ҳаракат қилди. Бир оз индамай ўтиргач, леди Кэтрин Элизабетга деди:

– Мисс Беннет, ишларингиз жойида, деб умид қиламан. Бу аёл сизнинг онангиз шекилли?

Элизабет бу гапни тасдиқлади.

– Бу эса сизнинг сингилларингиздан бири шекилли?

– Ҳа, ҳа, хоним, бу менинг иккинчи қизим, – гапириш имконияти туғилганидан хурсанд бўлган миссис Беннет дарров гапга қўшилди. – Энг кичкина қизим яқинда турмушга чиқди. Энг каттаси эса боғда, яқинда турмушга чиқадиган инсони билан сайр қилиб юрибди.

– Боғларингиз жуда кичкина экан, – бир оз сукут қилиб деди леди Кэтрин.

– Тўғри, Розингсчалик катта эмас, лекин сэр Уильям Лукасларникига солиштирадиган бўлсак, анча катта.

– Бу хоналарда ёзда ўтириб бўлмайди. Деразалари ғарбга қараган экан.

Миссис Беннет унга тушдан кейин бу хоналарда ўтирилмаслигини айтиб, сўради:

– Зоти олияларидан мистер ва миссис Колинзларнинг соғлиғини сўрасам бўладими?

– Жуда ҳам яхши. Мен уларни ўтган куни кечқурун кўрган эдим.

Элизабет бу меҳмон келишининг сабаби Шарлотта юборган хат бўлса керак, деб фараз қилаётган эди. Лекин хат тўғрисида гап кўтарилмагач, нима деб ўйлашга ҳам ҳайрон қолди.

Миссис Беннет зоти олияларини бирор нима еб олишга таклиф қилди, лекин леди Кэтрин қўполлик билан таклифни рад қилди. Бир оз ўтиб, ўрнидан тураётиб, Элизабетга деди:

– Мисс Беннет, ҳов анави ерда ўтлоқнинг орқасида чиройли чангалзор бор шекилли. Агар бирга борсангиз, ўша ерларни кўриб келардим.

– Бора қол қизим, ҳамма ёқларни кўрсат. Менимча, сизга жуда ёқса керак, – деди миссис Беннет.

Элизабет рози бўлди. Югуриб хонасидан соябонини олиб чиқди-да, ҳурматли меҳмонни зинадан олиб

туша бошлади. Холлдан ўтишар экан, леди Кэтрин емакхона ва меҳмонхонанинг эшикларини очиб кўрди ва ўзича баҳо берган бўлиб, Элизабетнинг кетидан ташқарига чиқди. Эшикнинг олдида хонимни олиб келган карета турар эди, Элиза унинг ичида зоти олияларининг таниш оқсочи ўтирганини кўрди. Улар бир-бирларига бирор оғиз ҳам гап қотмай, чангалзорга олиб борадиган тош йўлкадан секин кетиб боришарди. Элизабет ўзини тутиши одатдагидан ҳам баландпарвоз ва кишининг шахсига тегадигандек кўринаётган меҳмоннинг ўзи гап бошламаса, оғзини ҳам очмасликка қарор қилди.

«Мен унинг нимасини жиянига ўхшатдим ўзи?» – ҳамроҳининг юзига қараб ўйлади у.

Чакалакзор ичига киришган заҳоти леди Кэтрин гап бошлади:

– Сиз менинг келишим сабабини тушунмаётган бўлишингиз мумкин эмас. Буни виждонингиз ва юрагингиз айтиб турган бўлиши керак.

Элизабет унга чиндан ҳам ҳайрон бўлиб қаради:

– Хоним, сиз янглишаяпсиз. Мен нима сабабдан бу ҳурматга сазоворлигимни чиндан тушунмадим.

– Мисс Беннет, мен билан ҳазиллашиш мумкин эмаслигини сиз билиб қўйишингиз керак эди, – қатъий товуш билан гап бошлади леди Кэтрин. – Агар сиз ёлғон йўлига ўтган бўлсангиз, мени бунга ишонтира олмайсиз. Менинг табиатим тўғрисида доим тўғрисўз, очиққўнгил дейишади ва мен айниқса, ҳозир шу йўлимдан қайтмайман. Икки кун бурун мени жуда ҳайратга солган янгиликни эшитдим. Менга айтишдики, нафақат опангиз яхши жойга турмушга чиқаётибди, балки сиз ўзингиз ҳам, мисс Элизабет, яқин кунларда менинг жияним мистер Дарси билан никоҳдан ўтишга умид қилаяпсиз. Мен албатта, буни ўйлаб чиқаришганини жуда яхши биламан. Мен бу нарсани ҳатто тахмин қилиб ҳам жиянимни ерга урмасам-да, бари бир

менинг бу нарсага муносабатимни сиз билиб қўйинг, деб бу ерга келишни лозим топдим.

– Агар сиз бу гапларнинг уйдирмалигига ишонсангиз, унда нима қилиб шунча узоқ йўл босиб бу ерга келдингиз? – деди аламидан қизариб кетган Элизабет. – Зоти олиялари, нимага эришмоқчи эдингиз?

– Сиз бу гаплар ёлғонлигини тасдиқлашингизни!

– Агар чиндан ҳам шундай гап тарқалган бўлса, – совуққина давом этди Элизабет, – сизнинг Лонгборнга келганингиз, мен ва менинг оилам билан учрашганингиз бу гапларнинг тасдиқланишига олиб келади.

– «Агар» дедингизми?! Нима, ўзингизни ҳеч нарсадан хабари йўққа солмоқчимисиз? Ахир бу гапларни ўзингиз тарқатмаганмисиз? Ва сизнинг бу гаплардан хабарингиз йўқми?

– Менинг қулоғимга ҳеч қандай гап етиб келмади.

– Сиз бу гапларга ҳеч қандай асос йўқлигига онт ича оласизми?

– Мен сизга хос бўлган тўғрисўзликка ҳеч ҳам даъво қилмайман. Сиз мен жавоб бермасликни афзал кўраётган саволларни бераяпсиз.

– Мен бунга чидай олмайман! Мисс Беннет, мен сиздан ҳамма нарсани тушунтириб беришингизни талаб қиламан! Унинг – жиянимнинг сиздан унга турмушга чиқишингизни сўрагани ростми?

– Зоти олиялари бу бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

– Агар у ақлини еб қўймаган бўлса, бундай бўлиши мумкин эмас, бундай бўлган бўлиши мумкин эмас! Лекин сиз ғамзалар қилиб, уни йўлдан урмоқчи бўлишингиз мумкин, у эса кўзи кўр бўлиб, ўзи ва оиласи олдидаги бурчини эсидан чиқариб қўйган. Сиз уни қармоққа илинтирмоқчи бўлгансиз.

– Агар шундай қилган бўлсам, у ҳолда менинг шундай қилганимга иқрор қилдира олмасдингиз.

– Мисс Беннет, сиз ким билан ҳазиллашаётганингизни биласизми? Мен билан бундай гаплашишла-

рига одатланмаганман! Унинг энг яқин қариндоши бўлганим учун юрагида нима борлигини билишим керак.

– Лекин менинг юрагимда нима борлигини билишга ҳаққингиз йўқ. Аксинча, сиз ўзингизни тутишингиз менинг сизга бирор нарсани очиқ айтишимга тўсқинлик қилаяпти.

– Сиз мени тўғри тушунишингизни хоҳлардим. Сиз юрак ютиб орзу қилганингиз бу никоҳ бўлиши мумкин эмас. Ҳа, ҳа, мумкин эмас! Мистер Дарси менинг қизим билан унаштириб қўйилган. Энди нима дейсиз?

– Фақат битта нарса. Агар чиндан шундай бўлганда эди, сиз у менинг розилигимни сўраган, деб тахмин қилмасдингиз.

Леди Кэтрин бир неча дақиқа тараддудланиб қолди, кейин деди:

– Улар бошқачароқ унаштирилган. Ёшлигидан бошлаб улар бир-бирига аталган, деб ҳисобланиб келинган. Бу уларнинг оналарининг орзуси эди. Улар ҳали йўргакдалигидаёқ шунга келишиб қўйилганди. Энди, марҳума онасининг орзуси рўёбга чиқай деганда, бизнинг оилага ҳеч қандай алоқаси йўқ, жамиятда ҳеч қандай ўрни йўқ ва паст табақалик бир қиз орадан чиқиб қолди! Унинг қариндошларининг розилиги сиз учун бари бирми? Унинг мисс де Бёр олдидаги мажбуриятининг сиз учун ҳеч аҳамияти йўқми? Наҳотки, самимийлик ва халоллик деган сўзлар сиз учун ёт? Ахир сиз менинг ўзимдан уларнинг туғилганиданоқ бир-бирларига аталгани тўғрисида эшитмаганмидингиз?

– Ҳа, эшитгандим. Аммо, бунинг менга нима дахли бор? Агар менинг сизнинг жиянингиз билан турмуш қуришимга шу сабаб халақит берадиган бўлса, унинг онаси ва холаси уни мисс де Бёрга уйланишини хоҳлашганди, деган фикр мени тўхтата олмаган бўларди. Сизлар иккалангиз унинг уйланишини ўйлаб, нима қила олган бўлсангиз, қилгансиз. Уни рўёбга чиқариш эса бошқаларга насиб қилган экан. Агар мистер Дар-

си на сўзда, на туйғулари билан сизнинг қизингизга боғлиқ эмас экан, нега бошқа қизни танлашга унинг ҳақи йўқ? Агар у мени танлаган бўлса, нега мен унга розилик бера олмас эканман?

– Чунки бу ерда номус, олижаноблик, одоб-ахлоқ ва яна ўзингизнинг фойдангиз ҳам бунга йўл қўймайди! Ҳа, мисс Беннет, фойдангиз! Акс ҳолда, сиз унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва дўстлари томонидан бирорта яхши муносабатни кутманг. Унга яқин ҳар бир инсон сиздан ҳазар қиладиган бўлади, унинг сиз билан турмуш қуриши шармандали ҳол деб ҳисобланади, биз томондан ҳеч ким сизнинг номингизни ҳам атамайди!

– Майли, чиндан ҳам кўп нарса йўқотар эканман, – жавоб берди Элизабет. – Лекин мистер Дарсининг хотинида унинг тутган ўрнидан келиб чиқиб хурсанд бўлиш учун шунчалик кўп сабаблар бўладики, унинг ғамга ботиб ўтиришига ҳам ҳожат қолмайди.

– Қайсар, бемаъни қиз! Мен сиз учун уялиб кетаяпман. Мана, менинг ўтган баҳорда сизга ўтказган меҳмондорчиликларим учун миннатдорчилигингиз! Сизнингча, сиз мендан ҳеч нимага қарз эмасмисиз? Қани, ўтирайлик-чи. Яхшилаб тушуниб олинг, мисс Беннет, мен бу ерга режалаштирган ишларимни қилиш учун келганман. Менга ҳеч ким халақит бера олмайди! Мен шу пайтгача ҳеч кимнинг инжиқликларига қараб ўтирмаганман! Менда ютқизиш одати йўқ!

– Бу сизнинг аҳволингизни оғирлаштиради. Лекин бунинг менга дахли йўқ.

– Менинг гапимни бўлманг! Индамай гапимни охиригача эшитинг. Менинг қизим ва жияним бир-бирлари учун яралишган. Она томонидан улар жуда буюк зотлардан. Оталари ҳам, унвонлари бўлмаган бўлсада, жуда қадимги, ҳурматли ва олижаноб авлодларга тегишли оилалардан. Иккала томоннинг ҳам яхшигина давлати бор. Улар ҳар иккала оила аъзоларининг ҳаммасининг кўзи олдида бир-бирларига унаштириб

қўйилган. Уларнинг орасига ким суқилиб кираяпти? На бойлиги ва на таниш-билиши бор бир маҳмадона! Бунга йўл қўйиб бўладими? Йўқ, бу бўлиши мумкин эмас ва ҳеч қачон бўлмайди! Агар ўз фойдангизни билганингизда эди, ўзингиз ўсган бу муҳитни ташлаб кетмасдингиз!

– Лекин сизнинг жиянингизга турмушга чиқиб мен бу муҳитни ташлаб кетмоқчи эмасман. У дворян. Мен ҳам дворяннинг қизиман. Бу маънода биз иккимиз тенгмиз.

– Майли, сиз дворяннинг қизилигингиз ростдир. Лекин онангиз-чи? Онангиз қандай оиладан? Тоға, холаларингиз-чи? Улар нима иш қилишини мени билмайди, деб ўйлаяпсизми?

– Менинг қариндошларим кимлигидан қатъи назар, агар мистер Дарсининг уларга нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ экан, бунинг сизга оғирлиги тушмай қўя қолсин.

– Тўғрисини айтинг, сизлар унаштирилдингларми?

Элизабет леди Кэтринни суюнтирмаслик учун бу саволга жавоб бергиси келмаётганди. Лекин жавоб бермасликнинг ҳам иложини топа олмади:

– Йўқ.

Леди Кэтрин енгил тортгандек бўлди.

– Унга ҳеч қачон турмушга чиқмайман, деб менга сўз берасизми?

– Бунга ваъда бера олмайман.

– Мисс Беннет, менинг таажжубимнинг чеки йўқ! Мен сизни ақлли қиз деб ўйлардим. Лекин мени бу билан келишади, деб умид қилманг. Сиз менга ваъда бермагунингизча мен бу ердан кетмайман.

– Мен эса ҳеч қачон ваъда бермайман! Мени бу билан қўрқитмай қўя қолинг. Сиз, зоти олиялари, мистер Дарси сизнинг қизингизга уйланишини истайсизми? Агар сиз хоҳлаётган ваъдани берсам, уларнинг орасидаги никоҳ аниқ бўлиб қоладими? У менга интилиб турганида, мен унинг севгисини рад қилиб, ми-

стер Дарсини ўзининг холаваччасига уйланишга ундаган бўламанми? Леди Кэтрин, сиз мендан талаб қилаётган нарсага сизни мажбур қилаётган сабаблар ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдиган, арзимас нарсалар. Бу каби нарсалар менга таъсир қилади, деб ўйлаётган бўлсангиз, сиз ҳалигача менинг табиатимни тушуниб олмагансиз, шекилли. Жиянингиз унинг ишларига аралашаётганингизга қандай қарайди, менга номаълум. Лекин менинг ишларимга аралашишга сизнинг ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ. Шунинг учун, илтимос, мени тинч қўйинг.

– Йўқ, ҳали мен гапимни тугатганим йўқ. Бутун айтган гапларимга яна бир нарсани қўшиб қўймоқчиман. Мен сизнинг кичик синглингизнинг ҳаммангизни шарманда қилиб қочиб кетганидан хабарим бор. Бу ҳақда ҳамма нарсани эшитганман. Шунингдек, уларнинг тўйи отангиз ва тоғангизнинг пулига орқадаги сана билан бир амаллаб ташкил қилинганини ҳам. Нима, энди келиб-келиб шу қиз менинг жиянимга сингил бўладими? Синглингизнинг эри – жиянимнинг марҳум отасининг иш бошқарувчисининг ўғли – менинг жиянимга ука бўладими? Ер билан осмон! Нималарни ўйлаяпсиз? Наҳотки, Пемберли шундай булғанишга муносиб?!

– Менга айтадиган бошқа гапингиз қолмади, – ғазаб билан деди Элизабет. – Сиз мени қанчалик ҳақоратлаш мумкин бўлса, етарли даражада ҳақоратлаб бўлдингиз. Рухсат этинг, мен кетишим керак.

Юқоридаги сўзларни айта туриб, қиз ўрнидан турди. Леди Кэтрин ҳам турди. У жуда дарғазаб эди:

– Демак, жиянимнинг номуси ва обрўси сиз учун бир пул! Худбин! Наҳотки, сиз билан боғланиб у ўзини бутун оламга кулгига қўйишини тушунмасангиз?

– Леди Кэтрин, менинг сизга айтадиган бошқа гапим йўқ. Менинг туйғуларимни ўзингиз яхши биласиз.

– Демак, сиз уни илинтирмоқчи бўлгансиз?

– Мен бундай гапларни гапирганим йўқ! Мен фақат на сиз билан, на менга узоқдан-узоқ таниш бўлган

одамлар билан ҳисоблашмаган ҳолда, ўз бахтимга нисбатан бўлган тасаввуримдан келиб чиқиб гапирдим.

– Бўпти, жуда яхши. Демак, сиз менинг илтимосимни рад қилдингиз. Сиз уни дўстларининг кўзи олдида хароб қилиб, унга нисбатан бутун оламнинг нафратини уйғотишга қарор қилдингиз.

– Ҳозир на бурч, на номус, на миннатдорлик менга бирор нарсада мажбурият юкламайди. Менинг мистер Дарси билан турмуш қуришим ҳеч қандай ахлоқ-одоб қоидаларини бузмасди. Унинг қариндошларининг бунга қандай қараши, бутун оламнинг нафрати менга жуда ҳам тегмаган бўларди, чунки бу нарсаларга жуда ҳам жиддий эътибор бермаслик учун бутун олам етарли даражада ақлли.

– Ҳа, мана сиз нималарни ўйлар экансиз?! Бу сизнинг охирги сўзингизми? Жуда яхши. Энди нима қилишни мен яхши биламан. Мисс Беннет, мен ютиб чиқаман деб, хомхаёл бўлманг. Мен сизни синаб кўриш учун келгандим. Сизни етарли даражада ақлли, деб ўйлагандим. Хомтама бўлманг, мен албатта мақсадимга етаман.

Леди Кэтрин каретасининг олдига келгунча шу тарзда гапириб келди ва орқасига ўгирилиб, деди:

– Мисс Беннет, мен сиз билан хайрлашмайман. Онангизга ҳам салом айтиб қўймоқчи эмасман. Сизлар бундай эътиборга арзимайсизлар.

Элизабет ҳеч нарса деб жавоб қилмади, зоти олиялларини ичкарига ҳам таклиф қилмай, ўзи жимгина кириб кетди. Зинадан кўтарилаётиб, узоқлашаётган каретанинг овозини эшитди. Хонада онаси леди Кэтрин нега кирмасдан кетиб қолганини сўраш учун кутиб турганди.

– Тез жўнаб кетиши керак экан, – деди Элизабет.

– Зоти олиялари бирам мулойим аёл экан! Унинг бизникига келгани катта обрў. Мен тушунишимча, у бизникига Коллинзларнинг саломини етказиш учун кирди, шекилли. Улар қаергадир кетаётиб, Меритон-

дан ўтаётганда сени кўриб кетмоқчи бўлган бўлса керак. Унинг сенга ҳеч қанақа иши йўқ эканми?

Элизабет бир оз ёлғон ишлатишига тўғри келди, чунки бўлиб ўтган суҳбатнинг мазмунини онасига айтиб беришдан бир маъно чиқмасди.

XV БОБ

Леди Кэтрин билан бўлган бу учрашувдан сўнг Элизабет анчагача ўзига кела олмади. Демак, леди Кэтрин қизнинг мистер Дарси билан кутилаётган никоҳини бузиш учун Розингсдан атайлаб шундай узоқ йўлга чиқибди! Бу сафар учун бошқа баҳона йўқ эди. Бироқ Элизабет ўзининг Дарси билан унаштирилгани тўғрисидаги гаплар қаердан чиққан бўлиши мумкинлигига ҳеч ақли етмаётган эди. Ниҳоят, қизнинг хаёлига одамлар битта тўйни гапира туриб, Бинглининг Дарси билан яқинлиги ва ўзининг Жейн билан яқинлигини билганлари учун яна битта тўй бўлади, деб фараз қилган бўлиши мумкин, деган фикр келди. Тўғриси, ўзи ҳам опасининг Бинглига турмушга чиқиши орқасидан Дарси билан энди учрашишимиз кўпроқ бўлади, деб ўйлаётган эди. Лукаслар оиласи эса – леди Кэтрин юқоридаги гапларни уларнинг Коллинзлар билан ёзишган хатларидан олган бўлса керак – қизнинг ўзига балки келажакда бўлиши мумкин деб туюлган нарсани ҳал қилиб қўя қолишган.

Леди Кэтриннинг гапларини бирма-бир хаёлидан ўтказар экан, Элизабет аёлнинг бу ишларга аралашишидан келиб чиқадиган оқибатлардан хавотирлана бошлади. Унинг, мен албатта никоҳларингга халал бераман, деган гапи жиянига таъсирини ўтказмоқчи эканлигидан дарак берарди. Элизабет йигитнинг ўзига уйланган тақдирда келиб чиқадиган натижаларга бу аёлнинг қандай муносабатда бўлишини тасаввур қила олмаётган эди. У йигитнинг холасига муносабати қай даражада эканлигини билмас, холасининг жиянига қай

даражада таъсир ўтказа олишини ҳам тасаввур қила олмас эди. Лекин йигитнинг холасига нисбатан муносабати Элизабетникидан юқорироқ эканлиги кундек равшанлигини тахмин қилиш мумкин. Холасининг йигитга ўзидан анча паст табақадаги бу қизга уйланиши қандай оқибатларга олиб келишини тушунтираётиб, йигитнинг энг нозик жойидан ушлаши кўриниб турган нарса эди. Элизабетга бўлмағур гапдек туюлаётган сабаблар, йигитнинг «оилавий ғурур» деган тушунчаларидан келиб чиқиб, унга эътиборга молик жиҳат бўлиб туюлиши мумкин. Агар йигит шу пайтга қадар иккиланиб келган бўлса, яқин қариндошининг маслаҳати унинг қарорини мустаҳкамлаши мумкин эди. У ҳолда, йигит қизнинг оиласи обрўсига мос келадиган даражадагина бахтли бўла олади. Демак, бу ҳолда энди у Лонгборнга қайтиб келмайди. Лондондан ўтиб кета туриб, леди Кэтрин жияни билан учрашиши мумкин ва унда Дарси Незерфилдга келиш тўғрисида дўсти Бинглига берган ваъдасидан қайтишга мажбур бўлади.

– Демак, яқин орада у ваъдасидан қайтгани учун дўстидан кечирим сўрайдиган бўлса, нега бундай бўлганининг сабабини мен биламан, – фикрларди Элизабет. – У ҳолда мен унга бўлган ҳамма умидларимдан воз кечаман. Агар ажралиб кетишимиздан пушаймонлик мен унга беришга тайёр турганим юрагимнинг ўрнини боса оладиган бўлса, мен ундан айрилганимга афсусланишимга арзимайди.

Уларникига ким келганини билган бошқа оила аъзолари жуда таажжубда эдилар. Лекин улар ҳам миссис Беннетга айтилган сабабларни эшитиб, хотиржам бўлишди ва Элизабет шу тарзда ўзи учун кўнгилсиз бўлган гаплардан озод бўлди.

Эртаси куни эрталаб, зинадан тушиб келаётиб, кутубхонадан чиқиб, қўлида қандайдир хат ушлаб турган мистер Беннетни кўрди:

– Лиззи, – деди отаси, – сен менга кераксан, олдимга киргин.

Ҳайрон бўлган Элизабет отасининг ортидан кутубхонага кирди. Қиз отасининг гапи қўлидаги хат билан боғлиқлигини сезиб турар эди. Унинг хаёлига хатни леди Кэтрин ёзган бўлса-я, деган фикр келди. Ва қизни отамга нима деб тушунтираман энди, деган ваҳима босди.

Иккаласи камин олдига ўтиришгач, мистер Беннет гап бошлади:

– Бугун эрталаб мени жуда ҳайратга солган мана бу хатни олдим. Хат сенга тегишли бўлгани учун сен ҳам у нима тўғрисида эканлигини билиб қўйишинг керак. Мен яна битта қизим турмушга чиқиш арафасида эканлигини билмаган эканман. Сени буюк ғалаба билан табриклайман.

Хатни леди Кэтрин эмас, унинг жияни ёзганини тушунган Элизабетнинг юзлари ёниб кетди. У шу пайтда юрагида пайдо бўлган туйғуни тушунмади: ўзининг унаштирилишидан хурсандчиликми ёки йигитнинг ўзига тўғридан-тўғри мурожаат қилмаганидан ҳайрон қолишми? Бу орада эса мистер Беннет гапида давом этди:

– Сен менинг жуда ақлли қизимсан. Ёш қизлар эса бу борада ўта ақлли. Лекин, ошиғингнинг исмини билишга ҳатто сенинг ҳам ақлинг етмайди. Бу хат мистер Коллинздан келибди.

– Мистер Коллинз?! У нималар дебди?

– Албатта ақлли маслаҳатлар берибди. Гапини Жейннинг тўйи бўлиши муносабати билан табрикдан бошлабди. Бу гапларни у бирорта ғийбатчи аёллардан эшитган шекилли. Унинг бу тўғрисидаги гапларини ўқиб бериб мен сенинг бошингни қотирмоқчи эмасман. Сенга тегишли гаплар эса мана, эшит:

«...Шундай қилиб, ушбу хурсандчилик билан Сизни ўзим ва миссис Коллинз номидан табриклаётиб,

рухсатингиз билан биз яна ўша одамдан эшитганимиз бир янгиликка сизнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Сизнинг Элизабет қизингиз, унинг опаси ва у танлаган турмуш ўртоғи асосли равишда бу мамлакатнинг машҳур шахслари деб саналишга улгурмай, Беннет фамилиясини алмаштиради».

– Лиззи, қизим, қани топ-чи, ким экан бу?

«Яратган бу йигитни ҳамма нарса билан сийлаган: олийнасаблик, бойлик, одамлар устидан ҳукмронлик ва бошқа инсон учун керакли ҳамма нарсалар. Лекин юқорида санаб ўтганим сифатларга қарамай, мен қизингиз Элизабетни ва Сизни ҳам у сизларга қилмоқчи бўлаётган, жозибалилиги аниқ кўриниб турган таклифни шошилинч билан қабул қилиб қўйманглар, деб огоҳлантириб қўймоқчиман».

– Хўш, Лиззи, бу қандай дворян эканлигини топдингми? Ҳозир биласан, шошмай тур:

«Сизларни огоҳлантириб қўйишга мени чорлаётган мулоҳазалар қуйидагилардир: бу дворяннинг холаси бўлмиш леди Кэтрин де Бёр бу никоҳга бутунлай қарши, дейишга асосимиз бор».

– Мистер Дарси – мана ким! Хўш, қизим, сени роса бошингни қотирдимми? Сен менга айтгин – у Лукаслар билан гапираётган гапларининг ёлғонлигини исмиёқ айтиб турган бирортасини бизнинг танишларимиз орасидан топа олиши мумкин нарсами? Хоҳлаган аёлига қараши билан унинг ҳамма камчиликларини ўша заҳоти кўра оладиган ва менимча, сенга бирор марта ҳам қарамаган мистер Дарсига сени тўғрилаб қўйиш! Зўр-ку!

Элизабет ҳам ўзини қувноқдек кўрсатишга ҳаракат қилди. Лекин юзида аянчли бир ифода пайдо

бўлди. Шу пайтгача отасининг гапга тўн кийдириб гапириши бунчалик унинг ғашига тегмаган эди.

– Қалай сени зўр кулдирдимми?

– Ҳа, албатта. Илтимос, давомини ўқинг.

«*Кеча кечқурун мен зоти олияларига шундай бўлиб қолиши мумкинлиги тўғрисида гапирганимда улар ўзларига хос бўлган андиша билан бу борадаги муносабатларини айтиб ўтдилар. Унга кўра менинг амакиваччамнинг баъзи нобоп қариндошлари орқасидан унингча номувофиқ бўлган ушбу никоҳга ҳар қандай тақдирда ҳам ўз розиликларини бермасликларини айтиб ўтдилар. Шунинг учун мен ўз томонимдан иложи борича зудлик билан ўз амакиваччамни ва унинг хушторини нималар кутаётганини айтиб қўйишни ва ҳеч ким оқ фотиҳа бермайдиган бу никоҳга шошилмасликни маслаҳат беришни ўз бурчим деб биламан. Мен амакиваччам Лидиянинг қилиб қўйган ишини силлиққина ҳал қилишнинг иложи топилганидан жуда хурсандман. Фақат уларнинг тўй бўлмасдан туриб бирга яшагани ҳамма ёққа овоза бўлиб кетгани мени қайгуга солаяпти. Ва бу ёшлар никоҳдан ўтиши билан сиз уларни меҳмонга чақирганингиз эса мени ҳайрон қолдиряпти. Эсиз, сизнинг бу ишингиз ёмон хулқни рағбатлантиришдек бўлиб чиқибди. Агар Лонгборн менинг қарамоғимда бўлганида эди, мен бунга йўл қўймаган бўлардим. Сиз, албатта, христиан сифатида уларни кечиргансиз. Лекин улар бир умр Сизнинг кўзингизга кўринишлари керак эмас эди, уларнинг номлари эса бир умр Сизнинг қулоғингиз остида жаранглamаслиги керак эди».*

– Ҳа, мана христианликнинг кечиримлилигини у қандай тушунаркан! Хатининг қолгани унинг азиз Шарлоттасига ва яқинда пайдо бўладиган кичкина Коллинзга аталган. Лиззи, бу хат сенга худди ҳеч ҳам

ёқмаганга ўхшайди. Ҳар хил ғийбатлардан хафа бўлдим, деб ўзингни гап кўтара олмайдиганга солмассан, ахир? Ахир биз қўшниларимизни хурсанд қилиш учун уларга баҳона топиб бериб ва ўз навбатида ўзимиз ҳам уларнинг устидан кулиб яшамаяпмизми?

– Бу хат мени чиндан ҳам роса кулдирди. Лекин жуда ғалати ёзилибди!

– Ҳамма гап шунда-да. Агар бошқа биров бўлганда бунчалик қизиқ бўлмасди. Лекин Дарсининг сенга бефарқлиги ва сенинг ўзинг ҳам уни ёқтирмаганинг учун ҳам бу шунчалик бемаъни нарса! Мен хат ёзишни ёқтирмаслигимни биласан. Лекин мен Коллинз билан албатта хат ёзишаман! Унинг хатларини ўқиганимда куёвим Уикхемнинг қанчалик уятсиз ва мунофиқлигини билсам-да, Коллинз ундан зўрроқ, деган хулосага келаман. Айтганча, Лиззи, леди Кэтрин бу хабар тўғрисида нима деди? У сени ўзининг оқ фотиҳасидан бенасиб қилиш учун келмаганмиди?

Бу гапга жавобан Элизабет кулиб қўйди холос. Мистер Беннет бу саволни шунчаки бергани учун, қизини бошқа саволлар билан қийнаб ўтирмади. Ҳали шу пайтгача Элизабет бирор марта ҳам бу аҳволга тушмаган эди. Унинг йиғлагиси келаётганда ундан кулишни талаб қилишаяпти. Отаси, айниқса, Дарсининг унга бефарқлиги тўғрисидаги гапи билан унинг ярасига туз сепди. Қиз икки йўлнинг ўртасида қолганди: отасининг ҳеч нарсани сезмаётганига ҳайрон қолсинми ёки отасининг кам нарсани кўраётганидан эмас, ўзининг кўп нарсани кўраётганидан хавфсирасинми?

XVI БОБ

Леди Кэтрин келиб кетганидан бир оз ўтиб мистер Бингли, Элизабет Дарсидан кутаётгани кечирим сўраб ёзилган хат ўрнига мистер Дарсининг шахсан ўзини олиб келди. Йигитлар вақтли келишди. Миссис Беннет Дарсига унинг холаси (қиз ҳаяжонланиб кутгани) ке-

либ-кетганини айтгунча, Жейн билан тезроқ ёлғиз қолишга шошаётган мистер Бингли ҳаммани бирга айлангани чиқишга таклиф қилди. Бу таклиф ҳаммага ёқди. Миссис Беннетнинг айланиш одати йўқ эди, Мэрининг эса ҳеч қачон бўш вақти бўлмасди, қолганлар эса бажонидил рози бўлишди. Бингли ва Жейн бошқаларнинг улардан ўзиб кетишларига йўл қўйиб беришди ва аста-секин орқада қолишди. Элизабет, Китти ва Дарси эса нима қилишни билмай аста гаплашиб кета бошлашди. Улар жуда кам гапиришар эди: Китти нима дейишни билмас, чунки у Дарсининг олдида уялиб кетаётган, Элизабет эса муҳим қадамни қўйиш учун куч йиғиб кетар, Дарси ҳам, кўринишидан шунақага ўхшарди.

Улар Китти Марияни кўриб чиқмоқчи бўлган Лукас Ложга қараб кетишарди. Китти йўлда қолиб кетгач, йигит ва қиз иккаласи йўлда давом этар эканлар, гапириш пайти келганини ҳис қилган Элизабет шошапиша деди:

– Мистер Дарси, биласизми, мен жуда худбинман. Ўзимнинг кўнглимни бўшатиб олиш учун ҳамма муаммони сизга юклаб қўймоқчиман. Шундай қилиб, бу ёғига сиз менинг синглимга қилган чуқур ғамхўрликларингиз учун миннатдорчилик билдиришни бошқа орқага суролмайман. Сизнинг қилган ҳаракатингиз тўғрисида эшитган кунимдан бери бу гапни айтишим кераклиги мени қийнаб келаётган эди. Сизнинг бу ишдаги ўрнингиз тўғрисида оиламиздаги ҳамма эшитганида эди, мен миннатдорчиликни фақат ўз номимдан билдирмаган бўлардим.

– Бу тўғрисида сиз билиб қолганингиз мен учун ноқулай, жуда ҳам ноқулай, – мистер Дарси нима дейишни ҳам билмай қолди. – Сизга бошқача қилиб етказилган бу гаплар сизни бекорга юрагингизни сиққан бўлиши мумкин. Мен миссис Гардинерга ишониб бўлмаслигини тасаввур ҳам қилмагандим.

– Йўқ, йўқ, улардан хафа бўлишнинг ҳеч ўрни эмас. Сизнинг бу ўринда иштирокингиз Лидиянинг енгилтаклиги орқалигина менга маълум бўлиб қолди. Ва албатта, ҳамма гапни билиб олмагунимча, тинч ухлай олганим йўқ. Шундай қилиб, менинг оиламдагиларнинг ҳаммасининг номидан сизнинг қочоқларни топишда қанча кўнгилсизликларга чидаб қилган олижаноблигингиз учун яна бир марта чиндан ҳам миннатдорчилик изҳор қилишимга рухсат беринг.

– Агар менга жуда миннатдорчилик билдиришингиз зарур бўлса, унда ўзингизнинг номингиздан билдира қолинг, – деди йигит. – Мени бу ишга аралашишга мажбур қилган сабаблардан бири сизни хурсанд қилиш бўлганини инкор қилмоқчи эмасман. Оилангизнинг бошқа аъзолари, мен уларнинг ҳаммаларини ҳурмат қилганим ҳолда, менинг олдимда қарздор эмаслар – мен фақат сиз тўғрингизда ўйладим.

Элизабет хижолат чекаётгани сабаб, бирор нима дейишга ожиз эди. Бир оз сукутдан сўнг Дарси гапида давом этди:

– Менинг қалбим билан ўйнашмаётибсиз, деб умид қиламан, чунки сиз жуда олижанобсиз. Агар биз сиз билан апрель ойида гаплашганимиздан бери сизнинг менга бўлган муносабатингиз ўзгармаган бўлса, дарров айтиб қўя қолинг. Менинг туйғуларим ва ниятларим ўша-ўша. Сизнинг бир оғиз сўзингиз ва мен бу ҳақда бошқа оғиз очмайман.

Йигитнинг аҳволини юракдан ҳис қилиб турган Элизабет гапиришга ўзида куч топди. У ўтган давр давомида унга бошқача кўз билан қарай бошлаганини, унинг ҳозирги гапларидан миннатдорлигини, жуда қизишиб бўлмаса-да, аста тушунтирди. Қизнинг бу сўзларидан йигит ҳали бирор марта бошидан ўтказмаган, ўзгача бир бахтни ҳис қилди. У ўзи ҳис қилаётган бу туйғуларни эҳтирос оташида ёнаётган одамгина айта оладиган, шу туйғулардек қайноқ ва самимий сўзлар билан қизга етказишга уринди. Агар Элизабет

шу пайтда йигитнинг кўзларига қарай олганда эди, бу эҳтирос унинг кўзларида акс этаётганини кўрарди. Лекин қиз унинг юзига қарай олмаса-да, тинглай оларди. Йигит Элизабетнинг унга қанчалик қадрли эканлигини айтар экан, у қизга борган сари қадрлироқ бўлиб борарди.

Улар қаергалигини билмаган ҳолда олдинга қараб кетишарди. Айтадиган гаплар ҳали жуда кўп эди. Элизабет бир оздан сўнг улар бир-бирларини тушунишларига леди Кэтриннинг ҳаракатлари ёрдам берганини англади. Дарсининг холаси Лондондан ўтиб кетаётиб чиндан ҳам йигит билан учрашган, унга Лонгборнга борганини, боришининг сабабини ва Элизабет билан суҳбатини айтиб берган экан. Леди Кэтрин, айниқса, мисс Беннетнинг жавоблари унинг беҳаё ва бузуқлигини исботлаганига урғу берибди. Албатта бу гапларни жиянига айта туриб, леди Кэтрин Лонгборнда ололмаган жавобни ундан олишига амин эди. Лекин зоти олияларининг бахтига қарши, унинг гаплари акс таъсир қилибди.

– Бу гаплар мен шу пайтгача ҳатто орзу қилишга ҳам юрагим дов бермаётган умид уйғотди. Мен сизнинг дангал гапиришингизни билганим учун, агар сиз менга қарши бўлганингизда буни холамга тўғридан-тўғри айтиб қўя қолган бўлишингизни тушундим.

Қизариб кетган Элизабет кулибгина деди:

– Ҳа, сиз менинг дангалчилигим билан танишсиз. Шунинг учун ҳам мени шундай қилади, деб ҳисобламагансиз. Сизнинг юзингизга шунча гапни айтиб ташлаганимдан сўнг, қариндошларингизга сиз ҳақингиздаги фикримни айтиш ҳеч гап эмасди, албатта.

– Лекин сиз мен ҳақимда бирор ёмон нарса дедингизми? Сизнинг мен ҳақимдаги салбий таассуротларингиз мен тўғримдаги ёлғон ахборотлардан келиб чиқиб пайдо бўлган бўлса-да, менинг ўша кечадаги ўзимни тутишимни чиндан ҳам қоралашга муносиб.

Уни асло кечириб бўлмайди. Мен буни титрамасдан эслай олмайман.

– Келинг, яхшиси ўша куни ким кўпроқ айбдор бўлгани тўғрисида баҳслашмай қўя қолайлик, – деди Элизабет. – Агар жиддий айтадиган бўлсак, ҳар иккаламиз ҳам беайб эмасдик. Ўшандан бери иккаламиз ҳам одобли бўлишга ўргандик, деган умиддаман.

– Мен ўзимни бундай осонлик билан кечира олмайман. Ўша куни айтган гапларим, ўзимни тутишим, бутун шу ойлар ичида хаёлимдан кетгани йўқ. Сиз менга қилган таънангиз бир умр ёдимдан чиқмайди. Сиз менга: «Сиз ўзингизни олижаноб инсондек тутсангиз...» дегандингиз. Бу гапингиз менга қанчалик алам қилганини билмайсиз, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Лекин сал вақт ўтгандан сўнг сизнинг ҳақ эканлигингизга тан бердим.

– Лекин мен бу гапларим шунчалик таъсир қилади деб мен хаёлимга ҳам келтирмагандим. Улар сизга тегиб кетишини ўйламагандим ҳам.

– Сизга ишонаман. Ўша пайтда сиз чиндан ҳам менда оддий одамларда бўладиган ҳис-туйғулар йўқ, деб ҳисоблардингиз. Ўша куни сиз менга мен нима қилган тақдирда ҳам ўзим тўғримдаги фикрингизни ўзгартирмаслигингизни айтаётганингиздаги юз ифодангизни ҳеч ҳам эсимдан чиқармайман.

– Илтимос, мен ўша куни айтган гапларимни қайтаравермайлик. Булар ҳаммаси хато эди ва уларни эсдан чиқарамиз. Мен ўзи қачондан бери уялиб юрибман.

Дарси ёзган хатини эслатди:

– Қизиқ, хатни ўқиган заҳотиёқ мен тўғримда яхши ўйлай бошладингизми? Хатни ўқиганингизда унга ишондингизми?

Қиз хат унга қандай таъсир қилганини, кейинчалик секин-аста ўзининг нотўғри фикрлари ўзгара бошлаганини айтиб берди.

– Хатим сизнинг кўнглингизни оғритишини сезгандим. Лекин шундай қилишим керак эди. Хатимни йўқ

қилиб ташладингизми? Агар сиз уни ҳозир яна бир марта – айниқса, биринчи қисмини – ўқийдиган бўлсангиз менга жуда ноқулай бўларди. Ўша жойларидаги мени ўша гаплар учун ёмон кўришга арзийдиган нарсалар эсимда.

– Агар, сизнингча менинг сизга боғланиб қолганимни мустаҳкамлаш учун шу керак бўлса, мен албатта ёқиб юбораман. Лекин бу нарсалар менинг туйғуларимга акс таъсир қилмайди – уларни ўзгартириш осон эмас. Аслида, иккаламиз амин бўлганимиздек, улар баъзида ўзгариб туради.

– Мен ўша хатни ёзаётганимда, совуққондек эдим. Лекин хатни ёзаётганимда қанчалик руҳий азобда бўлганимни ҳозир жуда яхши тушунаман.

– Хатингизнинг давоми бошқачароқ бўлган бўлсада, бошида чиндан ҳам кескин эди. Хайрлашув сўзингиз эса... Келинг, яхшиси бу ҳақда ўйламаймиз. Бу хатни ёзган одамнинг ҳам, уни ўқиган одамнинг ҳам туйғулари шунчалик ўзгардики, бу хат билан боғлиқ хафагарчиликлар унутилиши керак. Менинг файласуфона қатъий қоидам мана бундай: «Бирор нарсани эсга олмоқчи бўлсанг, у сенга ёқадиган пайтдагина эсга олгин».

– Очиғини айтсам, мен бундай фалсафани жуда ҳам ёқтиравермайман. Сизнинг эсдаликларингизда таънага ўрин йўқ, шунинг учун сизнинг тинчлигингиз фалсафага эмас, тоза виждон асосига қурилган. Мен бир умр фикрлашим билан бўлмаса-да, хатти-ҳаракатларимда худбинлик қилиб келган эканман. Болалигимда тўғри-нотўғри нималигини тушунтиришган, лекин ўз табиатинг устида ишлашни ўргатишмаган. Менга яхши эътиқодларни сингдиришган, лекин мағрур ва кеккайган бўлишимга қўйиб қўйишган. Ёлғиз ўғил бўлганим учун (кўп йиллар давомида яна ёлғиз фарзанд ҳам) ота-онам мени ҳаддан ортиқ эркалатишган. Мендаги худбинликка йўл қўйиб қўйишган, уни рағбатлантиришган. Мендаги бизнинг оиламиздан таш-

қаридаги ҳар бир кимсага нисбатан нафрат ҳиссини, уларнинг ақли ёки хизматларини меникидан паст қўйиш одатларимга панжа орасидан қарашган. Мен саккиз ёшимдан йигирма саккиз ёшгача ана шундай эдим. Агар сиз, азизам Элизабет, сиз бўлмаганингизда мен шундайлигимча қолардим! Мен сиздан жуда қарздорман. Менга жуда аччиқ, лекин фойдали мактаб бўлдингиз. Сиз мени руҳий барқарорликка ўргатдингиз. Олишингизга амин бўлган ҳолда сизга қўлимни тутган эдим. Сиз эса ўзимда бор ҳамма хислатларимга қарамай, муҳаббати чиндан-да қадрлашниши керак бўлган аёлнинг севгисига лойиқ эмаслигимни кўрсатиб бердингиз.

– Наҳотки, сиз ўшанда мени сизнинг таклифингизни қабул қилади, деб ўйлаган бўлсангиз?

– Ҳамма гап шунда-да! Менинг шуҳратпарастлигимга нима дейсиз? Мен, сиз мени севиб қолганимни айтишга мажбур қилмоқчисиз, деб ўйлагандим.

– Демак, мен ўзим сезмаган ҳолда, нимададир хато қилганман. Ишонинг. Мен сизни алдамоқчи эмасдим. Лекин менинг қувноқлигим мени нотўғри йўлга бошлаган шекилли. Ўша кундан кейин мени роса ёмон кўриб қолган бўлсангиз керак!

– Сизни ёмон кўриш? Балки, чиндан ҳам бошида жаҳлим чиққандир. Лекин кейин бу ғазабга лойиқ одам ўз жазосини олди.

– Мени Пемберлида кўрганингизда нималарни ўйлаганингизни сўрашга уялаяпман. Мени у ерда кўриб жаҳлингиз чиқмадими?

– Нималар деяпсиз, ҳеч ҳам. Фақат жуда ҳайрон бўлгандим.

– Менчалик ҳайрон бўлмаган бўлсангиз керак. Менга яхши муомалада бўлишларига виждоним йўл қўймаётган эди, очиғи мен бундай яхши муносабатни кутмагандим.

– Мен эса ўша пайтда қўлимдан келганча сизга қараб, кек сақлайдиган одам эмаслигимни исботла-

моқчи бўлгандим. Мен сизнинг кечиримингизга эришишга, мен тўғримдаги ёмон фикрларингизни йўқ қилишга, сизнинг таъналарингиз менга фойдали таъсир қилганини кўрсатишга уринаётгандим. Сизни кўрганимдан кейин ярим соатлар ўтибми – аниғини айтолмайман – менда бошқа хоҳишлар ҳам пайдо бўлди.

Йигит Элизабетнинг синглисига қанчалик ёққани-ни ва улар бирдан жўнаб кетишларига тўғри келганида, унинг хафа бўлиб қолганини айтиб берди. Унинг гапи шу ерда уларнинг нима сабабдан Пемберлидан шунчалик тез кетишларига сабаб бўлган мавзуга ўтиб кетди. Элизабет, йигит ҳали меҳмонхонадан кетмасданоқ унинг синглисини қидириш учун йўлга тушишга қарор қилганини энди билди. Унинг ўша пайтдаги саросимали ва хафа кўриниши қалбида бўлаётган ғалаёнлардан экан.

Қиз унга яна бир бора миннатдорчилик билдирди ва бу иккалалари учун ҳам оғриқли мавзу бўлгани учун, жим қолишди.

Яна бир оз юргач, соатга қараб аллақачон уйга қайтадиган вақт бўлганини кўришди. Бингли ва Жейн қаерга кетган бўлишлари мумкинлигига қизиқиб, улар ҳақида гапира кетишди. Дарси ўртоғининг Жейнга унаштирилганидан жуда хурсанд эканлигини айтди.

– Тўғрисини айтинг, сиз бунга ҳайрон бўлмадингизми? – сўради Жейн.

– Асло. Кетаётганимнинг ўзидаёқ уларнинг унаштирилишига ишонгандим.

– Бошқача айтганда, сиз унга розилигингизни айтдингизми? Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим.

Йигит бу гапни инкор қилса-да, Элизабет айнан шундай бўлганини тушунди.

– Лондонга кетишим арафасида, мен унга аввалроқ айтишим керак бўлган нарсаларни айтиб бердим. Унга ҳеч қандай асоссиз, қўполлик билан ҳаётига аралашганимни айтдим, – деди мистер Дарси. – Бу нар-

салар унинг хаёлига ҳам келмаган экан, ҳайрон қолди. Мен яна, сизнинг опангизнинг унда кўнгли йўқ, деганимда янглишганимни ҳам айтдим. Шу пайтда дўстимнинг опангизга муносабати ўзгармаганини сездим ва уларнинг келгусида бахтли бўлишига менда ҳеч қандай гумон қолмади.

Йигитнинг дўстининг тақдирини бемалол бошқариши қизда кулги уйғотди:

– Сиз дўстингизга Жейн уни севишини ўз кузатишларингиздан хулоса қилиб айтдингизми ёки баҳорда мендан эшитганларингизга асосланибми?

– Мен ўз кўзларим билан кўриб амин бўлдим. Лонгборнга охирги икки марта келганимиздаги кузатишларимдан келиб чиқиб, опангизнинг севгисига шубҳа қилмай қўйдим.

– Дўстингиз эса сизнинг гапларингизга дарров ишонди-а?

– Ҳа. Бингли жуда камтар йигит. Унинг ўзига ўзи ишонмаслиги шундай муҳим ишни ёлғиз ўзи ҳал қилишига йўл қўймади. Лекин у ҳамма нарсада менга ишонгани учун ҳамма нарса ўз жойига тушди. Лекин мен унга бир сирни очишим керак эди ва у бу гапни эшитиб, ҳақли равишда жаҳли чиқди. Мен унга опангиз уч ой қишни Лондонда ўтказганини, мен бундан хабарим бўлатуриб, унга айтмаганимни маълум қилдим. У чиндан ҳам жуда хафа бўлди. Лекин опангизнинг туйғулари ҳали ҳам ўша-ўша эканлигига ишонганидан сўнг ўзига келди. Ҳозир эса мени бутунлай кечирган.

Элизабетнинг тилига, «қанақа йигит экан ўзи бу Бингли, ҳамма нарсада ўртоғининг маслаҳати билан юрадиган» деган гап келди-ю, лекин ҳали Дарси ўзининг ҳазилларига ўрганмагани ёдига тушиб тилини тийди. Бу ишни ҳозирданоқ бошлаш хавфли эди. Йўлнинг қолган қисмини Дарсининг Бинглининг келажакда ўзлариникидан кам бўлмаган бахтли ҳаёти ҳақидаги гаплари билан ўтишди. Улар уйга кириб келганда айрилишди.

XVII БОБ

– Лиззи, азизам, қаерларга йўқолиб кетдинглар? – Элизабет хонага кирганда Жейн уни шу сўзлар билан кутиб олди. Ҳамма дастурхон атрофига ўтирар экан, бошқалар ҳам унга шу саволни беришди. Қизариб кетган қиз нотаниш жойларга бориб қолишганини айтди. Лекин унинг қизариб кетгани ҳам ва на бошқа сабаблар ҳеч кимда шубҳа уйғотмади.

Оқшом тинч, ҳеч қандай ҳодисаларсиз ўтди. Севишганлар деб тан олинганлар кулиб гаплашиб ўтиришар, ҳали тан олинмаганлар эса – жим ўтиришарди. Дарсининг ўз ҳиссиётларини қувноқлик билан ташқарига чиқариш одати йўқ эди, ҳаяжонланиб кетаётган Элизабет эса ўз бахтини ҳис қилаётган эди. Одатда, бундай пайтларда қизлар ҳис қиладиган ноқулайликдан ташқари уни бошқа кўп нарсалар ташвишга ҳам солаётган эди. Ўзининг оиласидагилар уларнинг қарорини қандай қабул қилишларини у олдиндан тасаввур қилаётган эди. Ва Жейндан бошқа ҳамма Дарсига ёқтирмай қарашларини билгани учун, уларнинг бу ҳиссиётлари унинг бойлигидан ҳам, жамиятда тутган ўрнидан ҳам кучли чиқиб қолмайдими, деган хавотири бор эди.

Уйқуга ётишдан олдин қиз ҳамма гапни опасига айтиб берди. Одатда, Жейн унинг ҳамма гапларига ишонса-да, бу сафар ишонқирамади:

– Ҳазиллашаяпсанми, Лиззи? Бундай бўлиши мумкин эмас! Мистер Дарси билан унаштириш! Йўқ, сен мени алдаяпсан. Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Бошланиши яхши эмас. Мен фақат сенга умид қилгандим. Агар сен менга ишонмасанг, унда мен бошқаларни қандай ишонтираман? Жейн, жоним, рост айтаяпман. У ҳалигача мени севади. Биз келишиб олдик.

Жейн синглисига ишонқирамай қаради:

– Лиззи, ҳеч ҳам ишона олмаяпман. Ахир сен уни кўргани кўзинг йўқ эди-ку!

– Сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Ўтган нарсаларни ҳаммасини унутиш керак. Балки мен уни ҳеч қачон ҳозиргичалик севмагандирман. Лекин бундай ҳолатларда эхши эслаб қолиш одати тўғри келмайди. Мен ҳам ҳозир бу тўғрида охирги марта эслаяпман.

Жейн чиндан ҳам нима деб ўйлашни билмасди. Элизабет айтган гаплари чин эканлигига уни яна бир марта ишонтиришга ҳаракат қилди.

– Худойим-ей! Наҳотки, шунақаси ҳам бўлса? Лекин мен сенга ишонаман. Лиззи, жоним, мен сени чин дилдан табриклашни хоҳлайман. Лекин сен – саволим учун мени кечирасан – у билан бахтли бўлишингга тўлиқ ишонасанми?

– Хотиржам бўлишинг мумкин. Биз дунёдаги энг бахтли оила бўламиз, деб келишиб қўйдик. Лекин, Жейн, сен хафа эмасмисан? Шундай акани сен ёқтира оласанми?

– Албатта, жоним билан! Мен билан Бингли учун бу катта хурсандчилик. Биз у билан шу тўғрисида гаплашган эдик, лекин кейин, бўлиши мумкин эмас, деб воз кечгандик. Сен чиндан ҳам уни севасанми? Лиззи, нима қилсанг қил, лекин севмай туриб турмушга чиқма! Сен уни етарли даражада кучли севишингга ишончинг комилми?

– Ҳа! Мен сенга ҳамма нарсани айтиб берганимдан сўнг, уни қанчалик севишимга ўзинг ҳам амин бўласан.

– Бу билан нима демоқчисан?

– Чиндан айтадиган бўлсам, уни Бинглидан ҳам ортиқроқ севаман. Бунинг учун мендан хафа эмасмисан?

– Лиззи, жоним, бирпас ҳазил қилмай тургин. Ахир жиддий гаплашиб олишимиз керак. Қани, мен билмайдиган ҳамма нарсани айтиб бер-чи. Уни анчадан бери севасанми?

– Бу туйғулар шундай секинлик билан пайдо бўлдики, қачон бошланганини аниқ айта олмайман. Балки,

биринчи марта унинг Дербиширдаги поместьесини кўрганимдан кейин пайдо бўлгандир...

Жейннинг уни жиддийроқ бўлишга чорлаши аниқ мўлжалга тегди ва Элизабет опасини мистер Дарсини чиндан ҳам севишига ишонтирди. Ҳамма гапни эшитгач, Жейн ўзини жуда бахтли ҳис қилди:

– Мен энди чинакамига бахтиёрман! – хитоб қилди у. – Сенинг ҳаётинг ҳам меникидек қувончга тўла бўлади. Мен мистер Дарси тўғрисида доим яхши фикрда эдим. Сени севиб қолганининг ўзи уни менинг олдимда кўкларга кўтариб қўйди. Лекин бундан буён Бинглининг дўсти ва сенинг эринг сифатида у сен ва Бинглидан кейин дунёдаги мен учун энг азиз инсонлар қаторида туради. Лекин, Лиззи, сен бунчалик муғамбир эмасдинг-ку? Мендан шунча нарсани яшириб юрган экансанда-а?! Ахир Пемберлида нималар бўлганидан мен бутунлай бехабар эдим-ку. Билган нарсаларимни ҳам бошқа бировлардан эшитган эдим.

Элизабет нима учун ундан яширганлиги сабабини опасига айтиб берди: у пайтда опасига Бинглининг номини эслатишни хоҳламаган. Ўзи ҳам ҳали унча ишонмаётган туйғуларини очишни ҳам ножоиз деб билган. Энди эса Лидиянинг турмушга чиқишида мистер Дарсининг ўрнини яширишнинг ортиқ ҳожати йўқ. Опа-сингиллар шу тарзда ярим кечагача гаплашиб ётишди.

* * *

– Вой, Худойим-ей, – эртаси куни деразанинг олдида турган миссис Беннет хитоб қилди. – Бу шилқим мистер Дарси яна бизнинг Бинглимизнинг орқасидан юрибдими? Эртадан кечгача кунини бизникида ўтказиб нима қилаяпти? Агар ўзининг шу ердалиги билан бизга халақит бермай, бирор нарса қилса ёки овга борса бўлмасмикин-а?! Бугун уни энди қаерга юборамиз? Лиззи, қизим, у Бинглига халал бермасин, у билан ташқарида бир оз айланиб келгин.

Бу таклиф жуда ёқиб тушган Элизабет ўзини зўрға кулгидан тийиб қолди. Лекин онасининг йигитни ҳар хил сўзлар билан аташи унга бир оз тегиб кетди. Йигитлар хонага кириб келишганда мистер Бингли Элизабетга шундай ифодали қараб, қўлларини қаттиқ сиқиб кўришдики, унинг ҳамма гапдан хабар топгани сезилди. У миссис Беннетга қараб деди:

– Миссис Беннет, бу яқин атрофда Лиззи йўқолиб қолиши мумкин бўлган жойлар яна борми?

– Мен мистер Дарси, Лиззи ва Киттини Оукхем тепалигига боришларини маслаҳат берардим, маза қилиб айланиб келасизлар, мистер Дарси эса у ерларда бўлмаган.

– У ёққа борганинглар яхши, лекин у ергача етиб бориш Киттига оғирлик қилади, тўғрими Китти? – деди мистер Беннет.

Китти ўзи ҳам уйда қолгиси келаётганини айтди. Мистер Дарси ҳам тепаликдан ён-атроф қандай кўринишига қизиқиб қолди ва Элизабет уни кузатиб боришга розилик билдирди. У кийиниб олиш учун хонасига борар экан, онаси кетидан кириб шивирлади:

– Лиззи, узр, бу табиати оғир одамга сен қарашингга тўғри келаяпти. Хафа бўлмаяпсанми? Ўзинг тушунасан-ку – ҳаммаси Жейнни деб қилинаяпти. Сен у билан гаплашиб юришинг шарт эмас, бир-икки оғиз гапириб қўйгин, бўлади.

Ёшлар айланиш давомида бу кеч мистер Беннетнинг розилигини сўрашга келишиб олишди. Онасига тушунтиришни Элизабет ўз бўйнига олди. Онасининг янгиликни қандай қабул қилиши номаълум эди. Элизабет бу одамнинг ҳаммага машҳурлиги ва бойлиги онасининг унга бўлган муносабатини ўзгартира олармикин, деб иккиланарди. Лекин бўлғуси никоҳдан онаси ғазабга тўладими ёки ҳайратга тушадими – иккала ҳолда ҳам онасининг ўзини бемаъни тутиши маълум ва Дарсининг буни кўриши Элизабет учун жуда оғир эди.

Кечқурун мистер Беннет кутубхонасига кириб кетгач, Элизабет Дарси ҳам унинг кетидан йўналганини кўрди. Роса хавотирга тушди. У отаси мистер Дарсига рад жавоби беришидан қўрқмас эди. Уни хавотирга ва қўрқувга солаётган нарса отасининг қизининг танловидан норози бўлиши мумкинлиги ва унинг тақдиридан хавотирга тушиши мумкинлиги эди. У Дарси кутубхонадан чиқиб келгунича жуда бетоқатланиб ўтирди ва фақат юзида енгилгина кулги билан Дарси кўринганидан кейингина бир оз хавотири босилди. Бир неча дақиқадан сўнг Дарси Элизабет тикиш билан банд бўлиб ўтирган столнинг олдига келди-да, худди унинг тикаётган нарсасини томоша қилаётгандек, аста шивирлади:

– Отангиз сизни кутубхонада кутаяпти.

Қиз ўша заҳоти кутубхонага йўналди.

Отаси тунд бир аҳволда хонанинг у бошидан бу бошига юрарди.

– Лиззи, – деди қизига мистер Беннет, – сенга нима бўлди? Ақлинг борми? Сен шу йигитга турмушга чиқишга розимисан? Ахир сен уни ҳеч қачон ёқтирмаган эдинг-ку!

Лиззи шу дақиқаларда ўзининг ўша пайтларда ҳамма нарсани очиқ гапирганларига пушаймон бўлиб кетди. Агар ўша пайтда тилига эҳтиётроқ бўлганида эди, ҳозир ташвиши камроқ бўларди. Лекин ҳозир ҳамма нарсани тушунтириб беришга мажбур эди ва у тутилиб-тутилиб отасига ўзининг Дарсига муносабатини билдирди.

– Демак, бир гап билан айтганда сен унга турмушга чиқмоқчисан. Тўғри, у жуда бой, чиройли кўйлакларинг, экипажларинг Жейнникидан кўра кўпроқ бўлади. Лекин сен бундан бахтли бўла оласанми?

– Отажон, сиз менинг туйғуларимга ишонмаётганингиздан бошқа яна сабабларингиз борми?

– Йўқ. Ҳаммамиз уни мағрур ва ёқимсиз одам, деб ҳисоблаётгандик. Лекин сен уни чиндан ҳам севадиган бўлсанг, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

– Лекин мен уни севаман, бутун юрагим билан севаман! – кўзларида ёш билан деди Элизабет. – Мен уни севаман. Уни бекор мағрур деган эканмиз. Аслида у ажойиб инсон. Сиз унинг қанақалигини ҳеч ҳам билмайсиз. Илтимос, у тўғрисида бундай оҳангда гапириб менга азоб берманг.

– Лиззи, қизим, мен розиман. Мистер Дарси шундай одамлар тоифасига киради-ки, улар мендан бирор нарса сўрасалар, рад қилишга ҳаддим сиғмайди. Бу ёғи ўзингга ҳавола – хоҳласанг мен рози. Лекин сенга бир маслаҳат – яна бир марта ўйлаб кўр. Мен сени жуда яхши биламан. Мен сенинг агар эрингга пастдан юқорига қарагандай қарамасанг, эрингнинг қадрига ета олмасанг, сен бахтли бўла олмаслигингни, ўзингни ҳурмат қилмай қўйишингни жуда яхши биламан. Сенинг ақлингнинг ўткирлиги ва ҳаётни севишинг агар никоҳда омадинг келмаса, сенга кўп ташвиш келтиради. Бу ҳолда сен ҳамма нарсадан совиб кетасан. Болажоним, сен умр йўлдошингга бўлган ҳурматингни йўқотганингни кўриб, сенга ачиниб кетганимдан қайғу чекишдан мени қутқаргин. Бу нима эканлигини сен тасаввур ҳам қила олмайсан.

Отасидан баттар ҳаяжонланган Элизабет чин дилдан жиддий қилиб тушунтирди. Отасига яна бир марта мистер Дарсини чиндан севишини, унга муносабати тубдан ўзгарганини айтиб берди. Унинг хислатларини фахр билан санаб берар экан, йигитнинг муҳаббати чин эканлигига ишонишини, бу вақт билан синалганини айтиб берди. Ахири отасини ишонтиришга ва ўзининг йигитга турмушга чиқишига кўндиришга эриша олди.

– Бўпти, нима ҳам дердим, – деди ахири мистер Беннет Элизабет гапларини тугатгач. – Агар ҳозиргина айтган гапларинг ҳаммаси рост бўлса, у сенга эр бўлишга муносиб. Сенга муносиб бўлмаган одамга турмушга чиқишингга мен чидай олмаган бўлардим.

Мистер Дарсини отасининг кўзи олдида яна ҳам кўтариб қўйишни истаган қиз унинг Лидия учун нима қилганларини айтиб берди.

– Бугун чиндан ҳам мўъжизалар куни шекилли! Бу бўлиб ўтган музокаралар, тўй шартномаси бўйича тўловлар, Уикхемнинг қарзларини тўлаш, зобитлик патентини сотиб олиш – булар ҳаммаси мистер Дарсининг иши экан-да! Ундан ҳам яхши. Бу мени ҳар хил муаммолар ва тўловлардан қутқаради. Агар буларни ҳаммасини тоғанг қилганда мен у билан ҳисобкитоб қилишим керак бўларди. Лекин бу севишиб қолган ёшлар ҳамма нарсани ўзларича қилишади. Мен эртага унга қарзимни қайтаришни таклиф қиламан. У қаршилик қила бошлайди, сенга бўлган муҳаббатини гапириб, ҳар хил бўлмағур гапларни айтади. Шу билан ҳамма нарса ҳал бўлади.

Шуни гапираётиб, мистер Беннет бир неча кун бурун мистер Коллинзнинг хатини ўқиётганида қизининг уялганини эслади. У кулганича, қизини кузата туриб, деди:

– Агар бирорта йигит Киттиними ёки Мэриними сўраб келадиган бўлса, менга юборавер, ҳозир бўшман.

Элизабетнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Ўзига келиб олгунча ярим соатча ўзининг хонасида бўлиб, кейин меҳмонхонага кирди. Кун шундай ҳаяжонли ўтган эдики, унинг ўзини қувноқ тутишга ҳам кучи етмай, оқшом жимгина ўтди. Элизабет онаси уйқуга етиши олдидан унинг хонасига кирди-да, унга янгиликни айтди. Гаплари онасига томдан тараша тушгандек таъсир қилди. Унинг гапларини охиригача эшитган миссис Беннет бирор нарса дейишга ҳам кучи етмай, бир қанча вақтгача жим ўтирди. Одатда, унинг ақли гап қизлари фойдасига бўлса, дарров ишлаб кетарди, лекин бу сафар қизининг айтган гаплари унга етиб боргунча анча вақт ўтди. Ниҳоят, у сал ўзига кела бошлади, сакраб ўрнидан турди, яна ўтирди, Худога шукур қилди:

– Яратган эгам! Ўзингга шукур! Наҳотки! Менга нима бўлаяпти ўзи? Мистер Дарси! Лиззи, қизгинам! Қанақа бой бўласан-а! Пулинг шунчалик кўп бўлади! Кареталар, тақинчоқлар! Жейн сен билан ҳатто беллаша ҳам олмайди! Мен ҳайратдаман, мен бахтлиман! Қандоқ ажойиб йигит! Шундай келишган! Баланд бўйли! Оҳ, Лиззи, қизгинам! Худо ҳақи, мен уни ёқтирмай юрганим учун ундан узр сўраб қўй. У буларни унутиб юборади, деб умид қиламан. Қандай яхши! Шаҳарда уйинг бўлади! Учта қизим турмушга чиқди! Йилига ўн минг! Худойим! Менга нима бўлаяпти! Эсим оғай деб қолаяпти!

Онасининг рози бўлганини англаш учун шунинг ўзи етарли эди. Ва онасининг юрагидаги гапларига ёлғиз ўзи гувоҳ бўлган Элизабет хурсанд бўлганча, чиқиб кетди. Лекин чиққанига уч дақиқалар бўлар-бўлмас, миссис Беннет унинг хонасига югуриб келди:

– Қизим! Йилига ўн минг, балки кўпроқ ҳамдир! Худди лордга теккандек гап. Ва алоҳида рухсат – сен албатта ўзига хос рухсат билан турмушга чиқасан. Айтганча, қизим, мистер Дарси қандай овқатларни яхши кўради! Эртага тайёрлашни буюраман.

Бу нарса онасининг келгусида куёвига қиладиган муносабатига жуда ҳам яхши бўлмаган ишора эди. Элизабет ота-онасининг розилигини олган бўлса-да, онасининг мистер Дарсига нисбатан яхши қарашига ишонч ҳосил қилган бўлса ҳам, онасининг бари бир нимадандир кўнгли тўлмай қолиши мумкинлигини тушунди. Лекин эртаси куни эрталаб нонушта жуда яхши ўтди, миссис Беннет бўлғуси куёв олдида шундай ҳаяжонландики, ҳатто уни овқатга таклиф қилиш, бирор нарсада унинг гапига қўшилганини тасдиқлашдан бошқа у билан бемалол гаплаша олмади ҳам.

Элизабет отасининг мистер Дарси билан яқиндан танишишга ҳаракат қилаётганидан хурсанд бўлди. Бир оз ўтиб у қизига йигит борган сари унга ёқиб кетаётганини айтди.

– Учала куёвим ҳам менга зўр туюлаяпти. Лекин, менимча, энг яхши кўрганим Уикхем бўлиб қолади. Лекин сенимкини ҳам Бинглидан кам яхши кўрмасам керак.

XVIII БОБ

Элизабет тез орада ўзига келиб олди ва аввалгидек қувноқ кайфиятда бўлган кунларининг бирида мистер Дарсидан у қандай қилиб ўзини яхши кўриб қолганини сўради:

– Нимадан бошланди ўзи? Кейин нима бўлганини биламан, лекин биринчи марта сизни менга эътибор беришингизга нима сабаб бўлди?

– Биринчи марта қаерда, қандай, қачон бошланганини ёки сабаб бўлган бирорта гап ёки кўз қарашларни аниқ айта олмайман. Мен нима гаплигини тушунганимда кеч бўлган эди.

– Биринчи менинг кўринишим сизга ҳеч ёқмаган эди-а? Менинг гапиришим-чи, сизга муносабатим жуда қўпол эди. Ҳар бир гапимда сизга теккизиб гапиришга ҳаракат қилардим. Чиндан ҳам, сизга ёқиб қолган нарса менинг жасоратли эканлигим эмасмиди?

– Мен сизни тийрак ақлингиз учун севиб қолдим.

– Бу очиқдан-очиқ гапларим учун мени кечирасиз. Атрофингиздаги одамларнинг сизга диққат билан, эгилиб-букилиб муносабатда бўлишлари жонингизга теккан, фикри-зикри кўз қараши билан, эътибори билан, хатти-ҳаракати билан фақат эътиборингизни тортиш бўлган аёллардан сизнинг кўнглингиз кетаётган эди. Менга эътибор бера бошлаганингизнинг сабаби, мен ўшаларга ўхшамаганим учун бўлган. Агар юрагингиз тоза бўлмаганида эди, гапларим учун мендан нафратланган бўлардингиз. Лекин сиз доим ўзингизнинг аслида қандай эканлигингизни яширишга уринганингиз билан бари бир, сизнинг туйғуларингиз, хатти-

ҳаракатингиз доим адолатли ва олижаноб эди. Ичингизда сизнинг бойлигингиз ва жамиятдаги ўрнингиз учунгина сизга таъзим қиладиганлардан нафратланар эдингиз. Мана, сизни бирорта нарсани тушунтириб беришдан озод қилиб қўя қолдим. Чиндан ҳам, бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни ҳисобга олсак, шундай бўлса керак. Албатта, менинг ҳали қандайлигимни сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз. Лекин чиндан севиб қолганда, бу нарсалар ҳақида ўйлашмайди шекилли.

– Ахир сиз ўзингизнинг қандай кўнгилчан эканлигингизни Незерфилдда Жейнга қараб ўтирганда исботладингиз-ку!

– Жейн – фаришта! Унинг учун ҳамма шундай қилган бўларди. Майли, сиз буни кўнгилчанлик деб ҳисоблай қолинг. Энди менинг яхши хислатларимга сиз қараб юрасиз ва иложи борича кўкларга кўтарасиз. Мен эса сиз билан уришиш ва ғашингизга тегиш учун ҳар бир нарсадан баҳона топаман. Мен буни ҳозирданоқ бошламоқчиман. Қани, менга айтингчи, нимага қатъий гаплашиб олишни шунча чўздингиз? Биринчи марта келганларингизда нима учун мендан қочишга ҳаракат қилдингиз? Чиндан ҳам, ўзингизни худди мен билан ҳеч қандай ишингиз йўқдек тутдингиз.

– Чунки ўша пайтда кўринишингиз жуда аянчли эди. Ва менга ҳеч қандай далда ҳам бермадингиз.

– Лекин мен уялаётган эдим!

– Мен ҳам.

– Шунинг учун ҳам бизникига тушликка келганингизда мен билан гаплаша олмадингизми?

– Ҳиссиётлари меникичалик бўлмаган одам балки бу ишни қила оларди.

– Зўр-ку, ҳамма гапга жавобингиз тайёр! Мен эса дарров ишониб қўя қоламан. Лекин ўзингизга қолса, изҳори дилни ҳали анчага чўзармидингиз... Ўзим сўраб олмасам, қачон айтмоқчи эдингиз? Менинг Лидия учун миннатдорчилик билдирганим иш берди-а? Уят бўлса ҳам. Ўзимизнинг тинчлигимизни оғиз очмас-

ликка берган ваъдамизни бузиш асосида қурадиган бўлсак, биз узоққа бормаймиз. Унда ишларимиз ёмон!

– Хафа бўлманг. Ахлоқий эътиқодларингиздан хавотир олманг. Менинг иккиланишларимни бизларни беҳаёларча ажратмоқчи бўлган холам йўқ қилди. Бугунги кундаги бахтиёрлигим сизнинг менга миннатдорчилик изҳор қилганингиздан эмас. Мен сизнинг биринчи бўлиб қадам қўйишингизни кутаётган эмасдим. Леди Кэтриннинг айтганлари менда ишонч ҳосил қилди ва мен ўша заҳотиёқ ўзим ҳақимдаги ҳукмни эшитишга шошилдим.

– Леди Кэтрин бизга беқиёс хизмат кўрсатди. У бундан хурсанд бўлиши керак. Ҳаммага фойдали бўлишни жуда яхши кўради. Лекин, сиз ўзингиз Незерфилдга нима учун келгандингиз? Наҳотки, фақат Лонгборнга келганда уялиш учун бўлса? Ёки узоқни кўзлаган режаларингиз бормиди?

– Асосий мақсадим – сизни кўриш эди. Сизнинг муҳаббатингизга эришишга бирорта имкониятим бор ёки йўқлигини билиш эди. Ўз-ўзимни эса опангиз ҳали ҳам Бинглини ёқтирадими ёки йўқми, аниқлашим керак деб ишонтираётгандим. Агар шундай бўладиган бўлса, дўстимнинг олдида гуноҳимни бўйнимга олмоқчи эдим. Кейинчалик шундай қилдим ҳам.

– Кейинчалик леди Кэтринга уни нима кутаётганини айтишга қурбингиз етадими?

– Тўғрироғи, менинг қурбим эмас, вақтим етмайди. Лекин буни албатта қилиш керак, агар менга бир варақ қоғоз берсангиз, ҳозироқ қиламан.

– Мен эса – агар ўзим ҳам ҳозир хат ёзишим керак бўлмаганда – сизнинг ёнингизда ўтириб бир текис ёзишингизни томоша қилиб ўтирган бўлардим. Лекин менинг ҳам холам бор, уни унутишга эса менинг ҳаққим йўқ.

Элизабет ҳалигача миссис Гардинернинг хатига жавоб бермаган эди. Бир пайтлар холасининг мистер Дарси тўғрисидаги ишораларига ишонгиси келмаёт-

ган эди. Лекин энди унга бу янгиликни айтса бўлади. Элизабет мистер Гардинерларнинг унинг бахтидан хурсанд бўлишлари тўғрисидаги хабарни уч кун кечикиб эшитишаётганидан уялиб кетди ва ўша заҳотиёқ хат ёзишга ўтирди.

«Холажоним, сизнинг ҳамма гапларни батафсил ёзиб юборган дўстона хатингизга аллақачон жавоб ёзиб юборган бўлишим керак эди. Лекин, очиғи, ёзишга қийналдим. Сиз гумон қилган нарсаларингиз тўғри экан. Энди нима ўйласангиз ўйлайверинг. Хоҳлаган нарсангизни тасаввур қилаверинг. Менинг турмушга чиққаним хаёлингизга келмагунча ўйлайверинг. Ҳа, тўғри эшитаяпсиз. Мен танлаган одамнинг, ўтган сафар ёзганингиздан ҳам аниқроқ қилиб, ҳамма хислатларини яна санаб чиқиб беришингиз керак. Кўллар Ўлкасига боргингиз келмагани учун сизга қайта-қайтадан раҳмат айтаман. У ёққа боришни роса орзу қилганимда қанчалик аҳмоқ эканман! Сизнинг кичкинагина файтон ҳақидаги гоянгиз менга ёқди. Иккаламиз ҳар куни паркда сайр қиламиз. Мен ҳозир дунёдаги энг бахтиёр инсонман. Балки менгача кўплар бу гапни айтишгандир. Лекин ҳеч кимда меникичалик асос бўлмаган бўлса керак. Мен ҳатто Жейндан ҳам бахтиёрроқман. У фақат жилмайяпти, мен эса хахолаб кулаяпман! Мистер Дарси мендан яшириб қолган севгисини сизга изҳор қилаяпти. Рождествода албатта Пемберлига келинг.

Сизнинг Элизабет».

Мистер Дарсининг холасига ёзган хати эса бутунлай бошқача эди. Мистер Беннетнинг мистер Коллинзнинг охирги хатига жавоби эса юқоридаги иккала хатга умуман ўхшамасди:

«Ҳурматли сэр!

Сиз яна бир марта бизни табриклаб қўйишингизга тўғри келади. Элизабет яқинда мистер Дарсига турмушга чиқаяпти. Қўлингиздан келганча леди Кэтринни овутиб қўйинг. Лекин сизнинг ўрнингизда бўлсам, мен унинг жияни тарафга ўтган бўлардим. Чунки унинг имконияти кўпроқ.

Ҳурмат билан мистер Беннет».

Мистер Бинглининг синглиси табриклаб ёзиб юборган хат эса ўта чучмал ва қалбаки эди. У ҳатто ўз хурсандчилигини билдириб, илгари дўст бўлганликларини эслатиб, Жейнга ҳам хат юборди. Жейн бу хатга алданмаган бўлса-да, лекин хурсанд бўлди ва бўлажак қайнсинглиси ўзи аслида арзийдиганидан ҳам самимийроқ қилиб жавоб ёзиб юборди.

Мисс Дарсининг ушбу муносабат билан ёзиб юборган хати эса акаси унга юборган хатидек самимий эди. Қизнинг Элизабет уни ўз синглисидек яхши кўришига бўлган умиди борлигини ва ўз хурсандчилигини ёзишига тўрт варақ қоғоз камлик қилгандек эди.

Мистер Коллинзнинг олган хатига жавоби ва хотинининг табрик хати етиб келгунича лонгборнликлар уларнинг ўзи Лукас Ложга келишганини эшитишди. Уларнинг бунчалик шошилиб келишганининг сабаби тезда маълум бўлди. Леди Кэтрин жиянидан хат олганидан сўнг шунчалик ғазабланибдики, бўлажак никоҳдан хурсанд бўлаётган Шарлотта ўзига келиб олмагунча унинг кўзига кўринмай туришга қарор қилибди. Шундай пайтда дугонасининг келганидан Элизабет жуда хурсанд бўлди. Лекин улар кўришган пайтларида дугонасининг эрининг мистер Дарсига қилаётган хушомадлари ҳамма нарсани бузиб қўядими, деб қўрқди. Лекин мистер Дарси ҳаммасига чидай олди. У ҳатто сэр Уильям Лукаснинг йигит бу ерларнинг қимматбаҳо нарсасини олиб кетаётганидан шикоятларини, Сент-Жеймсда бирга учрашишларига умид бил-

дираётганини ҳам индамай тинглади. Фақат сэр Уильям орқасини ўгирган баъзи пайтларда елкасини қисиб қўйди. Мистер Дарси яна бир, Сэр Лукасникидан ҳам оғирроқ синовни – бу сафар миссис Филипснинг ўзини жуда қўпол тутиши сабаб – бошидан кечиришига тўғри келди. Миссис Филипс, худди опасидек, мистер Бингли билан бемалол гаплашганидек, Дарси билан бемалол гаплашишга журъат қила олмади. Мистер Дарсига бўлган ҳурмат унинг оғзини юмиб қўйганди. Элизабет Дарсини мистер Коллинз ва миссис Филипснинг унга бўлган эътиборларидан сал олиб қочай деган уринишлари зўрға иш бераётган эди. Қизнинг уринишлари орқасида йигит кўп вақтини у билан ёки бирга бўлиш унга оғир бўлмаётганлар билан ўтказарди. Шу муаммолар сабаб Элизабетга унаштирилиш даври сал қийинчилик билан кечаётган бўлса-да, келгусидаги ҳаёти янада қизиқарлироқ туюларди. Ва қиз бир кун келиб ҳозир ўзлари учун ёқимсиз бўлаётган муҳитдан кетиб, Пемберлида сокин ҳаёт кечиришларини ўйлаб, энтикиб қўярди.

XIX БОБ

Миссис Беннет учун оналикнинг энг бахтиёр куни ўзининг энг яхши қизлари билан хайрлашган куни бўлди. Унинг қанчалик ғурур билан миссис Бинглиникига борганини, миссис Дарси тўғрисида гапирганларини бемалол тасаввур қилиш мумкин. Ва, унинг оиласининг ҳурмати учун айтиб қўйишим лозимки, унинг энг катта орзуси – қисқа вақт ичида салкам ҳамма қизини узатиб юбориш – аёлга шунчалик яхши таъсир қилдики, ҳаётининг охирларига келиб, у анча ёқимли хонимга айланди. Лекин, афсуски, ақлига ақл қўшилмади ва вақти-вақти билан – балки эрининг бахтигадир, акс ҳолда мистер Беннет ўзи учун ноодатий бўлган уйдаги шароитдан ёмон вазиятга тушган бўларди – у илгаригидек жазавага тушиб турар эди.

Мистер Беннетга доим иккинчи қизи етишмасди ва қизига бўлган интилиш унинг тез-тез уйдан чиқиб туришига баҳона бўларди. Унга Пемберлига – айниқса, уни кутишмаётган пайтда – бориш жуда ёқарди.

Мистер Бингли ва Жейн Незерфилдда атиги бир йилгина яшашди. Уларнинг миссис Беннет ва меритонлик қариндошлари билан яқин яшашлари йигитнинг юмшоқлиги ва Жейннинг кўнгли бўшлигига қарамай хавфли бўлиб қолди. Йигитнинг опа-сингилларининг энг эзгу орзулари рўёбга чиқиб, Бингли Дербишир билан чегарадош графликдан мулк сотиб олди. Шундай қилиб, ҳамма қувончлари устига оралари ниҳояти ўттиз мил бўлган ҳолда, бир-бирларига қўшни бўлдилар.

Китти кўп вақтини икки опасиникида ўтказа бошлади ва натижада табиати анча яхши томонга ўзгарди. У Лидиячалик ўжар эмасди. Ҳозир унинг таъсири остидан чиқиб, Жейн ва Элизабет раҳбарлигида анча ҳаракатчан ва саводли бўлиб қолган, жиззакилиги ҳам қолган эди. Албатта, ҳар қанақасига уни Лидиянинг таъсиридан ҳимоя қилишарди. Миссис Уикхемнинг Киттини тез-тез ўзиникига – уни йигитлар қатнашадиган баллар билан қизиқтириб, чақириб туришига қарамай, мистер Беннет Киттини уникига юбормас эди.

Лонгборнда қолган ёлғиз қиз Мэри эди. У ўзи хоҳламаган тарзда ўз устида ишлаш фикрларини ташлади, чунки миссис Беннет бир дақиқа ҳам ўзи қолишни истамасди. Шундай қилиб, Мэри, сал нарсага насиҳат қилиш одатини ташламаган бўлса-да, оила ҳаётида кўпроқ иштирок эта бошлади.

Уикхем ва Лидияларга келадиган бўлсак, иккита опасининг турмушга чиққани уларга таъсир қилгани йўқ. Элизабетнинг энди йигитнинг миннатдорчиликни билмаслиги ва ярамаслигини жуда яхши билишини улар индамайгина қабул қилишган эди. Ҳеч нарсага қарамай, Уикхем ҳали ҳам Дарси уларга ғамхўрлик

қилади, деган умидидан кечмаган эди. Тўйи арафасида Элизабет синглисидан олган хатда, йигит бўлмаганда ҳам, синглисининг ўзи шу ниятда эканлиги ёзилган эди:

«Азизам Лиззи!

Сенга доимо хурсандчилик тилайман. Агар сен мистер Дарсини мен ўзимнинг Уикхемимни севганимнинг ярмича севсанг ҳам, жуда бахтли бўласан. Сен шу қадар бой бўлишинг қандай яхши! Умид қиламанки, қиладиган ишинг бўлмай қолганда, сен бизларни эсга оласан. Агар иложи бўлса, саройда бирор жойга эга бўлишга Уикхем рози бўлган бўларди ва биров бизга ёрдам бермаса, биз қийналиб қолсак керак, деб қўрқаман. Лекин, агар керак эмас, деб ҳисоблайдиган бўлсанг, бу гапларни мистер Дарсига айтмай қўя қол.

Сенинг Лидиянг».

Элизабет бу нарса керак, деб ҳисобламагани учун синглисига ёзган жавоб хатида бу тўғридаги ҳар қандай умид ва даъволарга нуқта қўйишга ҳаракат қилди. Лекин шунга қарамай, Элизабет тез-тез ўзига кетадиган харажатлардан сиқиб, йиққанларини уларга юбориб турарди. У Уикхемларнинг қўлида бор даромадларни ўйламай совурадиган ва келажакни ўйламайдиган бу икки ёш учун жуда камлигини жуда яхши билар эди. Ва улар ҳар сафар у ёқ бу ёққа кўчиб ўтганларида Жейн ҳам, Элизабет ҳам уларнинг ҳозир қарз сўрашларини сезиб туришарди. Уикхемларнинг ўзини тутишлари, улар ўз жойларига қайтиб келганларидан сўнг ҳам аввалгидек тараллабедод бўлиб қолаверди. Улар доим арзонроқ жой топиш умидида бир жойдан иккинчи жойга кўчишар, натижада эса керагидан ортиғини ишлатиб юборишар эди. Уикхемнинг Лидияга бўлган қизиқиши жуда тез сўнди. Лидияники эса бир оз чўзилди. Ва қиз ўзининг кўриниши ва келиб

чиқишига қарамай, обрўси у турмушга чиқиш арафасида қандай бўлган бўлса, ҳали ҳам шундай эди.

Мистер Дарси Уикхемни Пемберлида кўришни асло истамаса-да, Элизабет учун Уикхемнинг иш топишида мадад бериб турарди. Эри Лондонда ёки Батда айшини суриб юрган пайтда Лидия баъзан Пемберлига меҳмонга келарди. Улар Бинглиникига ҳам шунчалик кўп келишардики, фариштадек бўлган Бингли ҳам Уикхемга энди жўнаш кераклигини айтишга мажбур бўларди.

Дарсининг уйланиши мисс Бинглининг қалбини қаттиқ яралаган бўлса-да, у Пемберлига бориш имкониятини қўлдан бермаслик учун бу туйғуни ҳеч кимга айтмай қўя қолди. У Жоржианадан илгаригидан ҳам ҳайратда эди, Дарсига ҳали ҳам яхши муносабатда бўлиб, Элизабетга нисбатан эса ўзини ўта эҳтиромли тутарди.

Жоржиана энди бутунлай Пемберлида яшай бошлади. Ва қизлар ўртасида Дарси умид қилган яқинлик бор эди, улар ҳатто бир-бирларини жуда яхши кўрардилар. Бошида Жоржиана Элизабетнинг акаси билан қувноқ ва қизиққонлик билан гаплашаётганидан бир оз қўрқиб турган бўлса, энди Элизабетни жуда яхши кўриб қолган эди. У ўзи доимо ғоятда ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлган одам энди Элизабетнинг қувноқ ҳазилларига сабаб бўлаётган эди. Ва қиз аста-секин илгари ҳеч унинг хаёлига келмаган бир нарсага ақли етди: қиз бола акасига қилишга ҳадди сиғмаган муносабатни аёл киши эрига қила олар экан.

Жиянининг Элизабетга уйланиши леди Кэтринни ғоятда ғазаблантирди. У кутилаётган тўйга таклиф қилиб жўнатилган хатга жавобида ўзини қўйиб юборди. Жавобда, айниқса, Элизабет ҳақига, шунчалик ҳақоратли сўзлар бор эдики, анча вақтгача Розингсга бориш орқага сурилди. Лекин кейинчалик, Дарси Элизабетнинг илтимоси билан аразни йиғиштириб қўйиб, ярашишга рози бўлди. Леди Кэтрин томондан бир оз

тихирликдан сўнг, жиянини жуда яхши кўргани сабабми, унинг хотини ўзини қандай тутаётганига қизиқиши устун келибми, ахири ёшларга нисбатан юмшоқ муносабатда бўла бошлади. Ва шу даражага етдики, нафақат бу ерга муносиб бўлмаган бека билан, балки унинг Лондондан амма-холаларининг келишлари билан ҳам булғанган бўлса-да, леди Кэтрин Пемберлига ҳам келадиган бўлди.

Ёш келин-куёв Гардинерлар билан жуда илиқ муносабатда қолишди. Дарси ҳам, худди Элизабетдек, уларни жуда яхши кўрарди. Иккови ҳам Элизабетни Дербиширга олиб келиб, уларнинг бирга бўлишларига сабаб бўлган инсонлардан бир умр миннатдор бўлишди.

(Тамом)

МУНДАРИЖА

Муаллиф ва мутаржим ҳақида сўз
Нусратулло Жумахўжа 3

БИРИНЧИ БЎЛИМ 7
ИККИНЧИ БЎЛИМ 143
УЧИНЧИ БЎЛИМ 251

Адабий-бадиий нашр

ЖЕЙН ОСТИН

АНДИША ВА ҒУРУР

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 08.10.2014 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 12,625. Шартли босма тобоғи 21,21.
Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қоғози.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 213.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
Лицензия рақами: AI № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru